

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



Йўлдошев Н.Қ., Умарходжаева М.Ғ., Абдиев Б.Қ.

“РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР БОЗОР ТАЖРИБАСИ”
(ўқув қўлланма)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини муваффақлаштирувчи кенгаш томонидан олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим мутахасисликлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

Тошкент-2011

Йўлдошев Нуридин Қурбонович, Умарходжаева Муяссар Ғаниевна, Абдиев Беҳзод Қувваталиевич. Ривожланган мамлакатлар бозор тажрибаси. Ўқув қўлланма. -Т.: Иқтисодиёт, 2011. - 365 б.

Ўқув қўлланма Давлат таълим стандартининг талабларига мувофиқ тайёрланган бўлиб, талабаларнинг ривожланган мамлакатлар бозор тажрибасининг узига хос хусусиятлари, тадбиркорлик ва иқтисодий ривожланишнинг ривожланган мамлакатлар моделлари фаолиятини ўрганишига бағишланган.

Дарслик 5А340201 – “Менежмент” (тармоқлар бўйича) мутахассислиги талабалари учун мўлжалланган, шунингдек дарсликдан аспирантлар, илмий тадқиқотчилар, малака ошириш ва кайта тайёрлаш курсларида тадбиркорлар фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир: И.ф.д., проф. Жумаев Н.Х.

Тақризчилар: И.ф.д., проф. Шодиев Т.Ш.

И.ф.н.Иштаев А.А.

Учебник подготовлен в соответствии с требованиями Государственного образовательного стандарта и содержит зарубежный опыт развития рыночных отношений, предпринимательства, особенности развития моделей экономического развития развитых стран.

Учебник предназначен для студентов, обучающихся по специальностям 5А340901 «Бухгалтерский учет», 5А340902 «Аудит», 5А340904 «Учет и анализ внешнеэкономической деятельности». Кроме того данным учебником также могут пользоваться аспиранты, соискатели, слушатели курсов подготовки и переподготовки предпринимателей.

Ответственный редактор, д.э.н., проф.Жумаев Н.Х..

Рецензенты: д.э.н., проф. Шодиев Т.Ш.

И.ф.н. Иштаев А.А.

Yuldashev Nuritdin Kurbanovich, Umarhodjaeva Muyassar Ganievna, Abdiev Behzod Quvvatalievich. market experience of the developed countries. The textbook. -Т.: TSUE, 2011. - 371 p.

The textbook is prepared according to the requirements by the State educational standard and assumes the students training market experience of the developed countries.

The textbook is intended for the students on specialities 5А340201 "Management" (branches). Besides the given textbook is also useful for post graduates, competitors.

Editor in chief prof. **Jumayev N.H.**

The reviewers: **prof. Shodiyev T.SH.**

doc. Ishtayev A.A.

© Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, 2011.

КИРИШ

Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси шундай дейдилар: “Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом еттиришни тақозо етмоқда.

Бу ўринда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва мамлакатимиздаги хомашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори кўшимча қийматга ега бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқлари ҳақида сўз бормоқда.

Ана шу мақсадларга еришиш учун “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастур тасдиқланди. Ушбу дастур саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил етадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутди.

Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Бу борада машинасозлик, автомобилсозлик, кимё, озик-овқат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобидан ушбу тармоқларда икки баробардан зиёд ўсишга еришилади”.

Талабаларга мазкур фан хусусиятлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида келтирилган материаллар, қоидалар ва хулосаларни пухта ўзлаштиришлари, келгуси фаолиятда

самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндашишлари таъминлаш фанни ўрганиш олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички маанбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш хал қилувчи устувор йўналишига айланди.¹

Ана шу масалалар бўйича ҳақиқий аҳволни атрофлича ўрганишимиз, ҳозирги вақтда мутахассислар тайёрланаётган ҳар қайси ихтисослик йўналиши реал ҳаёт талабларига қай даражада жавоб бериши, унга нафақат бугунги, балки яқин истикболда қандай эҳтиёж борлигини ҳар томонлама чуқур аниқлашимиз лозим.

¹ И.А.Каримов Асосий вазифамиз –ватанимиз тараккиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.:Ўзбекистон 2010 – 62 бет

1-БОБ. РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ БОЗОР ТАЖРИБАСИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1.Ривожланган мамлакатларнинг бозор тажрибасини ўрганиш зарурияти

Иқтисодиётнинг бозор усули жаҳон узра кенг қулоч ёзмақда. Иқтисодий муносабатларни самарали ташкил этиш ва ресурсларни оқилона жойлаштириш аввалдан инсоният диққатини, айниқса иқтисод илми аҳлини, ўзига жалб этиб келган. Бунда ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш имкониятини туғдирувчи ҳар қандай ижтимоий шакл тан олинган. “Ресурслар тақчиллиги – эҳтиёжнинг поёнсизлиги” муаммоси инсониятни доимо ўйлантириб, буни хал қилишда инсон бозор усулини танлаган ва уни энг маъқул усул деб билган.

Маълумки, жамият ихтиёридаги ишлаб чиқариш имкониятлари, иқтисодий ресурслар, меҳнат ресурслари, турли маблағлар, табиий бойликлар, ер кабилар поёнсиз эмас, яъни бу ресурслар чегараланган бўлиб, улардан фойдаланиш, уларни жойлаштириш оқилона ёндошувни талаб этади.

Башарти маълум тармоқлар тезроқ тараққий этиб, бир хилдаги товарлар ишлаб чиқариш кўпайтирилса, демак бунга кўпроқ ресурслар жалб этилади ҳамда шунга кўра қолганларига камроқ ресурслар сарф этиш зарурияти туғилади. Бундай альтернатив (яъни икки йўлдан бирини) танлаш муаммоси туғилади.

Иқтисодий тараққиёт амалиёти шунини исботлаб бормоқдаки, ҳозирги вақт бозор иқтисодиёти ҳукмронлиги ресурсларни самарали тақсимлаб жойлаштириш ва иқтисодий ўсишни тезлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва юқори турмуш даражасини таъминлаш имконини туғдиради. Бундай тизим меҳнатни рағбатлантириш ва шахсий бойликни, пировардида эса миллий бойликнинг ортиб боришини тезлаштиради.

Бозор тизими барча мамлакатлар иқтисодига хос бўлиб, у ўз доирасини тўхтовсиз кенгайтириб бормоқда. Бу айниқса, цивилизация даражасига боғлиқ бўлиб, у ўз тараққиёт жараёнини тезлаштириб бормоқда. Энг тараққий этган ва қудратли иқтисодиёт салоҳиятига эга бўлган мамлакатлар асосан бозорча усул туфайли халқ фаровонлигини юқори кўрсаткичларига эришмоқдалар. Булар аввало юқори даражали индустриал мамлакатлардир. Буларнинг

кетидан бораётган ва бозор муносабатларига ўтишда яхши натижаларга эришаётган мамлакатларнинг сони ортиб бормоқда.

Цивизацияли иқтисодиёт (маданийлашган иқтисодиёт) бозор механизмини, бозор муносабатларини такомиллаштириб, бозор иқтисодиётига, умуман иқтисодий тараққиётга катта ўзгаришлар киритмоқда. Бу иқтисодиётнинг ижтимоий йўналиши, давлатнинг иқтисодиёт воқелигига иштирокининг кенгайиши, аралаш иқтисодиётнинг аҳамиятли бўлиб бориши кабиларда ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон ҳам ўз иқтисодий тараққиётида бозор йўлини танлади. Зеро, Ўзбекистон фақат бозоргина инсон манфаатларига мос меҳнатни рағбатлантирувчи механизмга эга бўлгани, жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг ҳозирги босқичига жуда мослиги, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олиши, ишлаб чиқаришни истеъмолчилар манфаатига бўйсундириши, тежамли хўжалик юритишнинг кучли, оқилона жихатларини яратиши, янгиликларга сезгирликни ошириши ва фан-техника ютуқларини дадил жорий этиш шароитларига эга бўлиши кабиларни эътиборга олган ҳолда узил-кесил бозор муносабатларига ўтишни тан олиб, бозор иқтисодиёти сари дадил қадамлар қўймоқда.

Давлатимиз Президенти И.А. Каримов айтганидек, “Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом еттиришни тақозо етмоқда”¹.

Собиқ Иттифоқнинг тарқалиши, ўз мустақиллигини таъминлаш, иқтисодий комплексдан чиқиш, миллий иқтисодиётни шакллантириш, индустрлаштириш каби жиддий қийинчилик шароитларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш бошланди. Янги иқтисодий тузумга ўтиш янги технология асосида ишлаб

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз қаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

чиқариш тузумини ўзгартириш ва уни боқариш муносабатлари асосида олиб бориш билан биргаликда амалга оширила бошлади. Қисқа вақт ўтишига қарамай ўтиш иқтисодиёти давомида катта муваффақиятлар кузатилмоқда. Марказлашган умумрежали маъмурий иқтисодиёт ўрнига бозорча эркин иқтисодиёт сари катта қадамлар босилди. Бозор муносабатларига ўтишни таъминловчи йирик ўзгаришлар юз бериб, эркин иқтисодий тараққиёт учун шароитлар яратилмоқда. Бозор иқтисодиёти асослари юзага келмоқда.

Бозорни асосан талаб, таклиф, рақобат ва бозор баҳоси кабилар шакллантиради. Умуман олганда баҳонинг ташкил топиш усулига қараб хўжаликларни бозор ёки нобозор хўжаликлар қаторига қўшиш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтишни уч томони мавжуд бўлиб, бу умумийлик, хусусийлик ва жаҳон тажрибасидир. Умумийлик бозор иқтисодига ўтишда барча мамлакат, худуд ва халқлар учун бир хилдир. Айталик, унинг умумий даражалари (категория), механизмлари, муносабатлари мавжудки, улар миллий давлат чегараларини тан олмайди, барчага тааллуқли ва зарурдир, буларсиз бозор умуман ўз мазмунига эга бўлмайди. Лекин ҳеч вақт бозор муносабатларининг шаклланиши мамлакатларда бир хилда юз бермайди. Чунки, бозор иқтисодига ўтишда мамлакатларда ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлиб, бунга таъсир кўрсатувчи томонлар, омиллар кўпдир. Ҳар бир мамлакатда бозор иқтисодиётининг барпо этилиши умумий қонуниятларнинг аниқ шароитда амалга ошиши ва барча мавжуд хусусиятларни, аниқ шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда реаллашуви мумкин. Бу жараёнда ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси, интеллектуал ҳолати, моддий бойликлар, айниқса табиий бойликлар, меҳнат ресурслари каби имкониятлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Агар буларга географик жойлашув, миллийлик, урф-одат, халқ бирлиги кабиларни қўшсак, умумий шароит яна ҳам ойдинлашади.

Бозор иқтисодига ўтишдаги энг муҳим томонлардан яна бири жаҳон тажрибаси, мамлакатлар ҳамкорлигидир ва бу бозор иқтисодиётининг зарур доимий қисмидир. Чунки бозор иқтисодига ўтиш жараёнининг фақат мамлакатнинг ўз йўли билан чегараланиш доимо муваффақиятли яқунланмайди. Жараёни тез режалаштириш ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, уларни ўзлаштириш ва тадбиқ қилишни талаб этади. Бу бозор иқтисодига

ўтиш муаммоларини тез хал қилиш, ортиқча урунишларни олдини олиш, синовдан ўтган усул ва йўллари қўллаш имконини беради.

Бундан ташқари ривожланган мамлакатлар бозор тажриабси жаҳон иқтисодиётига қўшилиш, жаҳон стандартларини ўзлаштириш имкониятларидан фойдаланиш учун ҳам йўл очади. Чунки жаҳонга юз тутиш, халқаро иқтисодий муносабатларда иштирок этиш, ҳар бир мамлакат иқтисодиётида фаолият кўрсатиш аввало уни ўрганиш, билиш ва ўз жойини топа билишни талаб этади. Бунинг учун мавжуд йиғилган иқтисодий фаолият тажрибалари, иқтисодий шароитлар, хусусиятларни англашгина бунга йўл очиши мумкин. Жаҳон стандартларини

1.1.1.-чизма

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг таркибий қисми

олсак, бу юқори даражали талаб асоси бўлиб, аввало бундай стандартлар, бунга яратувчи технология ва эришилган тажрибанинг ўзлаштирилиши талаб этилади.

Шундай қилиб бозор иқтисодиётига ўтишнинг таркибий қисми бўлган жаҳон тажрибаси уч томонлама аҳамият касб этади:


- бозор иқтисодиёти шаклланиши ва

таракқий этиши билан боғлиқ ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш;

- жаҳон иқтисодиётига қўшилиш мақсадида мамлакатлар бозор ривож тажрибасини ўрганиш;

- жаҳон стандартлари даражасида бўлишлик учун илғор мамлакатлар бозор тажрибасини қўллаш.

Кўриниб турибдики бозор иқтисодиёти шаклланиши ва унинг мустақамланиши, таракқий этиши ривожланган мамлакатлар тажрибасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу жараён ахборот учунгина



бўлмай, бозор амалиёти учун зарурдир ва буни ўрганиш, қўллаш, фойдаланиш технологияси билан мустаҳкамланиши талаб этилади. Тажрибалардан фойдаланиш эса хусусийлик шароитлари, миллийлик, маҳаллийлик билан мустаҳкамланиши мавжуд қўллаш шароитларига тўла объектив холда мослаштирилиши талаб этилади.

Бозор тажрибаларини ахборот учун ўрганиш ўз йўлига эга бўлиб, асосий мақсад уларни тўла сингдириб, бевосита қўллаш даражасига олиб келишгина самара бериши ва иқтисодий жараёни тезлаштириши мумкин. Ривожланган мамлакатлар тажрибаларини тўғридан-тўғри қўллаш мумкин эмас ва уларни мавжуд шароитларга тўла мослаштирган холда ўзгартириш, маҳаллий талаблар, усулларидан тўла фойдаланилган холда қўллаш яхши самаралар беради.

Ривожланган мамлакатлар бозор тажрибаси бозор иқтисодиёти асосларига кириб, бунга алоҳида аҳамият бериш талаб этилади. Буни Фан сифатида тан олиш, шакллантириш, предмет ва усулларини белгилаш муҳим бўлиб, бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти учун зарур шартдир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига жаҳон иқтисодиёти ривожини туфайли ёндошув ҳам муҳимдир. Бозор иқтисодиёти ривожини билан жаҳон иқтисодиёти шаклланиши ўсиб боради. Мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни икки томонлама ўз аксини топади:

- иқтисодий ресурслар жойланиши;
- жаҳон меҳнат тақсимооти.

Маълумки ресурслар, ишлаб чиқариш омиллари ер юзидан бир хил жойлашган бўлмай, жуда турличадир. Бир хил мамлакатларда табиий бойликлар хиллари ва миқдори кўп бўлса, бошқа хили кам ёки миқдори оз бўлиши мумкин. Шунингдек, табиий иқлим ҳам бунда асосий роль ўйнаши мумкин. Ишлаб чиқариш мавжуд ресурслар асосида бўлиб, маҳсулот етиштириш шунга боғлиқ бўлиши мумкин. Бу маҳсулалашувга олиб келиб, маълум маҳсулотлар кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши ва бунинг миқдори ички истеъмол хажмидан катта бўлиши ҳамда четга чиқариш зарурияти туғилиши мумкин. Бу билан жаҳон савдоси, мамлакатларнинг ташқи савдоси авж олиши юз бериши мумкин.

Ташқи иқтисодий муносабатларда аввало табиий омиллар, сўнгра маҳсулотлар иштирок этади. Сўнгра маҳсулалашув орқали капитал, иш кучи ва технология алмашуви юзага келади.

Экспорт ва импорт ортиқчалик туфайли амалга ошса, сўнгра заруриятга айланиб, оддий иқтисодий ҳаракатга айланади. Бу барча ҳалқаро иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади.

Ташқи иқтисодий муносабатлар ривожини жаҳон иқтисодиётининг шаклланишига олиб келиб, унинг ривожланиши, кенгайишига олиб келади ва ўз навбатида тажрибалар алмашувини кучайтиради. Демак, ривожланган мамлакатлар бозор тажрибасининг аҳамияти жаҳон иқтисодиёти ривожини туфайли ўсиб боради, таъсир доирасини кенгайтириб ва у ўз таркибий қисмига айлантириб боради.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланиши билан ривожланган мамлакатлар бозор тажрибасининг заруриятини кучайтириб, бозор иқтисодига ўтувчи мамлакатларга таъсирини орттиради ва бозор иқтисодига ўтишни тезроқ бошидан кечириш тараққиёт йўлига ўтишни тезлаштиради.

1.2. Ривожланган мамлакатлар бозор тажрибасининг магистрлар фаолиятидаги аҳамияти

Магистр бозор иқтисодиётида етакчи, катта мутахассис сифатида инновацион фаолият кўрсатувчи шахс ҳисобланади. У ўз мавқеига кўра илғор, комплекс мутахассисдир. Чунки у ҳақиқий раҳбар ва йирик ташкилотчи бўлиши талаб этилади. Шунинг учун ҳам магистр ўз номи, фаолият хусусияти билан доимо янгиликка интилувчи, жараёнга янгилик киритиб борувчи ходим ҳисобланади.

Мамлакатлар бозор тажрибасини ўрганиш доимий тартибда бўлиб, узулишга йўл қўймаслик зарур. Бу доимий кундалик талабга айланганидагина тегишли фойда бериши мумкин. Узилган холда ёки истаган вақтдагина эътибор бериб шуғулланиш кутилган натижа бермай, маълумотлардаги яхлитликни таъминламайди. Шунинг учун аввало бунга ажратиладиган вақтни мазмунли аниқлаш тақозо этилади. Шу билан бунга бу иш учун ажратиладиган ва белгиланган вақт маълумот ва ахборот олиш шарт-шароитларига бўйсундирилган бўлиши шарт. Лекин қандай бўлмасин белгиланган вақт доимий тавсифда бўлиши муҳимдир.

Кейинги зарур талаблардан яна бири манбааларни аниқлаш ҳисобланади. Ишни бошлаш ва боғланишдан олдин ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш манбаини тўла аниқлаш ва унинг тури, хилини танлай билиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилади. Бусиз иш самара бериши қийин. Бунда аниқлик бўлмаса вақтнинг

беҳуда кетиши, вақтни унумсиз ўтказиш мумкин. Манбааларни белгилашда энг, янгилик томонлари бор, фойдаланиш осон бўлганларини танлаш ва уларга мослашиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу ҳар томонлама энгиллик туғдиради.

Манбааларни тўғри белгилагандан кейин фойдаланиш усуллари ва йўлларини аниқлаб белгилаш керак бўлади. Чунки ҳар бир манбаадан фойдаланишнинг ўз шарт-шароитлари бўлиши мумкин. Буларни тезроқ тўла билган холда ҳаракат қилиш яхши самарага олиб келиши маълум. Шарт-шароитлар манбааларга қараб бошқача бўлиши, шу билан бирга улар осон хал қилинадиган ёки мушкулроқ бўлиб, турлича ёндошувга олиб келиши мумкин.

Ҳар соҳага ўхшаган ривожланган мамлакатлар бозор тажрибасини ўрганиш тизимлиликни талаб қилади. Бунда бевосита фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилотга хос ёки тармоққа тааллуқли бўлиб, буларга кўпроқ эътибор бериш зарур бўлади. Бу соҳадаги маълумот ва ахборотлар биринчи навбатда ва тезроқ, кўпроқ бўлиши турган гап.

Шу билан бирга мамлакатлар бўйича кўпроқ зарурларини ажратиш мумкин бўлади. Корпорациялар, транс миллий компанияларга аниқлик киритиш фойдадан холи эмас.

Умумий оқимли соҳа, мамлакатлар тизими бўлиши мумкин. Айтайлик, етакчи “саккизлик” мамлакатлари, ёки Япониянинг ўзи, янги индустриал Шарқий Осиё мамлакатлари, шунингдек собиқ социалистик иқтисодли бозорга ўтувчи мамлакатлар ёки собиқ Итифоққа кирувчи Ўзбекистонга ўхшаган суверен мустақил давлатлар кабиларга бўлинган холда ўрганиб, маълумотлар йиғиш ва таҳлил қилиш маълум маънони белгилайди ва тизимлар турлилигига қараб иш тутишга ундайди.

Магистр учун энг муҳим нарса маълумотларни таҳлил эта билиш ва максимум равишда фойдалана олишдир. Бизнес фаолиятда янгиликка интилиш ривожланган мамлакатларда бозор тажрибасини қўллай билишни талаб этади. Бунинг учун бунга тааллуқли маълумот, ахборотларни таҳлил этиш, тўла тушуниш ва амалиётда ишлата олиш даражасига олиб келиш ишларини амалга ошириш жараёнларини бажариш керак. Шу билан бирга ўз амалиётидаги ўлчовларга таққослай билиш салбий ва ижобий томонларини аниқлай билиш муҳимдир. Шу тақдирда амалда қўллаш учун йўл очилиши мумкин.

Таҳлил эта билиш, таққослаш хулоса чиқаришга олиб келиб, амалий йўлларни аниқлаш талаб этилади. Бунинг учун бу

тажрибалардан келиб чиқадиган хулосалардан фойдаланиш йўллари, усулларини белгилаш билан боғлиқ ишларни бажариш керак. Бунда самарадорликни белгилаш амалда қўллаш даражасини аниқлаш билан боғлиқ вазифалар адо этилади.

Магистр тажрибаларни амалий қўллай олиши учун синов ишларини олиб бориш, имкони бўлса лаборатория тузиб, унда тажриба қилиб кўриш, лойиҳалар тузиш, дастурлар белгилаш каби ишларни бажара оладиган даражада бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Маълумот, ахборотларни тизимлай билиш ва вақт, ҳудуд, тармоқлар бўйича тартиблаштириб бориши зарур. Буларни йиғиш тартиби, уларни ўринлаштириш ва керакли вақтда қайта фойдаланиш имконини берувчи тартибли ҳолда сақланишини таъминлаш талаб этилади.

Ривожланган мамлакатларда бозор тажрибасини ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш диққат билан иш тутишни тақозо этади. Шу билан бирга бу маълумот ва тажрибалардан фирма ички фаолияти ва чет иқтисодий ҳаракатларда, шунингдек ҳалқаро фаолиятда фойдаланишда мустақил иш юрита билиш магистрдан малакали бўлишни талаб этади.

Магистр бу соҳада илмий ишлар олиб бориши ҳамда тажриба материалларидан эркин ҳолда кенг фойдалана олишни тақозо этади. Чунки бу соҳадаги фаолият шахсан ўз манфаати билан чегараланмай бошқалар учун фойда келтириши керак.

Магистр жаҳон бозори тажрибасидан кенг фойдаланиши учун бунга тааллуқли воситаларни билиши ва эркин тарзда ишлата олиши зарур. Булар интернет, компьютер, илмий адабиётлардан иборатдир. Бунда бошқаларнинг ёрдамсиз мустақил ишлай билиши зарур.


Шуни таъкидлаш керакки, бозор муносабатлари ҳаракати, бизнес авжи жаҳон тажрибасисиз кутилган натижа бермайди ва бу вақтинчалик нарса бўлмай, доимий давом этувчи, тўхтовсиз янгилашиб турувчи ходисаларки, буни ҳеч қўлдан бермай доимо шуғулланиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳар бир магистр учун ихтиёрий заруриятга айланиши ҳамда хавас, кўнгил қўйиш билан бажарилиб бориши талаб этилади. Магистр учун жаҳон бозор тажрибасини ўрганиб, уни амалда қўллаб бориш зарур шартдир.

1.3. Ривожланган мамлакатлар тушунчаси

Бозор иқтисодига ўтишда жаҳон тажрибаси ичида ривожланган мамлакатлар алоҳида ўрин эгаллайди. Ривожланган мамлакатлар бозор муносабатлари асосида катта-катта иқтисодий муваффақиятларни қўлга киритганда, ҳатто асрлар ичида чиниқиб, жуда кўп марта синовлардан ўтган. Бу муносабатлар чиниққан, мураккаблашган, самарадорлигини амалда исботлаган ва иқтисодиётни юқори чўққиларга олиб чиқиб, ривожланишнинг тезлашувини таъминлаган. Ривожланган бозор усули мамлакатлар жамияти тараққи -

1.3.1. расм

Дунё мамлакатларини тоифалаштириш



ётнинг моддий асосига айланиб, унинг барча муаммоларини хал қилишда негиз ҳисобланади. Чунки бу мамлакатлар ўз тараққий этган иқтисодиётларига асосланган ҳолда ички ва ташқи вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш шароитларига эга бўлган давлатлардир. Бундаги энг муҳим томон юқори техникали ишлаб чиқариш ханизмларига эга бўлиш, барча халқ хўжалиги соҳа ва тармоқларини саноат усули билан таъминланганлиги бўлиб, бу ёппасига юқори унумли меҳнатни жорий этиш имконини туғдиради. Бозор усули таъсири остида иқтисодиётнинг тузумли тузилиши туб ўзгаришларга олиб келиб, биринчи сектор ҳисобланган табиатга асосланган қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик, балиқчилик ялпи ички маҳсулотда орқага сурилиб, биринчи ўринга хизмат кўрсатиш, сўнгра саноат ва қурилиш чиқади. Саноатда эса ишлов берувчи тармоқлар етакчи ўринни эгаллаб, саноат асосини ташкил этган. Саноат усули халқ хўжалигини барча соҳаларига тарқалиб, унинг технологик асосини ташкил этган. Бу эса умумий ривожланишни таъминлаб, жамият талабини қондириш жараёнини тезлаштирган.

Бозор иқтисодиёти цивилизациялашган бўлиб, инсон манфаатига қаратилиши, ижтимоий йўналишда бўлишлиги асос ҳисобланган. Ёввойилашган эркин рақобатнинг олдини олиш йўллари қўлланилиб, маданий усуллари ўрин эгаллаган. Бозор муносабатлари маркетинг ва консюмеризм билан мустаҳкамланиб, истеъмолчилар манфаатидан келиб чиқишга бўйсунган бошлаган.

Бозор муносабатлари жамият ижтимоий – иқтисодий ҳолатининг юқори даражали бўлишини таъминлай олди. Демократик тартиблар ҳукмронлиги таъминланди. Аҳолининг ҳуқуқий эркинлиги ўрнатилиб, инсоний манфаатлар устуворлиги таъминлана бошлади. Инсоний ҳаётини кафиликнинг юзага келиши энг муҳим ва асосий ютуқлардан ҳисобланади.

Иқтисодий эркинлик, демократик ҳолат, инсон ҳуқуқларини таъминлаш кабилар жамият тараққиётига айланди. Бунда ривожланган мамлакатларда аҳоли турмуш даражаси, турмуш сифати етакчилик қилиб, тараққиётнинг энг асосий кўрсаткичларини ташкил этади. Турмуш даражасининг асосини моддий таъминланиш, ҳаётини шароитлар мавжудлиги ташкил этади. Бу мўл-кўлчиликнинг таъминланишини зарур шарт қилиб қўйса, шу билан бирга бунинг инсон ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлишини талаб этади. Харидорлик қобилиятининг юқори даражада бўлиши эркин ва тўла истеъмолга йўл очади. Булар эса турмуш даражаси юқорилигининг

асосларини белгилайди. Товарлар ва хизматлар мўл-кўлчилигининг инсон истеъмолига қаратилиши шахсий даромадлар даражасига боғлиқдир.

Ривожланган мамлакатларда шахсий даромад бошқаларга нисбатан жуда юқори бўлиб, бу турмуш даражасининг ўсиб боришида асос ҳисобланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, техник тараққиёт юқорилиги, ялпи ички маҳсулот таркиби такомиллашганлиги, меҳнат унумдорлигининг юқорилиги, маошларининг катталиги, даромадларнинг юқори даражада бўлишини таъминлайди. Ривожланётган мамлакатларга нисбатан бу соҳадаги фарқ жуда катта бўлиб, 8-10 мартани ташкил этади. Айтайлик, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларини Собиқ Иттифок республикалари билан таққосласак, ўртача бир ишчининг кундалик яратган маҳсулоти миқдори 8-9 марта кўп. Ёки маҳсулот таркибидаги меҳнат қисмини олсак, ривожланган мамлакатларда 60-80% ни ташкил этса, суверен мустақил давлатларда 30-35%дан ошмайди.

Ривожланган мамлакатларда иш жойлари анча қиммат баҳоланади ва иш кучи жуда қадрлидир. Шунинг учун ҳам меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар жуда қадрли ҳисобланади ва кам меҳнатли маҳсулот ишлаб чиқариш муҳим бўлиб, аввало интеллектуал меҳнатга талаб юқоридир..

Маошларнинг юқори бўлиши, даромадларнинг катталиги истеъмолнинг юқори бўлишини таъминлайди ва истеъмолнинг тўла ҳамда сифатли бўлишига асос солади. Турмуш даражасининг юқорилиги ва ўсиб бориши турмуш сифатини таъминлайди. Турмуш сифати эса аввало истеъмол даражаси, ҳаётий шароитларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Турмуш сифати яхши яшаш, эркин ҳаёт кечириш ва бунинг учун барча моддий ва номоддий шароитларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам турмуш сифатини фақат моддий бойликлар билан ўлчаб бўлмайди. Бунинг омиллари жуда кўп бўлиб, цивилизацияли жамият тараққиётининг энг катта муваффақияти ҳисобланган ҳолда у энг муҳим ходисадир.

Турмуш сифати касал бўлишлик, шахсий хавфсизлик, табиий муҳит, ишсизлик, турли хил товарлар ва хизматларни истеъмол этиш даражалари билан белгиланиб, энг муҳими умр узоклигидир. Маълумки, ривожланган мамлакатларда ўртача умр узоклиги 85 йилга тенг бўлса, ҳатто бу кўрсаткич 25 йилга тенг мамлакатлар ҳам

мавжуд. Энг умр узоқлиги Япония бўлиб 87 йилни ташкил этади. Россияда бу кўрсаткич 65 йилдан иборат.

Бозор иқтисодиёти ривожланишнинг энг маъкул усули, чунки бу имкониятлардан максимал фойдаланиш шароитини яратади. Шу билан бирга истеъмолчилар манфаатидан келиб чиқиб, иқтисодий тараққиётни халқ манфаатига боғлай олади. Ривожланган мамлакатлардаги эришилган иқтисодий даража бозор муносабатлари ривожини натижасидир. Бу шунчалик инсон манфаатларини ттаъминлай оладикки, кўпчилик бундай мамлакатларга хавас билан қараб, шу даражага эришишни истайди, шундай мамлакатларда яшашга интилади. Бундай инсонга хос ҳақиқий ҳаёт кечириш учун мос иқтисодиёт бозор муносабатлари туфайли яратилишини ривожланган мамлакатларда бозор тажрибаси амалда исботлаб бермоқда.

Маълумки, жаҳон иқтисодий стандартлари ривожланган мамлакатлар тажрибасидан олинади. Шу билан биргаликда экологик муаммоларни хал қилишда ҳам ривожланган мамлакатлар бозор тажрибаси устунлик қилмоқда.

1.4. Ривожланган мамлакатлар белгилари

Жаҳон иқтисодиёти кўп турли иқтисодиётлардан иборат ўлиб, у бир неча гуруҳларга бўлинади. Бунинг ичида 3 хил йирик гуруҳларга бўлиниши эътиборлидир. Булар: ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётли мамлакатлардир. Мамлакатларни бу асосий гуруҳларга қўшишлик турли усул (критерия)лар билан белгиланади. Энг аввало иқтисодиёт тафсилоти, яъни бозор ёки ўтқинчи иқтисодиёт билан мамлакатлар фарқланади ва баҳоланади. Сўнгра ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Бунда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқариш хажми унинг аҳоли жон бошига тўғри келиши ҳамда ЯИМнинг тармоқлар бўйича тузуми, турмуш даражаси ва сифати билан ўлчанади.

1.4.1.-жадвал

Жаҳон мамлакатлари ялпи маҳсулотининг тақсимланиши 2010 йил

№	Мамлакатлар номи.	Ялпи ички маҳсулоти (номинал), млн.доллар.	Ялпи ички маҳсулоти (номинал), %.
---	-------------------	--	-----------------------------------

1.	Афганистон	13 320	0,0231
2.	Албания	11730	0,0203
3.	АҚШ	14270000	24,804
4.	Ангола	69710	0,1211
5.	Антигуа ва Бардуба	1180	0,002
6.	Аргентина	301300	0,5237
7.	Арманистон	8683	0,015
8.	Австралия	920 000	1,5991
9.	Австрия	374400	0,6507
10.	Багама	7403	0,0128
11.	Бахрайн	19360	0,0336
12.	Бангладеш	92120	0,1601
13.	барбадос	3595	0,0062
14.	Белгия	461500	0,8021
15.	Белиз	1407	0,0024
16.	Белоруссия	49040	0,0852
17.	Бенин	6401	0,0111
18.	БАА	228600	0,3973
19.	Балгария	44780	0,0778
20.	Боливия	17550	0,0306
21.	Босния ва Герсеговина	16960	0,0294
22.	Ботсвана	10810	0,0187
23.	Бразилия	1482000	2,576
24.	Бруней	14700	0,0255
25.	Буркина Фасо	7780	0,0135
26.	Бурунди	1410	0,0025
27.	Бутан	1493	0,0025
28.	Буюк Британия	2198000	3,8206
29.	Дания	308300	0,5358
30.	Доминика	376	0,0006
31.	Доминикана Республикаси	44720	0,0777

32.	Эфиопия	33920	0,0589
33.	Эквадор	55610	0,0966
34.	Экваториал Гвинея	11180	0,0194
35.	Эритрея	1694	0,0029
36.	Эрон	331800	0,5767
37.	Эстония	18050	0,0313
38.	Фижи	3048	0,0052
39.	Филлипин	3048	0,0052
40.	Финляндия	242300	0,4211
41.	Франция	2635000	4,5802
42.	Габон	10940	0,019
43.	Гаити	6908	0,012
44.	Гамбия	726	0,0012
45.	Гана	14760	0,0256
46.	Гаяна	1196	0,002
47.	Германия	3235000	5,6231
48.	Гондурас	14580	0,0253
49.	Гренада	683	0,0011
50.	Гретция	338300	0,588
51.	Грузия	10980	0,019
52.	Гватемала	36470	0,0633
53.	Гвинея	4436	0,0077
54.	Гвинея-Бисау	438	0,0007
55.	Хиндистон	1243000	2,1606
56.	Индонезия	514900	0,895
57.	Иордания	226800	0,3942
58.	Ироқ	70100	0,1218
59.	Исландия	11780	0,0204
60.	Испания	1438000	2,4995
61.	Исроил	215700	0,3749
62.	Италия	2090000	3,6328

63.	ЖАР	277400	0,4821
64.	Жазоир	134800	0,2343
65.	Жибути	1089	0,0018
66.	Кабо-Верде	1755	0,003
67.	Камбоджа	10900	0,0189
68.	Камерун	21820	0,0379
69.	Канада	1319000	2,2927
70.	Кения	30210	0,0525
71.	Кипр	23220	0,0403
72.	Кирибати	114	0,0001
73.	Колумбия	228600	0,3973
74.	Конго	8632	0,015
75.	Конго Демократик Республикаси	11100	0,0192
76.	Корея Республикаси	800300	1,3911
77.	Корея Халқ Демократик Республикаси	27820	0,0483
78.	Коста Рика	29290	0,0509
79.	Котд'ювар	22910	0,0398
80.	Куба	55430	0,0963
81.	Лаос	5721	0,0099
82.	Латвия	24200	0,042
83.	Лесото	1624	0,0028
84.	Либерия	868	0,0015
85.	Литва	35960	0,0625
86.	Ливан	32660	0,0567
87.	Ливия	60610	0,1053
88.	Лихтенштейн	4993	0,0086
89.	Люксембург	46510	0,0808
90.	Мадагаскар	8974	0,0155
91.	Малави	4909	0,0085
92.	Малайзия	207400	0,3605

93.	Малдив	807,5	0,0014
94.	Мали	8757	0,0152
95.	Малта	7714	0,0134
96.	Марказий Африка Республикаси	1983	0,0034
97.	Марокаш	90780	0,1577
98.	Маршалл ороллари	161,7	0,0002
99.	Маврикий	9156	0,0159
100.	Мавритания	3241	0,0056
101.	Мексика	866300	1,5058
102.	Микронезия	238,1	0,0004
103.	Миср	188000	0,3267
104.	Молдавия	5328	0,0092
105.	Манголия	4212	0,0073
106.	Мозамбик	9654	0,0167
107.	Мянма	26520	0,046
108.	Намибия	9039	0,0157
109.	Непал	12470	0,0216
110.	Нидерландия	789700	1,3726
111.	Нигер	5323	0,0092
112.	Нигерия	165400	0,2875
113.	Никарагуа	6298	0,0109
114.	Норвегия	369000	0,6414
115.	Озарбайжон	42510	0,0738
116.	Палау	164	0,0002
117.	Панама	24750	0,043
118.	Папау янги Гвинея	8200	0,0142
119.	Парагвай	13610	0,0236
120.	Перу	127400	0,2214
121.	Покистон	166500	0,2894
122.	Полша	423000	0,7352

123. Португалия	219800	0,382
124. Қамар ороллари	525	0,0009
125. Қатар	92540	0,1608
126. Қирғизистон	4681	0,0081
127. Қозоғистон	107000	0,1859
128. Қувайт	114900	0,1997
129. Россия	1255000	2,1814
130. Руанда	5011	0,0087
131. Руминия	160700	0,2793
132. Салвадор	22170	0,0385
133. Самоа	567	0,0009
134. Сан-Марино	1048	0,0018
135. Сан-Томе ва Принсипи	189	0,0003
136. Саудия Арабистони	379500	0,6596
137. Сенегал	12610	0,0219
138. Сент-Китс ва Нйовис	547	0,0009
139. Сент-Лйусия	991	0,0017
140. Сент-Винсент ва Гренадина	625	0,001
141. Сербия	42390	0,0736
142. Сейшел ороллари	656	0,0011
143. Сингапур	163100	0,2836
144. Словакия	88300	0,1534
145. Словения	49550	0,0861
146. Соломон ороллари	668	0,0011
147. Сомали	2731	0,0047
148. Судан	54290	0,0943
149. Суринам	3147	0,0054
150. Сурия	54350	0,0944
151. Свазиленд	2929	0,005
152. Сйерра-Леоне	2064	0,0035
153. Таиланд	266400	0,463

154. Танзания	22160	0,0385
155. Того	2771	0,0048
156. Тожикистон	4577	0,0079
157. Тонга	259	0,0004
158. Тринидад ва Тобаго	2300	0,0399
159. Тунис	39570	0,0687

Юқоридаги жадвални қуйидагича туркумлаш мумкин. Бундан хулоса шуки, дунёда 20 давлат ер шари куруқлигининг 61,78% ташкил қилар экан, дунёда 20 давлат ер шари аҳолисининг 70,55%ни ҳамда дунёда 20 давлат жаҳон ялпи ички маҳсулотини 82,45%ни ташкил қилар экан. Эътибор берсангиз турли рангларга бўялган мамлакатлар бу уч кўрсаткичда иштирок этган: яъни, Россия ер шари куруқлигини 11,48% эгаллаган ҳолда 2,06% дунё аҳолисига эга, шу билан бирга 2,18% дунё ялпи ички маҳсулотида улуши бор.

1.4.2.-жадвал

Жаҳон мамлакатлари ялпи маҳсулотининг тақсимланиши 2010 йил

Maydoni, %		Aholisi, %		Yalpi Ichki Mahsulot, %	
Rossiya	11,48	Xitoy Xalq Respublikasi	19,49	Amerika Qo'shma Shtatlari	24,80
Kanada	6,70	Hindiston	17,29	Yaponiya	8,78
Amerika Qo'shma Shtatlari	6,47	Amerika Qo'shma Shtatlari	4,52	Xitoy Xalq Respublikasi	8,27
Xitoy Xalq Respublikasi	6,40	Indoneziya	3,46	Germaniya	5,62
Braziliya	5,72	Braziliya	2,82	Fransiya	4,58
Avstraliya	5,16	Pokiston	2,48	Buyuk Britaniya	3,82
Hindiston	2,20	Bangladesh	2,39	Italiya	3,63
Argentina	1,87	Nigeriya	2,30	Tuvalu	2,60
Qozog'iston	1,83	Rossiya	2,06	Braziliya	2,58
Sudan	1,68	Yaponiya	1,85	Ispaniya	2,50
Jazoir	1,60	Meksika	1,58	Kanada	2,29
Kongo Demokratik Respublikasi	1,57	Filippin	1,37	Rossiya	2,18
Saudiya Arabistoni	1,44	Vyetnam	1,25	Hindiston	2,16
Meksika	1,32	Efiopiya	1,24	Avstraliya	1,60
Indoneziya	1,28	Germaniya	1,19	Meksika	1,51
Liviya	1,18	Misr	1,15	Koreya Respublikasi	1,39
Eron	1,09	Eron	1,09	Niderlandiya	1,37
Mongoliya	1,05	Turkiya	1,06	Turkiya	1,03
Peru	0,86	Kongo Demokratik Respublikasi	0,99	Indoneziya	0,90
Chad	0,86	Tailand	0,98	Shveysariya	0,84
JAMI	61,78	JAMI	70,55	JAMI	82,45

Жалвалда 160 дан ортиқ мамлакатни 3 гуруҳга бўлинган ҳолда асосий иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган. Юқори даражали кўрсаткичга 24 мамлакат ажратилган бўлиб, уларнинг аҳоли сони 13,5 %га тенг бўлган ҳолда умумий ялпи маҳсулотда 80%га тенг

бўлган. Аксинча, паст даражали мамлакатлар сони 45 та бўлиб, аҳолининг миқдори 55 %га тенг бўлган ҳолда умумий ЯИМнинг 5%инигина ташкил этган. Жон бошига олганда ЯИМ 324 доллар бўлиб, юқори даражали мамлакатларга нисбатан 71 марта пастдир. Истеъмол хажмини таққосласак, бу кўрсаткич бўйича тафовут 60 баробарга тўғри келади.

Ўрта даражадагиларга нисбатан ҳам аҳоли жон бошига ЯИМ 11 баробар ва истеъмол хажми бўйича эса 10 баробар юқоридир.

Юқори даражадагилар албатта ривожланган мамлакатлардир. Булар билан бошқа мамлакатлар иқтисодий даражасидаги фарқ жуда катта. Айниқса паст даражали мамлакатлар билан таққослаш кескин фарқлар мавжудлигини кўрсатади. Шу билан бирга ривожланган мамлакатлар жуда катта имкониятларга эгаллиги ва устувор аҳамиятли истиқодиёт даражасида эканлигини билдиради.

Ривожланган мамлакатлар каторига Ғарбий Европа мамлакатларининг барчаси, АҚШ, Канада, Япония, Австралия, Янги Зеландия каби мамлакатлар киради. Шу билан бирга 1997 йилдан бошлаб жанубий Корея, Сингапур, Гонконг, Тайвань ва Исроилни кирита бошланди. Шундай қилиб бундай мамлакатлар сони 30 тага етди. Албатта буларнинг сони кўпайиб боради. Бу аввало Европа Иттифоқига қўшиладиган Польша, Венгрия, Чехия, Словения, Кипр, Эстониялар ҳисобига бўлади.

Ривожланган мамлакатлар ичида ЯИМ бўйича энг салмоқликлари бўлган “Еттиликларни” ажратадилар. Булар: АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Канада, Италиялардан иборат.

1.4.3-жадвал

Ривожланган “Еттиликлар” кўрсаткичлари 2010 йил

№	Мамлакатлар	Аҳоли миқдори, млн.	Ялпи ички маҳсулоти (номинал), млн.доллар.	Ялпи ички маҳсулоти (номинал), %	ЯИМ хажми, млн. долл.	Жон бошига ЯИМ, долл.	Ўртача умр кўриш, йил ҳисобида
1.	АҚШ	282	14 270 000	24,804	9646	34260	77
2.	Канада	31	1319000	2,2927	840	27500	78
3.	Германия	82	3235000	5,6231	2054	25010	77
4.	Япония	127			3354	26460	81
5.	Франция	59	2635000	4,5802	1440	24470	79
6.	Буюк Британия	60	2198000	3,8206	1407	23550	80
7.	Италия	58	2090000	3,6328	1348	23370	78

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, бу мамлакатлар ҳақиқатдан ҳам жаҳонда энг иқтисодий ривожланган

н мамлакатлар ва ҳар томонлама кучли, инсон тақдирини белгиловчи иқтисодий юқори кўрсаткичларга эга.

Ривожланган мамлакатларда бозор тажрибасида муҳим белгилардан яна бири шуки, аҳолига хизмат кўрсатиш жуда тараққий этган бўлиб, иқтисодиётнинг кўпчилигини ташкил этади. Бу айниқса бандлик даражасида сезиларлидир. Айтайлик, АҚШда хизмат соҳасидаги бандлик умумийга нисбатан 85%ни ташкил этади. Ғарбий Европа мамлакатларида ҳам бу кўрсаткич 65-80 %га боради. **СММ мамлакатлари**ни олсак, бу соҳадаги бандлик 27-30%дан ошмайди. Демак, жамият тараққиётида хизмат кўрсатиш соҳаси асосий белги бўлиб ҳисобланади. Кейинги гуруҳга кирувчи мамлакатлар ривожланаётганлар бўлиб, булар бозор иқтисодиётли ва иқтисодий паст риводланган мамлакатлардир. Ҳалқаро валюта фондида кирувчи 182 мамлакатдан 121 таси шулар қаторига киради. Булар кўпчиликни ташкил этувчи ва аҳоли сони бўйича энг йирик мамлакатлар бўлишига қарамасдан жаҳон ЯИМ маҳсулотнинг 28% тўғри келади, холос. Булар жуда турли даражадаги мамлакатлардир. Чунки анча ривож топган, жон бошига ЯИМ кўп тўғри келадиган Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари билан бирга жуда қолоқ мамлакатлар ҳам кўп. Эрон кўрфази, янги индустриал Осиё мамлакатлари албатта бошқалардан ўз иқтисодий даражаси бўйича фарқланади.

Бу гуруҳдаги нефть экспорт қилувчи ОПЕК мамлакатларини ажратадилар. Чунки табиий бойликка эга мамлакатлар ўз иқтисодиётини анча мустаҳкамлаб, келажакда ривожланиш имконига эга бўладилар.

Асрий қолоқлик, табиий қашшоқлик, денгизга чиқишдан маҳрум бўлган, табиий офатлар тез дуч келадиган шароитдаги кам ривожланаётган мамлакатлар сони ортмоқда ва улар ҳозир 47 тага етган. Булардаги энг муҳим муаммо қолоқлик, қашшоқликни олдини олиш учун иқтисодий ресурсларнинг йўқлигидир.

Учинчи мамлакатлар гуруҳи ўтувчи иқтисодиётлилар бўлиб, булар асосан собиқ социалистик маъмурий-буйруқбозликдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлардир. Бу 12 Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ва 15 Собиқ Иттифоқ республикаларидир. Шунингдек, Монголия, Хитой ва Вьетнамлардир. Бу гуруҳдаги мамлакатлар жаҳон ЯИМнинг 12 %ини ҳосил қилади. Бунинг ичида Россия – 3%, Хитой – тахминан 12 %ни ташкил этади. Ҳозирги вақтга келиб собиқ социалистик маъмурий-буйруқбозлик иқтисоди тизимида фақат Куба ва Шимолий Корея мамлакатлари қолди.

1.5. “Ривожланган мамлакатлар бозор тажрибаси” фани предмети ва усуллари

“Ривожланган мамлакатларда бозор тажрибаси” фанининг предмети жаҳон бозори тажрибаси таҳлили ва уни ўрганишдан иборат бўлиб, бунда асосий диққат ривож топган мамлакатларга қаратилади. Бу жараён тизимли тавсифга эгадир. Аввало бозор иқтисодиётига ўтиш ва унинг ривожланишига оид умумий масала, қоидаларга эътибор бериб, қисқача талқин берилади. Бу таққослаш ва предметни аниқлаш ҳамда белгилашга ёрдам беради. Булар қаторига бозор иқтисодиёти шаклланиши асосий шартлари, кўп мулкчилик, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес, бозор миллий моделлари кабиларни киритиш мумкин.

Аввало энг йирик ва юқори даражада ривожланган ҳамда бозор ривожи эталони вазифасини бажарувчи мамлакатлардан АҚШ, Япония, Франция ва Германия иқтисодиётининг шаклланиши, ривожланиши хусусиятлари, белгилари таҳлил этилган ҳолда баён этилади. Маълумки, бу мамлакатларнинг бозор соҳасидаги тажрибалари жуда катта ва уларга тақлид қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга бу мамлакатларнинг жаҳон мамлакатлари ривожига таъсири катта ва бу соҳада жуда хажмли салоҳиятга эга.

Ривожланган мамлакатлар етакчиларини бирлаштирувчи “еттилик” алоҳида ўрганилади. Шунга ўхшаш Европа Иттифоқи ҳам мустақил ўрин ажратилиб таҳлил этилади. Аҳамиятига кўра эътибор беришни талаб қилувчи Хитой мамлақатидаги бозор ислохотларига ҳам алоҳида ўрин ажратилиб, бундаги диққатга сазовор тажрибага арзийдиган масалалар кўриб чиқилади.

Ўзига хослик хусусиятлари мавжуд бўлган Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар “Осиё аждаҳолари” ва “Осиё йўлбарслари” деб аталиб, буларда ҳам бозорга ўтиш ва уни мустаҳкамлаш соҳасида кенг тажрибалар мавжуд. Шу билан бирга буларга Ўзбекистонга хос менталитет ўхшовликлар бўлиб, биз учун амалий аҳамиятлидир.

Бозорга ўтишда собиқ социалистик иқтисодли мамлакатлар тажрибаси, айниқса ҳозирги СММ мамлакатлар тажрибалари диққатга сазоворки, бизнинг амалиётимизда ўхшовлик кўп учрайди. Булар ҳам диққатга сазовор бўлиб, таҳлил этилган ҳолда ўрганилади.

Марказий Осиё давлатлари бизга бевосита кўшни ҳолда умумийликлар кўп ва буларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва тараққиёти кўп жihatдан умумжаҳон ташкилотлари фаолиятига боғлиқдир. Булар БМТ, Жаҳон валюта фонди ва шу тоифадаги банклар кабилар бўлиб, буларни ўрганишлик кераклигини даврнинг ўзи тақозо этади.

Бундан ташқари иқтисодий ҳамкорликка қаратилган ҳалқаро бирлашмалар, келишувларнинг ҳам аҳамияти кам эмас, уларнинг фаолият тажрибаларини ўрганиш, амалиётимизга тааллуқли томонларини белгилаш фойдадан холи эмас. Айниқса бунда Ўзбекистон бевосита алоқадор бўлган ташкилотлар аҳамиятлидир, қайсики сармоялар ва ташқи савдо билан боғланган жаҳон, қитъалар банклари, ҳалқаро савдо ташкилоти кабилардир.

Ривожланган мамлакатлар бозор тажрибасини ўрганишда давлат иқтисодий фаолиятига аҳамият берилади. Чунки бозор усули иқтисодиёт тараққиётини тўлийғича таъминлай олмайди ва бунинг учун кўшимча механизмлар талаб этилади. Бошқача қилиб айтганда, бозор умумий иқтисодий тараққиёт учун ёрдамга мухтождир. Бундай ёрдамчи куч давлат ва жамият фаолияти бўлиб, цивилизация тараққий қилган сари буларнинг аҳамияти ўсиб бормоқда ва бозор шароитида иқтисодий тараққиётнинг ижтимоийлик таъсирини кучайтириш, истеъмолчилар манфаатини ҳимоялаш, иқтисодий истиқболларни белгилаш, пул-кредит, солиғ, бюджет сиёсатларидан тўғри фойдаланиш имконини бермоқда. Ижтимоий инфратузилманинг асосан давлат тасарруфида бўлиши ва бунинг бозор иқтисодиётига самарали таъсири, умуман давлат ва бозор иқтисодиётининг бир-бирига мос ҳолда ҳаракатда бўлиши иқтисодий тараққиёт ва аҳоли турмуш даражаси муаммоларини хал қилишда жуда қўл келмоқда. Бундаги энг муҳим томонлар бозорни ижтимоий тартиблаштириш, миллий иқтисодиётни ҳимоялаш, иқтисодий стратегияларни бошқариш, давлат тижоратини уюштириш кабилардан иборат.

Жаҳонда икки қарама-қарши тизимлар мавжудлигида капитализм асосан салбий ҳисобланар ва фақат эксплуатация мазмунида талқин этилар эди. Албатта бунинг бозор иқтисодига ўтиш даврларига оид XIX ва XX аср биринчи яримларида жонли томонлари мавжуд эди. Лекин сўнгра, айниқса ҳозирги бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар салмоғи ортиб бориши билан бундай тушунчалар ўзгармоқда. Чунки бу жараён бозор иқтисодиёти

тараққиёти билан ижтимоий муаммоларнинг муваффақиятли хал қилиниб бориши туфайли ижобий ўзгармоқда ва инсонийлик, инсонпарварлик мазмунини ошқор қилмоқда ва бозор иқтисодиёти ривожини ўз мазмунини кўпроқ очмоқда.

“Ривожланган мамлакатларда бозор тажрибаси” фанининг предметини ўрганишда таққослаш, тарихий-мантикийлик усулларни тажрибада синаш кабилар асосий усуллари қилиб қўлланилади. Ҳақиқатдан ҳам усуллар қабул қилиш муаммоларини ижобий хал қилишда ижобий ўрин эгаллаши мумкин. Чунки ҳар қандай бозор иқтисоди соҳасидаги тажрибаларни тўғридан-тўғри бошқа мамлакатларда қўллаб амалга тадбиқ этиб бўлмайди. Бу жараён жуда мураккаб ва эҳтиёткорликни талаб этади-ки, ҳар томонлама таҳлил этиш, ўлчаш, таққослаш, фойдали томонларини аниқлаш, муайян шароитларга мослигини белгилаш ва қўлланиладиган шароитларни тўла эътиборга олиш кабиларни аниқлашда зарур ва самарали усуллардан фойдаланиш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон иқтисодиёти ривожланиши билан ривожланган мамлакатлар бозор тажрибасини ўрганиш заруриятини кучайиб, бозор иқтисодига ўтувчи мамлакатларга таъсирини орттирмоқда ва бозор иқтисодига ўтишни тезроқ бошидан кечириш тараққиёт йўлига ўтишни тезлаштирмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, бозор муносабатлари ҳаракати, бизнес авжи жаҳон тажрибасисиз кутилган натижа бермайди ва бу вақтинчалик нарса бўлмай, доимий давом этувчи, тўхтовсиз янгиланиб турувчи ходисаларки, бунини ҳеч қўлдан бермай доимо шуғулланиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳар бир магистр учун ихтиёрий заруриятга айланиши ҳамда хавас, кўнгил қўйиш билан бажарилиб бориши талаб этилади. Магистр учун жаҳон бозор тажрибасини ўрганиб, уни амалда қўллаб бориш зарур шартдир.

Маълумки, жаҳон иқтисодий стандартлари ривожланган мамлакатлар тажрибасидан олинади. Шу билан биргаликда экологик муаммоларни хал қилишда ҳам ривожланган мамлакатлар бозор тажрибаси устунлик қилмоқда.

“Ривожланган мамлакатларда бозор тажрибаси” фанининг предметини ўрганишда таққослаш, тарихий-мантикийлик усулларни тажрибада синаш кабилар асосий усуллари қилиб қўлланилади. Ҳақиқатдан ҳам усуллар қабул қилиш муаммоларини ижобий хал қилишда ижобий ўрин эгаллаши мумкин. Чунки ҳар қандай бозор

иқтисоди соҳасидаги тажрибаларни тўғридан-тўғри бошқа мамлакатларда қўллаб амалга тадбиқ этиб бўлмайди. Бу жараён жуда мураккаб ва эҳтиёткорликни талаб этади-ки, ҳар томонлама таҳлил этиш, ўлчаш, таққослаш, фойдали томонларини аниқлаш, муайян шароитларга мослигини белгилаш ва қўлланиладиган шароитларни тўла эътиборга олиш кабиларни аниқлашда зарур ва самарали усуллардан фойдаланиш талаб этилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Миллий бозор иқтисодиёти шаклланишидаги жаҳон тажрибаси аҳамияти нимадан иборат?
2. Ривожланган мамлакатлар бозор тажрибаси моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Ривожланган мамлакатлар бозор тажрибаси ўрганиш магистрантлар учун нимага керак?
4. Ривожланган мамлакатлар қандай белгилар билан фарқланади
5. Жаҳон мамлакатлари гуруҳий турларини айтиб беринг.
6. Турмуш сифати деганда нимани тушуниш керак?
7. Ривожланган мамлакатлар бозор тажрибасининг предмети нима?
8. “Ривожланган мамлакатларда бозор тажрибаси” фанида иқтисодий ҳамкорлик тушунчасини изоҳланг.
9. Ривожланган мамлакатлар етакчиларини бирлаштирувчи “еттилик” ҳақида нималарни биласиз?
10. Ушбу фанни ўрганувчи магистр асосан нималарга эътибор бериш лозим?

2-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

2.1. Бозор иқтисодиётининг асосий моҳияти

Бозор цивилизацияли тараққиёт маҳсули бўлиб, у инсон иқтисодий фаолиятининг юқори чўққисидир. Иқтисодий фаолият амалиёти шуни тасдиқлайдики, хўжаликни бозор асосида уюштириш энг самарали усулдир. Чунки у иқтисодий тараққиётни ҳақиқатдан ҳам инсон манфаатидан келтириб чиқаради.

Бозорнинг тарихи катта, у қадам-қадимдан маълум нарса. Айниқса, шарқ бозорлари асрлар оша ўз довуғини таратиб келган. Ўзбекистон ҳудудида ҳам шундай бозорлар ва “Буюк Ипак Йўли” каби савдо йўллари ўтган. Лекин ҳозир бозор иқтисодиётини қурмоқдамиз. Бунда қарама-қаршилик, тушунмовчилик мавжуддек туйилади. Бунинг учун бозор иқтисодиёти моҳиятига диққатимизни қаратишимиз керак.

Бозор эскидан олди-сотди жойи, сотувчи ва харидорлар жойи, чакана савдо жараёни билан чегараланиб, қадимий “Шарқ бозори” мазмунини билдириб, ҳаёт асосан натурал хўжаликка асосланган бўлади. Бозор оддий ва ҳаётий юзаки тушунчани билдирса, бозор иқтисодиёти тўла мазмунли ва илмий тушунчадир.

Бозор иқтисодиётида истеъмолнинг барчаси бир тизим сифатида бозор муносабатлари асосида шаклланиб ривожланади. Ишлаб чиқариш бозорнинг асосий механизмларидан бири бўлган таклифга айланиши туфайли реаллашади. Моддий ишлаб чиқариш жараёни қанчалик муҳим аҳамият касб этмасин, у истеъмол учун аталган ва бозор шароитида талабдан келиб чиқади. Чунки инсон истеъмоли унинг эҳтиёжи талабга айланиши туфайлигина юзага келади. Бозор муносабатлари шароитида бозордаги талаб асос бўлганлиги учун ишлаб чиқариш.восита сифатида хизмат қилади, ишлаб чиқариш бозор иқтисодиёти таркибида бўлиб, унинг моддий асосини ташкил этади. Умуман ишлаб чиқариш бозор муносабатлари, унинг қонун талаблари асосида ривожланади. Демак, бозор иқтисодиётида инсон талаби, унинг истеъмоли юқори бўлгани холда ишлаб чиқариш бунинг воситаси вазифасини бажаради ва талаб учунгина хизмат қилади. Шунинг учун бозор иқтисодиётида товар муомаласи тушунчаси билан бирга иқтисодий алоқа усули, умуман

хўжалик юритиш усули тушунчалари мавжуд, буларни асло инкор этиб бўлмайди.

Лекин бозор иқтисодиётининг моҳияти муомала ва иқтисодий алоқаларга нисбатан кенгдир. Бозор иқтисодиёти аввало барча хўжалик тармоқлари, иқтисод турлари, соҳаларига таъсир ўтказди. Бундай таъсир этиш микроиқтисодиёт билан чегараланмай, балки макроиқтисодиётнинг асосий томонларига мазмун бериб, уларни ўз доирасига олади. Маълумки, иқтисодий пропорция, баланслар бозор таъсирсиз бўлиши мумкин эмас. Чунки аввало ресурслар бозори мавжуд бўлиб, уларнинг жойлашуви ва тақсимланиши бозор механизмлари таъсири остида бўлади. Ишлаб чиқариш соҳалари ва уларнинг ҳосиласи – товарлар бозорининг асоси ҳисобланган талаб таъсири туфайлигина реаллашмоғи мумкин.

Шундай қилиб бозор иқтисодиёти товарлар муомаласи, иқтисодий алоқа усулигина бўлиб қолмай, балки иқтисодий тизимдир, яъни иқтисодиёт тизимига хос барча хусусиятларни ўзида акс эттирувчи ва иқтисодиётнинг барча томонларига таъсир этиб, ўзига қамраб олувчи иқтисодий тизимдир. Бозор иқтисодиёти иқтисодий соҳалар ва тармоқларнинг ўзаро боғлиқлиги асосидаги бирликдир.

Бозор иқтисодиёти деганда аввало бозор усулидаги иқтисодиёт, бозор муносабатлари асосидаги ривожланаётган иқтисодиётни тушунамиз. Иқтисодиётнинг айрим қисмлари ёки айрим ҳудуд иқтисодиётида бозор муносабатларининг таъсир этиши эмас, балки иқтисодиётнинг асосий ва кўпчилик қисмида ёки асосан иқтисодиётнинг бозор муносабатлари асосида тўла ривожланишидир. Бундай ҳолда иқтисодиёт бозор мазмунига эга бўлади, чунки бозор муносабатлари тасодифий, айрим ҳолларда учрайдиган воқелик бўлмай, балки у умумий ва оммавий иқтисодий ходиса бўлиб, зарурий талаб ҳолатига айланади. Бозор иқтисодиётида бозор муносабатлари тизими юзага келади ва иқтисодиёт шундай тизим асосида ривожланади.

Бозор иқтисодиёти эркин ҳаракатдаги, ўзини-ўзи бошқарувчи ва тартибга солувчи ички қудратга эга. Бу қудрат – куч бозор муносабатлари, бозор механизмларидир.

Бозор иқтисодиётининг эркинлик хусусияти аввало тадбиркорлар ва танлов эркинлигидан иборатдир. Хусусий тадбиркор иқтисодий ресурсларни эркин қўлга киритиш ва эгаллик қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, ресурслардан ихтиёрий равишда товарлар ишлаб

чиқариш, шунингдек фирмаларнинг истаги бўйича уларни сотиш имконига эгадир. Нима ишлаб чиқариш, қачон, қанча, қаерда, маҳсулотларни қандай тасарруф этиш эркин ҳолда ҳал қилинади. Тадбиркорларнинг маълум тармоқда иш кўриш ёки тармоқдан чиқиш ихтиёри ўзларида бўлиб, бунга тўсиқлик қилувчи куч бўлмаслиги керак.

Эркин танлаш имконини олсак, бозор шароитида капитал ва моддий ресурслар эгаларининг буларни ўз ихтиёрлари бўйича ишлатиш ёки иш тутиш ҳуқуқи ва имконига эга бўлишдан иборатдир. Шу билан бирга ишловчилар истаган меҳнат тури билан шуғуллана олиш имконига ҳам эга бўладилар. Сўнгра истеъмолчилар ўз даромадлари ҳажмига қараб истаган миқдорда, сифатда бирор ёки турли хилдаги товар ва хизматларни сотиб оладилар. Истеъмол танлови энг кучли эркинликдир. Шу нуқтаи назардан ишлаб чиқарувчи – сотувчининг эркинлиги харидор эркинлигига боғлиқ ва шундан келиб чиқиб, пировардида ишлаб чиқарувчининг эркинлиги харидор эркинлиги туфайли реаллашади.

Бозор иқтисодиётининг муҳим томони шуки, у инсон манфаатидан келиб чиқади. Чунки барча бозор иштирокчилари гўё ўзларининг шахсий манфаатлари учун курашадилар, амалда эса деярли барчанинг манфаати таъминланади.

Маълумки, амалда товар ишлаб чиқарувчи тадбиркор – сотувчи фақат ўз шахсий манфаатини асос қилиб олади ва барча фаолиятини шунга қаратади. Истеъмолчи эса имкони борича арзонроқ мол олиш ва кўпроқ фойдага эришишга ҳаракат қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида барча шахсий манфаат устида қайғуради ва бири иккинчисининг ҳисобига ўз манфаатини таъминлашга уринади. Лекин айтганимиздек, деярли барчанинг манфаати таъминланади.

Ишлаб чиқарувчи – сотувчи истеъмолчини манфаатини ўйламайди, у ўзини ўйлаб ҳаракат қилади ва истеъмолчи – харидор ҳисобига бойишни чамалайди. Лекин тадбиркор албатта товарини сотиши керак. Бу эса фақат унга боғлиқ эмас. Товар сотилиши учун истеъмолчининг манфаатини ифодаловчи талаб шаклланиши зарур. Бу эса асосан истеъмолчи - харидорга боғлиқдир. Тадбиркор истеъмол талабига мос товар ишлаб чиқариши мумкин ҳолос. Ҳар қандай шароитда ҳам тадбиркор истеъмолчини эътиборга олишга мажбур. Бозор иқтисодиётининг қонуни шуки, унда талабга мос, сотиладиган товарларгина ишлаб чиқарилади. Истеъмол ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг мақсадидир ва ишлаб чиқарувчининг

манфаатлари шунинг учун ҳам эътиборлики, у истеъмолчилар манфаати учунгина хизмат қилади.

Демак, тадбиркорнинг манфаати харидорнинг манфаатига мутлоқ боғлиқдир. Тадбиркорнинг манфаати инсон шахсий манфаати туфайли рўёбга чиқиши мумкин. Бозор муносабатларигина иқтисодиётни инсон манфаатига тўла қарата олади. Бу эса бозорнинг асосий устунлиги, барқарорлиги ва истиқболлини белгилаб беради. Айтиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида манфаатлар мослиги, шу туфайли иқтисодиётнинг тўлақонли ҳаракати, юқори даражали тараққиёти таъминланиши мумкинлиги мавжуддир. Манфаатлар мослиги, айниқса инсон шахсий манфаатини асосланганлиги бозор иқтисодиётига қудратли куч бағишлайди.

Бозор иқтисодиётида товар ишлаб чиқариш жуда аҳамиятлидир. Асли бозор товар ишлаб чиқариш маҳсулидир. У қадимий иқтисодий воқеликка эга бўлиб, ўз тараққиёти туфайли бозорни юзага келтиради. Маълумки, товар ишлаб чиқаришнинг туб моҳияти айирбошланиш, бозор учун ишлаб чиқаришдир. Маҳсулот айирбошланиш, унинг даражаси, мавжуд шакллари товар ишлаб чиқаришга боғлиқдир. Зеро, бозор муносабатлари товар ишлаб чиқариш ва унинг муомаласи туфайли юзага келиб ривожланади.

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши товар ишлаб чиқаришни ва муомаласини тараққий эттириш, уларнинг юқори даражасига эришувини талаб этади. Бу аввало, бозор учун зарур товарлар мавжудлигига эришиш билан боғлиқдир. Маълумки, бу жуда юқори даражада бўлмоғи зарур. Кенг тармоқли, катта хажмдаги ва жуда хилма-хил товарлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш керак. Шундай йўл билангина бозор иқтисодиётининг моддий асоси яратилади. Бу айни вақтда зарур бозор муносабатлари учун иқтисодий шароитларни кенгайтириб боради.

Маълум даражагача бу жараён товар ишлаб чиқаришдан келиб чиқса, сўнгра аҳамият нуқтаи назаридан ўзаро ўрин алмашиш юз бериб, бозор иқтисодиёти тизими шаклланиши туфайли товар ишлаб чиқаришга таъсир кучайиб боради. Натижада товар ишлаб чиқариш бозор иқтисодиёти қисмига айланиб, унинг моддий асосини яратувчидан иборат бўлади. Энди бозорнинг ривожини товар ишлаб чиқариш миқдосига боғлиқ бўлиб қолади ва талабнинг миқдори ва тузумига боғлиқ бўлади.

2.2. Бозор иқтисодиётининг етакчи механизмлари

Бозор иқтисодиётида аҳамиятли, уни ривожлантирувчи, ҳаракат мазмунини белгиловчи механизмлар бўлиб, уларсиз бозор иқтисодиётини тасаввур этиб бўлмайди. Туб мазмуни билан бозор моҳиятини белгилаб

берувчи

механизмлардан

талаб, таклиф,

рақобат, бозор

баҳосини кўриб

чиқайлик. Бозор

механизмларини

корхоналарнинг

бошқарилиши, иш

юритилиши,

хўжаликнинг ташкил

этилиши бозор

мазмунида бўлиши,

умумий бозорча

иқтисодий


йўналишда таъсир этишида сезамиз ва бозор ҳаракатини улар туфайли амалга ошувида кузатамиз.

Талаб бозордаги энг муҳим ходиса бўлиб, у инсон шахсий манфаатидан келиб чиқади ва шунга хос иқтисодийликни ўзида акс этади. Талаб инсонга бевоситалик, унинг манфаатини бозорда ифодалаш туфайли бозор иқтисодиётининг туб мазмунига асосий таъсир кўрсатади ва унинг ҳаракат йўналишини белгилаб беради. Истеъмол эҳтиёж – талаб шакллари бошдан кечирмоғи зарур. Талаб мавҳум нарса эмас, у фақат истак эмас, балки реал воқеликдир. Эҳтиёж маълум ва аниқ пул миқдори билан қопланса у талабга айланмайди. Демак, истеъмолчи бозорда талаб мазмунида ҳаракат қилар экан, у, зарур миқдордаги пул билангина ўз эҳтиёжини талабга айлантира олади. Шунинг учун ҳам бозордаги талаб пул билан қопланган, харидликни тўла таъминлай оладиган харидор-истеъмолчининг намоён бўлишидир. Пулсиз талаб шаклланмайди ва эҳтиёж истак ва ҳаёл даражасида қолаверади.

Истеъмол учун аввало товардан фойдаланиш асос бўлиб, истеъмол талабларига мос келишини аниқлайди, сўнгра унинг

2.2.1.-чизма

Ишлаб чиқариш ва талаб даврларига оид ифода-тушунчалар



баҳосига эътибор беради. Кўпинча товар баҳоси талабни белгиловчи асосий омилга айланади.

Талаб ўзгариши мавжуд бўлиб, у баҳолар ўзгариши ва холати, харидорлар миқдори ва уларнинг диди, истаги, истеъмолчилар пул даромади, ўрнини босувчи товарлар хажми, инфляция эҳтимоли кабиларга боғлиқ бўлиб, булар айна вақтда талаб омиллари ҳисобланади. Талабга энг асосий таъсир кўрсатувчи омиллар даромад ва баҳодир. Даромад юқори бўлса талаб ўсади, баҳо юқори бўлса талаб пасаяди.

Талабнинг бир неча турлари ва кўринишлари мавжуд бўлиб булар: салбий, яширин, камайиб борувчи, узилувчан, ортикча, ўсаётган талаб кабилардир. Шу билан бирга нормал ва вахимали талаблар ҳам мавжуд.

Таклиф механизми ишлаб чиқариш томони, унинг бозорда ифодаланишидир. Бунинг аҳамияти нуқтаи назаридан талабдан кейинги муҳим механизмлардир. Айирбошлаш, сотиш учун ишлаб чиқарилган товарлар таклифни шакллантиради. Таклифсиз товар ишлаб чиқариш амалга ошмайди, у таклиф шаклидагина реаллашади. Товар ишлаб чиқарувчининг мақсади даромад экан, у товарининг истеъмолчисини топиб, ўз мақсадига эришуви даркор. Бу ўзидан-ўзи бўлмайди ва у албатта талабни қондиришга аталган бўлиши керак.

Талабга ҳар томонлама мос товар ишлаб чиқарилиши таклифнинг асосидир. Бозорда сотувга таклиф этилган товарлар хажми, таклиф этилган товарлар миқдори дейилади. Бу ишлаб чиқариш миқёси тузумига боғлиқдир. Бозорга чиқмаган маҳсулот қисми таклифга кирмайди.

Таклифнинг бир неча омиллари мавжуд. Буларнинг қаторига, аввало таклиф этиладиган товарлар баҳоси даражаси, ишлаб чиқариш технологияси, товар ишлаб чиқарувчилар миқдори, ишлаб чиқариш омиллари баҳоси, солиқлар ва субсидиялар, баҳоларнинг ошиш эҳтимоли кабиларни кўшиш мумкин.

Таклиф миқдорига кучли таъсир кўрсатувчи омил бозорда сотиладиган товарлар баҳосидир. Товарлар баҳосининг кўтарилиши ишлаб чиқарувчини рағбатлантиради. Бу эса ишлаб чиқаришни кенгайтиришга олиб келади. Баҳоларнинг пасайиши, албатта бунинг акс холатига олиб келади. Демак, таклиф йўналиши бундай холатда баҳо ҳаракатига қараб белгиланади.

Талаб ва таклиф биргаликда ҳаракат қиладиган ва бир-бирини белгилаб келадиган механизмлардир. Талаб таклифсиз ва акс ҳолда таклиф талабсиз бўлиши мумкин эмас.

Ресурсларга нисбатан бозордаги талаб ва таклифнинг шаклланишида ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Умуман ресурсларнинг иқтисодий баҳога эга бўлиши уларнинг талабга нисбатан мувозанатига боғлиқдир. Талабга нисбатан ресурслар оз бўлса, улар ресурслар қаторига қўшилади, талабга нисбатан кўп бўлса табиий бойликлар ҳисобланади. Булар иқтисодга нисбатан ички ва ташқи ҳолатда бўлиб, ишлаб чиқариш зарурияти билан боғлиқ элементлардир.

Умуман ресурслар чекланиш билан боғлиқдир. Меҳнат ашёлари, меҳнат воситалари ишлаб чиқариш ресурсларини ташкил этиши мумкин. Лекин тараққиёт ресурслар чегарасини кенгайтириб боради ва мазмунини ўзгартиради. Шу билан бирга постиндустрия даврига хос бўлган илм-фан ресурсларини ҳисобга олмай бўлмайди.

Пировардида ресурсларга бўлган талаб бозорда товарларга бўлган талабдан келиб чиқади. Чунки қайси товарга талаб кўтарилса буни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ресурсларга талаб ошади. Айтайлик, транспорт воситаларига бўлган талаб метал ва ёқилғига бўлган талаб даражасида ўз ифодасини топади. Ресурслар талаб ва таклифига таъсир этувчи 3 омилга эътибор бериш лозим: тайёр маҳсулотга товар эластиклиги (ўзгарувчанлиги), ресурсларни алмаштириш имкони, товарнинг умумий харажатларидаги айрим ресурслар миқдори.

Кейинги муҳим механизм рақобатдир. Рақобат курашининг аҳамияти шунчалик юқорики, усиз бозорни тасаввур этиб бўлмайди, чунки у бозор иқтисодиётининг мазмунига айланиб кетади. Бу – иқтисодий рақобат. Рақобатдаги асосий мақсад бозор иштирокчиларининг эркин фаолияти шароитини яратиш, ҳар бир иштирокчи ўз ҳаракати учун зарур муҳим ва ҳолатни таъминлаш билан боғлиқ бўлган курашдан иборат. Керакли ишларни бошқаларга нисбатан муваффақиятли ҳал қилиш, бунинг учун олдиндан ва ўз вақтида шароит ярата олиши, доимо устунликка эга бўлиши кабилар иқтисодий рақобат кураши мазмунини ташкил этади.

Бозор иқтисодиётида қатнашувчилар бир-бирини шахсан билишлари, таниш бўлишлари шарт эмас. Улар бир-бирлари учун рақиб ҳисобланади. Рақобатда барча ҳам муваффақиятга

эришавермайди. Бу тажриба, билим, матонат, таваккалчилик ва албатта сармояга эга бўлишни талаб қилади.

Рақобат кураши кенг мазмунли, кўп қиррали бўлиб, бозор иқтисодиётининг барча даврлари, соҳалари, тармоқларида юз беради. Рақобатга бардош бера оладиган шахсгина бозор тараққиётига кўп ҳисса кўша олади. Рақобатдаги энг кўзга ташланадиган асосий мазмунга айланадигани харидорлар учун курашдир. Чунки бунинг асосида товарларни тез ва кўп сотиш муаммосини хал қилиш ётади. Товарни сотиш ва ўз пул сармояларини фойда билан қайтариш харидорларга боғлиқдир.

Бу муаммони хал қилишда маркетинг тадқиқоти ва бу соҳадаги фаолияти жуда кўл келади. Чунки у кўп товар ишлаб чиқариш ва харидорларини ўз вақтида, етарли миқдорда таъминлаш йўлларини ўрганади. Бундай рақобат ҳаракати бевосита товарларни сотишда ифодаланса, шу мазмундаги кураш ишлаб чиқаришда хомашё, иш кучи, энергетика, илғор техника-технология кабилар учун бўлган жараёнларда ўз аксини топадики, барча тармоқлар, иқтисодий соҳалар бусиз бўлмайди.

Рақобат курашида хал қилувчи аҳамиятга эга бўлган нарса *бозор баҳосидир*. Умуман, баҳо талаб ва таклиф мувозанатининг натижаси бўлиб, рақобат орқали юзага келади. Истеъмолчининг даромад даражасига таъсир кўрсатувчи баҳо рақобат ҳолатига боғлиқ бўлиб, у турғун бўла олмайди ва тўхтовсиз ўзгариб туради. Бозор ҳолатини тўхтовсиз кўрсатиб турадиган нарса ҳам баҳо бўлиб, у сотувчи ва харидорларнинг ҳаракат йўналишини аниқлаб беради. Шунга кўра бозорга қанча ва қачон товар етказиб беришни баҳо даражаси орқали аниқлайдилар. Бу эса бевосита ишлаб чиқаришга таъсир этадики, қачон қанча товар ишлаб чиқаришни бозордаги юзага келиб турган баҳо орқали белгилаб иш кўрилади.

Рақобат туфайли пайдо бўладиган бозордаги баҳоларнинг тадбиркор ва истеъмолчилар учун муҳимлигини белгиловчи икки томони мавжуд. Биринчисида, тадбиркорнинг фойдаси ва даромади ифодаланса, иккинчисида бозор ҳолати аниқланади. Шунга кўра барча бозор иштирокчилари, айниқса тадбиркорлар, катта диққат ва эътибор билан баҳони кузатиб борадилар, унинг ўзгаришини ўз вақтида билиб туриш чораларини қўллайдилар. Демак, бозорда пайдо бўладиган баҳо бозор иқтисодиётининг кўзгуси бўлса, рақобат уни юзага келтирувчи кучдир.

Айтиш мумкинки, рақобатнинг асосида шахсий манфаат ётади ва бу рақобат курашининг кучайиши, таъсирининг ортиб бориши учун куч бағишлайди. Бунинг боиси шуки, ҳар бир иқтисодий бирлик ўз нафсини кўзлайди. Тадбиркор юқори фойда учун, ҳеч бўлмаганда кам зарар учун курашади. Моддий ресурслар эгалари сотишда ёки ижарага беришда юқори баҳо орқали иш тутишга уринади. Иш кучи эгаларини олсак, миқдори ва мураккаблиги бир хилдаги меҳнатларига имкони борича кўп даромад олишга ҳаракат қиладилар. Буларнинг ҳаммаси харидор сифтида паст баҳонинг тарафдорларидир. Шахсий манфаатдорлик бозор иқтисодиёти фаолиятида тартиб ўрнатиб туради, манфаатсизлик эса кутилмаган тартибсизликларга олиб келиши мумкин. Бундай воқелик шундай хулосага олиб келадики, турли иқтисодий бирликлар ўз ихтиёрий танловини амалга ошириши даврида шахсий манфаат асосида ҳаракат тарзи шалкланади. Бу бозор иқтисодиёти тақозосидир.

Умуман олганда рақобат қуйидагиларни билдиради:

1) Бозорни турли, истаган аниқ маҳсулот, ресурсларни эркин холда сотувчи ва сотиб олувчиларнинг мавжудлиги.

2) Сотувчи ва харидорларнинг истаган бозорда ёки тармоқда эркин қатнаша олиши ёки истаганда тармоқдан чиқиб кета олиши.

Рақобатчилар ўз моҳиятини бозор иштирокчиларига тааллуқли иқтисодий кучлар тарқоқлигида ифода этади. Маълумки, ҳар бир бозорда жуда кўп сотувчи ва харидорлар мавжуд. Шунингдек товарлар мўл-кўл дейлик, бундай шароитда сотувчи ва харидорлар ўзлари учун маъқул баҳони талаб эта олмайдилар, балки мавжуд мувозанат белгилайдиган умумий баҳо бўйича олди-сотди амалга ошади.

Рақобатнинг моҳияти шуки, ҳар бир таклиф субъекти умумий таклифга кичик ҳисса қўша олади ва умумий оқим ичида бўлади. У якка ишлаб чиқарувчи сотувчи сифатида бозор ихтиёрида бўлади. Бозорда рақобат якка холдаги барча ёки жуда кўпчилик сотувчилар ҳаракатидан иборат бўлади. Демак, рақобат бозорда ҳамкорликни инкор этиб, эркин ҳаракатни талаб этади.

Рақобатнинг асосини ташкил қилувчи иқтисодий ҳокимиятнинг кенг тарқоқлиги бу ҳокимиятдан фойдаланишни тартибга солиб туради ва ундан зарарли фойдаланиш имкониятларини чегаралаб боради. Иқтисодий имкониятлар учун кураш иқтисодий бирликларнинг ўз фойдасини кўзлаб бир-бирига зарар келтиришига тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Рақобат сотувчи ва харидорларнинг ўз

манфаатларини таъминлашнинг амалга ошувини чегараларини белгилаб туради. Шунинг учун ҳам рақобат бозор иқтисодиётида асосий тартибга солувчи куч бўлиб хизмат қилади.

Рақобатнинг тармоқлар манфаатлари билан бирга тармоқлараро, ҳалқаро манфаатга қаратилган ҳаракати мавжуддир. Бу янги технология, тежамли ресурслар комбинациясини қўллашда намоён бўладики, рақобат бунга ундайди. Рақобат учун хўжаликлар турли-туманлиги, кўп шакллилик талаб этилади. Айниқса, хусусий хўжалик ҳукмронлиги шароити мавжуд бўлиши керак. Бусиз хўжалик юритишда мустақиллик бўлмайди, турлилик рақобатга ундайди, уни жонлантиради. Рақобат жаҳон иқтисодиётида ҳам бўлиб, унинг миллий мамлакатлар иқтисодиётига таъсири бўлади.

Рақобат кучи таъсири шароитида харидорлар тўла хўжайин, бозор – уларнинг вакили, корхоналар эса уларнинг хизматкори вазифасини бажарувчи сифатида мавжуд бўладилар.

Бозор иқтисодиётида рақобатнинг акси бўлган *монополия* ҳам мавжуд бўлади ва у рақобат шароитини ўзгартиради. Монополияда сотувчи ёки харидорлар ўз куч қудратига ишониб, бошқаларга ўз ҳукмини ўтказди. Таклиф хажми ва бозордаги баҳо монополия томонидан белгиланади. Рақобат ва монополияга қараб бозорнинг 4 хил модели мавжуд бўлиши мумкин: соф рақобат, соф монополия, монополияли рақобат ва олигаполия.

Монополияга қарши кураш олиб борилади ва улар асосан таъқиқланади. Бундай ҳаракат “трестларга қарши кураш” ҳаракати дейилади. Буни давлатлар қўллайди, тегишли қонунлар мавжуд. Чунки бозор рақобат шароитидагина ривожланади, кенгаяди. Аксмонополия сиёсати эркин рақобатни рағбатлантиради.

Баҳо механизми шунчалик аҳамиятлики, ҳар бир бозор иштирокчиси ўз фаолиятини шу орқали белгилайди ва баҳо худди бозорнинг асосий кўрсаткичи сифатида барчага ўзининг таъсирини ўтади. Баҳонинг қуйидаги вазифалари мавжуд бўлиб, у умумиқтисодий аҳамият касб этади. Улар қуйидагилар:

- бозор мувозанатини таъминлаш;
- рақобат воситаси;
- ҳисоб-китоб, ўлчов;
- тартибга солиш.

Товарлар бозор баҳосида сотилади. Чунки пировард баҳо бозорда шаклланиб, ҳақиқий бозор баҳоси юзага келади. Бозор баҳоси барча харажатларни қоплаган ҳолда сотилгандан кейин

эгасига фойда келтириши керак. Бозор баҳосининг шаклланиши фақат харажатлар асосида бўлмайди. Харажатлар билан бирга бошқа объектив ва субъектив омиллар мавжуд бўлиб, булар қаторига маҳсулот нафлиги, истеъмол вақти, рақобат, таклиф ва талаб мувозанати, рухий омиллар кабиларни киритиш мумкин. Лекин ҳар қандай шароитда товарнинг қиймати унинг учун объект асоси бўлиб, баҳо ундан юқори ёки паст бўлиши мумкин. Биринчи навбатда, товар баҳосининг шаклланишида уни ишлаб чиқариш, истеъмолчига етказишгача бўлган барча меҳнат сарфлари иштирок этади. Сўнгра қўшимча маҳсулот қиймати ҳам қўшилиб, товар эгалари, сотувни ташкил этувчиларни фойда билан таъминлайди.

Товар нафлигига истеъмол тўйиниш, истеъмол вақти кабилар киради. Талаб ва таклиф, уларнинг мувозанати баҳонинг шаклланишига таъсир этади. Талаб юқорилиги баҳонинг кўтарилишига мойиллик қилади, паст бўлса баҳонинг пасайишига олиб келади. Агар мувозанат таъминланса, баҳо ўртача бўлади. Буларнинг барчаси рақобат орқали юз беради. Асосан бозор баҳоси - бу рақобат кураши натижасидир. Рақобат ва баҳо механизмлари ўз таъсирлари билан баҳони ҳаракатлантирувчи муҳим куч бўлиб, бозор иқтисодиётининг бошқарилишида хал қилувчи аҳамият касб этади. Улар бозор иқтисодиётининг ўзидан-ўзи ҳаракатга келтирувчи ва бошқарувчи ички кучларидирки, унга ташқаридан сунъий таъсир кўрсатиш ва баҳони рақобатсиз олдиндан белгилаш бозор табиатига тўғри келмайди, унинг механизми ҳаракатларига фақат салбий таъсир кўрсатади.

Талаб этилганда баҳонинг шаклланишига давлат ҳам аралашуви мумкин. Баҳода инфляциянинг ўзига хос салбий оқибати мавжуд. Бу баҳонинг ортиқча кўтарилиши ва пулнинг қадрсизланиши билан боғланади. Баҳонинг қатъий ва ўзгарувчан, миллий ва жаҳон баҳолари мажуд ва унинг мутлақ ва нисбий даражалари бор.

Баҳо механизми тўғрисида якуний равишда айтиш мумкинки, бозорнинг туб моҳиятини кўрсатувчи ва талаб-таклиф мувозанатини белгиловчи бозор баҳоси бўлган эркин баҳодан иборатдир. Шу билан бирга бу эркин бозор баҳо талаб, таклиф ва рақобат механизмлари ҳаракатининг ўзида мужассамлаштирувчи сифатида ҳаракатдаги бозор механизмидир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳуқуқий муҳитга муҳтождир. Эркин иқтисодий фаолият кўрсатиш, тижорат билан шуғулланиш кафолатликни талаб этади. Эркин иқтисодий фаолият ишончсиз

бўлиши мумкин эмас. Бунинг учун қонуний ҳимоя зарурияти туғилади. Маълумки, буларсиз бозор шаклланмайди ва ташаббускорлик ривожлана олмайди. Бозор муносабатлари ишбилармонликсиз юзага келмаганидек, бунинг шароитлари мавжудлиги талаб этилади, бу эса ўз навбатида ҳуқуқий муаммолар билан боғлиқдир.

Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари давлат томонидан яратилиши керак. Бу кучли жамият пайдо қилиш муаммоларидан бўлиб, унинг таркибий қисми бўлган қонун ҳокимиятининг шаклланиши билан боғлиқдир. Қонун ҳокимиятининг юзага келиши ҳар томонлама эркин ривожланаётган жамиятнинг барпо бўлишидаги муҳим жараёндир.

2.2.1.-жадвал

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари

Босқичлар	Тадбирлар
1-босқич "Ҳуқуқий асосларни яратиш"	<ul style="list-style-type: none"> * мулк тўғрисида; * банклар тўғрисида; * бандлик тўғрисида; * инвестиция ҳақида; * тадбиркорлик тўғрисида; * ташқи иқтисодий фаолият ҳақида; * хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш.
2-Босқич "Молия-кредит тизимини соёломлаштириш"	<ul style="list-style-type: none"> * нарх назоратини чеклаш; * инфляцияни жиловлаш; * бюджет тақчиллигини қисқартириш; * даромадларни идексациялаш ва бошқ.
3-Босқич "Бозор муносабатларини шакллантириш"	<ul style="list-style-type: none"> * иш ҳақини ислоҳ қилиш; * чет эл инвестициясига шароит яратиш; * биржалар фаолиятини ташкил қилиш; * монополияга чек қўйиш; * валюта бозорини ривожлантириш; * ташқи ва ички нарх нисбатига шароит тугдириш; * хусусийлаштиришга шароит яратиш ва бошқ.
4-Босқич "Бозор муносабатларини	<ul style="list-style-type: none"> * соёлом бозор рақобатига ўтиш; * ўз-ўзини тартибга солувчи бозор

ривожлантириш"	структурасини ривожлантириш; * банк-кредит тизимини такомиллаштириш; * давлат солиқ тизимини соёломлаштириш; * конъюнктурани жонлаштириш ва бошқ.
----------------	--

Демак, бозор иқтисодиётининг шаклланиши қонун ҳокимиятининг яратилиши билан чамбарчас боғланган ҳолатдирки, булар кучли жамиятнинг кучли иқтисодиётини яратишда асос бўлиб хизмат қилади. Айтиш мумкинки, бозор ҳуқуқий муҳитининг яратилиши алоҳида жараён бўлмай, қонуний ҳокимият яратилиши зарур бўлган кучли жамият шаклланишининг таркибий қисмига киради. Қонуний ҳокимиятнинг яратилиши айни вақтда бозор ҳуқуқий муҳитининг барпо этилишини тақозо этади.

Бозор иқтисодиёти ҳуқуқий муҳитини яратилишининг бошланишига Ўзбекистон Конституциясида асос солинган, унинг 53-моддасида иқтисодиётнинг бозор муносабатларини ривожлантириши тасдиқланади. Бозор иқтисодиёти ҳуқуқий муҳитининг яратилиши асосида қонунчилик ётади ва қонунлар негизида уларни ижро йўл ва усулларини белгиловчи фармон, қарор ва қоидалар юзага келади.

Бунга хос қонунлар ичида ҳаракатдаги Ўзбекистон Республикасида “Қорхоналар тўғрисида”, Хусусий мулк тўғрисида”, “Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик тўғрисида”га каби бир мунча қонунларни кўрсатиш мумкин. Бу каби қонунлар ижросига қаратилган қарор, фармонлар туфайлм ҳуқуқий муҳит юзага келтирилмоқда.

Ҳуқуқий муҳитнинг икки томони мавжуд: эркин ва мажбурийлик. Эркинлик бозор иштирокчиларининг бозор иқтисодидаги эркин фаолиятини таъминлаш, жамият аъзолари ўртасидаги ва жамият билан бўлган иқтисодий мазмун ҳаракатининг ижро этилишини таъминлаш билан боғлангандир. Тижорий эркинлик ва фаолият соҳаси танлови эркинлиги қонунлар ва уларнинг ижроси туфайли таъминланади. Шу билан бирга даромад ошишининг чегараланмаслиги, ресурслардан фойдаланиш, иш кучини ёллаш эркинлиги жуда муҳимдир. Иқтисодий фаолият эркинлигининг асосини ташкил этувчи мулк шакллариининг мавжудлиги муҳим

бўлиб, мулк муносабатларининг бозор муносабатлари асосида бўлиши, хусусий мулк ва сармоялар хажмининг чегараланмаслигидаги эркинликлар ҳуқуқий муҳитда аҳамиятлидир. Қонунларда бозор муносабатлари асосидаги ҳаракатлар тўла қафолатланади ва тўла ҳимояланади.

Бозор иқтисодиёти ҳуқуқий муҳитининг иккинчи томони жамият олдидаги ва инсон ҳуқуқлари ҳамда турмуш шароитлари билан боғланган мажбуриятлардан иборат. Бу соҳада салбий оқибатларнинг олдини олиш асос ҳисобланади. Маълумки, ҳар бир бозор муносабатлари билан боғлиқ шахс ижтимоий харажатларда маълум ўрин эгаллайди ва бу мажбурият солиқ қонунларида ўз аксини топади. Бундан ташқари экологияни сақлаш, табиатга зарар келтирмаслик соҳасида жавобгарликлар мавжуд бўлиб, табиий бойликлардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ҳаво, сув, ер, ҳавони соф сақлаш соҳасида катта жавобгарликлар мавжуд. Меҳнат ҳуқуқи, ишга ёллаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишловчиларнинг даромадларини қафиллаш, инсон ҳуқуқлари, унинг манфаатини таъминлаш кабилар билан боғланган мажбуриятлар мавжуд.

Шундай қилиб, ҳуқуқий муҳит деганда бозор муносабатлари асосидаги фаолият учун ҳуқуқлар ва мажбуриятларни тушунамиз. Бу соҳадаги эркинлик жамият, давлат ва инсон олдидаги мажбуриятлар мувозанатининг доимо таъминланиб бориши учун зарур шартдир.

2.3. Бозор инфратузилмаси

Бозор иқтисодиётининг муҳим шартларидан бири унинг инфратузилмаларининг шаклланишидир. Бусиз ва унинг ривожисиз бозорни тасаввур этиб бўлмайди ҳамда иқтисодиёт самарали ҳаракатда бўла олмайди. Бунда биз воситачилик тармоқлари, транспортнинг барча турлари, алоқа, ахборот кабиларни кўзда тутмоғимиз даркор. Чунки буларсиз товарлар ҳаракати, тижорат кабиларни амалга ошириб бўлмайди, албатта. Бунинг учун биринчи навбатда бозорнинг тижорий томонларини ифодаловчи *савдо-воситачилик* бўлимлари ва биржалар билан танишмоқ зарур.

2.3.1.- жадвал

Бозор инфрасттузилмаси

№	Инфратузилмаси турлари	Инфратузилма тармоқлари
---	------------------------	-------------------------

1.	Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфраструктура	<ul style="list-style-type: none"> * транспорт; * алоқа; * омбор хўжалиги; * йўл хўжалиги; * сув ва энергетика таъминоти ва бошқ.
2.	Товарлар ва хизматлар муомаласига яъни савдо-сотик ишларига хизмат қилувчи инфраструктура	<ul style="list-style-type: none"> * биржалар; * савдо уйлари; * аукционлар; * тижоратчилик идолари; * реклама фирмалари ва агентликлари; * давлатнинг савдо-сотик ва улрни назорат қилувчи муассасалари.
3.	Молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи инфраструктура	<ul style="list-style-type: none"> * тижорат банклари; * ўз-ўзини кредитлаш идоралари; * суғурта компаниялари; * молия компаниялари; * солиқ ундириш маҳкамалари; * ҳар хил пул жамғармалари.
4.	Аҳолига хизмат қилувчи Ёки социал инфраструктура	<ul style="list-style-type: none"> * уй-жой, коммунал ва транспорт хизмати; * маориф; * маданият; * соғлиқни сақлаш; * аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари ва идоралари.
5.	Ахборот хизмати	<ul style="list-style-type: none"> * иқтисодий фаолият учун зарур бўлган ҳар хил ахборотлар, маълумотлар ва хабарларни: - тўплаш; - умумлаштириш; - сотиш билан шуғулланувчи турли компаниялар, фирмалар, маслаҳат идоралари ва давлат муассасалари.

Бозор аввало товарлар олди-сотдиси, шунингдек, савдо воситачилик фаолияти жараёнидан иборат. Бунда мустақил иш кўрувчи савдо воситачиси ишлаб чиқаришнинг топшириғи билан шартномалар ёки алоҳида топшириқлар бўйича олди-сотди ишини

базаради. Бу дастлабки кўриниши бўйича оддий бўлса ҳам, аслида мураккаб жараён. Харидор топиш, олди- сотдини бажариш, тўловлар кафилигини таъминлаш ва уларни қарз пуллар билан қоплаш, товарларни бехатар етказиб бериш, зарурият бўлса чегарадан товар ўтказишни эплаш каби вазифаларни ижро этилади.

Инфратузилмадаги воситачилик фаолияти асосан қайта сотиш, комиссия, вакиллик ва брокерликдан иборат. Қайта сотиш ўз маблағи ҳисобига ўз номидан, воситачи савдогар томонидан бажарилади. Товарларни қайта сотиш билан савдо уйлари, экспорт ва импорт, чакана савдо фирмалари, импортёрлар кабилар шуғулланади.

Бозор инфратузилмасида биржа катта аҳамият касб этади. Биржалар товар, фонд, меҳнат каби шаклларга эга. Товар биржаси доимий ҳаракатдаги бозор кўринишлари бўлиб, асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, озиқ-овқат, хомашё савдоси амалга оширилади. Савдода бевосита товарларнинг ўзи катнашмай, белгиланган стандарт ва нишонлар билан олди-сотди қилинади. Одатда бу реал товар устида келишув ва мухлатли (фьючерсли) келишувдан иборат.

Фонд биржалари қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ келишувларини амалга оширади. Меҳнат биржаларида иш кучи савдоси, ёлланиш бажарилади.

Бозор инфратузумида *банкларнинг* аҳамияти катта бўлиб, бу пул муомаласи, ҳаракати билан боғлангандир. Банк пул ҳаракати билан боғлиқ муомалаларни уюштирувчи корхонадир. Марказий, давлат, миллий ва тижорий банклар мавжуд. Банклар бозорнинг жуда муҳим ва таъсирли иштирокчилари бўлиб, пул орқали бозорни жонлантириб, бозор фаолиятини кучайтирадилар ва барча бозор фаолияти турларига таъсир этадилар.

Бозор иқтисодиётида *транспортнинг* ўрни катта. Биламизки, товарлар ички ва ташқи бозорлар миқёсида талабга қараб ҳаракатда бўладилар. Бунинг учун турли хил транспортлар хизмат қилади. Транспорт хиллари ҳар турли товарларни ташиш ва манзилига етказиш вазифасини бажаради.

Товар ҳаракати *омбор* хўжаликларига боғлиқ бўлиб, бу жуда кенг тармоққа эга. Омборларнинг товар турларига қараб мослашуви, транспорт ривожига қараб жойлашуви аҳамиятлидир. Ҳар бир товар тури ва хили истемол хусусиятига қараб мавжуд сифатларини сақлаш мақсадида махсус омбор, базаларни талаб этади.

Бозор ривожини учун муҳим инфратузилма қисмларидан *ахборот* ва алоқа тармоқларидир. Янги техника-технология туфайли бу тармоқлар жуда авж олган ва инсон ҳаёти, фаолиятига боғлиқ барча соҳаларни билиш, хабардор бўлиб туриш, улардаги ҳолатга тўғри баҳо бериб иш тутиш, ўзининг иш самарадорлиги билан боғлиқ тармоқ соҳа фаолиятларини билиб ўз хулосасининг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш ҳар бир бозор иштирокчиси учун зарур талабдир.

Ахборот, алоқа хўжаликлари кенг тармоқли бўлиб, тез ва кўп ахборот олиш имконини туғдиради ва бозор иштирокчиларининг бу соҳадаги талабларини қондириш даражасига кўтарилади. Компьютерлар, электрон ҳисоблаш машиналари, космос алоқа усуллари, замонавий радио, телефон алоқалари, интернет кабилар шулар жумласидандир.

2.4. Давлат фаолияти ва бозор иқтисодиёти мувозанати

Бозор иқтисодиёти тараққиёти шартларидан бири унинг тартиблаштириш заруриятидир. Шу билан бирга у тўлдириш ва ёрдамга мухтож иқтисодий тизим ҳисобланади. Чунки бозор иқтисодиёти барча соҳа ва тармоқларини тўла қамраб ололмайди ҳамда унинг таъсири тармоқларда бир хил эмас ва самарали даражаси турличадир. Шу билан бирга бозор иқтисодиётининг бир мунча салбий оқибатлари мавжудки, у тартибга солиб боришга мухтождир.

Бундай ҳолат давлат иқтисодиёти зарурлигини тақозо этади. Иқтисодиётнинг шундай қисмлари мавжудки, бу давлат томонидангина амалга оширилиши ва қўрилган самара бериши мумкин. Бундай зарурият соф ижтимоий истеъмол билан боғланган мудофаа, ҳарбий хавфсизликни таъминлаш, давлатни бошқариш, экология, ички тартиб ўрнатиш, ободончилик, миллий иқтисодиётни ҳимоялаш, иқтисодий истиқбол, бозор иқтисодиётини ижтимоий тартиблаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш каби иқтисодий мавжудки, буларни бозор механизмлари туфайли, талаб ва таклиф, рақобат, эркин баҳо асосида ташкил этиб, бошқариб бўлмайди.

Давлат иқтисодиёти бозор иқтисодиётини тўлдиради. У бозор иқтисодиётига ёрдамлашади, уни тартибга келтиради, иқтисодий-ижтимоий йўналиш беради. Давлат иқтисодиёти бозор иқтисодиёти билан бирга иқтисодий турлиликни таъминлаган ҳолда жамиятнинг ягона иқтисодий ҳолатини таъминлайди.

Давлат иқтисодиётини икки қисмга бўлиш мумкин:

- 1) тижорий бизнес мазмунидаги фаолият;
- 2) ҳақиқий давлат мазмунидаги иқтисодий фаолият.

Биринчиси, давлатнинг бозор субъекти сифатидаги фаолияти бўлса, иккинчиси унинг зарурияти билан боғланган туб мазмунли давлат асосидаги фаолиятидан иборатдир. Соф давлат иқтисодиёти марказлашган, олдиндан белгиланган, режа асосида ва аниқланган баҳолар таъсири остидаги ҳаракатдан иборатдир.

Тижоратли тармоқлар, корхоналар хусусий бозордан қолган, кўп харажат талаб этувчи, бошқарилиши қийин бўлган, паст самарали, балансли усулни талаб этадиган, тараққиёт изига солиш зарур бўлганлардан иборат бўлади. Бундан ташқари контракт бозор, ташқи савдо ҳам мавжуддир.

Соф давлат иқтисодиёти умумиқтисодий функцияларни ўз ичига олади. Булар иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ижтимоий йўналтириш, иқтисодиётни ижтимоий тартиблаштириш, миллий иқтисодиётни ҳимоялаш, даромадни қайта тақсимлаш, пул муомаласини таъминлашлардан иборатдир.

Бу вазифалар албатта бозор иқтисодиётига аралашув, тартиблаштириш, рағбатлантириш кабилар билан боғлиқдир. Давлат фаолиятида бу соҳада икки усул қўлланилади. Биринчиси, маъмурий-ҳуқуқий усулларни ўз ичига олса, иккинчиси иқтисодий механизмлардан фойдаланишдир.

Давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашуви, унинг тартибга солиш жараёни катта ихтиёткорликни талаб этади. Бунда маъмурий ва иқтисодий усулларни қўллашда чегарани билишлик катта аҳамият касб этади. Бунинг бир неча асосий талаблари мавжуддир.

Биринчидан, бозор механизмлари боғлиқлигига таъсир этиш ва уларнинг тузилишига олиб келувчи ҳар қандай ҳаракат зарарлидир. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Айтайлик, директив мазмундаги ҳаракат тўғри келмайди. Мажбурий режалаштириш ва товарларни сунъий тақсимлаш, баҳолар устидан маъмурий назорат олиб бориш кабилар директив мазмунидаги ҳаракат қаторига кириб, булар бозор механизмларини ишдан чиқаради.

Иккинчидан, бозор иқтисодиёти ўзини-ўзи тартибга солиш механизмларига эга бўлганлиги учун иқтисодий усулларни қўллаш кўпроқ қўл келади. Лекин бу зарурий вақтларда маъмурий усулларнинг қўлланишини инкор этмайди, ҳатто тақозо этади. Умуман олганда, бозор иқтисодиётини тартибга солишда маъмурий ва

иқтисодий усулларни бир-биридан ажратиш қийин, улар бирга қўлланилиши ва бир-бирини тўлдириши зарур.

Учинчидан, иқтисодий усуллар қанчалик маъқул бўлмасин, улардан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарур. Агарда солиқ, кредит – пул, бюджет – пул усулларини оладиган бўлсак, булар ҳам эски мажбурий режалаштиришдан кам эмас, билмай қўлланилса булар ҳам катта зарар келтириши мумкин.

Тўртинчидан, иқтисодий усулларнинг ҳаммаси ҳам кам-кўстсиз эмас, улар ичида ижобий билан бирга салбий усулар ҳам бор. Масалан, давлат қиммат янги технологияни киритди дейлик. Дастлаб унинг фойдали тижорий томонлари бўлмаслиги мумкин. Бу технология ишсизликни кўпайтириши, ижтимоий муаммони кучайтиришга олиб келишдан йироқ эмас, ёки инфляцияга қарши пул сиёсати банк фоизининг ўсишига олиб келиши каби ҳодисалар салбий мазмунга эгадир.

Бозор билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳаракат, давлат чоратадбири жуда ўйланилган, кўп чамаланган ва барча оқибатларини эътиборга олган тавсифда бўлишни талаб этади. Чунки бозор иштирокчилари, айниқса тадбиркорлар фаолиятига, аралашув жуда нозик нарса бўлиб, бундаги хатолик жуда қимматга тушиши мумкин. Чунки у ортиқча харажатлар, бузилишлар билан боғлиқ бўлиб, қўрқувлик, ишончсизлик туғилади. Бу албатта бозорнинг шаклланишига катта зарарлар келтириб, бу жараёни орқага суради. Пировардида бозорга ўтиш қимматлашади, чўзилади, натижада бунинг ҳаммаси аҳолининг иқтисодий аҳволига ўзининг салбий оқибатларини кучайтиради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бозор давлатнинг тартибга солиш фаолиятини чегаралайди, жуда нозиклик билан иш тутишни талаб этади. Ҳеч қачон бозор иқтисодиёти имкониятлари тўла ишга солинган деб бўлмайди. Бу соҳада битта ҳам идеал давлат бор, дейиш қийин. Лекин бу соҳадаги энг муҳим хулоса шуки, давлат фаолияти билан бозор иқтисодиёти ўртасида мувозанат мавжудлиги муҳим тақдирий талабдир.

2.5. Мулк шаклларининг бозорга таъсири

Ҳар қандай иқтисодий тизимда бўлганидек, бозор иқтисодиётида ҳам мулк муаммоси ҳал қилувчи аҳамият касб этади ва ҳаракатдаги мавжуд мулк шаклларининг бозор талабига, унинг

хусусиятларига мос келиши талаб этилади. Юқорида қайд қилганимиздек, эркин иқтисодий тараққиёт, хўжалик хилларининг турлилиги, иқтисодий ташаббускорлик, рақобат ҳолати бозорнинг моҳиятини белгиловчи асослардир. Булар аввало мавжуд мулк шаклларига боғлиқ бўлиб, уларнинг ифодасини ташкил этган ҳолда асосан мулк моҳиятидан келиб чиқади.

Иқтисодий тизимлар мулк шаклларининг акси бўлганидек, бозор муносабатлари ҳам ўзларига хос ва мос мулк шаклларини талаб этади.

Тарихда турли мулкчилик ва якка мулкчилик шакллари мавжуд бўлган. Жамият турли хил мулкчилик асосларида ҳам доимо ривожланиб келган. XX – асрга келиб якка мулкчилик тизими ҳам барпо бўлди. Бозор муносабатлари, бозор иқтисодиётининг мулк шаклларига боғлиқлиги ижтимоий мулкчилик шароитида, айниқса жуда аён бўлди.

Хўжаликларнинг турлилиги, даражаларининг ҳар хиллиги курашга даъват этади, яъни рақобатга олиб келади. Ижтимоий мулк эса, аксинча тенглик, бир хиллилик хусусиятини яратади. Бундан ташқари у хўжалик юритишда марказлашувга олиб келиб, мустақил ҳаракат қилиш, ташаббус кўрсатиш имконларини йўқ қиладики, бундай шароит бозорча тараққиётни инкор этади.

Энг муҳим нарса шуки, ижтимоий мулк бир хиллилик бўлса, хусусийлик турлиликдан иборатдир.

2.5.1. -жадвал

Хусусийлаштиришнинг йўналишлари

№	Ёндашувлар	Ч у н к и
1.	Чек воситасида хусусийлаштириш ғоясидан воз кечилди.	<p>* бир неча авлодлар меҳнати билан яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятига республикада яшайдиган ҳар бир кишининг кўшган ҳақиқий улушини холисона баҳолаб бўлмайди;</p> <p>* мол-мулкнинг қийматини баҳолаб, унинг миқдорида чеклар, ваучерлар ва бошқа шунга ўхшаш қимматли қогозлар чиқариш ҳамда бу қогозларини бутун аҳоли ўртасида тақсимлаш - бу ижтимоий адолат тамойилига риоя қилиш эмас, балки социалистик сунъий равишда тенглаштиришнинг бузилган бир шаклидир,</p>

		<p>холос;</p> <p>*чекларни бепул тақсимлаш ва шундан кейин уларга корхоналарнинг акцияларини сотиб олиш мулкдорлар гуруҳини вужудга келтирмайди, балки, аксинча, бойлигимизни қадрсизлантиради. Текин нарсанинг қадри ҳам бўлмайди.</p> <p>* аҳолининг кўпчилик қисми қимматли қўёзлар билан муомала қилиш кўникмасига эга эмас, ҳали чек бозори самарали ишлаши учун қимматли қўёзлар бозори шаклланмаган эди. Бу нарса ижтимоий вазиятининг кескинлашувчига олиб келар эди.</p>
2.	<p>Давлат мол-мулкани фақат янги мулкдорларга сотиш йўли билан хусусийлаштириш маъқул деб топилди.</p>	<p>* бепул қўлга кирган мол-мулк Ёки унинг бир қисми чинакамига асраб-авайланмайди, эҳтиёт қилинмайди;</p> <p>* хусусийлаштирилаётган объектни бунёд қилишга илгари сарфланган харажатларни қоплаш зарур. Бу эса хусусийлаштириш, объектларини танлов бўйича ва ким ошди савдосига қўйиб сотишни тақоза этади.</p>
3.	<p>Хусусийлаштиришга дастурий ёндошувни таъминлаш ва уни босқичма-босқич амалга ошириш зарур деб топилди.</p>	<p>* бундай ёндошиш ҳар бир босқич учун хусусийлаштириш соҳасидаги асосий устиворликларни аниқлаш иконини беради. Дастлабки, босқичда хусусийлаштириш жараёни:</p> <ul style="list-style-type: none"> - умумий уй-жой фондини, - савдо шахобчаларини, - маҳаллий саноат корхоналарини, - маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларини, - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизимини, хуллас, "кичик хусусийлаштириш"ни қамраб олади. <p>* енгил ва маҳаллий саноатга, транспорт ва қурилишга, бошқа тармоқларга қарашли айрим ўрта ва йирик корхоналар</p>

		<p>кейинчалик сотиб олиши ҳуқуқи билан кўпроқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ижара корхоналарига, - жамоа корхоналарига, - Ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларга айлантирилди. <p>* Пайлар (акциялар)нинг назорат пакети давлат ихтиёрида сақлаб қолинди.</p>
4.	<p>Хусусийлаштириш чоёида аҳоли учун кучли социал кафолатларини яратиш ва уни таъминлаш вазифаси қўйилди.</p>	<p>* фуқароларнинг мулкдан улуш олишда тенг ҳуқуққа эгалиги ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимояланиши қондасига амал қилмасдан туриб хусусийлаштиришни адолатли бажариб бўлмайди. Шу сабабли:</p> <ul style="list-style-type: none"> - хусусийлаштирилаётган корхона ходимларига акцияларни имтиёзли шартлар билан сотиб олишларига имкон яратилди; - янги мулкдорга анча эскирган асосий фондлар ҳамда ижтимоий инфраструктура объектлари бепул топширилди; - давлат хўжаликларининг мол-мулки, фермалар, боғлар ва узумзорлар имтиёзли шартлар асосида хусусийлаштирилабошланди; - хусусийлаштирилган корхоналарга уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ тўлашда айрим имтиёзлар белгиланди.

Мулк моддий ва бошқа бойликлардан фойдаланиш шароитлари, муносабатлари, эгалик қилиш, ўзлаштириш мазмунини ўз ичига олади. Мулкка эгалик эса кўпроқ бойликка эга бўлиш ва у билан боғлиқ барча шароитларни қўлга киритишдир. Шунга кўра у иқтисодий мазмунга эга иқтисодиёт асосидир. Иқтисодий фаолиятда мулкнинг ҳал қилувчи аҳамият касб этиши унга эгалик даражасини кучайтириш ва бойликларга нисбатан эркин муносабатга бўлишга эришишда ифодаланади. Маълумки, ишлаб чиқариш шароити, тақсимот ва истеъмол ҳолати, миқдори ва даражаси албатта мулк муносабатларига боғлиқ ва у билан белгиланади. Ундан фойдаланиш, унга эгалик қилишда умумийлик ва хусусийлик мавжуддир, бошқача

қилиб айтганда, унинг қатнашчилари тенглик ва тенгсизлик ҳамда итоаткорлик ҳолатида бўлиши мумкин. Бунда албатта мулкый муносабатлар бир хилда бўлмай, балки турли хилда ва турли таъсирда бўлади.

Мулкдаги хусусийликнинг ижобий томонлари кўп, у ижтимоийликка нисбатан бир қанча устунликларга эга. У, аввало, умумийликнинг тескараси бўлган турлилик, хилма-хиллик, тенгсизлик шароитлари билан боғлиқдир. Бунда эгалик даражаси юқори бўлиб, жавобгарлик ҳиссиёти кучли бўлади.

Энг муҳими шахсий манфаатдорлик тўла ёки тўлароқ ифодаланadi. Мулкдан фойдаланишнинг шахсга бевосита боғлиқлик даражаси юқори бўлади.

Мулк хусусийлиги хўжалик юритишдаги

турлилик, хилма-хиллик ва эркинлик шароитларини яратиш туфайли бозор муносабатларига мос келади ва рақобатга асос солади. Бозор муносабати билан мулк муаммоси, унинг ҳаракатдаги шакллариға эътибор берар эканмиз, унинг бозор иқтисодиёти ривожидagi ўрни, аҳамияти, бозор учун унинг маъқул ва зарур кўринишлари, бозор иқтисоди ривожидa мақсадида мулк муносабатларининг тараққиётига эътибор беришимиз зарур.


Якка мулкчилик тўла ижтимоий мулк шаклидан иборат бўлса, мулк шакллариининг турлилиги асосан давлат мулки, шахсий мулк, шунингдек жамоа, кўшма, кооператив мулклари кабилардан иборатдир. Мулкдан фойдаланишда яна кўшимча шакллар ҳам юзага келади. Булар қаторига ижара, пудрат, шериклик, фермерлик (деҳқончилик) кабиларни кўшиш мумкин.

Мулк шакллари мулкни ўзлаштиришдаги кўринишлар, мулкнинг амалий ифодаси бўлиб, унинг мазмунини билдиради.

Айтганимиздек, бозор иқтисодиёти турли мулк шакллариини таоқзо этади. Юқоридаги чизмада мавжуд мулк шакллари боғлиқлиги кўрсатилган.

2.5.1.-чизма

Ўзбекистондаги мулк шакллари



Ҳар бир мамлакатнинг давлати ўз мукликини ташкил этади. Бу асосан хўжалик билан, аввало, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлади. Кейинги вақтларда бунинг хажми сезиларли даражада бўлиб, умумий мулк миқёсида нисбати Францияда деярли учдан бир қисмга, Англияда 20-21 фоизга, АҚШда 13-14 фоизга тенгдир. Булар асосан барча тармоқларга оид ва халқ хўжалиги инфраструктуралари соҳасидадир. Лекин капиталистик деб аталаётган давлат мулклари қайси шаклда бўлишига қарамай, асосан хусусий характерда ва бозор қоидалари асосида фаолият кўрсатади. Шунга кўра у бозор муносабатларини ривожлантириш, рақобатга шароит яратиш учун хизмат қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш давлат мулки монополиясига барҳам бериш ва уни хусусийлаштиришни талаб этади.

Ассоциациялар, яъни корхона ва ташкилотлар уюшмаси мулки мавжуд бўлиб, булар асосан давлат мулки асосида бўлганлиги туфайли, буни давлат мулкига боғлаб кўрсатмоқчимиз. Чунки бу умуман бирлашма мазмунида бўлиб, хусусий мулк иштирокида ҳам бўлиши мумкинлиги ва хусусийлик муносабатларига мойиллик бўлишига қарамай давлатчилик устунлик қилади ва асос бўлиб ҳисобланади. Бундай мулк ҳам бошқаларга ўхшаган халқ хўжалигининг барча тармоқ ва соҳаларида юзага келади. Уюшма мулки эса иштирокчилар мулкидан ажратилган қисминигина ташкил этиб, умумий манфаат учунгина ишлатилади. Бу, айниқса ўтиш даврига жуда характерли бўлиб бўлиб, Ўзбекистонда ҳам кўп қўлланилмоқда.

Энг қадимги ва кенг тарқалган мулк хусусий шаклдаги мулк бўлиб, у асосан айрим шахслар билан боғлиқдир.

Хусусий мулкнинг асосий хусусияти шуки, мулк бир кишининг ихтиёрида бўлади ва мулкка нисбатан тўла мустақил иш тутиш имконияти туғилади. Хусусий мулкнинг чегараси бўлмай, бу фақат унинг эгасининг имконияти, қобилиятига боғлиқ бўлади. Бозор иқтисодиёти ривожига бу тур алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусий мулк бир шаклдаги мулк, лекин ҳар бир хусусий мулк ўзига хос алоҳида мулк бўлганлиги туфайли, улар мустақил мулклар, яъни жуда кўп миқдордаги, минг-минглаб сонли мулклардир. Уларнинг ҳар бири бозорнинг алоҳида иштирокчиси ва рақобат курашининг қатнашчиси дир. Бундан хусусий мулк рақобатни кенгайтирувчи, кучайтирувчи мулк шакли эканлиги яна бир бор ойдинлашади.

Шунга кўра хусусий мулк бозор шароитига жуда тез мослашадиган, харидор талабини тез эътиборга олиб иш тутиш ва фаолият кўрсатиш учун энг қулай шароитга эга бўлган мулк шаклидир. Бундай хусусият бозор иқтисодиётида хусусий мулкнинг аҳамиятини кучайтиради ва етакчилик ролини белгилаб беради. Демак, бозор ривожини учун биринчи навбатда, хусусий мулк кенг қулоқ ёзмоғи, иқтисодиётда асосий ўринни эгалламоғи талаб этилади. Зеро, хусусий мулк тараққиётсиз бозор иқтисодиётини тасаввур этиб бўлмайди. Хусусий мулк асосий ўринни эгалламагунча ва давлат мулки устунлиги йўқ қилинмагунча барибир иқтисодий тараққиётнинг объективлигига нисбатан сунъийликнинг устунлиги шароити мавжуд бўлаверади.

Хусусий мулк икки, яъни индивидуал ва корпоратив шаклда бўлади. Индивидуал мулк шароитида бойлик алоҳидалик асосида ўзлаштирилади. Бунда мулк эгаси мулкидан фойдаланишда ижарага бериш ёки бирон гуруҳга қўшилиб иш тутишда тўла мустақилликка эга бўлади.

Оила мулки ҳам индивидуал хусусий мулкдан ажраб чиқиб, алоҳидалашади.

Корпоратив мулк шакли ҳиссадорликка асосланади, яъни бунда биргаликда иш кўриш учун гуруҳларга қўшилиш юз беради. Корпоратив мулк фақат хусусий мулкдан таркиб топади. Бунда, албатта мулкдор бойликни яқка ўзлаштириш ҳуқуқига эга бўладию, лекин бу маълум гуруҳларга бирлашув шароитида юз беради. Корпоратив хусусий мулкнинг туб мазмуни индивидуал маблағларни бирлаштириш туфайли пайдо бўлувчи жамиятларнинг корпоратив мулкидан иборатдир. Корпоратив хусусий мулк хўжалик юритиш заруриятидан келиб чиқиб, катта маблағлар ишлатиш ва капиталларни бирлаштириш орқали юзага келади. Шу билан бирга майда хусусий мулк масъулияти ўрнига корпоратив масъулият пайдо бўлади.

Корпоратив хусусий мулк монополистик мулкни ҳам юзага келтиради. Булар корпоратив мазмундаги йирик хусусий мулк бирлашмаларидан иборат ва улар жуда катта ҳажмдаги бойлик, бу бойлик эса озчилик ихтиёрида бўлади.

Туб хусусий мулкдан кейин миқдор жиҳатдан кўп шаклли тури ҳисобланган *бирлашма мулки* туради. Бу бир неча мустақил мулк шаклларида, яъни акционерлик, жамоа, корпоратив, қўшма ташкилотлар мулки кабилардан иборат бўлади. Шу билан бирга

корпоратив хусусий мулкдан фарқли ўлароқ бунда давлат ва чет мамлакатлар мулклари ҳам иштирок этади. Бундаги кўп тарқалган бу мулк шакли аввало *жамоа мулки*дир. Бу майда хусусий мулкчиларнинг бирлашмаси сифатида юзага келиб, бир қанча устунликларга эга. Бундаги муҳим томон асосан сармояларни кучайтириш имконига эга бўлиш, мулкчиларнинг монополлик ҳаракатига бардош бера олиш имконини яратишдир. Бу хил жамоа мулки турли тармоқларда ҳаракатда бўлади, яъни бу мулкчилик ишлаб чиқариш, муомала соҳалари, инфраструктураларда фаол қатнашиши мумкин.

Бизнинг шароитимизда асосан қишлоқ хўжалигида бу мулк шакли кенг қулоч ёйган. Булар асосан жамоа, гуруҳ мулки асосида ҳаракатдаги хўжаликлардир. Бундан ташқари савдода, қишлоқ маҳсулотларини харид қилиш ва қайта ишлашда ҳам бу хил мулк кенг тарқалган бўлиб, улар матлубот жамиятлари, харид-савдо бирлашмаларидир.

Жамоа мулки, айниқса бевосита истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш тармоқларида катта ўрин эгаллайди. Озиқ-овқат, кийим-кечак, таъминлаш, қурилиш кабиларда унинг таъсири жуда ктата. Оврўпа мамлакатларида, айниқса Японияда бевосита истеъмол ва умуман, инсон ҳаёти шароитида бу мулк шаклининг ўрни катта. У ерда минглаб жамоа корхонлари фаолият кўрсатмоқда.

Жамоа мулки майда мулкчилар фаолиятида аҳамиятлидир. Чунки алоҳида ҳолда майда мулк Самара келтириши у ёқда турсин, ҳатто рақобатга бардош бера олмаслиги ва арзигулик иш кўра олмаслиги мумкин, майда мулкдорлар эса ўзаро бирлашиб, каттароқ хажмда тижорат ишларини амалга ошириш имконини туғдиради. Шунинг учун ҳам ҳақиқий демократик асосда юзага келган жамоа мулки ва бу асосдаги хўжалик жуда аҳамиятлидир. Ҳар бир бундай бирлашма маълум даражада эркин ҳаракатни чегаралаши сабабли бирлашув фақат ихтиёрийликни талаб этади. Шунини эътироф этиш зарурки, жамоа мулкига давлатчиликни сингдириш фақат зарар келтиради: жамоа мулкидан кутилган самара бўлмайди

Жамоа мулкининг қўлланишидаги яна бир хусусият шундан иборатки, бойликнинг ўзлаштирилиши учун иш фаолиятида биргаликда қатнашиш талаб этилади, чунки жамоа мулки меҳнатсиз ўзлаштиришни инкор этади ва корпоратив мулкдан фарқланиб, ҳам мулкка, ҳам меҳнатга ҳисса кўшиши зарур ҳисобланади. Бу асосда

ташкил этилган хўжаликдаги асосий кучи шу мулк эгаларининг ўзидир. Шу билан бирга зарурият талаби билан ёлланма меҳнат жалб этилиши холлари ҳам мавжуд бўлади. Майда мулк бозорда таъсирли кучга эга бўла олмаса, унинг бирлашуви натижасида юзага келадиган жамоа мулки катта ўрин эгаллайди ва бозор иқтисодиётининг муҳим иштирокчисига айланади, унинг ривожига фаол қатнашиш имконини туғдиради.

Кооператив мулк жамоа мулкининг кўп учрайдиган шаклидир. Кооператив хиллари кўп, улар шу хил мулкка асосланган ва кенг тарқалган корхоналардир. Кооперативларга бирлашганларнинг мулки умумий ва даромади асосан сарф этилган меҳнати билан белгиланади. Бу гуруҳ асосидаги бирлашма бўлиб, хиссадорлик мазмунида ташкил топади. Кооперативларга қўшилган мулк билан бир қаторда шахсий қатнашув ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳар бир кооператив бозорда мустақил иштирокчи сифатида фаолият кўрасата олади.

Қўшма мулк – бу мулкларнинг бир-бирига қўшилиши туфайли юзага келади. Икки усулда барпо бўлиши мумкин бўлган бу хил мулк мамлакатларнинг ички ва ташқи имкониятларига боғлиқдир. Чунки қўшма мулк ички йирик мамлакатларнинг бир-бирлари билан қўшилиб иш кўришга асосланса, шу билан бирга мамлакатлараро қўшилиш туфайли ҳам шаклланади. Шунинг учун ҳам бошқа хил мулк шаклларида фарқли ўлароқ, бу мулк халқаро аҳамият касб этади.

Маълумки, бозор муносабатларига ўтишда чет сармояларни жалб этиш бу жараёни тезлаштиришда жуда кўл келади. Мулк нуқтаи назаридан олсак, бу чет капиталини жалб этган ҳолда қўшма мулкни авж олдиришдир. Мамлакатимизда, айниқса Туркия, Корея Республикаси ва Германия Федератив Республикаси, АҚШ капиталлари қатнашувида қўшма мулклар кўпаймоқда.

Четки капитал асосидаги қўшма корхоналарнинг аҳамияти инвестицияни кучайтириш, миллий иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида шакллантиришда ортиб боради. Катта маблағлар зарурияти шароитида қўшма мулк орқали чет капиталини жалб этиш заруриятдир. Зеро, юқорида айтиб ўтганимиздек, Республикамиз олдида халқ хўжалиги тузилишини тубдан ўзгартириш, янги тармоқлар яратиш, замонавий технологияни ўзлаштириш каби йирик иқтисодий вазифалар ўз-ўзидан катта-катта

сармояларни талаб этади. Қўшма мулк эса бу муаммони ечишда катта роль ўйнаши турган гап.

Қўшма мулк туфайли жалб этиладиган чет капитали янги технологияни олиб кирмоқда. Чунончи, Корея Республикаси, Германия Федератив ҳукумати капиталлари асосида юзага келган қўшма корхоналар Республикамиз учун янги автомобиль саноатини замонавий даражада юзага келтириш имконини бермоқда.

Хомашёвийлик йўналишини бартараф этиб, тайёр маҳсулот яратишни ўзлаштиришдан пахтадан кийим-кечак тайёрлашгача бўлган технологик ишлаб чиқаришни яратишда Туркия, Корея Республикаси кабилар билан юзага келаётган қўшма мулк жуда аҳамиятлидир. Бундай жараёнлар кундан-кунга ривожланиб, турли мамлакатлар иштирокида қўшма мулкни кенгайтириш туфайли авж олмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад қўшма мулкнинг шаклланиш жараёнига четдан йирик капиталларни жалб этиш, уни миқдорий ва ҳажмий кенгайтириш йўли билан янги тармоқлар барпо этиш, замонавий технологияни қўллаш каби ҳажмли сармояларга боғлиқ масалаларни муваффақиятли бажарилишни тезлаштиришдир.

Диний ташилотлар мулки – бу фақат диний бино ва иншоотлар билан чегараланмай, балки хўжалик фаолияти имкон туғдирган жамғармалар, турли маросимлардан тушадиган маблағлар ҳисобига ортиб боради. Улар оддий хўжалик фаолияти билан бирга катта қурилиш ишлари ва бошқа капитал харажатларни бажариб борадилар. Бу мулк фақат диний йўлда қўлланилади ва ишлатилади.

Акционер мулк – бу туркумдаги энг салмоғли ва таъсирли шакл бўлиб, кенг тарқалгандир. Бу ҳам аслида бирлашган мулк бўлиб, акция чиқаришга асослангандир. Бу акциялар эркин ҳаракатда бўлади, қимматбаҳо қоғозлар қаторида савдода иштирок этади ва сотилади, сотиб олинади. Акцияга эга бўлганлар шу асосдаги мулкнинг қатнашчилари ҳисобланадилар. Корхоналарнинг фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар. Акциялар учун корхоналар фаолиятлари натижасига қараб даромад оладилар. Бу мулкда иштирок этиш жуда ихтиёрийдир. Чунки истаган вақтда акцияни сотиб олиш ёки сотиб юбориш мумкин.

Халқ корхона мулки – бу шаклдаги мулк акционер мулкдан келиб чиқади. Чунки акциялар эгалари корхонада ишлайдилар. Шунинг учун улар айна вақтда корхонанинг мулкдори ҳуқуқига эга бўладилар. Бу корхона фаолиятига акцияга эга бўлган ходимлар ҳам қатнашув ҳуқуқини қўлга киритадилар. Натижада акционер корхона

даромадидан шу акционерлар манфаатдор бўладилар. Масалан, АҚШни халқ капитали мамлакати дейдилар. Чунки акцияга эга бўлган ходимлар корхоналарда кўпчиликни ташкил этади. 1994 – йилда халқ корхоналарида 11 млн.дан ортиқ киши ишлаган ва акцияларнинг 20-50 фоизгачаси ишловчиларнинг биргаликдаги мулкидан иборат бўлган. У ерда халқ корхоналари деб аталувчи хўжаликлар миқдори ортиб бормоқда. Бундай ҳолатда, албатта, эксплуатация мазмуни ўзгаради ва меҳнатга эркин муносабат асос бўлиб ҳисобланади.

Мулк шаклларининг моҳияти ва мазмуни билан танишиш шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти учун барча мулк шакллари аҳамиятли бўлиб, ҳар бири ўзига хос устунликка эгадир. Айтиш мумкинки, ҳар бир мулк шакли бозор иқтисодиёти учун зарурий бўлиб, улар умумий тараққиёт жараёнида бир-бирини тўлдириб боради. Шунинг учун ҳам бозор муносабатлари шароитида мулк шаклларининг турлилиги ва ҳар бир мавжуд шаклининг тараққий этиб бориши талаб этилади. Бу жараён эркин рақобат шароитида амалга ошиши керак.

2.6. Давлат мулкани хусусийлаштириш

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишида мулк шаклларининг турлилиги ва хусусий мулкнинг асосийлигини таъминлаш давлат мулкани хусусийлаштириш, унинг монопол ҳолатини бартараф этишни муҳим масала қилиб қўяди. Чунки бозорга ўтиш, нобозорча бошқариш усули ўрнига бозорча хўжалик юритишни ўрнатиш, давлат иқтисодиётини парчалаш, рақобатбоп хўжалик турларини яратиш асосий муаммолардандир.

Давлат мулкани хусусийлаштириш (приватизация) умумиқтисодий воқелик бўлиб, бозор иқтисодиёти шаклланиши ва ривожининг зарур шартидир. Приватизация давлат мулкидан бошқа мулк шаклларига ўтишни англатади. Приватизация луғавий мазмуни хусусийлаштириш бўлгани учун бу иқтисодий жараённи давлат мулкани хусусийлаштириш, деб атайдилар. Лекин мазмунан хусусийлаштириш приватизацияга нисбатан кенгрокдир. У яна умуман иқтисодиётни либераллаштириш, давлат мулкига хусусийлик муносабатларини сингдириш каби эркин, иқтисодий шароитга боғлиқ чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

Хусусийлаштириш давлат иқтисодий монополлигини битириш ва ўрнига бозорга хос бўлган мулк эркинлигини таъминлашга қаратилган. Чунки бунда давлат мулки ҳукмронлиги ўрнига аста-секинлик билан нодавлат, биринчи навбатда хусусий мулк шакллари яратиш ва бозорга ўтиш шароитларини пайдо этиш учун давлат мулкини хусусийлаштирилаётган бўлсак, ривож топган мамлакатларда бозор иқтисоди ривожига соҳасида катта тажриба орттириб, бозор тараққиётини такомиллаштириш ва у соҳада давлат ва бозор тизимлари ўртасидаги мувозанатни замонавийлаштириш амалга ошмоқда. Бу ҳам туб мазмуни билан монополлашувга қарши кураш, рақобатли бозорини кучайтириш билан боғлангандир. Шунинг учун биздаги ва Ғарбдаги хусусийлаштиришни бир хил деб бўлмайди. Бизнинг шароитимиздаги бу жараён ўтиш вазифасини бажариш ва бозор иқтисодига асос солиш билан боғланган бўлса, Ғарбдагиси бозор иқтисодиёти тараққиётини таъминлаш ҳамда навбатдаги давлат ва рақобат бозори ўртасидаги янги балансни таъминлашдан иборат.

Мулкий муносабатларнинг умумий ва хусусий томонлари мавжуд бўлганидек, хусусийлаштиришнинг ҳам умумий қонуният ва талаблари ҳамда шунингдек, миллий, оммавий хусусиятлари ҳам мавжуддир. Кейинги йилларда иқтисодиётни нодавлатлаштириш жараёни шароитида ноғоявийлаштириш кучаймоқда. Чунки фақат хусусийлик тарафдорлари бўлганлар ёки давлат иқтисодиёти тарафдорлари бўлганлар камайиб, ўз аҳамиятларини йўқотмоқдалар. Айтайлик, Буюк Британиянинг йирик нефть компанияси бўлган “Бритиш петролиум”ни консерваторлар эмас, балки лейборист демократлар хусусийлаштиришди. Швецияда ҳам социал-демократлар худди шундай қилишди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Нодавлатлаштириш фақат хусусийлаштиришдан иборат эмас. Бунинг йўли ва усуллари кўп бўлиб, иқтисодий аҳвол, кучлар мувозанати, ҳозирги ҳолат қабиларни ҳисобга олган ҳолда қулай усуллардан фойдаланиш талаб этилади.

Ғарб давлатлари тажрибасига кўра иқтисодиётнинг нодавлатлаштириш усулларида тўрт хилини самарали деб танласа бўлади. Албатта бу усулни Ўзбекистон учун тўғри келади деб бўлмайди. Лекин улардан фойдаланиш мумкин. Шунга кўра буларни таҳлил этиш фойдадан холи эмас деб ўйлаймиз.

1. *Бозорни либераллаштириш* – бу баҳолар эркинлигига ўтиш билан бирга, рақибларни бозорда кўпайтириш чораларини қўллаш, кичик бизнесни кучайтириш, чет товарларни кўпроқ келтириш шароитларини кенгайтириш кабилар бозорни ўзидан-ўзи приватизациясиз нодавлатлаштириб, кенгайтиради ва талабни қондириш даражасини кўтаради.

2. *Акционерли давлат – шахсий корхоналарини яратиш*, уларнинг фаолият соҳасини кенгайтириш. Бунда давлатнинг акцияли капиталдаги ҳиссасини пасайтириб боришга қаратилган солиқ, кредит каби механизмлар мавжуд.

3. *Давлат иқтисодиётига хос нобозор муҳитни кетма-кет йўқ қилувчи нодавлатлаштириш усуллари*. Булар бюджет ҳисобига корхоналарнинг ишини яхшилаш, давлат буюртмасини қисқартириш, кредит қарзлардан воз кечмаслик, хусусий инвестиция шароитларини давлат корхоналарига тадбиқ этишлардан иборатдир. Бу бозор муносабатларига йўл очади.

4. *Хусусийлаштиришни амалга ошириш*. Агар хусусийлаштириш кенг қўлланилса айрим шахслар, сотиладиган корхоналар, банк, янги акционер жамиятлар, чет фирмаларнинг жамоа аъзолари мулкдорлар қаторига қўшилиб борадилар.

2.6.1.-жадвал

Иқтисодиётни нодавлатлаштириш усуллари

№	Усуллар	Усулнинг мазмуни	Усулнинг маҳанимлари	Ижобий томонлари	Салбий томонлари
1.	Бозорни либераллаштириш	Эркин баҳолар киритилиши, рақобатга йўл очиш, бозор қатнашчиларини кўпайтириш	Баҳо, рақобат, приватизациясиз нодавлатлашув	Майда корхоналар кўпайиши, бозорда таклифнинг ўсиши, бозор тузилишининг згариши	Баҳонинг кўтарилиб бориши
2.	Давлат шах-сий	Акционерлик капиталда	Солиқ, кредит	Мулкчилар кўпаяди, эр	Табакалан иш

акцио нерли кор хоналарн и яратиш	дав лат ҳиссасини камайтири ш		кин иқтисо дий фаолият ўсади	кучаяди
3. Давлат иқтисоди Ўстига хос нобозор усулларн и кетма- кет йўқ қилиш	Давлат корхоналар ида бозор муносабатл арини қўллаш	Бюджет, кредит, хусусий инвестици ялардан фойдалан иш	Давлат буюртмаларин и қисқартириш, корхоналар фаолиятини яхшилаш	Ўтиш билан боёлиқ, ишлаб чиқаришн инг вақтинча қисқариш и
4. Хусусийл аш тириш	Давлат мул кени хусусийла штириш	Аукцион, акциялар сотилиши, текинга мулкни тарқатиш	Мулк эгасини топади, унинг самарадорлиги ошади	Таъсири маълум вақт ўтганда кучга киради, катта ўзгаришла рни талаб этади

Жадвалда иқтисодиётнинг нодавлатлаштиришга хос усуллари кўрсатувчи томонларни умумлаштирилган ҳолда кўрсатишга ҳаракат қилдик. Буларни алоҳида-алоҳида қўлланилади, деб бўлмайди. Бу, албатта тараққий этган ғарб мамлакатлар тажрибаси асосида тузилган. Лекин республика шароитларини ҳисобга олган ҳолда булардан муваффақиятли фойдаланиш ва бу бизнинг шаклланаётган бозор иқтисодиётимиз учун катта фойда келтириши мумкин. Бу тўрт усул бозор усулига ўтган мамлакатларга хос бўлиб, уларда хусусийлаштириш олдиндан ҳал қилинган. Ўзбекистон учун эса ҳозирги асосий вазифа – хусусийлаштиришни тўла амалга оширишдир.

Амалда юқорида келтирилган тўрт усул биргаликда олиб борилади. Лекин иқтисодиётнинг нодавлатлаштиришда

либераллаштириш ва хусусийлаштириш бир-бирини тўлдириб келади. Чунки буларнинг ўзига хос катта устуворликлари мавжуд. Либераллаштиришни олсак, у бозор эшикларини кенг очиб қўяди. Бунда бозорнинг ички тузилиши ўзгариб боради ва иқтисодиётнинг нодавлатлашувига ёрдам қилади ҳамда монополашувни заифлаштиради. Хусусийлаштириш эса бирданига бундай ўзгаришларга олиб келмайди, чунки фақат мулк шакли ўзгаради, бозорда дарров ўзгаришлар юз бермайди ва ўша товар тақчиллиги, монополия мавжудлиги, товар сифатининг пастлиги сақланиб қолаверади.

Лекин хусусийлаштиришнинг ижобий томони шуки, у мулкнинг реал – ҳақиқий эгасини топади. Биламизки, мулк эгасини топмагунча самарадорлик бўлмайди. Демак, бозор механизмлари ишга туша бошлайди, ишлаб чиқраиш ўсиб, таклиф кучая боради.

Ривож топган мамлакатларда хусусийлаштириш молия бозорига таъсир этади, натижада сотиладиган акциялар кўпайиши билан таклиф ортади. Бу ҳеч қандай харажатлар билан боғлиқ бўлмайди ва истеъмол буюмларига бўлган талабнинг қисқаришига олиб келади. Фойдали бўлгани учун фуқаролар хурсандлик билан давлат мулкнинг сотилишида фаол қатнашадилар. Инфляцияга қарши таъсир кучли бўлади. Даромадларнинг бир қисми акциялар сотиб олишга сарфланганлиги сабабли товар ва хизматлар бозорида талаб пасаяди. Англия, Францияга ўхшаган мамлакатларда хусусийлаштириш жараёнида худди шундай воқелик юз берган.

Россияда аҳвол бошқача бўлиб, хусусийлаштириш чеклари чиқарилади, бу ижтимоий-сиёсий мувозанатга анча ёрдам берди.

Хусусийлаштиришнинг муваффақияти учун бир нечта шартларни бажариш талаб этилади:

1. Мулкнинг тақдирини белгилашда, имкони бўлса хусусийлаштирилади. Бундай ноҳақлик, назоратсизлик юз бермаслиги учун, аввало давлат мулки субъектларининг тўла аниқлиги талаб этилади.

2. Хусусийлаштириш иқтисодиётнинг бозор потенциалларини тезда ишга солиши учун капиталлар ҳаракатини таъминлаш, уларнинг тармоқлараро ва соҳалараро силжиш йўлларини очиш талаб этилади.

3. Сотиладиган акцияларнинг олдиндан маълум бўлиши. Ривожланган мамлакатларда бу жараён ҳақиқий бозор усулида эркин тарзда бўлмайди. Масалан, Францияда сотиладиган корхоналар

акцияларининг 10 фоизи чет элликларга, 50 фоизи Франция фуқароларига ва банк, йирик молия институтларига сотилади. Германияда эса давлат ўзига 51 ёки 25 фоизини қолдиради.

4. Хусусийлаштиришнинг охиригача амалга ошишини таъминлаш учун мулкнинг бири хусусийлаштирилиб, иккинчисини бюрократ аппарат қўлида қолишига йўл қўйилмаслик керак.

Юқоридаги шартлар бажарилса, хусусийлаштириш муваффақиятли ўтади. Масалан, Германияда бу қийинчилик билан кўчди. Чунки маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳуқуқлари катта. Англияда “Бритиш Генеком”ни хусусийлаштириш натижасида 2,25 млн. киши шерик мулкдор бўлишди. Бу, корпорациянинг 96 фоизи ходимларига тенг, денг сўз.

Давлат хусусийлаштиришни кенгайтирар экан, демак у ўз фаолиятини бозор иқтисодиёти талабига мослаштириш, унинг ривожлини кучайтириш ва талаб томон тўла ҳаракатда бўлиш, истеъмолчилар учун зарур товарлар билан бозорни тўлдиришни кўзда тутди. Приватизация ишлаб чиқариш самарадорлиги ва аҳолининг юқори даражали турмушини таъминлаш учун бўлган ҳаракатдан иборатдир.

Ўзбекистонда рақобат бозорига хос эркин иқтисодиётни шакллантиришда албатта хусусийлаштириш муҳим асос бўлиб, у тезлаштирилиши керак. Аммо юқоридаги шартларни эътиборга олиш ва шароитга қараб юқорида кўрсатиб ўтилган усуллардан фойдаланишни эсдан чиқармаслик шарт. Хусусийлаштиришни иқтисодни либераллаштириш билан боғлиқ ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки либераллаштириш бевосита бозорни кенгайтиради, яъни бу жараёнга ҳозирок таъсир кўрсатиб, тезда самара бера бошлайди.

Республикамизда баҳо либераллиги амалга ошди ва ўз самарасини бермоқда, бож соҳасидаги амалий ишлар чет товарларининг ички бозоримизда ўз ўрнини кенгайтирмоқда. Пул-кредит соҳасидаги ишлар, миллий пулнинг мустаҳкамланиши кабилар бозор муносабатларига ўтишни тезлаштирмоқда.

Лекин хусусийлаштириш соҳасида ҳам бир қанча ишлар бажарилиб, бунда давлат катта ташаббускорлик қилмоқда. Пули, пулсиз ва имтиёзли усуллар кенг қўлланилмоқда. Айтайлик, турар жойларни хусусийлаштириш жуда тез вақт ичида кенг миқёсда ўтказилди. Бунда имтиёзли усул қўлланилиб, уй-жойлар арзон баҳода кам пул ҳисобига Ўзбекистон фуқароларининг хусусий мулкига

айлантирилди. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, аввало майда ва ўрта, сўнгра катта савдо корхоналари ҳам хусусийлаштирилди. Бунда хизматчиларга имтиёзли шароитлар яратиб берилди.

Аукцион йўли билан ким ошди савдоси орқали нодавлатлаштириш ҳам қўлланилиб, бу асосан вилоят ва туманлар ҳудудларида ўтказилмоқда. Тез вақт ичида давлат саноат, қурилиш, транспорт корхоналарини акционерлаштириш туфайли мулкчиларнинг сони анча кўпайтирилди. Бунда корхона хизматчи ва ишчиларига устуворлик ҳуқуқи берилиб, аввало улар чекланган акционерлик корхоналарига айлантира бошланди.

Ўзбекистонда ҳам хусусийлаштиришда чет эл капитали қатнашиб, мулк сотиб олиши мумкин. Бу мулк турлилиги шароитини яратишда аҳамиятлидир. Хусусийлаштиришнинг тезлик билан олиб борилиши шунини кўрсатадики, Ўзбекистонда минг-минглаб хусусий корхоналар мавжуд бўлмоқда. Уларнинг сони ҳозирги кунда кўпайиб бормоқда.

Хусусийлаштириш натижасида давлат монополиясига барҳам берилмоқда, нодавлат мулкнинг барча шакллари ривожланмоқда. Хусусий мулкчи ишлаб чиқарувчиларнинг миқдори борган сари кўпайиб, эркин иқтисодий ҳаракат шароитини яратувчи соғлом рақобат учун қадам ташланмоқда. Натижада мулк эгасини топиб, ундан фойдаланиш самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш сари силжиш тезлашмоқда.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, маълум даражагача бозор иқтисодиёти шаклланиш жараёни товар ишлаб чиқаришдан келиб чиқса, сўнгра аҳамият нуқтаи назаридан ўзаро ўрин алмашиш юз бериб, бозор иқтисодиёти тизими шаклланиши туфайли товар ишлаб чиқаришга таъсир кучайиб боради. Натижада товар ишлаб чиқариш бозор иқтисодиёти қисмига айланиб, унинг моддий асосини яратувчидан иборат бўлади. Энди бозорнинг ривожини товар ишлаб чиқариш миқёсига боғлиқ бўлиб қолади ва талабнинг миқдори ва тузумига боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқий муҳит деганда бозор муносабатлари асосидаги фаолият учун ҳуқуқлар ва мажбуриятларни тушунамиз. Бу соҳадаги эркинлик жамият, давлат ва инсон олдидаги мажбуриятлар мувозанатининг доимо таъминланиб бориши учун зарур шартдир.

Бозор иқтисодиётининг муҳим шартларидан бири унинг инфратузилмаларининг шаклланишидир. Бусиз ва унинг ривожисиз

бозорни тасаввур этиб бўлмайди ҳамда иқтисодиёт самарали ҳаракатда бўла олмайди. Бунда биз воситачилик тармоқлари, транспортнинг барча турлари, алоқа, ахборот кабиларни кўзда тутмоғимиз даркор. Чунки буларсиз товарлар ҳаракати, тижорат кабиларни амалга ошириб бўлмайди, албатта. Бунинг учун биринчи навбатда бозорнинг тижорий томонларини ифодаловчи *савдо-воситачилик* бўлимлари ва биржалар билан танишмоқ зарур.

Бозор давлатнинг тартибга солиш фаолиятини чегаралайди, жуда нозиклик билан иш тутишни талаб этади. Ҳеч қачон бозор иқтисодиёти имкониятлари тўла ишга солинган деб бўлмайди. Бу соҳада битта ҳам идеал давлат бор, дейиш қийин. Лекин бу соҳадаги энг муҳим хулоса шуки, давлат фаолияти билан бозор иқтисодиёти ўртасида мувозанат мавжудлиги муҳим тақдирий талабдир.

Мулк шакллариининг моҳияти ва мазмуни билан танишиш шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти учун барча мулк шакллари аҳамиятли бўлиб, ҳар бири ўзига хос устунликка эгадир. Айтиш мумкинки, ҳар бир мулк шакли бозор иқтисодиёти учун зарурий бўлиб, улар умумий тараққиёт жараёнида бир-бирини тўлдириб боради. Шунинг учун ҳам бозор муносабатлари шароитида мулк шакллариининг турлилиги ва ҳар бир мавжуд шаклининг тараққий этиб бориши талаб этилади. Бу жараён эркин рақобат шароитида амалга ошиши керак.

Хусусийлаштириш натижасида давлат монополиясига барҳам берилиб, нодавлат мулкнинг барча шакллари ривожланмоқда. Хусусий мулкчи ишлаб чиқарувчиларнинг миқдори борган сари кўпайиб, эркин иқтисодий ҳаракат шароитини яратувчи соғлом рақобат учун қадам ташланмоқда. Натижада мулк эгасини топиб, ундан фойдаланиш самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш сари силжиш тезлашмоқда.

Такрорлаш учун саволлар

1. Бозор иқтисодиёти муносабатларининг моҳияти деганда нимани тушунасиз?
2. Бозор иқтисодиёти тизимининг самарадорлиги нимада?
3. Бозор иқтисодиётини белгиловчи асосий механизмларни айтиб Беринг.
4. Талаб деганда нимани тушунасиз?
5. Таклифнинг моҳияти нимада?
6. Рақобатнинг бозор муносабатларидаги ўрни нимада?

7.Бозор баҳосининг мазмуни нимадан иборат?

8.Давлатнинг умумиқтисодий функцияларини айтиб Беринг.

9.Мулк муносабатлари ва мулкчиликнинг бозор иқтисодиётидаги ўрни деганда нимани тушунаси?

10.Мулк турлари ва шакллари қандай тушунаси? Ҳар бир мулк шаклини бозор учун аҳамиятини очиб бера оласизми?

11.Хусусий мулк ва унинг кўринишларини бозор ривожини учун алоҳида аҳамият касб этишининг сабаби нимада?

12.Хусусийлаштиришнинг мазмунини тўлароқ тушунтириб беринг. Унинг бошқа усуллар, айниқса бозорни либераллаштириш билан боғлиқ бўлган таъсири нимада?

3-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

3.1. Тадбиркорлик моҳияти

Ҳаётимизга тадбиркорлик, бизнес каби тушунчалар тўла кира бошлади. Бизнинг турмуш тарзимиз учун булар янги тушунчалардир.

Ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида тадбиркорлик кенг ижтимоий муносабатларни ўз ичига олади ва бунда ҳуқуқий, руҳий ва тарихий томонлар мавжуд. Лекин ўзининг туб моҳияти бўйича тадбиркорлик иқтисодий ҳаётга кириб кетади. Ўз иқтисодий табиати бўйича тадбиркорлик икки томоннинг диаметрик бирлигини: умумиқтисодий мазмун ва махсус ижтимоий шакллари бирлигини ташкил этади.

Тадбиркорлик доимо маълум мазмунда ташкил топиб, аниқ шаклларда ифодаланади. У хўжалик юритиш усули сифатида бир қанча умумий белгиларга эга. Буларга асосан хўжалик субъектларининг мустақиллиги ва суверенлиги, иқтисодий манфаатдорлик, доимий хўжалик хатарлилиги ва жавобгарликларни киритиш мумкин.

Тадбиркорлик доимо маълум мазмунда ташкил топиб, аниқ шаклларда ифодаланади. У хўжалик юритиш усули сифатида бир қанча умумий белгиларга эга. Буларга асосан хўжалик субъектларининг мустақиллиги ва суверенлиги, иқтисодий манфаатдорлик, доимий хўжалик хатарлилиги ва жавобгарликларни киритиш мумкин.

Тадбиркорликдаги мустақиллик, аввало, эркин ҳолда мустақил равишда бир қарорга келиш имкониятини беради, бу қарор бозор механизми ҳаракатини таъминлайди. Айтайлик, маълум сармоёга эга ва истаги бор шахс бизнесга киришиши, ўзининг тижорий ишини ёки ишлаб чиқаришини ташкил этиши мумкин. Чунки ишлаб чиқариш ресурслари, яъни ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучини бозордан сотиб олиши мумкин. Нима ишлаб чиқариш, қанча ишлаб чиқариш, кимга ишлаб чиқариш, кимдан нима сотиб олиш, кимга сотиш, қайси баҳони белгилаш кабилар эркин тарзда, баҳо ҳолатини эътиборга олган ҳолда тадбиркор томонидан ҳал этилади. Лекин тадбиркорликни соддалаштириб бўлмайди, яъни ҳамма нарса мумкин деб, иш тутиб бўлмайди, ҳар бир тадбиркор бутунлай яқка эмас. Зеро, бозор иқтисодиёти кўпчилик фаолияти якунидир. Тўғри, тадбиркорлик юқоридан хўжайинлик қилишдан, нима қилиш, қандай

ишлашни белгилаб беришдан озод бўлади, аммо бозордан ва унинг қаттиқ талабларидан, механизмлари таъсиридан холи бўла олмайди. Тадбиркорликда мустақиллик билан иқтисодий манфаатдорлик ажралмас ҳолда боғлангандир. Даромадни, фойдани юқори даражага етказиш тадбиркорлик фаолиятини белгиловчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Умуман, бошланган иш, унинг кенгайиши, ўзгариб бориши даставвал шунга боғлиқдир. Лекин шахсий манфаатдорликни худбинлик билан адаштириш нотўғридир. Чунки бозор иқтисодиётининг тараққиётида бошқарувчи шахс хўжаликни ўзининг махсус таъсири остида ижтимоий мақсадга эришиш томон йўналтиради ва жамият учун хизмат қилади. Масалан, Генри Фордни олсак, у албатта ўз фаолиятини хайрия мақсадида бошлагани йўқ. У шахсий манфаатини кўзлаб иш уюштирдию, лекин натижада автомобил империясини тузди, маҳсулоти билан жаҳонга ном таратди, хўжалигини туб ўзгаришларга олиб келди.

Тадбиркорликни бойиш мақсадидаги тижорийлик, яккаю-ягона мақсад фаолияти деб бўладими, деган савол туғилади. Бунга ижобий жавоб бериш мумкин. Бунда умуман ҳаққонийлик мавжуд. Тадбиркорлик даромадсиз бошланмайди ва шу бошланғич фаолият даврида фойдани кўпайтириш асосий мақсад бўлиб, барча имконият ва қобилият шунга қаратилади. Масалан, капитализмнинг бошланғич ва тараққиёт даврида тезда бойиш, иложи борича кўп капитал йиғишдан бошқа нарса кўзланмайди. Асосий мақсад қандай йўл ва усулларни кўллаб бўлсада, фаолиятни кенгайтириш, таъсирини оширишдан иборат бўлади.


Лекин ҳозир ундай деб бўлмайди. Замонавий бизнесменнинг ҳаракати фақат иқтисодий мақсадлар билан чегараланмайди. Агарда шундай бўлмаса, тадбиркорликнинг ижтимоий масалаларга аралashi, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни хал қилишдаги фаолиятларини тушуниб бўлмас эди. Чунки ривож топган мамлакатларда маориф, соғлиқни сақлаш, экологик мақсадларни кўзлаб сармоялар ажратиш ва сарф этиш, шунингдек, қашшоқликка қарши курашиш каби хайрли ҳаракатлар тадбиркор эътиборидан четда эмас.

Тадбиркорликнинг асосий хусусияти. Тадбиркор аввало новаторлик билан белгиланади. У доимо иқтисодий фаолиятда янгиликларни ахтариш, уларни амалга ошириш, фаолият самарадорлигини кўтариш учун ҳаракатда бўлади. Кучли рақобат кураши шароитида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ҳеч

нарсани ўзгартирмай, эски тартибда баҳо ҳисобига фойда олиш узоққа бормайди. Харидорлар доимийлиги, уларнинг оқими, товар ва товарлашган хизматлар сифати, бу соҳадаги доимий ўзгариш ва янгиликлар харидорларни ўзига тортади. Шу билан бирга бошқаларга нисбатан

баҳонинг ҳам пастроқ бўлиши товарларнинг ўтишига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун тадбиркорликда товар хилларини ўзгартириб туриш, унинг сифатини кўтариш, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш учун кураш кетади. Бу эса

3.1.1.-жадвал
Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда методологик базани чуқурлашуви



Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш методологик базасини чуқурлашуви

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги Президент маърузаси (12 ноябрь, 2010й.);
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги Президент маърузаси (7 декабрь, 2010й.);
- Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2011 йилдаги устувор йўналишлари (январь, 2011й.);
- “2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар кўламини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда тадбиркорлик муҳитини шакллантиришга оид мезонлар ва баҳолаш тизимини амалга ошириш дастури тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ-1464, 7 январь 2011й.);
- “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури.

5

ишлаб чиқаришнинг янги технология асосида ташкил этилишида, янги усулларини қўллаб-қувватлаш, товарлар сотилишининг янги-янги йўллари топиб қўллаб боришда ўз ифодасини топади.

Юқорида айтилганларга боғлиқ ҳолда тадбиркорликни иккига бўлиш мумкин: классик ва инновацион, булар бир-биридан фарқ қилади. *Классик тадбиркорликни* олсак, бунда бизнес компания ёки фирма ихтиёридаги ресурслардан энг юқори натижага эришиш фаолиятнинг асоси деб олинади. Ресурсларга мўлжалланган тадбиркорлик ўз ечимларини мавжуд ресурсларга мослаштирган ҳолда белгилайди ва ресурслардан самарали фойдаланиш чоратадбирларини қўллаб боради. Иккинчи хил тадбиркорлик, яъни *инновацион тадбиркорлик* фақат мавжуд ресурсларга эмас, балки иложи борича имкониятларга, ресурслар комбинациясини амалга оширишга мўлжалланган. Тадбиркор фаолиятини таъминлай оладиган ўз ресурсларига етарли миқдорда эга бўлмаса ҳам ўз

мақсадига эришиш учун ҳар қандай усуллар, йўллар билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятларини топишга уринади. У ўз ихтиёридаги ва ташқи ресурслардан фойдаланишнинг маъқул вариантларини танлайди. Илмий техника тараққиёти, маҳсулот сифати ва чидамлилигига бўлган талабнинг ўсиб бориши тадбиркорлик олдида туб янги техник-технологик ечимларни тадбиқ этиш заруриятини кўймоқда. Бунинг учун “ақлий хужум” деб аталмиш йўналишни асос қилиб олиш талаб қилинади. Кейинги йилларда Ғарб мамлакатларида кичик хажмдаги илмий ишлов тадбиркорлиги авж олмоқда.

Тадбиркорлик учун кейинги аҳамиятли хусусият шуки, у хўжалик соҳасидаги тўхтовсиз ва хатарли жавобгарликнинг мавжудлигидир. Бу тушунчалар бир хил бўлмаса ҳам, лекин улар бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини келтириб чиқаради.

Хатар деганимизда номаълум, кутилмаган ҳолатлар бўлиши мумкинлигини тушунамиз. Қанчалик ўйлаб иш қилинмасин, олдиндан қанчалик ҳисоб-китоб ва чамалаб иш тутилмасин, барибир кутилмаган ҳодисалар юз бериши турган гап ва унинг олдини олиб бўлмайди. Хатарликка иқтисодий баҳо бериб ҳам бўлмайди. Жавобгарликни олсқ, бу анча аниқ нарса ва уни маълум кўрсаткичлар бўйича аниқлаш ва баҳолаш мумкин. Тадбиркорликдаги хатарлик мавжудлигининг шароитлари юқори даражали ишбилармонлик, серҳаракатлик ва рақиблик қила олиш қобилиятларини талаб этади. Тадбиркорликда муваффақиятга эришиш ёки тушкунликка тушиш муқаррар. Чунки доимо омад келавермайди. Хатарликда сарф-харажатлар ҳамда натижалар ўртасидаги мувозанат иш тақдирини билдирувчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Агар бу мувозанат бузилса, бозордаги баҳо харажатни қоплаш даражасида бўлмаса, демак тадбиркорликда ҳисобга олинмаган тасодифий томонлар мавжудлиги аниқ. Бунда ё тадбиркорнинг фаолияти самарасиз, ё бозор конъюнктураси бузилган бўлади. Ишлаб чиқариш ва товарлар сотилиши шароитлари комбинациясини доимо назорат остида тутиш, ишловчиларни ҳам шундай шароитида тутиш талаб қилади.

Тадбиркорлик фақат мулкдорларга хос деб бўлмайди, янги ўз мулкани ишлатиш туфайлигина тадбиркор бўлиши мумкин, дейиш нотўғридир. Чунки мулкка эга бўлмай, қарз сармоя, ижара асосида ҳам тадбиркорликнинг ташкил этса бўлади. Буни давлат корхоналаридаги тадбиркорликда яққол кўриш мумкин. Маълумки, ўтган асрдаёқ капитал мулк ва капитал функция ажралиши юз бериб,

буни ўз вақтида К. Маркс атрофлича таърифлаб берган эди. Хўжаликни юритиш, бундаги тадбиркорлик бўйича зарур қарорга келиш аллақачонлар капиталнинг эгасидан капитални ишлатувчи-бошқарувчи ихтиёрига ўтган. Бундай ҳаракат, айниқса, ҳиссадорлик жамиятларининг пайдо бўлиши билан кучайди. Якка хусусий корхоналарда, албата мулкдорнинг ўзи тадбиркор ҳисобланади. Чунки ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш билан боғлиқ барча зарурий ишларни унинг ўзи олиб боради. Ҳозирги замон иқтисодиётида хўжаликлар фаолияти корпоратив асосда ривожланиши туфайли ташкилий-техник раҳбарлик менежерлик томонидан амалга оширилмоқда. Демак, тадбиркор ва мулкдор ўртасида қаттиқ боғлиқлик йўқ. Шунга кўра тадбиркорликни мулкдорлик хусусияти белгиламай, уни қарамсизликнинг моддийлашуви, хўжалик юритувчиларнинг мустақиллиги белгилайди.

Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти иқтисодий фикр юритишсиз тўла ечилмайди. Тадбиркорликка хос фикр юритиш оддий маълум ва сингиб кетган ҳолатлардан бутунлай бошқача бўлади. Қабул қилинадиган қарор ва ечимлар ўзгача янгилиги, алоҳидалиги билан фарқланиши керак. Бунда энг марказий нарса қўл остидаги кишиларни қўйилган мақсадга бўйсиндириш ва уларни ана шу мақсад атрофида бирлаштира олишдир. Бу албатта зарур ахборотларни ўз вақтида йиғиш, уларни ишлаб чиқиш ва фойдаланишни талаб қилади. Ҳисоб-китоб ва ҳаракат дастурларини ишлаш юқори билимга асосланади. Кашфиётчидан фарқ қилган ҳолда тадбиркор шу кашф этилган иш билан қаноатланмайди, балки уни тадбиқ қилиш ва бу жараёнда юқори самарага эришишини кўзлайди. Бу жараёнда кўп тўсиқлар, қийинчиликлар бўлиши туфайли қатъийлик, ирода талаб этилади.

Юқорида айтилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда тадбиркорликни хўжалик субъектларининг хатарлилиги билан боғлиқ ҳолдаги ташаббускорлик, ўз ғоялари ва ижтимоий иқтисодий самарага эришиш мақсадида янги комбинацияларни амалга оширувчи иқтисодий фаолият деб ифодалаш мумкин.

Тадбиркорликни тараққий этиши нуқтаи назариядан ривожланган ва ривожланмаган тадбиркорликка бўлиш мумкин. Ўтиш даври учун ривожланаётган тадбиркорлик хос бўлса, бозор иқтисодиёти тараққий этган давр ривожланган тадбиркорликни яратади. Тадбиркорлик бозордан келиб чиққанлиги туфайли, у бозор

муносабатлари хусусиятлари ва уларнинг таъсир доираси кенглиги билан боғлиқдир. Агарда буни бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни билан боғлаб кўрадиган бўлсак, корхоналар мустақиллиги даражаси билан унинг ҳам ўзгариб боришини фраклай олиш мумкин. Лекин барибир корхоналар фаолиятида давлат таъсирининг сақланиб туриши тадбиркорлик учун йўлни тор қилиб қўймоқда. Бундан ташқари мавжуд, аниқроғи собиқ ишлаб чиқариш тузилишининг асослиги, батамом янгиланмаганлиги ишлаб чиқарувчиларнинг монополлигига барҳам бериш имконини яратгани йўқ. Бу ҳозирча бозорда товарлар таклифи шароитини ўзгартиргани йўқ. Харидорлар – истеъмолчиларнинг тор ҳажмли, чекланган миқдордаги ишлаб чиқарувчиларга боғлиқлиги сақланмоқда. Бу, албатта тадбиркорликни анча чегаралайди ва бундай шароитда у тез ривожлана олмайди. Тадбиркорликдаги жавобгарликка келсак, уларнинг муваффақиятли фаолиятлари учун ижобий таъсир этувчи шароитлар зарурий қонуниятлар билан таъминланмоғи керак. Бунда қонунларнинг тўла ижроси учун муҳит ярата билиш аҳамиятлидир.

Бозор иқтисодиётининг шаклланиш тезлигига қараб тадбиркорлик ҳам ривожланиб бориши керак.

Тадбиркорлик фаолиятини белгиловчи хусусиятлардан яна бири унинг ташкил этилиши усулидир. Бу жараён стихияли ёки ташкилий равишда юз бериши мумкин. Тарихан бу жараён стихияли пайдо бўлиб келган. Лекин ҳозир бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки стихияли жараён учун жуда узок вақт керак ва у салбий оқибатларга олиб келади. Бор тажрибаларга асосланган ҳолда тадбиркорликнинг шаклланишини ташкилий равишда амалга ошириш имкони бўлиб, бунда давлат асосий рол ўйнайди.

Инновацион тадбиркорлик. Тадбиркорликка иқтисодиётдаги янгича йўналиш, янги корхоналар очиш асос бўлиб, туб мақсадларни белгилайди. Чунки тадбиркорлик деганда, аввало янгича ишлаш, янги маҳсулот, янгича хизмат хилларини яратиш, янги технология ва усулларни қўллаш тушунилади. Тадбиркорлик даражаси янги маҳсулот, янгича ишлаб чиқаришни жорий қилиш, фан янгиликлари, янги технологияни жорий қилиш даражаси билан белгиланади. Демак, тадбиркорлик аввало иқтисодий янгилик билан боғлиқдир, яъни у инновацион тадбиркорликдир.

Инновацион тадбиркорликка кейинги вақтларда ривожланаётган венчур капитал жуда мос келади. Венчур сўзи инглизча хатарли маъносини билдиради. У файқат янги майда

корхоналар, кашфиёт, илмий янгиликларга асосланган ҳолда иш бошлаши керак бўлган корхоналарга сарф этилиб, бунинг учун якка капиталдан ташқари фондлар, ҳаттоки корпорацияларга шунга қаратилган махсус бўлимлар ташкил этилади.

Янгиликнинг даражалари бўлиб, улар оддий янгилик, технологик янгилик, инқилобий кашфиётлардир. Оддий янгилик товардаги тўхтовсиз ўзгаришлар, уларнинг такомиллашиб боришидан иборатдир. Мода, товарлар хусусиятларининг янгиланиб бориши, истеъмол қулайликларини кенгайтириб боришлар шулар жумласидандир.

Технологик янгилик эса хомашёларни, материаллар, энергетика хилларини ўзгартириш, ишлаб чиқаришнинг янги усулларини қўллашни ўз ичига олади. Бунда автоматлаштириш, кимёвий усуллар жуда кўп келади.

Инқилобий кашфиёт янги хил товарлар ва уларнинг комплекси, ишлаб чиқаришнинг туб ўзгариши билан боғлиқдир. Бунда янги тармоқлар юзага келади. Масалан, компьютер тизими, электроника, видеотехника, туб янги алоқа воситалари, космотехника кабилар шулар жумласидандир.

Янгиликлар даражасидан қатъий назар, улар уч йўл билан тижорий маҳсулот даражасига етказилади: 1) давлат корхоналари; 2) “ички” тадбиркорлик; 3) тадбиркорлик орқали. Илмий ғояларни амалга ошириш муҳим муаммолардан ҳисобланади. Чунки жуда кўп илмий тадқиқот ва кашфиётлар ҳаётий амалиётсиз қолиб кетади. Камдан-кам кашфиётлар, илмий ғоялар ишлаб чиқаришга ва умуман ҳаётга тадбиқ қилинади. Илмий янгилик натижалари билан тижорий маҳсулот ўртасидаги масофа жуда узокдир.

Фан билан ижтимоий талаб ўртасида ўзаро алоқа ўрнатишда, уларни тижорий маҳсулот даражасига етказишда давлатнинг ўрни катта. Аввало давлат ўз корхоналаридаги янгиликлар билан боғлиқ вазифаларни, шунингдек, барча халқ хўжалигидаги техник янгилик сиёсатини бошқаради.

Тадбиркорлик нуқтаи назаридан давлат секторида бу соҳада маълум қулайликлар билан бирга салбий томонлар ҳам мавжуддир. Бу салбий томонлар бюрократик, сансоларлик ҳолатлари билан боғлиқ. Натижада кутилган самарага эришилмайди. Бу томондан давлат сектори хусусий сектор олдида заифлик қилади ва янгиликларни ҳаётга тадбиқ қилишда хусусий тадбиркорлик устунлик қилади.

Илмий тадқиқот натижаларини тижорийлаштиришдаги иккинчи йўл “ички” тадбиркорлик бўлиб, бунда мавжуд тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Чунки буларда ҳам илмий ечимларни ишлаб чиқаришда қўлланишнинг имкониятлари, янги молиявий ресурслар, ишбилармонлик, ҳаракатдаги тезоблик, маркетинг тизими мавжуд бўлиб, янги маҳсулотни муваффақиятли тижорийлаштириш шароитларига эга бўладилар.

Хусусий тадбиркорликда ҳам ҳамма нарса силлиқ юз беради деб бўлмайди.

Чунки уларда ҳам бюрократлик, борига кўникиш, янги оқимни ўз вақтида сезмаслик, бори билан қаноатланиш кайфиятлари йўқ, деб бўлмайди. Бундай салбий томонлар мавжудлигини сезган корпорациялар

бу соҳадаги тўсиқларни олиб ташлаш ва тўхтовсиз янгиланиб бориш учун курашиб, ҳақиқий тадбиркорлик моҳиятини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар.

Илмий ғояларни янги маҳсулотларда моддийлаштиришга кейинги йўл туб мазмуни билан тадбиркорлик бўлиб, янги ғоя асосида корхона бунёд қилишдир. Бу энг оғир йўл. Чунки бу янги тадбиркорлик фаолияти билан боғлангандир. Маълумки, янги ишни бошлаш ҳамма вақт катта қийинчиликлар билан боғлиқдир. Янги тадбиркорлик барча нарсаларни янгидан, бошидан бошлашни талаб этади. Бунда тадбиркордан зарур пулни топиш, корхонага эга бўлиш ва уни ишга тушириш, тижорий иш тажрибасига эга бўлиш ва бошқа бир қанча муаммоларни ҳал қилиш талаб этилади. Бунда янги ғояни

3.1.1.-чизма
Республикада тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган ҳуқуқий база



маромига етказиш, уни реаллаштириш учун қайта-қайта кўриб чиқиш зарурияти мажуддир. Яна банкирлар билан, маҳсулот етказиб берувчилар, истеъмолчилар, улгуржи савдогарлар, реклама агенти вакиллари кабилар билан муомала қила била шва ҳамкорликка кўшила билиш уқуви бўлиши зарурдир. Буларсиз ҳеч қандай муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Тадбиркорлик ва иқтисодий ўсиш. Илмий тадқиқот натижаларини тижорий маҳсулотга айлантириш, янги товар ва хизматлар турларини яратиш соҳасидаги энг маъқул йўл янги корхоналар, янги тармоқлар яратишдир. Шу кунда бу соҳадаги энг маъқул йўл янги тадбиркорлик, янги корхоналар, янги иш бошлаш йўли билан янги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ташкил этишдир.

Тадбиркорлик маҳаллий иқтисодий ҳолатга катта таъсир кўрсатиб, янги иш жойлари яратади, иқтисодий асосни кучайтиради. Шунинг учун ҳам бундай тадбиркорлик иқтисодий тараққиётда энг аҳамиятлидир.

Умуман тадбиркорликнинг иқтисодий тараққиётдаги роли, ўрни ҳақида гап юритар эканмиз, аввало даромадларнинг ўсиши, аҳоли истеъмолининг ортиб боришини тасаввур этамиз. Чунки ҳар бир мамлакатда тадбиркорлик ривожини ҳар бир тадбир, ҳар бир ишловчининг индивидуал даромадларининг ўсиб боришига ва натижада умуман, миллий даромаднинг ортиб боришига, шахсий истеъмоллар кўпайиб, аҳоли турмуш даражасининг кўтарилишига олиб келишини кўраемиз. Энг ривож топган, қудратли иқтисодиётга эришган ва аҳолисининг турмуш даражаси юқори бўлган мамлакатлар муваффақиятлари тадбиркорлик тараққиёти натижасидир. Лекин тадбиркорлик аҳамияти фақат бу билан чегараланмайди. Чунки тадбиркорлик иқтисодиёт, жамиятдаги ўзгаришнинг ҳаракатга келтирувчи механизми, уни амалга оширувчи вазифасини бажаради. Бу ўзгаришлар умумий иқтисодий ўсишни таъминлаб, маҳсулотнинг тўхтовсиз кўпайиб боришига олиб елади. Бундай ҳодисадан барча манфаатдордир.

Тузилма ўзгариши ва иқтисодий тараққиётнинг механизми нимадан иборат бўлиши мумкин? деган савол туғилади. Баъзилар буни инновация жараёни билан боғлиқ деб тушунтираилар. Инновация туфайли янги оовар ва хизматлар барпо этилади, шунингдек, янги тузиладиган компаниялардаги инвестициялар ҳам рағбатлантирилади. Иқтисодий тенглашувда янги инвестиция талаб

ва таклифнинг ўсишига қаратилади. Чунки юзага келувчи капитал товарлар чиқаришни кўпайтириб, таклифни кўллайди. Харажатларнинг кўпайиши ва маҳсулот ўсиши эса талабни кучайтиради.

Шунга қарамай, инновация ва инвестициянинг иқтисодий ўсишдаги аҳамиятлилиги тадбиркорликнинг аҳамиятини тўла очиб бера олмайди. Чунки юқорида кўрсатганимиздек, инновация давлат ва мавжуд корхоналарда ҳам амлага ошиши мумкин.

Тадбиркорликнинг тақдири, истиқболи бозор иқтисодиёти тараққиёти билан боғлиқдир. Келажак бозор иқтисодиёти билан белгиланар экан, демак, тадбиркорлик ижтимоий ҳаётда ўзининг аҳамиятини ошириб боради. Шунинг учун йилдан-йилга тадбиркорликка жамият, давлат ва ҳукуматларнинг эътибори ортиб бормоқда. Булар тадбиркорликка боғлиқ илмий тадқиқотларнинг кенгайиши, тадбиркорлик мутахассислигини ўргатишнинг ривожини, давлатнинг тадбиркорликни кучайтириш соҳасидаги тадбир-чораларининг кенгайиши, жамоатчиликнинг эътиборини ўсиши кабиларда ўз ифодасини топмоқда.

Тадбиркорлик барча соҳаларда ва тармоқларда мавжуд. Тадбиркорлик даражасига келсак, бу ҳамма соҳада бир хил бўлмаганидек, давлат корхоналари ва корпорациялардаги ёлланма бошқарувчилик билан хусусий корхоналардаги тадбиркорлик шароити ва даражасини ҳам бир хил деб бўлмайди.

Ёлланма бошқарувчилик шароитида тадбиркорлик тўла эркинликка эга эмас, чунки бунда чегараланиш мавжуд ва асосан ижрочилик устунлик қилади.

Хусусий корхоналарда эса аҳвол бошқача ва тадбиркорликдаги чегараланиш деярли йўқ. Уларда тўла иқтисодий ҳаракат шароитлари ҳукмронлик қилади, ташаббускорлик, хатарлилик чекланмайди. Корхонанинг, сармоянинг батамом тадбиркор иҳтиёрида бўлиши тўла эркинлик имконини туғдиради. Шунга қараб тадбиркорликнинг икки хилини эътиборга олиш мумкин: чекланган ва чекланмаган (суверен) тадбиркорлик. Биринчиси, ёлланма бошқарувчилик, яъни давлат ва корпорациядаги бошқарув фаолиятига тааллуқли бўлса, иккинчиси, хусусий корхона, хусусий мулк шароити ҳукмронлиги асосидаги тадбиркорликка тааллуқлидир. Булар бир-биридан мустақил иш юритиш даражаси билан фарқланадилар.

3.2. Тадбиркорлик шароитлари

Таadbиркорлик цивилизацияли тарзда шаклланиши ва шу асосда ривожланиши учун маълум шароитлар талаб этилиб, буларни 4 қисмга бўлиб кўриш мумкин: иқтисодий, сиёсий, руҳий ва юридик асосда. Булар айна вақтда омиллар бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий омиллар. Таadbиркорлик шароитлари деганда аввало эркин иқтисодий тараққиётни тушунамиз, яъни бу бозор иқтисодиёти моҳиятидан келиб чиқадиган эркин иқтисодий фаолият, демократик иқтисодиёт шароитидир. Маъмурий таъсирдан холилик, буйруқ ва мажбурийликнинг тубдан йўқ қилиниши туфайли таadbиркорликка йўл очиш мумкин. Чунки булар бир-бирини инкор қиладиган шароитлардир.

Таadbиркорликда нима ишлаб чиқариш, қанча ва қандай ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган товарни қаерда, қайси баҳода сотиш эркин ҳолдаги таъсир остида ҳал қилиниши керак. Эркин фаолият аввало ресурсларга бўлган муносабатда ифодаланиб, зарур восита истаган миқдорда, хоҳлаган хилда мақсадга мувофиқ тарзда олиниши керак. Буларнинг ҳаммаси эркин бозор шароити асосида малга ошади. Таadbиркор бозордаги талаб ва таклиф таъсири, уларнинг мувозанати талаби асосида ҳаракат қилади. Баҳо эса эркин шаклланиб, талаб ва таклиф мувозанатининг натижасида юзага келади, у доимо ўзгарувчан бўлади. Таadbиркор тармоқ танлови, фаолият соҳаси танловида тўла эркин бўлмоғи зарур. Ўз капиталини қаерда, қандай, нима учун ишлатишни тўла мустақиллик билан ҳал қилади. У фақат бозор учун ишлаб, талаб ва таклиф, эркин баҳо таъсирида бўлиши керак.

Эркин иқтисодиётни ўзбошимчалик деб тушунмаслик зарур. Чунки таadbиркорликдаги мустақиллик жамият талабига мос ҳолда, жорий қонун, қоидалар талаби асосида ҳамда мавжуд белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар асосида амалга ошади.

Эркин иқтисодиёт тараққиёти, ўз навбатида, асосларга эга бўлиб, бу аввало кўп шаклли мулкчилик ва рақобат шароитларининг яратилишида ифодаланади. Ўтиш даврида иқтисодий асоснинг негизини давлат мулкни хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ташкил этади. Таadbиркорликни шаклланиши ва унинг тақдирини шу жараёнга, унинг услубига, тезлигига, ҳажмига ўхшаган муҳим томонларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мулкнинг

хусусийлашуви, унинг якка шакллилиги ҳукмронлигига барҳам бериш тадбиркорлик ривожининг асосидир.

Маълумки, мулкни хусусийлаш жараёни аралаш иқтисодиётни юзага келтириш билан тадбиркорликка йўл очади. Хусусий тадбиркорлик, биринчи навбатда, оз ҳажмли капитал талаб этадиган, тез фойда келтирадиган тармоқларда ривожланади. Бу эса майда корхоналарнинг авж олиши, бандлик ва халқ истеъмоли муаммоларини ҳал қилишда жуда қўл келади. Ҳозир республикамиз шароитида бу жараённинг аҳамияти чексиздир. Олдин бу савдо-тижорий, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш тармоқлари кабилардан бошланиб, ўз навбатида, майда ишлаб чиқаришга ўтади.

Хусусийлаштиришнинг кейинги қисми ўрта, катта корхоналарни ўз ичига олиб, асосан ҳиссадорлик, корпоратив усуллар билан амалга ошади. Бунда аввало ёпиқ, сўнгра очик акцияли жамиятларни ташкил этишга ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мулкни хусусийлаштириш айни вақтда тадбиркорлик учун зарур бўлган рақобат шароитларини яратиб беради. Шунга кўра нодавлат мулкларининг шаклланиши хўжалик соҳасидаги монополлашувнинг олдини олиш билан биргаликда олиб борилиши зарур. Монополияга қарши курашиш ва тадбиркорлик шароитларининг яратилишида рақобат асосий таъсир кўрсатиши керак. Тадбиркор учун хўжалик юритиш рақобат курашини олиб бориш деган сўз. Ишлаб чиқариш ташкил этилар экан, демак, рақобат курашига эътибор бериш зарур, яъни ижтимоий истеъмомга тўғри келмайдиган ва бозор томонидан сиқиб чиқарилаётган ҳодисани эътиборга олмаслик ва шу асосда ишни ташкил этмасликнинг иложи йўқ. Ҳар бир товар бўйича агарда кўп миқдорли ишлаб чиқарувчилар бўлмаса, рақобат ҳам бўлмаслиги мумкин, яъни монополия рақобатни сўндиришини юқорида кўриб ўтган эдик. Фарбдагиларнинг фикрича рақобат шароити бўлиши учун одатда камида 8-15, лекин 4-5 дан кам бўлмаган миқдорда бир хил товар ишлаб чиқарувчилар бўлиши талаб этилади.

Тадбиркор учун инфраструктуранинг ривожини ривожини талаб этилади. Чунки ишлаб чиқариш ресурсларини қаердан, қандай усулда олиш ноъмалум бўлса, кредитга ишонч бўлмаса, товар харидорлари номаълум бўлса, реклама бўлмаса ва алоқа воситалари паст даражада бўлса, бозор иқтисодиёти тараққий этиши мумкин эмас.

Сиёсий, руҳий ва ҳуқуқий омиллар. Сиёсий омилларни олсак, Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, иқтисодиётнинг

сиёсатдан устуворлиги таъминланмоғи зарур, бусиз тадбиркорлик юзага келмайди. Сиёсий вазият тадбиркорликка қулайлик яратиши, яъни барқарорлик, демократия ривожини шароитларини таъминлаши талаб этилади. Иқтисодий ҳолат ва сиёсатга боғлиқлигига барҳам бериш ва тараққиёт учун хизмат қилишга қаратиш зарур.

Тадбиркорлик руҳияти ҳам бозор иқтисодиётининг шаклланиши, унинг ҳаётини таъсири даражасига боғлиқ. Шу вақтгача ҳуқуқдорлик қилиб келган тенглик асосан истеъмол тенглигини билдириб келган. Бозор эса бундай тенгликни инкор этиб, фақат имкониятлар тенглигини инобатга олади холос. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир киши ўзининг хусусий ишига эга бўлган холда бизнес билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Бозор тенг тақсимотни қабул қилмайди. Унда фаолият натижасига қараб даромад тақсимланиши асос бўлиб ҳисобланади.

Пировард тадбиркорлик ривожига қисм ҳуқуқий асослар бўлиб, шуни таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик қонун обрўси мавжуд шароитда тараққий эта олади. Самарали таъсир этувчи ҳуқуқий механизмни яратиш тадбиркорликка кенг йўл очиш ва тадбиркорлик фаолиятида юз бериши мумкин бўлган салбий томонларни камайтириш ва олдини олиш имконини туғдиради. Шунинг учун энг муҳими тадбиркорлик учун ҳуқуқий муҳит яратишдир.

Тадбиркорлик учун ягона ҳаракат майдони мавжудлиги, ягона пул бирлиги аҳамиятлидир. Мамлакатлараро иқтисодий майдонда эркин иш тутиш, иқтисодий битимлар тузиб иш кўриш мумкин. Бу бир давлат ҳудуди билан чегараланмайди. Шу иқтисодий майдонда тадбиркорлик учун зарур бўлган шароит, яъни товарлар, пулларнинг эркин ҳаракати, ресурсларнинг эркин оқими, капитал ва иш кучи оқими эркинлиги кабилар мавжуд бўлади. Иқтисодий майдон зарур инфраструктурага эга бўлади, шу билан бирга баҳо, тарифлар шаклланиши умумийлиги бўлади. Лекин иқтисодий майдоннинг доираси ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, Европа бозори бир неча Ғарбий Европа мамлакатларини ўз ичига олади. Шимолий Америка, АҚШ, Канада, Мексикани бирлаштиради. Марказий Осиё ҳозирча Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳудудларини бирлаштиради ва ҳ.к.

Тадбиркорликнинг муҳим хусусияти ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий ҳокимият доирасида бошқарилиши бўлиб, бу усул иқтисодий федерализм дейилади. Бу айниқса, АҚШ, Германия, Россия, Бразилия каби мамлакатларга хосдир.

Бизнес-режа моҳияти. Тадбиркорликни асосий таркибий қисмларидан бири бизнес-режадир. Ҳар қандай иш режа асосида бўлса муваффақият келтиради. Олдиндан зарур ҳисоб-китоблар қилиниб, имкониятлар тўла эътиборга олинса, ўйланган иш устида тўла тасаввур ҳосил қилинса, уни амалга ошишига ишонч ҳосил қилинади ва уни бажариш учун далил киритилади. Бундай томонлар бизнес-режада ўз ифодасини топиши керак.

Бизнес-режанинг икки томонлама аҳамияти бўлиб, бу ички ва ташқи заруриятлардан келиб чиқади. Чунки у биринчидан, тадбиркорликнинг ўз ички имкониятларини баҳолай билишга, фаолиятнинг маъқул усулларини белгилашга ёрдам беради ва билан бирга фақат тадбиркор учунгина эмас, балки корхонадаги барча хизматчиларда тўла ишонч туғдиришга, иккинчидан, ташқи алоқалар ўрнатишда ҳам ктата ёрдам беради. Банк, материаллар, энергия ва хомашё етказибберувчилар билан иқтисодий алоқада бўлиш учун аввал реал ҳақиқатдан келиб чиқадиган бизнес-режа бўлиши керак.

Ишни умуман корхона очишдан олдин мақсадни аниқлашдан бошлаш талаб этилади. Чунки бизнес-режа ва фаолият шу мақсадни амалга ошувига қаратилган бўлади. Масалан, тикув корхонаси очилиши кўзда тутилган бўлсин, дейлик. Бунга аниқлик киритиш зарур, чунки тадбиркорликка уйда тикилган кийимга талаб мавжудлиги ва бу ишни кенгайтиришга туртки бўлиши мумкин. Лекин якка ёки оммавий бурюртма асосида иш ташкил қилинадими? Булар олдиндан аниқланган бўлиши керак. Чунки буларнинг мижозлари ва иш технологияси бир хил эмас. Якка буюртма фақат индивидуал мижоз учун ва якка кийим тикиш технологияси асосида ташкил этилади. Оммавий буюртма ҳам магазинлар буюртмасига асосланади, лекин бунинг мижози аниқ бир шахс деб бўлмайди, балки умумий харидор қаторидаги шахслар бўлади. Шунинг учун олдиндан доналаб ёки оммавий кийим тикиш корхонаси бўлишини белгилаб иш бошлаш талаб этилади ва ахборот йиғиш шу мақсадга эришиш йўналишида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Бизнес-режани тузишда ахборотнинг таъсири жуда каттадир. Бу аввало талаб, таклиф, молия кабиларга тааллуқлидир. Мавжуд талаб хажми ва корхонанинг ишлаб чиқариш ҳамда молиявий эҳтиёжларини аниқлаш ахборотсиз бизнес-режа мазмунсиз бўлади. Ишни умуман корхона очишдан олдин мақсадни аниқлашдан бошлаш талаб этилади. Чунки бизнес-режа ва фаолият шу мақсадни амалга ошувига қаратилган бўлади.

Бунда албатта қуйидагиларга эътибор бериш зарур: корхонанинг ўзига ёки субподрядчикларга топшириладиган ишлар хили, материал ва хомашё миқдори ва баҳоси, уларни таъминловчи фирмаларнинг номи, манзили, жихозлар ва улар билан таъминловчилар тўғрисидаги тўла маълумотлар, меҳнат ресурсларига оид маълумотлар (иш ҳақи, хунарлар хили, миқдори, уларни тайёрлаш имконияти), бино ва иншоотга таллуқли тўла маълумотлар, устама харажатлар – маҳсулот, бошқарув харажатлари, электр ва сув каби харажатлари. Бундай маълумотлар тадбиркор ва инвестор усун албатта керак бўлади.

Талаб ҳолатига боғлиқ ахборот тадбиркорликнинг ишлаб чиқармоқчи бўлган талаб ва хизмат соҳасини танлаш учун керак бўлади. Бундай ахборотни тадбиркор ўзи йиғиши ёки махсус ташкилот, махсус журналларга мурожаат қилиш орқали олиши мумкин. Шу билан бундай ахборотлар рақобатчи фирмалар савдонинг қўшимча баҳоси даражаси, бозор ҳаракати ва ўсиш истиқболи каби маълумотлар билан тўлдирилиши керак.

Ишлаб чиқаришга оид ахборотни олсак, корхонанинг ишлаб чиқаришини белгилаш учун керак бўлади. Бундай ахборотни худди шундай маҳсулот етиштираётган корхоналарга бевосита мурожаат этиш йўли билан олса бўлади.

Янги корхонанинг ҳаётийлигини белгиловчи уч гуруҳ молиявий кўрсаткичлар мавжуд: 1) биринчи уч йиллик учун даромад ва харажат истиқболи; 2) шу муддат ичидаги нақд пул истиқболи; 3) жорий вақтдаги корхонанинг баланс ҳисоботи ва корхонанинг келажак бир йилга мўлжалланган актив (фаол) ва пасив (сув) ҳолати баланси (баланс режаси).

Бизнес-режани тузиш тадбиркорнинг маълум вақтини, тажрибасини, бундай ишга тайёргарлик даражасини талаб этади. Бу зарур нарса, унинг учун вақт ва билимни аяш ярамайди.

Бизнес-режанинг тахминий тузилиши ҳақида шуни айтиш мумкин: бу асосан 4 қисмни ўз ичига олади: умумий, ишлаб чиқариш режаси, маркетинг режаси, ташкилий режа, молиявий режа.

Умумий титул варағи, кириш қисми, тармоқдаги аҳвол таҳлили, тақдим этилаётган лойиҳа моҳияти, хатарлик баҳоси ва қўшимчаар киради. Титул варағида фирманинг тўла ном ива мазмуни, тадбиркорнинг исми ва уй телефони, тақдим этилаётган лойиҳанинг қисқача моҳияти, лойиҳанинг ялпи қиймати кабилар кўрсатилади.

Молиявий ахборот бўлажак корхона фаолиятининг молиявий томонларини баҳолаш учун зарурдир. Бўлажак корхонани куриш, ишга солиш, бошланғич даврида молиявий қўллаш ва умуман сарфланган сармояларни қайтариш билан бирга лойиҳанинг рентабеллик даражасини аниқланади.

Бизнес-режанинг муваффақиятли бажарилиши назорат тизимини яратиш ва иш жараёнида унга ўз вақтида тузатишлар киритиб бориш имконини беради. Бизнес-режанинг бажарилиши кузатиш учун йил охири кутиб ўтиришнинг хожати йўқ. Бунинг учун иш бошланиши билан назоратни ҳам бошлаш керак. Бу назорат нуқталарини белгилашдан бошланади. Айтайлик, даромад ва харажат мувозанати, нақд пул ҳолати, омбордаги захиралар даражаси, маҳсулот сифати, ишлаб чиқариш режаси кабилар камида ҳар ойда кузатилади. Назорат тизими жуда оддий бўлиши, ечимларни белгиловчиларнинг ўз вақтида хабардорлиги жойида чора кўришни таъминлашга ёрдам беради.

3.3. Тадбиркор тушунчаси

Тадбиркор бозор талаби асосида фаоллик қилади. Шунинг учун ҳам тадбиркорсиз бозор иқтисодиётини, бозор муносабатлари ҳаракатини тасаввур этиб бўлмайди.

Тадбиркор – бу асосан мулкдор, майда, ўрта ва йирик мулк эгасидир. Мулкдорлар синфи деганда, биринчи навбатда, тадбиркорларни тушунамиз. Тадбиркор ўз мулқидан капитал сифатида фойдаланиб, корхоналар ташкил этади, тижорат билан шуғулланади, бойликка бойлик қўшади, мамлакатнинг иқтисодий қудратини оширади. Агар тижорат ижора, қарз асосида олиб борилса ҳам барибир маҳсулот, товар унинг мулкдир. Шунинг учун ҳам мулкдорлар қанча кўп бўлса ва уларнинг мулки қанча йирик бўлса мамлакат шунчалик бой ва халқининг истеъмол даражаси юқори бўлади.

Агар мулки бўлса инсон ўзини мустақил ва эркин сезиб, ҳаётини асоси мавжуд эканлиги, келажакка ишонч билан қараши, мулки бор ҳудудни Ватан деб билиши ҳақиқатдир. Улуғ давлат, аввало мулкдорлар синфи ҳолати билан намоён бўлиши мумкин. Президент Ислом Каримов айтганидек, мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш, уларнинг аҳамиятлилик даражасини кўтариб бориш зарур. Чунки бозор иқтисодиётини куришда, келажакда буюк

давлатни юзага келтиришда мулкдорлар синфи муҳим рол ўйнаши ва бу соҳадаги муваффақиятларга эришишда етакчи бўлиши керак.

Маъмурий давлат иқтисодиёти ҳукмронлигидаги “социализм тизимига” хос даврни олсак, унда ҳам тадбиркор инкор этилмаган, ишбилармонлик талаб қилинган, шунга чақирилган. Лекин унинг туб мазмунда бўлишига шароит бўлмаган. Унда ҳар қандай хўжалик ва ташкилот бошлиқлари, уларнинг ишини юқоридан тайинлаган ва юқори белгилаган вазифанигина бажарган. Чунки корхона, хўжалик ташкилотлари тўла давлат ихтиёрида бўлиб, давлат вакили сифатида унинг номидан иш тутган. Албатта, бундай ҳолатда ва ваколатлик шароитида ҳақиқий тадбиркорлик бўлмайди, мустақил иш юритиш мумкин эмас. Хўжалик раҳбари, бошлиғи, бошқарувчиси ўз мулкига эга бўлмагандан кейин уни чегараловчи юқори бошлиқ ташкилотлар билан маслаҳатсиз, уларнинг розилигисиз мустақил қарорга кела олмайди. Бундан ташқари бозор билан бевосита боғлана олмайди. Чунки улар бозор билан боғлиқ эмас ва умуман, талаб таъсиридан четда бўлган ҳолда ҳаракат қилади.

Бундан ташқари хўжалик фаолияти билан боғлиқ барча масалалар режа орқали белгиланган. Шу билан бирга ишлаб чиқариш, товарларни сотиш, уларни баҳолаш ва умуман, бу соҳаларга бирон-бир ўзгаришлар киритиш фақат маълум ташкилотлар орқали амала оширилиши туфайли иш юритишда ҳеч қандай мустақиллик бўлмаган. Режалар, уларнинг кўрсаткичлари, юқори ташкилотлар топшириқлари, сиёсий органлар қарорларини бажариш, уларга ҳеч қандай ўзгаришлар ўзгаришлар киритмаслик қаттиқ назоарт остида бўлган, хўжалик соҳасида мустақил иш кўриш, ишбилармонлик қилиб, тадбиркорона ташаббус кўрсатиш жазоланган. Маълумки, бундай хўжалик юритиш шароитида ташаббускорликдан маҳрум этилган ва фақат ижрочига айланган холос.


Тадбиркор ўз номи билан эски бўлса ҳам шаклланаётган, муносабатлари кенгаяётган бозор иқтисодиёти шароитида янгидан пайдо бўлиши, бозор ривожини учун тўлақонли ҳаракат қила оладиган даражада бўлмоғи керак. Чунки амалда бозор ривожини даражаси, унинг миқёси, замонавийлиги аввало тадбиркорларга боғлиқдир. Уларнинг даражаси, савияси, иш услуби, ҳаракатчанлиги, маҳорати бозор йўналишини белгилаб беради.

Шунга кўра бозор тақдири, унинг ҳолати, муваффақияти, самарадорлиги, ижтимоий йўналиши тадбиркорлар фаолияти, уларнинг ишбилармонлиги, бозорни ташкил эта билишларига

боғлиқдир. Мақсадимиз замонавий цивилизацияли бозор иқтисодиётини ташкил этиш, самарали бозор муносабатлари механизмларини уюштириш экан, тадбиркорлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, мақсадга мувофиқ тадбиркорлар армиясини яратиш ва тарбиялаш кабиларга катта эътибор бериш, шу билан бирга бу соҳадаги мавжуд ва маъқул жаҳон тажрибаларини қўлаш талаб қилинади.

3.3.1.-чизма

Бизнес мақсади



Бозор иқтисодиёти шароитида иш юритиш, сармоя, ишлаб чиқариш билан боғлиқ мулк асосан тадбиркорлар ихтиёрида

бўлгани туфайли ишловчилар иккига, яъни: тадбиркорлар ва ёлланувчиларга бўлинади. Маълумки, тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳар кимга ҳам буюрмаганлиги учун бундай бўлиниш, яъни тадбиркор ва ёлланувчилар бўлиш ихтиёрийдир. Ишловчиларнинг асосий қисми ёлланувчилар бўлганлиги сабабли тадбиркорлар нисбатан сон жихатидан кам бўлади. Ривожланган бозор иқтисодиёти асосидаги мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, тадбиркорлар миқдор жихатдан бандликнинг 8 фоизи кўпи билан 9 фоиздан ошмайди. Демак, иш билан банд бўлган аҳоли қисмининг асосийси ёлланма ишловчилардир. Албатта, улар тадбиркорлар ва хусусий, давлат, корхона, муассасаларда ёлланиб ишловчи шахслардир. Бу бозор иқтисодиётига хос, ғоя нуқтаи назаридан биз учун янгиликдир. Бундай янги ҳолатга кўникиш, унга ўрганиш ва оддий табиий ҳаётий талаб деб қараш зарур. Ишга ёллаш тадбиркор ихтиёрида бўлиб, у иш манфаати асосида кимни ёллаш, қанчага ёллаш, ёлланувчидан қандай ва қаерда фойдаланиш каби масалаларни ўзи ҳал қилиши керак.

Тадбиркор ва тадбиркорликнинг авж олишида бундай ҳолат тўсиқ бўлмаслиги ва бундаги кўзга ташланадиган “ноҳақлик”нинг олдини олиш талаб қилиниб, тадбиркорга нисбатан дўстона муносабатда бўлиш ҳақиқатга тўғри келади. Ривож топган мамлакатларла бу муаммо анча яхши ҳал қилиниб, зиддиятлар асосан бартараф этилган. Тадбиркор – соҳибкор билан ёлланма ишчилар ўртасидаги зиддиятлар ҳозирги даврда ўз кескинлигини йўқотган ва жамият бу соҳада жуда кўп ижобий ишларни амалга ошириб,

ноҳакликни асослари йўқотилиб, икки томон ўртасидаги келишмовчиликка асосан барҳам берилган. Ёлловчи ва ёлланувчилар ўртасида келишмовчиликка нисбатан келишув, бир-бирини тўғри тушуниш устунлик қилади. Қашшоқланиш ҳолатларининг олди олинган ва манфаатдорликка йўл очилиб, тадбиркор ва ёлланувчилар ўртасидаги бир-бирига қарши кураш сабаблари деярли йўқ қилинган. Натижада ёлланувчиларнинг миллий даромаддаги улуши ортиб бормоқда, ривожланган мамлакатларда у 70-72 фоизини ташкил қилади. Бундан ёлланма ишчиларнинг даромадлари юқори даражада ва тадбиркорлар ҳамда ёлланувчиларнинг манфаатдор эканлигини кўрамиз. Илғор мамлакатларда икки томоннинг бир-биридан манфаатдорлигини кўрсатувчи далиллар кўп. Айтайлик, тадбиркор – корхона эгасининг даромади даражасининг ишчи иш ҳақиға таъсири, соҳибкор фойдасига шериклик, ёлланма ишчилар ичида акция эгаларининг кўпайиши, яъни ишчиларнинг ўзи мулкдорға айланиши, иш кучининг нормаллиги, иш кунининг қисқалиги, кенг ҳамда ижтимоий ҳимоянинг қўлланиши, нафақа, даромад кафолати каби чора-тадбирлар борган сари такомиллашиб бормоқда ва ўзининг самарадорлигини меҳнат унумдорлигининг ўсиб боришида исботламоқда. Энг муҳими – бу чора-тадбирлар ишчиларнинг турмуш даражасида ўз аксини топмоқда.

Ёлловчи билан ёлланувчилар ўртасида муносабатнинг яхши бўлиши, соҳибкорға тўла ишонч ҳосил қилиш тадбиркорнинг самарали фаолиятининг зарур шартидир.

Шаклланаётган тадбиркорлар мамлакатимиздаги бозор иқтисодиётининг муваффақиятида ўз ўрнини топа билишлари учун бу муаммонинг тўғри ҳал қилиниши ва ёлланувчиларнинг тадбиркорларға нисбатан тўғри муносабатда бўлишлари жуда катта аҳамият касб этади.

Тадбиркор ўз маблағи-капитали ва иш ҳажмиға кўра йирик ёки ўрта, майда бўлиши мумкин. Бу, албатта корхоналар ҳажми, бандлилик даражаларида ифодаланади. Халқаро ўлчов бўйича асос қилиб корхонада ишловчилар сони олинади. 100 кишиғача ишловчиси бор корхона майда, 100-500 гача банд бўлганлари ўртача ва ундан юқорилари йирик корхона ҳисобланади. Минглаб ишловчилари бор бирлашма корхоналар, концернлар мавжуд бўлиб, булар жуда йирик-гигант корхоналардир. Уларнинг эгаларининг мавқеи ҳам йирикликка қараб белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги, яъни аграр секторни оладиган бўлсак, фермерлар камдан-кам ишчиларни ёллайдилар ва асосан оила аъзолари билан барча хўжалик ишларини бажарадилар. Меҳнат унумдорлиги юқорилиги сабабли эркин рақобат даврига оид фермер-тадбиркорларнинг хонавайрон ҳолатлари бирмунча қисқариб, анча турғунлик мавжуд бўлган.

Йирик тадбиркорлик асосан акцияли капитал орқали фаолият кўрсатад

и. Бунда тадбиркорлик даражаси юқори, иш натижасига нисбатан жавобгарлик ҳам жуда катта. Лекин бу ўзига хос

3.3.1.-жадвал

2000-2010 йилларда тадбиркорликни ривожланиш кўрсаткичлари

Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик ривожланишининг 2000-2010 йиллардаги асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2000й.	2005й.	2006й.	2007й.	2008й.	2009й.	2010й.
Кичик тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши	%	31,0	38,2	42,1	45,7	48,2	50,1	52,5
Кичик тадбиркорликда банд бўлганлар сони	Минг киши	4316,5	6679,0	7258,6	7762,8	8024,1	8402,3	8639,3
Иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сондаги улуши	%	49,7	65,5	69,3	72,3	72,7	74,2	74,3
Янги ташкил этилган иш ўринлари сони	Минг ўрин	296,9	434,2	425,5	...	313,5	391,8	480,0
Хар 1000 аҳолига тўғри келадиган фаолият юритаётган субъектлар сони	дона	6,0	10,3	13,2	14,7	14,7	15,1	15,0

афзаллик ва устунликларга эга. Чунки бунда бозорни ўрганиш ва шакллантириш, меҳнат, молия, моддий сармоялардан фойдаланиш кабиларда имконият жуда каттадир. Меҳнат тақсимооти афзаллигидан фойдаланиш учун катта шароитларга эга. Бозор конъюнктура ўзгаришига яхши мослашади, меҳнат ихтисослашувини кенг қўллай олади. Шунинг учун ҳам йирик тадбиркорнинг турғунлик даражаси ва фаолият самарадорлиги даражаси жуда юқори бўлиши мумкин.

Тадбиркорлар давлат ва кооператив корхоналарида ҳам мавжуд, яъни улар умумлаштирилган мулк шароитида ҳам фаолият кўрсатадилар. Давлат тадбиркорлиги ишлаб чиқариш, инфраструктура, истиқболи илмий техникавий тармоқларнинг иш меъёрини таъминлашда зарур. Маълумки, иқтисодиётни

марказлашган ҳолда тартибга солиш муҳтожлиги юзага келиши давлатнинг хўжалик билан шуғулланиши заруриятини туғдиради. Узоқ муддатли харажатлар, марказлаштириш талаб этадиган, йирик маблағлар зарурияти туғиладиган тармоқлар, корхоналар ўзига хос тадбиркорликни талаб этади ва бунда давлат кўл келади. Кооперативлар майда тадбиркорликнинг бирлашуви натижасида юзага келади. Бундаги асосий мақсад маблағларни бирлаштириш, рақобатга бардошли бўлиш учун биргалашиб иш юритишдир. Шундай қилиб, хусусий тадбиркорлик билан бирга давлат ва кооператив тадбиркорлиги ҳам мавжуд.

Тадбиркор ҳақиқий ва ҳар томонлама мустақил бўлиши ва фаолияти чегараланган бўлиши мумкин. Бу тадбиркорнинг мулк эгасими ёки ёлланганми эканлигига боғлиқ, чунки хусусий мулк эгаси билан бир қаторда мулксиз бошқарувчи-тадбиркор бўлиши ҳам мумкин. Мулксиз тадбиркор албатта ёлланган бўлади. Ишни мустақил олиб боришига ва тижорат, фаолликда мустақил бўлишига қарамай, ёлланган-бошқарувчи муҳим тақдирий масалалар бўйича мулкдор-тадбиркорга боғлиқдир. Тадбиркорнинг эркинлиги, иш кўришда мустақиллиги, мулкка бўлган муносабатига боғлиқдир. Ҳақиқий, тўла ҳуқуқли, тўлақонли тадбиркор хусусий мулкчидир.

Тадбиркорларнинг уч асосий омили мавжуд: ҳуқуқий, сармоявий ва шахсий. Аввало тадбиркор бўлиш учун ҳуқуқий муҳит зарур. Тадбиркорлик учун эркин иқтисодий фаолият юритиш, тижорат билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлиш, тадбиркорлик кафолати керак. Агарда тадбиркорлик учун ишонч бўлмаса, қонунан у ҳимоя этилмаса, қандай қилиб у фаолият кўрсатади, тижорат билан шуғулланади ва бозорни шалклантириб бера олади? Шунинг учун ҳам бозор муносабатларига ўтиш қанчалик ҳуқуқий муҳитга талабгор бўлса, тадбиркор ҳам шунча қонуний ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож. Ўзбекистон давлатининг “Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик тўғрисидаги” қонуни бу борада энг аҳамиятли бўлиб, у тадбиркорликнинг фаолияти учун йўл очадиган ҳуқуқий мажмуадир. Ишбилармонликка шароит туғдириб берадиган ҳуқуқий иқлим яна “Ўзбекистон Республикаси мулкчилиги тўғрисида”, “Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида”, “Хусусий мулк тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси корхоналар тўғрисида” каби бирмунча қонунлар туфайли юзага келмоқда.

Тадбиркор фаолияти учун зарур ҳуқуқий муҳитнинг икки томони мавжуд: эркинлик ва мажбурийлик. Биринчиси, унинг эркин

фаолити, жамият ва жамият аъзолари билан бўлган эркин муносабатларни таъминлаш билан боғлиқдир. Таъкидлаганимиздек, тижорий эркинлик ва фаолият соҳаси танлови эркинлиги қонунлар ва уларнинг ижроси туфайли таъминланади. Шу билан бирга даромад ошишининг чегараланмаслиги, рурсурслардан фойдаланиш, иш кучини ёллаш эркинликларини таъминлаш тадбиркор учун жуда аҳамиятлидир. Энг муҳими ҳуқуқий масала тадбиркорликнинг мулк муносабатларидаги, мулк ва сармоялар ҳажмининг чегараланмаслигидаги эркинликдан иборатдир. Чунки у тадбиркор иқтисодий фаолиятининг асосини белгилайди.

Қонунларда тадбиркор ҳаракатининг асосий томонлари кафолатланади ва тўла ҳимояланади. Айтайлик, унинг мулкка эгаллиги, даромад олишининг чегараланмай, бундаги кафилликнинг тўла кучга эга бўлиши аҳамиятлидир ва бу ишлаб чиқаришни ривожлантириш, даромадларнинг ортиб бориши, натижада инсон истеъмолининг ўсиб боришини таъминлайди. Давлатнинг тадбиркорга нисбатан бўлган муносабати, аввало буларнинг қонунларда акс эттирилишида ва ижросини тўла таъминлашда ўз ифодасини топадики, бу тадбиркор ҳуқуқ муҳитининг асосини ташкил этади.

Тадбиркор ҳуқуқий муҳитининг иккинчи томони унинг жамият олдидаги ва инсон ҳуқуқлари ҳам турмуш шароитлари билан боғланган мажбуриятларидан иборатдир. Тадбиркорнинг мажбуриятлари унинг фаолиятидаги салбий оқибатларнинг олдини олишга қаратилганлигидир. Тадбиркор ижтимоий харажатларда маълум ўрин эгаллайди, бу миқдорий мажбурият шаклида бўлиб, солиқ қонунлари билан белгиланади, ижроси эса солиқ бошқармалари томонидан амалга оширилиши таъминланади. У даромад ва фойданинг бир қисмини доимо бюджетга ажратиб беради. Бу давлат томонидан кучли назорат остида амалга ошади.

Экологияни сақлаш, табиатга зарар келтирмаслик соҳасида тадбиркорнинг жавобгарлиги катта бўлиб, бу ҳам қонунларда ўз аксини топади. Табиий бойликлардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ҳаво, сув, ҳудудларни саноат ва умуман, тижорий фаолиятлар туфайли ифлослантирмаслик бўйича тадбиркорларга катта мажбуриятлар юкланади. Шунингдек, аҳолининг яшаш шароитлари, дам олиш имкониятларини сақлаш ва яхшилаш кабиларни ҳам тадбиркор ўз фаолиятида эътиборга олиши мажбур. Ишга ёллаш, ишлаб чиқариш шароитларини яхшилаб бориш, ишловчилар

даромадларини кафолатлаш, иш куни муҳлати ва бошқа бир қатор ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги қоида ва тадбирларга риоя қилиш мажбуриятлари ҳам мавжуд.

Цивилизация тараққиёти туфайли тадбиркорнинг мажбуриятлари, айниқса инсон ҳуқуқи, унинг турмуш даражасини кўтариш ортиб бориши керак.

Шундай иқлиб, тадбиркорнинг ҳуқуқий муҳити деганимизда унга тааллуқли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар йиғиндисини тушунамиз. Чунки тадбиркор иқтисодий фаолиятидаги тўла эркинлик унинг жамият, давлат ва инсон олдидаги мажбуриятлари мувозанатининг доимо таъминланиб бориши учун зарур шартдир.


Тадбиркор ҳуқуқий муҳитининг юзага келишида давлатнинг роли асосий бўлиб, кетма-кет зарурий қонунлар чиқарилиши, уларнинг амалийлигини таъминлаб бори шва ижро фаолиятининг такомиллашиб бориши тадбиркорликнинг ривожланишида ҳам қилувчи аҳамият касб этади.

Демак, қонунлар тадбиркорнинг давлат, жамият, жамият аъзолари билан бўладиган муносабатларини ҳам аниқлайди. Агарда тадбиркорга тааллуқли қонуният атрофлича бўлиб, зарур масалаларни тўлиғича ўзида акс эттира олса, унда тадбиркор учун зарур

ҳуқуқий муҳит яратилган, дейишга асос етарли бўлади. Шу нарсани яна қайд қилиб ўтиш керакки, қонунларни тўғри, онгли талқин эта билиш ва уларнинг тўғри бажарилишини назорат этиш, қисқаси бу қонунларнинг тўла бажарилишини таъминлаш бу соҳада кутилган самарани бериши мумкин. Лекин қонун жуда яхши, сермазмун бўлса-ю, ижроси бошқача бўлса, албатта тадбиркор авж олмайди ва тадбиркор эркин ҳаракат қила олмайди. Бундан фақат бозорга ўтиш секинлашиб, иқтисодиёт ривожини зарар кўради. Бу эса, ўз навбатида, бевосита аҳолининг турмуш даражасида ўз аксини топади.

Тадбиркор сармояси. Тадбиркор учун яна бир муҳим омиллардан бири сармоядир, яъни у сармоядор бўлмаса ўзи мустақил иш ташкил эта олмайди. Сармоясиз иш юритувчи ҳар қандай шароитда ҳам қарам ва ижрочи, ярим мустақил бўлиб қолади.

3.3.2.-чизма
Тадбиркор сармояси шакллари



3.4. Тадбиркор ва менежмент

Бозор иқтисодида ташкилотчилик, бошқарув жуда катта ўрин аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш, унинг тараққиётини таъминлаш хўжалик ҳаракатини, тижоратни самарали ташкил эта билиш, бошқарувни амалга оширув билан боғлиқдир. Булар менежерликда ўз ифодасини топади. Менежерлик ўзи алоҳида жуда катта фан. Биз бу ердани уни фақат тадбиркорга боғлабгина кўриб чиқамиз.

Тадбиркор иқтисодчи, хўжаликнинг ташкилотчиси, бошқарувчиси экан, демак, у аввало менежердир ва менежерлик касбини эгалламагунча, менежерча ташкилотчи ва бошқарувчи бўлмагунча, у ўз мақсадига эриша олмайди, иқтисодий тараққиётни таъминлай олмайди. Демак, менежерликни тадбиркорликдан ажратиб бўлмайди. Менежер – тадбиркор деган тушунчани англамайди. Чунки буларда умумийлик билан бирга хусусийлик – ўзгачалик мавжуддир. Менежер тадбиркор бўлиши мумкин, лекин тадбиркор албатта менежер бўлиши керак. Менежерлар асосан ёлланувчилардир ва улар ҳамма вақт ҳам тадбиркор эмас. Тадбиркор менежерлар хизматидан кенг фойдаланадилар ва бир тадбиркор кўлида ўнлаб, юзлаб менежерлар хизмат қилиши мумкин.

Албатта, тадбиркорга фақат ишбилармон, ташауббускор деб қарасак, унинг менежердан фарқи мбўлмайди. Аммо тадбиркор шахсий сифати, мустақил иш эгаси, янгилик тарафдори нуқтаи назаридан қаралса, улар ўртасидаги фарқ катта.

3.4.1.-жадвал

Тадбиркор ва менежер ўртасидаги тафовутлар

Фаолият турлари	Тадбиркор	Менежер
Стратегик йўналиш	Асосий ҳаракатлантирувчи куч – истикболли имкониятлардан фойдаланиш	Асосий ҳаракатлантирувчи куч – мавжуд ресурслардан фойдаланиш
Мақсадларни амалга ошириш	Инқилобийлик – кескинлик асосида тезлик билан натижага эришув	Эволюцион усуллар – узоқ истикболни кўзлаш
Ресурсларни	Кенг томонли, иложи	Бир қадамлилиқ,

ишга солиш	борича эркин ҳаракат имкониини сақлаш	қўйилган вазифага аталган фондларни бирданига қўлга киритиш
Ресурсларни жалб этиш шакллари	Ижара ва зарур ресурсларни вақтинча жалб этишнинг бошқа шакллари	Ресурсларни ўз мулкига айлантириш ва ишловчилар сонини кўпайтириш
Ташкилий структура	Горизонтал, норасмий алоқалардан фойдаланиш	Расмийлашган боғлиқлик алоқалари

Жадвалдаги таққослашга эътибор берсак, хўжалик фаолияти тадбиркор ва менежернинг хусусиятлари ва бир-бирларидан асосий томонлар бўйича катта, ҳаттоки қарама-қарши тафовутлар борлигини кузатиш мумкин. Келтирилган энг муҳим томонлар шуни кўрсатадики, ҳаёт тадбиркорлик ва менежерлар учун турли талаблар қўяди.

Стратегик нуқтаи назардан тадбиркор, аввало янги имкониятлар ахтаришга интилади. Бу айниқса даромад пасая бориши, технологиянинг тез алмашуви, истеъмолчи талабининг ўзгара бориши, ижтимоий талабларнинг ўсиши туфайли сиёсий кўрсатмаларнинг янгиланиши шароитларида жуда сезиларли даражада бўлади. Агарда фақат режани бажариш ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаш йўналиши бўлса, тадбиркорга нисбатан маъмуриятчи менежер қўл келади.

Мақсадларни амалга оширишни олсак, бунда ҳам улар тубдан фарқланадилар. Тадбиркор масалани ўрнида ҳал қилиши, жуда тезлик билан чоралар қўллаши, маслаҳатлашиб ўтирмай, зудлик билан аниқ бир фикрга келиши, хатарли йўл танлаши керак. Менежер эса, аксинча, янги иш тарафдори бўлмай, кўнгилсизлик билан киришади ва киришса ҳам ҳеч ўзгаришларга йўл қўймай, ишга зарар келтиради.

Ресурслардан фойдаланишда ҳам шундай ҳолатга дуч келамиз. Тадбиркор иш даврлари ва маълум мақсадга эришувига қараб вақти-вақти билан янги-янги ресурсларни ишга солиб боради. Бу албатта қийин жараён, чунки инвестор, кредитчилар билан ҳал қилинади. Менежер эса ресурсларни ишнинг айрим қисмларини кўзлаб эмас, балки жараёнларни бошидан охиригача кўзлаб олади.

Ресурсларни ишга солишда ҳам уларнинг ҳаракатлари бошқачадир. Менежернинг иш ҳақи реал фойдаланилаётган ресурсларга боғлиқ бўлгани учун ресурсларни кўпайтиришга, фондларни кенгайтиришга уринади. Корпорациянинг ички қоидалари, мавжуд хўжалик ва моддий қизиқиш маъмуриятчи-менежернинг ижара ва бошқа ресурсларни вақтинча жалб этиш усулларини қўлламасликка ундайди. Тадбиркор учун, аксинча, доимо пул етишмайди, янги жиҳозларга тўхтовсиз эҳтиёж туғилиб туради. Жуда тезкорлик, чакқонлик, хатарлиликка мойиллик кучли бўлиб, заруриятга кўра ижара ва ресурслардан вақтинча фойдаланишнинг бошқа турларини қўллаш эҳтиёжи тадбиркорда кучли бўлади.

Кейинги таққослаш ташкилий тузилмага оид бўлиб, менежер мавжуд тузилма тарафдоридир. Бу бир-бирига боғлиқ тепадан-пастга қаратилган ташкилий тузилмадир. Бундай шароитда бошқарув назариясининг ўзи ваколатлик ва жавобгарликни жуда аниқ белгиланишини талаб қиладики, бундан оғиш менежер учун маъқул бўлмайди, унинг моддий тақдирланиши ҳам топширилган вазифанинг тўла ва аниқ бажарилишига боғлиқдир.

Тадбиркор билан менежер ўртасидаги умумийлик деганимизда моҳир ташкилотлилик, бошқарувчанлик, ташаббускорлик, масъулиятчилик, жонкуярлик каби хусусиятларни келтириш мумкин. Булар, албатта жуда муҳим ижобий томонлардир. Лекин иш муваффақияти учун, юқори самара натижа учун булар етарли эмас.

Тадбиркордан кўшимча равишда тўхтовсиз янгилик тарафдори ва у боридан қоникмайдиган, тезкорлик, хатарлилик, ўта жавобгарлилик, тўла мустақиллик хусусиятларига эга бўлиши талаб этилади. Тадбиркорда ижодкорлик ва ижрочилик мужассамлашса, менежерда ижрочилик устун келади.

Буларнинг асосида мустақил ҳаракат негизи ётади. Тадбиркор, биламизки, капитал эгаси, корхона бошлиғи. Шунинг учун ҳам капитал ҳаракати тўлиғича тадбиркор ихтиёридадир. Бу эса унга тўла мустақил иш тутиш имконини беради ва у ҳаракатидаги капитал йўналишини белгилаш, йўналишини ўзгартиришда тўла ҳуқуқлидир. Корхона фаолиятидаги вазифани тадбиркор белгилайди ва у корхона иши учун тўла жавобгардир.

Менежер эса ёлланувчи, у маъмуриятчи, яъни ё мудир, директор, ё бошқарувчи. Шунинг учун ҳам унга хос нарса масалани ҳал қилиш, янги йўналишлар, умумий вазифаларни белгилаш эмас, балки асосан ижро этиш ва мавжуд белгиланган вазифаларни ўз

вактида тўла бажаришдир. Демак, умумий фарқ шуки, тадбиркор мустақил иш олиб борувчи бўлса, менежер ижрочидир.

Бу таққослаш, умумий хусусиятларни аниқлашда қаратилган фикрлардир. Бундан истисно ҳолатлар ҳам мавжуддир. Айтайлик, менежерлар ичида шундайлари борки, ёлланувчи бўлишига қарамай тадбиркорнинг вазифаларини ҳам бажаради. Бу кўпинчи йирик корхоналар, корпорациялар бошқарувчиларига тааллуқли бўлиб, уларда мустақиллик даражаси ва жавобгарлик юқори бўлади. Оладиган даромадлари ҳам шунга монанд; жуда юқори иш ҳақи оладилар ва катта бойликка эга бўладилар, мавқелари ҳам шунга қараб юқори бўлади. Бундай талантли бошқарувчи – менежерлар жуда кадрланиб, тадбиркорлар улар билан ҳисоблашадилар. Шунингдек, менежерлик қобилияти паст бўлган тадбиркорлар ҳам бўлб, асосий ишни мустақил иш олиб бориб, деярли тадбиркорга хос хусусиятларга эга бўлган бошқарувчиларга юклайдилар. Чунки бундай тадбиркорлар ўз вазифаларини чегаралайдилар.

Ижодкор-кашфиётчи, конструкторлар билан тадбиркорни таққосласак, албатт атадбиркорнинг устунлигини кўраимиз. Чунки кашфиётчи янгилик очиш билан чегараланади ва шу билан унинг вазифаси тамом бўлади. Янгиликни ҳаётга тадбиқ қилиш, ишлаб чиқаришга сингдиришга қурби етмайди. Янгиликни ишга солиш, ундан фойдаланиш тадбиркорнинг қўлида ва ихтиёрида бўлади, кашфиёт тадбиркор фаолияти туфайлигина амалда қўлланилиши мумкин.

Тадбиркор ўзига хос хусусиятлар, шахсий сифатга эга бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг катта миллий бойлигини ташкил этади. Шунинг учун ҳам юқори даражали барча хусусиятларга эга бўлган тадбиркорликни шакллантириш ўтиш даврини бошидан кечираётган республикамиз учун заруриятдир.

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишида майда тадбиркорликнинг таъсири ва аҳамияти каттадир. Ҳар бир мустақил фаолиятли фуқаро ўрнини бизнесда синаб кўришга уринади. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик энг оммавий ва кенг тармоқли ҳолатдир. Бу то индивидуал, оилавийликдан тижорий ташкилот даражасигача бўлиши мумкин. Лекин энг муҳим томони шуки, бу кўп бўлмаган ва оз сонли ёки ўрта миқдордаги ишловчилардан иборат бўлиб, булар кичик ва ўрта тадбиркорлик мазмунида бўлади.

Бундай тадбиркорликнинг асосий белгиси ходимлар миқдори, режали капитал хажми, фойда миқдори кабилар билан ифодаланади.

Кўпчилик манбааларда майда тадбиркорлик нисбатан катта бўлмаган ишловчилар гуруҳи ёки корхона бўлиб, у ягона мулкдор томонидан бошқариладиган фаолият, деб тушунтирилади.

Албатта бу оддий ишлаб чиқариш бўлмай, янгилик, ташкилий талант, ижодий бошланув, бойликни орттириш ва хатарликка тайёрлик мазмунидаги хўжалик юритиш мазмунида бўлиб, ҳақиқий тадбиркорликдан иборат бўлиши керак. Тадбиркорликни чегаралаб турадиган хусусиятлар ҳам шундан иборат.

Чунки хусусиятдаги бирон томон етишмаса, айтайлик, доимо янгиликка эриша олмаса, яъни даромад қила олмаса, ижодийлик, ташкилотчилик ҳам етишмаса ва ҳ.к. ишларга ўхшаган хусусиятлар мавжуд бўлмаса, албатта у бозордан сиқиб чиқарарилади ва тадбиркорлик билан шуғуллана олмайди.

Тадбиркор барча соҳа, тармоқларда фаолият кўрсатиб, ўзини синаб кўриши мумкин. Маълумот, тиббиёт, илм-фан, юриспруденция, архитектура-қурилиш, ижтимоий хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, тақсимот соҳаларида ҳаракат қилиши мумкин. Майда бизнесни умумлаштириб айтганда, бу қандайдир янгилик яратиш жараёни, бойлик – кадрли нарса яратиш, ўзига молиявий ва ижтимоий-руҳий жавобгарликни бўйнига олувчи ҳамда натижада пул даромади ишларининг натижаси билан қаноатланувчи жараён дейиш мумкин.

Ўз ишини ташкил қилишни ҳал қилган шахс ишончларга тўла, кўнгилсизлик, нотинчлик, қаттиқ меҳнат қилиш кабиларга бой бўлади. Шу билан бирга омадсизлика дуч келиши ҳам турган гап. Чунки кутилган талаб бўлмайди. Рақобат кучли бўлиши мумкин, ёки кутилган молиявий қўллаш бўлмаслиги мумкин. Ўз тижоратини бошлашда молиявий ва эмоционал хатарлик кучли бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўз тижоратига киритиш ва уни жонлантириб, гуркиратиб юбориш жуда оғир нарса. Шунинг учун дунёда ҳар йили миллионлаб янги корхоналар очилади, ёпилади. Ҳақиқатдан ҳам иқтисодий тушкунлик, иқтисодий тизимлар ўзгариши, инфляция, кредит ҳақининг ошиб бориши, зарурий инфратузилмалар йўқлиги, келажакнинг ноаниқлиги, хатарликни кучлилиги кабиларга қарамай янги корхоналар очилади, бизнес, тадбиркорлик фаолияти кенгаяди.

Тадбиркорликка отланиш ҳаётда кескин яшашдан иборатдир. Бунда ҳаётини тарзда бурилиш пайдо бўлади. Мавжуд ҳаётини тарздан воз кечиб, янгисига ўтишга, яъни тадбиркорликни бошлашга аҳд қилинади. Энг муҳими бундай кескинликда туртки билан бирга катта

истак талаб этиладики, у тижоратни ўз ҳаётида асос қилиб белгилайди.

Тадбиркорликка киришишда қандайдир бошланғич асослар бўлиши шарт. Чунки бир истак, туртки, таваккалчиликнинг ўзи етишмайди. Аввало сармоя асоси, маълум моддий қўланиш, атроф-мухит, давлат томонидан қўллаш ва доимо ёрдам олиш имкониятлари мавжудлиги кўзда тутилади.

Умуман олганда иқтисодий тармоқлар турлиликдан қатъий назар кичик бизнесни уч хил компанияларга бўлиш мумкин: оилавий уй фирмалари, инновацион корхоналар ва келажакли венчур компаниялар.

“Уй” фирмаси хусусий бўлиб, ўсиши секин давом этадиган, сармоялари чегараланган бўлади. Албатта булар кичик корхоналигича давом этади. Бундаги асосий мақсад корхона эгасининг ҳаётий воситалар билан таъминланишидир. Булар имкониятлари билан чегараланган холда кенгайиш ва илғорлар қаторига чиқишни мақсад қилиб қўя олмайдилар.

“Инновацион” корхоналар асосан илмий кашфиётлар ёки янги технологиялар манбаида ташкил этилади. Кўпинча янги тармоқлар асоси ҳисобланади. Булар акционерлик компаниялари даражасига камдан-кам эришади.

Келажакли венчур компаниялари асосан инновацион тавсифли бўлиб, хатарлилик кучли ва тез ривожланадиган бизнесдир. Булар кўпинча акционерлик компанияларига айланиб кетади ёки йирик компаниялар сотиб олиб, ўзларига қўшиб юборишади.

Айтганимиздек, хўжалик субъектларининг кичик тадбиркорлик мазмунида бўлиши ходимлар сони, актив миқдори, даромад хажми билан белгиланади. Бу турли мамлакатларда ҳар хилдир. Лекин барча мамлакатларда бу соҳада биринчи ўринда бандлик миқдори туради. Масалан, ривожланган мамлакатлардан иборат бўлган Европа Иттифоқини (ЕИ) олсак, бунда кичик корхоналарга ходимлар сони 50 киши, йиллик маблағ айланиши 4 млн. евро, баланс суммаси 2 млн. евро миқдорида бўлиши белгиланган.

Бу мамлакатларда ўрта корхоналар ходимлар сони 50-250 киши, йиллик айланма 16 млн. евро, баланс суммаси 8 млн. евро миқдорида деб белгиланган. ЕИ комиссияси томонидан тавсия этилган майда корхоналар кўрсаткичида ходимлар сони 100 кишидан ошмаслиги, хусусий асосий сармоялар 75 млн. евродан кам бўлиши

керак. Лекин йирикрок компанияларнинг ҳиссаси 1/3 дан ошмаслиги шарти белгиланган.

Бу комиссия тавсияси бўйича корхоналарнинг 9 кишигача ходимларга эга бўлиши кўзда тутилади. Бунга албатта индивидуал корхоналар, оилавий ва фермер хўжаликлари киради. Шу билан бирга 10-99 киши банд бўлган майда корхоналар ҳам кўзда тутилади. Юқори даражали ривожланган мамлакатлар кирадиган ҳалқаро иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташклиоти қуйидагича белгилайди: 19

кишилик

3.4.1.-жадвал

Кичик корхоналарда инновацион жаҳон тажрибалари

корхоналарни -
“жуда кичик”;
99 кишигача
бўлган
корхоналарни -
“кичик”; 100
дан 499
кишигача
бўлганларини –
“ўртача” ва 500
кишидан ортиқ
банд бўлган
корхоналарни -
“йирик”
корхоналар
қаторига
қўшилади.



Баъзи ривожланган мамлакатларда майда, ўрта бизнесни белгилаш яна бошқача бўлиши мумкин. Масалан, Буюк Британияда майдаларга кировчилари фақат икки кўрсаткич бўйича, яъни сармоялар айланиши ва бандлик миқдори бўйича белгилаш мавжуд. Жуда майда корхоналарга 1 кишидан 24 кишигача ва майдаларга 24 кишидан 99 кишигача банд бўлган корхоналарни киритишади. Ишлов берувчи саноат корхоналарида 200 кишигача бандлик корхоналари майда ҳисобланса, чакана савдода бундайларга 400 минг фунт стерлинг товар айланиши хажмигача бўлган корхоналар киради. Корхоналар бўйича компаниялар тўғрисидаги қонун бўйича майда корхоналарда сармоя 1,5 млн. евродан ошмаслиги, ўртача бандлик 50 кишигача бўлиши керак.

Францияни олсак, майда корхоналар қаторига кирадиган корхоналарда бандлик 500 кишидан кўп бўлмаслиги керак, йиллик маблағ айланиши жами баланс бўйича 200 минг франкдан кам бўлмаслиги керак. Тармоқларга қараб бу кўрсаткичлар ўзгаради. Айтайлик, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида бандлик 200 кишидан юқори бўлса, йирик ҳисобланади, жихозлар ишлаб чиқариш тармоқларида эса бандлик 500 кишигача бўлган корхоналар майда ҳисобланади.

Германияда майда корхоналарнинг расмий белгиланиши йўқ. Лекин хўжалик вазирлиги майда фирмаларга бўлинишни амалда қўллайди. Бунда бандлик 49 кишигача бўлган ва сармоя айланиши 1 миллион маркагача бўлган корхоналарни киритади. Лекин юридик мустақил шахс бошқариши иқтисодий хатарлилик, ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этиши, ўз фаолиятини кредитсиз таъминловчи шартлари мавжуд. Лекин одат бўйича Германияда 500 киши бандлиги, йиллик сармоя айланиши 50 минг маркадан кўп бўлмаган корхоналарни майда ва ўрта корхоналарга киритишади. Бу молиявий бошқа имтиёзлар зарурлигида ишлатилади.

Айтайлик, Греция ва Швецияда ҳам бу соҳада ўзига хослик мавжуд. Японияда майда ва ўрта корхоналар бўйича махсус қонун мавжуд. Бу қонун бўйича қазилма ва ишлов бериш саноатида рисола капитал 100 млн. иен ва бандлик 300 кишигача, улгуржи савдода капитал 30 млн. иен ва бандлик -100 кишигача, чакана савдо ва хизмат индустриясида капитал 30 млн. иен, бандлик 50 кишигача бўлган корхоналар майда ва ўрта бизнесга киритилади. Бу кўрсаткичлар зарурият туфайли ўзгариши мумкин. Масалан, давлат қўллаши керак бўлган чиннисозлик, сопол идишлар ва резина саноатида бу тоифага 900 ишловчиси бўлган корхоналар киритилади. Шу билан кичик хажмли корхоналар тушунчаси бўлиб, бунга бандлик 20 кишигача бўлган корхоналар кўшилади. Ҳатто савдода ва хизмат кўрсатишда 5 кишигача ҳисобланади.

АҚШнинг кичик бизнес тўғрисида Федерал қонунида битта ёки бир неча эгаси бўлган 500 кишигача бандлик ва 5 млн. доллар актив миқдорига эга, йиллик фойда 2 млн. долларгача бўлган корхоналар кичик фирма ҳисобланади. АҚШ кичик бизнес ишлари бўйича маъмурият (КБМ) барча бундай корхоналарни бешга бўлади: энг кичик 1 – 24 кишилик; кичик 25 – 99 кишилик; ўртача 100 – 499 кишилик; йирик - 500 – 999 кишилик; энг йирик – 1000 ва ундан ортиқ кишилик корхоналар. Бунда яна фаолият ва тармоқлар турига

қараб турлилик мавжуддир. Айтайлик, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, улгуржи савдо, чакана савдо тармоқларига қараб аниқлик киритилади.

Лекин кичик корхоналар албатта мустақил мулкдорлар ва товар бозорида етакчи ҳолатда бўлишлиги талаб этилади. Буни далват томонидан табақаланган тарзда қўллаш имконини беради.

Россияда ҳам бозор муносабатларига ўтиш билан майда ва ўрта бизнесни рағбатлантириш зарурияти туғилиши туфайли уларни белгилаш бошланган. Айтайлик, саноат, қурилиш, транспортда 50 киши банд бўлган корхоналар кичик ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ва инновацион фаолиятда 30 киши, илмий соҳада 15 киши, чакана савдо ва умумий оқатланишда, маиший хизматда 15 киши, улгуржи савдо ва бошқа тармоқларда 25 кишигача бандлик корхоналар майда корхона ҳисобланади.

Россия фуқаролик қонунчилиги бўйича майда тадбиркорчилик субъектлари тижорий ташкилотлар ва индивидуал тадбиркорлари бўлиб, улар турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда кичик корхоналар тузиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесга тааллуқли корхоналар субъект сифатида 1998 йил 9 апрелдаги ПФ – 1987 сонли Президент Фармони билан белгиланган. Бунда мулк шаклидан қатъий назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилига - 10 нафаргача, савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда - 5 нафаргача иш билан банд ходимга эга микрофирмалар; шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўртача - 40 нафаргача, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида - 20 нафаргача, чакана савдо ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда - 10 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган корхоналар кичик бизнесга киради.

Ишлаб чиқариш соҳасида - 100 нафардан, қурилишда - 50, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида, улгуржи савдода – 30, чакана савдо, хизмат кўрсатишда – 20 нафардан ошмайдиган иш билан банд ходимга эга бўлган корхоналар ўрта бизнесга киради.

3.5. Майда тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрни

Кўпчилик мамлакат бозор иқтисодиётида кичик бизнеснинг аҳамияти жуда катта. Майда тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий

муаммоларни хал қилишда етакчи ўринни эгаллайди. Ҳатто бозор иқтисоди ривожланган мамлакатларда ҳам бу соҳа халқ хўжалиги ривожини, ижтимоий муаммоларни ечишда, ишда бандлик даражасида катта роль ўйнайди. Ишлаб чиқариладиган товарлар ва уларни сотиш, хизмат кўрсатишни ривожлантириш соҳаларида салмоғи жуда катта. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида эса иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, рақобатни тараққий эттиришда, янги иш жойларини кўпайтиришда, истеъмол бозорини товарлар билан тўлдиришда, тадбиркорликни кенгайтиришда асосий аҳамият касб этади.

Бундан ташқари тадбиркорлик иқтисодиётда ва жамиятда тузумий ўзгаришларнинг бошловчи ва уларни ишга тушурувчи механизм вазифасини ҳам ўсишнинг катализатори бўлиб, ялпи маҳсулот кўпайишига ёрдамлашади. Бунда асосий нарса инновациядир. Чунки бу туфайли янги товар ва хизмат турлари пайдо бўлади.

Майда тадбиркорликнинг бир қанча устунликлари мавжуд. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, майда тадбиркорлик йирикка нисбатан ҳар бир мамлакат шароитига қараб кўп соҳаларда устунлик қилади. Булар қуйидагилардан иборат: кичик бизнес хўжалик юритишда маҳаллий шароитга жуда тез мослашади, уларнинг субъекти фаолиятида катта мустақиллик мавжуд. Чунки эркин ҳаракат имконияти катта. Хўжалик хажми катта эмаслиги маневр қилиш, ўзгаришлар киритиш эркинлигини кенгайтиради. Майда тадбиркорликда оперативлик, чакқонлик даражаси юқори бўлади. Улар шароит ва талабга қараб тез қарор қабул қилиш имконига эга. Корхоналар майда бўлгани туфайли харажатлар нисбатан паст бўлиши мумкин, бу айниқса маъмурий бошқариш харажатларига тааллуқлидир. Хўжаликни юритиш учун катта капитал талаб этилмайди. Бозор талабига асосан маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзгартириш имкони катта бўлади. Ўз капиталининг айланишини тезлаштириш, ундан унумли фойдаланиш даражаси юқори. Шу билан бирга тадбиркор ўз ғояларини бизнесга тез сингдириш имконига эга. Масалан, Ҳалқаро меҳнат бюросининг докладида майда ва ўрта тадбиркорлар катта рақобатлик қобилиятига эга, йирик корхоналарга нисбатан ҳар бир ишловчи ҳисобида кам капитал харажат қиладилар, маҳаллий хомашё ва меҳнат ресурсларидан кенг фойдаланадилар, деб таъкидлайди. Майда корхона эгалари тежамликка ва инвестиция қўллашга мойиллиги кўп, янгилик-инновацияга мотивацияси юқори

бўлиб, корхона фаолиятига самарали таъсир кўрсатади. Кичик корхона субъектлари маҳаллий бозорларнинг конъюктурасини, талаб даражасини яхши биладилар ва бу соҳада ҳам йирик корхоналарга нисбатан устунликка эга. Бу мутахассис ходимларни тайёрлаш ва уларнинг тажрибасини ёйишга кўмаклашадилар. Майда ва ўрта корхоналар сони, товарлар ишлаб чиқариш хажми, иш хажми ва хизмат кўрсатиш бўйича мамлакатларда ҳар томонлама баландлик қиладилар.

Албатта майда ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг фаолиятидаги устунлик ва камчиликлар ички ва ташқи сабаблар, хизмат шароитларига кўп томондан боғлиқ бўлади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, майда фирмаларнинг муваффақиятсиз фаолияти кўпинча менежерлар тажрибасизлиги ёки корхона эгаларининг касбий нолайоқлиги туфайли юзага келади.

Кичик фирмалар фаолияти амалиёти шуни кўрсатадики, битта тадбиркорлик даражаси, ишга жадаллик билан киришишнинг ўзи етишмайди. Ҳозирги даврда кичик бизнес махсус билимни талаб қилади. Амалда эса кўпинча коммерсант, ё инженер тижорий иш бошлайди. Лекин у ишлаб чиқариш ёки тижорат тўғрисида ҳеч нарса билмайди. Кичик фирма эгалари ичида бизнес махсус тузилмасини бошқариш тажрибаси билан фирманинг муваффақият имкони ортиб боради. Фирмага бир киши узоқ раҳбарлик қилса даромад доимийлиги юқори бўлади. Агар у тез-тез ўзгариб турса бунинг акси бўлади.

Фирма фаолиятида бир пасайиб, бир кўтарилиб турадиган ижтимоий эҳтиёжларни доимий ахтариш ва унга тўхтовсиз мослашиб бориш кичик бизнесни нг стратегиясини белгилаб беради. Ғарб мутахассисларининг бир қисми кичик тадбиркорликни янги шахсий ўзаро муносабатларнинг мактаби ва келажак тадбиркорлик асослари усулларининг синов майдони, деб биладилар.

Майда ва ўрта фирмаларнинг иш билан банд бўлишдаги ҳиссаси катта. Айтайлик, АҚШда майда ва ўрта тадбиркорликда - 70,2 лмн. киши; ЕИда – 68 млн.; Германияда – 15,5 млн.; Италияда – 16,8 млн.; Францияда – 15,2 млн. ва Японияда – 39,5 млн. киши банд. ЯИМдаги ҳиссасига келсак (% ҳисобида): Буюк Британияда – 50-54; Францияда – 55-62; ЕИ мамлакатларида – 63-67; АҚШда – 50-52; Японияда – 52-55; Россияда – 20-22; Ўзбекистонда – 30-32.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик қуйидаги масалаларни ҳал қилишнинг шарти бўлиб хизмат қилиши мумкин:

- рақобатли, цивилизациялашган бозор муносабатларини шаклантириш;

- товарлар, хизматлар ва иш ассортиментини яхшилаш, уларнинг сифатини кўтариш;

- ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларни аниқ истеъмолчиларга яқинлаштириш;

- иқтисодиётнинг тузумий қайта тузилишига кўмаклашув;

- ишлаб

чиқариш ривожига аҳолининг шахсий маблағларини жалб этиш;

- қўшимча иш жойларини яратиш ва ишсизлик даражасини пасайтириш;

-

шахсларнинг ижодий

имкониятларини

ишга солиш, уларнинг

талантини очиш, турли ҳунарларни

ривожлантириш;

- аҳолининг айрим гуруҳларини, айниқса йирик ишлаб чиқариш маълум чегараланишни юклаган шахслар- уй бекаси, нафақахўрлар, ногирон ва ўқувчилар кабиларни иш фаолиятига жалб этиш;

- мулкдорлар, хўжалик эгалари, тадбиркорлар каби ижтимоий қатламнинг шаклланиши;


- илмий-техник ривожни фаоллаштириш ва йирик корхоналар чиқиндиларини ўзлаштириб фойдаланиш;

- ижара ва сотиб олиш йўли билан давлатни паст рентабелли ва фойдаси ишлайдиган корхоналардан холи этиш.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, техник ривожланиш, аҳоли талабини тўлароқ қондириш кўп томондан майда корхоналар

3.5.1.-чизма

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш босқичлари



фаолиятига боғлиқдир. Юқори техникани қўллаш, технологик ўзгаришлар амалиёти, бандликнинг ўсиши, хизмат кўрсатиш ривожини кўп жihatдан кичик бизнесга боғлиқдир. Бундан ташқари нарх-наво ва нонарх рақобати бир томондан унинг пасайиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан истеъмолчи юқори сифатли товар ва хизматларга эга бўлади. Шу билан бирга давлат солиқ йўли билан катта маблағларга эга бўлади. Буларнинг ҳаммаси майда корхоналарнинг мамлакат иқтисодиётига қўшган ҳиссасини ҳисобланади.

Асосан кичик тадбиркорлик индивидуал ва тижорий-ташкилий субъектларга эга. Лекин булар турли шаклда бўлиши мумкин.

3.5.1-жадвал

Кичик бизнес субъектларининг асосий ташкилий шакллари

Мамлакатлар	Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари
Буюк Британия	индивидуал корхоналар; ассоциациялашган эгаллик қилувчилар; чегараланган жавобгарлик компаниялар.
Франция	индивидуал компаниялар; акционер компаниялар; чекланган жавобгарли бирлашмалар.
АҚШ	якка эгаллик; бирлашмалар; корпорация.
Германия	индивидуал меҳнат фаолияти; шериклик умумий ва чекланган; майда акционер жамияти.

Жадвалда баъзи ривожланган мамлакатлардаги майда тадбиркорлик субъект шакллари келтирилган. Кўриниб турибдики, майда бизнесда энг кенг тарқалгани индивидуал тадбиркорлик ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес доимо давлат ёрдамига ва маҳаллий ҳокимият қўллашига муҳтож. Бунда аввало ҳуқуқий муҳитнинг яратилиши аҳамиятлидир. Чунки бусиз майда тадбиркорлик фаолият учун жуда ожизлик қилади. Шу билан бирга зарур инфратузилмалар мавжудлиги ва уларни тўхтовсиз такомиллаштириб бориш талаб этилади. Маълумки, молиявий-кредит

томонидан қўлланилиб туриш, шу билан бирга маъқул солиқ тизимининг шаклланиши тақдирий масалалардан ҳисобланади.

Майда тижорат субъектларининг фаолияти иқтисодий эркинлик, ҳуқуқий, кафолатли шароитларни мукамал бўлишини талаб этади. Чунки бусиз қонун томонидан белгиланган ҳуқуқлар асосида фаолият кўрсата олади, яъни тадбиркор фаолияти эркин ҳаракат, лекин у қонун билан чегараланган бизнесдир. Иккинчи томондан майда тадбиркорлик қонуний ва бошқа расмий ҳужжатлар билан маълум даражада мажбуриятларга ҳам эга.

Қонуний ва норматив ҳужжатлар туфайли тадбиркорнинг молиявий, иқтисодий, моддий рағбатлантирувчи тизим шакллари, бозор иқтисодидаги ҳолати белгиланади. Шунингдек ноқонуний ҳаракатлар таъқиқланади. Айни вақтда тадбиркорлик органлари ташқи тазйиқ ва ҳокимият органлари томонидан ноҳақ қилинадиган ҳаракатлардан ҳимоялайди.

Ҳуқуқий муҳитнинг яратилиши тадбиркор дуч келадиган кўпчилик муаммоларни ҳал қилиш шароитини яратади. Бу тадбиркорликнинг шаклланишидан тортиб, то ривожланишигача бўлган жараёнларни муваффақиятли ўтишида асос бўлиб ҳисобланади. Айтайлик, рўйхатга олиш ва расмийлаштириш, фаолият турини лицензиялашдан то банкротлашув ва фаолиятни тўхтатувгача бўлган муаммоларни ечишда ёрдамчи вазифасини ўтайди.

Давлат қонунларида тадбиркорликнинг ҳуқуқий ва эркинликлари, фаолиятларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, ташкил этиш, ўзгартириш ва фаолиятнинг тўхтатиш механизмлари белгиланади. Мулкӣ ҳуқуқлари ва уни ҳимоялаш, бундаги жавобгарлик кабилар кафолатланади.

Солиқ имтиёзлари қўлланилади, айрим ҳолларда бюджетдан фондлар ташкил этиш, тезлаштирилган амортизация ажратмалар усуллари қўллаш киритилади. Устувор тармоқлар ва бунда кичик бизнеснинг имтиёзлари қўлланилади. Ҳатто бундай тармоқларда тадбиркорлар маълум вақтга солиқлардан озод қилинади ва сўнгра имтиёзли солиқ қўлланилади. Кичик корхоналарни молиялаштириб кредит хизмати кўрсатадиган банклар учун солиқ миқдори камайтирилиши ҳам майда бизнесни қўллашга қаратилган тадбирлардан ҳисобланади.

Қону ва қоидаларда кичик бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳар томонлама тақдирланади. Уни ҳимоялаш, имтиёзли кредит қўллаш, давлат томонидан кўп жараёнларга ёрдам бериш

кабилар қўлланилади. Ҳатто экспорт ва импорт билан боғланган энг оғир жараёнларни давлат ўз зиммасига олади.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес учун яратилган инфратузилманинг яратилиши жуда муҳимдир. Масалан, АҚШда кичик бизнес учун махсус маъмурият ташкил этилган. Бу кичик бизнесни қўллаш, ривожлантириш билан боғлиқ ишларни амалга оширади. Айниқса молиявий ёрдам, техник ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш, кадрлар тайёрлаш, давлат буюртмаларини олиш ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар амалга оширилади. Бу маъмурият штаби АҚШ пойтахтида жойлашган бўлиб, 10 регионал бирлашмалар, 100 маҳаллий бўлимларга эга. Бўлимлар давлат ҳокимияти органлари, коллеж, университетлар, корхоналар ва жамоат ташкилотлари билан боғлиқ холда фаолият кўрсатади. Бу маъмуриятдан ташқари Ички ишлар вазирлиги, Уй-жой қурилиш ва шаҳарларни ривожлантириш вазирлиги, Миллий илмий фонд, Фермер хўжаликлари бўйича маъмурият, майда бизнесни ривожлантириш институт ва марказлар ҳам майда корхоналарни қўллаш билан шуғулланади. Буларнинг сони АҚШда 2700 дан ортиқ.

Россияда эса кичик бизнесни ривожлантириш ишини бошқарадиган махсус орган кичик тадбиркорликни қўллаш ва ривожлантириш Давлат комитетидир. Бу асосан мамлакатда кичик бизнесни

ривожлантириш ва қўллаш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғланган таклифлар ишлаб чиқиш, тадбиркорларнинг ҳаққоний талабларини қондириш, тажрибаларни умумлаштириш кабилар билан шуғулланадилар. Шу билан бирга Россияда яна шу соҳа билан

шуғуланувчи кичик тадбиркорликни қўлловчи Федерал фонд мавжуд. Бу фонд асосий диққатини кичик бизнеснинг давлат томонидан қўлланилишини молиявий таъминлашга қаратади. Шунингдек Россия

3.3.2.-чизма
Солиқ юкининг пасайиши



майда тадбиркорликнинг илмий-техник соҳада ривожланишига ёрдам кўрсатиш Фонди ҳам ташкил этилган.

Кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган инфратузилмага яна бир неча нодавлат ташкилотларни қўшиш мумкин. Айниқса бундай тузилмага кирувчи ташкилотлар Москва шаҳри ҳукумати қошида ҳам кўп тузилган. Буларнинг ичида энг асосийси Шаҳар кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаш Департаментидир. Майда тадбиркорлик инфратузилмасига лизингли фирма ва компаниялар бизнес-инкубатор, ишлаб чиқариш-технологик марказ, кредит ва бошқа ташкилотларни киритиш мумкин.

Кичик бизнес фаолиятидаги энг муҳим омил солиқлардир. Бу мажбурий тўлов ҳисобланади. Солиқлар давлат, маҳаллийларга бўлинади. Бу асосан фойдадан олинади. Шунингдек йиғимлар, бож тўлови, акциз каби турли тўловлар ҳам мавжуд.

Бозор иқтисодиётида солиқлар асосан икки вазифани бажаради: фискал ва рағбатлантирувчи. Фискалик бюджетни тўлдириш учун керак бўлса, рағбатлантириш корхоналар фаолиятини бошқариш учун қаратилади. Қўлланиладиган солиқлар миқдори, даражаси солиқ тўлов объектлари бу соҳадаги қонуниятларни бузиш жавобгарлиги, солиқ имтиёзлари провардида майда корхона фаолиятининг йиллик натижасида ўз ифодасини топади.

Албатта солиқлар тизимида давлат бюджети манфаати тадбиркорлар манфаати билан яхши боғланган холда бўлиши яхши самара беради. Бунинг учун фискал сиёсат албатта тадбиркорликни тақдирлаш ва унинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилса кичик бизнес моддий рағбатлантирилган бўлади. Бунда мамлакатларда ўтказилган тижорий фаолиятни рағбатлантириш бўйича давлатнинг фискал сиёсатнинг самарали даражасини аниқлаш рейтинги ўтказилиши натижаси қизиқарлидир. Бунда энг юқори кўрсаткич 9,11-7,08 бўлиб, бу энг тез иқтисодий ривожланаётган мамлакатлардан Янги Зеландия, Малайзия, Сингапур, Гонконгдир. Бундаги ўртача кўрсаткич АҚШ, Япония, Швеция, Хитой каби мамлакатлар бўлиб, буларда тахминан 6,5-4,6 бўлган. Паст кўрсаткич 4-2 Португалия, Испания, Венгрия давлатларига тўғри келган. Бу рейтинг Россия фискал сиёсати учун 0,56 га тенг бўлган.

Майда корхона билан индивидуал тадбиркорлик ўртасида солиқ тўлашда тафовутлар мавжуд. Индивидуал тадбиркорликда даромад солиғи асос бўлиб, бунда ялпи даромад, даромад билан боғлиқ бўлган харажатлар, ялпи йиллик (соф) даромад, солиқ

олинадиган ялпи миллий даромад кабилар ҳисобланиши керак. Ялпи даромад билан харажатлар ўртасидаги фарқ миқдори солиқ олинадиган йиллик ялпи даромад миқдорини ташкил этади.

Маида тадбиркорликни ҳуқуқлари билан бирга субъектларнинг жавобгарлиги ҳам мавжуд.. Жавобгарлик қонунларга риоя қилмасликдан келиб чиқади. Асосан солиқ, божхона, жиноий экология ва бошқа шунга ўхшаш қонунчиликни бузишдан келиб чиқади. Бундай ҳолат ҳар қадамда бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай тадбиркор ўз фаолиятига хос қонунларни яхши билиши керак. Маълумки, қонунлар ижроси бошқа расмий ҳужжатларда ифодаланиб, буларнинг барчаси яхши ўрганиш ва уларни қўллаш йўллари пухта билишни талаб этади. Бундаги бепарволик жуда қимматга тушиши мумкин. Имкони бўлса бу соҳада юристлар хизматидан фойдаланиш мумкин. Лекин бари-бир мавжуд қонун-қоида ва тартибларни белгилловчи ҳужжатларни ўрганиш жуда зарур.

Тадбиркорликдаги жавобгарлик аввало мажбуриятларда ўз ифодасини топади. Ҳар бир тадбиркор қонун олдида, шартномалар бўйича жавобгарлиги мавжуд. Белгиланган мажбуриятларни ижро этиш жавобгарликдан холи этади. Агар бу бажарилмаса албатта жавобгарликка олиб келади. Мажбуриятларни бажармаслик ёки керакли даражада ижро этмаслик бошқа томонга зарар келтириши ёки жамиятга зиён келтириши мумкин. Ҳар бир мажбуриятнинг миқдори ва сифат томони, муҳлат ва хусусий шартлари бўлиб, келишилган ёки талаб этиладиган даражада ижро этилмаслиги кўнгилсиз воқеалар билан боғлиқдир. Бу албатта жазога олиб келади. Жазолар эса шартномаларда, қонун-қоидаларда белгиланади.

Жавобгарлик ижро этиш билан ёки расмий бекор қилиниши билан яқунланиши мумкин. Жавобгарлик бажарилмаса зарар кўрган томон белгиланган воситалар асосида ижро этишни талаб этади. Бу зарар даражасига қараб маъмурий, жарима ёки суд асосида қопланиши керак. Суд томонидан зарарни тўла қоплаш билан бирга қонун ва шартнома бузуқчилиги учун муайян жазо белгиланади.

Тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли мажбурият, жавобгарлик билан боғланган масалалар хўжалик суди, фуқаролик суди ва агар жиноийлик мавжуд бўлса жиноят суди томонидан хал қилиниши керак.

Жавобгарлик ичида давлат бюджети олдидаги мажбурият алоҳида ўрин тутади. Бу асосан солиқ тўловлари билан боғлангандир ва жамият олдидаги мажбурият ҳисобланиб, ҳатто бу банкротликкача

олиб келиши мумкин. Чунки барча асосий ва айланма маблағлар давлат ихтиёрига ўтиши мумкин. Маълумки бу тўлов лаёқатлигини йўқотиш ҳисобланади. Бу тадбиркорлик учун тақдирий ҳукмдир.

Шунингдек, божхона тўғрисидаги қонунлар олдидаги мажбуриятларни бажармаслик ҳам ёмон ҳолатлар билан боғланган бўлиб, кечириб бўлмайдиган бузуқчилик ҳисобланади ва оқибати оғир бўлади. Албатта ҳар бир тадбиркор учун жуда муҳим талаб истеъмолчиларга ҳиёнат қилмаслик ва уларнинг манфаатини доимо кўзлашдан иборат бўлиши ва улар олдидаги мажбуриятни тўла бажариш зарур эканини эсдан чиқармаслик керак.

3.6. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шароитлари

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш билан майда бизнесга катта эътибор берилмоқда. Қисқа вақт ичида бу соҳада кўзга кўринарлик ишлар амалга оширилиб, кичик ва ўрта корхоналар оилавий равишда пайдо бўла бошлади. Кичик ва ўрта бизнес шаклланишида катта муваффақиятларга эришилмоқда. Шу кунларга келиб, майда ва ўрта тадбиркорликнинг маҳсулоти мамлакат ЯИМ (ялпи ички маҳсулот)да 1/3 қисмига тенглашди. Булар барча иқтисодий тармоқларда шакллана бошлади. Айниқса қишлоқ хўжалигида катта ўрин эгаллаб, бунда асосан фермер хўжаликлари авж олмақда ва мамлакат агробизнесида асосий ўрин эгалламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрел №1987 рақамли Фармонида хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш чора-тадбирларига қаратилган бўлиб, майда ва кичик бизнес бандлик миқдорига қараб белгиланган. Бунда мулк шаклидан қатъий назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда 10 нафаргача, савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 5 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган микрофирмалар майда бизнесга киритилади. Шу билан бирга йилига ўртача ишлаб чиқаришда бандлик 40 нафаргача, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 20 нафаргача, илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 10 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган кичик корхоналар ҳам киритилади.

Шу билан бирга йилига ўртача ишлаб чиқаришда бандлик 40 нафаргача, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш

соҳаларида 20 нафаргача илм-фан, илмий хизмат кўрстайш, чакана савдо ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 10 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган кичик корхоналар ҳам киритилади.

Ўртача корхоналарга мулк шаклидан қатъий назар, кичик корхоналар учун йилига белгилангандан ортиқ, лекин ишлаб чиқариш соҳасида 100 нафардан, қурилишда 50 нафардан, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида, улгуржи савдода 30 нафардан, чакана савдо, хизмат кўрстайш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 20 нафардан ошмайдиган иш билан банд ходимга эга бўлган корхоналар киритилган.

Кичик корхоналарнинг асосий фаолият йўналишлари ҳам тавсия этилиб, одатда хомашё ва материалларни дастлабки қайта ишлаш, кичик хажмли, лекин кўп меҳнат талаб қиладиган бутловчи маҳсулотлар, жихоз ва асбоб-ускуналар, халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқариш соҳаларида, шунингдек сервис хизмати ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида барпо этишга эътибор берилади.

Маида бизнесга имтиёзлар берилиб, буларнинг ичида энг муҳимлари биринчи йиллар ичидаги фаолиятда солиқлардан озод қилиш ва тўла солиққа аста-секин ўтиш кабилар, тармоқ ва соҳа аҳамияти, иш шароитларини эътиборга олган ҳолда тадбиқ этилади. Агар ўзлари ташкил этаётган ишлаб чиқариш учун хорижий технологияни олиб кирса, божхона тўловидан тўла озод қилинади.

Кредит бўйича бир қанча енгилликлар туғдириш кўзда тутилган. Ишлаб чиқариш бинолари, иншоотларга эга бўлиш, ижарага олиш шароитларини туғдириш имкониятларини яратишга эътибор қаратилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни республика инфратузилмаси ташкил этилган. Бу асосан нодавлат ташкилотлардан иборат бўлиб, буларнинг ичида асосийлари кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантирувчи, Республика Координациялаш Кенгаши, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Дехқон ва фермер хўжаликлари ассоциациясидан иборат.

Республика координациялаш Кенгашининг асосий вазифалари белгиланиб, бунга аввало маида ва ўрта тадбиркорликни рағбатлантириш давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш, маида бизнесни кафолатлаш, имтиёзларини амалга ошириш, кредит

ресурсларидан фойдаланишнинг таъминланишини амалга ошириш; инвестиция лойиҳалари ва таклифларини конкурс асосида танлаш ва мониторингини ташкил этиш; инвестиция лойиҳа ва таклифларини молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш; кредитлаштириш масалалари муаммоларини хал қилиш; инвестицияларнинг молиялашга қабул қилинишини ҳисобга олиш тизимини тузиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш ва кредит ресурсларининг мақсадли фойдаланишини, самарадорлигини таҳлил қилиб бориш.

Тадбиркор ва товар ишлаб чиқарувчилар Палатаси республика Координациялаштириш Кенгашининг қарорларини амалга оширишни ташкил этиш, давлат ҳокимияти ва органлари олдида кичик ва тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш, давлат регистри асосида кичик бизнес субъектлари регистрини олиб бориш кабиларни ўз вазифаси деб белгилайди.

Дехқон ва фермер хўжаликлари Ассоциацияси деҳқон ва фермер хўжаликларини бирлаштирган ҳолда уларнинг манфаатларини давлат ва бошқа ташкилотлар олдида таъминлайди. Бошқарув органлари қурултой томонидан сайланади ва ҳисобот берилади. Шу билан деҳқон, фермер хўжаликлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишга ёрдам қилади. Кредитлар олиш, янги жихозлар билан таъминлаш кабиларда маслахат ва услубий ёрдам кўрсатишни амалга оширади.

Майда ва ўрта бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат ва нодавлат ташкилотларнинг вазифалари, мажбуриятлари аниқланган бўлиб, бу соҳанинг ривожланиши шароитлари таъминланган. Айниқса майда тадбиркорликнинг муваффақиятли фаолияти учун уларда текширишлар ўтказиш чегараланган бўлиб, норасмий ва нозарур тафтиш ўтказишлар таъқиқланган. Бу соҳада ўрнатилган назорат ҳам тизимли ва самаралидир.

Хулоса қилиб айтганда, хусусий корхоналарда тадбиркорликдаги чегараланиш деярли йўқ. Уларда тўла иқтисодий ҳаракат шароитлари ҳукмронлик қилади, ташаббускорлик, хатарлилик чекланмайди. Корхонадаги сармоянинг батамом тадбиркор ихтиёрида бўлиши тўла эркинлик имконини туғдиради. Шунга қараб тадбиркорликнинг икки хилини эътиборга олиш мумкин: чекланган ва чекланмаган (суверен) тадбиркорлик. Биринчиси, ёлланма бошқарувчилик, яъни давлат ва корпорациядаги

бошқарув фаолиятига тааллуқли бўлса, иккинчиси, хусусий корхона, хусусий мулк шароити ҳукмронлиги асосидаги тадбиркорликка тааллуқлидир. Булар бир-биридан мустақил иш юритиш даражаси билан фарқланадилар.

Тадбиркорликда асосий йўналишни белгилаб олишда ёрдам берувчи, бизнес-режанинг муваффақиятли бажарилиши назорат тизимини яратиш ва иш жараёнида унга ўз вақтида тузатишлар киритиб бориш имконини беради. Бизнес-режанинг бажарилиши кузатиш учун йил охирини кутиб ўтиришнинг хожати йўқ. Бунинг учун иш бошланиши билан назоратни ҳам бошлаш керак. Бу назорат нуқталарини белгилашдан бошланади. Айтайлик, даромад ва харажат мувозанати, нақд пул ҳолати, омбордаги захиралар даражаси, маҳсулот сифати, ишлаб чиқариш режаси кабилар камида ҳар ойда кузатилади. Назорат тизими жуда оддий бўлиши, ечимларни белгиловчиларнинг ўз вақтида хабардорлиги жойида чора кўришни таъминлашга ёрдам беради.

Тадбиркор учун яна бир муҳим омиллардан бири сармоядир, яъни у сармоядор бўлмаса ўзи мустақил иш ташкил эта олмайди. Сармоясиз иш юритувчи ҳар қандай шароитда ҳам қарам ва ижрочи, ярим мустақил бўлиб қолади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат ва нодавлат ташкилотларнинг вазифалари, мажбуриятлари аниқланган бўлиб, бу соҳанинг ривожланиши шароитлари таъминланган. Айниқса майда тадбиркорликнинг муваффақиятли фаолияти учун уларда текширишлар ўтказиш чегараланган бўлиб, норасмий ва нозарур тафтиш ўтказишлар таъқиқланган. Бу соҳада ўрнатилган назорат ҳам тизимли ва самаралидир.

Такрорлаш учун саволлар

- 1.Тадбиркор тушунчаси нима?
- 2.Тадбиркорнинг асосий хусусиятларини тушунтириб беринг.
- 3.Нима учун тадбиркорга қонуний устуворлик керак?
- 4.Тадбиркор шахсини қандай тасаввур этасиз? Сизнингча тадбиркор қандай бўлиши керак ва ким тадбиркор бўла олади?
- 5.Тадбиркор ва менежернинг қандай ўхшашлик ва алоҳидалик хусусиятлари бор? Буни мисоллар билан тушунтириб беринг.
- 6.Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қандай тушунаси?

7. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бозор иқтисодиётида ўрни нималар билан белгиланади?

8. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қайси мулк шакли асосида шаклланиши мумкин?

9. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Ўзбекистонда шаклланишининг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

10. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка мамлакатимизда яратилаётган шароитлар ҳақида ниларни биласиз?

4-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛЛАРИ

4.1.Миллий модел моҳияти

Бозор муносабатларига ўтиш ва бозор қтисодиётининг шаклланишида мамлакатлар учун умумийлик мавжуд, яъни бу жараённинг барча давлатлар учун умумий ҳисобланган қонун, қонунийлик, иқтисодий воқеликлари бўлиб, улар зарурий кучга эгадир. Биз юқоридаги мавзуларда буларнинг асосийларини кўриб чикдик. Мулк

шакллари
турлилиги,
хўжалик
юретишнинг
эркинлиги, талаб
ва таклифнинг
шаклланиши,
рақобат
шароити, баҳо
эркинлиги ва
бозор баҳо
мувозанати,
давлат
иқтисодиёти
мавжудлиги
билан аралаш
иқтисодиёт
барқарорлиги

4.1.1.-чизма

Тараққиётнинг “ўзбек модели”



кабилар мамлакатлар шароитлари, улардаги мавжуд хусусиятлардан қатъий назар бозор иқтисодиёти учун зарур шартдирки, буларсиз бозорни умуман тасаввур этиб бўлмайди.

Бозор иқтисодиётидаги умумийликнинг яна бир томони – бу мамлакатларнинг бозорга ўтишдаги ва уни ривожлантиришдаги тажрибаларидан фойдаланишдир. Чунки ҳеч бир мамлакат алоҳида ҳолда, бошқалардан ажралган тарзда бу жараённи амалга ошира олмайди. Мавжуд тажрибалардан фойдаланиш ва имконий

ёрдамларни қабул қилиш бозор тараққиётини тезлаштиради ва бу борадаги фаолият самарадорлигини оширади.

Шунинг учун ҳам бу соҳада, аввало бозор иқтисоди асосларини билиш, унинг умумий хусусиятларини англаш талаб қилинади. Зеро, аниқ тушунчага эга бўлмасдан, бозор иқтисодиёти умумий қонуниятларини, жараёнини билмасдан, мамлакатларнинг тажрибаларини эътиборга олмасдан туриб бозорга ўтишда катта мувафқиятларга эришиб бўлмайди.


Бундан ташқари бозор иқтисодиётига таъсир кўрсатувчи, ҳатто унинг барча томонларини аниқлайдиган хусусийликлар мавжуд. Бу, аввало ҳудудий белгилар, табиий ҳолат бўлса, яна тараққиёт даражаси, иқтисодий аҳвол, мавжуд урф-одат, миллий ва диний ҳодиса ҳамда омиллар ҳамдир. Бу томонлар ҳеч бир мамлакатда бошқаларига ўхшаган бир хил бўлиши мумкин эмас. Булар ва шуларга ўхшаш хусусият, омилларни ҳисобга олмасдан ва уларга асосланмасдан бозор иқтисодиётига ўтиш, юмшоқроқ қилиб айтганда хаёлий уринишдир. Чунки умумийлик, яъни бозор томон бўлган ҳаракат

хусусийликдан бошланади ёки мавжуд алоҳида ҳар бир мамлакат учун хос бўлган хусусиятларни эътиборга олган ҳолда бошланади.

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши шу икки асос бўйича: умумийлик, яъни умуман бозор иқтисодига хос қонун ҳодисалар ва хусусийлик, яъни ҳар бир мамлакатга хос хусусиятлар бўйича амалга ошади. Бунинг бошқача йўли бўлиши мумкин эмас. Шу икки томонни эътиборга олган ҳолда бир бутун ҳаракат дастури яратилади. Натижада бозор муносабатларига ўтишнинг йўли белгиланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос бозорга ўтиш йўли мавжуд дейилади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг йўли ҳар бир мамлакат учун ўзининг миллий моделини юзага келтиради ва у модел умумийлик ва хусусийлик, шу билан бирга фойдаланиш керак деб маъқул

4.1.2.-чизма
Бозор иқтисодиётига ўтиш асослари



топилган мамлакатлар тажрибаларидан таркиб топиб, у ҳаракат дастури бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир мамлакатнинг бозор муносабатлари тизимини яратиш дастури бўлар экан, у миллий бозор моделида ўз аксини топади. Чизмадаги уч асосий қисмдан иборат миллий модел барча мамлакатлар учун хос бўлиб, ўз ичига бозор иқтисодига ўтишнинг зарур томонларини олади. Агар умумий қонун, қонуният ва иқтисодий воқеликларни умумийликка киритсак, ҳар бир мамлакат учун хос мавжуд шароитларни хусусийлик деб олсак, жаҳон бозор иқтисодиёти тараққиёти тажрибалари ёрдамларини ҳамкорлик деб умумлаштириш мумкин.

Масалан, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ислохот ва дастурларнинг асосий мазмунини олсак, албатта улар шу қисмлардан таркиб топади, унда умумий қонуниятлар ва жаҳон тажрибаси Ўзбекистон шароити асосида амалда қўлланилиши мумкин. Жаҳон тажрибаси ўзаро ёрдам ва ҳамкорликни ҳам ўз ичига олади.

Бунда яна бир нарсага эътибор бериш керак бўлади. У ҳам бўлса, шуки, балки энг сўнгги бозор самаралари асосида юзага келиши керак. Чунки бир вақтлари мавжуд бўлган бозор билан ҳозирги бозорларнинг фарқи жуда ктата. Ҳозирги давр ривожланган бозор иқтисодиёти анча тартибли, юқори самарали, уюшган даражада бўлиб, қадимги бозордаги кўп салбий томонларнинг олди олинган ва катта тажрибалар натижасида бозор цивилизациялашгандир. Шунинг учун миллий модел инсон қўлга киритган бозор иқтисодиёти ривожининг энг маъқул усулларини қўллаш ва бундай иқтисодий тизим ўзгаришида кам талофот кўриш, имкони борича қисқа вақт ичида амалга ошириш йўллари асосида шаклланиши керак. Бозорга ўтишда бу соҳадаги салбий томонларни, оғир оқибатларни четлаб ўтиш, уни қайтармаслик йўллари қўллашда бор тажрибалардан унумли фойдаланилади.

4.1.1.-жадвал

XVIII-XIX асрлар ва ҳозирги давр бозорини таққослаш

XVIII-XIX асрлардаги бозор иқтисодиёти белгилари	Ҳозирги давр бозор иқтисодиёти белгилари
1. Стихияли ёввойи рақобат	Цивилизациялашган рақобат
2. Хусусий, асосан майда хўжаликлар	Йирик хўжаликлар, корпорациялар

3. Соф бозор иқтисодиёти	Аралаш иқтисодиёт
4. Стихияли бозор иқтисодиёти	Тартибга солинаётган бозор иқтисодиёти

Жадвалдаги таққослашлар эски ва ҳозирги бозор иқтисодиётининг фарқларини кўрсатиши мумкин. Агар бозор иқтисодиёти бошланғич даврларига унинг сабий томонлари кўпроқ таъсир этса, ҳозирги даврда унинг ҳар томонлама юқори даражада цивилизациялашгани ва жамият бозор тараққиёти жараёнида ўтган давр ичида унинг бир қанча салбий томонларининг олди олинганлиги ва ижобий томонлари бойитилганлигини фарқлай олиш мумкин.

Ўбекистоннинг бозор иқтисодиётини шакллантириш модели уч нарсага асослангандир: 1) умумийлик – бозор иқтисодиётининг умумий қонун, жараён, воқеликлари; 2) хусусийлик – бозор иқтисодиётига ўтишдаги Ўзбекистонда мавжуд шароитлар, яъни табиий, миллий, иқтисодий, географик ва маданий хусусиятлар кабилар; 3) мавжуд жаҳон мамлакатлари бозор тажрибаси, ундаги ҳамкорлик.

4.1.2.-жадвал

Ўзбекистоннинг миллий бозор модели

Умумийлик	Хусусийлик	Халқаро тажриба, ҳамкорлик
1) Бозор иқтисодиёти қонунлари	1) Иқтисодиёт даражаси ва халқ	1) Жаҳон бозор ҳуқуқий асослари
2) Ижтимоий муҳофаза	хўжалик тузилмаси	2) Бозор тараққиёти
3) Бозорга хос умумий бошқа воқеликлар	2) Географик ҳолат	усуллари
4) Бозор шаклланишининг умумий амалий қоидалари	3) Табиий бойликлар	3) Умумий ҳамкорлик
	4) Маданий, илмий даража	4) Иқтисодий ёрдам
	5) Миллий хусусиятлар	

Ўзбекистон миллий бозор модели асослари, жадвалда кўрсатилганидек, миллий модел бозор иқтисодиёти шаклланиши учун зарур асос ва томонларни ўз ичига олади. Маълумки, уларнинг биргаликдаги амалиёти ўзининг катта самарасини бермоқда.

Ўзбекистон бозор иқтисодиёти йўлини узил-кесил танлаганлигини таъкидлар эканмиз, миллий мустақиллик аввало

мустақил, ривожланган иқтисодиётга асосланган бўлиши, бу эса совет империяси давридаги иқтисодиётни тубдан ўзгартириш, унинг ўрнига ҳар томонлама ривожланган ва халқ фаромонлигини таъминлай оладиган иқтисодиётни пайдо қилишни, ҳозирги цивилизацияли жамиятга хос бозор иқтисодиёти барпо этишда бошқача йўли йўқ эканлигини тан олмағимиз зарур.

Республикамиз бозор иқтисодиётига ўтишнинг концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосини бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг миллий модели ташкил этади. Бу миллий модел бир қанча амалий дастурларни ўз ичига олади. Буларнинг энг асосийлари: хусусий, корхоналарни кенгайтириш, мулкни кенг хажмда хусусийлаштириш, тадбиркорликни авж олдириш, майда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, жаҳон иқтисодиётига қўшилиб бориш, эркин баҳоларни жорий этиш, янги молия-кредит тизимини яратиш, бозорга хос пул муомаласини пайдо қилиш ва умуман, иқтисодий рақобат таъсирини кенгайтириш шароитларини яратиб боришдан иборат.

Ўзбекистоннинг келажаги иқтисодиёти ривожланган, аҳолиси фаровон, ҳақиқий демократияга асосланган жамиятни барпо этиш экан, демак, бунинг асосий шарти бозор муносабатлари асосидаги иқтисодиётни куришдир. Бу Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясининг туб мазмунини англатади. Бу концепция иқтисодий қолоқликдан қутилиш, унинг ўрнига ривожланган ва республика халқи манфаатига бўйсунган иқтисодиётни куриш учун бозор иқтисодиётига ўтиш заруриятига асосланади.

Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли мавжуд экан, унинг асосида бозор иқтисодиёти концепцияси ва миллий модели ётади. Президент И.А. Каримов “Республиканинг бозор муносабатларига ўтишида ўз йўлида изчиллик билан бориши демократик ўзгаришлар, республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, уни халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун пухта моддий негиз яратади”, деб таъкидлайди.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўз йўли, ўз миллий модели мавжуд, деган сўз республиканинг ўз махсус бозор иқтисодий қонунлари, яъни миллий иқтисодий қонунлар бор, деган хулоса эмас. Бу, биз юқорида кўриб ўтган умумийлик, хусусийлик ва мамлакатлар тажрибалари бирлигидир ва шу билан бирга ҳамкорликда, биргаликда амалга ошириладиган вазифалар, деган маънони билдиради.

Ўзбекистон миллий модели бозор иқтисодиётини изчиллик билан тиклаб бориш, унга босқичма-босқич ва шароитлар яратилиши билан аста-секин ўтиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кенг қўллаган ҳолда ижтимоий барқарорликни таъминлаб бориш йўли билан ўтишни тақозо этади. Миллий моделда ўз аксини топган Ўзбекистоннинг бозорга ўтишдаги ўз йўли бозор иқтисодиёти шаклланиши учун

4.1.3.-чизма
Миллий тараққиётнинг биринчи даврида эришилган натижалар



уч томонни, яъни ички ва ташқи шароитларни яратиш, бозор иқтисодиёти мақсадларига эришиш ва умуман, бу жараёнлар шаклланиши яратиш кабиларни ўз ичига олади.

Бозор иқтисодиётига ўтишдаги миллий моделнинг амалдаги ҳаракати реал шароитга асосланган ҳолда, мавжуд ва рўй бериши мумкин бўлган барча иқтисодий ҳодисаларни эътиборга олган тарзда бўлиши, жуда эҳтиёткорлик, ҳамкорлик ва тадбиркорлик асосида бўлишини талаб қилади.

Бозор иқтисодиёти шаклланишининг *ички шароитлари* деганимизда, аввало мулкни хусусийлаштириш, давлат монополиясининг олдини олиш, хусусий мулкнинг турли шакллари яратиш, шунингдек, ишбилармонликни ривожлантириш, барча мулк шакллари тенглигини таъминлаш, халқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришнинг замонавий самарали тузулишини яратиш ва булар асосида халқ фаровонлиги ҳамда истиқбол ишончини яратиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояланиши кабиларни тушунамиз.

Бу жараённинг *ташқи шароитлари* деганимизда жаҳон иқтисодиётига қўшила бориш усуллари қўллаш, халқаро иқтисодий муносабатларда фаол қатнаша бориш, жаҳон меҳнат

таксимотида ўз ўрнини ярата бориш, жаҳон бозорида кенгрок иштирок этиш йўл ва усуллари кўллаб бориш кабиларни тушунамиз.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шакллари яратиб бориш деганимизда иқтисодий эркин фаолият, бозор иштирокчиларининг эркин рақобатлашуви, хўжаликларнинг турлилиги, ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш каби иқтисодий воқеликларга ўтиш ўзининг шакллари талаб этиб, булар мавжуд шароитларига қараб пайдо бўлиши, ўзгариши ва такомиллашувини тушуниш керак. Масалан, хўжалик юритиш шакллариининг турлилиги, мулк шакллари тенглиги ва рақобат ривожининг бизнинг шароитимизда, биринчи навбатда, давлат мулк монополиясига барҳам бериш ва унинг хусусийлаштириш шаклларига боғлиқ. Бу ҳеч қачон бир хил бўлмайди ва олдиндан маълум андоза бўйича рўй бермайди. Бу жараён давлат мулкни текинга бериш, имтиёзли баҳода бериш, ким ошди савдоси асосида хусусийлаштириш кабилар билан бир қаторда ижара, оилавий пудрат, ҳиссадорлик каби шакллари юзага келтирмоқда ва буни белгилайдиган кўп микдордаги омиллар эътиборга олинмоқда. Зеро, бозорнинг турли томонларига тааллуқли жараёнга хос шакллари эътиборга олиш, улардан ўз жойида ва вақтида иқтисодий шароитга мос ҳолда фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш бозор иқтисоди шакллариинини тезлаштиради.

Ўзбекистон миллий моделидаги муҳим томонлардан яна бири шуки, бозор иқтисодига ўтиш силлиқ, осонлик билан рўй беради деб ҳисобламай, бу оғир, машаққатли ва маълум иқтисодий бузилиш, беқарорлик каби салбий ҳодисалар бўлиб туриши, эътибор сусайганда бундай салбий оқибатларнинг чуқурлашуви рўй бериши мумкин. Чунки бу бир иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтишдан иборат бўлиб, кўпчилик иқтисодий воқелик бир-бирига қаршидир. Бундай ўзгариш миллий моделнинг ҳар томонлама мукамал бўлиши ва умумийлик, хусусийлик ҳамда жаҳон тажрибасини ўз шароитларини тўла ҳисобга олиб қўллаш кабиларни ўз ичига олишни талаб қилади.

4.2. Иқтисодиётнинг барқарорлашуви зарурияти

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шакллариинида катта таъсир кўрсатадиган ўзига хос хусусиятлар борки, булар мавжуд иқтисодий вазиятдан келиб чиқади. Маълумки, буларни эътиборга

олмай, бу соҳада кутилган натижага эришиб бўлмайди. Иқтисодий вазият бозор муносабатларига ўтишни миллий иқтисодиётнинг шаклланиши, индустриалаштиришни тезлаштириб, меъёрга етказиш билан биргаликда амалга ошириб боришни талаб этади. Аввало шунини таъкидлаш керакки, булар бир вақтда юз берадиган ҳодисалар бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Улар айтилиб келган вақтдаги ҳаракатдан иборат. Учқовчи ҳам жуда аҳамиятли ва республика тақдирини белгиловчи ижтимоий-иқтисодий асослардир. Буларни ўз аҳамияти, асоси ва ҳаракат хусусиятлари бўйича уч иқтисодий жараён бирлиги (уч бирлик) деб аташ тўғри бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотнинг туб мазмуни миллий иқтисодиётни юзага келтириш, уни шакллантиришдан иборатдир. Чунки мамлакат бусиз ўз суверенлик мазмунини йўқотади. Мустақил иқтисодиётсиз сиёсий мустақиллик эътиборсиз бўлиб, жамият тузумлари халқ манфаатига тўла хизмат қила олмайди, аввало туб мазмуни билан иқтисодиётдан республика манфаати учун самарали фойдаланиб бўлмайди. Миллий

4.2.1.-чизма

Республикада мустақил тараққиёт даврида эришилган натижалар



ш унинг барқарорлигини таъминлашда н бошланади. Собиқ мавжуд ягона халқ хўжалиги комплекси бузилиши билан иқтисодий алоқалар

барбод бўлди, улар узилиб кетдики, бусиз халқ хўжалиги ҳаракати нормал давом эта олмайди ва мавжуд инқироз ҳолати юз беради. Барқарорлаштириш иқтисодий алоқаларни тиклашга ҳаракат қилиш ва янгиларини юзага келтиришни талаб қиладики, бу барча тармоқ, корхона, хўжаликлар ва ишлаб чиқариш, ижтимоий инфраструктурага тааллуқидир.

Иқтисодий алоқаларни тиклаш ва янгиларини юзага келтириш халқ хўжалигини тиклаш ва ривожланиш асоси бўлиб, у ўз ичига ички ва ташқи алоқаларни олади.

Мустақил иқтисодиёт далаатнинг ўз молия-кредит, пул тизимларини талаб қилади. У, аввало мамлакатнинг манфаатидан келиб чиқса, сўнгра ташкил топиш зарур бўлган бозор иқтисодиёти манфаатидан келиб чиқади. Бунда миллий пулни жорий қилиш, янги банклар тизими, айниқса кенг тармоқли тижорат банкларини тузиш зарурийдир.

Миллий манфаат, янги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни эътиборга олган ҳолда янги тақсимот муносабатларини киритиш, унинг амалий шаклларини қўллаш зарурияти туғилади. Биринчи навбатда, бунда ижтимоий ҳимоя эътиборга олиниб, даромад манбаи бўлмаган ёки паст бўлган, ёрдамга муҳтожларни қўллаш аҳамиятлидир.

Булардан ташқари республика халқ хўжалиги тузилишини ўзгартириш талаб қилинадик, у мустақил миллий иқтисодиёт талабига мос келиши керак. Уни хомашё йўналишидан озод қилиб юқори даражали ишлаб чиқаришга ва тайёр маҳсулотлар яратувчи ишлаб чиқаришга айлантириш мақсадга мувофиқдир.

4.2.1.-жадвал

Ўзбекистон халқ хўжалиги тузилиши

Тармоқлар	1990 йил	1993 йил	1996 йил
Саноат	22,8	28,9	25,8
Қурилиш	10,6	11,7	10,8
Қишлоқ хўжалиги	33,3	30,8	32,54
Хизмат кўрсатиш	34,4	31,3	31,0

Жадвалда келтирилган рақамлардан кўриш мумкинки, қишлоқ хўжалиги тармоқлари жуда катта ўрин эгаллайди. Саноат ва қурилиш ривоз топган мамлакатларга таққослаганда нисбатан жуда орқада.

Эндиги дастлабки вазифа, инқироз тарзида юзага келган шахсий истеъмол бозори муаммосидир. Бунда, аввало озиқ-овқатлар ишлаб чиқаришни изга солиб, бевосита оғир аҳволнинг олдини олиш шу билан бирга энг зарур ноозиқ-овқат моллари етиштиришни ҳал

қилишдир. Бу соҳада мамлактаимизда авж олаётган майда корхоналар жуда қўл келади. Буларнинг афзалликлари шуки, катта капитал харажатларни талаб қилмайди. Бу соҳада биринчи навбатда майда корхоналар, айниқса қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бирламчи ишлов берувчи тармоқларнинг юзага келиши айтиш мумкин. Булар фермер хўжаликлари, ижара асосидаги оилавий пудрат, касаначиликлар кабилардир.

Шу билан бирга катта-катта иншоотлар ҳам юзага келмоқдаки, булар республикамиз манфаатига бўйсундирилаётган янги ишлаб чиқариш тузилишини яратишда катта ишлар бошланганидан далолат беради. Чунинчи, автомобил саноати, металлургия тармоғи, фармокология, энергетика ва бошқаларни бунга мисол қилсак бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг шаклланишида жаҳон меҳнат тақсимотида республиканинг ўз ўрнини топиши ва халқаро хўжалиги интеграциясига тезроқ қўшила бориши катта аҳамият касб этади. Бу албатта янги ишлаб чиқариш тузилишига боғлиқдир.

Миллий иқтисодиёт янгича инфраструктурани шакллантиришни талаб этиб, бу ҳам ишлаб чиқариш инфраструктурага, ҳам ижтимоий инфраструктурага тааллуқлидир.

4.3. Индустрлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш

Уч бирликнинг иккинчи таркибий қисми индустрлаштириш бўлиб, бу соҳада собиқ совет даврида, айниқса, унинг 1920-1930 йилларда олиб борилган индустрлаштириш сиёсати туфайли бир қатор ишлар қилинди ва саноат тармоқлари вужудга келиб, республикада ҳам ўзига хос индустрия яратилди. Лекин бу индустрияни миқдор ва сифат, умуман моҳияти нуқтаи назардан ҳақиқий индустрлаштиришдан фарқлаш керак. Чунки ўша даврдаги индустрлаштириш собиқ совет давлати манфаатига қаратилган эди. У республика иқтисодиёти манфаатига мос келмай, халқ истеъмоли саноати жуда заиф ҳолда бўлган эди. Бундан ташқари йирик корхоналар асос бўлиб, майда ишлаб чиқариш индустрияси деярли яратилмаганди.

Халқ хўжалигининг кўпчилик тармоқларида асосан қўл меҳнати ҳукмронлик қилади. Бу, аввало қишлоқ хўжалиги, қурилиш каби тармоқларга тааллуқлидир. Айтайлик, энг оғир ишлардан бўлган юклаш ва юк тушириш асосан қўлда бажарилади. Боғдорчилик, сабзавот, полизчиликда деярли техника қўлланилмайди. Савдода

механизациялаш ҳатто 10 фоизга ҳам етмайди. Фермер хўжаликлари, ижара ва оила пудрати хўжаликлари учун техникавий қуроллар яратилмаган, ёрдамчи хўжаликларни бутунлай тилга олмаса ҳам бўлади.

Ҳисоблаш, ахборот, асбобсозлик тармоқлари ҳам бошланғич даражада бўлиб, тиббиёт, маориф, илмий-тадқиқот кабиларнинг техник таъминот ҳолати жуда паст даражада бўлган.

Миллий иқтисодийнинг шаклланиши ва индустриалаштириш, албатта бозорга мослашган ҳолда амалга ошириши зарур. Масалан, янги иқтисодий алоқаларни юзага келтириш, халқ хўжалик тузумини, айниқса ишлаб чиқариш тузумини янгилаш бозор талаби асосида олиб борилмоқда. Хомашё йўналишини ўзгартириш зарур экан, аввало у бозор талаби асосида, энг зарур халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг устунлиги, бундаги йўқ бўлган тармоқларни ташкил этиб, уни ривожлантиришдан бошланади. Пахта комплексида тайёр кийимларгача бўлган комплекс ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва бунинг жамоа хўжаликларининг ўзларида амалга оширилиб, бунда чет капитали билан қўшма корхоналар ташкил этилаётган мақсадга мувофиқдир.

Озиқ-овқат, енгил саноатда, қурилиш материаллари ва хўжалик моллари ишлаб чиқарилишида халқ талабидан келиб чиқадиган бозоргир янги молларнинг пайдо бўлиши амалий мисоллардир. Мамлакатимиз ишлаб чиқариши учун, янги бўлган автомобилсозлик тармоғининг яратилиши жуда қувончли ҳол. Чунки бунга бозор талаби жуда юқори. Шунингдек, телевизорлар, компьютерлар, электрон аппаратлар ишлаб чиқариш юзага келмоқда. Халқаро бозорга кириб бориш, мустақил равишда экспорт ва импортни амалга ошириш ва бунда самарадорликка эриша бориш бозор шаклланишидаги муҳим босқичлардир. Оз вақт ўтишига қарамасдан бу соҳадаги АҚШ, Япония, Туркия, Германия, Англия, Жанубий Корея, Хитой каби мамлакатлар билан кенгайиб бораётган иқтисодий алоқалар, чет мамлакатлар инвестициясининг кенгайиб бориши бунинг яққол мисolidир. Халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг кучайиши ва жаҳон иқтисодий интеграциялашуви, биринчи навбатда, дунё бозорига қўшилиш ва умуман, бозор муносабатларининг кенг ҳаракатига йўл очишни талаб қилади.

Бозор учун зарур шарт бўлган мулк шакллари пайдо бўлмоқда. Бунда давлат мулки тасарруфидан чиқаришни тезлаштириш, мулк хусусийлашувини авж олдириш жуда муҳимдир. Мамлакатимизда

фермер хўжаликларини ташкил этиш, ҳақиқий деҳқон хўжаликларини тиклаш, ижара, оила пудрати каби хўжалик турларини ривожлантириш тезлашмоқда. Демак, бозор муносабатлари асоси бўлган мулк шакллари ва турлари, хўжалик хилларининг пайдо бўлиши, албатта, амалга ошаётган иқтисодий ислоҳотнинг таъсирини кучайтирмоқда, буларнинг барчаси бозор иқтисодиёти шаклланишининг одим қадамларидир.

Шунингдек, ҳиссадорлик жамиятлари, бирлашмалар, концерн, кооперативлар, ширкатларнинг кўпайишига кенг йўл очилмоқда, буларнинг барча бозор муносабатлари учун зарур бўлган иқтисодий ҳаракат майдонини кенгайтирмоқда.

Шу билан бирга бозорга ўтиш билан боғлиқ бўлган баҳо сиёсати амалга оширилиб, асосан эркин баҳо сиёсати юзага келтирилди. Чунки товарларни сотишнинг чакана нархлари талаб ва таклиф асосида эркин шаклланмоқда. Меҳнат бозори, қимматбаҳо қоғозлар бозорлари аста-секин шаклланмоқда, кўчмас мулклар олди-сотдиси бошланган.

Бозор иқтисодиётига ўтишдаги муҳим соҳалардан ҳисобланган молия-кредит ва пул тизимларининг янгилашиши, миллийлашиши бозор мазмунида бўлиши соҳасида катта ишлар, кескин ўзгаришлар юз бермоқда. Чунончи, жуда қисқа вақт ичида ҳақиқий миллий пулга эга бўлдик.

Бозор инфраструктурасини яратишда одим қадамлар ҳам сезиларлидир. Бунга компьютерларнинг дадил кириб келиши, алоқа воситалари, ахборот тизими, товарлар силжиши ва уларнинг тез ҳаракати шароити, йирик олди-сотди ҳисоб-китобларини амалга ошириш асослари каби тармоқлар юзага келмоқда ва бозор шароитларини кенгайтирмоқда.

Республикамизда иқтисодий фаолият ҳар томонлама бозорнинг шаклланишига қаратилмоқда. Бунга фақат биз миллий иқтисодиёт шаклланиши ва индустрлаштиришнинг бозорга мос ҳолда амалга ошиши билан чегараланмасдан, балки махсус бозорга хос жараёнларнинг амалга ошуви ва бозор муносабатларига ўтиш, бозор иқтисодиёти шаклланишининг тезлашувини кўрамиз.

Бу нарса ҳозирги мамлакатимиздаги жараён фақат бозор муносабатларига ўтиш билан чегараланади, деган сўз эмас, ваҳоланки бозор йўналиши асосий йўналиш эканлигини эътироф этган ҳолда иқтисодий ҳолатнинг уч бирлик жараёнидан иборат эканлигини

инкор этиб бўлмайди, чунки иқтисодий ислоҳотнинг мазмуни шу билан белгиланиб, унинг моҳиятини кўрсата олиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон миллий моделида бозор иқтисодига ўтиш силлиқ, осонлик билан рўй беради деб ҳисобламай, бу оғир, машаққатли ва маълум иқтисодий бузилиш, беқарорлик каби салбий ҳодисалар бўлиб туриши, эътибор сусайганда бундай салбий оқибатларнинг чуқурлашуви рўй бериши мумкинлиги эътироф этилади. Чунки бу бир иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтишдан иборат бўлиб, кўпчилик иқтисодий воқелик бир-бирига қаршидир. Бундай ўзгариш миллий моделнинг ҳар томонлама мукамал бўлиши ва умумийлик, хусусийлик ҳамда жаҳон тажрибасини ўз шароитларини тўла ҳисобга олиб қўллаш кабиларни ўз ичига олишни талаб қилади.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётининг шаклланишида катта таъсир кўрсатадиган ўзига хос хусусиятлар борки, булар мавжуд иқтисодий вазиятдан келиб чиқади. Маълумки, буларни эътиборга олмай, бу соҳада кутилган натижага эришиб бўлмайди. Иқтисодий вазият бозор муносабатларига ўтишни миллий иқтисодиётнинг шаклланиши, индустрлаштиришни тезлаштириб, меъёрга етказиш билан биргаликда амалга ошириб боришни талаб этади. Аввало шуни таъкидлаш керакки, булар бир вақтда юз берадиган ҳодисалар бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Улар айна бир вақтдаги ҳаракатдан иборат. Учқови ҳам жуда аҳамиятли ва республика тақдирини белгиловчи ижтимоий-иқтисодий асослардир. Буларни ўз аҳамияти, асоси ва ҳаракат хусусиятлари бўйича уч иқтисодий жараён бирлиги (уч бирлик) деб аташ тўғри бўлади.

Республикада иқтисодий фаолият ҳар томонлама бозорнинг шаклланишига қаратилмоқда. Бунга фақат биз миллий иқтисодиёт шаклланиши ва индустрлаштиришнинг бозорга мос ҳолда амалга ошиши билан чегараланмасдан, балки махсус бозорга хос жараёнларнинг амалга ошуви ва бозор муносабатларига ўтиш, бозор иқтисодиёти шаклланишининг тезлашувини кўраимиз.

Бу нарса ҳозирги мамлакатимиздаги жараён фақат бозор муносабатларига ўтиш билан чегараланади, деган сўз эмас, ваҳоланки бозор йўналиши асосий йўналиш эканлигини эътироф этган ҳолда иқтисодий ҳолатнинг уч бирлик жараёнидан иборат эканлигини инкор этиб бўлмайди, чунки иқтисодий ислоҳотнинг мазмуни шу билан белгиланиб, унинг моҳиятини кўрсата олиши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Миллий модел нима ва унинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўрни нимада?
2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишидаги моделни атрофлича ва мисоллар билан бошқар мамлакатлар тажрибалари билан тушунтириб беринг.
3. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси деганда нимани тушунасиз?
4. Ўзбекистондаги мавжуд уч бирликдан иборат иқтисодий воқеликнинг қандай тушунасиз, унинг моҳияти нимада?
5. Ўзбекистон иқтисодиётидаги барқарорликни таъминлаш ва унинг бозор иқтисодиётининг шаклланиши билан биргаликда амалга ошувини тушунтиринг.
6. Нима учун иқтисодиётни барқарорлаштириш ва индустрлаштириш жараёнлари бозор иқтисодиётининг шаклланиши билан боғлиқ ҳолда амалга ошиши керак?
7. Бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишида умумий қонун ва жараёнлар ҳақида нималарни биласиз?
8. Мамлакат ривожига “ўзбек модели” нинг тутган ўрни нималардан иборат?
9. “Ўзбек модели”нинг асоси қандай хусусиятларга боғлиқ?
10. Иқтисодий барқарорликни таъминлаш нима?

5-БОБ. АҚШ НИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТАЖРИБАСИ

5.1. АҚШнинг жаҳон бозор иқтисодиётидаги етакчи ўрни ва буни белгиловчи асосий кўрсаткичлар

АҚШ жаҳонда энг катта мамлакатлар қаторига киради. Мамлакат майдони 9,7 млн км² ни ташкил этиб, майдони жихатдан дунёда тўртинчи ўринни эгаллайди. Халқи 270 млн. кишини ташкил этади. Етиштириладиган маҳсулот бўйича бунга тенг келадигани йўқ. Йиллик ички маҳсулот хажми 8 трлн. долларни ташкил этиб, энг бунга яқин мамлакатлардан бир неча мартаба кўпдир. Чунки жаҳон ички маҳсулот хажмининг 21 фоизини ташкил этади. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 30 минг доллардан тўғри келиб, бу жуда катта кўрсаткичдир. Чунки ҳатто бозор иқтисоди ривожланган мамлакатларга қараганда ҳам анча юқоридир. Оддий мамлакат ёки қолоқ мамлакатлар билан таққосласак, ақл бовар қилиши қийин.

Йиллик ўртача ўсиш ҳам паст бўлмай, 2,2-2,5 фоизни ташкил этиб, бунда ҳам бошқа ривожланган мамлакатларга нисбатан устунликни кўрамиз. АҚШ табиий ресурсларга бой. 100 дан ортиқ хил фойдали қазилмалари мавжуд. Буларнинг ичида энг муҳимлари нефт, газ, тошкўмир, рангли ва қимматбаҳо металллар. Энергоресурслар энг салмоғли ҳисобланиб, қиймати бўйича қазилма бойликларнинг 90 фоизини

ташкил этади. Фойдаланиладиган минерал ресурсларнинг 50 фоизи импорт ҳисобига тўғри келади. Шу билан бирга табиий ресурсларни ҳимоялаш ва сақлаш, тижорат йўлида фойдаланишни тақиқлаш сиёсати қўлланилиб, АҚШда бир неча ўн йиллардан бери қазилма

бойликлар манбаалари ҳисобига ишлаб чиқариш бир мунча қисқартирилиб, вақтинча тўхтатилган. Айниқса нефт манбааларининг анча қисми қайта бекитилиб, қазиб олиш тўхтатилган. Асосий талаб чет эл хомашёларига қаратилган.

Америка Қўшма Штатлари

Расмий номи - Америка Қўшма Штатлари.
Пойтахти - Вашингтон. Худуди - 9363200 км кв. Аҳолиси - 284500000 киши. Давлат тили - инглиз (испан, француз, немиз, италян, поляк, португал, араб, хинд тиллари ҳам кенг тарқалган.) Дини - протестантлар (53%), католиклар (26%), яҳудийлар (2% га яқин), православлар (2% га яқин), мусулмонлар (2% га яқин).

Пул бирлиги - АҚШ доллари.

Географик жойлашуви: Шимолий Америка материгида жойлашган.

Иқтисоди: АҚШ илғор индустриал ва саноатнинг юқори диверсификасияга ега давлат бўлиб, нефт саноати (дунёда 2-ўринда), металлургия (алюминий, қўрғошин, мис ишлаб чиқариш бўйича энг йирик давлат), машинасозлик, аерокосмик, кимё, электрон, озик-овқат, ёғочни қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалигига қаратилган.

Ресурслардан фойдаланишнинг юқори самарали даражага эришуви табиий бойликлардан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш имконини туғдирмоқда. АҚШ иқтисодиётидаги муҳим хусусиятлардан бири хизмат кўрсатиш соҳасининг устунлигидир. Бу айниқса ХХ – асрга келиб жуда авж олган. Хизмат соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги қисми 77 фоизга етган. Саноат ва қурилиш – 20 фоиз бўлса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари атиги – 3 фоизга тенг бўлган.

Ҳозирги давр АҚШнинг саноат ишлаб чиқариш тузуми шаклланишида машинасозлик етакчи ўринни эгаллайди. Маълумки, АҚШ йирик муҳим машиналар ишлаб чиқаришда дунёда катта ўрин эгаллайди. Электрон, электротехника билан боғланган машинасозлик бошчилик қилиб,

Молиявий инқироз даврида кўпгина мамлакатлар иқтисодиёти ҳукумат ҳамда ташқи кредиторларнинг молиявий кўмагига анча мухтожлик сезди. Бу еса, ўз навбатида, давлат қарзи ёки ташқи қарзларнинг ошиб кетишига олиб келди.

Кўпгина ғарб мамлакатларида давлат бюджетининг дефитсита, давлат қарзи ва хусусий сектор қарзининг ўсиб бориши одатий ҳолатдир. Бироқ, 2008-йилнинг 4 чорагида бошланган жаҳон молиявий инқирози даврида баъзи мамлакатларнинг иқтисодиёти қарз ботқоғига батамом ботиб қолди.

Ташқи қарз - бу, мамлакатнинг ташқи мажбуриятлари, хорижий кредитлар ва улар бўйича фоиз тўловларининг йиғиндисидир. Бунда фақатгина ҳукуматнинг ташқи қарзи емас, балки корпоратсиялар ва индивидуал шахсларнинг ҳам мамлакат ташқарисидаги қарзлари ҳисобга олинади.

Биз шу пайтгача АҚШ ташқи қарзларининг тинмай ўсиб бораётганлиги ва бунинг охир оқибат қандай салбий натижаларга олиб келиши ҳақида бир неча марта "қайғурган" ҳам едик. Аслида ҳам бу ҳақда қайғуришга арзигуликми?

Мамлакатнинг қарз позитсиясини бошқа мамлакатларники билан солиштиришда, одатда, ялпи ташқи қарз миқдорининг ялпи ички маҳсулотга нисбати (фоиз ҳисобида), яъни унинг қарздорлик даражаси эътиборга олинади.

Айтиш мумкинки, АҚШ ташқи қарзи миқдор жихатдан энг катгаси бўлиши мумкин, лекин мамлакат ялпи ташқи қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбати еса дунёдаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланмайди.

Ташқи қарз (ялпи ички маҳсулотга нисбатан, %): 98,4%

Ялпи ташқи қарз миқдори: 13,92 трлн. \$

Йалпи ички маҳсулот (2009): 14,14 трлн. \$

Киши бошига тўғри келувчи ташқи қарз миқдори: 45 302 \$

бунга хос замонавий техникалар яратилади. Транспорт машинасозлиги эса олдиндан доврўғи кетган бўлиб, бунда асосий урғу автомобилларга қаратилган. Лекин авиация машинасозлигида ҳам дунёда етакчилик қилади.

Электрон машинасозликда маиший аҳамиятга эга бўлган тармоқлар асос бўлмай, саноат тармоқлари учун, айниқса ҳарбий хизматлар учун техника ишлаб чиқариш етакчилик қилади.

Машинасозликда авиация саноати билан ракета машинасозлиги катта ҳажмлидир. Бу бевосита ҳарбий мақсадларга қаратилган бўлса, шу билан бирга космик хизматларга ҳам қаратилгандир. Машинасозлик саноатида космик техника асос бўлиб, бу соҳада АҚШ дунёда энг етакчи ўринни эгаллайди ва бу соҳадаги маҳсулотнинг энг

кўп миқдорини ишлаб чиқаради ва натижада космик фазони ўрганиш бўйича асосий иш хажми кейинги йилларда АҚШга тўғри келади.

Ер атрофи фазосини ўрганиш, қуёш сайёраларини ўрганишда яратилган космос, ракета техника асбоблари катта аҳамият касб этиш билан бирга иқтисодиётни ривожланишида борган сари кўпроқ қўлланилмоқда.

АҚШ саноат ишлаб чиқариши тузумидаги иккинчи даражалиси кимё саноатидир. Бу тармоқ корхоналари асосан нефт ва газ қазилма жойларида бўлиб, шу билан бирга четдан келадиган нефт импорти, терминаллари яқинида ҳам жойлашган. Маълумки, Кимё саноатининг маҳсулотлари иқтисодиётнинг кўп тармоқлари учун жуда зарур бўлиб, бу айниқса қишлоқ хўжалиги, уй-рўзғор, саноат тармоқлари, косметика, бўёқчилик кабиларда жуда кўп ишлатиладиган маҳсулот ва восита ҳисобланади.

Ер шари иқтисодий фаол аҳолисининг 60% дан ортиғи қишлоқ хўжалигида банд. Африка ва Осиёнинг кўпчилиги давлатларида бу кўрсаткич 70%ни ташкил қилади. Шу билан биргаликда саноати ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич йил сайин пасайиб бормоқда. Жумладан АҚШда қишлоқ хўжалигида иқтисодий фаол аҳолининг 5% и, Буюк Британияда 4% и банд.

Иқлим шароитларининг қулайлиги, тупроқ унумдорлигининг юқорилиги қишлоқ хўжалигининг ривожланишига яхши имкониятлар туғдиради. Чорвачилик, ғаллалачилик, пахтачилик, боғдорчилик, сабзавот ва полизчилик юқори унумли бўлиб, озиқ-овқат ва хомашё маҳсулотларининг турли хилларини етиштирувчи хўжаликлар уюштириш имконини беради. Серунум, юқори хосилли хўжаликлар етарли даражада маҳсулотлар етиштириш, шу билан бирга ички талабларни тўла таъминлаган холда катта қисмини жаҳон бозорига чиқариш шароитини туғдиради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бошқа соҳа ва тармоқларга ўхшаган жуда юқори даражада ташкил этилган.

Қишлоқ хўжалигининг таракқиёт даражаси шуни кўрсатадики, бандлик 3 фоизни ташкил этади холос. Ғоят кўп миқдордаги маҳсулотнинг шунча оз миқдордаги ишловчилар билан етиштирилиши илғор технология, ишбилармонлик, ташкилийлик, юқори меҳнат унумдорлигининг натижасидир. Албатта бозор механизмларини қўллашдаги уддабуронлик, юқори даражадаги тижоратчилик катта ўрин эгаллайди. Хатоки шу кунларда Ўзбекистон бозорларида АҚШ товуқчилик, шоликорлик ва бошқа маҳсулотлари

кабиларни тез-тез учратиш мумкин. Албатта бу АҚШ қишлоқ хўжалиги қудратининг таъсирий натижасидир.

Америкалик фермерлар жаҳонда энг юқори меҳнат унумдорлиги даражасига эришган. Агар ривожланмаган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир ишловчи ўзи ва оила аъзоларини зўрға боқа олса, Японияда бир фермер 16 кишини, Ғарбий Европада 19 кишини таъминласа, АҚШда эса бир фермер 59 кишининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондира олади. Албатта бунда мураккаб ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш катта ёрдам беради. Шу билан бирга инфратузилманинг юқори даражада тараққий этганлиги аҳамиятлидир. Бунга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш ва омборларда сақлашнинг юқори даражада ташкил этилишини ҳам қўшиш керак. Энг муҳими давлат томонидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама қўлланилишидир. Фермерлар доимо давлат ҳимоясида бўлиб келади, катта-катта давлат дастурлари амалга оширилади. Масалан, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасига қаратилган давлат дастурлари бўйича харажатлар АҚШ Федерал бюджетининг 4,5 фоизини ташкил этади. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулоти йиллик қийматининг 27 фоизига тенг бўлади, ёки бўлмаса ҳар бир гектар экинга давлатнинг йиллик 410 долларини субсидиясига тенгдир.

АҚШ иқтисодиёти тараққиётида илмий-техник салоҳиятнинг жамғарилиши шароитларини доимо таъминлашда давлатнинг ҳиссаси катта. Айниқса ҳарбий харажатларни қисқартириш ҳисобига илмий сиғимли тармоқларнинг асосий капиталига инвестицияни қўллаш аҳамиятлидир. Мамлакатнинг илмий-техник салоҳиятини ўсишида ва Америка товар ҳамда хизматларининг жаҳон бозорларида рақобатбардошлик даражасини сақлашда билим олиш ва илмий кадрлар тайёрлашдаги солиғ имтиёзлари ва унинг харажатларини ошириб боришнинг бюджет ҳисобига амалга оширилиши яхши натижалар бермоқда. Шу билан бирга иммиграция сиёсатининг бу соҳада мақсадли йўналишида бўлиши ҳам қўл келмоқда. Чунки бунда бутун дунёдан илмий, инженер ва бошқарув кадрларини жалб этишга катта йўл очиб берилган.

Шунинг учун ҳам АҚШнинг иқтисодий ўсишида илмий-техник

прогресс энг муҳим омилга айланган ва фан-техниканинг кўпчилик соҳаларида дунёда тан олинган лидерга айланган. Жаҳонда энг йирик салоҳиятга эга бўлиб, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ) умумий хажми бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. Шу билан бирга компанияларнинг бундай харажатлари борган сари ортиб бормоқда. Япония ва Европа мамлакатларининг ҳам бундай харажатларининг тезлик

Жаҳон ер фондининг умумий майдони - 134 млн.км кв. (13,4 млрд.га) бўлиб, унинг асосий қисми Африка, МДХ, Хорижий Осиё, Шимолий ва Жанубий Америкада жойланган. Жон бошига ер фонди энг кўп Австралияга тўғри келса, энг кам Хорижий Осиёга тўғри келади.

Ишлов бериладиган ерлар майдони буйича АҚШ (190 млн.га), Ҳиндистон (100 млн.га), Россия (134 млн.га), Хитой (95 млн.га), Канада (46 млн.га), Қозоғистон (36 млн.га), Украина (34 млн.га) ажралиб туради. Европадан ташқари, жаҳоннинг барча минтақаларида табиий ўтлоқ ва яйловлар ишлаб берилган ерларга нисбатан кўпроқ.

Жаҳон бўйича 720 млн.гектар ерга донли экинлар экилмоқда. Улар жами экин майдонининг Буюк Британия, Франция ва Италияда 50-60% ини, Россия, Польша, Венгрия, Руминия ва Японияда 60-65% ини, ГФР да - 70%, Вьетнам ва Монголияда 80% эгаллаган.

Жаҳонда жами экин майдонининг асосий қисмини 3та экин, яъни буғдой (23 млн.га), шоли (140 млн.га), маккажухори (180 млн.га) эгаллайди.

Жаҳон бозорига йилига 5-6 млн.т. ўрта толали пахта чиқарилади. Асосий пахта толасини экспорт қилувчи мамлакатларга АҚШ, Ўзбекистон, Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Африка мамлакатлари, Парагвай, Австралия ҳисобланади. Пахта импортини икки минтақа белгалаб беради:

-Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё (Япония, Тайвань, Корея Республикаси, Гонконг, Тайланд, Индонезия)

-Европа - Италия, ГФР, Франция, Польша, Чехия, Словакия ва бошқалар.

билан ортиб боришига қарамай, камдан-ками Америка даражасига яқинлашмоқда. ИТТКИ харажатлари АҚШ давлат бюджетида ҳам катта ўрин эгалламоқда. Кейинги тўрт ўн йиллик ичида Федерал бюджетнинг фан, космос ва технология учун харажатларининг салмоғи 11 марта ўсиб, 0,1 фоиздан ўтган асрнинг 90 – йиллари ўртасига келиб 1,1 фоизгача етди.

АҚШ бозор иқтисодиёти ривожининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири иш жойи қийматининг юқорилигидан иборатдир. Бу ривожланган мамлакатларда миллий маҳсулотнинг $\frac{3}{4}$ қисмигача етса, Америкада 80 фоизгача боради. Албатта бу умумий тараққиётнинг энг муҳим натижасидир. Маълумки, бу ишловчининг иш ҳақи деган сўз, яъни унинг даромад манбаини ташкил этади. Аҳоли турмуш даражасининг манбаи ҳам даромаддан иборат бўлиб, бу провардида инсон турмуш сифатида ўз ифодасини топадики, ишловчининг асосий мақсади мана шу даромаддир.

Фан - техника инқилобининг кенгайиши ва чуқурлашуви, жаҳон хўжалигига таъсирининг кучайиши кўпчилик мамлакатларда индустриал турдан кейин шаклланган ва постиндустриал деб ном олган (рост - лотинча "кейин") иқтисодиётнинг мутлақо янги турининг таркиб топишига олиб келди.

Иш жойининг қимматлиги ҳаётий муаммоларнинг ҳал қилинишининг асоси эканлиги маълум нарса, чунки унинг сифатини кўтариш учун сарф этиладиган асос ҳисобланади. Бу тиббиётга, маданиятга, дам олишга талабни оширадики, булар доимо талаб юқорилиги учун сифатли даражада бўлади. Ҳаётий талаб тўлалиги таъминланади. Узоқ сермазмун умр кўриш таъминланади.

Иш жойи қимматлиги асосидаги бундай ҳолат бандлик учун бўлган талабни кўпайтиради. Бу бир томондан юқори малакали ишловчилар таклифи даражасини кўтарса, иккинчи томондан бошқа мамлакатлардан келадиган асосан юқори интеллектуал меҳнат эгалари оқимини кенгайтиради. Инсон мақсади яхши ҳаёт ва бунинг асоси юқори даромадга эришиш бўлгандан кейин албатта Америкада ишлашни, ундаги юқори даражали ҳаёт кечириш лаззатидан баҳраманд бўлишни истайдиганлар кўп бўлади ва иммиграция ҳаракатини кучайтиради.

Америка миллати оммавий иммиграция натижасида шаклланган бўлиб, кўп миллатли халқдан таркиб топган. Асосан Европаликлар бўлиб, биринчи навбатда Англия, Шотландия, Ирландиядан келганлардир. Германия, Италия, Полша ва Россиядан келганлар ҳам кўп. Шу билан бирга Осиёликлар ҳам анча қисмини ташкил этади. Лекин ўз вақтида Африкадан кул қилиб сотилганлар солмоғи сезиларли бўлиб, деярли умумий аҳолининг 12 фоизини ташкил этади. Негрлардан ташқари иш ахтариб, бахт излаб келганлар ҳам кўп бўлган. Ерлар кўп, серҳосил, иқлими яхши, юқори даромад олиш эҳтимоли ўз вақтида оммавий равишда келишга олиб келган. Мавжуд сиёсий ва бошқа эркинликлар бунга жуда мойиллик туғдирган. Бу нарса деярли АҚШ тарихи даврида доимий бўлиб, ҳаттоки ҳозиргача давом этади дейиш мумкин. Чунки мавжуд юқори иқтисодий имкониятлар, юқори турмуш ҳали ҳам бўлса ўзига тортади.

АҚШ давлатининг юзага келиши, ривожланиши эркинлик руҳиятида давом этиб, бу ўзига хосликни шакллантирган. Мавжуд табиий ва ижтимоий шароит ишбиларомлик, ташаббускорлик, ижтимоий фаоллик руҳида бўлишга мойиллик туғдириб, ҳар қандай қийинчилик, меҳнатсеварликка даъват қилган. Бу сиёсий эркинлик, демократик тизим шароитида жамиятнинг шаклланиши, иқтисодий ривожланишининг тезлашуви ва соғлом равишда давом этишига катта таъсир кўрсатиб келади. Сиёсий, иқтисодий эркинлик ҳақиқий кучли давлат ва жамиятни яратишга олиб келган. Албатта бунда аввало

кучли, тараққий этган бозор муносабатлари асосидаги иқтисодиётнинг хал қилувчи аҳамияти каттадир. Айтиш мумкинки, АҚШни шу даражага етказган аввало унинг қудратли бозор иқтисодиётидир.

5.2. Миллий хўжаликда номоддий ишлаб чиқариш устуворлиги

Иқтисодий тараққиёт даражаси моддий ишлаб чиқариш эмас, балки номоддий ишлаб чиқариш даражаси ва ундаги бандлик билан белгиланади. АҚШ эса хатто энг ривожланган бозор иқтисодиётли мамлакатлар ичида бу соҳада энг олдинда туради. Америкача бозор иқтисодиёти ривожини хизмат кўрсатиш соҳасининг тараққиёти бўйича дунёда тенги йўқ мамлакатдир.

Таъкидлаганимиздек, АҚШ миллий маҳсулотининг $\frac{3}{4}$ дан кўпроқ қисми хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келади. Бандликни олсак, бунда ҳам шундай даражани кўрамиз, яъни 77 фоиз ишловчилар шу соҳада банддир. Қишлоқ хўжалигида банд бўлганларни чегириб ташлангандан кейин ҳисобланадиган бўлса, бу кўрсаткич 73 фоиз иш жойини ташкил этади. Агарда буни бошқа ривожланган мамлакатларга таққосласак, айтилик, Германия Федератив Республикасида иш кучининг 41 фоиз, Италиянинг 35 фоизига тўғри келади.

Ривожланаётган мамлакатларда ноишлаб чиқариш соҳасида ўртача 22,3% ишчи машғул. Бу кўрсаткич Непалда атиги 8%, Бангладешда 10%, Нигерияда 10%га тенг, шу билан бир қаторда айрим ривожланаётган мамлакатларда ноишлаб чиқаришда банд ишчиларнинг салмоғи юқори. Булар ё ижтимоий-иқтисодий ривожланишда анча илгарилаб кетган мамлакатлар (Аргентина 59%, Мексика, Бразилия, Корея Республикаси), ёки молиявий фаолият ва ишбилармонлик хизматининг йирик марказларига айланган нефть экспорт қилувчи мамлакатлари (Ливия 55%, Жазоир, Саудия Арабистони), ёки воситачилик фаолияти ва туризмга ихтисослашган мамлакатлар (Боғам ороллари мамлакати 80%) ҳисобланади.

Буни Америка феномени деб аташади. Бу аввало аҳоли фаровонлиги билан боғланган. Фаровонликнинг ўсиб бориши хизмат кўрсатишга талабни кучайтиради. Чунки турмуш яхшиланиб бориши билан, моддий таъминотнинг ўсиб бориши истеъмолни хизмат соҳасига қаратиб боради. Бу эса хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириши, янги-янгиларини пайдо бўлиб бориб, ҳар томонлама кенгайиб боришига олиб келади. Натижада даромаднинг маълум қисми хизмат сотиб олишга қаратилади ва хизмат турларига бўлган харидорлик хажмини кўпайтириб боради. Истеъмол соҳасидаги хизмат кўрсатиш товарлашиб боради ва олдин истеъмолчи

бажарадиган ишлар пулга ижро этадиган корхона, шахслар томонидан бажарилиши кенгайиб, бундаги вақт тежалади ва мутахассис томонидан бажарилади.

Иккинчидан, меҳнат унумдорлигининг ўсиши бўш вақтни кўпайишига олиб келади. Ортиб борадиган бўш вақт эса бундан унумли фойдаланишни талаб этади. Энг бундаги маъқул келадиган нарса хизматлардан фойдаланишдир. Дам олиш, хурсандчилик билан боғлиқ, спорт билан шуғулланиш кабилар билан боғланган хизмат турларидан фойдаланишга талаб ортади.

Учинчидан, техник хизмат кўрсатиш зарурияти ортиб боради. Маълумки, уй-рўзғор буюмлари ичида техник воситалар хилма-хиллиги ортиб бормоқда. Турли электр ва электрон асбоблар, техник ускуналар ҳаётда кўпайганки, буларни истеъмол этиш хизмат кўрсатишни талаб этади. Бундан ташқари ташқи дунё билан алоқада бўлишда, туризм кабилар ҳам ўзига хос хизматлар турини талаб қилади.

Кўриниб турибдики, фаровонлик билан бир қаторда умуман тараққиёт хизмат кўрсатиш соҳасини олдинга суриб, унинг тез ривожланишини тақозо этадики, бунда Америкада жуда катта ишлар амалга оширилган ва АҚШни жаҳонда хизмат иқтисодиёти бўйича биринчи ўриндаги мамлакатга айлантирган.

Хизмат кўрсатиш шунчалик тараққий этганки, у хаддан ташқари турли-тумандир. Аввало бунга давлат сектори ўзининг суд тизими, меҳнат биржаси, касалхонлар, ҳарбий хизмат, кирим кассалари, милициялар, ёнғинга қарши хизмат, почта, мактаблар, бошқариш ва назорат органлари киради. Шу билан бирга ажойибхона, саҳоват ташкилотлари, черков ва мачитлар, коллеж-лицейлар, касалхона ва жамғармалари билан хусусий сектор киради.

Бундан ташқари хизмат кўрсатиш соҳасига хусусий тижорий секторга кирувчи авиакомпаниялар, банклар, компьютер хизмати бюрolari, меҳмонхоналар, суғурта компаниялари, сармоя фирмалари, шахсий шифокорлар, кинофирмалар, сантехника жихозларини таъмирлаш фирмалари кабилар киради.

Булар оммавий хизмат кўрсатиш соҳасига кирса, тўхтовсиз янги хизматлар пайдо бўлиб бормоқда. Айтайлик, маълум пулга оила бюджетини баланслаштирувчилар, уй топишга ёрдам қилувчилар, иш топиб берувчи, хизмат жойига олиб борувчи, ижарага боғча, трактор кабиларни топиб берувчилар ва ҳ.к.

Хизмат кўрсатиш бозор иқтисодиёти шароитидаги моддий товарларга ўхшаган талаб, таклиф, рақобат, бозор баҳоси хусусиятларида бўлиб, истемолда жуда аҳамиятлидир ва у айниқча Америка ҳаётида тўхтовсиз турланиб, ўз ўрнини кенгайтормоқда. У хаттоки АҚШнинг ташқи савдосида ўз ўрнини кенгайтормоқда ва жаҳон хизмат кўрсатиш бозорларида пишиқ ўринни эгаллайди. Ўтган асрнинг 90 – йиллар охирига келиб ривожланган мамлакатларнинг 70 фоиздан ортиқ маълумот банклари (жамғарилиши) АҚШда жамланган эди.

Америка компаниялари ЭХМларни ресурслар билан таъминлаш бўйича жаҳон бозорининг $\frac{3}{4}$ қисмини ўз қўлларида ушлаб турадилар. Чет мамлакатлар учун патентларни рўйхатга олиш, авторлик ҳуқуқларини расмийлаштириш, лицензиялар мажбуриятини амалга ошириш, дизайн ишлаб бериш, корхона менежмент бошқаруви тажрибаларини оммалаштириш кабилар хизмат бозорига киради.

5.3. XX – аср биринчи ярмида бозор иқтисоди ривож

АҚШ бозор иқтисодиётида XX – аср биринчи ярмида кескин ўзгаришлар юз беради. Бундаги асосий туртки 1929-1933 йилларда юз берган иқтисодий инқироз – депрессиядир. Бунда мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) $\frac{1}{3}$ қисмга қисқарган эди. Ишсизлик эса $\frac{1}{4}$ қисмга етган эди. Бу инқироз иқтисодиётнинг барча тармоқларини эгаллаб, айниқса ишлаб чиқариш ва савдога катта зарар келтирган. Кўп хўжалик турларини ишдан чиқарган, чуқур иқтисодий тушкунлик юз берган, катта зарарлар етказилган.

Бевосита иқтисодий тушкунлик катта ижтимоий муаммоларни юзага келтирган. Чунки ишсизлик кўпчиликини даромад манбаидан маҳрум қилиб, катта ҳаётий қийинчиликларни юзага келтирган. Оммавий норозиликлар келиб чиққан.

Иқтисодий алоқалар бузилиб, иқтисодий мувозанат издан чиққан. Албатта бу катта талофатларни келтирган. Инқирозни олдини олиш ва депрессиядан чиқиш туб ўзгаришларни талаб этар ва катта матонат, куч ва ирода зарурлигини юзага кетиради. Бундаги муҳим нарсa миллий бирликни таъминлаш, инқироздан чиқиш йўлларини белгилаш ва бор имкониятларни тикланиш учун қаратиш зарурияти талаб этилиб, Америка давлати ва ҳукумати бу оғир ва тақдирий масалаларда етакчи ролини бажариши зарурияти туғилган эди.

Катта иқтисодий ислоҳотлар ўтказилиб, бунинг негизида ўша вақтдаги АҚШ Президенти Франклин Рузвелт ислоҳоти бўлиб, бу “янги курс” деб номланган. Бунда “бизнес ҳукуматдан юқори бўлиши мумкин эмас” деган тамойил асос бўлган. Бу ислоҳотда иқтисодиётнинг асосий томонларига туб ўзгаришлар киритилиб, янги йўналишлар белгиланган. Иқтисодий ислоҳотларда 400 мингдан ортиқ дастурлар тузилиб, амалга оширилган. Буларнинг ичида янги аэродромлар, темир йўл ва автомобил йўллари, шосселар, мактаблар ва бошқа бир қанча инфратузилмалар қурилиши кўзда тутилган. Буларни амалга оширишда меҳнат билан ёрдам бериб, сафарбарлик усуллари қўлланилган. Албатта бу давлат томонидан тўланиб турилган. Бунинг учун махсус меҳнат лагерлари тузилиб, бунга асосан ишсизлар жалб этилган.

Энергетика соҳасида катта ишлар олиб борилган. Энергетика Америка иқтисодиётида негизли соҳалардан бўлиб, бунинг бандликка ва мамлакатга XX – аср 30-йилларида истеъмол талабини жонлантиришда, янги жойларини ташкил этишда аҳамияти катта бўлган. Шунинг учун йирик хажмда давлат гидроэлектростанциялари қурилиши амалга оширилган. Бу бошқа иқтисодий масалалар билан бирга рақобат мухитини яратишга таъсир кўрсатган. Федерал Комиссия тузилган бўлиб, бу ўз навбатида штатлар ўртасида энергоресурсларни тақсимланиши назоратини бажарган. Штатлардаги тузилган муайян комиссиялар электроэнергия баҳолари, энергияга эса нефт маҳсулотлари, табиий газ ва шунга ўхшашларни ҳам баҳолашни назорат этиш ваколатига эга бўлган.

Бу орқали умуман энг муҳим иқтисодий соҳалардан ҳисобланган энергетикадаги амалга оширилган асослар иқтисодиётнинг барча томонларини жонлантириш ва ривожлантиришга катта таъсир кўрсатган ва қудратли энергетика негизи барпо этилиб, бу мамлакат салоҳиятида кучли асосга айланган.

Иқтисодий ислоҳотда молиявий ўзгаришлар таъсирли бўлган, чунки у иқтисодиётнинг қон томирлари сифатида аҳамиятлидир. Бунда энг муҳим ва таъсирлиси банклар тўғрисидаги тасодифий қонун бўлган. Бу қонун бўйича банклар қимматбаҳо қоғозларнинг эгалари бўлиши тақиқланган ва улар буларнинг омонат сақланиши сифатидаги хизмат билан чегараланиши талаб этилади. Шу билан бирга банкларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ҳам тақиқланиб, ўз бевосита вазифалари билан чегараланиш тартиби

ўрнатилади. Бунда молия-кредит фаолияти бўйича қимматли қоғозлар комиссиясининг ишлари таъсирли бўлган.

Иқтисодий тузилмалар бўйича қўланилган тадбирлар ҳам муҳим бўлиб, ички ишлаб чиқаришни жонлантиришга ижобий таъсир этган. Бунда миллий маҳсулотга талабни ошириш билан уни ҳимоялаш қўлланилиб, импортни қисқартирган ҳолда миллий саноатни рағбатлантириш сиёсати олиб борилган. Айтайлик, Америка маҳсулотларини сотиб олиш шиори остида ўз ишлаб чиқариши учун бозорни кенгайтириш ҳам ижобий рол ўйнаган. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ортиқча ишлаб чиқариш билан кураш олиб бориш ва бунга тааллуқли тадбирлар қўллаш амалга оширилиб, аграр соҳани тартиблаштириш чоралари қўлланилган.

Инқироздан чиқишга қаратилган усуллардан яна бир муҳими ижтимоий соҳага тааллуқлидир. Бунда аввало ишсизликни олдини олиш жуда муҳимдир. Чунки аҳволни оғирлаштирадиган, нотинчликка олиб келадиган муҳим сабаблардан бўлган инқироз натижасидан иборат оммавий ишсизлик энг долзарб муаммодир. Айтганимиздек, 1929-1933 йиллар инқирозидан 1/3 қисм ишчилар ишсизликка дучор бўлган эди. Бунинг асосида ишсизлик тўғрисидаги қонун катта аҳамият касб этиб, бундаги тадбирлар билан бевосита 4 млн. киши жалб этилган. Кўп сонли дастурларнинг бажарилиши, алоҳида меҳнат лагерларининг ташкил этилиши бу муаммони ҳал қилишда жуда қўл келган.

Бундан ташқари тўғридан-тўғри моддий ёрдам кўрсатиш ҳам кенг миқёсда қўлланилиб, бунга ҳукумат ттомонидан 5 млрд. доллар ажратилган ва бевосита мухтожларга, камхарж шахсларга, аввало ишсизлар, ўртасида тақсимланган.

Рузвелтнинг “янги курс” сиёсати инқироздан чиқишда ва иқтисодиётни соғломлаштиришдаги барча тадбирларни амалга оширилишида консолидацияга эришиш, бунда миллий бирликни таъминлай олиш, ватанпарварлик туйғусини уйғота олишлик ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Америкача миллий бирлик, ғурур бундан кейин ҳам Америка жамиятининг тараққиётида кўп аҳамиятли рол ўйнаган. Чунки чуқур инқироздан чиқиш, депрессиянинг олдини олиш кўп йўқотишларни талаб этиб, талофатлардан кутилиш, барча қийинчиликларни бошдан кечириш туфайли тараққиётга йўл очишни талаб этади.

Иқтисодиётни соғломлаштириш, рақобатдошликни таъминлаш, иш ўринларининг қимматлашиб бориши кабилар ва шунингдек

айниқса хомашёларга жаҳон нарх-наволарининг кўтарилиб бориши янги ресурсларни сақловчи технологияни қўллаш, меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминловчи техника ва иш усулларини қўллаган холда ишлаб чиқаришни янгилаб бориш илғор иқтисодиётни юзага келтиришда асос бўлиб хизмат қилган. Бу эса илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш ва янги серунум техника ва технологияларга талабни кучайтириб борди.

АҚШ нинг рақобат ва монополиялар ҳақида қонунчилиги

Хорижий мамлакатларнинг қонунчиликларидаги тафовутлар турлича ва ниҳоятда кенгдир. Шунинг учун ушбу таҳлил биринчи навбатда ушбу тафовутларни аниқлаш ва тушунтириб беришга қаратилди. Таҳлил услубиёти Ўзбекистон Республикасида рақобат тўғрисида янги қонунни ишлаб чиқишда амалий фойдаланиш мумкин бўлиши нуқтаи назаридан танлаб олинди. Шу муносабат билан, муаллифлар ўтказилган ушбу таҳлил натижаларини ЎРда амалда бўлган рақобатга қарши қонунни хорижий мамлакатлардаги қонунлар билан моддалар бўйича таққослаш фойдали ва самарали бўлади деб ҳисоблайдилар. Бунда дастлабки қадам бўлиб ЎР “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонундан фойдаланилди.

Ушбу ишни амалга ошириш учун Қўмитанинг Хайъати йиғилишида бир қатор мамлакатлар танлаб олинди ва уларнинг қонунчиликлари ўрганиб чиқилди. Булар: АҚШ, Европа Ҳамжамияти, Россия Федерацияси, Япония, Буюк Британия, Венгрия, Вьетнам. Қуйида нима сабабдан айнан шу мамлакатлар танлаб олинганлиги қисқача шарҳлаб берилган:

- АҚШ: АҚШнинг монополияга қарши қонунчилиги энг биринчи бўлиб қабул қилинган қонун бўлиб ҳисобланади. У шунингдек, энг кўп ўрганилган ва амалиётда фойдаланилгандир. Бундан ташқари, АҚШ жаҳоннинг энг йирик миллий иқтисодиёти ҳисобланади.

АҚШда трестларга қарши қонуннинг барча нормаларини белгиловчи ягона қонун йўқ. Асосий қонунлар юқорида айтиб ўтилган қонунлардан иборат. Ушбу қонунларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларнинг матнида мақсад тўғрисида ҳеч нима айтилмаган. Ушбу қонунларни ҳар бирини мақсади, шунингдек улардан олинган алоҳида нормаларнинг мақсадлари, одатда ишни кўриб чиқиш давомида суд томонидан қарор, хусусан АҚШ Олий суди қарори эълон қилинади ва умумий Ҳуқуққа асосан юридик таърифи қабул қилинади.

Масалан, Олий Суд Норзерн Пасифик АҚШга (1958) қарши ишни кўриб чиқишда Шерман қонуни мақсадини қуйидагича баён қилган:

Шерман қонуни савдо-сотик қонидаси сифатида эркин рақобатни сақлаб қолишга йўналтирилган кенг ҳажмли иқтисодий эркинлик ҳуқуқидан иборатдир. У бозор кучларини ўзаро эркин ҳаракатланиши бизнинг иқтисодий ресурсларимизни тўғри тақсимлашга, паст нархларга, юқори сифатга ва кенг маънода моддий тараққиётга олиб келади деган ғояга асосланади, шу вақтни ўзида бизни демократик, ижтимоий ва сиёсий институтларимизни сақлаш учун қулай муҳитни таъминлайди. Лекин ушбу ғоя шубҳа остида бўлган тақдирда ҳам, Қонунда баён қилинган сиёсат рақобатга айнан тааллуқлидир.

АҚШ рақобат тўғрисидаги қонунлари матнларида қонунни қўллаш соҳаси аниқ акс эттирилмаган.

Савдо-сотикни баъзи соҳаларида федерал ва маҳаллий ҳокимиятлар эркин ва очиқ рақобат тўғрисидаги қонун ғоялари ва нормаларига зид ҳолда, ўзига хос хусусиятга эга бўлган иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни қабул қиладилар. Баъзи ҳолларда ушбу зиддият Конгресс даражасида ҳал қилинади. Бунда, қонунчилик асосида одатда секториал (тармоқ) “эркинлик” (истисно) берилади. Шуниси қизиқки, шу каби истиснолар Ўзбекистон Республикасида “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинадиган соҳаларга тааллуқли бўлади, ёки умуман “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонун амал қилинадиган соҳаларга кирмайди. АҚШда секторли “эркинликларга” қуйидаги тармоқларга берилган :

- Қишлоқ хўжалиги
- Давлат контрактлари
- Соғлиқни сақлаш
- Спорт
- Телекоммуникациялар*
- Энергетика* (жумладан, нефт, газ, электр энергияси, атом энергиясини транспортировкалаш)
- Молия институтлари ва бозорлар*
- Суғурталаш*
- Меҳнат бозорлари*
- Транспорт* (темир йўл, ҳаво транспорти, денгиз транспорти)

Маҳаллий ҳокимиятлар даражаларида судлар ушбу сиёсатни чеклашга ҳаракат қиладилар ва бунга сабаб қилиб “ушбу сиёсат рақобатни асоссиз чеклайди ва унга зарар етказди” деган фикрни билдирадилар.

Қонунда таъриф берилмаган. Америка юриспруденцияси одатда “товар” деганда фақат аниқ товар назарда тутилади, яъни товар сифатидаги хизмат товар сифатида тан олинмайди.

Агарда хизмат товарни сотишни ўз ичига олса, у ҳолда судлар диққат-эътиборни “битимни устунлик тусига” қаратадилар. Масалан, суғурта полисини сотиш (ёзма ҳужжат) кўпроқ хизмат соҳасига тегишлидир. Суғурта полиси оддий қоғоз эмас, балки уни эгасига маълум бир ҳуқуқларни берувчи ҳужжат. Шу вақтни ўзида, газета сотиш хизмати моҳиятига кўра кўпроқ сезиладиган товар – газетани сотиш бўйича битимни ўз ичига олади.

Маълум даражаларда бир-бирини ўрнини босадиган товарлар одатда ўзаро рақобатлашади ва шу сабабли ягона (маҳсулот/товар) бозорларига киритилади. Товарлар шунингдек агарда битта товарни ишлаб чиқарувчилар бошқа товарни нархи ошганлиги сабабли иккинчи товарни ишлаб чиқаришга осон ўтишлари мумкин бўлса ҳам ягона бозорга киритилиши мумкин.

АҚШ қонунида шунга ўхшаш устун мавқе деган таъриф йўқ. АҚШ юриспруденциясида ишлатиладиган ўхшаш тушунча – монопол (ёки бозор) ҳукмронлик, у қонун матнида йўқ бўлсада, Олий Суд томонидан белгиланган (АҚШ\Дю-Понт, 1956): Монопол ҳукмронлик – бозор нархларини ёки рақобатни назорат қиладиган ҳукмронликдир.

Таъриф берилмаган. Уни ўрнига рақобатни чекловчи ёки монополлашишга қаратилган йўналишлар деганда қуйидагилар кўзда тутилган:

Монопол ҳукмронликни мавжудлиги + рақобатга қарши олдиндан ўйлаш элементи (йиртқич, чиқариб ташловчи, инсофсиз чекловчи, ўз мавқесини суиистеъмол қилиш).

Олдиндан ўйлаш элементи хозирда савол остида. Баъзи судлар монополистнинг хатти-ҳаракати олдиндан ўйлаб қилинганми, йўқми қатъий назар рақобатга етган зарарга эътиборини қаратмоқдалар.

Нарх соҳасида камситиш

Сифати ва сорти ўхшаш бўлган ва рақобатга зарар етказиши мумкин бўлган товарни битта товар сотувчидан ҳарид қиладиган иккита ҳаридор ўртасида кузатиладиган нарх бўйича тафовут.

Монопол қиммат нарх

Қонунчиликда таъриф берилмаган. Баъзан “ҳаддан ташқари қиммат нархлар” тушунчасидан фойдаланилади, лекин унга тушунтириш берилмаган. Умуман олганда, корхоналарни бозор улушини ёки фойдани (қиммат нархлар ҳисобига) ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари Америка судлари томонидан қачонки улар рақобатга зарар етказмаслар қонунга қарши эмас деб топилади. Ҳаддан ташқари қиммат нархлар ўрнатилиши бўйича суд томонидан айбдор қилиш амалиётда деярли учрамайди. Қиммат нархлар (демак фойда ҳам) бозор шароитларида доимий ҳодиса ҳисобланмайди, сабаби ҳаддан ташқари қиммат фойда ўзига кўпсонли рақобатлашувчиларни жалб қилади, натижада улар кейинчалик нархни пасайтириб юборишлари мумкин. Шунинг учун, рақобат ҳавфи мавжуд бўлган тақдирда ҳам, монополист учун ҳаддан зиёд қиммат нархларни белгилаш нотўғри бўлади, юқори даражада фойдани мавжуд бўлиши эса фақат рақобатни кучайтиради (жумладан, потенциал) деган тахмин мавжуд.

Монопол арзон нарх

Монопол арзон нархлар тушунчаси, яъни монополия (ёки устун мавқега эга бўлган корхона – сотиб олувчи) ҳолатида ўрнатиладиган нархлар таърифи берилмаган. Камдан-кам кўриб чиқиладиган “йиртқич нархлар” тушунчаси мавжуд.

Халқаро шартномалар

“Бир нечта штатлар ёки хорижий миллатлар ўртасида савдо-сотик” тушунчасини кенг талқини Конгресс томонидан Хорижий савдо-сотикни трестларга қарши такомиллаштириш тўғрисида Қонун қабул қилингандан сўнг, 1982 йилда кучга кирган тузатишлар орқали бирмунча чекланди. Ушбу тузатиш Шерман қонунини (шунингдек, Федерал Савдо Комиссияси тўғрисидаги қонунни) халқаро иқтисодий муносабатларни бошқа турларини мустасно қилган ҳолда, фақат товарларни экспорт ва импорт бўйича савдо қилишгача қўллашни чеклади. Ушбу тузатишларни қабул қиларкан, Конгресс қонунни экспорт-импорт битимлар диапазонидаги таъсирини аниқ чеклаган ҳолда, ўзини халқаро битимларга нисбатан нейтрал муносабатини кўрсатмоқчи бўлган. Аралаш қўллаш, бунда истисно эмас – қачонки бошқа соҳалардаги ҳаракатлар қонун билан тартибга солинадиган соҳаларда савдо-сотикни (рақобатни) камситишга олиб келса.

Устун мавқеини суиистеъмол қилиш

Устун мавқеини суиистеъмол қилишни тақиқлайдиган нормалар АҚШнинг қонунчилигида йўқ, устун мавқе концепцияси ҳам йўқ. “Устун мавқе”га монопол ҳукмронлик ўхшаш бўлиб, монопол ҳукмронликни суиистеъмол қилишга савдо-сотик/тижоратни монополлашишини мисол қилиш мумкин.

Шерман Қонунининг 2 моддасида шундай дейилган:

Бир нечта штатлар, ёки хорижий миллатлар ўртасида савдо-сотик ва тижоратни ҳар хил қисмини монополлаштиришга ҳаракат қилган ҳар бир шахс ёки бошқа шахс билан ёки шахслар билан келишган шахс қонунбузилиш ҳолатини содир этилишида айбдор ҳисобланади...

Шу билан Америка Қонунини устун мавқеини суиистеъмол қилишни тақиқлайдиган нормаси тугайди. Қонун ушбу норма тушунчаларига ҳам, савдо-сотик ва тижоратни монополлашишга тушадиган қисмига тааллуқли бўлган хатти-ҳаракатларга таъриф бермайди.

Лекин анъанавий тарзда ноқонуний монополлашиш шаклидаги қонунбузилиш қуйидагича аниқланган

- 1) Монопол ҳукмронликни мавжудлиги; плюс
- 2) Рақобатга қарши атайлаб қилинганлик элементи (йиртқичлик, чиқариб ташловчи, инсофсиз чекловчи, суиистеъмол қилувчи хатти-ҳаракатлар).

Атайлаб қилинганлик элементи ҳозирда судлар томонидан шубҳа остига олинган. Баъзи судлар асосий эътиборини монополистни хатти-ҳаракати атайлаб қилинганми ёки йўқми қатъий назар рақобатга етган зарарга қаратишга хайрихоҳлар.

Олий Суд АҚШ Гриннел Корп. (1966 йил) га қарши ишида ушбу нормани бузиш элементларини белгилаб берди.

Шерман Қонунининг 2 моддасига асосан монопол бузилиш иккита элементга эга: 1) релевант бозорда монопол ҳукмронликка эга бўлиш ва

- 2) товарни афзаллиги, ишбилармонлик ёки тарихан юзага келган вазият натижасида ўсиш ва ривожланишдан фарқли равишда ушбу ҳукмронликни атайлаб қўлга киритиш ёки ушлаб туриш.

Шуниси қизиқки, Шерман Қонунининг 2 моддаси истеъмолчиларни манфаатларини ҳимоя қилиш учун эмас балки рақобат/эркин савдо/сотикни ҳимоя қилишга йўналтирилган. Шундай қилиб, истеъмолчилар/харидорлар учун ҳаддан зиёд қиммат

нархларни қўллаш каби истеъмолчиларни ҳуқуқларини камситувчи суиистеъмол қилишлар АҚШнинг монополияга қарши қонунчилиги билан деярли таъқиб қилинмайди. (юқорига қаранг, 32 бет, АҚШ). Мана шу ҳолат АҚШнинг трестларга қарши қонунини континентал Европа мамлакатларининг монополияга қарши қонунларидан принципиал фарқини акс эттиради.

АҚШнинг трестларга қарши қонунини савдо-сотикни монополлаштиришни тақиқлаш (яъни бозор ҳукмронлигини суиистеъмол қилиш) қисмидаги яна битта муҳим жиҳати бу Америка судларини жамоа устунлигини тан олмаслигидир. (бир нечта йирик корхоналар бозор ҳукмронлигига эга). Шу вақтни ўзида коллектив устунлик доктринаси континентал Европа ва ЕҲ мамлакатларини кўпчилигида мавжуд.

Рақобатга қарши битимлар ва келишиб қилинган ҳаракатлар

Шерман Қонунининг 1 моддасида шундай дейилади:

Трест шаклидаги ҳар хил битим (контракт) ёки бирлашиш, ёки бир нечта штатлар, ёки миллатлар ўртасидаги савдо-сотикни ёки тижоратни чеклаш мақсадида бошқа турдаги келишиб олишлар қонуний эмас деб ҳисобланади

Шу билан АҚШнинг рақобатга қарши келишиб қилинадиган ҳаракатларини ман қиладиган қонунчилик нормаси тугайди. Модда эса барча керакли элементларга эга:

1) Ҳар хил шаклдаги ҳаракатлар келишилган ҳисобланади (шартнома, трест кўринишида ёки бошқача бирлашиш, келишиш, жумладан яширинча ва ҳ.к.).

2) Келишилган ҳаракатлар рақобатни чеклайди.

Ушбу модда таъсирига тушган ҳаракатлар рўйхати Шерман Қонуни амалда бўлган вақт давомида ўзгариб келган ва Умумий ҳуқуқ (суд прецеденти) асосида шакллантирилган. АҚШнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳозирги кунда рақобатга қарши келишилган ҳаракатларни горизонтал ва вертикал ҳаракатларга, шунингдек ноқонуний *per se* ҳаракатлар тўғри ёндашиш қонидаси асосида кўрилади. (юқорига қаранг, 6-8 бетлар).

Per se ноқонуний келишилган ҳаракатларга асосан нархларни белгилаш, бозорларни тақсимлаш ва бўлиб олиш, вертикал келишувларда нархларни боғлиқлиги, яъни битта шахс бозорга салбий таъсир кўрсатадиган ҳукмронликка эга бўлишини келтириб чиқарадиган горизонтал картел келишувлар киради. Тўғри ёндашиш қонидасига биноан кўриб чиқиладиган келишилган ҳаракатлар

рўйхати (қачон рақобатга қарши ҳаракатлар самараси ижобий самара эҳтимолига қарама-қарши тортилади) бирмунча кенгдир.

АҚШда иқтисодий фикр назариясини ривожлантириш орқали рақобат ҳуқуқини ривожлантириш

1980 йилда Шерман қонуни қабул қилинишидан олдин, Америка судлари Умумий Ҳуқуқни қўллаганлар. Умумий Ҳуқуқ рақобатга кўрсатадиган самараси ва асосланганлигига қарамасдан, рақобатчилар ўртасидаги барча келишувларни (контрактлар) умуман тақиқлаганлар. Улар, жамият манфаатларига зид бўлган, ва монополлашиш ёки товарларни олиб қўйишда намоён бўладиган трестларни ман қилишга уринганлар.

19 асрнинг иккинчи ярмидаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳволлар, шунингдек Умумий Ҳуқуққа биноан трестларнинг мақоми ва ушбу трестларни нефть, пўлат ва шакар ишлаб чиқариш тармоқларидаги аёвсиз фаолияти кичик ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни йирик тижорат манфаатларига нисбатан норозилигига сабаб бўлган. Ушбу оммавий ғулғула 1888 йилдаги президент сайлови бўсағасида ҳам Республикачи ҳам Демократик партиялар платформаларида трестларга қарши қонунчиликни қўллаб-қувватланишига сабаб бўлди.

1890 йилда АҚШ Конгресси Шерман (қонунни кўриб чиқиш учун киритган конгрессменнинг номидан олинган) Қонунини қабул қилди. Ушбу қонун “бир нечта штатлар, ёки хорижий миллатлар ўртасида ҳар хил келишиш (контрак), трест шаклида бирлашиш ёки ўртасида савдо-сотикни ёки тижоратни чеклаш мақсадида келишиб олишлар”ни тақиқлайди. Шерман қонуни уни бузганлик учун жиноий жавобгарликни ва зарар кўрган шахсларга уч баробар миқдорда компенсация тўлашни тахмин қилган.

Шерман қонунини қабул қилган Америка қонуншунослари истеъмолчиларни манфаатларига қараганда кўпроқ рақобатчиларни манфаатларини кўзлаганлар. Кичик корхоналарга салбий таъсир кўрсатадиган битимларни кенг кўламда қабул қилинишини ман қилиш мақсадида, Конгресс савдо-сотикни тартибга солувчи норма сифатида эмас, балки конституция моддаси сифатида ўқиладиган қонунни қабул қилди. Шерман қонунини кенг талқин қилиш имконияти судларга тобора ўзгариб бораётган сиёсий ва иқтисодий назарияга жавоб сифатида қўллаш ва шу билан Конгрессни дастлабки мақсадига кам эътибор ажратиш имконини яратди.

20 асрнинг дастлабки декадаларида судлар Шерман қонунини майда рақобатчиларни йирик хамкорлар томонидан инсофсиз рақобатлашувидан имплицит ҳимояловчи (яққол эмас) сифатида тушунганлар.

Чуқур Турғунлик (депсинишлар) содир бўлгунга қадар, судлар иқтисодий тафаккурни классик ва неоклассик назарияларига мувофиқ, кўпчилик майда фирмалар ўртасида атомистик рақобатни афзал кўрганлар. Шу вақтни ўзида, “тўғри ёндашиш қоидаси” туғилди, унга мувофиқ фақат савдо-сотикни асоссиз чеклаши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар қораланган.

Худди шундай, атомистик рақобатга нисбатан хайрихоҳлик ва иқтисодий ҳукмронликни холдинг компаниялари қўлида жамланиши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги фикрлар 1914 йилда Клейтон Қонунини қабул қилиниши билан яқунланди. Ушбу қонун монополистик фаолиятни, камситувчи шартлар, эксклюзив дилерлик ва бошқалар хилларини тақиқлайди. (Клейтон Қонунининг 3 моддаси).

Энг сезиларли оқибатлар Клейтон Қонунини 7 моддасини қўллаш натижасида юзага келади. Ушбу модда бир корпорацияни бошқа корпорациянинг акцияларини сотиб олиш ва шу билан сотиб олувчи ва сотувчи томонлар ўртасидаги рақобатни камайтириши нуқтаи назаридан ман қилган. Бундан ташқари, судлар 7 моддани таърифини эндигина пайдо бўлиш босқичида кўшилиб кетишлар рақобатга кўрсатиши мумкин бўлган зарарни, Шерман Қонунига биноан ишларни кўриб чиқишда рақобатга етадиган сезиларли зарарни мавжудлигини исботлаш кераклиги тўғрисида судларни таъкидлашларидан фарқли тарзда бирмунча кенгайтирдилар.

1914 йилда қабул қилинган яна битта трестларга қарши қонун – Федерал Савдо Комиссияси (ФСК) АҚШ Ҳукуматида бўйсунмайдиган, мустақил ваколатли органни тузди. У эркин ва инсофли савдо-сотикни илгари суришга жавоб берган. ФСК тўғрисидаги Қонуннинг 5 моддаси рақобатни инсофсиз усулларини ... қонундан ташқари деб эълон қилган. Ушбу модда таъсирига тушадиган хатти-ҳаракатлар бир неча ўн йилликлар мобайнида кенгайиб борган. Конгресс атайдан ушбу қонундаги тушунчага таъриф келтирмаган, бунинг сабаби ФСК ушбу хатти-ҳаракатларни кўриб чиқишида кенгрок ваколатларга эга бўлиши ва уларга нисбатан тез чора кўриши учун шундай қилинган.

1927 йилда Олий Суд “per se ” доктринасини киритилиши ҳақида эълон қилди. Ушбу қоидага биноан, судлар “per se” қоидасига биноан чора кўриладиган хатти-ҳаракатлар тоифаларини кенгайтириб борганлар, яъни мазкур хатти-ҳаракат рақобатга зарар етказадими ёки етказдими қатъий назар кўриб чиқмасдан ҳукм чиқарганлар. Ушбу тенденция Кейнсиан иқтисодиётини кейинги вақтларда кенг тарқалиши ва иқтисодиётни неоклассик назариясидан воз кечиш билан боғлиқдир. Ушбу даврда судлар “per se” таъсирига тушмайдиган битимлар ва ҳаракатларни рақобатга кўрсатадиган таъсирини иқтисодий таҳлил қилишга унчалик чуқур ёндашмаганлар.

1936 йилда Конгресс Робинсон-Пэтман Қонунини қабул қилди, ушбу қонун маълум шароитларда нарх соҳасида камситишни тақиқлаган. Ушбу қонуннинг таъсири “фақат Америка Қўшма Штатларида сотиладиган, истеъмол қилинадиган ёхуд қайта сотиладиган” товарлар ёки маҳсулотларга тааллуқли бўлган битимларга тегишли бўлган.

1970 йиллар Харта-Скотта-Родинони Трестларга қарши Ўзгартиришлар тўғрисида қонунни қўлланилиши билан тавсифланади. Ушбу қонун агар битим томонлар ҳажми ва битим ҳажми синов шартларини қондирса, у ҳолда ушбу битим тўғрисида олдиндан маълум қилиш тартибини белгилади. Битим тўғрисида маълум ахборотни илова қилган ҳолда тузилган билдиришнома (буюртманома) ФСК ёки Юстиция Департаментини Трестларга қарши Бошқармасига топширилади. Трестларга қарши Ўзгартиришлар тўғрисида қонун шунингдек Клейтон Қонунини 7 моддасига биноан кўриб чиқиладиган қўшилиб кетишлар тўғрисидаги битимлар бўйича даъволар сонини кескин камайтирган. Трестларга қарши Ўзгартиришлар тўғрисидаги қонун кейинчалик кўп сонли мамлакатлар томонидан қабул қилинган қонунларда қўшилиб кетишлар тўғрисида олдиндан хабардор қилиш тўғрисидаги тартибларни киритишига сабаб бўлди.

XX асрнинг 70-йиллари иқтисодий назариянинг Чикаго мактаби кенг тарқалган давр бўлди. Ушбу мактаб намоёндалари трестларга қарши қонунчиликни мақсади истеъмолчиларни манфаатларини кўзлаган ҳолда рақобатчиларни эмас, балки рақобатни ҳимоя қилиш деб ишонганлар. Янги иқтисодий тафаккурни пайдо бўлиши натижасида судлар рақобат билан боғлиқ масалалар ва харажатларни пасайтиришга қаратилган маълум тартиб-қоидаларни қайта кўриб чиқа бошлаганлар. Масалан, судлар “per se” доктринаси таъсирига

тушадиган хатти-ҳаракатлар рўйхатини қисқартира бошладилар ва уларни иқтисодий таҳлил қилишни бошладилар. Лекин нархларни горизонтал чеклаш ёки савдо-сотикдаги инсофсизликлар “per se” ноқонуний тарзда (яширинча) қолган.

Бозорларни иқтисодий таҳлил қилишга бошқа ёндашувлар 1990 йилларда пайдо бўлди. Улар янгича иқтисодий усулларни таклиф қилдилар ва Чикаго мактаби томонидан таклиф қилинган анъанавий усулларни инкор қилди. Қисқаси, янги тафаккур самарадорликни олдинга сурилишига қарши эмас, лекин бозорларни таҳлил қилишда аввал қўлланилмаган эмперик жиҳатларни киритади.

Иқтисодий назарияни бутун дунё миқёсида тарқалиши ва ривожланишига қарамадан, АҚШнинг сиёсий, маданий ва иқтисодий тарихи бутун жаҳон миқёсида энг ривожланган, ноёб ҳисобланган трестларга қарши юриспруденцияни вужудга келтирди.

5.4. Федерал иқтисодиётни бошқарув хусусиятлари

АҚШ иқтисодиётининг ривожланишида мамлакат худудларида иқтисодий ривожланишнинг бир текислигига эришишга қаратилган, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, иқтисодий мувозанатни сақлаш кабиларда федерал бошқарувнинг аҳамияти каттадир. Шу билан бирга маҳаллий ва марказлашган бошқарувнинг мослигини таъминлаш муҳим ўрин эгаллаб келади. АҚШ давлат органларининг эркин иқтисодий фаолиятини мустахкамлаб бориши, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириши, рақобатнинг ҳимояланиши, монополияларнинг чегараланиши кабиларнинг амалга ошириб бориши иқтисодий сиёсатининг тамойилларидандир. Масалан, АҚШнинг номонополистик сиёсати бозор хўжалиги тизимли давлатларга намуна бўлиб ҳисобланади. 1890 йилдаёқ бу ерда Шерманнинг антитрест қонуни қабул қилинган бўлиб, бу антимонополистик сиёсатнинг асосий негизи хизматини бажариб келади ва ҳозиргача бу соҳада асосий қонун ҳисобланади. Бунинг рақобатга қарши қаратилган келишувларини олдини олишдаги аҳамияти ҳозиргача сақланиб келади. Бундан кейин ҳам монополияни чекловчи бир қанча қўшимча қонунлар қабул қилиниб, бу соҳада яхши самаралар келтирмоқда. 1914 – йилда Федерал савдо комиссияси тузилган бўлиб, у эркин тадбиркорлик ва рақобатнинг таъминланиши назоратини амалга оширади. Шу билан бирга бу комиссияга Америка корхоналарини антитрест қонунчилиги

эволюциясига оид ҳуқуқий маълумотлар билан таъминлаб туриш ҳам топширилган.

АҚШ иқтисодиётининг ўсишида иш кучининг ортиб бориши хусусиятининг таъсири кам эмас ва бу соҳада ҳам бошқа ривожланган мамлакатларга нисбатан устунлик қилади. Иш кучининг ўсиши аҳолининг ўсишига нисбатан кўпдир. Бу аҳоли ичида ишга яроқлиларни тезлик билан кўпайиши ва аёлларнинг ишга жалб этилишининг ўсиб бориши натижасидир. АҚШдаги ишсизлик даражасини олсак, энг кейинги аср ичида энг паст ҳисобланади: 1992 – йилдаги 7,5% ўрнига, 1997 – йилда 5% бўлган. Кейинги ўн йилликда давлат бюджетининг ўсиши хусусиятлидир. Бу АҚШ давлатининг иқтисодий ва ижтимоий функцияларининг муракаблашувидан далолатдир. АҚШ иқтисодий сиёсатидаги ижобий томонлардан яна бири ҳарбий харажатларнинг қисқариб боришидир.

АҚШ давлат бюджети харажатларида ҳарбий соҳа 1950 йилда 32,9 фоиз бўлса, 1994 йилда 19,3 фоиз ва 2000 йилда 14,1 фоизгача пасайган. Шу билан бирга ижтимоий эҳтиёжлар учун 1950 йилдаги 12,6 фоиздан 1994 йилда 57,4 фоиз ва 2000 йилда 62,2 фоизгача ўсган. Бу ижтимоий таъминот, пенсионерлар ва ногиронларга ёрдам, тиббиёт, билим олиш, бандликни ўстириш, даромадларни суғурталаш кабиларга қилинадиган харажатларнинг ўсишидан иборатдир.

Молиявий ўзгаришларга федерал солиқларнинг ортиши, федерал харажатларнинг қисқартирилиши, бюджетдаги етишмовчиликнинг юқори даражасининг олдини олиш, айтганимиздек, ижтимоий харажатларни кўпайтириш кабиларни киритиш мумкин.

АҚШ иқтисодиётининг хусусиятларидан яна энг муҳими унинг байналминаллашувидир. Бунда ташқи савдо ва транс миллий корпорациялар (ТМК)ларнинг ўрни каттадир. Маълумки, АҚШ ташқи савдо бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб келади. Экспортда саноат маҳсулотлари асосий ўринни эгаллайди. Уларнинг ҳиссаси 50 фоиздан ортиқдир. Энг ўсиб бораётганлари машина-техник маҳсулотлардир. Кейинги ўринда истеъмол товарлари туради. Саноат маҳсулотларидан кейинги ўринни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эгаллайди – уларнинг ҳиссаси 25 фоизга тенг.

Жаҳон бозорида хизмат кўрсатиш маҳсулотларининг ҳам ўрни катта ва бу соҳада ҳам Америка олдинги ўринда туради. Айтганимиздек, ахборот технологияси бўйича дунёнинг 75 фоиз маълумотлари банки АҚШда жамланган.

Борган сари АҚШ иқтисодиётининг эҳтиёжларида импортнинг ўрни кенгайиб бормоқда. Айтайлик, 90-йилларнинг охирига келиб маиший электроника истеъмоли, пойабзал ва бир қанча бошқа товарлар бўйича ички истеъмолда импорт 80 фоиздан ошиб кетди, металга ишлов бериш станоклари ва нефт бўйича 50 фоиз, қора метал ва тўқима маҳсулотлар бўйича 20 фоизни ташкил этди.

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг кўп шакллари мавжуд бўлиб, улар қаторига ташқи савдо, капитал чиқариш, илмий - техника ҳамкорлиги, компенсация келишувлари, кредит - молия муносабатлари, турли хил хизмат кўрсатиш йўллари, халқаро туризм, объектларни биргаликда қуриш ва бошқалар жаҳоннинг кўпчилиги мамлакатлари учун ташқи савдо ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий шаклидир. Жаҳон хўжалиги доирасида халқаро савдонинг бир неча иқтисодий - географик йўналишлари шаклланган. Масалан, жаҳоннинг энг катта ҳажмли савдоси Ғарбий Европа, АҚШ ва Япония ўртасида олиб борилади ва уларнинг дунё товар айланмасидаги салмоғи 70 % га тенг ва улар асосан тайёр маҳсулотлар савдосидан иборат.

XX – аср охирига келиб капитал импорти ҳам сезиларли равишда ўса бошлади. Чет инвестицияси шунчалик тезлаша бордики, унинг 4/5 қисми ҳаракатдаги Америка корхоналарига сарф этилиб, фақат 1/5 қисми янги объектларга сарф этилган. Ҳозирги вақтда капитал экспортига нисбатан импорт ортиқчадир. Булар ривожланган мамлакатлар, айниқса Ғарбий Европа, Япония ва Канада капиталларидир. Бунинг асосий сабаби Америка иқтисодиётининг тўхтовсиз ўсиши капитал қуйишнинг фойдалилик даражаси, долларнинг доимий қатъийлиги кабилардан иборатдир.

ТМКлар халқаро аҳамиятга эга бўлиб, бир неча мамлакатларда фаолият кўрсатадилар ва иқтисодий байналминаллашув, миллий иқтисодиётларни жаҳон иқтисодиётига қўшилишида ҳиссаси каттадир. ТМК ҳажмида ҳам АҚШ энг олдиндадир ва уларнинг катта қисми шу мамлакатларга тааллуқлидир. Америка ТМКларининг чет мамлакатлардаги корхоналарида 10 млн.дан ортиқ ишловчилар банддир. Улар асосан миллий бозорларни таъминлайди. Кейинги вақтларда Америка ички бозорларида ҳам уларнинг товарлари кўпаймоқда.

Америка ТМКлари асосан Ғарбий Европа ривожланган мамлакатлари, Канадада тўғридан-тўғри чет инвестицияларини амалга оширадилар. Кейинги йилларда буларнинг ривожланаётган мамлакатлардаги инвестицияси ортиб бормоқда: 1987-йилда 6,8 млрд.

доллар, 1990-йилда 7,6 млрд, ва 1996-йили 29,1 млрд. долларга етди. Асосан бу Лотин Америкаси мамлакатларидан иборат.

Доллар позицияларининг кучлилиги, унинг доимо бақувватлиги, валюталар алмашувлик хусусияти, деярли жаҳон пулига айланганлиги ва жаҳон валюта молиявий тизимда энг муҳим резерв ва ҳисоблашув воситаси Америка иқтисодиётига кўшимча куч бағишлайди ва унинг жаҳон миқёсидаги таъсирини оширади.

Америка мустаҳкам кенг ички бозорга эга. Бу аввало йирик мустаҳкам бақувват иқтисодиёт натижаси бўлса, асосан аҳоли даромадининг юқорилиги ва турмуш даражасининг харидорликни ривожлантирувчи таъсирининг ифодасидир. Бундай харидорлик хусусияти истеъмол буюмлари ва хизматларга бўлган талабнинг тўхтовсиз ўсиб боришини таъминлайди.

Бундай ички қудратли ишлаб чиқаришга эга бўлишга қарамасдан импортга эҳтиёжни ошириб боради. Америка федерал иқтисодиётидаги бошқарув хусусиятларидан яна бири кейинги йилларда, айниқса 80-90 йиллардан кейин, ҳалқаро савдонинг эркинлашуви натижасида Америка бозорларига бошқа мамлакатлардан товар ва хизматлар оқимини тезлаштирди. Айниқса, бунда Хитой, Тайван, Гонконг каби мамлакатлардан тайёрланиши мураккаб бўлмаган саноат товарлари оқимининг тезлашуви юз бермоқда. Маълумки, бу мамлакатларда асосан иш кучининг арзонлиги товарлар нархининг паст бўлиши ҳисобига рақобатбардошликни таъминлайди. Бу Американинг моддий сиғими ва меҳнат сиғими тармоқларда жихозларни такомиллаштириш, технологик жараёнларни компьютерлаштириш, шу билан бирга ресурсларни иқтисодловчи илм сиғимли ишлаб чиқаришга мутахассислашув жараёнининг тезлашувига олиб келади. Бу билан миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражасини кўтаришга эришув амалга оширади.

Доллар курсининг кўтарилиши экспортни қисқартириш ва импортни кучайтириш шароитларини туғдиради. Бу яна давлат бюджетининг тақчиллигини пасайтириш имконини ҳам туғдиради.

АҚШ фирмаларининг товарлар, хизматлар савдосининг ривожланиши ҳозирги замон илмий-техник инқилоби ҳосиласи ва Америка иқтисодиётининг компьютерлашувига асосланиши керак. Рақобатбардошлик кенгаши АҚШнинг жаҳон бозорларида эгаллайдиган етакчи жойи композицион материаллар ва уларга ишлов бериш, формацевтика препаратлари, атрофни муҳофаза қилиш

жиҳозлари, чиқиндиларни қайта ишлаш, ЭҲМлар ёрдамидаги конструктив ишловлар, ахборот технологияси, двигател қурилмалари, ракеталар ҳисобига бўлади, деб таъкидлайди.

Шу билан бирга Халқаро савдо ташкилотининг (ХСТ) тарифларни бекор қилиш ва пасайтириш натижасида кўпчилик АҚШнинг Европадаги корхоналари Осиёга кўчиши керак. Чунки бу ерда иш кучи арзон ва маҳсулотлар жойида сотилиши мумкин.

АҚШ ўзининг қудратли иқтисодиёти салоҳиятидан фойдаланган ҳолда ўзининг манфаатига хос давлатларни рағбатлантириш ва молиявий қўллашда бевоситалик билан жаҳон банки, Халқаро молия фонди ва қатор халқаро ташкилотлар таъсирли ўрин эгаллагани учун буларнинг имкониятларини ҳам ишга солиб, воситачилик усулидан ҳам кенг фойдаланади. Шу билан бирга Шимолий Америкада эркин савдо бўйича келишув ҳам келажакда АҚШ иқтисодиётига катта наф келтириши кутилмоқда.

5.5. Демократик халқчанлик иқтисодиётининг хусусиятлари

АҚШ иқтисодиётининг демократик – халқлилик хусусиятлари мавжуд дейлади. Бу фақат мақташ, ижобийликни кўрсатиш учунгина эмас, балки ҳақиқатлиги мавжудлиги билан боғлангандир. Америка иқтисодиётидаги халқлилик икки томон билан белгиланади: иқтисодиётда, унинг даромад тақсимотидаги халқ қатнашуви даражаси ва бизнесдаги оммавийлик.

Ғарб иқтисодчилари икки қарама-қарши халқаро иқтисодий-сиёсий тизим мавжудлигида Американи “халқ капитализми” деб аташар эди. Бунинг сабаби акционер капиталининг ривожланиши ва компанияларнинг асосан акционерлик асосида бўлишидир. Ҳақиқатдан АҚШ капитали асосан шу шаклдаги ташкилийликда бўлиб, бунга миллионлаб иштирокчилар жалб этилган.

Акционерлик жамияти акция чиқариш ҳисобига тузилган корхона, бирлашма, корпорациялардан иборат. Акциялар эркин ҳолда ҳаракатда бўлиб, уни хатто сотиш, тақдим этиш кабилардир. Ҳар бир савдога чиқарилган акциялар истаган шахс томонидан харид қилиб олинади. Акцияга эга бўлиш эса шу компаниянинг мулкига шериклик ҳуқуқини беради. Бундаги энг муҳим нарса акцияларнинг мулк сифатида ҳаракатда бўлиши билан бирга у дивиденд сифатида даромад келтиради. Дивиденд даражаси акция чиқарган корхона фаолиятига боғлиқ бўлиб, асосан бу олинанинг фойданинг

тақсимланишидан келади. Демак, акцияга эга бўлишликнинг асосий мақсади ҳам шу, яъни йиллик хўжалик фаолиятидан келадиган корхона-фирманинг фойдасига шерик бўлишдир.

Акцияга эгалик билан акционер бўлишлик шу корхона, компаниянинг аъзоси бўлиш ҳуқуқини беради. Бундаги энг муҳим нарса акцияларнинг мулк сифатида ҳаракатда бўлиши билан бирга у дивидент сифатида даромад келтиришидир. Дивидент даражаси акция чиқарган корхона фаолиятига боғлиқ бўлиб, асосан бу олинадиган фойданинг тақсимланишидан келади. Демак, акцияга эга бўлишликнинг асосий мақсади ҳам шу, яъни йиллик хўжалик фаолиятидан келадиган корхона-фирманинг фойдасига шерик бўлишдир.

Акцияга эга бўлиш эркин бўлиб, бунинг эгалари, айтганимиздек, Америкада миллионлабдир. Бу тарздаги капитал ҳаракатига хос яна бир нарса шуки, акция эгалари акция чиқарувчи корхона, фирманинг фаолиятига қатнашув ҳуқуқига эга. Бунда бошқарувда иштирок этиш, ҳисоблардан хабардор бўлиб фикр билдириш ҳуқуқлари берилади. Бунга боғлиқ чора-тадбирларда корхона эгалари қатори фаол қатнашув ҳуқуқи берилади. Лекин амалда бундай бўлавермайди. Чунки бу мавжуд шароитларга боғлиқ. Оммавий акция эгалари ҳақиқий капитал эгалари, фирма ташкилотчиларидек корхонани бошқаришда фаол қатнашиш шароитига эга бўлмайдилар. Биринчидан, бу эгалик қилинадиган акция миқдорига боғлиқ, яъни овоз бериш, ўз фикр, маслаҳатларини рўёбга чиқариш, корхона фаолиятига таъсир кўрстайиш учун кўп миқдордаги акцияга эга бўлиш керак. Шунда кўп овоз олиш ва ўз фикрини ўтказиш мумкин. Иккинчидан, кўпчилик эгалари ўз ишлари билан банд бўлиб, мажлисларга қатнашиш, фирмани бошқариш кабиларда иштирок этиш учун вақтлари ҳам бўлмайди. Худудий сабаб ҳам мавжуд бўлиб, бунда бошқа шаҳарларда истиқомат қилувчилар корхона жойлашган шаҳарга қатнаш имкониятига ҳам эга бўлмайдилар.

Лекин акциядор корхона мулкига эгалик қилиш ва дивидент олиш ҳуқуқига доимо эга бўлади ҳамда ўзини шу акция чиқарган фирманинг мулкдорларидан ҳисоблайди. Башарти лозим топса акцияларни сотиб, ўзига маъқул бошқа фирма акциясини сотиш олиши мумкин. Амалда доимо шундай ҳам бўлади. Бу фонд биржаларида тўхтовсиз юз берадиган ходисадир. Қандай бўлмасин мулкчиликни амалга оширишда, хўжалик фаолияти натижаларини

баҳоли кўришда демократик мазмун юзага келади. Чунки акция эгалари корхона эгаларидан ҳисобланади, дивидентсиз эса акционерларнинг биргаликда бошқарув ва даромадларни биргаликда тақсимлаш туфайли юзага келиши имкони туғилади. Чунки юқори бошқарув органи акционерлар иродаси ва манфаатига итоат этади. Акционерлик жамияти органлари орқали мулкдорликка хос маҳсулот ишлаб чиқариш, даромадни тақсимлаш жараёнларида иштирок этиши кабиларни акционерлашган сармоялар ҳисобига амалга оширилишига таъсир этиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари иқтисодиётдаги халқчилик оммавий майда бизнесда ўз ифодасини топади. Эркин бозор иқтисодиётида тадбиркорликка катта йўл очик. Шунинг учун ҳар бир фуқаро бу иш билан шуғулланиши мумкин. Амалда ҳам шундай бўлади. Жуда кўпчилик имкони борича, кўлдан келгунча бизнес билан шуғулланишга ҳаракат қилади. Айниқса майда бизнес ҳозирги даврда жуда кенг тарқалган ҳолат ҳисобланади.

5.5.1.-жадвал

Америка иқтисодиётида турли агентлар ҳиссасининг ўзгариши, (умумийга % ҳисобида, йиллар бўйича)

Монополия ва корхоналар	1939 йил	1958 йил	1985 йил	1990 йил	1998 йил
Соф монополистлар	6,2	3,1	2,5	2,3	1,9
Асосий фирмалар	5,0	5,1	2,8	2,2	1,8
Олигополлар	36,4	35,6	18,0	14,5	2,8
Кичик фирмалар	52,4	56,3	76,7	81,0	93,5
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Жадвалда келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, кичик фирмалар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда ва миқдор жихатдан жуда кўпчиликни ташкил этади. Ҳақиқатдан ҳам кичик бизнес билан жуда катта кўпчилик шуғулланади.

Умуман олганда йирик ва ўрта бизнес учун майда бизнес асос бўлиб ҳисобланади. Улар ўзаро кооперация шаклида фаолият кўрсатади ва майдалар йирикларни тўлдириб келади.

Америка статистикаси бўйича майда фирмаларга 50 кишигача банд корхоналар киради. Ривожланаётган мамлакатларда бу рақам 1-10 кишини ташкил этади. Бу фирмалар шунчалик асослики, у кўп поғонали бозор иқтисодиётида фундаментал қуйи қават ҳисобланади.

Маида бизнес индивидуал, оилавий ва кичик гурухий шалклариди бўлади. Бу хунармандчилик, косибчилик, савдода, хизмат кўрсатиш соҳалариди жуда авж олган. Энг муҳими, бу аввало даромад манбаи, тирикчилик асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам оммавий тус олади. Шу билан бирга истемол буюмлари ишлаб чиқариш ва уларни сотишда катта ўрин эгаллайди. Кўп холларда бу кўпинча даромад ва фаолият қисми бўлиб, пул жамғармасига эга бўлган ёлланма ишловчилар ҳам бундай бизнес билан шуғулланадилар.

Маида бизнес ўз оммавийлиги билан ЯММ ва халқ таъминотида асосий ўринни эгаллаб, Америка иқтисодиётида жуда аҳамиятлидир.

Хулоса қилиб айтганда, АҚШ давлатининг юзага келиши, ривожланиши эркинлик руҳиятида давом этиб, бу ўзига хосликни шакллантирган. Мавжуд табиий ва ижтимоий шароит ишбиларомлик, ташаббускорлик, ижтимоий фаоллик руҳида бўлишга мойилик туғдириб, ҳар қандай қийинчилик, меҳнатсеварликка даъват қилган. Бу сиёсий эркинлик, демократик тизим шароитида жамиятнинг шаклланиши, иқтисодий ривожланишининг тезлашуви ва соғлом равишда давом этишига катта таъсир кўрсатиб келади. Сиёсий, иқтисодий эркинлик ҳақиқий кучли давлат ва жамиятни яратишга олиб келган. Албатта бунда аввало кучли, тараққий этган бозор муносабатлари асосидаги иқтисодиётнинг хал қилувчи аҳамияти каттадир. Айтиш мумкинки, АҚШни шу даражага етказган аввало унинг қудратли бозор иқтисодиётидир.

Иқтисодиётни соғломлаштириш, рақобатдошликни таъминлаш, иш ўринларининг қимматлашиб бориши кабилар ва шунингдек айниқса хомашёларга жаҳон нарх-наволарининг кўтарилиб бориши янги ресурсларни сақловчи технологияни қўллаш, меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминловчи техника ва иш усулларини қўллаган холда ишлаб чиқаришни янгилаб бориш илғор иқтисодиётни юзага келтиришда асос бўлиб хизмат қилган. Бу эса илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш ва янги серунум техника ва технологияларга талабни кучайтириб борди.

АҚШ ўзининг қудратли иқтисодиёти салоҳиятидан фойдаланган холда ўзининг манфаатига хос давлатларни рағбатлантириш ва молиявий қўллашда бевоситалик билан жаҳон банки, Ҳалқаро молия фонди ва қатор ҳалқаро ташкилотлар таъсирли

ўрин эгаллагани учун буларнинг имкониятларини ҳам ишга солиб, воситачилик усулидан ҳам кенг фойдаланади. Шу билан бирга Шимолий Америкада эркин савдо бўйича келишув ҳам келажакда АҚШ иқтисодиётига катта наф келтириши кутилмоқда.

Америка статистикаси бўйича майда фирмаларга 50 кишигача банд корхоналар киради. Ривожланаётган мамлакатларда бу рақам 1-10 кишини ташкил этади. Бу фирмалар шунчалик асослики, у кўп поғонали бозор иқтисодиётида фундаментал қуйи қават ҳисобланади.

Майда бизнес индивидуал, оилавий ва кичик гуруҳий шалқларида бўлади. Бу хунармандчилик, косибчилик, савдода, хизмат кўрсатиш соҳаларида жуда авж олган. Энг муҳими, бу аввало даромад манбаи, тирикчилик асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам оммавий тус олади. Шу билан бирга истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ва уларни сотишда катта ўрин эгаллайди. Кўп ҳолларда бу кўпинча даромад ва фаолият қисми бўлиб, пул жамғармасига эга бўлган ёлланма ишловчилар ҳам бундай бизнес билан шуғулланадилар.

Такрорлаш учун саволлар

1. АҚШнинг иқтисодий салоҳияти нималарда ифодаланади?
2. АҚШ бозор иқтисодиётининг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
3. АҚШ иқтисодиётида хизмат соҳасининг устунлигини қандай тушунтириш мумкин?
4. АҚШ бозор иқтисодиёти ривожланишида федерал бошқарув нималарда ўз ифодасини топади?
5. АҚШ иқтисодиётининг байналминаллиги нималарда акс эттирилади?
6. Долларнинг АҚШ иқтисодиётидаги ички ва ташқи омиллари таъсирини ифодалаб беринг.
7. АҚШ бозор иқтисодиёти халқчилиги нималарда ўз ифодасини топади?
8. АҚШ иқтисодиёти тармоқларида меҳнат унумдорлигини оширишда хал қилувчи ўрин нималарда акс этади?
9. АҚШ жаҳон ялпи ички маҳсулотини қанча қисмини етиштиради?
10. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози АҚШ да намоён бўлишига сабаб нимада деб ўйлайсиз?

6 - БОБ. ГЕРМАНИЯДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТАЖРИБСИ

6.1. Германия иқтисодиёти салоҳияти

Иқтисодий тараққиёт бўйича Германия энг етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. Саноат, ишлаб чиқариш миқёси бўйича дунёда АҚШ, Япония ва Хитойдан кейинги ўринни эгаллайди. ЯИМ бўйича жаҳоннинг 4,6 фоизини ташкил этади. Жон бошига ЯИМнинг тўғри келишида ҳам илғорлардан бўлиб, биринчи ўнликдан ўрин эгаллайди.

Германия энг ривожланган мамлакатлар каби кўп укладли иқтисодиётга эга ва кичик бизнеснинг ўрни катта ҳамда, саноат маҳсулотларида ½ қисм, экспортда 40 фоиз, инвестицияда 44 фоиз шу соҳага тўғри келади.

Ғарбий Европага нисбатан олинса, барча томондан деярли биринчи ўринда туради. Аҳоли 81 млн. киши. Германия жаҳон хўжалиги билан жипс боғланган ва ташқи савдо бўйича энг йирик мамлакатлардан бўлиб, АҚШдан кейинги ўринда туради. Шу билан бирга капитал экспорти ва импорти бўйича ҳам энг етакчилардан ҳисобланади.

Германия Европа ҳамкорлиги ташаббускорларидандир. Ҳозирги вақтда Европада ҳалқаро иқтисодий интеграциясини кенгайтириш ва чуқурлаштириш тарафдорларидан ҳисобланади. Миллий иқтисодиётнинг сифатлилиги билан ҳам ажралиб туради ва меҳнат унумдорлиги даражаси, капиталлашув ва ишлаб чиқаришнинг илм сиғимлилиги кабилар бўйича дунёда энг илғор мамлакатлардандир.

Германия фойдали қазилмаларга бой эмас. Шунингдек қишлоқ хўжалиги учун ҳам ортиқча яхши шароитларга эга эмас. Шунга қарамай илмий-техник ривожланиш, “инсон капитали”нинг юқори сифатлилиги, жаҳон хўжалик алоқаларида фаол қатнашуви, ички ақлли иқтисодий сиёсатнинг қўллаб боришлиги натижасида улкан иқтисодий салоҳиятни ярата олган.

Аҳоли миқдори тўхтовсиз ўзгариб туради. Айтайлик, биринчи ва иккинчи жаҳон урушларида аҳоли анча қисқарган. Шу билан Иккинчи жаҳон урушидан кейин Шарқий худудлардаги аҳоли бошқа

Германия

Ташқи қарз (ялпи ички маҳсулотга нисбатан, %): 176,8%

Ялпи ташқи қарз миқдори: 4,97 трлн. \$

Ялпи ички маҳсулот (2009): 2,81 трлн. \$

Киши бошига тўғри келувчи ташқи қарз миқдори: 60 357 \$

немис давлатида бўлган. Ҳозирги вақтда яна кўшилиб, аҳолиси сони анча кўпайди. Бундан ташқари икки уруш ўртасида четдаги немислар иммиграцияси натижасида аҳоли кўшилган. Лекин кескин ривожланиш давларида иш кучига талаб ошиб, чет ишчилар ҳисобига ҳам аҳоли ошиб бормоқда. Юқори маош, турмуш даражаси четдан келувчиларни ўзига жалб этади. Бу кўшни Италия, Югославия, Греция, Туркиядан келганлар ҳисобига юз беради. собиқ СССР, Польша, Руминия кабилардан немисларнинг қайтиши ҳам катта ўрин эгаллаган. Шундай қилиб, аҳоли 90 – йилларнинг охирига келиб 6,5 млн.га кўпайди.

Узоқ вақт ичида ишсизлик муаммога айланмаган ва бандлик юқори даражада сақланмоқда. Лекин 90 – йиллар охирига келиб ишсизлик орта бошлади ва Ғарбда 11 фоиз, Шарқда 17,7 фоизга етди. Бу циклик ва тузумий ўзгариш натижасидир. Бунда тармоқлар ўзгариши, Шарқ ва Ғарб бирлашувининг ҳиссаси каттадир.

Иш ўрин баҳоси юқори ва ишчи сифати ҳам энг юқорилардан ҳисобланади. Бу билим даражаси, ижтимоий тизим, соғломлиги, янгиликни тез ўзлаштириш қобилияти кабилар билан белгиланади. Германияда юқори малакали ишчилар 50 фоизни ташкил этади. Бунда билим, тиббиёт, касаба билимли катта ўрин эгаллайди.

Кўпчилик табиий бойликлар, энергия хомашёлари асосан четдан келтирилади. Худудлари асосан тўла ўзлаштирилган ва шаҳар аҳолиси 90 фоизни ташкил этади.

Миллий иқтисодий модел “ижтимоий бозор хўжалиги” деб аталади. Бу мавжуд собиқ тоталитар иқтисодга қарши қаратилган. Бунинг асосчиси Л. Эрхард ҳисобланади. Бундаги энг муҳим томонлар қуйидагилардан иборат:

-бозор иқтисодиёти асоси бўлган хусусий мулк, эркин рақобат, эркин баҳо шаклланиши ишлаб чиқариш ресурсларидан оптимал фойдаланиш имконини туғдириб, аҳоли талабини тўла қондириш шароитини яратади;

-давлатнинг фаол роли ва фуқаронинг эркин иқтисодий фаолиятини таъминлаб, пул муомаласини ташкил этиш, иқтисодий инқирозларни олдини олиш, ижтимоий одилликни таъминлаш, иқтисодий монополияга йўл қўймаслик ва рақобат учун тенг шароитлар яратишни амалга оширади.

“Ижтимоий бозор хўжалиги” сиёсати 50 йил ичида 4 марта тушкунликка учради. Булар тузумий ўзгаришлар, молиявий такомиллашув, ижтимоий ўзгаришлар туфайли олди олиниб,

ривожланишга йўл очилган. Охиргиси консолидация билан боғланиб, бу ҳам туб ўзгаришларни талаб этган.

ГФР иқтисодий сиёсатининг устувор мақсади фаровон жамият шаклланишидир. Ўтган аср 50 – йилларидаёқ юқори турмуш даражаси кўлга киритилган эди. 80 – йиллардан бошлаб интенсив иқтисодий ўсишга ўтилган. Ҳозирги вақтга келиб, ҳақиқий постиндустриал жамият шаклланган ва ахборот жамиятининг асоси юзага келган. Шу билан бирга мамлакат бир қанча хусусиятларга эга.

6.1.1.-жадвал

Малакатларнинг ЯИМ яратиш бўйича рейтинг таблиссаси
(2009 йил)

Ўрни	Иқтисодиёти	Хажми (млн.)
	Барча мамлакатлар	60,587,016
1	АҚШ	14,204,322
2	Япония	4,909,272
3	Хитой	4,326,187
4	Германия	3,652,824
5	Франция	2,853,062

Германия кейинроқ индустрия йўлига ўтган бўлса ҳам жуда тез биринчилар қаторига етди. Ҳозир у ўрта индустриалаштирилган мамлакат ҳисобланади. Миллий хўжаликда бошқа мамлакатларга нисбатан саноат ҳиссаси катта – у ЯИМда 39 фоизга тенг. У жуда тез тузумий ўзгаришларни амалга оширади. Саноатда етакчи соҳалар асосни ташкил этади. Илм сифимли тармоқлар, анъанавий тармоқларни янги технология асосида қайта янгилаш, техник ривожлантиришда рақобатдан кенг фойдаланиш Германия саноати учун хос хусусиятдир.

Ҳозирги вақтда инвестиция йўналиши асосан технологик янгилашни ва жихозларни янгилашга қаратилиб, деярли 80 фоизни ташкил этади ва 20 фоизгинаси ишлаб чиқариш қувватини оширишга ишлатилади.

Ўткир рақобат шароитида Германия олдида ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш муаммоси турибди. Германия рақобатбардошлигининг муҳим томонларидан бири – маҳсулотнинг янгилашни туришидир. Бу соҳада ҳам Германия илғор ўринларни эгаллайди. Умуман олганда Германия саноати: ишлаб чиқаришнинг юқори сифатли даражадалиги ва кенг ассортиментли буюмлар ишлаб

чиқариши; халқаро стандартлардан фойдаланиш ва айна вақтда индивидуал, уникал буюртмаларни бажариши; маҳсулот етказиб беришни ўз вақтида бажариш; маҳсулотлар сотишнинг кенг тармоғига эгаллиги ва савдодан кейин хизмат кўрсатиш, умуман юқори даражали рақобат талабларига мос келиш хусусиятларига тўла эга.

Германия қишлоқ хўжалиги ҳам илғорлиги билан тавсифланади. Бунда индустриал усулларни кенг қўллаш, қишлоқ хўжалик амалиётида илмий-техник ривожнинг қўлланилиши юқори даражадалиги, интенсификация юқорилашуви, агросаноат комплексининг шаклланиши катта ўрин эгаллайди. Бунда ҳам ЯИМда қишлоқ маҳсулоти кўп эмас, фақат 1,5 фоизга тенг. Лекин халқ истеъмолчини тўла таъминлайди. Аммо чорвачилик устунлик қилади.

Қишлоқ хўжалиги техник таъминланганлиги билан фарқланади. Шу билан бирга замонавий, юқори унумли техника ортиб бормоқда. Кимёвий усуллар, минерал ўғитлар ишлата олиш кенгаймоқда. Қишлоқ хўжалигида йириклашув тезлашмоқда. Шунинг учун ҳам хўжаликлар сон жихатидан камаймоқда.

Германия ўрта индустриал давлат бўлишига қарамай, кейинги йилларда хизмат кўрсатиш кенгайиб, унинг ЯИМдаги ҳиссаси ортиб бормоқда ва бу соҳадаги бандлик ҳам кўпаймоқда. ЯИМда хизмат кўрсатиш 37 фоизга етган. Бунга техник тараққиёт тезлашуви ва хизмат кўрсатишга талабнинг ортиши сабаб бўлса, шу билан бирга давлатнинг ижтимоий сиёсатини ҳам таъсири катта. Ҳозир бандликнинг 53 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келади.

Германия бозор иқтисодиётида кичик бизнеснинг ўрни катта. Майда бизнес 10 кишигача бандлик билан белгиланса, ўрта бизнес 500 кишигача белгиланади. Ҳозир Германияда фирмалар умумий сонининг 99,8 фоизи шу майда бизнесга тўғри келади. ЯИМда эса буларнинг ҳиссаси 46 фоизга тўғри келади. Саноатда эса маҳсулотнинг $\frac{1}{2}$ қисми, ялпи инвестициянинг 44 фоиз ва товар экспортининг 40 фоизи шу кичик бизнесникидир.

Кичик бизнес давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Бу йирикларнинг рақобат таъсири, хўжалик қийинчиликларини енгиш, кредит қўллаш, солиқдаги рағбатлантириш, давлат буюртмаларини жойлаштириш, ахборот хизматларини ташкил этиш, маркетинг хизмати кўрсатиш, кадрлар билан таъминлаш кабиларда ўз ифодасини топади. Бу инновация соҳасида ҳам қўлланилади.

Давлат қўллаши кичик ва катта, йирик ишлаб чиқаришлар ўртасидаги мутаносибликда ҳам катта аҳамиятга эга.

Молия бозорининг ишлаб чиқариш устидан назорати мавжудлиги Германияга хос хусусиятлардан ҳисобланади. Бу банкларнинг акцияга эгаликлари орқали амалга оширилади ва муҳим молиявий ечим ва инновация қарорларига тааллуқлидир. Банк назорати механизми фирмалар ички маълумоти, ишлаб чиқариш, молиявий, инновацион фаолиятларига тўғридан-тўғри қатнашувга асосланган.

Мамлакат ичида чет тадбиркорлик капиталининг ҳиссаси катта. Айниқса АҚШ ТМК (транс миллий корпорациялар)ининг таъсири сезиларли. Ҳозир қўшни мамлакатлар ва Япония капитали қатнашуви ҳам салмоғли бўлиб бормоқда.

Германия иқтисодиётида саноат, банк ва бошқа компаниялар бирлашувидан иборат молия капиталининг ўрни катта. Бунда бизнес стратегиясини аниқлаш муҳимдир. Тадбиркор Иттифоқи мавжуд бўлиб, уларнинг бошида йирик концерн ва банклар туради. Немис иш берувчилар Федерал бирлашмаси ташкил этилган, бу хусусий иш берувчилар – тадбиркорларнинг бош ташкилоти бўлиб, муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни хал қилиш асосий вазифа ҳисобланади. Бунинг миқёси тармоқ, федерал ерлар чегарасидан чиқиб кетади ва мамлакатга тааллуқли тадбиркорлар манфаатини кўзлаб, ҳукумат, парламент, сиёсий партия, жамоатчилик олдида ҳимоялайди.

Германия иқтисодиётида банк тизимининг ўрни катта. Иқтисодий самарадорлик пул мустаҳкамлиги ва валюта тизимига асослангандир. Мамлакат ижтимоий тузумида кредит муассасалари жуда мустаҳкам ўринни эгаллайди. Ҳаммаси бўлиб 49 мингга яқин банк бўлимлари мавжуд бўлиб, бунинг ичида 4 минги мустақил иш юритади. Банк хизматчилари барча бандликнинг 3 фоизини ташкил этади. Банк тизими икки поғонали бўлиб, бир томонда Марказий Банк ва иккинчи томонда, хусусий банклардир. Буларнинг вазифалари қатъий чегараланган. Марказий Банк худудий бўлимларга эга ва булар 200 дан ортиқдир. Марказий Банк (Бундесбанк) Федерал ҳукуматга қарайди ва фаолиятида ҳукумат қатнашади. Банк директорлар Кенгаши аъзолари ҳукумат тавсияси бўйича Президент томонидан тасдиқланади.

Бундесбанкнинг энг муҳим вазифаларидан бири пул сиёсатини амалга оширишдир, аввало унинг қадрини сақлаш, қийматини

таъминлашдир. Бу ҳақиқатдан ҳам банклар банки, давлат банкидир. Бунда пул массасини тартиблаштириш ва бунинг иқтисодий салоҳиятдан келиб чиқишини таъминлашдир. Ҳалқаро таққослашда немис маркаси энг мустаҳкам валюталардан бўлиб, жаҳонда ўз моҳияти билан 2 – пул резерви ҳисобланади.

Банк тизимининг иккинчи даражадагилари тижорат банкларидир. Булар асосан универсал кредит муассасаларидир. Банклар марказлашуви давом этиб, йирик банклар кўлида капитал кўпайиб бормоқда.

Германия ҳукуматининг иқтисодий сиёсатида ташқи алоқага алоҳида эътибор қаратилади. Асосий ташқи иқтисодий алоқада ЕИ, АҚШ ва Япониянинг ўрни катта. Шу билан бирга бошқа худуд ва мамлакатлар билан алоқа олиб боришга ҳаракат қилинади. Албатта асосий диққат ЕИ мамлакатларига қаратилади. Ташқи савдо Германия иқтисодиётининг стимулятори ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ЯИМда катта ўрин эгаллайди ва 90 – йилларга келиб, 33 фоизга яқин бўлади. Лекин консолидация натижасида бу кўрсаткич бироз пасайди.

Германия ташқи савдода доимо ижобий балансга эга бўлиб келади. Экспортда саноат маҳсулотлари асос бўлиб, машина ва жиҳозлар кўпчиликини ташкил этади, яъни $\frac{1}{2}$ қисмдан иборат, саноат хомашёси, яримфабрикатлар $\frac{1}{4}$ ни ташкил этади. Истеъмол буюмлари эса $\frac{1}{10}$ атрофидадир. Кимё маҳсулотлари ва автомобил бўйича дунёда лидерлик қилади. Қишлоқ хўжалик товарлари экспорти бўйича АҚШ, Франция ва Нидерландиядан кейин 4-ўринда туради.

Германия экспортини ривожланган молиялаштириш ва ташқи иқтисодий фаолиятни суғурталаш тизими рағбатлантиради. Импортда эса асосий қисм тайёр саноат маҳсулотлари ва яримфабрикатга тўғри келади. Бунда асосий ўринни ЕИ эгаллайди – 55 фоиз.

Капитал экспортида ҳам Германия энг етакчилардан ҳисобланади ва дунёда учинчи ўринда туради. 90 – йилларда чет немис инвестицияси 1564 млрд. маркани ташкил этган. Капитал импорти хажми катта эмас. Бу солиқнинг юқорилиги, меҳнат ҳақи юқорилиги кабилар билан боғланган.

Германиянинг инвестиция шериклари АҚШ ва Европа мамлакатларидир. Лекин бошқа мамлакатлар, айниқса Жанубий-Осиёдагиларнинг ҳиссаси ҳам ортиб бормоқда.

6.2. Ижтимоий бозор хўжалиги модели

Германияда ижтимоий бозор хўжалиги шаклланган бўлиб, Иккинчи Жаҳон урушидан кейин қисқа вақт ичида хонавайрон бўлган иқтисодиётни тиклаб, тезда ривожланишни таъминлаш билан бирга янги миллий бозор иқтисодиёти моделини юзага келтиришга муваффақ бўлинган эди.

Ижтимоий бозор хўжалиги модели марказлаштирилган маъмурий миллий социалистик усулига қарши, шунингдек социализм иқтисодий моделига қарма-қарши холда юзага келади. Маълумки, бу усулларда хўжаликнинг бошқарилишини тўла марказлаштирган холда маъмурий йўллар билан хўжалик юритиш, деярли барча ҳолатларни олдиндан белгилашга асосланган эди. Албатта бунда ташаббускорлик, шахсий манфаат устуворлиги инкор этилар ва хўжалик юритиш шароитлари тўла эътиборга олинмас ва иқтисодий эркин фаолият амалий чегараланган эди.

Бу бозор иқтисодиёти механизмларининг ҳаракатини тўхтатар, эркин фаолиятга йўл бермаган холда тараққиётга катта зарар келтирилар ва асосий диққат ҳарбий иқтисодиётни кучайтиришга қаратилган эди. Янги модел эса умуман бошқача усулдаги хўжалик юритишни бошқариш эди. Бунда ижтимоий йўналиш иқтисодиётга янги мазмун этиб, халқ манфаатига эътибор асос ҳисобланади. Бу ҳозиргача давом этиб, давр талабларига кўра такомиллаштириб келинади.

Ижтимоий бозор хўжалигининг **немисча миллий модели** иқтисодий тараққиёт учун зарур бўлган миллий бирлик, давлат билан аҳоли ўртасидаги мувозанат мустаҳкамлиги, иқтисодий ўсишдаги зарур ресурсларни тўғри тақсимлаб, улардан самарали фойдаланишдаги энг маъқул усул бўлиб, ўзининг ҳаётийлигини ўтган давр ичида исботлаб берди. Ҳақиқатдан бу модел тахсинга сазовор ва уни ўрганиш фойдадан холи эмас.

Германияча ижтимоий бозор хўжалиги эркинликка асосланган ва индивидуал мустақилликка қаратилган. Лекин кучли давлат таъсирини кўзда тутди. Асосий мақсад шуки, давлат аввало рақобатни таъминлаш билан бирга кучли ижтимоий сиёсатни қўллайди. Бу эса иқтисодий турғунлик ва одилликни қатъий таъминлашни талаб этади.

Ижтимоий бозор хўжалиги шундай тартибни ўрнатадики, бунда давлат ҳуқуқий тартибни ва жамият фаровонлигини ўрнатиш билан бирга қўшимча бир қанча вазифаларни ҳам бажаради, қайсики

мавжуд шарт-шароит, вақт талаби, иқтисодий зарурият туфайли ўзгариб мослашиб боради.

Ижтимоий бозор хўжалигидаги энг асосий хусусиятлардан бири, давлатнинг иқтисодиётдаги катта ўрни мавжуд эканлиги ҳамда иқтисодий тараққиёт ва фаолиятдаги таъсирининг кучлилигидир. Бу давлатнинг хўжалик юритишга бевосита аралашуви эмас, балки восита усуллари билан таъсир этиш ва бу йўл билан иқтисодиёт тараққиётини таъминлашдир. Бу қонунлар, тартиб-қоидаларни белгилаш ва тақсимотда фаол иштирок этишни ўз ичига олади. Иқтисодий ўсиш билан бойликни, тенгликни таъминлаш йўлида, тақсимлаш ўртасида келишувни таъминлаш усуллари кенг қўлланилади. Масалан, тақсимланмаган фойдадан олинадиган солиқ 65 фоизни ташкил этади. Агар таққосласак бу кўрсаткич АҚШда – 32 фоиз, Англияда – 45 фоизга тенгдир.

Миллий даромадни тақсимлашда давлат иштироки жуда юқори даражададир. Бу 50 фоизни ташкил этади. Давлатнинг ижтимоий кафолатлик роли ҳам катта ва бу соҳадаги кўп юкни ўзига олади, ижтимоий таъминот ва бошқа инсон билан боғлиқ иқтисодий муаммоларни давлат ўз гарданига олади ва амалга оширади. Кўп нарсалар тўппа-тўғри давлат ижросида амалга оширилса, қолган томонлар бу соҳада иш ўрни баҳоси орқали бажарилади. Шунга кўра Германияга хос нарсалардан яна бири иш жойининг дунёда қимматлигидир. Бунинг ичида ижтимоий харажатлар ҳам мавжуддир. 90 – йиллар ўртасига келиб бир соатлик иш вақти 45 марка бўлиб, бу АҚШга нисбатан уч баробар кўп бўлган. Бунда албатта меҳнат унумдорлиги юқорилигининг таъсири ҳам катта.

Ижтимоий бозор хўжалигида ишсизликнинг жуда пастлиги ва бандликнинг юқори даражада бўлиши ҳам ўз ифодасини топади. Чунки бунга оид кўп ишлар, усуллар қўлланилиб туради. Энг муҳими иқтисодий тараққиёт, ишлшаб чиқаришнинг ўсиб бориши, иш жойларининг ташкил этилиши ва хизмат кўрстаиш соҳасининг ўсишидир.

Фаровонликка қаратилган ижтимоий бозор хўжалигидаги натижалардан яна бири кичик бизнес ривожини ва унинг кенг салмоқлиги, оммавий даражада бўлиши, бунга давлатнинг эътибори ҳамда унинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишидир. Ўтган аср 50 – йиллардаёқ бандликнинг ярмидан кўпи шунга тўғри келган ва умуман аҳолининг фаровонлиги асоси деб қаралган. Ўша вақтдаёқ саноат маҳсулотининг ярми кичик ва ўрта бизнесга тўғри келган.

Бу моделнинг яна бир муҳим томонларидан бири ички бозорни тўла таъминлашга ҳаракат қилиш бўлиб, аввало энг оммавий истеъмол товарлари билан бозорни тўлдириш ва бу соҳада етишмовчиликка йўл қўймасликдир. Шу билан бирга ҳақиқий бозорбоп молия тизимини шакллантириш ва маркетинг қадрини ошириб бориш, унинг харидлик қувватини кўтариб бориш учун зарур тадбирларни доимо қўллаб бориш ҳамма вақт давлат диққатида бўлиб, марканинг дунёда энг кучли валюталар қаторида ушлаб туриш, унинг ҳалқаро обрўсини кўтариб бориш муҳим ҳисобланиб келади.

Ижтимоий бозор хўжалигининг немисча миллий модели иқтисодий тараққиёт учун зарур бўлган миллий бирлик, давлат билан аҳоли ўртасидаги мувозанат мустаҳкамлиги, иқтисодий ўсишдаги зарур ресурсларни тўғри тақсимлаб, улардан самарали фойдаланишдаги энг маъқул усул бўлиб, ўзининг ҳаётийлигини ўтган давр ичида исботлаб берди. Ҳақиқатдан бу модел тахсинга сазовор ва уни ўрганиш фойдадан холи эмас.

6.3. Л. Эрхарднинг “Иқтисодий равақ” дастури

Иккинчи Жаҳон уруши натижасида Германия катта талофотларга учраб иқтисодиёти чуқур тушкунлик даражасида эди. Худудлари эса асоан икки бўлакка, яъни Ғарбий ва Шарқий қисмларга бўлиниб кетган эди. Шарқий қисми собиқ совет тизими асоратида бўлиб, бунда иқтисодий йўналиш социализм ғояси асосида ижтимоийлик ҳукмронлиги тиклана бошлайди. Ғарбий Германия эса капиталистик иқтисодий тамойиллар асосида тикланади.

Ғарбий Германия уч зонага бўлиниб, АҚШ, Англия ва Франция оккупация ҳокимлиги асосида бўлган. АҚШ ва Англия зоналари қўшилиб, бизония ташкил этилади. Бунга Ғарбий Германия худудининг асосий қисми киради. Иқтисодий тикланиш умуман “Маршалл режаси” асосида амалга ошириб, жараён жуда тезлик билан давом этади.

Бунда ўша вақт иқтисодиёт вазири, сўнгра Германия Президенти Людвиг Эрхард дастури ва бевосита бошчилиги асосида амалга оширилган неолибераллик тамойиллидаги “ижтимоий бозор хўжалиги” концепцияси асос бўлиб ҳисобланган. Бунда эркин бозор иқтисодиёти, давлат ёрдамида турли аҳоли табақалари ўртасидаги даромадлар фарқини тенглаштириш, давлат ижтимоий ҳимоя

тизимини ривожлантириш ва бозор иқтисодига маълум даражада ҳаққоният киритиш кўзда тутилади.

Бундай иқтисодий сиёсат асосида қуйидаги тамойиллар ётади: давлат бевосита хўжалик жараёнларини тартибга солиш билан шуғулланмайди, лекин хусусий субъектларнинг эркин рақобат шароитларини белгилайди ва шароитлар чегарасини ўрнатади. Бундай тартибни ўрнатиш учун ҳаракатга лаёқатли, аммо давлат таъсирида бўлмаган баҳолар тизими, пул муомала турғунлиги, очиқ бозорлар, хусусий мулк, жавобгарлик нормалари, шартномалар тузиш эркинлиги, мамлакатда иқтисодий сиёсатнинг турғунлиги мавжудлиги талаб этилади. Бу тамойиллар бозор муносабатлари


6.3.1.-чизма

Германия иқтисодий модели

туғдирадиган ижтимоий тенгсизликни юмшатувчи кучли давлат ижтимоий сиёсати билан тўлдириб турилиши зарур. Шундай қилиб, эски эркин бозорнинг либерал ғоялари янгилари билан тўлдирилиб, давлатнинг ижтимоий муаммоларини хал қилишдаги жавобгарлиги кўшилиб, бу сиёсатга янги либерализм деб ном берилади.

Бу сиёсат ўзининг юқори самарадорлигини кўрсатиб аҳолиси учун жуда ёқимли эди. Шу билан бирга урушдан кейинги Германиянинг иқтисодий жуда қийин ахволи хўжаликнинг марказий тартиблаштирилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини давлат қўлига топширишни тақозо этар эди. Шу билан бирга ғолиб мамлакатларда давлат тартиблаштириши ғоясини олдинга сурувчи Кейнс таълимоти оммавий бўлиб, ҳар томонлама қўлланилар эди. Энг муҳими шуки, бу сиёсатда иқтисодий ўсиш билан бойликни тенг тақсимлашга уриниш ўртасида келишувчанлик ҳосил қилинар эди.

Эрхарднинг фикрича “Бозор иқтисодиёти фақат эркинлик шароитида кучга киради. Бу истемол, касб танлаш, иш жойини танлаш, тадбиркорлик фаолиятини танлаш, хусусий мулкни тасарруф



этишни танлаш, айниқса ишлаб чиқариш воситаларини танлаш, шартномалар тузиш эркинлиги кабилардан иборат. Сиёсий эркинлик каби иқтисодий эркинлик ҳам жуда зарур”, дейди.

Иқтисодий жонланиш шахсий ташаббускорлик ва рақобатнинг хўжалик ҳаётда далват фаоллиги билан боғлашни тақозо этади. Эрхард кучли давлат ғоясини асос билиб, давлатнинг конституциялаштирув, тартиблаштирув кучларига эга бўлиши ва жамиятни шакллантиришга лаёқатлиги ғоясини олдинга суради.

Эрхард ислоҳотлари кўзлаган паст нарх-наво, паст солиқлар, эркин баҳо, антитрест ва антикартел фармонлари, хусусийларга кўрсатиладиган имтиёзлар, ички бозорни ташқи рақобатдан ҳимоялаш кабилар мўжиза кучига эга эди. Булар иқтисодий тикланишни жонлантириб, ажойиб натижаларга олиб келган эди. Ақлли равишда ички бозорни ҳимоя эта билиш ва ўз муҳитида эркин ҳаракат қила олиш яхши муваффақиятлар берган эди.

Ислоҳат тадбирлари аввало пул ва баҳодан бошланиб, мустаҳкам валютани яратишга қаратилади. Янги давлат маркаси давлат пули сифатида киритилиб, жуда эҳтиёткорлик билан эскисини алмаштиради ва муомалага киритилади. Бунда иш ҳақи ва нафақаларга зарар келтирмай, ҳимоя қилишга катта эътибор берилади. Эмиссия банки таъсис этилади ва шу билан бирга унинг хусусий банклар билан бўладиган муносабатларини белгиловчи Низоми тасдиқланиб, баҳо эркинлиги киритилади. Ресурсларни маъмурий тарзда тақсимлаш бекор этилиб, шу вақтгача иқтисодий муносабатларни белгиловчи хужжатлар ҳам ҳаракатдан тўхтатилади. Кредитлар тўғрисида янги норматив хужжатлар қабул қилинади. Солиқ сиёсатларига янгиликлар киритилади. Антимонопол ва антикартел норматив хужжатлар қабул қилинади.

Иқтисодий ислоҳотдаги ҳар бир тадбир жуда аниқлик, ўринли ва мақсадли равишда бажарилишини таъминланишига катта эътибор қаратилади. Масалан, рейхс марканинг киритилишини олсак, барча томонларни пухта ўйлаб ҳисобга олган ҳолда иш юритилади. Бунда айниқса бозорда товар – пул муомаласининг нормал ҳолда бўлишига аҳамият кучли бўлади. Бунинг учун янги пулни алмаштириш қаттиқ чегараланиб, олдин 40 марка, сўнгра эса 20 марка белгиланади. Бозорда товарлар мавжудлигини таъминлаш учун хатто улгуржи савдогарлар шахсан сафарбар этилади. Ҳукумат “ҳар киши учун товар” деган дастур қабул қилиб, унда арзон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш белгиланади.

Бу тадбирлар нарх-навони мунтазамлаш, сўнгра уни пасайтириш, рейхс марканинг қудратли қилиш амалга оширилиб, иқтисодиётни жонлантириш ва тиклаш амалга оширилган холда аҳоли таъминотини яхшилаш таъминланган эди. Ҳукумат халқ норозилигига йўл қўймасликка ҳаракат қилиб, бу билан иккинчи томондан оккупацион ҳокимиятга ножўя ҳаракатлар учун сабаб-баҳона бермасликка уринар эди.

Бундай ҳаракатлар жуда тез ўз натижасини берди ва биринчи йилнинг ўзидаёқ ишсизлик камаюди ва меҳнат унумдорлиги 30 фоизга ошади. Хонавайрон бўлган иқтисодиёт тез тикланиб, кейинги ўсишга асос солина бошлайди. Шу билан бирга бошқача асосдаги иқтисодиёт яратила бошланди. Пул ислоҳатининг муваффақияти иқтисодиётни либераллаштириш нафақат баҳони, шунингдек хўжаликни эркинлаштириш билан иқтисодиётнинг барча томонларини ишга солиб юборди.

Янги хўжалик тамойиллари ва ижтимоий тартиб юзага кела бошлади. Махсус ижтимоий бозор хўжалиги тизими юзага келиб, бу ҳозиргача давом этмоқда. Германия намунасидаги ижтимоий бозор хўжалиги Эрхард ислоҳоти бўйича юзага келиб, у либерал асосдаги хусусий эркинликка мўлжалланган ва кучли давлат тартиблашувига асосланган бўлиб, у аввало рақобатни таъминловчи ва кучли ижтимоий сиёсатни ўтказувчи ҳамда ижтимоий ҳаққониятга асосланувчи, мунтазамлик тамойилидан келиб чиқувчи тизимдир. Ижтимоий бозор хўжалиги давлатнинг ҳуқуқий ҳимоя тартибини таъминлаш ва шунингдек жамият фаровонлигини кўтариш билан бирга қўшимча муҳим вазифаларни бажарадики, булар вақт ва иқтисодий тараққиёт шароитлари билан белгиланади.

Эрхард ислоҳоти натижасида иқтисодий ўсиш юқори даражада давом этди ва “немис мўъжизаси” номини олди. 15 йил ичида Германия илғор иқтисодли давлатга айланиб, Европада биринчи ўринга чиқди.

Ислоҳотнинг биринчи икки йили ичида товарлар ишлаб чиқариш икки баробар ўсди ва йиллик ўсиш 10-15 фоизга тенг бўлди. Яширин бозор ва чайқовчилик йўқ бўлди. 1950 – йилга келиб 1939 йил даражаси қўлга киритилди, саноат ишлаб чиқариш бўйича АҚШ ва Англиядан кейинги учинчи ўринга чиқди. Олтин захираси бўйича иккинчи ўринни эгаллади. Асосий капитал тўла янгиланди. Капитал харажатлар юқори даражага етди. 1956 – йилда четга капитал чиқариш 9 млрд. маркани ташкил этди. Ҳарбий харажатлар кескин

қисқариб, катта иқтисодий юксалиш юз берди. Ислохотларнинг ўнинчи йилида Европа умумий бозорида кўмир қазиб чиқаришнинг 60 фоиз, пўлат эритишнинг 50 фоиз, экспортнинг 40 фоиз, импортнинг 35 фоизи ГФРга тўғри келар эди.

60 – йилларга келиб урушдан кейинги иқтисодий ривожланиш омиллари заифлашуви натижасида ўсиш пасая бошлайди. Бу вақтга келиб ривожланган мамлакатлар ичида ўсиш даражаси энг юқори ва циклик тебранишларни текислаштиришга эришган мамлакатларга айланган эди. Лекин ортиқча ишлаб чиқариш тушкунлиги бошланади ва ГФРнинг жаҳон ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси пасая бошлайди. Шаклий тузилма инқирози ҳам кўшилиб, анъанавий тармоқларга ҳам тарқалади. Германия давлатининг тартиблаштируви макроиқтисодий даражада кучайиши талаб этилиб, иқтисодий тараққиётнинг дастурини ишлаб чиқиш, молиявий режалаштиришни кўллаш кабилар юзага келиб, бу ГФР тақдирида биринчи шарт эди. Давлат иқтисодий сиёсатида жорий ва қисқа муддатли, ўрта ва узок муддатли ёки ташкилий тузумийлик юзага келади.

70 – йиллар ўртасига келиб Германия иқтисодиётида иккинчи инқироз юз беради. Банкротлик кескин ўсади, инфляция кучаяди ва ишсизлик ўсади. Бу инқироз бошқа ривожланган мамлакатлардаги инқирозга кўшилиб кетиб, иқтисодий вазиятни анча чуқурлаштиради.

80 – йиллар бошида ГФРда учинчи иқтисодий инқироз юз беради. Бунда ҳам цикллилик ташкилий-тузумийлик инқирози билан улашиб кетади. Ишсизлик ўсиб, аҳолининг реал иш ҳақи даражаси пасаяди. Германиянинг ташқи иқтисодий алоқалари анча зарбага учрайди. Германиянинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги, илм сиғимли маҳсулотлар экспорти кескин қисқаради. Булар хўжалик механизми инқирозидан хабар беради эди.

Бундай ҳолат ҳукумат ўзгарувига олиб келади ва иқтисодий сиёсатда янги бурилиш юзага келади. Бунда хусусийлаштиришни амалга ошириш биринчи вазифа бўлиб, бу бозор кучларини мустахкамлаш, бандлик муаммосини ечиш, иқтисодий ўсиш ва давлат молиясини тартиблаштириш кабилар билан боғланган эди. Иқтисодий сиёсатдаги бурилиш солиқлар ислохотини ҳам ўзи ичига олган эди.

ГФР иқтисодида тўртинчи инқироз 90 – йиллар бошида юз беради. Бу асосан интеграция билан боғланган бўлиб, бирлашув қийинчиликлари асосий сабабчи эди. Бу энг оғир инқирозлардан бўлиб, навбатдаги циклик иқтисодий тараққиётнинг маълум босқичи

бўлди. Бу инқироз ҳам муваффақиятли ҳал қилиниб, қўшилиш оғирликлари енгилган эди.

Юқорида кўриб ўтилган иқтисодий инқирозлар тавсифи шуни кўрсатадики, булар табиий хусусиятли бўлиб, тасодифий ва кутилмаган инқирозлар эмас. Чунки булар асосан циклик тараққиёт ва ташкилий-тузумий ўзгаришлар зарурияти билан боғланган иқтисодий тушкунлик мазмунига эга эди. Натижада Эрхард ислоҳоти асос солган ижтимоий бозор хўжалиги тизими ўзгармасдан такомиллаша борган ва асосий иқтисодий йўналиш давом этган. Умуман Германия иқтисодиёти ўзининг ривожланган, илғор ва жаҳонда етакчи иқтисодиёт эканлиги мустаҳкамланиб бораётганини кўрамиз.

Германия иқтисодиёти эришилган муваффақиятларнинг даражасини кўтариб, ўзига хос ижобий томонларини бойитиб, кўпчилик мамлакатларга ўрнатилган вазифасини бажариб келмоқда ва бундаги тажрибани ўрганиш фойдадан холи эмасдир.

6.4. Ғарбий ва Шарқий Германиянинг қўшилиши билан боғлиқ иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилиниши

Германия ерларининг қўшилиши тарихий воқеа бўлиб, ягона Германия миллий иқтисодиётининг шаклланиши янги босқичдан иборатдир. Бу жараён шу билан бирга катта қийинчиликларни енгиш ва йирик-йирик сарф-харажатларни амалга ошириш билан боғланган эди.

Барча оғирлик Ғарбий Германия гарданига тушиб, харажатлар ва бутун ўзгаришларни асосан ўз бўйнига олган эди. Ўзгаришларнинг асосий қисми Ғарбий Германиядаги иқтисодий тизимни қўллаш ва иқтисодий тараққиёт даражасига тенглаштириш билан белгиланади. Бирлашиш билан боғлиқ харажатлар 2 трлн. маркани ташкил этган.

Асосий вазифалар Шарқий ерларнинг қолоқликдан чиқариш, иқтисодий шаклий тузилмаларни ўзгартириш, ишсизликни камайтириш ва меҳнат унумдорлигини кўтариш, Ғарбий стандартларга тенглаштириш, хусусийлаштиришни амалга ошириш кабилардан иборат эди. Шарқда Ғарбга нисбатан меҳнат унумдорлиги уч баробар паст бўлган.

Шарқий Германиядаги иқтисодий ўзгариш ва унинг ислоҳоти қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

- хусусий мулкни киритиш;

- ишлаб чиқариш воситаларини хусусийлаштириш;
- ўтиш жараёнларини қисқа вақт ичида амалга ошириш;
- янги давлат институтларини жорий қилиш;
- бозор иқтисодиёти ўзгаришларини амалга ошириш;
- катта ҳажмда капитал харажатларни бажариш.

Кўшилиш вазифалари 1990 – йилда бошланди. ГФР Конституцияси ГДРда ҳам кучга кирди. Валюта, иқтисодий-ижтимоий иттифоқлар тузилди. Шу билан бирга институционал ташкилий тузилмалар кучга кирди. Немис маркаси, ривожланган банк тизими, молиявий бошқарув тадбиқ этилди. Хусусийлаштириш 1994 – йилда яқунланди. Шу билан бирга хўжалик тузуми ҳам ўзгартирила бошлади.

Бошқа мамлакатларга нисбатан иқтисодий ўзгаришлар анча қисқа вақт ичида бажарилиб, иқтисодий тушкунликни олди олиниб ва бундаги кўп ишлар муваффақиятли бажарилиб, мунтазам иқтисодий ўсишга ўтилган эди. Лекин кескин ўзгаришлар бир қанча муаммоларни яратиб, буларнинг ичида энг муҳимлари ижтимоий соҳа билан боғланган эди. Таъсирлиси кўпчилик корхоналарнинг ёпилиши ва ишсизликнинг ўсиши эди. Бунинг асосий сабаби ғарбий ишлаб чиқарувчилар билан бўлган рақобатга чидай олмаслиги эди. Бу тўғридан-тўғри шарқий ерларга молиявий сармояларни жўнатишни талаб этиб, 1991 – йили 140 млрд., 1992 – йили 152 млрд, 1993 – йили 182 млрд. маркани ва қисқа вақт ичида ҳаммаси бўлиб 1,4 трлн. немис маркаси миқдорида давлат молиявий сармоялари юборилган. Бу Россия, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига нисбатан ГДРнинг устунлиги мавжудлигига қарамай юз берган эди.

Шарқий Германия иқтисодиётининг ўзгариши бир қанча қийинчиликларни туғдириб, буларнинг ичида энг асосийси ўсишнинг доимийлигини таъминлаш эди. Бунинг учун ўсишнинг давомийлиги, ўзидан-ўзи четки турткисиз ўсиш иқтисодий механизмини яратиш ва сингдириш талаб этилар эди. Бу албатта бирданига бўладиган ва осон масала эмас эди. Анча мураккаб ва комплекс муаммо эканлиги маълум эди. Чунки Шарқий Германия корхоналарининг рақобатбардошлик даражасини кўтариб, Ғарбий даражага етказиш талаб этиларди. Бунинг учун иш ҳақи харажатларининг маҳсулот бирлигига тўғри келишини кўтариш ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш талаб этилар эди. Бундай вазифа жуда қимматга тушар ва кўп комплекс ишларнинг амалга оширилиши билан боғлангандир. Ишлаб чиқариш қувватларини илғор техника ва

технология асосида янгилаш, иш усулларини такомиллаштириш талаб этилиб, буларнинг ҳаммаси юқори малакали ишчи, хизматчиларни талаб этарди. Маълумки, муаммо юқори техника билан бирга инсон ресурсига бориб тақалади.

Бундан ташқари ишлаб чиқариш ташкилий тузумини тубдан ўзгартириш талаб этилиб, ички ва ташқи бозор талабига мослаштириш зарурияти туғилади. Бу ҳам маълум вақт ва катта сармояни талаб қилади.

Шу билан бирга хизмат кўрсатиш соҳаси, транспорт ва алоқа, ахборот, бошқариш кабилар ҳам туб ўзгаришларни талаб қилиб, уларни замонавийлаштириш ва Ғарб стандарти даражасида қайта тузиш ҳам жуда долзарб вазифа ҳисобланар эди. Энг муҳими турмуш даражаси ва турмуш сифатини кўтариш ва Ғарбий зона даражасига етказиш ҳам жуда зарур ва катта хажмли иш ҳамда сормоя талаб қилар эди.

Германия ерларининг қўшилиши ва ягона давлатнинг шаклланиши, битта миллий иқтисодиётнинг юзага келиши билан бирга бошқа муаммоларни ҳам юзага келтирди. Қолоқ Шарқий иқтисодиётнинг қўшилиши умумий пасайишга олиб келди ва ягона Германия иқтисодиёти бунинг натижасида бошқа ривожланган мамлакатларга нисбатан паст кўрсаткичларга эга бўлади. Бу айниқса аҳоли жон бошига ҳисобланадиган кўрсаткичлар, меҳнат унумдорлиги даражаси, турмуш сифати, даромад кўрсаткичлари кабиларга тааллуқлидир.

Бундан ташқари катта хажмдаги сармояларнинг шарқий ерлар учун сарф этилиши, бунда катта капитал қуйилмларнинг амалга ошуви ва диққат эътиборни қолоқликдан чиқариш ва ғарбий даражага етказишга қаратиш ғарбий қисмдаги иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади.

Бу бюджетдаги оғирликнинг юзага келиши, солиқларнинг кўтарилиши, ғарбий қисм корхоналаридаги капитал харажатларнинг камайиши кабиларга олиб келган.

Лекин ўзгаришларга қаратилган тадбирлар тез ўз натижасини бериб, Шарқда қолоқлик борган сари йўқ бўлиб, умумий ўсиш ҳам бошланади. ГФР социалистик лагерда энг илғор мамлакат ҳисобланарди. Шунга қарамай қўшилиш олдидан унинг ЯИМ жон бошига ҳисоблаганда Ғарбий Германияга нисбатан 1/3 қисмга тенг эди. 1996 – йилга келиб 57 фоизга кўтарилади. Шарқий зонада 1994 – йилданок жонланиш бошланиб, ЯИМ 8 фоизга ўсади. Ғарбий қисмда

бу 2,5 фоизга тенг бўлиб, умуман ГФРда 3 фоизни ташкил этади. Ишсизлик анча пасайиб, давлат харажатлари ва солиқ тўловлари даражаси пасая бошлади.

6.5. Ҳозирги давр Германия иқтисодиёти ўсишининг муаммолари ва Шрёдер дастури

Ҳозирги даврга келиб Германия иқтисодиётида ўсиш секинлаша бошлади ва бунинг олдини олиш учун ҳукумат ўзининг чора-тадбирларини белгилай бошлайди.

Иқтисодий ислохотлар “Шрёдер дастури” номини олиб, бундаги асосий йўналишлар шу дастурда ўз ўрнини олган. Шрёдер дастуридаги асосий урғу туб мазмуни билан бозор иқтисодиёти томон бўлган ҳаракат бозор муносабатларига тўла йўл очиш ва унинг механизмлари ҳаракатига тўла эркинлик бериш билан боғлиқдир.

Таъкидлаганимиздек, Германия иқтисодиётида давлатнинг ўрни катта бўлиб, унинг бозорни тартиблаштириш вазифалари кенг хажмли эди. Бу эса ўз навбатида рақобат шароитларини торайтириб, унинг тўлақонли ҳаракатига тўсқинлик қилар ҳамда давлатнинг аралашуви юқори даражада эди. Ҳозирги вақтга келиб бундай ҳолат ўзгаришни талаб этади.

Кўлдан берилган рақобатбардошлик даражасини қайтариш ва бу соҳада юқори чўққиларни эгаллашга ҳаракат қилинаётган эди. Иқтисодиётдаги давлат иштироки даражасини қайта кўриб чиқиш, тўла эркин бозор иқтисодиёти йўлига ўтиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш зарурияти туғилган эди. Албатта бу барча соҳа ва тармоқлардаги давлат иқтисодиёти сиёсатини қайта кўриб чиқиш ва иқтисодий ўсишни тезлаштиришга мос сиёсатга ўтиш йўллари ахтарилади.

Бунда либераллик сиёсати, тадбиркорликка тўла эркинлик бериш, солиқларни пасайтириш, ижтимоий харажатларни камайтириш, давлат сарфларини қисқартириш каби нозик масалаларни хал қилиш йўллари белгилан кўзда тутилади. Шу билан бирга ижтимоий муаммоларга эътиборни қаратиш зарурияти ҳам туғилмоқда эди. Асосий ижтимоий муаммолар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- иш жойининг қимматлиги ва ижтимоий юкнинг оғирлиги;
- халқ қариб боришининг ўсиши 1997 – йилда 100 ишловчига 96 та меҳнатга лаёқатсиз тўғри келган;

- глобаллик даражасининг ўсиши четдан келувчиларнинг кўпайиши ва уларни маҳаллийлар билан тенглаштириш муаммосининг ўткирлашуви.

Ижтимоий муаммоларни ечишдаги энг маъқул усул ўзини таъминлай олиш йўллари кўллашдир. Энг яхши ижтимоий тартибли жой жамият маҳсулотини қайта тақсимлаш йўли билан максимал кенг хажмдаги ижтимоий кўлланиладиган жой эмас, балки кўллашга мухтож фуқарорлар энг кам бўлган жой ҳисобланади.

Асосий мақсад бевосита таъминлаш эмас, балки мухтожликни йўқ қилишдир.

Шрёдер дастури бўйича давлатнинг иқтисодиётга бевосита аралашувини имкони борича камайтириб, эркин ҳаракатини шароитини кенгайтириш, айниқса майда ва ўрта бизнесни максимал кўллаш сиёсатини олдинга сурилади. Бу соҳада айниқса давлат тартиблаштириши, чегаралашга қарши кураш олиб бориш талаб этилади ва бу бурунчи даражали иш деб билинади. Майда ва ўрта бизнесменларни халқ таниқли ашулачи ва футболчилардек ардоқлаб, ҳурмат қилиши керак деб билинади. Агар давлат ҳаракати рақобатни сусайтирса, у бозорга қарши қаратилган бўлади, деб билинади. Давлат туб мазмунан ватан ишлаб чиқарувчиларини ички бозорда ҳимоя қилиш эмас, балки рақобатга қарши кучлар, монополияга қарши курашни таъминлаши керак ва самарали хўжалик юритиш усулларини кенг кўллаш шароитларини яратиши зарур.

Асосий эътибор юқори техникали тармоқларга, янги инновацияли фирмаларга қаратилади. Индустриал жамиятдан билим, ахборот, хизмат кўрсатишга асосланган иқтисодиётга ўтиш амалга оширила бошланди. Бунинг учун таълим сифатини кўтариш, илмий технологик сиёсатни кучайтириш, инфратузилмаларни қайта қуриш йўллари кўлланилади. Бунгача эса давлат тармоқ шакли тузилмаларига ва айрим ишлаб чиқаришларга инвестицияни тартиблаштириш усулини кўллар эди.

Глобаллик ва технологик силжишлар тезлиги даврида ҳукумат биринчи ўринга бевосита меҳнаткашлар даромадининг ўсишини тезлаштириш, қашшоқликка барҳам бериш, ишсизликни камайтириш эмас, балки даромадлар, бандлик масалаларини хал қила оладиган ва янги фирмаларни ташкил этиш ва корхоналарнинг равнақини таъминлашга ўз диққат – эътиборини қаратиши талаб этилади.

Солиқлар 2001 йилга келиб 45 фоиздан 35 фоизга тушурилиб, нафақа харажатлари камайтирилди ҳамда хусусий нафақа

жамғармаларга солиқ имтиёзлари қўлланила бошлади. Давлат харажатлари пасайтирилиб, умумий давлат сармоялари тежами 16,7 млрд. долларни ташкил этади. Англиядек бозор либераллашувига ўтила бошланади ва ижтимоий мўлжалли иқтисодиётдан тўлақонли бозор иқтисодиётига ўтиш аста-секин кучга кира бошлайди. Давлат мулкани хусусийлаштириш бўйича анча ишлар қилинди. Шу билан бирга давлатнинг бозорни тартиблаштириш фаолияти анча қисқартирилиб, иқтисодий аралашув сусая борди.

Шрёдер дастурининг амалга оширилиши ва унда белгиланган тадбирларнинг тадбиқ этилиши, ўз натижаларини бериб Германия иқтисодиётининг бозор муносабатлари асосида ривожланишини тезлаштирди. Бу эса Германия иқтисодиёти салоҳиятини кўтариб, жаҳон хўжалигидаги ўрнини мустаҳкамлайди ва ўзига хос эътиборни жалб этади.

Монополияга қарши қонунчиликнинг концептуал асослари

20 аср иқтисодиётни эркинлашуви, бозорларни очилиши ва товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва тақсимлашда кўпчилик ривожланган мамлакатлар давлат бошқарувига эмас, балки бозор кучларига суяна бошлаганига гувоҳ бўлди. Рақобат сиёсати иқтисодий эркинликни рағбатлантириш, баъзида эса мустақил харидорлар ва сотувчилар ўртасида рақобатни талаб қилиш йўли билан қўллаб-қувватлайди. Шу сабабли барча ривожланган мамлакатлар ўзларининг рақобатга қарши қонунларини янада кучайтирдилар, шу вақтни ўзида баъзи мамлакатлар савдо-сотикқа тўсқинлик қилувчи, ва кейинчалик бошқа хатти-ҳаракатлар билан қайтадан вужудга келтирилиши мумкин бўлган тўсиқларни баратараф этадиган янги қонунларни киритдилар.

Азалдан, рақобат сиёсати авваламбор иқтисодиёти ривожланган, ички рақобат тижоратда муҳим омил ҳисобланган мамлакатлардаги рақобат жараёнини ҳимоя қилиш учун қўлланиб келинган. Шундан келиб чиққан ҳолда, энг жиддий рақобат сиёсати АҚШ, Германия ва ЕҲ кузатилади.

Қонуннинг мақсади

«Рақобат сиёсатининг олий мақсади – ресурсларни янада самарали тақсимлашга эришиш учун самарали рақобат жараёнини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдир»

ГФР ”Рақобатни чеклашга қарши қонун” ҳажми катта ва мазмунан теран бўлгани билан (ушбу қонун олтита боб ва 131 моддадан иборат) мазкур қонуннинг мақсадини ойдинлаштирмаган.

Рақобатни чеклашни келтириб чиқарувчи ҳолатларни кўп сонли турлари ва ҳолатлари жуда аниқлик билан таърифланганлиги сабабли ГФР судлари ва Федерал картел органи рақобат сиёсати борасида барча сиёсий ва иқтисодий мақсадларни четлаб ўтган ҳолда ушбу қонунга сўзсиз итоат қиладилар. Лекин маълум бир ҳолатда рақобатни чекланиши иқтисодиёт учун ёки жамият учун фойда келтириши исботлаб берилса, у ҳолда Иқтисодиёт Вазирлиги ушбу битим/келишувларга истисно тариқасида рухсат бериши мумкин ва бу қонунда қайд қилинган.

Шунга қарамадан, қонунда кичик ва ўрта бизнес субъектларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратади. Бунинг сабаби немислар кичик ва ўрта бизнес субъектларини немис иқтисодиётининг ишончи пойдевори, инновациялар ва бандлик учун қулай деб ҳисоблайдилар. Шу сабабли ушбу субъектларга маълум даражаларда картел битимларини тузишга рухсат берилган, масалан, агарда ушбу битимлар уларни йирик рақобатчиларига нисбатан эгаллаган позицияларини кучайтиришга ёрдам берса. Қонун шунингдек монополистга нисбатан преференцияларни қўллаш орқали устун мавқени суиистеъмол қилишни қатъийан тақиқлайди.

ГФРнинг “Рақобатни чеклашга қарши” қонуни Федерал Иқтисодиёт Вазирлигига истисно ҳолатларда қонуннинг алоҳида нормаларидан (8 модда) озод қилиши мумкин. Интеллектуал мулк ва патентлардан фойдаланиш ҳуқуқи ушбу ҳуқуқлар қандай тақдим қилинган бўлса шу ҳолича қонун таъсиридан озод қилинади (17 модда).

Баъзи бир монополияга қарши нормалардан озод қилинган ва алоҳида тартибга солинадиган соҳаларга: қишлоқ хўжалиги, суғурталаш, интеллектуал мулк соҳаси, спорт киради (Қонуннинг V моддаси).

Телекоммуникациялар соҳасидаги рақобат “телекоммуникациялар тўғрисида қонун”(1996 г.) ва ушбу соҳада махсус ваколат берилган орган томонидан тартибга солинади.

Барча турдаги мулк шаклига эга бўлган корхоналарга тенг шароитларда ёндашиш Қонуннинг 130 моддасида қайд қилинган.

Асосий тушунчалар

Қонунда “товар” таърифи берилмаган. Бироқ ушбу атама доимо “тижорат хизматлари” билан бирга ишлатилади.

Қонунда бир-бирини ўрнини босадиган товарлар тўғрисида ҳеч нима дейилмаган. Лекин, товар бозорларини маҳсулот чегараларини аниқлаш мақсадида иқтисодий таҳлил ўтказилганда бир-бирини

ўрнини босиш тамойилидан фойдаланилади. Бунда умум қабул қилинган эконометрик қоидалардан фойдаланилади: қарама-қарши эгилувчанлик, 5-10% тест.

Қонунда таъриф берилмаган, бироқ йўриқномалар бозорларни товар (маҳсулот) ва жуғрофий чегараларини таърифини талаб қилади. Релевант бозор тушунчаси – юридик тушунча эмас, лекин иқтисодий таҳлилда ундан фойдаланилади (қўшилиб кетишда ва устун мавқеини суиистеъмол қилишда).

Устун мавқе. ГФР “Рақобатни чеклашга қарши” Қонунида устун мавқега берилган таъриф ҳам устун мавқени мавжудлигига асос сифатида корхонанинг молиявий ҳукмронлигидан фойдаланади. Таъриф шунингдек жамоа устунлигини ҳам ҳисобга олади.

(1) Хўжалик юритувчи субъект маълум бир товарни ёки тижорат хизматини етказиб берувчи ёки сотиб олувчи сифатида устун мавқега эга бўлса, у

1. у рақобатчиларга эга эмас ёки рақобатлашишга тортилмаган; ёки
2. рақобатчиларга нисбатан сезиларли бозор позициясига эга; ушбу мақсадда унинг бозор улуши, молиявий ҳукмронлиги, хом-ашё ресурсларидан ёки бозорлардан фойдаланиши, уни бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан алоқалари, бошқа хўжалик юритувчи субъектларни бозорга кириши учун тўсиқлар, ушбу қонун чегарасида ёки уни таъсир доирасидан ташқарида хўжалик юритувчи субъектларни ҳақиқий ёки потенциал рақобатлашни шакллантириши, уни ўз товарлари ва тижорат жойлаштириш имкониятлари, ҳамда бозорни қарама-қарши томонларини бошқа хўжалик юритувчи субъектларга ўтказиш имкониятлари ҳисобга олинади.

(2) иккита ва ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъект устунликка эга бўлади, қачонки уларни ўртасида маълум товарлар ёки тижорат хизматларига нисбатан сезиларли рақобат бўлмаса ва улар биргаликда таклиф шартларини қондирсалар (1).

(3) хўжалик юритувчи субъект устунликка эга бўлади, қачонки унинг бозор улуши $1/3$ ортиқ бўлса. Бир нечта хўжалик юритувчи субъект устунликка эга бўлади, агарда улар

1. учта ва ундан кам хўжалик юритувчи субъектни бозордаги биргаликдаги улуши 50% етса, ёки
2. 5 та ёки ундан кам хўжалик юритувчи субъектни бозордаги биргаликдаги улуши $2/3$ етса, агарда хўжалик юритувчи субъект ушбу шароит улар ўртасидаги рақобатни қўллаб-қувватлашишини кўрсатса, ёки хўжалик юритувчи

субъектларнинг сони қолган рақобатчилар учун аҳамиятга эга бўлмаса.

Мутлақ монополия

Таъриф йўқ, ўхшаши – устун мавқени суиистеъмол қилиш ва уни таъсирига тушадиган хатти-ҳаракатлар (қуйига қаранг).

Нарх соҳасида камситиш

Қонун матнида таъриф берилмаган. Чамаси у камситувчи ҳаракатларни умумий тушунчасига кириб кетган. Масалан, Қонуннинг 19 (4) моддаси қуйидагиларни талаб қилишни ман қилади:

Ҳақ тўлашни унчалик қулай бўлмаган шартлари ёхуд бошқа шартлар, қачонки устун мавқега эга бўлган корхона ўхшаш бозорлардаги харидорлардан талаб қилса, ва ушбу табақаланишга объектив сабаб мавжуд бўлмаса.

Камситувчи шартлар

Устун мавқеини суиистеъмол қилишни шаклларида бири сифатида, камситувчи шартлар тушунчаси деганда ГФР “Рақобатни чеклашга қарши Қонун” да келтирилган таърифни келтириш мумкин: ... (устун мавқега эга корхона) ҳақ тўлашни қулай бўлмаган шартларини ёки бошқа шартларни талаб қилади, шу вақтни ўзида ушбу корхона таққосланаётган бозорлардаги ўхшаш харидорлардан талаб қилади, агар ушбу тарзда табақалаштиришга объектив исбот мавжуд бўлмаса.

Монопол қиммат нарх

Таъриф берилмаган. Доктрина устун мавқени суиистеъмол қилишни қуйидаги турлари доирасида ишлатилади:

... ҳақ тўлашни қулай бўлмаган шартларини ёки бошқа шартларни талаб қилади, шу вақтни ўзида ушбу корхона таққосланаётган бозорлардаги ўхшаш харидорлардан талаб қилади, агар ушбу тарзда табақалаштиришга объектив исбот мавжуд бўлмаса

Монопол арзон нарх

Таъриф берилмаган. Доктрина устун мавқени суиистеъмол қилишни қуйидаги турлари доирасида ишлатилади:

... ҳақ тўлашни қулай бўлмаган шартларини ёки бошқа шартларни талаб қилади, шу вақтни ўзида ушбу корхона таққосланаётган бозорлардаги ўхшаш харидорлардан талаб қилади, агар ушбу тарзда табақалаштиришга объектив исбот мавжуд бўлмаса

Шахслар гуруҳи

Германиянинг монополияга қарши қонуни рақобат сиёсати мақсадларида шахслар гуруҳини (корхоналар) ягона корхона

сифатида кўради. Бироқ, шахслар гуруҳи деганда Акционерлик жамиятлари тўғрисида қонунга ва Қўшма компаниялар тўғрисидаги қонунга талаблари назарда тутилади:

36 (2) мода. Агар қатнашувчи корхоналар назорат қилинса ёки корхонани Акционерлик жамиятлари тўғрисидаги қонуннинг 17 моддаси доирасида ёки Қўшма корхоналар тўғрисидаги қонуннинг 18 моддаси доирасида назорат қилинса, у ҳолда ушбу тарзда аффилирланган корхоналар ягона корхона сифатида кўрилади. Агар бир нечта корхона биргаликда бошқа корхонага таъсир кўрсатишни амалга ошириши мумкин бўлса, у ҳолда уларнинг ҳар бири назорат қилувчи сифатида кўрилади.

Халқаро шартномалар

ГФР Олий Федерал Суди юқори фуқоролик суди ҳисобланади ва фақат Федерал Конституцион Суднинг қарорларига бўйсунди. Федерал Конституцион Суд ва ЕҲ Олий Адолат Суди ўртасида расмий иерархия мавжуд эмас, бироқ амалиётда Олий Адолат Судининг қарорлари Германия Конституциясига зид бўлмаслиги шарти билан, биринчиси иккинчисининг қарорларини ҳисобга олади. Германия қонунчилиги ОЭСР Тавсиялари ва ВТО қоидаларига амал қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Устун мавқеини суиистеъмол қилиш

ГФР “Рақобатни чеклашга қарши Қонун”ни ЕҲ қонунчилиги билан келишилгандан сўнг устун мавқини суиистеъмол қилишни очик тарзда ман қилади (19 (1)модда). Қонуннинг 19 моддасини (4) қисмида ушбу қонунбузилишларни тўртта асосий гуруҳи келтирилади:

1. тўсиб қўйиш (обструкция),
2. эксплуатация,
3. камситиш, ва
4. зарар инфратузилма хизматларидан фойдаланишни рад этиш (иншоотлар).

19 (4) модда

Суиистеъмол қилиш мавжуд бўлади қачонки, устунликка эга корхона товарларни маълум турлари ёки тижорат хизматларини етказиб берувчи сифатида бўлса:

1. бошқа корхоналарни шундай тарзда рақобатлашиш имкнини ёмонлаштиради, шундай қилиб бозордаги рақобат ҳеч қандай объектив асосларсизбузилади;

2. самарали рақобат мавжуд бўлган ҳолатда бўлиши мумкин бўлмаган ҳақни ва бошқа иш шартларини талаб қилади; ушбу маънода корхоналарни таққосланадиган бозорлардаги хатти-ҳаракатлари, яъни самарали рақобат устун бўлган ҳолда, эътиборга олинади;

3. ушбу тарзда табақалаштириш учун объектив сабаблар мавжуд бўлмаганда таққосланадиган (ўхшаш) бозорларда устунликка эга бўлган корхона ўхшаш харидорлардан унчалик қулай бўлмаган ҳақ тўлаш ва бошқа иш шартларини талаб қилади;

4. бошқа корхонани ўз тармоқларига ва инфратузилма хизматларига киришига, бир хил ҳақ тўлашни ўрнатишга тўсқинлик қилади, бунда вертикал бўйича юқори ёки қуйида жойлашган бозорларда устунликка эга бўлган корхонани рақиби қонуний ва ҳақиқий сабабларга кўра ушбу тарздаги параллел фойдаланиш ҳолатига эга бўлмасин; бундай ҳолат тааллуқли бўлмайди қачонки, устунликка эга бўлган корхона операцион ёки бошқа сабабларга кўра биргаликдаги (параллел) фойдаланиш мумкин эмаслигини кўрсатиб берса.

Шундай қилиб, ГФР қонунчилиги қандай ҳолат устун мавқини суиистеъмол қилиш деб эътироф этилишига аниқ таърифни келтирмайди, ва ушбу бузилишларни 4 та туринигина келтиради. На “бозорларни монополлаштириш”, на рақобатни камситиш”, на истеъмолчилар/харидорлар манфаатларини ҳимоя қилиш” мезонлари эслатилади. Суиистеъмол қилишни келтирилган 4 та турини биттаси ҳам “бозорларни монополлаштириш”на тегишли эмас. Шерман Қонунидан (АҚШ) фарқли тарзда, ГФР “Рақобатни чеклашга қарши Қонун”ни “бозорларни монополлаштириш”ни тақиқламайди. Ҳар хил корхона устун мавқени олиши мумкин ва ушбу ҳолат билан боғлиқ ўзининг рақобат афзалликларидан суиистеъмол қилмасдан фойдаланиши мумкин.

Рақобатга қарши битимлар ва келишиб қилинган ҳаракатлар

Германиянинг келишиб қилинган ҳаракатларни тартибга солувчи Рақобатга қарши чеклаш қонуни нормалари барча миллий қонунчиликлар ичида энг мукаммали деса муболаға бўлмайди. Шерман Қонунидан фарқли тарзда ГФР қонуни рақобатни чеклаш бўйича ҳар хил битимлар, бирлашишлар ёки келишиб олишларга нисбатан умумий тақиқлашлар йўқ. Унда чеклашнинг маълум шакллариغا нисбатан алоҳида нормалар қайд қилинган, уларга қуйидагилар киради:

1. Горизонтал чеклашлар (1-13 моддалар)

2. Вертикал чеклашлар (14-18 моддалар)
3. Камситувчи чеклашлар (20 модда)
4. Бойкотлар (21 модда)

Лекин, ГФР “Рақобатни чеклашга қарши Қонуни” Европа Иттифоқи нормаларига мослаштирилган.

Хулоса қилишимиз мумкинки, Германия кейинроқ индустрия йўлига ўтган бўлса ҳам жуда тез биринчилар қаторига етди. Ҳозир у ўрта индустриялаштирилган мамлакат ҳисобланади. Миллий хўжаликда бошқа мамлакатларга нисбатан саноат ҳиссаси катта – у ЯИМда 39 фоизга тенг. У жуда тез тузумий ўзгаришларни амалга оширади. Саноатда етакчи соҳалар асосни ташкил этади. Илм сиғимли тармоқлар, анъанавий тармоқларни янги технология асосида қайта янгилаш, техник ривожлантиришда рақобатдан кенг фойдаланиш Германия саноати учун хос хусусиятдир.

Германиянинг ижтимоий бозор хўжалигининг немисча миллий модели иқтисодий тараққиёт учун зарур бўлган миллий бирлик, давлат билан аҳоли ўртасидаги мувозанат мустаҳкамлиги, иқтисодий ўсишдаги зарур ресурсларни тўғри тақсимлаб, улардан самарали фойдаланишдаги энг маъқул усул бўлиб, ўзининг ҳаётийлигини ўтган давр ичида исботлаб берди. Ҳақиқатдан бу модел тахсинга сазовор ва уни ўрганиш фойдадан холи эмас.

Германиянинг Шарқда иқтисодий қолоқлик борган сари йўқ бўлиб, умумий ўсиш ҳам бошланади. ГФР социалистик лагерда энг илғор мамлакат ҳисобланарди. Шунга қарамай кўшилиш олдидан унинг ЯИМ жон бошига ҳисоблаганда Ғарбий Германияга нисбатан 1/3 қисмга тенг эди. 1996 – йилга келиб 57 фоизга кўтарилади. Шарқий зонада 1994 – йилданок жонланиш бошланиб, ЯИМ 8 фоизга ўсади. Ғарбий қисмда бу 2,5 фоизга тенг бўлиб, умуман ГФРда 3 фоизни ташкил этади. Ишсизлик анча пасайиб, давлат харажатлари ва солиқ тўловлари даражаси пасая бошлади.

Германияда Шрёдер дастурининг амалга оширилиши ва унда белгиланган тадбирларнинг тадбиқ этилиши, ўз натижаларини бериб Германия иқтисодиётининг бозор муносабатлари асосида ривожланишини тезлаштирди. Бу эса Германия иқтисодиёти салоҳиятини кўтариб, жаҳон хўжалигидаги ўрнини мустаҳкамлайди ва ўзига хос эътиборни жалб этади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Германия бозор иқтисодиёти салоҳиятини айтиб беринг.
2. Германияда ЯИМ ва унинг жон бошига тўғри келишини тавсифлаб беринг.
3. Германия иқтисодиёти тузумий таркибидаги асосий хусусиятлар нималардан иборат?
4. Германия ижтимоий бозор иқтисодиёти тушунчаси нимани билдиради?
5. Германиянинг қўшилиши билан боғлиқ бозор иқтисодиёти муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари нималардан иборат бўлган?
6. Шрёдер ислоҳатининг мазмуни нимадан иборат?
7. Европа Иттифоқи иқтисодиётидаги Германиянинг ўрни нималар билан ифодаланади?
8. Германияда Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари нималарда намоён бўлди?
9. Германия саноатининг ривожланишида давлатнинг тутган ўрни нималардан иборат?
10. ГФР ва ГДР нинг қўшилишига сабаб нималардан иборат?

7-БОБ. ФРАНЦИЯДА ИЖТИМОЙЛАШТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

7.1. Франциянинг иқтисодий хусусиятлари

Франция жаҳонда иқтисодий тараққиёти бўйича бешлар қаторига киради. Худуди ва аҳоли сони бўйича Европанинг йирик мамлакатларидан ҳисобланади. Аҳоли сони 59 млн. кишидан иборат. ЯИМ бўйича дунёда 5-ўринни эгаллайди (1,4 млрд. доллар, аҳоли жон бошига ЯИМ 23,7 минг доллар). Саноат ишлаб чиқариши, савдо хажми бўйича учинчи ўринда туради. Ғарбий Европада саноат ишлаб чиқариши бўйича 17 фоизга тўғри келса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг 20 фоизи тўғри келади.

Франция
Ташқи қарз (ялпи ички маҳсулотга нисбатан, %): 244,3%
Ялпи ташқи қарз миқдори: 5,23 трлн. \$
Ялпи ички маҳсулот (2009): 2,09 трлн. \$
Киши бошига тўғри келувчи ташқи қарз миқдори: 79 982 \$

Франция иқтисодиёти қудратли индустриал асосли, диверсификациялашган ишлаб чиқаришга эга ва яхши ривожланган авиаракетасозлик, энергетика, транспорт ва алоқа, агросаноат секторлари каби стратегик тармоқларга эга. Кўмир, темир руда, боксит, газ, уран рудаси, калий тузи каби табиий бойликлари мавжуд.

Мамлакат иқтисодиётида илмий тадқиқот ва ахборот хизматлари муҳим ўрин эгаллайди. Атом энергетикаси, авиацион техника, эленктрон техника кабилар бўйича илмий тадқиқотлари аҳамиятлидир. ИТТКИ ялпи харажатлари бўйича жаҳонда тўртинчи ўринда туради. Бу харажатлар асосан саноатда электроника, авиаракетасозлик, кимё, формацевтика, энергетикага қаратилиб, фақат 19 фоиз ҳарбий саноат комплексига тўғри келади. Жаҳонда учинчи даражали атом ядроси мамлакати ҳисобланади ва Ғарбий Европада ракетасозлик бўйича етакчи ўринда туради.

Франция жаҳонда иқтисодий тараққиёти бўйича бешлар қаторига киради. Худуди ва аҳоли сони бўйича Европанинг йирик мамлакатларидан ҳисобланади. Аҳоли сони 59 млн. кишидан иборат. ЯИМ бўйича дунёда 5-ўринни эгаллайди (1,4 млрд. доллар, аҳоли жон бошига ЯИМ 23,7 минг доллар). Саноат ишлаб чиқариши, савдо хажми бўйича учинчи ўринда туради. Ғарбий Европада саноат ишлаб чиқариши бўйича 17 фоизга тўғри келса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг 20 фоизи тўғри келади.

ЯИМ таркибий тузуми ўзига хосликка эга. Қишлоқ хўжалиги катта салмоғлигига қарамай фақат 2 фоизни ташкил этади, саноатда эса 42 фоиз ва бунинг ичида машинасозлик 31 фоизгача этади.


Миллий саноатда автомобилсозлик етакчи ҳисобланади ва хусусий “Пежо-Ситроен” ҳамда давлат “Реноси” жаҳоннинг 5 фоиз енгил автомобиллини ишлаб чиқаради. Энергетика жихозлари бўйича дунёда Япониядан кейин иккинчи ўринда туради. Илм сиғимли тармоқлар ишлаб чиқаришда устиворликка эга.

Анъанвий ишлаб чиқариш ҳиссаси пасайиб бормоқда. Бу хатто озиқ-овқат саноатига ҳам тааллуқли. Маълумки, бунда Франция доимо Ғарбий Европада энг салмоғли ҳисобланади.

Франциянинг ЕИ аграр сиёсатига қўшилиши билан ўзини таъминлаш йўналиши бўйича буғдой, вино, қанд, сут, гўшт етиштириш тезлашди. Бунда кенг бозор мавжудлиги, кафолатли нарх-наво ва кафолатли сотиш шароитлари кабилар қишлоқ хўжалигини рағбатлантирди.

Франция қишлоқ хўжалигида бандлик 6,4 фоиз бўлиб, ЕИнинг 25 фоиз маҳсулотини беради. Бу Франциянинг аграр маҳсулотлар етиштириш бўйича Ғарбий Европада биринчи ва дунёда учинчи ўринга чиқарди. Бундай маҳсулотлар экспорти бўйича АҚШдан кейинги иккинчи ўринни қаттиқ ушлаб турибди. Бунда йирик хўжаликлар барча маҳсулотнинг 2/3 қисмини яратади. Чорвачилик асос бўлиб, аграр хўжаликнинг 2/3 маҳсулоти шунга тўғри келади. Анъанавий равишда Франция виночилик, боғдорчилик билан доврўғи чиққан. Қишлоқ хўжалиги юқори даражада индустрлаштирилган. Ўз таъминоти бўйича ғалла ва қанд етиштириш 200 фоиз, сариеғ, тухум, гўшт бўйича 100 фоизни ташкил этади.

7.1.1.-чизма
Франция иқтисодиётининг диверсификацияси



Хўжалик фаолияти ташкилийлиги бўйича ҳам ўзига хослик мавжуд. Ишлаб чиқариш ва капитал марказлашуви, концентрациялашув даражаси юқори бўлиб, 10 та молия-монополистик гуруҳ ҳукмронлик қилади. 100 та йирик компания саноат ишлаб чиқаришнинг 2/3 қисмини ўзида жамлаган. Масалан,

қора металлургияда давлат йирик пўлат эритиш “Юзинор-Сасилор” компанияси мамлакатнинг 70 фоиз пўлат қўйиш ва 98 фоиз экспортини ташкил этади.

Бунди автомобилсозлик, электроника саноатида ҳам кўриш мумкин. Рангли металлургияни олинса, бунда ҳам асосан икки компания ҳукмронлик қилади. Авиасозлик саноатида бўлса 2 ва 3 та йирик компаниялар бутун тармоқни ўз қўлида ушлаб туради.

Бундай ҳолатни озиқ-овқат саноати, қурилиш, транспорт ва савдода ҳам кўриш мумкин. Бундай хусусиятни жаҳон миқёсида ҳам учратамиз ва баъзи тармоқларда Франция компанияларининг жаҳон лидерлиги даражасида учратамиз. Кимё саноатида шундайлардан “Пешипс”, босмахонада “Ашет”, электрокабелларда “Кабль де Лион”, самолётлар навигацияси бўйича “Томпсон” кабиларни мисол келтириш мумкин.

Майда ва ўрта бизнес ривожини олсак, бу ҳам кўзга кўринарли даражададир. Бунга корхоналар сонининг 99 фоизига тўғри келади. Номолиявий бозор хизматининг 83 фоиз, қурилишнинг 80 фоиз, савдонинг 79,3 фоизига тўғри келади. Саноатда булар сони фақат 36 фоизга тенг.


Тадбиркорлик шакллари бўйича Франция анча фарқланади. Асосан тижорат корхоналари яккашахслик корхоналаридан иборат бўлиб, барча кичик ва ўрта корхоналарнинг 2/3 қисми шунга тўғри келади. Бундан ташқари тўла шериклик, акционер-коммандит, чекланган жавобгарлик ва акционер жамиятлари мавжуд. Айтайлик, улгуржи савдода энг кенг тарқалган тадбиркорлик фаолияти жавобгарлиги чекланган жамиятлар (компанияларнинг 44 фоизи), хусусий фирмалар (29 фоиз) ва акционерлик жамиятларига (22 фоиз) тўғри келади.

Француз майда ва ўрта корхоналарининг самарали фаолияти кўпинча тор мутахассислашув, чакқонлик ва ишлаб чиқариш маневрига асосланган. Шу билан бирга улар юқори ва технологик янги иқтисодий тармоқларга мойиллиги билан фарқланади. Фармацевтика, аниқ асбобсозлик тармоқларида майда ва ўрта корхоналар маҳсулотнинг деярли ярмини ишлаб чиқаришади.

Шу билан бирга йирикларга нисбатан бозор конъюктураси асосида турғунсизликка эга ва тез-тез ёпилиб турадики, фаолият муҳлати 2-5 йилгагина давом этадигани жуда кўп. Экспортга келинса, буларнинг имкониятлари кўп эмас. Чунки деярли 60 фоиз бу соҳа билан шуғулланмайди ёки кам шуғулланади.

Франция молия-кредит тизимида 6 хил кредит муассасаларини ажратилади, булар банклар, банк кооперативлари, молиявий шериклик, молия жамиятлари ва махсус молиявий институтлар. Барча кредит муассасалари бир касб ташкилоти ҳисобланади. Франция кредит муассасасига бирлашган. Буларда банк сектори асос бўлиб, кредит хажмининг 70 фоизи шунга тўғри келади. 400 га яқин банклар мавжуд. Шу билан бирга кенг тармоқли чет мамлакатлар банклари фаолият кўрсатади. Олтита Франция банки жаҳондаги энг йирик 50 та банклар қаторига киради.

7.1.2.-чизма
Франция иқтисодиётининг ривожланган соҳалари



Франция давлат банки Марказий банк ҳисобланади. Унинг энг муҳим вазифаси казначейликни кредитлашдан иборат. Шу билан бирга ҳукуматнинг ҳисобли операцияларини бажаради. Банклар икки йирик бўлақдан иборат: кредит-молия муассасалари ва халқ банки кабилардир. “Сосьете Женерал”, “Париба” банклари Францияда энг йирик ва Европада учинчи ўринга эга. 20 га яқин савдо банклари мавжуд бўлиб, булар асосан капитал ва капитал жойлаш бозори билан боғланган. Бундан ташқари йирик компаниялар банклари фаолият кўрсатади. Кооператив банкларнинг фаолияти ҳам кенг ва операцион бўлимларнинг 60 фоиз ва жорий қуйилмларнинг 30 фоизи шуларга тўғри келади. Буларнинг айниқса аграр сектордаги фаолияти хажмлидир.

Молия капитали билан саноат капиталларининг бир-бирига қўшилиб кетиши натижасида йирик молиявий саноат гуруҳлари пайдо бўлиб, буларнинг мамлакат иқтисодий сиёсатининг шаклланишида ва уни ҳалқаро алоқаларида таъсири каттадир. Франция иқтисодиёти бир неча молия гуруҳлари билан ўралган бўлиб, буларни ичида “Париба”, “Сюзэ”, “Ротшильд ва Ампен-Шнейдер” гуруҳлари энг етакчиларидир. Йирик компанияларнинг манфаатларини эса француз тадбиркорлари миллий Кенгаши

(Патронат), шунингдек тармоқлар, тармоқлараро тадбиркорлар ташкилотлари қўллаб-қувватлайдилар.

Энг тавсифлиги молиявий гуруҳлар билан концернларнинг Европа Иттифоқи ягона ички бозори ичидаги алоқаларидир. Францияда хатто Париж-Лилль-Страсбург уч бурчаги пайдо бўлиб, бунда бир қанча Франко-Бельгия, Франко-Голландия ва бошқа мамлакатларнинг аралаш корхоналари юзага келган. Ягона Европа лойихалари муваффақиятли равишда амалга оширилган бўлиб, ЕИ энерготтизимли қўрилиши, Марсель-Страсбург-Бонн, Ламанш тагида қурилган темир йўл тонелига ўхшаганлар шулар жумласидандир.

Франция иқтисодиётида юз бераётган таркибий-тузумий ўзгаришларда ташқи иқтисодий алоқалар алоҳида ўрин эгаллайди. Бунинг ичида энг аҳамиятлиси албатта ташқи савдодир. Чунки бу энг йирик ўзгарувчан ва ҳалқаро муносабатларда қатнашувнинг энг муҳим шаклидир. Кейинги ўн йилликлар ичида ташқи савдо умумий иқтисодий ўсишга нисбатан тезроқ кенгайиб бормоқда ва миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига қарамлик даражаси кўтарилмоқда.

Франция иқтисодиёти ташқи алоқалар учун доимо очик ҳисобланади. Агар аҳоли жон бошига ҳисобласак, Францияда йилига 8700 долларга тўғри келади. Буни таққосламоқчи бўлсак, АҚШда – 4800, Германияда – 11000, Буюк Британияда – 7200 долларга тўғри келишини кўрамиз. Демак, бу кўрсаткич бўйича Франция Германиядан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди. Товарлар ва хизматлар импорти ЯИМга нисбатан 23,5 фоиз, экспорт эса 23 фоизга тенг келади. 90 – йилларга келиб импорт экспортга нисбатан ортиб кетди. Бу эса тақчиллик балансини юзага келтирди. Натижада Франция иқтисодиётидаги муаммога айланди.

Франция иқтисодиётининг оқиқлиги етакчи тармоқларда экспортнинг кўпайишида ўз аксини топади. Франция жаҳон экспортида қуйидаги саноат товарлари бўйича сезиларли ҳисобланади: электротехника жихозлари (9 фоиз), рангли метал ва органик кимё маҳсулотлари (9 фоиз), нозик кимё ва қора металлургия (10 фоиз), фармацевтика товарлари (12 фоиз), каучук ва пласмасса буюмлари (13 фоиз), ойнак (14 фоиз) кабилардир. Лекин кейинги йилларда товарлар сифати ва хавфсизлиги даражаси, ўз вақтида таъминлаш, сотувдан кейинги хизматларни уюштириш, экспорт эгилувчанлиги, реклама харажатлари кабилар бўйича энг етакчи АҚШ, Германия, Япония, Италия ва Буюк Британия мамлакатларидан

орқада қолабошлади. Рақобатбардошлиги паст товарлар кўпаябошлади. Шунинг учун ҳам давлат тартиблаштириш механизмларида ўзгаришлар юз бериб, бу аввало экспортга қаратила бошлади.

Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича Франциянинг энг муҳим шериклари ЕИ мамлакатларидир. Мамлакат товар айланишининг 60 фоизи шуларга тўғри келади. Шунингдек экспорт ҳам – 60 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича эса 78 фоизгачадир. Автомобилсозлик бўйича бу кўрсаткич 70 фоизга тенг. Бунда қўшни Германия асос бўлиб, экспорт бўйича 16 фоиз ва импорт бўйича 20 фоизга тўғри келади. Иккинчи ўринда Италия туради ва бунга 12 фоизга тўғри келади. Буюк Британия ҳам алоҳида ўрин эгаллаб, унга атом электр станцияларидан электр қуввати экспорт қилиш ортиб бормоқда. Инвестицияда ҳам бу мамлакатлар асос бўлиб, буларга Франция капитал чиқарилишини 70 фоизи тўғри келади.

Кейинги муҳим шерик АҚШ бўлиб, бунинг ҳиссаси 6,1 фоиздан иборат. Асосан АҚШга металлургия маҳсулотлари ва юқори сифатли вино, пишлоқ каби товарлар экспорт қилинади. АҚШдан асосан энергетик, кимё ишлаб чиқариши, компьютерлар, авиадеталлар ва шахсий истеъмол товарлари импорт қилинади. АҚШ билан алоқа ташқи савдога нисбатан анча кенгдир. Бунда инвесторлик ҳам катта ўрин эгаллайди ва асосан АҚШнинг металлургия, кимё, кўмир ва нефт саноатларига қаратилади.

Франция йирик капитал импортери ҳисобланади. Бу соҳада Франция ҳукумати эркинлаштириш сиёсатини қўллаб, миллий иқтисодиётда модернизацияни кенг қўллаш, илм сиғимли, илғор техникани қўллаш, экспортни кенгайтириш, янги иш жойларини ташкил қилиш, саноати қолюқ худудларда уни ривожлантиришни тезлаштириш кабиларга чет капиталини жалб қилишга ҳаракатни кучайтирмоқда. Ҳозирга келиб Францияда илғор тармоқлар корхоналарининг ярмидан кўпи чет капитал назоратидадир. Умуман ҳозир жами товар айланишининг 1/4 қисми ва экспортининг 1/3 қисми чет фирмалари ҳисасига тўғри келади.

7.1.1.-жадвал

Франция иқтисодиётининг асосий кўрсаткичлари динамикаси

	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997
ЯИМ	0,8	1,3	-1,5	2,9	2,7	2,2	3,1
Саноат	0,3	-0,1	-2,7	3,8	2,3	1,1	10,0
Инфляция	3,3	2,1	2,5	1,3	2,1	2,1	0,5

Инвестициялар	-0,7	-3,1	-5,8	1,6	2,2	-0,5	0,7
Шахсий истеъмол	1,3	1,4	0,2	1,5	1,9	2,1	0,5
Экспорт	3,9	4,9	-0,4	5,8	6,0	4,8	11,1
Импорт	2,8	1,1	-3,4	6,8	4,2	2,8	6,8
Давлат бюджети							
етишмовчилиги	-1,9	-3,3	-4,9	-4,2	-3,8	-3,5	-3,1
ЯИМга (% да)							
Ишсизлик	9,4	10,4	11,7	12,5	12,5	12,5	12,5
Давлат қарзи							
ЯИМга (% да)	41,1	45,4	52,6	54,7	57,5	59,1	57,8

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Франция иқтисодиётининг тикланишида Кольбертизм ғояси асос қилиниб, иқтисодиётни юқори даражага етказиш асосий мақсад қилиб олинади. Кенг миқёсда миллийлаштириш амалга ошиб, 1945-1947 йиллар ичида электроэнергия, кўмир қазиш, газ саноати, денгиз флоти, ҳаво транспорти, “Рено”, Франсбанк, депозит банклар, суғурта банклар давлат ихтиёрига олинади. Мамлакатнинг 20 фоиз ишлаб чиқариш қуввати давлат қўлига ўтади. Монополистлар компенсацияланиб, пуллар бошқа тармоқларга сарфланади. 3 йил ичида саноат ва 5 йил ичида қишлоқ хўжалиги тикланади.

7.2. Иқтисодиётда давлат ўрни

Барча бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ичида Франция давлатининг иштироки юқори ва иқтисодиётда ҳиссаси кўп мамлакат ҳисобланади. Иқтисодий тараққиётда давлатнинг бевоситалиги ва эътибори юқори мамлакатлардандир. Бу асосан икки томонлама ўз ифодасини топади. Биринчиси, давлат иқтисодий секторининг кенглиги ва давлатнинг бозор иқтисодиётидаги субъектлик даражаси бўлса, иккинчи умумиқтисодий вазифалар ва иқтисодиётни, айниқса бозор иқтисодиётини тартибга солиб боришдир.

Давлат секторининг миллий иқтисодиётдаги ҳиссасини сезиларли даражада эканлиги Франциянинг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Миллийлаштирилган фирмалар акционерлик жамиятлари юридик шаклига эгадир. Буларнинг акциялари бевосита ёки миллийлаштирилган банклар, молия ташкилотлари орқали билвосита давлат эгалигидадир.

Тармоқлар бўйича олсак, давлат компаниялари асосан автомобилсозлик, қора металлургия, авиакосмос, электрон, кимё, нефтгаз саноатларида фаолият юргизади. Маълумки, бу тармоқлар одатда кўп харажатли ва юқори инвестицияли ҳисобланади. Шу билан бирга хусусий компаниялар етарли даражадаги фойдани ололмай, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашда қийинчиликларга дуч келадилар. Энг муҳими шуки, бу тармоқларнинг халқ ҳўжалигидаги аҳамияти каттадир.

Францияда тарихан уч хил давлат корхоналари мавжуд. Биринчиси, бевосита давлат корхоналарига кирмайди, бироқ одатий маъмурий тартибда бошқарилади ва давлат ҳуқуқийлиги асосида фаолият

Нарх-навони сақлаш мақсадида давлат бир қисм пулни муомаладан олиб, мувазанатни таъминлаш чораларини кўллади. Лекин бу иккинчи томондан саноат ўсишига салбий таъсир эта бошлади, чунки харидлик даражасини пасайтириш билан боғлиқ эди.

кўрсатадилар. Булар почта ва алоқа, миллий нашриёт, касалхоналар, депозит кассалар кабилардир.

Иккинчи хили, капиталлари тўла давлат ихтиёрида бўлиб, фаолияти хусусийлик ҳуқуқий ҳаракат асосида бўлади. Буларга нефт ахтариш ва уни олиш, Париж аэропортларини бошқариш, денгиз портларини ва бошқа шу кабиларни бошқариш киради.

Учинчи хили, аралаш иқтисодиётга қарашли бўлиб, назорат пакети давлат кўлида бўлади. Давлат секторига қарашли корхоналарнинг ярмидан кўпи шундай корхоналардир.

Давлат иқтисодиётидаги иккинчи томон давлат иқтисодий тартиблаштириш билан боғлиқ фаолиятдир. Бу асосан диверсификация тарзидаги амалиётдир ва индикатив режалаштиришни ҳам ўз ичига олади. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бир неча ўн йиллардан бери давом этиб, бу тўхтовсиз кучайиб борган. Агар давлатнинг харажатлари ЯИМга нисбатан XX – аср бошида 10-15 фоизни ташкил этган бўлса, 90 – йилларга келиб 45 фоиздан ортиқ бўлган. Бу соҳадаги асосий вазифалар Иқтисодиёт вазирлигига юклатилади. Шу билан бирга молия ва бюджет орқали амалга оширилиб, Франция иқтисодий сиёсатини бир-бирига боғлайди. Бозорга таъсир кўрсатишда иқтисодиётда бюджет тартибга солиш қуролидан ҳисобланади. Чунки у муайян солиқ сиёсати ва маъқул мақсадли дастурларни амалга оширишни бажаради.

Солиққа келсак, давлат бунинг амалга ошуви туфайли мамлакат бюджетининг даромад қисмини амалга ошириш билан бирга миллий иқтисодиётнинг ривожланишдаги расмий устуворликни амалга ошириш амалиётини ҳам ифодалайди. Давлат бюджетининг даромад қисмининг 90 фоизини солиқ йиғими ташкил этади. Шу билан қурол-аслаҳалар сотиш кабилар ҳам маълум ўрин эгаллайди.

Бюджет харажатларида таъминот ва маданият, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, иш жойлари яратиш, муҳофаа, ижтимоий тўловлар асосий ўрин эгаллайди. Бундан ташқари давлат йирик илмий-тадқиқот ишларини, иқтисодий дастурларни молиялаштиришни амалга оширади. Асосан бунда энг илғор истиқболли дастур ва лойиҳалар ўрин эгаллайди. Булар Франция фирмаларининг яқин орада робототехникаси, алоқа воситалари, янги материаллар яратиш, биотехнология, ахборот, мироэлектроникалар бўйича етакчи мамлакатлар қаторида бўлиш имконини туғдиради.

Давлат фаолиятида, уни иқтисодий тартиблаштириш соҳасида ташқи савдо ҳам алоҳида ўрин олиб, бунда ҳам энг илғор ўринларни эгаллаш чораларини қўлланилмоқда. Аввало бу экспортга қаратилгандир. Тартиблаштиришда француз товарлари рақобатбардошлик даражасини кўтариш энг муҳим бўлиб, бу комплекс асосда амалга оширилмоқда. У товарларни сотиш жараёнидан ташқари ишлаб чиқаришни ҳам ўз ичига олади. Бундаги давлат ҳаракати селектив ва мақсадли йўналишли бўлиб, унинг асосий ўқи молия-кредит ва маъмурий соҳаларни ўз ичига олади. Давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни унинг ялпи маҳсулотга ва даромад тақсимоотидаги иштироки, давлат секторида бандликни юқорилиги ҳам тасдиқлайди. ЯИМнинг 54 фоизи давлат томонидан тақсимланади. Давлатдаги бандлик даражаси 24 фоизга етади. Кадрлар тайёрлашда ҳам ўрни катта бўлиб, олий ўқув юртларида фақат давлатга қарашли корхона, ташкилотларда ишлаш учун кадрлар тайёрланади.

Давлатнинг аҳоли ижтимоий ҳисобидаги ўрни жуда катта бўлиб, асосий ишлар давлат томонидан бажарилади ва харажатлар ҳам давлат орқали амалга оширилади. Ижтимоий тўловлар ЯИМнинг 19,3 фоизини ташкил этади. Бу дунёда энг юқори кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Франция давлатининг иқтисодиётдаги ўрни айниқса миллийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларида жуда

аҳамиятлидир. Бу жараёнлар иқтисодий ва унинг талабларига қараб Францияда жуда фаол ёндошув амалга оширилади. Бундай ҳолатлар айниқса 80-90 йилларда яққол кўзга ташланади. Айтайлик, 80 – йиллар бошларида Европа ривожланган мамлакатларига АҚШнинг валюта-молиявий сиёсати катта таъсир кўрсатди. Долларнинг курси шиддатли равишда кўтарилиб, Франциянинг савдо етишмовчилигини ўсишига олиб келди. Чунки тахминан 1/3 француз импорти доллар билан тўланар эди, бу эса 1981 – йилни ўзидаёқ 92 млрд. франка тенг эди. Бунинг таъсири ишсизликни ўсиши, истеъмол товарлари нархининг ўсиши ва бир қанча ижтимоий кескинликларга олиб келди.

Франция давлати иқтисодий кескинликнинг олдини олиш учун бир қанча чора-тадбирлар билан бирга корхоналарни миллийлаштиришни амалга оширди. Бу жараён асосан бешта йирик саноат гуруҳларини ўз ичига олди. Давлат сектори кескин кўтарилиб, бандлик 25 фоизга етди. Экспортда эса 1/4 ни ташкил этди ва 1/3 саноат маҳсулотини қамраб олди. Бунинг ҳиссасига авиация ва космик саноатнинг 85 фоиз, қора ва рангли металлургиянинг 70 фоиз, Киме саноатининг деярли ярми тўғри келади.

Кредитни тарқатишга катта эътибор қаратилиб, 36 та тижорий ва бизнес банклар давлат ихтиёрига ўтди. Шу билан бирга иккита энг йирик молиявий гуруҳ давлат қўлига ўтади. Булар жуда йирик саноат-молия гуруҳи бўлиб, юзлаб йирик компанияларни бирлаштирар эди. Шундай қилиб, молиялаштириш ва кредит соҳасининг 95 фоизи давлат ихтиёрига ўтади.

Банк воситаси билан саноатга ёрдамлашув сиёсати қўлланилди ва бир қанча тармоқларга имтиёзли кредитлар қўлланилди. Миллийлаштирилган корхоналарнинг баъзи қисмларга имтиёзлар конкрет ҳолатда амалга оширилди. Саноат таркибий тузумини ўзгартириш хусусий корхоналарда ҳам амалга оширилиб, буларнинг хатарлилигини банклар ўз бўйнига олиши керак эди.

Нарх-навони сақлаш мақсадида давлат бир қисм пулни муомаладан олиб, мувазанатни таъминлаш чораларини қўллади. Лекин бу иккинчи томондан саноат ўсишига салбий таъсир эта бошлади, чунки харидлик даражасини пасайтириш билан боғлиқ эди.

Давлат шу билан бирга “Делюр режаси” деб аталмиш дастурни қўллаб, “қаттиқ тежамлик” чорасини қўллай бошлади. Бу аввало ташқи савдо камомадининг олдини олишга қаратилган эди. Солиқлар орттирилиши, мажбурий заём, шунингдек транспорт, даволаш, коммунал хизматлар нархлари кўтарилди. Натижада зарарли иш

юритувчи корхоналар сони камайди ва давлат секторини молиялаштиришга хусусий сектор ҳам жалб этила бошлади.

Буларнинг ҳаммаси тушкунликни олдини олиш ва иқтисодий мустақамлашга ёрдамлаша бошлади. 90 – йилларга келиб иқтисодий мухит ўзгариб, асосий масалаларга ёндошув бошқа талабларни кўйиб, корхона ва ташкилотларнинг хусусийлаштириш сиёсатини талаб эта бошлади ва бунда ҳам давлат кескин тадбирлар қўллаб, иқтисодий ривожини учун зарур чоралар амалга оширилди.

Бунда фирмалар стратегияси манфаатларини эътиборга олиб, давлат аралашувини қисқартириш ҳамда бозор конъюнктурасини эътиборга олиб, мослашувчанликни қўллаш, хўжалик фаолиятини байналминаллаштиришда хусусийликнинг устунлигини эътиборга олиш ҳамда майда акционерларни кўпайтириш ва бунга аҳолини жалб этиш, асос бўлиб ҳисобланган.

90 – йилларнинг биринчи беш йили ичида 65 давлат ва ярим давлат корхоналари хусусийлаштирилиб, бунинг ичида йирик, энг йириклари ҳам мавжуд эди. Булар саноат, банклар, суғурта гуруҳлари эди. Хусусийлаштириш зарур бўлган активлар қиймати 200 млрд. франкка тенг эди. Лекин электроэнергия, газ таъминоти, телекоммуникация соҳалари фақат давлат эгалигида қолиши қатъий эди.

Хўжалик механизмини такомиллаштиришдаги иккинчи йўналиш солиқ тўловларини камайтириш эди. Даромаднинг асосий қисмини хўжаликлар ихтиёрида қолдириб, тадбиркорлар эркинлигини кенгайтириш ва шахсий ташаббусни кўтариш керак эди.

Бундаги давлат сиёсатининг учинчи йўналиши турли иқтисодий фаолият соҳаларидаги чегаралашни камайтиришдан иборат бўлди. 1987 – йилдан бошлаб барча саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги корхоналар ўз маҳсулотлари нархини бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда эркин белгилаш ҳуқуқига эга бўладилар. Фақат бундан китоб, медикаментлар, газ темир йўл истисно эди. Кредит тизими фаолиятига давлат аралашуви кескин камайтирилиб, кредит муассасалари аста-секин хусусийлаштирилади ва кредитдан фойдаланишдаги имтиёзлар бекор қилиниб, эркин бозор фойиз нормалари киритилади.

Бундай давлат сиёсати қисқа вақт ичида ўзининг ижобий яқунларини бера бошлади. Иқтисодий кўтарилиш юз бериб, бу 3-4 фоизга етди. Капитал харажатлар деярли 50 фоизга кўтарилди ва асосий анъанавий тармоқларда ўсиш юз бера бошлади.

Лекин 90 – йиллар бошига келиб иқтисодиётда ахвол яна кескинлаша бошлади. Бунинг асосий сабаби жаҳон бозорида нарх-навоинг экспорт товарларга пасайиши бўлди. Миллий компанияларда ўз сармояларининг етишмаслиги, кредит фоизларининг юқорилиги, йирик қарзлар пайдо бўлиши юзага келади. Булар ҳукуматдан кескин чорлар қўллашни талаб этади. Иқтисодиётни жонлантириш дастури тузилиб, бунда ижтимоий ишларни кўпайтириш, турар жой қурилишини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ўсишини рағбатлантириш ҳамда ишсизликнинг ўсишини тўхтатишлар кўзда тутилади. Шу билан бирга пул-кредит ва валюта сиёсатларига ўзгартиришлар киритилади. Бу тезда ўз натижаларини бериб, франк мустаҳкамлигини таъминлаш, қарзлардан қутилишлар юз берди. Шу билан бирга давлат бу соҳада ўзининг янги сиёсатини эълон қилди. Бундаги энг муҳими баҳо мустаҳкамлигини эълон қилиш эди. Чет валюталар курсига франкни тенглаштириш, муомалада пул миқдорини камайитиришлар юз бера бошлади.

90 – йиллар бошида ишсизликнинг олдини олишга қаратилган чоралардан бири давлат заёми чиқариш бўлди. Бюджетдаги қўлланилган чоралар янги иш жойларини пайдо қилиш, вақтинча иш билан таъминлаш ва ёшларни ўқитиш жараёнларини молиялаштириш имконини туғдирди.

80 – йиллар охири ва 90 – йиллар бошида йирик хажмда хусусийлаштириш амалга оширилди. Бу хатто рақобатбардош давлат корхоналарини ҳам ўз ичига олади. Бу юқори рентабелли ва йирик корхоналарга ҳам тааллуқли эди. Бунда молиявий бюджетга хос фикрлашув асос қилиниб, давлат мулки тўғрисида етакчи партияларнинг стратегик масалалари бўйича яқинлашуви натижаси устунлик қилди.

7.3. Ижтимоийлаштирилган бозор иқтисодиёти

Франция бозор иқтисодиёти чуқур ижтимоийлаштирилган бўлиб, бунинг марказида давлат туради ва уни “фаровонлик давлат” деб аташади. Францияда аҳолининг барча қатламлари фундаментал ижтимоий талаблар бўйича мамлакат томонидан жалб этилган соғлиқни сақлаш, нафақа таъминоти, оилавий сиёсат, ишсизлик бўйича суғурталаш, даромад манбаи бўлмаганларга минимал тўловлар кабилар бўйича давлат кафолатлиги таъминланган. Ижтимоий таъминот учун йилига 2800 млрд. франк сарфланади. Бу

456 млрд. долларга тенг бўлиб, ЯИМнинг 35 фоизини ташкил этади. Таққосласак, даражаси бўйича Дания, Финляндия, Австрия, Голландия мамлакатларига тўғри келади. Бу мамлакатлар аҳоли ҳисобидан Франциядан анча кичик давлатлар ва кўп томондан шароити яхши мамлакатлардир.

Бунинг ичида бевосита давлат ҳиссаси юқоридир. Чунки бюджет хажми кенг бўлиб, унинг ижтимоий харажатлари қисми каттадир. Ижтимоий тўловлар ЯИМнинг 19,3 фоизини ташкил этади. Бу кўрсаткич АҚШда - 10,4; Швецияда – 14,5; ва Англияда – 6,3 фоизга тенг.

Францияда аҳолининг барча катламлари фундаментал ижтимоий талаблар бўйича мамлакат томонидан жалб этилган соғлиқни сақлаш, нафақа таъминоти, оилавий сиёсат, ишсизлик бўйича суғурталаш, даромад манбаи бўлмаганларга минимал тўловлар кабилар бўйича давлат кафолатлиги таъминланган.

Ижтимоий муаммоларни хал қилишда ва бу соҳадаги назоратни таъминлашда ижтимоий-иқтисодий Кенгашларнинг роли каттадир. Булар микро ва макро даражада бўлиб, демократик асосда шаклланадилар. Макро даражадаги Кенгашлар мамлакат хажмида шаклланса, микро даражадагилари корхона, ташклиотлар даражасида юзага келади. Кенгашлар жамоа томонидан сайланади ва доимо ҳисобот бериб туради. Бу Кенгашлар жамоани ижтимоий ҳимоялаш бўйича ўз дастурларини тузиб, шу асосда ўз фикрларини билдирадилар ва унинг бажарилишини талаб қиладилар. Кенгашлар ўз таклифлари, талаблари ва илтимосларининг бажарилишига катта эътибор қаратади. Акс холда жамоатчиликнинг таъсир – эътиборини бу муаммога қаратиб зарур чоралар белгиланади.

Кенгашлар ижтимоий муассасалар устидан бошқарув вазибаларини адо этадилар. Айтайлик, ошхоналар, турар-жой фондлари, дам олиш жойлари, кутубхоналар, маданий ва спорт иншоотлари кабилар шулар жумласидандир.

Макро Кенгашлар мамлакат миқёсида фаолият кўрсатиб, ҳукумат ва унинг органлари билан мулоқат ҳамда муомалада бўладилар, ўз таклиф, талабларини шу даражада хал қилишга ҳаракат қиладилар, хатто ҳукумат, давлат ечимларига муяссар бўладилар. Шу соҳага тааллуқли қонун-қоидаларнинг юзага келишида ташаббускорлик қиладилар.

Булардан ташқари бозор иқтисодиётининг ижтимоийлик даражасини кўтаришда хусусий институтлар ва ташкилотлар мавжуд бўлиб, булар ўз жамғармаларига эгаллиги ва тижоратдан

фойдаланишлари туфайли кудратли салоҳиятга эга бўлиб, ижтимоий ҳимояда самарали ишларни олиб борадилар.

Ижтимоий масалаларни хал қилишга жамоатчиликнинг иштирок этиши бу соҳада муваффақиятларга эришишда яхши натижалар беради ва бошлиқ, раҳбарларнинг, ҳукуматнинг диққатини жалб этишда кўл келади.

Францияда ҳам иш жойлари қиммат бўлиб, ишчи ва хизматчилар даромади юқори даражададир. Бу бозор ижтимоий йўналишида энг муҳим ўрин эгаллаб, бунга ҳам доимо эътибор берилиб боради. Айниқса, бунда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар катта ўрин эгаллайди. Масалан, 80 – йиллар бошида Ф. Миттеран давлат бошига келганда минимум иш ҳақи даражаси кўтарилган, нафақалар 40-50 фоизга ошган. Бундай тадбирлар заруриятга қараб тез-тез амалга оширилиб турилади.

Ишсизлик ижтимоий соҳада доимо долзарб ҳисобланиб, Францияда бунга тўхтовсиз эътибор қаратилади. Айниқса, бунда янги иш жойларини юзага келтириш аҳамиятлидир. Хатто бу соҳага бюджет харажатлари ҳам вақти-вақти билан сарф этилиб туради.

90 – йиллар бошида ишсизликни олдини олиш мақсадида янги иш жойлари ташкил этиш, вақтинча иш билан таъминлаш кабиларга йилига 110 млрд. франк бюджетдан ажратилган эди.

Ижтимоий ҳаётга тааллуқли барча тармоқларнинг ривожланганлиги, айниқса соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, туризм, оилавий сиёсат, таълим тизими кабиларнинг юқори даражада бўлишлиги бу соҳада инсонга хос юқори ҳаёт даражасига эришиш имконини беради.

Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг юзага келиши бу соҳага яна ҳам самарали таъсир кўрсатади. Чунки бу ривожланган мамлакатлар бирлашмаси бўлиб, аввало бозор иқтисодиётининг ижтимоийлик мазмунига ижобий таъсир этади. ЕИ равнақ муҳитдан иборат ва барча аъзо мамлакатлар иқтисодиётининг ўсишига даъват этади. Рақобатбардошлик, жуда катта Ғарбий бозори юзага келиб, ҳозирнинг ўзида 400 млн. истеъмолчиларга эга. Товар ва хизмат кўрсатишнинг, капиталнинг катта ҳудудда эркин ҳаракат қилиш шароити туғилади. Умумий қишлоқ хўжалик сиёсати қўлланилиб маҳсулотларнинг эркин муомалада бўлиши, молиявий ҳамкорлик, инвестиция ва даромадларнинг ўсиши, қишлоқ хўжалигидаги кафолатликни юзага келиши қишлоқ хўжалигини қайта тиклаш кабиларнинг имкониятлари кенгайди.

Саноатда ҳам шундай ижобийлик юзага келиб, капитал ва ишчи кучи эркин ҳаракати, капитал концентрациялашуви, инвестициянинг кўпайиши, янги тармоқларнинг рағбатланиши, илмий ҳамкорлик, хизмат кўрсатиш соҳасининг рағбатланиши кабилар юқори даражага кўтарилади.

ЕИнинг шаклланиши бошқа ривожланган мамлакатлар қатори Францияда ҳам бозор иқтисодиётининг ижтимоийлашувида янги босқич бўлиб, бу соҳада янги муваффақиятларга эришув кўзда тутилади.

7.4. Жюппе ва Жоспен ислоҳатлари

Ҳалқаро рақобат ва ЕИнинг ташкил этилишининг иқтисодий тараққиёт олдига янги талаблар қўйиши Франция иқтисодиёти олдига ҳам муҳим вазифаларни кўндаланг қилиб қўйди. Бу вазифалар иқтисодиётда ўзгаришларни амалга оширишни, уни замонавий шароитларни эътиборга олган ҳолда тараққиётнинг тезлашувини тақозо этади.

Бундай ўзгаришлар Жюппе ва Жоспен ислоҳатлари деб аталади. Жюппе ва Жоспен Франция ҳукуматининг бошлиқлари бўлиб, ҳукуматнинг бу соҳадаги дастурларини тузишда ва бу дастурларни амалга оширишда бошчилик қилишган ва шахсан фаол иштирок этишган.

Жюппе ислоҳатларининг асосий йўналиши ижтимоий кафолатликни пасайтиришга қаратилган ва бу билан боғланган давлат харажатларини камайтириш, бюджет хажмини қисқартиришга қаратилган. Албатта бу юзаки қараганда халқ манфаатига қарши мазмунга эга ижтимоий ҳимояни сусайтирадиган йўналишга ўхшайди. Лекин ижтимоий ҳимоя даражасини сақлаб бозорнинг ижтимоийлик йўналиши таъминланган ҳолда бу ислоҳатларда кўзда тутилган вазифани бажариш талаб этилар эди.

Бунинг учун ислоҳатда солиқ тизимини ўзгартириш, кенг хажмли хусусийлаштириш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириш кабиларни амалга ошириш кўзланган. Шу билан бирга бевосита ишсизликни камайтириш чораларини қўллаш режалаштирилган. Юқорида кўрсатганимиздек, давлатнинг ижтимоий соҳадаги юки катта бўлиб, бундаги асосий ишларнинг давлат бажарар ва ижтимоий ҳимоянинг деярли барчасини ўзи устига олиб давлат сектори ҳам жуда катта хажмли эди. Бу бир вақтда

зарурият бўлса, энди ижтимоийлик юқори даражадалиги таъминланиши билан бу юкнинг бир қисмини зарарсиз равишда хусусий секторга ва фуқароларнинг ўзига ташлаш йўллари излаш талаб этилиб, иқтисодиётнинг тараққиёти учун янги маъқул усуллари қўллаш зарурияти туғилган эди.


Шунинг учун хусусий секторни имкони борича кучайтириш, бунинг учун кенг миқёсда хусусийлаштириш, солиқларни ўзгартириш ва уларни иложи борича камайтириш тадбирлари амалга оширила бошланади. Хатто энг йирик саноат гуруҳлари ва компаниялари, банклар хусусийлаштирила бошлайди. Ишсизликни олдини олиш билан боғлиқ катта давлат харажатлари амалга оширилади. Кредит имтиёзлари бекор этилади ва банкларнинг корхоналар кафолати тўхтатилади. Давлатнинг хусусий корхона, компанияларга нисбатан қўлланилаётган чегаралашлар тўхтатилади. Баъзи ижтимоий вазифаларни давлат гарданидан олиш ва бу билан боғланган давлат харажатларини қисқартириш бюджетда ҳам, унинг шаклланиш харажатлари шаклий тузумида ҳам ўзгаришлар амалга оширилди. Бу солиқ тизимини ўзгартириш ва нисбатан баъзи хилларини

қисқартиришга олиб келди. Давлатнинг иқтисодиётни тартиблаштиришдаги вазифалари камайтирила бошланди.

Жоспен ислоҳати ҳам асосан шу йўналишда бўлиб, ундаги асосий вазифалар тадбиркорликни

кучайтириш ва иқтисодиётдаги давлат аралашувини пасайтиришдан иборат эди. Бундаги муҳим томонлар акционерлар манфаатини кучайтириш, меҳнат бозорини ислох қилиш, эгилувчан меҳнат ҳақи шакллари қўллаш, касаба уюшмаларининг ролини пасайтириш, валютани кучайтириш кабилардан иборат эди.

Жаҳон тажрибаси, айниқса бозор иқтисоди ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат усулида ташкил



этилган хўжалик юритишга нисбатан хусусий усулда ташкил этилган хўжалик юритиш устунлик қилади. Бундаги энг муҳим ҳолат эркинлик даражаси ва шахсий манфаат даражасидир. Булар албатта хусусий хўжаликда юқоридир. Ташаббускорлик имконини олсак, бунинг ҳам хусусийликдаги устунлигини кўрамиз. Хусусийлик шароитида бозор механизмлари самаралироқ ҳаракатда бўлади. Хўжалик юритишда давлатнинг устунлик томонлари ҳам мавжуд. Лекин ҳамма вақт эмас. Бунда мавжуд шароит, стратегик мақсад ҳал қилувчи аҳамият касб этиши керак. Шунинг учун ҳам зарурият туфайли давлат усулини қўллаш талаб этилади. Лекин имкони борича иқтисод бозор усулида бўлиши ва уни хусусий мулк асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Хатто анъанавий давлат эгалигидаги хўжаликларни ҳам хусусийлаштириш кўпроқ фойдалироқдир ва хўжалик юритиш умуман хусусий бозор усулида ташкил этилиши кутилган самара беради.

Валюта ислоҳатида олдин франк ва евро иттифоқига эришиш тўғрисида бир неча тадбирлар амалга оширилади. Сўнгра евро пулига ўтилади ва натижада франк ҳам Европа Иттифоқи учун умумий бўлган евро билан алмаштирилиб, пул муомаласида катта эркинликка эришилади. Акционерлар манфаатини кўтаришга қаратилган тадбирлар “демократик капитализм” деб аталмиш тамойилга асосланиб, акция эгаларини кўпайтириш, шу туфайли фирма фаолиятида иштирок этиш ва энг муҳими мулкдорлик даражасини кўтаришга эришиш кўзланади. Хатто шу усул билан фаровонликни кўтариш мақсад қилиб қўйилади. Бунда асос қилиб хусусий акционер жамиятлари олинади ва уларнинг ривожланиши қўллаб-қувватланади.

Бу ислоҳатлардан мақсад эркин иқтисодиёт тамойилларидан воз кечган ҳолда эркин бозор иқтисодиёти тамойилларини тан олиш ва уларга кенг йўл очиб самарали фойдаланиш туфайли юқори даражали иқтисодий муваффақиятларга эришиш кўзланади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Франция иқтисодий салоҳияти ва унинг жаҳон миқёсидаги аҳамиятининг тавсифи нимада?

2. Франциянинг Европа иқтисодиётидаги ўрни нималар билан белгиланади.

3. Франция иқтисодиётидаги давлатнинг алоҳида ўрни нималарда ифодаланади?

4. Франция қишлоқ хўжалиги хусусиятлари нималар билан белгиланади?

5. Франция ижтимоий бозор хусусиятларини тушунтириб беринг.

6. Франция ҳозирги замон бозор иқтисодиёти ривожинималарда ўз аксини топмоқда.

7. Франциянинг Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирозидан чиқиш учун олиб борилаётган ислохотлари хақида нималарни биласиз?

8. Ҳозирги даврда Францияда қандай иқтисодий муаммолар мавжуд?

9. Францияда тадбиркорликни қўллаб қувватлашга қаратилган чора тадбирлар нималардан иборат?

10. Франция иқтисодиётида рақобатни ривожлантириш учун нималарга эътибор қаратилмоқда?

8-БОБ. БУЮК БРИТАНИЯ ЛИБЕРАЛ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИ

8.1. Буюк Британия тўғрисида умумий маълумот

Буюк Британия географик нуқтаи назардан яхши жойлашган бўлиб, табиий ва иқлимий томондан ҳам анча устунликка эга. ҳудуди ороллардан иборат бўлиб, денгизларга тўла чиқа оладиган, иссиқ оқим зонасига эга. Бу ҳар томонлама қулайликларни туғдиради. Қишлоқ хўжалиги уюштириш, ҳаёт кечириш учун кўп шарт-шароитларга эга.

Денгиз орқали жаҳоннинг барча қитъа ва ҳудудларига чиқишимконига эга. Шунингдек, кўпчилик ер усти ва ер ости табиий бойликларига эга. Денгиз шельфларидан йилига 100 млн. Тонна нефт ва 50 млрд. м³ газ қазиб олади. Бундан ташқари кўмир, оҳак бойликларига эга. 30 млрд. КВт. электр энергия ишлабчиқаради. Булар энерго ресурслар билан таъминлаш имконини беради. ҳудуднинг 77% қишлоқ хўжалик учун лойиқ ҳисобланиб, бу соҳани яхши ташкил этиш имконини туғдиради.

Буюк Британия узоқ вақт денгиз ҳукмрони бўлиб, энг йирик денгиз флотига эга бўлган. ҳозир ҳам бу соҳада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Англиянинг эрта ривожланиши жаҳонга ҳукмронликни таъминлашга олиб келади ва бир неча аср энг йирик мустамлакачи катта империяни ташкил этган. Шимолий Америка, Австралия, Янги Зеландия, ҳиндистон, Жанубий Африка ва яна бир неча бошқа мамлакатлар Англиянинг мустамлака ва ярим мустамлака, қарам мамлакатларидан ҳисобланган. ҳозиргача ҳам бир неча, асосан ороллардан иборат мустамлака ҳудудлар мавжуд бўлиб уларнинг сони 14 тага етади ва аҳолиси 6 млн. дан ортиқ.

Буюк Британия

Расмий номи - Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги. Пойтахти - Лондон. Ҳудуди - 24410 км кв. Аҳолиси - 61. 634. 782 киши.(2009) Давлат тили - инглиз. Дини - протестантлик (71,6 %), Ислом (2,7 %). Пул бирлиги - фунт-стерлинг.

Географик жойлашуви: Европанинг шимоли-ғарбида. Британ оролларида жойлашган давлат. Иқтисоди: Жаҳондаги энг ривожланган 8 та давлатлардан бири. Нефт ва газ ишлаб чиқариш, машинасозлик(автомобилсозлик,кемасозлик), аерокосмик саноат(дунёда 3-о'ринда), озик-овқат саноати, электроника ва электротехника, тиббиёт анжомлари, кимё саноати, парфюмерия.

Бирлашган Қироллик - 428,8%

Ташки қарз (ялпи ички маҳсулотга нисбатан, %): 428,8%

Ялпи ташки қарз миқдори: 9,12 трлн. \$

Ялпи ички маҳсулот (2009): 2,128 трлн. \$

Киши бошига тўғри келувчи ташки қарз миқдори: 149 281 \$

Империя ўз ички тараққиёти, ривожланган мамлакталар юзага келиши билан емирила борган.

Жаҳонда сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлиги XIX-аср иккинчи ярмида энг чўққига чиқади. АҚШ, Германия каби мамлакатларнинг ривож ва рақобати Буюк Британия жаҳон ҳукмронлигининг сўниб боришига олиб келади. I-Жаҳон Урушига келиб у ўзининг жаҳон иқтисодиётидаги лидерлигини кўлдан бера бошлайди.

Сўнгра мустамлакачилик тизимининг барбод бўла бориши билан ўзига қарам империя худудларидан кетмакет маҳрум бўлиб, собиқ мустамлакалар мустақил миллий давлатчилигига эга бўла бошлайдилар ва Буюк Британияга қарамликдан чиқиб кетадилар ҳамда ўз мустақиллигини таъминлаб ривожланадилар.

Бундай жаҳонда юз берган тарихий ўзгаришлар Буюк Британиянинг абсолют ҳукмронлигини йўқ қилади. II-Жаҳон Урушидан кейин Англия континентал Европа мамлакатларига яқинлашиб боради ва улар билан ҳар томонлама алоқаларни ўрнатиб, уларни мустақамлашга ҳаракат қилади. Шимолий Атлантика ҳарбий ташкилотида етакчилардан ҳисобланади, Европа Иттифоқига аъзо бўлиб, фаол иштирок этади.

Буюк Британия: ЯИМ хажми бўйича бешинчи ўринда турувчи давлат. АҚШ ва ЕҲ монополияга қарши конунчиликларини туси ва шаклини шакллантирган, иқтисодиётни ва ҳуқуқшуносликни англо-саксон турини асоси.

Жаҳон сиёсий ва иқтисодий ҳаётида лидерликни кўлдан берса ҳам, барибир ҳозир ҳам дунёда энг таъсирли мамлакатлардан бири бўлиб, энг ривожланган ил-ор индустриал либерал бозорни етакчи мамлакатларидан ҳисобланади. Шу билан бирга ўз хусусиятларини сақлаган ҳолда ҳар томонлама фарқланадиган томонларга эгаки, бу айниқса иқтисодий ҳаётда ўз аксини топиб, континентал Европадан фарқли ўлароқ англо-саксония бозор моделига эга. Шу билан бирга у жаҳонджа энг тараққий этган юқори индустриал ривожланган мамлакатлардан бўлиб, саноат, ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқот ҳамда ишловларга бўлган харажатлар бўйича энг илғорлардан ҳисобланади. Энг катта экспортёр ва импортёр мамлакатлар қаторига киради.

Буюк Британиянинг худуди 244,1 минг кв²га тенг. Бунга Шимолий Ирландия ҳам киради. Аҳолиси 57,9 млн. кишини ташкил этади. Асосий халқи инглизлар бўлиб 90%га тенг келади. Пул бирлиги фунт стерлинг ҳисобланади. 1997 - йилда ЯИМ - 1,3 трлл. Доллардан, аҳоли жон бошига эса 22 минг доллардан тўғри келган.

Жаҳон иқтисодиётида биринчи ўринни эгаллайди. Аҳолининг 4/5 қисми шаҳарлардар истиқомат қилади.

Йирик иқтисодий шериклари АҚШ, Германия Федератив Республикаси, Франция ва Нидерландия ҳисобланади. Экспорт ва импортнинг 50% Европа Иттифоқига тўғри келади. Буюк Британия денгиз портларидан йилига камида 500 млн. тонна юк ўтади.

Катта меҳнат ресурсларига эга. Улар юқори малакали ишчилар билан бирга олимлар ва кўзга кўринган донишмандлардан иборат.

8.2. Буюк Британия тўнғич индустриал мамлакат

Буюк Британия дунёда биринчи бўлиб индустриал тараққиётни бошлаб берган ва саноат инқилобини амалга оширган мамлакат ҳисобланади. Бу жамиятнинг кескин ўзгариши, тараққиётнинг кескин тезлашувида тақдирий ўрин эгаллайди. Энг муҳими қўл меҳнатини машиналар, станок, мослама, жиҳозлар билан алмашинуви даврини бошлаб беради. Маълумки, саноат инқилоби меҳнат унумдорлиги ўсишида кескин ва инқилобий ўзгаришга олиб келади ва натижада иқтисодий тараққиёт янги даврни бошлаб беради.

Индустрия мануфактура тараққиётининг натижаси бўлиб, у асбоб-ускуналарнинг кескин такомиллашуви ҳамда улардан машиналарга ўтиш шарт-шароитлари ва моддий, ташкилий асосларини яратган эди. Машиналар яратилиши, буғ энергиясидан фойдаланиш энг муҳим ходиса эди. Булар замонавий завод, фабрика ишлаб чиқаришларини юзага келтирди.

Бундай кескин ўзгариш аввало тўқимачиликда амалга ошади. Сўнгра машинасозлик, металлургия тармоқларини пайдо қилади. Паравоз ва темир йўл транспортининг ватани ҳам Буюк Британия ҳисобланади. Англиядан индустриал тараққиёт ва саноат ўзгаришлари Европа контингентига ёйилади ва унда ҳам Франция, Италия сўнгра Германияда индустриал корхоналар пайдо бўла бошлайди.

Машинасозлик, металлургия ва қазиб олиш саноатини пайдо қилади, уни кескин ривожланишига олиб келади. Анъанавийга айланган саноат тармоқлари пайдо бўлиб, улар такомиллашиб боради.

Буюк Британия саноатининг ҳозирги ҳолатини тавсифласак, бунда қазиб олиш саноати билан ишлов бериш саноатининг салмоғи катта. Кўмир саноатида рентабелсиз шахталар ёпилган. Лекин нефт

ва газ саноатига аҳамият кучайтирилган. Бунда Шимолий денгиз шелфлари асосий ўринни эгаллайди. Бу саноати тармоқғида технология доимо ўзгариб, энг илғорлари қўлланилиб борилади ва жаҳонда лидерлик қилишга ҳаракат қилади.

Транспорт машинасозликни ўрни катта бўлиб, саноат ишлаб чиқаришнинг 12,4%ини ташкил этади. Бунда автомобилсозликнинг аҳамияти катта бўлиб, Асосан АҚШ ва Япония компаниялари асос бўлиб ҳисобланади. Масалан, Ровер ва Фрд, Хонда ва Нисан, Тойота кабилар 99%ни ташкил этади.

Бу соҳада кemasозлик ҳам катта хажмга эга. Аэрокосмик саноати ҳам ривожланиб, у АҚШ ва Франциядан кейин учинчи ўринда туради. Бунда самолёт, вертолёт, аородвигателлар ишлаб чиқарилади.

Озиқ-овқат саноати умумий ишлаб чиқаришда 12,5%га тенг бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сут ва виночиликларни ўз ичига олади.

Умумий машинасозлик асосан қишлоқ хўжалик техникаси, станоклари ва тўқимачилик жиҳозлари ишлаб чиқаришдан иборат. Станоклар ишлаб чиқариш бўйича дунёда еттинчи ўринда туради.

Буюк Британия саноатида электрника ва электротехника етакчи ўринларда туради. Бунда компьютерлар, айниқса машҳур IBM ва Сотрадлар, дастурлар билан таъминлаш, суперкомпьютер ва процессорлар, телекоммуникация воситалари, тиббиёт жиҳозлари, маиший техника кабилар ўрин эгаллайди.

Кимё саноатини олсак, у 11% хажмга эга. Бунда формацевтика, агрокимё, парфюмерия ва янги материаллар асосий ўрин эгаллайди. Дориворлар ишлаб чиқариш бўйича Буюк Британия жаҳонда тўртинча энг катта мамлакат ҳисобланади.

Метал ишлаб чиқариш умумий саноатнинг 10,8%ини ташкил этади. Целлюлоза қоғоз саноати ҳам сезиларли ўрин эгаллайди.

Буюк Британия саноатининг ҳозирги замон тараққи ёти янги технология билан тавсифланади. Шунинг учун ҳам у ўзининг илмий хажмийлиги билан фарқланади. Электроника ва электротехника бўйича жаҳондаги етакчилиги тан олинади.

Буюк Британия қурилиш индустрияси ҳам дунёда етакчи ўринларда туриб, юқори сифатли қурилиш ишларининг амалга оширилиши Ламанш сувости тоннели, Париж яқинидаги Евро Диснейленд, Атлантадаги 1996 йил Олимпиада ўйинларининг

объектлари, Гонконглаги янги аэропорт қурилишлари бунга мисол бўлиши мумкин.

Саноат тузилмаси кейинги йилларда кескин ўзгаришларга дуч келмоқда. Бу айниқса инвестиция динамикасида ўз аксини топомқда. Бу жараён янги тармоқларда кесикн кўпаймоқда. Айтайлик, эгаси анъанавий тармоқларда инвестиция кескин камайиб, янги тармоқларга қаратилмоқда. Буни кўмир, металга ишлов бериш, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатига камайиб, станоксозлик, электротехника, авиация, электроника инвестициянинг кескин кўпайишида кўриш мумкин.

Айниқса кимё ва нефткимё тармоқларига катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам бу тармоқларнинг маҳсулотлари жаҳон бозорида ўз ўрнини кенгайтормоқда.

8.3. Қишлоқ хўжалиги ривож

Буюк Британия қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқ овлаш хўжалигининг ўзи эса 1,8% бўлиб, бунда бандлик меҳнат ресурсларининг 2,1%ига тенгдир.

Буюк Британия қишлоқ хўжалиги юқори даражали самарадорлиги ва унумдорлиги билан фарқланади. Унинг техника даражаси ва курулланиши жуда юқори ҳисобланади.

Мамлакат таҳминан таъминотнинг деярли ярмини ўз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан қоплайди. Қолган қисми эса импорт ҳисобига амалга оширилади.

Илгари, айниқса мустамлакачиликдан олдин ўзини-ўзи таъминлар эди. Хатто мануфактура ва дастлабки капитал қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат ва хомашё истеъмоли фақат ўзи ҳисобига қоплар эди.

Тўқимачилик саноати шаклланиши даврида хатто “қўйлар одамларни еб қўйди” деган ибора бўлиб, жун етиштириш тўлиғича ўз қўйчилиги орқали амалга оширилган. Сўнгра хомашё мустамлака ҳудудларида етиштирилиб, хатто озиқ-овқат, айниқса гўшт-сут четдан келтирила бошлаган. Бунда барча мустамлакалар қатори, айниқса Австралия қўйчилиги, Канада ғалласи кабилар катта аҳамиятга эга бўлган.

Буюк Британиянинг ўзида ҳозирги вақтда буғдой, АРПА, картофел, қанд лавлаги кабилар кўп миқдорда етиштирилади.

Чорвачиликда асосан гўшт, сут ва тухум кўпроқ етиштирилиб, боғдорчилик ва сабзовот етиштириш ҳам етарли ўрин эгаллайди.

Лекин ер ресурсларида ўрмончилик, ободончиликка қаратилган ҳудудлар кўп. Экологияга катта эътибор берилади ва бунинг учун зарур чора-тадбирлар кенг қўлланилади.

Буюк Британия географик ҳолати ва денгиз флоти хажми балиқчиликка қулай шароит яратади. Умуман денгиз маҳсулидан кенг фойдаланиш ва уларни қайта ишлаш ҳам яхши ривожланган.

Кейинги йилларда чорвачилик ривожига лабли энцефалит касали “сигир қутириши” катта зарар етказди. Бу сабабли кўп мамлакатларда Англия сигир гўштига эмбарго сиёсати қўлланилиб, бу маҳсулот экспортини анча қисқартирди.

Натижада кўп миқдорда сигирлар қирилди, бутун-бутун чорвачилик фермалар хонавайрон бўлди. Чунки бу касал битта сигирда бўлса ҳам бутун подани йўқ қилишга тўғри келган эди. Англия давлати ҳам катта сарф-харажат қилишга мажбур бўлган. Чунки фермерлар кўрган зарарни қоплаш зарурияти туғилган эди. Бунинг ичига сигирларни ўлдириш, куйиш, сотишдан келган зарарларни қоплаш каби харажатлар кирган эди. Қайд қилиш керакки чорвачиликда Буюк Британияда сигирчиликнинг гўшт етиштириш йўналиши сос ҳисобланар эди.

Умуман иқтисодиётнинг барча томонларига ўхшагандек қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва йўналиши Буюк Британиянинг Европа Иттифоқ қўшилиши билан албатта ўзгаради. Чунки Европа Иттифоқи талабларига ва у туғдирадиган шарт-шароитларга мослашуви талаб этилади. Бу айниқса қишлоқ хўжалиги тузумига тааллуқлидир. Умумий бозорга ишлаш, истеъмолчиларнинг талаби ва бошқача тузилма, йўналишларни юзага келтириши мумкин.

Лекин кўпчилик континент мамлакатларидан фарқли равишда Буюк Британиянинг хомашё ва озиқ-овқат истеъмоли асосан бошқа қитъаларга боғлиқдир. Чунки, юқори таъкидлаганимиздек бу маҳсулотлар таъминоти мамлакат эҳтиёжининг ярмини қоплаши керак.

8.4. Либерал бозор иқтисоди ривож

Буюк Британия иқтисоди ўзининг либерал даражаси билан фарқланади. Ҳақиқий капитализм либерализми Англия учун жуда хосдир. Шунинг учун ҳам Буюк Британияни ҳақиқий классик

капитализм мамлакати деб аталади. Чунки бу мамлакатнинг асоосни ҳақиқатан ҳам тадбиркорлик ташкил этади.

Маълумки, буржум либераллиги, капиталистик хўжалик усули дунёда аввало Буюк Британияда ташкил топиб, ҳақиқий капиталистик ишлаб чиқариш усулининг ватани ҳисобланади ва асрлар ошиб, шу усулни такомиллаштириб келади.

Ҳозирги вақтда хусусий сектор 81%ни ташкил этиш, бунда бандлик $\frac{3}{4}$ дан иборат. Тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг учун барча қулайликларни яратиб бериш ҳукумат сиёсатининг асосини ташкил этади.

Иқтисодий тараққиётда либерализм катта ўрин эгаллаб, ўзининг афзаллигини кўрсатиб келади. Лекин буларнинг ичида неолиберализм ажратиб туради ва иқтисодий либерализм устунлигини кўрсатиб беради.

Неолиберализм айниқса “Тетчеризм” билан жипс боғлиқдир. Бу Буюк Британия Премер министри бўлган Маргарит Тетчер номига айтилган иборадир. Бунинг асосий мазмуни бозор иқтисодиётини янада кенгроқ ва чуқурроқ либераллаштирувчи тадбирларни амалга оширишдан иборат бўлган. Бу АҚШда қўлланган “Райгономика”га жуда ўхшайди.

Ҳақиқатан ҳам

“Тетчеризм”нинг шаклланишида америкалик профессор-олимларнинг фикрлари ва ташвиқоти катта аҳамият касб этган.

“Тетчеризм” ислоҳоти бозор механизмларини қўллаш, ҳукумат

харажатларини камайтириш ва монстор сиёсатларидан иборатдир.

Бозор механизмларини ва тадбиркорликни қўллаш дастур иқтисодий тизимининг самарадорлигининг ва мослашуви даражасини кўтаришга қаратилган бўлиб, у асосан қуйидагилар туфайли амалга ошуви талаб этилган:

8.4.1.-чизма

Инглизча таклиф иқтисоди



Приватизация сиёсати. Бу орқали давлат бюджетига фақат 1979-1994 йиллар ичида 55,5 млрд. фунт стерлинг даромад келтирган. Буларнинг ичида давлатга қарашли бир неча йирик Англия иқтисоди гигантлари ҳам бор.

Нотартиблаштириш сиёсатини кенгайтириш. Бўш йўл билан иқтисодиётни тартиблаштиришга кетадиган харажатлар ва давлат маъмурият сарфи бир мунча қисқартирилган.

Солиқ ислохотлари. Жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган солиқлар ставкаси бир қанча қисқартирилиб, индивидуал даромадлар солиғининг асосий ставкаси 25% ва корпорациялар фойдасидан олинадиган солиқ 25 ва 33% ставкалари асосида олинадиган бўлган.

Ҳукумат харажатлари 1982 йилдаги ИМХ (ички маҳсулот хажми)нинг 47,5%дан 1996-йилда 41,6%гача пасайтирилган. Шу билан бирга ҳозирги вақтда давлат сектори ИМХ 8%ни ишлаб чиқаради. Бу тадбирни амалга ошириш учун ижтимоий соҳада ислохотлар амалга оширилиб, хўжалик ишларига аралашув хажми анча қисқартирилган. Бу тадбирлар айни вақтда аҳолининг ижтимоий манфаатларига қарши қаратилгандек бўлишига қарамасдан меҳнатга рағбатлантириш анча юқорилашиб, жамиятдаги боқимандачилик хиссиёти анча пасайган ва деярли йўқола борган.

Монетор сиёсатида кредит-пул сиёсати амалга оширилиб, монетаризм классик қоидаларига хос тадбирлар қўлланилган. Тетчер ҳукумат бошига келганда инфляция даражаси 13%га етган эди. Аввало муомаладаги пул миқдори назоратга олинади. Шу билан бирга қисқа муддатли фоиз ставкали монетор сиёсат қуроли сифатида қўлланилади. Бунинг эвазига чет капиталларни тортиш анча кенгайиб, миллий капиталнинг анча қисми сақланиб қолинган.

Умуман “Тетчеризм” таклиф иқтисодий концепцияси асосида амалга ошиб, бу Кейсча ғоядан четлашув эди. Инглизча таклиф иқтисоди қуйидагини ўз ичига олади:

- давлатнинг тўғридан-тўғри назоратини бекор қилиш;
- ички бозорда рақобатни рағбатлантириш;
- давлат тартиблашувини минималлаштириш;
- бозор механизмлари носамарали соҳаларда селектив қўллашни амалга ошириш, қайсики атом энергияси, транспортнинг баъзи турлари кабиларни ўз ичига олади;
- приватизациялаш, иқтисодда хусусий сектор ролини фаоллаштириш.

Натижада давлат носамарали ва зарар билан фаолият кўрсатувчи корхоналардан холи бўлади. Булар эса айтилиши вақтда хусусий сектор кўлида юқори самарали корхоналарга айланиши мумкин. Давлатнинг янги роли эса иқтисодни монета рва фискал сиёсатларни кўллаган холда иқтисодиётни воситали усуллар орқали тартибга солиб боришдан иборат бўлган.

Бундай сиёсат паст даражали инфляция ва ижобий молия шароитида иқтисодий ривожланишга қаратилгандир. Бу фунт стерлингнинг 1992-йилда Европа валюта курси механизидан чиқиб кетишга олиб келган. эди.

М. Тетчер ўзининг либерал тамойиллари учун курашда қатъийлиги эвазига “Тетер леди” символли лақабини олган эди. Албатта бу изсиз қолмаган. Чунки бундай либерал сиёсатни бир томонлама тушунувчилар кўп бўлиб, ижтимоий манфаатларга қарши қаратилган, деб баҳо берувчилар кам бўлмаган, яъни анъанавий консерваторлар тамойилиги қарши кўювчиларни ҳам юзага чиқарган. Бунга яна иқтисодий баъзи ноқулайликлар албатта ҳокимиятни алмаштиришга олиб келган.

Лекин ҳукумат Дж. Мейджер бошлиқ деярли Тетчерча неолиберализм сиёсатини давом эттирган ва уни мустаҳкамлашга уринган. Сўнгра ҳокимият лейбористлар кўлига ўтиб, примерликка Т. Блейер сайланади. Блейернинг Тетчерча либерал сиёсатдан қайтади деб ўйланилганда, у аксинча эски йўлни алмаштирмади ва асосан либерал бозор сиёсатини давом эттириб, бозор механизмларини максимал даражада кенг кўллашга ҳаракат қилди.

8.5. Иқтисодий тузилма рационалиги

Буюк Британия бозор муносабатлари ва унинг механизмлари таъсири туфайли иқтисодий тузилманинг энг рационал даражасини таъминлай олди. ЯИМ тузилмасида 20%дан ортиқроғи саноатга, 2% қишлоқ хўжалиги ва 70% хизматлар соҳасига тўғри келади. Бундай иқтисодий тузилмада худди моддий асос заифланиб номоддий хўжалик асос бўлиб қолгандек туйилади. Амалда эса юқори индустриал даража саноат ишлаб чиқаришининг энг ривожланиш даражасига эришиб, юқори даражали унумдорлик таъминланганлиги ва моддий ишлаб чиқариш миқдор жиҳатдан ўз чўққисига чиққанлигини ифодалайди. Энди саноат миқдорий ва экстенсив

ўсиш эмас, балки тузилмавий, интенсив ўсишгагина асосланганлигини кўрсатади.

Демак, миқдорий жаҳатдан хизмат кўрсатиш тармоқларининг устунлиги таъминланганлиги ва бу соҳадаги эҳтиёжларни қондириш иқтисодий ривож асосини белгилашлиги зарурлигини билдиради.

Саноат, уни моддий ишлаб чиқариш ҳам ўз рационал тузилмаллиги билан энг самарали даражага етиши Буюк Британия иқтисодининг ижобий натижаларидан ҳисобланадики, бунда ҳам бозор механизмларидан талаб ва таклифнинг таъсирини кўрамыз.

Харажат ва хомашёни кўп талаб этувчи, экологик талабни оширувчи ишлаб чиқариш имкони борича қисқартирилиб, энг самарали тармоқлар ривожланишига шароитлар кўпроқ яратилган. Ифлос ва чиқиндилар билан кўпроқ боғланган, иш кучини кўп талаб этувчи тармоқлар деярли мамлакат ҳудудидан чиқарилиб, булардаги капитал хомашёвий ва арзон иш кучи мавжуд мамлакатларга чиқарилган. Бунга айниқса иш ўринларининг қимматлиги, меҳнат ҳақининг юқорилиги катта далда бўлиб, бундай тармоқларнинг мамлакат ичида норентабелли ва самарасизлиги сабаб бўлган.

Хизмат кўрсатиш соҳасида туризм ва молияни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар Буюк Британия ЯИМнинг 25%ини беради. Бунда 4 млн.дан ортиқ одам банд бўлиб, мамлакат меҳнат ресурсларининг 12%ини ташкил этади. Мамлакат маркази Лондон шаҳри эса шу билан бирга жаҳон молия пойтахти ҳисобланади ва планетанинг энг йирик молия марказига айланган.

Молия хизматида банклар фаолиятини ажратиб кўрсатиш мумкин. Лондонда Англия банкларидан ташқари 50 та жаҳон банклари фаолият кўрсатади. Молияда бундан ташқари суғурта, молиявий инструментлар бозори, яъни фьючерс, опционлар, глобал депозитор тилхатлар бозори ривожланган. Шу билан бирга облигация (еврооблигациялар) бозори, валюта бозори (евровалюталар савдоси), молиявий лизинг, чет мамлакатлар активлари билан бўладиган траст ҳаракатлар баҳо металллар савдоси кабилар кенг миқёсда амалга оширилади.

Лондондан ташқари Манчестер, Кардифф, Ливерпул, Эдинбург шаҳарлари ҳам молиявий марказ ҳисобланади. Буюк Британиянинг Европа валюта интеграциясидан воз кечиши Лондоннинг ўз молиявий позицияларини Франкфуртга бериб қўйиши хавфи мавжудлигидадир. Британиянинг интеграция жараёнига хатарлилик

билан қараши албатта анъанавий эҳтиёткорликнинг салбий оқибати бўлиши мумкин.

Мамлакатнинг ўз аҳамияти даражаси бўйича туризм иккинчи ўринда туради. Бунда бандлик 7%ни ташкил этади ва йиллик даромад 8 млрд. долларга тенг. Шунингдек, Лондон жаҳонда энг йирик туризм марказларидан ҳисобланади.

Буюк Британия иқтисодий тузилмасига эътибор берганда, ундаги хусусиятлардан бири хусусий компаниялар таъсирининг ортиб боришидир. Давлат асосан фақат атом энергетикаси ва қисман кўмир саноати устидан назоратни амалга оширади. Тахминан электро-энергия ишлаб чиқаришнинг 30% кўмирга, 35% нефтга, 25% газга ва 10 атом энергиясига тўғри келади.

Буюк Британия бошқа етакчи ривожланган мамлакатлар қаторида ривожланган транспорт инфратузилмасига эга. Евро тоннелнинг очилиши Оролли Британия билан континентал Европа алоқасини янада мустаҳкамлади.

Буюк Британиянинг фуқаролик авиациясининг ривожи анча муваффақиятлидир. Бритиш Аирвайс дунёдаги энг йирик авиакомпаниялардан ҳисобланади. Хеабров эса жуда йирик жаҳон авиамарказлари қаторига киради.

Англиянинг иқтисодиётида ташқи савдо ўрни каттадир. Айтиш мумкинки, Германия ва Францияга нисбатан ташқи савдога Буюк Британия кўпроқ очик ҳисобланади. Мамлакат ЯИМнинг 28,5% экспорт билан боғлангандир. Экспорт бўйича эса дунёда бешинчи ўринда туради ва жаҳон экспортининг 5,1%га тўғри келиб 272,7 млрд. долларни ташкил этади. Импорт бўйича жаҳонда учинчи ўринда бўлиб, 5,9% ва 351,1 млрд. долларга тенг.

Хизмат кўрсатиш соҳасида бу кўрсаткичлар яна ҳам таъсирлироқдир. 1998 йили Буюк Британия хизмат экспорти 99,5 млрд. долларга тенг бўлиб, жаҳон экспортини 7,7%ини ташкил этган. Импорт бўйича хизмат соҳаси 71,6 млрд. доллар ёки жаҳон импортининг 5,9% ва тўртинчи ўринга тенг бўлган. Мамлакат ташқи савдо сальдоси салбий бўлиб 20 млрд. долларга тенг бўлган.

Ташқи савдо жуда ижобийдир. Чунки экспортда саноат ва электрон машинасозлик, электротехника, ҳисоблаш техникаси, автомобил, транспорт воситалари, энергияга эга маҳсулотлар устунлик қилади. Импорт автомобил, саноат ва электрон машинасозлик, ҳисоблаш техникаси, нефт, қоғоз, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан иборатдир.

Буюк Британиянинг асосий савдо шериклари ЕИ мамлакатлари, АҚШ, Осиё Жанубий-Шарқий мамлакатлари ҳисобланади.

Буюк Британия иқтисодий тузилмаси прогрессив бўлиб, бунда илмий соҳа муҳим ўрин эгаллайди. Бу Англия саноати юқори технологиялигини белгилайди. Бу эса Британия маҳсулотларининг юқори даражали илмий сиғимлилигини таъминлаб беради. Амалда бу мамлакат дунёда илмий-техника бўйича энг етакчи мамлакатлар қаторига киради ва йирик илмий-техник салоҳиятга эга бўлиш имконини беради. Буни шу билан кўрсатиш мумкинки Нобел мукофоти бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради ва 2000-йилгача 70 дан ортиқ олимлари бунга сазовор бўлган. Жуда йирик илмий кашфиётлар амалга оширилган.

Буюк Британиянинг электроника, телекоммуникация, кимё, аэрокосмик саноат кабилар бўйича жаҳонда биринчилиги тан олинган. Фақат битта Бритиш Телеком мингга яқин НИОКР (илмий ишлар ва конструкторлик ишлари)ни амалга оширади. Янги материаллар, биотехнология, фармацевтика, радар жиҳозлари, конкорд самолёти, ветикал учувчи ва қўнувчи самолётлар, ҳаво учуш ҳаракатларини назорат этиш тизимлари кабилар шулар жумласидандир.

НИОКР учун Буюк Британиянинг харажати ЯИМнинг 2%дан ортиқдир. Шундай 35%ини давлат молиялаштиради. Бу албатта янгит технология холати, иқтисодий прогрессивликнинг кўзгусидир.

Натижада Буюк Британия иқтисодий тузилмаси ва холатининг рационаллик даражаси ифодаланади.

Монополияга қарши қонунчиликнинг концептуал асослари

Германия, Франция, Испания, Буюк Британия ва ЕҲ рақобат тўғрисидаги қонунлари даставвал бозор ҳукмронлигига эмас, балки бозордаги устун мавқе концепциясига асосланган. Устунликни энг кенг тарқалган ва умум қабул қилинган таърифи бу рақобатни тўсиқлардан эркинлиги ёки савдо бўйича хамкорларни (ишлаб чиқариш иерархиясини юқорисида ёки пастида) иқтисодий фаолияти устидан назорат қилишдан эркинлигидир. Умуман олганда, ўрганилаётган иқтисодиётлардаги рақобат тўғрисидаги қонунлар етказиб берувчиларни устун позицияларга эга бўлиши олдини олмайди, фақатгина уни ушбу позицияни суиистеъмол қилинишига йўл қўймайди. Шунингдек, рақобат тўғрисидаги қонунлар одатда устун фирмаларнинг хатти-ҳаракатларига жиддий чеклашларни қўядилар.

Қонуннинг мақсади

Худди АҚШ, ЕҲ ва Германиядаги сингари Буюк Британиянинг Рақобат тўғрисидаги Қонуни қонун мақсадини очиқ кўрсатмайди. Ўз вақтида ҳукумат ушбу қонун лойиҳасини Парламентга киритар экан, шундай деган:

Самарали ва инсофли рақобат истеъмолчи учун бойлик ва танлаш кафолати учун зарур.

Глобал бозорда рақобат Британия компанияларини инвестициялаш ва инновацияларни жорий қилиш учун рағбат ҳисобланади. Рақобатбардошлик мамлакат ичида ҳам, хорижда ҳам ички бозордаги рақобат ҳисобига кўпаяди. Шундай қилиб, рақобат бизнес учун ҳам фойдали.

Шундай қилиб, рақобатни ҳимоялашни сиёсий сабаби қуйидагича:

- Сифатни яхшилаш ва истеъмолчилар учун танлаш имкониятини кўпайтириш;
- Инновациялар ва инвестициялашни жорий этиш учун рағбатлантиришни таъминлаш; ва
- Глобал бозорларда Британия компанияларини обрўсини таъминлаш.

Ушбу мақсадларнинг барчаси фақатгина рақобат орқали эришилади. Лекин, рақобат тўғрисидаги қонунда мавжуд бўлган истисноларни бериш механизми, рақобатни чеклаш юқорида қайд этилган сиёсий мақсадларга эришиш учун зарурлигини тан олади.

Вертикал келишувлар Буюк Британиянинг Рақобат тўғрисидаги қонуни таъсири остига тушмаган. Қонунда шунингдек, ЕҲ томонидан тасдиқланган барча эркинликлар (истиснолар) миллий қонунчиликка тадбиқ этилади дейилган. Индивидуал ва секториал эркинликлар ҳам қонунда истисно ҳолатларда кўзда тутилган. “Эркинлик” бериш ҳуқуқи Инсофли савдо-сотик бўйича Бош Директорга ва Бош Директорнинг тавсиясига кўра иш олиб борадиган Давлат Котибига берилган. Эркинлик мезонлари Рақобат тўғрисидаги қонуннинг 9 моддасида келтирилган:

а) ёрдам беради:

- 1) ишлаб чиқиш ёки сотишни яхшилашга, ёки
- 2) технологик ёки иқтисодий тараққиётни ривожланишига, бунда истеъмолчиларга ҳаққоний фойданинг бир қисми тақдим қилинади, лекин

б) у:

1) манфаатдор хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига ушбу мақсадларга эришиш учун мажбурий бўлмаган чеклашларни юкламайди; ёки

2) манфаатдор хўжалик юритувчи субъектларга кўрилатган товарларни маълум қисмига нисбатан рақобатни бартараф этиш имкониятини бермайди.

Асосий тушунчалар

Қонунда “товар” таърифи берилмаган...

Товар бозори.

Қонунда таъриф келтирилмаган. Товар чегараларини аниқлаш бўйича барча низомлар, қоидалар, йўриқномалар ЕҲ ва АҚШ қонунчиликлари билан уйғунлаштирилган. Яъни худди ўша атамалардан фойдаланилади – релевант бозорлар, бозорларни маҳсулот ва жуғрофий чегаралари, ва аниқлашни худди ўша усулларидан фойдаланилади -5-10% тест.

Хўжалик юритувчи субъектлар

Қонунда таъриф берилмаган. Бироқ, қонун қуйидагича белгиланадиган корхоналарга нисбатан қўлланилади:

юридик мақомидан қатъий назар, товарлар ва хизматларга нисбатан тижорат ёки иқтисодий фаолиятни амалга ошира оладиган барча жисмоний ва юридик шахслар.

Инсофсиз рақобат

“Инсофсиз рақобатга қарши ҳаракатлар тўғрисида Қонун” билан тартибга солинади.

Устун мавқе

Буюк Британиянинг Рақобат тўғрисидаги қонунида устун мавқега таъриф берилмаган. Ушбу масалада Британия қонунчилиги Европа Адолат Суди фойдаланадиган қоидага асосланади (юқорига қаранг).

Бозор улуши ўз-ўзидан устун мавқени мавжудлиги бўйича бир ечимга келмайди., яъни ушбу ҳолат бозор сосида кўриб чиқилиши керак (тўсиқлар ва бошқалар). Европа судлари агарда бозор улуши 50 % дан ортиқ бўлса устун мавқе мавжуд деб ҳисоблайди. Шу вақтни ўзида, Инсофли Савдо-сотик бўйича Бош Директорни таъкидлашича, бозор улуши 40% дан кам бўлган корхона ҳам устун мавқега эга бўлиш эҳтимоли бор экан.

Мутлақ монополия

Бошқа мамлакатларнинг Қонунлари матнларида умуман келтирилмаган, бунинг сабаби мутлақ монополия ва ва сезиларли

бозор ҳукмронлигига эга бўлган корхоналарга ва сезиларли даражада бозор ҳукмронлигига эга бўлган корхоналарга ёндашишда принципиал фарқ йўқ. Ўзбек қонуни ҳам усиз бўлиши мумкин, чунки ушбу атама кейинчалик қонун матнида умуман ишлатилмаган.

Монополистик фаолият

Таъриф йўқ, ўхшаши – устун мавқеини суиистеъмол қилиш ва уни таъсирига тушадиган хатти-ҳаракатлар

Нарх соҳасида камситиш

Қонун матнида таъриф берилмаган. У балки камситувчи ҳаракатлар (қуйига қаранг) ни умумий тушунчасига кириб кетган.

Камситувчи шартлар

Қонун матнида таъриф берилмаган. Энг яқин эквивалент –

Рақобат томонидан ноқулай ҳолатга солган ҳолда, садо-сотик бўйича бошқа ҳамкорлар билан тузиладиган эквивалент битимларга тенг бўлмаган шартларни қўллаш

Рақобатга қарши ушбу ҳаракат ҳам келишиб қилинган битимлар /ҳаракатларга нисбатан, ҳам устун мавқени суиистеъмол қилишга нисбатан тақиқланади.

Монопол қиммат нарх

Нарх соҳасида камситишларни бир хили бўлиб, устун мавқени суиистеъмол қилиш тушунчасига яқин. Қонун аниқ таърифни келтирмайди, лекин Йўриқномалар “ҳаддан зиёд қиммат нархлар”га суянадилар:

Нархлар самарали рақобат шароитида мавжуд бўлган нархлардан анча қиммат.

Исботнинг учта элементи – ушбу нархлар:

А) бозорга янгидан кириш ёки бозор улушини йўқотмасдан киришни рағбатлантирмаган ҳолда қўллаб-қувватланади;

Б) объектив оқлаш мавжуд эмас;

В) корхона самарали рақобатга дуч келганда ҳам фаолиятини ушлаб туриши мумкин бўлган даражадан анча юқори.

Монопол арзон нарх

Монопол арзон нархлар тушунчаси, яъни монополия (ёки устун мавқега эга бўлган корхона – сотиб олувчи) ҳолатида ўрнатиладиган нархлар таърифи берилмаган. “Йиртқич нархлар” тушунчасини қуйидагича аниқланадиган таърифи мавжуд:

Корхонани кейинчалик ҳаддан зиёдқиммат нархларни ўрнатиб рақибини бозордан чиқариб ташлаш мақсадида ватинчалик зарар кўриб ишлашга қаратилган стратегик хатти-ҳаракати.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти Европа Адолат Судининг тажрибасига биноан асосланган нархларни учта даражаси мавжуд:

- ўртача ўзгарувчан харажатлардан паст нарх – йиртқич нархларни шаклланиши белгиларини мавжудлиги
- ўртача ўзгарувчан харажатлардан юқори, лекин ўртача умумий харажатлардан паст – рақибни чиқариб ташлаш нияти исботланган тақдирда йиртқич нархлар мавжуд бўлади
- нарх ўртача ялпи харажатлардан юқори бўлади – йиртқич нархлар бўлмайди.

Халқаро шартномалар

Британия қонунчилиги савдо-сотик соҳасида ЕҲ қонунчилиги билан, жумладан рақобат масалалари бўйича энг уйғунлашган қонун ҳисобланади. Шунинг учун Буюк Британиянинг кўпчилик қонунлари ЕҲ да белгиланган ва миллий қонунлардан устун деб эълон қилинган (рақобат тўғрисидаги қонуннинг 2 моддаси) нормаларни ҳисобга олган.

Устун мавқеини суиистеъмол қилиш

Буюк Британиянинг Рақобат тўғрисидаги қонунини 18 моддаси қуйидагини ман қилади:

Битта ёки ундан кўп корхонани хатти-ҳаракати Бирлашган Қироллик бозорида ёки унинг би қисмида устун мавқеини суиистеъмол қилишга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлари Бирлашган Қиролликдаги савдо-сотикқа таъсир (салбий) кўрсатиши мумкин бўлса...

Шундай қилиб, қонунбузилишни аниқлашни асосий мезони бўлиб мамлакатдаги савдо-сотикқа салбий таъсир кўрсатиш ҳисобланади.

18 модданинг 2 қисми устун мавқеини суиистеъмол қилишга келтириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларга Рим Шартномасини (ЕҲ) 82 моддасидан сўзма-сўз олинган қуйидаги мисолларни келтиради:

- Инсофсиз сотиш ва сотиб олиш нархларини, ёки савдо-сотик шартларини бевосита ва билвоста мажбуран қабул қилдириш;
- Истеъмолчиларга зарар етказган ҳолда ишлаб чиқаришни, бозорларни ва техник ривожланишни чеклаш;
- Савдо-сотик билан шуғулланувчи бошқа томонлар билан тузилган битимларга эквивалент (ўхшаш) битимларга нисбатан камситувчи шартларни қўллаш;

- Туси ёки тижорат(савдо) белгиланганлиги бўйича контракт (битим, шартнома) предмети билан боғлиқ бўлмаган шартларни қўшимча тарзда контрактларга киритиш шarti билан контракт тузиш.

Инсофли савдо-сотик бўйича Офиснинг Бош Директори Йўриқномаларида ушбу моддага нисбатан қуйидагича гапирилади:

Бунда асосий устунликка эга бўлган корхона ўз ҳолатидан суиистеъмол қилиш тарзида фойдаланаяптими, йўқлиги ҳисобга олинади. Бундай ҳолат содир бўлиши мумкин, қачонки, у тўқнаш келадиган рақобатни чеклаш самараси билан, ёки ўзини ҳолатини нотўғри эксплуатация қилиш орқали бозордаги рақобат ҳолатида содир бўладиган ҳаракатларни ишлатса..

Рақобатга қарши битимлар ва келишиб қилинган ҳаракатлар

Бирлашган Қиролликларни Рақобат тўғрисидаги қонунини рақобатга қарши келишилган ҳаракатларини ман қилувчи моддаси Рим Шартномасини 81 моддасига кўра ишлаб чиқилган. Рақобат тўғрисидаги қонуннинг 2 моддасини 1 қисмида шундай дейилади:

3 моддада қайд қилинар экан, корхоналар ўртасидаги , уларни ассоциациялари қарорлари ёки келишиб қилинган ҳаракатлари:

а) Бирлашган Қироллик ҳудудида савдо-сотикқа салбий таъсир кўрсатиши мумкин, ва

б) Бирлашган Қироллик чегарасида рақобатни олдини олиш, чеклаш ёки бузишни ўзини объекти ёки самараси деб билса,

Тақиқланади, агарда ушбу Қисм (1 қисм) шартларига асосан озод қилинмасалар

2 модданинг 2 қисми Рим Шартномасини (ЕХ) 81 моддасидан сўзма-сўз олинган ушбу битимлар турларини тўлиқ бўлмаган рўйхатини келтиради:

- Сотиш ва сотиб олиш нархларини ёки савдо-сотикни бошқа шартларини бевосита ёки билвосита белгилайдилар;
- Ишлаб чиқаришни, бозорларни, техник ривожланишни, ёки инвестицияларни чеклайдилар ёки назорат қиладилар;
- Бозорларни ёки етказиб бериш манбаларини тақсимлаёдилар;
- Савдо-сотик бўйича бошқа ҳамкорлар билан эквивалент битимларга тенг бўлмаган шартларни қўллайдилар ва шу билан рақобатчиларни ноқулай аҳволга соладилар;
- Туси ёки тижорат(савдо) белгиланганлиги бўйича контракт (битим, шартнома) предмети билан боғлиқ бўлмаган шартларни қўшимча тарзда контрактларга киритиш шarti билан контракт тузиш.

Офисни Бош Директорини Йўриқномасида, ушбу модда таъсирга тушувчи битимлар/келишиб қилинган ҳаракатларни батафсил рўйхати келтирилади:

- Нархларни бевосита ва билвосита чеклаш бўйича битимлар
- Савдо шартларни чеклаш бўйича битимлар
- Бозорларни бўлиб олиш бўйича битимлар
- Ишлаб чиқариш ва инвестицияларни чеклаш ёки назорат қилиш бўйича битимлар
- Савдодаги келишиб олиш
- Биргаликда сотиб олиш/сотиш
- Ахборотларни алмаштириш бўйича битимлар
- Рекламани чеклаш бўйича битимлар
- Стандартлаштириш бўйича битимлар

Бунда ушбу рўйхат иллюстративланган ҳисобланади. Корхоналар ўртасидаги муносабатлар, келишиб қилинган ҳаракатлар турли-туман бўлиши мумкин. Иқтисодий ва технологик ривожланиш муносабати билан муносабатларни янги турлари пайдо бўлади, уларни барчасини битта ҳужжатда ҳисобга олиш имконияти йўқ.

Германиянинг қонунчилиги сингари, Буюк Британиянинг рақобат тўғрисидаги қонуни рақобатга қарши битимлар/келишиб қилинган ҳаракатларни ман қилишдан мустасно қилишни жуда мураккаб ва муфассал таърифлаб берилган схемасига эга.

8.6. Турмуш сифати юқорилиги

Буюк Британиянинг ривожланган ва либераллашган асосдаги бозор иқтисодиёти аҳолини турмуш даражасининг юқори даражада бўлиши ва унинг сифатини кўтарилиб боришини таъминлайди. 2000-йилга келиб ҳар бир кишига тўғри келадиган ЯИМ қисми 22 минг долларга етган. Бу катта даромад олиш имконини туғдиради. Шу билан бирга давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсати бунга ижобий таъсир кўрсатади.

Иқтисодий тараққиётнинг тўла инсон манфаатига қаратилиши унинг даражасини аҳоли турмуш сифатини кўтара боришида ўз аксини топади. Бу даромадларнинг ортиб бориши, товарлар сифатининг яхшиланиши, экологик муҳитнинг муқобиллиги кабилар асосий ўринни эгаллаб, инсон эҳтиёжи таъминланиши максималлигида ўз ифодасини топади.

Буюк Британия ривожланган мамлакатлар ичида иш жойи баҳосининг энг юқорилар қаторига киради ва бу даромаднинг салмоғли бўлишини кафолатланишини билдирувчи омиллардан ҳисобланади.

Турмуш сифатини белгиловчи омиллар кўп. Буларнинг ичида ўртача даромад, инфляция даражаси, ишсизлик даражаси, фоиз ставкаси, экологик муҳитлар энг муҳимларидир.

8.6.1-жадвал

Буюк Британия иқтисодиётидаги аҳоли турмуш даражасига тааллуқли асосий кўрсаткичлар

	Май 1979 йил	Май 1989 йил	Май 1999 йил
Инфляция даражаси, %	13,4	7,8	3,4
Фоиз ставкаси, %	12	13,75	5,5
Ишсизлик даражаси (киши ва иқтисодий фаол аҳолига, %)	1,86 (4,1%)	1,81 млн. (6,1 %)	1,31 млн. (4,6%)
Меҳнат бозорида аёллар қисми, %	4,4 5.000	49 11.700	51 19.000
Ўртача даромад, фоиз ставкаси	9.000	25.700	36.400
Менежер ўртача даромади, фоиз ставкаси			

Жадвалда келтирилган кўрсаткичлар Буюк Британия неолибераллик чора-тадбирларининг кескин қўлланилиши йилларига тўғри келади. Бунинг натижасида 20 йиллик вақт ичида келтирилган кўрсаткичлар жуда сезиларли даражада ўзгарган. Бук ўзгаришлар тўғри турмуш сифатига ижобий таъсирчан бўлиб, унинг анча кўтарилиши билан боғланган. Айтайлик, инфляция 3 баробар қисқарган. Маълумки, бу бевосита харидликка ижобий таъсир этади, чунки пул қадрсизланишининг олдини олади. Ишсизлик деярли ўзгармай, эски даражада бўлган. Аёлларнинг ишга тортилиши бироз кўтарилиб, эркалар билан бир даражада етган. Демак, оилада даромад келтирадиганлар кўпайган. Энг муҳим кўрсаткич даромад бўлиб, у кескин кўтарилган, яъни бу вақт ичида 3 баробарга ўсган. Инфляциянинг пасайиши шароитида бу нарса турмуш сифатини кескин кўтарилишига олиб келган ва эҳтиёжнинг қондирилиши, истеъмолнинг кўтарилишига олиб келган.

Ўз-ўзидан маълумки, бундай воқелик мураккаб товарлар истеъмоли, юқори сифатли товарлар истеъмоли оилавий жамғармаларнинг ортишига олиб келади.

8.6.2.-жадвал

Буюк Британияда истиқомат қилувчиларнинг техник буюмларга эгаллиги, %

	1979 йил	1989 йил	1999 йил
Автомобил	60	68	70
Уй, турар-жой	52	66	68
Телефон	75	88	93
Рангли телевизор	74	95	98
Уй компьютери	-	19	27

Жадвалда мамлакат аҳолисининг энг мураккаб ва қимматбаҳо буюмларга эгаллиги динамикасига боғлиқ рақамлар келтирилган. Умуман айтиш мумкинки, бу товарлар билан аҳолининг таъминланиши тўхтовсиз ортиб бормоқда. Автомобил бўйича 70%, хусусий уй бўйича 68%га етиш жуда юқори кўрсаткичдир. Барча бу келтирилган буюмлар бўйича оила ҳисобига олинса 100% ва ундан юқори бўлади, яъни ҳар бир оилага 1,5-2 донадан тўғри келади.

Бу буюмлар турмуш сифатини кўтаришда жуда катта аҳамият касб этади.

Агар ҳозирги йиллар XXI-аср бошланиши йиллари бўйича олинса, албатта аҳолининг таъминланиш даражаси яна ҳам юқори бўлади. Ўртача ҳаёт кечириш 80 ёшни ташкил эсади. Бу энг юқори кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, инглизча неолибераллик сиёсати бевосита аҳоли манфаатига қаратилган бўлиб, иқтисоднинг правоқд мақсади бўлган аҳоли турмуш даражасининг тўхтовсиз ўсиб бориши ва унинг сифатини кўтарилиб боришида ўз ифодасини топмоқда.

Агар иқтисодий сиёсат иқтисодиёт ривожини тезлаштириб, аҳоли истеъмолини кўтарган ҳолда турмуш сифатини кескин ўсишига олиб келса, албатта Буюк Британия неолиберал сиёсатининг устунлигини кўриш мумкин.

8.7. Бозор иқтисодининг англо-саксония модели

Буюк Британия бозор иқтисодиёти ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар континентал Европа мамлакатлари ва улар ичида энг

йирикларидан бўлган Франция ва Германия бозор иқтисодиёти амалиётидан катта фарқланади.

Бу англо-саксонча модел ҳисобланиб, кўпроқ АҚШ бозор моделига яқинроқдир. Бу моделдаги энг асосий тафовут немисча ва французча ижтимоий бозор ҳўжалигидан фарқли ўлароқ давлатнинг кам фаолли роли ва хусусий тадбиркорликка тўла эркинлик беришдан иборатдир. Неолиберализм ислоҳотининг энг асосий мазмуни эркин бозорни рағбатлантириш ва тадбиркорлар ҳамда ходимларнинг шахсий жавобгарлигини кўтаришдан иборатдир. Бу либерал тамойиллар учун курашда ва ижтимоий дастурларни қисқартиришда кескин ҳаракатлар қилишни талаб қилган.

Албатта бу ҳукуматнинг англичанларнинг ижтимоий кафолатлари тизимига фаол хужумсиз бўлмаган. Бундай қатъийлик британча иқтисодий тузилмани юзага келтирган. Бунинг асосий мазмуни ўзига хос аралаш иқтисодиётнинг барпо қилинишига олиб келди. Британча аралаш иқтисодиётнинг асосий мазмуни давлатнинг иқтисодиётга аралашувини минималлаштириш ва хусусий ташаббускорликни максимумлаштиришдан иборат.

Юқорида кўрганимиздек, Буюк Британия илмий-техник прогресс билан бир қадамлаб беради. Тармоқлар тузилмасини қайта тузиш унинг иқтисодиётини илғор технологиянинг биринчи қаторига олиб чиқди. Бу эса ўз навбатида юқори тўланадиган иш жойларини кўпайиши билан боғлиқдир.

Правордида бу иқтисодий ўсиш даражасини кўтариш билан якунланиб, 1996-1998 йилларда 2,5-3,5%га тенг бўлди. Ишсизлик эса Германия ва Францияга нисбатан деярли икки баробар камдир. Буюк Британия бозор моделида приватизациялаш ва хизмат кўрсатиш соҳаси родини ошириш муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса хизмат соҳасининг кенгайиши кўшимча иш ўринларини юзага келтириб, ишсизликни камайтиришда аҳамиятлидир.

Бу моделга корпоратив маданиятнинг кўтарилиши хусусий бизнеснинг бошчилигини таъминлаш, давлат томонидан унинг ривожланиши учун барча тўсиқларни олиб ташлаб йўқ қилиниши хосдир. Мамлакатда инвестиция учун жуда яхши шароитлар, маъқул муҳит яратилган.

Англо-саксония бозор моделининг устун томонларидан яна бири ёқимли солиқ сиёсатининг олиб борилишидир. Бу Ғарбий Европадаги энг маъқул солиқ тизимини юзага келтирган. Шахсий

даромад солиқлари ва корпоратив солиқлар тадбиқ этилади. Бу соҳада яна ҳам олдинга силжиш лойиҳалари мавжуд.

Бу инвестиция иқлимини жуда ёқимли даражада бўлишини таъминлайди. Паст солиқ даражалари билан бирга олдинги вақтларга қараганда фоиз ставкаларининг ҳам паст бўлиши аҳамиятлидир. Айтайлик, 2000 йилга келиб, тахминан 5,5% бўлган. Бундан ташқари ички бозордаги юқори даражали рақобат мавжудлиги, умуман давлатнинг иқтисодга чет капиталини жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш жуда муҳимдир.

Чет капитални айниқса хизмат кўрсатиш соҳасида кўпроқ қўлланилади. Мамлакатда энг йирик трансмилий компаниялар фаоллик кўрсатади. Жумладан, Моторола, Нокиа, Епсон, Фрод, БМВ, Самсунг ва бошқа кўп компаниялар шулар жумласига киради. Буюк Британия 13 мингдан ортиқ чет компаниялар фаоллик кўрсатади. ЕИнинг чет инвестициясининг 1/3 қисми Буюк Британияга тўғри келади. Айниқса компьютерлар ва автомобилсозликда чет инвестициясининг ҳажми каттадир.

Буларнинг ҳаммаси Буюк Британия иқтисодининг юқори даражада ўсишини кафолатлайди, миллий валютанинг стабиллигини таъминлайди. Бошқа ривожланган мамлакатлар ичида меҳнат унумдорлиги ўсишида ҳам фарқланади. Айтайлик, 1980-1990 йиллар ичида йиллик меҳнат унумдорлиги ўсиши ўртача 5%ни ташкил этган. Евро валютасига қўшилмаслигига қарамасдан Буюк Британия давлат молияси яхши кўрсаткичларга эга.

Агар 1996-йили давлат бюджети камомати ЯИМга нисбатан 4,8%га тенг бўлиб, давлат қарзи 56,1 ни ташкил қилган бўлса, 1957-йили бу кўрсаткичлар 1,9 ва 53,4%га тенг бўлган. Континентал Европа мамлакатларида бундай кўрсаткич Люксембургдан бошқа биронтасида ҳам бўлмаган.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг деярли ҳаммаси кейинги 20-25 йил ичида жуда сезиларли бўлган. Шу билан бирга таъкидлаш керакки, хусусий сектор иқтисоди катта муваффақиятларга эришуви билан бирга ижтимоий инфратузилма мамлакатда Германия ва Францияга нисбатан юқори ривожланган эмас. Буни англо-саксония бозор модели ривожининг деярли ягона камчилиги дейиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, англо-саксонча ривожланиш модели бир қанча афзалликларга эга бўлиб, у континентал мамлакатлар, айниқса Германия ва Франция ижтимоий бозор хўжалиги моделига нисбатан устунликка эгадир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Индустрия ва саноат инқилоби ватани қайси мамлакат ҳисобланади?
2. Либерал иқтисодни қандай тушунасиш?
3. Англо-саксония ривожланиш моделининг қандай афзалликлари мавжуд?
4. Буюк Британия иқтисодий тузилмасининг рационаллигини қандай тушунасиш?
5. Буюк Британия аҳоли турмуши сифати тўғрисида нималарни биласиз, унинг асосий кўрсаткичларини айтиб беринг.
6. Буюк Британия бозор иқтисодиёти ривожланиш босқичлари ҳақида нималарни биласиз?
7. Буюк Британияда жаҳон молиявий - иқтисодий инқирозининг салбий таъсири нималарда намоён бўлди?
8. Буюк Британия жаҳон молиявий - иқтисодий инқирозига қарши қандай чораларни қўлламоқда?
9. Буюк Британия илмий ва конструктор ишларига давлат аҳамияти қандай?
10. Ҳозирги замонда Буюк Британиянинг саноат маҳсулотларини жаҳон бозоридаги эгаллаган ўрни ҳақида нималарни биласиз?

9-БОБ. ЯПОНИЯ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТАЖРИБАСИ

9.1. Япониянинг жаҳон иқтисодиётидаги мавқеи

Япония жаҳонда ривожланган мамлакатлар ичида иккинчи ўринда туради. Ялпи ички маҳсулот 2000 – йилда 4190 млн. долларга тенг бўлган. Бу АҚШнинг 55 фоизига тўғри келади. Аҳолиси 125 млн. кишидан иборат. Аҳоли жон бошига ЯИМ 26460 долларга тўғри келиб, бу кўрсаткич бўйича ҳам энг олдинги ўринларда туради. Бу кўрсаткичлар Япония иқтисодиётининг юқори даражали ривожини кўрсатиб, АҚШ каби супердавлат қаторига қўшиди.

Япония жаҳонда ривожланган мамлакатлар ичида иккинчи ўринда туради. Ялпи ички маҳсулот 2000 – йилда 4190 млн. долларга тенг бўлган. Бу АҚШнинг 55 фоизига тўғри келади. Аҳолиси 125 млн. кишидан иборат. Аҳоли жон бошига ЯИМ 26460 долларга тўғри келиб, бу кўрсаткич бўйича ҳам энг олдинги ўринларда туради. Бу кўрсаткичлар Япония иқтисодиётининг юқори даражали ривожини кўрсатиб, АҚШ каби супердавлат қаторига қўшиди.

Японияда давлат бюджети ва солиқлар ҳам ўзига хос бўлиб, фаолият хажми ва харажатлар даражасидан келиб чиқади. Давлат бюджетининг харажатлари ЯИМнинг 26-27%ига тенг келади. Солиқ ҳам самарали даражада бўлиб, ЯИМнинг 22-23%ини ташкил этади. Марказий бюджетнинг асосий даромад манбаи тўғри солиқдир. Фуқаролар даромади, мерос, тақдим этиш қабилар солиқ егиларининг 42%ини ташкил этса, корхоналар фойдаси солиғи 26%ни ташкил этади. Корхоналар солиғи табақаланган бўлиб, 26,42%-33,48%дан иборат.

“Мэйдзи инқилоби” деб аталмиш 1867-1868 йиллардаги ўзгаришдан кейин Япония 100 йил ичида анъанали феодал ижтимоий-иқтисодий тизимдан ривожланган бозор иқтисодиётига бўлган масофани босиб ўтди. Жанубий Корея, Тайван, Таиланд, Сингапур каби қўшни давлатлар Япониянинг “ривожланишни қувлаб етиш” йўлидан кўп жихатдан фойдаландилар.

Япония кўп соҳалар бўйича АҚШ каби етакчилик қилади. Булар машинасозлик, автоматика, электроника, автомобилсозлик қабилардан иборат. Айниқса янги технология ва электроника бўйича энг олдинги мамлакат бўлиб, кам материал, кам меҳнат сиғимли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича энг илғор мамлакатга айланган.

Малакали ишчи ва хизматчилар, аҳолининг умумий ўқимишлиги бўйича жуда илғорлаган мамлакат ҳисобланади. Дунё бўйича маошнинг энг юқори даражаси Япониядадир. Бу албатта энг ижобий муваффақиятдир. Буларнинг барчаси иқтисодий тараққиётнинг ифодасидан иборат.

Ижтимоий тузилма ва меҳнат муносабатларидаги ўзгалик катта ўрин эгаллайди. Япония учун майда тадбиркорлик ижтимоий қатлами мавжудлиги умумий ҳолатдир. Айниқса оила туридаги хусусий

корхона чакана савдо, умумий овқатланиш билангина шуғулланмай, бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари, хатто ишлов бериш саноати ва қурилишда ҳам кенг ёйилган. Айтайлик, ишлов берувчи саноатда 74 фоиз ёлланиб ишловчилар 300 кишигача банд бўлган корхоналарга тўғри келади.

Амалда мамлакат қишлоқ хўжалиги ёлланма меҳнатсиз бўлиб, Японияда асосан 2 млн. 600 минг майда деҳқон хўжалиги мавжуддир. Бу хўжаликларда ўртача ер участкаси миқдори 1,9 гектарга тўғри келади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, ишга яроқли ерларнинг ярмидан кўпи суғориладиган ва йилига икки мартадан ҳосил олинадиган ерлардир. Шуниси ажабланарлики, буларнинг 17 фоизигина нуқул қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади, қолганлари шаҳарларга яқинлиги ва транспортнинг яхши ривожланганлиги сабабли даромаднинг асосий қисмини бошқа тармоқлар ҳисобига оладилар.

Японияга хос яна бир нарса бандликнинг юқори даражадалигидир. Масалан, 70 – йиллар ичида ишга яроқлиларнинг 2-2,8 фоизигина ишсиз бўлиб, 90 – йилларга келиб 3 фоизни ташкил этган. Бунда “умр бўйи ёллаш тизими” бўйича бандлик даврига қараб ҳақ тўлашнинг аҳамияти каттадир. Бу усул фақат йирик корхоналарда

қўлланилиб, энг юқори мутахассисли бўлган менежер, инженерларгагина тааллуқлидир. Булар эса ёлланма меҳнатнинг 10 фоизини ташкил этади. Юқори даражали бошқарувчилар ичида шунинг учун ҳам ишсизлик йўқ ва меҳнат бозори ҳам йўқ. Менежер мансаби умр бўйича бўлиб, компанияга тўла боғланган бўлади. Бошқарувнинг юқори поғонадагилари учун

Япония Ўзбекистон Республикасини мустақиллигини 1991 йилнинг 28 декабрида тан олган етакчи саноати ривожланган давлатлардан биридир. Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг 26 январидида ўрнатилди. Икки томонлама муносабатларнинг ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Японияга 1994 йилнинг май ва 2002 йилнинг июлида амалга оширган расмий ташрифлари муҳим роль ўйнади. Ташрифлар чоғида Ўзбек-Япон давлатлараро муносабатларига оид бир қатор ҳужжатлар, жумладан “Ўзбекистон Республикаси ва Япония қўшма баёноти”, “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Япония ҳукумати ўртасида имзоланган битимларга Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ворислиги ҳақида мактублар алмашинуви”, шунингдек, “Ўзбекистон ва Япония ўртасида дўстона, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида қўшма баёнот”лар имзоланди. Икки томонлама муносабатларни ривожланиб боришида 1994 йилда тузилган иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбек-Япон ва Япон-Ўзбек қўмиталари муҳим роль ўйнамоқда.

ишончли муносабат ўз таъминотчилари, мижозлари, банклар билан доимий шериклиги тақдирий ҳолатдир. Бу эса ўз навбатида фирма мувозанатининг муҳим кафолатидир ва шу билан бирга менежернинг мансаб кафолатидир.

Қолган ёлланма ишловчилар ишсизлигининг жуда паст даражада эканлиги бир неча сабабларга боғлиқдир. Булар ижтимоий шериклик анъанаси, қайсики кўпчилик Осиё жамоаларига хос, иш жойларида ўқитиш, чунки иш берувчи “инсон капиталига” қилган харажатини қадрлайди; шу билан бирга вақтинча келишув битим бўйича (ёки тўла бўлмаган иш куни) савдо ва хизмат кўрсатишдаги бандликнинг кенг тарқалиши кабилардан иборат.

Японияда тадбиркорликнинг ташкил этилиши ҳам бир қанча ўзга хусусиятларга эга. Йирик компаниялар билан ўрта ва йирик корхоналарда бу фарқланади. Умуман 800 минг акционерлик компаниялар мавжуд бўлиб, булардан 2,4 минги йирик акционер компаниялардир. Бу йирик компаниялар ўз акцияларини фонд биржалари орқали тарқатса, майда ва ўрта корхоналар мулкларига бошқаларни аралаштиришни хуш кўрмай, ёпиқ акционер компаниялари ва ўртоқлик бирлашмалари сифатида бошқаришни лозим кўрадилар.

Йирик компанияларнинг ҳар бири гуруҳ маркази бўлиб, “кэйрэцу” деб аталади. Японча “кэйрэцу” мулк ва битим муносабатлари боғловчи элемент ҳисобланади. Қонун банкларнинг номолиявий компаниялар томонидан чиқарилган акциянинг 5 фоизидан ортигини ўзлаштиришни ман этади.

“Кэйрэцу” бош компанияси ўз ишлаб чиқариш фаолиятини гуруҳни молиявий бошқариш (яъни, холдинг функцияси) ва ишлаб чиқариш кооперацияларининг иштирокчилари билан боғлаб олиб боради. Япониянинг хусусияти ҳам шундаки, бундай гуруҳнинг кенг тарқалишини оммавий майда корхоналар билан боғлаган холда амалга ошувидир. Чунки мамлакатда 3,7 млн. индивидуал ва оилавий корхоналар, 770 минг шериклик жамоалари мавжуд. Шу билан бирга йирик ва майда бизнеснинг ўзаро алоқаларининг таъминлашини бошқа ривожланган мамлакатларга нисбатан уларнинг яқинлиги билан боғлиқдир.

“Кэйрэцу”лар ичида технологик асосдаги вертикал интеграция ва конгломерат мисоллари мавжуд. “Мицубиси дзюкоге”, “Комацу” машинасозлик кооперацияси, “Тошиба”, “Сони” электротехника компаниялари, “Тойота” ва “Ниссан” автомобил корпорациялари 300-400 компанияларга эга. Булар таъминотчилар ва буюртмаларни бажарадилар. Шу билан бирга мулкый боғлиқлиги бўлмаган субподрядчилар тармоғи билан кўшилиб кетади. Кўпчилик гуруҳлар

чет мамлакатларда кенг тарқалган тармоқларга эга бўлиб, Япония ТМКси ҳисобланади.

Амалда барча корхоналар тармоқ иттифоқларига бирлашган. Бу иттифоқлар фойда асосида бирлашув эмас ва ундан ихтиёрий равишда чиқиб кетиш мумкин. Японияда бундай иттифоқлар, яъни умуммиллий тадбиркорлик иттифоқлар сони 100 дан ошади. Маҳаллий майда бизнес ташкилотларининг сони эса 20 мингдан кўпдир. Умуммиллий тадбиркорлар иттифоқи бирлашиб, Федерал иқтисодий “Кэйданрэн” ташкилотини уюштиради.

Японияда анъанавий равишда аҳолининг юқори даражали омонат сақлаш хусусияти мавжуд. Бу шахсий даромаднинг 15-18 фоизини ташкил этади. Бу асосан банклар депозити шаклида мавжуд бўлади ва банклар тизимининг кенг хажмли ресурс асосини юзага келтиради.

Япония корпорациялари молиявий тузуми компания хусусий капитали ҳиссасининг паст даражадалиги билан тавсиф этилади, яъни 30 фоиздан ошмайди. Шунинг учун аниқ кредитларга мухтожлик юқори даражададир. Ўз вақтида мамлакатнинг индустриал ривожини молиялаштириш юқини банклар кўтарган эди.

Японияда банклар фаолиятининг ҳам ўзги хос хусусиятлари мавжуд. Мамлакатда тўққизта шаҳар банклари деб аталмиш бўлимлар очиш ҳуқуқига эга банклар мавжуд. Шу билан 129 та фақат ўз префектураларида бўлимларга эга банклар, хусусий нафақа ва пай фондларини бошқарувчи 33 та трастбанк мавжуд. Бундан ташқари узок муддат кредит берувчи 3 та банк мавжуд: Саноатбанк, Узок муддатли кредит банки, Япония кредит банки. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги учун кенг тармоқли кооператив банклар тизими фаолият кўрсатади.

Банклар фойдани максималлаш, акция курсини кўтариш билан қизиқмайдилар. Балки фойданинг доимийлиги ва банкротдан қочишни кўзлайдилар. Банклар ўз мижозларини ҳимоялашлари, кредит шартларининг енгиллаштириши, компания-қарздоларга санация қўллаш мисоллари кўп.

Бундай шартлар юқори даражали тараққиёт вақтида пулга мухтожлик кучлилик даврида юзага келган. Ҳозир эса пул бозоридаги кучли талаб пасайиб, қарз олишда мижозлар учун кураш шароити ҳукмронлик қилади.

АҚШга ўхшаган ва Европа мамлакатларидан фарқли ўлароқ Япониянинг давлат хўжаликлари хажми катта эмас. Марказий

ҳукумат қарамоғида унитар корхона мавжуд. Шунинчиси Монета саройи ва давлат ўрмончилик хўжалиги бор. Бундан ташқари 13 та банк, Олий ўқув юрти муассасалари ва 73 та ношароит ташкилотларида пай билан иштирок этади. Булар фундаментал илмий муассаса ва лабораториялар, илмий-техник ахборот маркази, Япония маданий алмашув фонди, шунингдек ўрмон ресурсларини излаш, нефт разведкаси, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тармоқларидан иборат. Бундан ташқари автомобил йўллари, кўприклар, тўғонлар, Хонсю ва Сикоку ороллари бирлаштирувчи уникал кўприк иншооти каби махсус корхоналар қиради.

Давлат темир йўл корпорацияси, миллий телефон-телеграф тизими, тамаки ва алкагол монополиялари “JAL” авиа йўллари кабилар 80 – йилларга келиб хусусийлаштирилган.

Маҳаллий даражада водопровод, канализация, ахлат йиғиш, транспорт, мактаблар, касалхоналар кабилар давлат ихтиёридадир. Шу билан бирга минглаб муниципал турар жой қурилиши ва ундан фойдаланиш, пулик автомобил йўллари, порт жихозлари, ёпиқ бозорлар каби акционер ва пай корхоналари қиради.

Кўриниб турибдики, давлат асосан саноатда эмас, балки инфратузим соҳасида фаолият кўрсатади. Давлат бевосита хўжаликни бошқариш ўрнига кучли иқтисодий сиёсат қўлловчи бўлиб ҳисобланади. Бу солиғ –

бюджет, пул – кредит, ташқи савдони, бож тарифни тартиблаштириш;

Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантиришда “Япон мўъжизаси”нинг ҳам баъзи жиҳатларини олиш мумкин.

Яъни:

- қаттиқ интизом, юқори даражадаги меҳнат унумдорлиги;

- инновацияга, янгиликка интилиш;

- жамият, корхона манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйиш;

- юксак тадбиркорлик, эришилган натижа билан қаноатланиб қолмаслик;

- рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз бурчи деб билиш, ички ва ташқи бозорни ажратмаслик;

- бешта “С” га қатъий риоя қилиш, яъни:

- Сейри - уюшқоқлик

- Сйтон - поклик

- Сейсо - тозалик

- Сейкец – ахлоқлилик

- Ситсуке – интизом

- илмий – амалий ишлар ва ихтирочиликни рағбатлантириш;

- макроиқтисодиёт миқёсида “оптимал бизнес” режасини ишлаб чиқиш;

- ҳар ойда тузиладиган бухгалтерия ҳисоби;

- “товар ёки хизматнинг ўзи учун ўзи гапирсин” шиори;

- Япония ҳалқининг меҳнатсеварлиги. У ерда меҳнат таътили муддати асосан бир ҳафтадан ошмаслигига қарамасдан, ходимлар дам олишга шошилмайдилар;

- Япон ишчиларига ёшлиқдан бошлаб бирор фирмага мансублик учун фахрланиш ҳис-туйғуси сингдирилади. Шу сабабли улар ўз фирмаларининг шон – шуҳрати учун билим ва истеъдодларини аямайдилар.

- Ҳозирдан келажагини яратаётган фирмаларнинг жуда кўплиги.

- Мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини давлатнинг биринчи бойлиги деб қараш.

бозорда рақобатни қўллаш, табиий монополиялар фаолиятини тартибга солиш кабиларни ўз ичига олади.

Японияда давлат бюджети ва солиқлар ҳам ўзига хос бўлиб, фаолият хажми ва харажатлар даражасидан келиб чиқади. Давлат бюджетининг харажатлари ЯИМнинг 26-27%ига тенг келади. Солиқ ҳам самарали даражада бўлиб, ЯИМнинг 22-23%ини ташкил этади. Марказий бюджетнинг асосий даромад манбаи тўғри солиқдир. Фуқаролар даромади, мерос, тақдим этиш кабилар солиқ еғимларининг 42%ини ташкил этса, корхоналар фойдаси солиғи 26%ни ташкил этади. Корхоналар солиғи табақаланган бўлиб, 26,42%-33,48%дан иборат.

Давлат бюджетининг харажат қисмини олсак, ҳарбий жуда оз – харажатларга нисбатан 6 фоиз ва ЯИМга нисбатан эса 1 фоиздан ҳам кам. Энг йирик қисми ижтимоий суғурта ва нафақалардир – 18-20 фоиз. Шу билан бирга давлат қарзларини тўлаш ҳам ўтган аср 90 – йилларига келиб катта хажмли бўлиб қолди. Бу бюджет талофати билан боғлиқ бўлиб, қайсики 90 – йиллар охирига келиб, ЯИМнинг 11,2 қисмига тўғри келган.

9.2. Иқтисодий “мўжизада” миллий хусусийлик аҳамияти

Япониянинг нисбатан қисқа вақт ичида қолоқликдан чиқиб, катта ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлига ўтиб, дунёда етакчи мамлакатларга айланиши, иқтисодий ривож даражасининг жуда юқори бўлишлиги, буюк иқтисодий салоҳиятга эга бўлиб, дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллаши “мўжиза” номини олган.

Бу “мўжиза”да албатта миллий хусусиятларнинг ўрни кам бўлмаган. Миллий урф-одатдаги ўзига хослик томонлардан тартиблилик, шарқий тарбия кабилар, оилада, катта-кичик ўртасидаги муносабат, умумий бирлик, аёл ва эркак муносабатлари кабиларнинг иқтисодий фаолиятга таъсири бўлган. Бунда итоаткорлик хусусиятининг ижобий томонлари кўп бўлган. Оилавий бир-бирини қўллаш, ишонч кабилар мавжуд бўлиб, компания, фирмалар хатто оилавий-кланлик асосида ташкил топиши кабилардир. Биргаликда иш тутиш, ҳар бир ҳаракатнинг бир-бирига боғлиқлиги, ўз вақтида ижро этишлик хусусиятларининг иқтисодий тараққиётдаги ўрни албатта катта. Миллий ўзгаликка қўшни Хитой ва Кореянинг таъсири катта бўлган. Маълумки, асрий қўшнилик диний, урфий умумийлик,

иқтисодий алоқалар албатта ўз изини қолдирган. Шу билан бирга бу мамлакатларнинг Япония асоратида бўлишининг ҳам таъсири бўлган.

Айтиш мумкинки, бу хусусиятлар Япония иқтисодий “мўжиза”да ижтимоий ҳаёт таъсири сифатида юз берган. Ғарбдагиларнинг бундай ҳолатга “ягона оила” деб ном беришида албатта жон бор. Чунки Япония “мўжиза”сида миллий бирлик таъсири бўлиб, Япония компаниялари буни япон халқига хос синфий дунё тариқасида фойдаланишга уринилган ва ғоявий туртки сифатида ишлатилган. Маълумки, Ғарб ва Америка билан рақобатда албатта миллатни бирлаштириш, жипслаштиришда кўл келган. Япония компаниялари эса бундан ўз манфаатларига қаратган ҳолда корхоналарини “иккинчи оила” сифатида фойдаланиб, ишчи-хизматчиларни ўзига жалб этишда бу ғояни кенг қўллашга ҳаракат қилганлар. “Иккинчи оила” ғояси япон менежментида катта ўрин эгаллайди. Бунинг натижаси шуки, ёлланувчи компанияда деярли умрбод банд бўлиши керак. Иш жойини алмаштириш фақат компания ичида бўлиб, компаниядан чиқиб кетмаслиги керак, яъни у компанияни оилага ўхшатиб, доимий боғланган бўлишлиги талаб этилади. Бундай тартиб Ғарбда тушунилиши қийин. Чунки бу ерда ишчи-хизматчиларнинг иш жойларини ўзгартириши одатий тусда бўлиб, эркин ҳолда компанияларни алмаштира оладилар, компанияларни ўз истаги бўйича ўзгартираберадилар ва уларни шахсий боғлиқлик томонлари йўқ.

Японча “иккинчи оила” тартибининг қўлланилишида катта устунлик мавжуд. Чунки компания ичида иш жойини ўзгартириш компания билан яхши танишиш, уни мақсадини, тизимини тўлиқ тушуниш имконини беради. Компания фаолиятини тўла ҳолда билиш, айниқса бошқарувчи менежерлар учун зарурдир. Йирик Япония “Мацусита Дэнки» компаниясининг асосчиси Мацусита бу соҳада қуйидагиларни таъкидлайди:

1. Сиз билан ишлайдиган одамларни оилангиз аъзолари деб билинг. Муваффақият аввало иш билан боғлиқ бўлган одатларнинг бир-бирини яхши тушунишларига боғлиқдир.

2. Товарларни сотилгандан кейинги кўрсатиладиган хизматлар ундан олдингиларига қараганда қадрлироқдир. Чунки бундай хизматлар доимий мижозларни шакллантира олади.

3. Истеъмолчига ўзини жалб этадиган товарларни эмас, балки уларга фойдали товарларни сотинг.

4. Фақат халол ишлашнинг ўзи кифоя эмас. Қандай ишни бажаришдан қатъий назар, ўзингизнинг ишингиз учун ягона жавобгар эканлигингиз тўғрисида ўйлашингиз керак.

5. Агар фойдасиз ишласак, бу жамият олдидаги жиноятдир. Жамият капитали, унинг одамлари, унинг материалларидан фойдаланамиз, фойдасиз уларни бекорга сарф этамиз, бошқа жойда бўлса улардан самарали фойдаланишган бўлишар эди.

Албата бундай тартиб ўз вақтида самарали бўлиб, Ғарб компанияларига таъсир кўрсатган. Давр ўзгариши билан эркин бозор муносабатларининг таъсири кучайиб, бундай одатлар таъсири ҳам ўзгариб, такомиллашуви керак.

Ўз вақтида японча монополияларнинг асосини клан-оилавий фирмалар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўнлаб компанияларни бирлаштирган. Сўнгра улар Иккинчи Жаҳон урушидан кейин Америка ва Ғарбий Европа компаниялари тамойили асосида ўзгартирилган ҳолда ташкил этилган.

Япония молия тизимида аҳоли жамғармаларининг ўрни катта. Банкларга ишонч юқорилиги натижасида улар банк жамғармаларининг 20 фоизини ташкил этади ва кредит тизимида салмоғли ўринни эгаллаб, иқтисодий ривожланишда кенг фойдаланилади.

9.3. Демократик капитализм модели

Япония иқтисодиётидаги “мўжиза”да ва унинг қудратли даражасида Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги ислохатлар туфайли амалга оширилган чора-тадбирларнинг аҳамияти каттадир. Бунда Америка оккупация маъмуриятининг ташаббуси асос ҳисобланади.

Иқтисодий ислохатлар жуда қийин ахволда амалга ошган. Чунки Япония иқтисодиёти тўла ҳарбий изда бўлиб, барча нарсалар чегараланган, қатъийлик шароитида бўлган. Марказлашган режалаштириш, барча нарсалар олдиндан қатъий белгиланган ҳолатда эди. Хатто ҳақ тўлаш олдиндан аниқ кўрсатилган, баҳолар ўзгармайдиган қатъий белгиланган тарзда эди. Ишлаб чиқарувчилар ҳам олдиндан бир-бирига мажбурий боғланган, мол берувчи ва мол олувчилар олдиндан аниқланган ҳамда иқтисодий алоқаларни қатъий бажариш тартиби ўрнатилган эди.

Шу билан бирга тақсимот ҳам қатъий ўрнатилган тартибда бўлиб, истеъмол буюмлари карточкалар бўйича тақсимланган.

Иқтисодиётда қатъий давлат тартиби ўрнатилиб, бунда ҳеч қандай ихтиёрийликка йўл қўйилмас эди. Давлат монополияси тўла ҳукмронлик қилиб, иқтисодиёт милитаризация (ҳарбийлаштирилган) асосда давом этар эди.

Йирик-йирик концернлар мавжуд бўлиб, асосан ҳарбий саноатдан иборат бўлган. Марказлаштирилган ҳарбий мазмундаги иқтисодиёт мавжуд бўлиб, бу туб ўзгаришларни талаб этар эди. Саноат йўналишини, молияни, иқтисодий ташкилиликни тубдан бошқача усулда ўзгартириш зарурияти туғилиб, Япония ривожини ҳарбий издан чиқариб, соғлом иқтисодиёт йўлига ўтказиш талаб этилган.

Бу ўзгаришлар демократик капитализм модели асосида амалга оширилган. Бундаги биринчи навбатли масала Япония ҳарбий машинасини синдириб, милитаризацияни барбод қилиш ва унинг иқтисодий асосини йўқ қилиб, эркин бозор иқтисодиёти тараққиётига йўналтиришдан иборат эди.

Бунинг учун иқтисодиётда кескин ўзгаришларни амалга ошириш талаб этилди. Меҳнат муносабатлари ўзгартирилиб, ҳарбийча мажбурийлик ўрнига ёлланишга асосланган муносабатларга ўтиш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилди. помонистик иқтисодий сиёсат қўлланилиб, монополиялар йўқ қилина бошлади. Йирик хажмда конверсия қўлланилиб, ҳарбий маҳсулотларни ўрнига тинчлик ҳаётий талаб маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ўрнатилди бошлади. Ҳарбий корхоналар битирилди ва бундан кейин унинг имкониятларини йўқ қилиш учун давлат конституциясида қаттиқ чегараланиш белгиланиб, умуман мамлакат муҳофаа харажатлари миллий маҳсулотга нисбатан 1 фоиз билан белгиланади.

Бюджет ислоҳатлари амалга оширилиб, пул муомаласи мустаҳкамлаштирилди ва валюта курси қатъийлаштирилди. Солиғ сиёсати ўзгартирилиб, иқтисодий нормал ривожланиш даражасига қаратилди ва шунга мос шалклари қўлланила бошлади.

Натижада ҳарбий саноат асослари бўлган йирик концернлар битирилиб, уларнинг акциялари сотилиб, жуда катта концернлар, яъни оилавий холдинг (“дзайбацу”) компаниялар битирилди, монопол ҳолатдан чиқарилди, тинч мазмунли иқтисодий тараққиётга йўл очилди.

Бу ислоҳатлар собиқ агрессорнинг қуролсизлантиришга ва демократик иқтисодий тараққиётга йўл очиб берди. Нормал иқтисодий тараққиёт шароитлари яратилиб, милитаризация ўрнига

ишончли мухит туғилди. Ташқи иқтисодий стратегия ўзгариб, экспорт ва импорт рағбатлантирила бошланди. Давлат билан бизнес ўртасида кооперация пайдо бўлди.

Аграр ислохатлар натижасида йирик ер эгалиги битирилиб, оммавий равишда ерларни сотиш амалга оширилди. Натижада мустақил фермер хўжаликлари юзага келд. Бу эса қишлоқ хўжалигида нормал ривожланиш асосларини пайдо қилди.

Оккупация ҳокимияти давлат корхоналари тизимини ҳам ўзгартирди ва хусусий корхоналар молиясини соғломлаштириш тадбирларини қўллади. Молиявий ислохатлар эса корхоналарга жамғаришнинг ички манбааларини туғдириш имконини берди.

Амалга оширилган ислохатларнинг тадбирлари юқори малакали иш кучининг мавжудлиги, иқтисодиётда илмий-техник прогресснинг кенг қўлланишнинг бошланиши кабилар Япония демократик капитализм моделини шакллантириб иқтисодий “мўжиза” асосини яратиб берди.

Иқтисодий ўсишнинг тезлашуви ривожланган мамлакатларга техник жихатдан етиб олиш ва технологик ўзгаришлар даврига тўғри келади. Чунки Япония ўтган аср 50 – йилларида хомашё ва ёқилғи ресурсларини оммавий қайта ишлаш технологиясини ўзлаштира бошлаган эди. Бу вақтга келиб қора метуллургия, кўмир конлари, электростанциялар реконструкция қилиниб, савдо флоти қайта қурилган эди. 60 – йилларга келиб ҳарбий корхоналарни конверсиялаш асосида ва янги қурилиш ҳисобига маиший товарлар, радиоаппаратуралар, автомобил саноати тармоқлари яратилади. Шу билан бирга нефт-химия, синтетик ва смола толаси, электроника тармоқларининг урушдан кейинги авлодлари юзага келади. Рақобатбардошлиги бўлмаган кўмир шахталари ёпилади ва арзон импорт нефти энергетик хўжаликнинг ёқилғи асосини ташкил этади.

Тармоқлар тузумининг қайта қурилишда янги техника асосида ишлов бериш саноати тармоқларини яратиш асосий йўналиш ҳисобланган. Бунинг асосий сабаблари арзон ва яхши ўргатилган сероб иш кучи мавжудлиги, хомашё ва энергетика бўйича ўз манбаининг йўқлиги, янги технологияга йўл очиклиги, ички жамғармалар манбаи мавжудлиги, капитал харажатларни молиялаш механизмларининг таъминланганлиги каби омиллардан иборатдир.

Бу вақтларда Япония ички қарзларга мухтож эмас эди. Ташқи қарзлари ҳам асосан йўқ эди. Йирик ташқи қарзлардан фойдаланилмаган. Пул тизимининг мустаҳкамлиги бунда анча қўл

келган. Корхоналарнинг молиялашуви асоан банклар томонидан бажарилган.

Урушдан кейинги болалар туғилишининг юқори даражада бўлиши 1955-1970 йиллар ичида мамлакат аҳолисининг 90 млн.дан 104 млн. гача етказди. Индустрлаштириш қишлоқлардан иш кучи оқимини кучайтирди. Ноқишлоқ хўжалигидаги бандлик 17 млн.дан 36 млн.гача кўтарилди, яъни 2 баробардан ортиқроқ кўпайди.

Бу жараёнлар ёлланма ишловчиларнинг даромадини жуда тез ўсиши билан давом этди. Майда ишлаб чиқариш жуда тезлик билан кўпайди ва майда корхоналар сони 1,5 баробар ошди. Тез ўсиш даври Японияда ҳозирги ўрта синфни шакллантирди. Макроиктисодий даражада аҳоли талабидаги ўзгаришларни алоҳида кўрсатиш мумкин. Чунки бу иқтисодий ўсишнинг асосини ташкил этган, яъни шу вақтларга келиб ялпи маҳсулот ўсишининг 60 фоизи шахсий истеъмолга тўғри келган ва 30 фоизгинаси иқтисодий ўсишга сарф этилган. Шундан 18-20 фоиз ишлаб чиқариш қурилиши ва жихозларнинг инвестициясини ташкил этган.

Япония янги техника асосида рақобатбардош экспорт тармоқларини қургунча ўсишнинг энг муҳим чекловчиси чет ҳисоблаш ҳолати бўлиб келган.

Бу давр учун далватнинг саноат сиёсати тавсифли бўлиб, бунда ресурсларни тармоқлар ўртасида тақсимлаш, муайян саноат тузумини ташкил этишда давлатнинг фаол аралашуви мавжуд бўлган. Зарурий импорт тўловларидаги молия квоталари муҳим ускуна ҳисобланган. Шу билан бирга чет инвестицияларидан фойдаланиш фақат индивидуал тарзда қўлланилиб, амалда карточка тақсимоти ҳукм сурган. Бу билан ички бозорда чет рақобати минимумлаштирилган. Демак, ўз вақтида саноат сиёсатининг асосини протекционизм ташкил этган.

Ўтган аср 70 – йилларидаги икки марта юз берган жаҳон нефт инқирози Японияда чуқур инфляцияни юзага келтириб, иқтисодий ўсишни кескин пасайтиради. Қайд қилганимиздек, импорт нефти япония энергетикасининг асосини ташкил этар эди. Шу билан бирга 70 – йилларга келиб иў кучининг янги ресурслари тугаб, экстенсив ўсиш резерви тамомланган эди. Саноат маҳсулоти товар номенклатурасининг янгиланиши ресурси ҳам тугаган эди. Бу капитал қурилишнинг қимматлашуви, иш ҳақининг кўтарилиши, янги иш жойларининг жихозлариниши қимматлаштирган эди. Натижада иқтисодий ресурсларни тежаш ва капитал хажмли ўсишнинг

пасайишига олиб келади. Ўсиш даражаси икки баробар пасайишига қарамасдан жамғариш нормаси юқорилигича қолиб, ЯИМнинг 30 фоизини ташкил этган.

Бу Япония иқтисодиётини борган сари илмий сиғимли тармоқларга эътибор беришни кучайтиради. Бунда электрон машинасозлик, замонавий алоқа воситаларини ишлаб чиқариш тармоқлари етакчилик қилади. Эркин тараққиёт кучайиши билан давлатни иқтисодиётни шатакка олиши қисқариб, унинг саноат сиёсати ўз кучини йўқотиб боради. Рақобатбардошликни йўқотиб бораётган ички ишлаб чиқариш маҳсулотлари ўрнини импорт эгаллай боради.

Бу Япония иқтисодиётининг борган сари жаҳон хўжалигига кўшилишини тезлаштирди. Лекин ташқи иқтисодий алоқалар эркинлашувининг узоққа чўзилиши ички бозордаги кучли рақобат шароитида халқаро бозор рақобатига чуқур тайёргарлик кўриш имконини туғдиради.

Лекин дунёда бунга бошқача баҳо бериш мавжуд бўлиб, Япония иқтисодиётини берк иқтисодиёт деб тушуниш мавжуд эди. Амалда эса ички иқтисодиётни ҳимоялаш ва протекционизм сиёсати қўлланган эди. Бундай чегаралар олиб ташланиб халқаро рақобатга тўла кўшилиш юз берди. 80 – йилларнинг ўрталарига келиб АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари билан бўлган савдода катта ижобий савдонинг юзага келиши ўткир келишмовчиликларга ва Япония учун давлатлараро иқтисодий муносабатларда муҳим масалага айланишига олиб келади. 1986 – йили Япония ҳукумати ижобий сальдони иқтисодиётнинг кучли экспорт тузумининг натижаси, деб тушунтиради ва бунга тузумий диспропорция мавжудлиги сабаб, деб айтилади. Импортга имтиёзлар қўлланила бошлаб, четга капитал чиқариш кўчаяди ва Япониянинг чет мамлакатлардаги активи икки баробар кўпаяди. Бу асосан иш жойларини кўпайиши ҳисобига бўлади. Натижада экспорт товар ҳисобига эмас, балки иш кучи ўринлари ҳисобига юз беради.

Япониянинг ташқи савдодаги ўрни катта. Жаҳон савдосида Япониянинг ҳиссаси 7,3 фоиз (1997 йил)ни ташкил этади. Дунёнинг олтин резервларининг эса 12,8 фоизига тўғри келади. Мамлакатларнинг жаҳон савдосига тортиш даражаси иқтисодиётдаги экспорт ва импорт квотаси билан белгиланади. Япониянинг ЯИМдаги экспорт квотаси 10,5 фоизга тенг, ички провордги истеъмолдаги

импорт ҳиссаси 10 фоизни ташкил этади. Бу Ғарбий Европа мамлакатлари кўрсаткичларидан икки баробар паст ва АҚШга яқин.

Япониянинг ташқи савдо айланиши экспорти 46,1 фоиз ривожланган мамлакатларга, шундан 27,8 фоиз – АҚШга тўғри келса, ривожланган мамлакатларга – 44,8 фоизга тўғри келади. Импортнинг 45,7 фоизи ривожланган мамлакатларга, шундан 22,3 фоизи – АҚШга, ривожланган мамлакатларга – 39,1 фоиз тўғри келади.

Япония экспортида 59,8 фоиз ишлаб чиқариш жихозларига, узоқ муддатли истеъмол буюмларига эса – 17,7 фоиз тўғри келади. Импортда эса 43,3 фоиз хомашё, ёнилғи, яримфабрикатларга тўғри келади, ишлаб чиқариш жихозлари эса – 24,0 фоизни ташкил этади.

Ташқи савдодаги энг йирик шерик АҚШдир. Илгари нефт ишлаб чиқарувчи мамлакатлар асос бўлиб, уларнинг ҳиссаси 19,6 фоиз (1980 йил)дан 6,4 фоиз (1996 йил)га тушиб қолди. Осиёдаги Жанубий Корея, Тайван, Малайзия, Таиландларнинг ҳам ҳиссаси ортиб бормоқда.

Ташқи инвестицияда биринчи ўринда АҚШ туради ва бундаги ҳисса 40 фоиздан ошади, 18 фоизга яқини Осиё мамлакатларига тўғри келади. Умуман Япониянинг ташқи инвестицияси кейинги 6 йил ичида икки мартага ошган.

Япониянинг ташқи иқтисодий алоқаларида ўтувчи иқтисодиётли мамлакатларнинг ўрни ҳам ортиб бормоқда. Бунинг ичида Ўзбекистоннинг ҳиссаси ҳам сезиларли даражададир.

Япония ҳозирги вақтда Ғарбий Европа Иттифоқи ва АҚШдан кейинги дунёда учинчи қудратли иқтисодиёт мамлакати ҳисобланади.

9.4. Японча ишлаб чиқаришнинг бошқарилиши хусусиятлари

Япония иқтисодий тараққиётида ва рақобатбардошлиликни юзага келтиришда ишлаб чиқариш менежменти ва ўзги хос раҳбарлик услубининг яратилиши муҳим ўрин эгаллайди. 70 – йилларгача узоқ давом этган арзон иш кучи ва ёнилғи – хомашё паст баҳоли импортга асосланган рақобатбардошлик мавжуд эди. Долларга нисбатан иена пас курсда бўлиб, япон маҳсулотлари экспорти ҳам бошқа ривожланган мамлакатларга нисбатан паст эди. Ёнилғи – хомашё нархининг, айниқса нефтнинг нархини баланд бўлиб кетилиши, катта ўзгаришларга олиб келди. Япония саноати ўзида тезда ўзгаришлар ясаб, кам ресурс сиғимли тармоқларга ўтишни таъминлай олди ва

ресурс тежамли, меҳнат тежамли технологияларни ишлаб чиқиб, саноатда қўллай бошлади.

Япония компанияларининг турғунлик хусусиятини японча ёлланма меҳнат тизими билан боғлайдилар. Бу тизимнинг уч томони мавжуд: 1) ишчиларнинг умр бўйи ёлланиши. Бунда ишчиларнинг то нафақага чиққунча иш билан таъминланиши кафолатлиб, иш жойининг доимийлиги таъминланади. 2) Махсус иш ҳақи тизими. Бунда ёшига ва компаниядаги иш стажига қараб маош ортиб боради. 3) Касаба уюшмалари тармоқ бўйича эмас, балки фирма бўйича тузилади ва муайян корхона ичида фаолият кўрсатади.

“Умр бўйи ёлланиш” асосан йирик корпорацияларда ва қисман ўрта корхоналарда қўланилади. Умуман тахминан саноат ишлаб чиқаришидаги бандликнинг 15-20 фоизини ташкил этади. Бу тизим юридик асоссиз бўлиб, келишув бўйича амалга оширилади. Японияда икки хил меҳнат бозори мавжуд бўлиб, биринчиси “ташқи меҳнат бозори” дейилади. Бу бошқа мамлакатлардан деярли фарқланмайди. Иккинчиси “ички меҳнат бозори” бу корпорация ёки “Кэйрецу” саноат гуруҳида қўлланилади. Бунда фирма ичида паст самарали жойдан бошқасига ўтказилиб, юқори малакали ишчиларни сақлаб қолишга эришилади. Шу билан бирга ишга қабул қилиш маълум мутахассислиги, малакага эгаллиги асосида бўлмай, “инсон ёлланиши” тарзида амалга ошади. Чунки ўқитиш, ҳунарга ўргатиш бутун иш ва амал даврида давом этади. Ҳалоллик ва меҳнат билан боғланган инсоф, хатарликка қаттиқ эътибор берилади ва бунда меҳнат билан менежмент ўртасилаги тўла келишувлик катта аҳамият касб этади. Малакали ишчилар ва бошқарув ходимларининг иш ҳақи фарқи жуда кам бўлади. Инженер-техник ходимлар ва ишчиларнинг бир-бирига яқин бўлиши ва фарқнинг камлиги рағбатлантирилади.

9.4.1.-жадвал

Минтақалар ва мамлакатлар бўйича таъсисчи – корпорациялар ва уларнинг чет элларда шахобчалари миқдори

Минтақа/мамлакат	Йил	Мамлакатда жойлашган таъсисчи корпорациялар	Мамлакатда жойлашган чет эл фирмалари
1	2	3	4
Ривожланган мамлакатлар		43442 в	96620

Ғарбий Европа		33302	63782
Европа Иттифоқи		27846 в	54875
Ғарбий Европа ва бошқа мамлакатлар		6044	9111
Япония	2001	4821	3241
АҚШ	2001	3838	2001
Бошқа ривожланган мамлакатлар		2530	10916
Ривожланаётган мамлакатлар		11421	2509
Африка		42	375
Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзасидаги мамлакатлар		1341	2323
Европанинг ўтиш даври мамлакталари (Хорватия, Словения, собиқ Югославия)		1482	6045
Жанубий, Шарқий ва Жануби – Шарқий Осиё		7324	214621
Корея Республикаси	2002	48059	4120
Хитой	2002	379452	175112
Ғарбий Осиё (Баҳрайн, Уммон, Саудия Арабистон, Туркия, Марказий Осиё)		555	2790
Тинч океани (Фиджи)	2001	-	1198
Марказий ва Шарқий Европа		980	141612
Бутун дунё бўйича		5930	471719

Бу тизим ҳозиргача ҳам Японияда асос бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотлар бўйича 1000 кишига нисбатан саноат компанияларида университетлардан тўғри ёлланганлар ичида 30 ёшгачаси – 78,9 фоиз, 40 ёшгачаси – 70 фоиз, 50 ёшгачаси – 66,2 фоиз, 60 ёшгача – 33,6 фоизни сақлаб қолган. Бу рақамлар “умр бўйи” тизимининг амалда эканлигини кўрсатади.

Малакали ходимларни сақлаб қолиш учун компаниялар янги усуллар қўллашни лозим топадилар. Айтайлик, ўрта ва юқори менежерлар учун акцияларни имтиёзли баҳоларда сотиш. Бу аввало АҚШда қўлланилган бўлиб, ҳозир Японияда ҳам кенг қўлланила бошлади.

Япония ишчилари дунёда энг юқори иш ҳақиға эға. Бу меҳнат билан менежмент ўртасида тўла келишувнинг катта асоси бўлиб ҳисобланади. Масалан, иш кунининг йўқотилиши бўйича етакчи ривожланган мамлакатлар ичида япония энг паст ўринда туради. Маълумки, иш кунларини йўқотиш аввало меҳнат бўйича келишмовчилик сабаби билан юз берадики, ишчилар ўз бошлиқларига қарши норозилик билдиришини натижаси ҳисобланади.

Япония корхоналарида техника хавфсизлиги даражаси жуда юқори. Буларнинг барчаси иш кучи сифатининг юқорилиги ва бунинг рақобатбардошликка таъсири катталигини кўрсатади.

Кейинги йилларда Япония ишлаб чиқариш менежменти тизими ва бошқаришда бир қанча такомиллашув амалға ошмоқда. Бунда “Тоётизм” янги модели аҳамиятлидир. Буни ишлаб чиққан Тойота фирмасидир. Янги тизим стандартликнинг устуворлигини сақлаган холда диверсификациялашган маҳсулотлар сифатини кўтариш ва мослашув даражасини кўтариш имконини беради. Маълумки, фордча оммавий маҳсулот ишлаб чиқариш модели вақтларида бир қанча қийинчиликларға дуч келиб, ўзгариш талаб этган холда янги технологияларни юзаға келтиради.

Янги тизимда “албатта ўз муҳлатида” ва “сифатни тотал назорати” усулари ишлаб чиқарилиб, булар компаниялар билан таъминотчлар ўртаида жипс алоқани талаб этади. Ишлаб чиқаришни илмий асосда олиб бориш, дизайн, инжиниринг ва саноат ишлаб чиқаришини интеграциялашуви ҳамда ягона ишлаб чиқариш жараёни циклиға айлантириш юз беради. Истеъмолчилар ва талаб меъёриға катта эътибор берилади. Бундай шароитда инсон ресурси менежменти янги талабларни юзаға келтиради. Шу билан бирға ишчиларнинг малакаси, мутахассислиги тўхтовсиз такомиллашиб бориши зарур бўлади.

Праводги “Тоётизм”дан келиб чиқадиган натижа зарур маҳсулотларнинг зарур миқдорда ва зарур вақтда ишлаб чиқарилишини таъминлашға тўла эришувдан иборатдир. Бу тизимда автоматлашув, яъни ақлли машиналар яратиш ва дефектни

автоматиканинг ўзи бошқариши, бир вақтда бир неча моделларни йиғиш, буюртмачилар билан таъминотчилар ўртасида ахборот доимийлигини таъминлаш кабилар асос ҳисобланади.

Тойота автомобил компаниясида қўлланилган бу ишлаб чиқариш менежменти тизими бошқа мамлакатларга ҳам тарқалган ва саноатда инқилобий ўзгаришларга олиб келди.

Япония компанияларидаги бошқарув усули қисқа вақтда фойда олишга эмас, балки фойда олишнинг доимийлигини таъминлашга қаратилгандир. Шунинг учун Япония менежменти Ғарбий менежментдан кўп томонлама фарқланади.

Япония менежменти дунёда энг илғор ҳисобланади ва у тўхтовсиз такомиллашиб боради, оғир ҳолатларга мослашувчан бўлиб, Япония компанияларининг рақобатдошлигини таъминлашда катта ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётини ривожлантиришда Япония иқтисодиёти бошқаруви тажрибаларини ўрганиб бориш ва фойдаланиш усуллари белгилаб бориш аҳамиятлидир.

9.5. Илмий-техник прогресс ва иқтисодий тараққиёт

Япония тараққиётида, унинг иқтисодий “мўжиза”сида илмий-техник тараққиётнинг ўрни беқиёсдир. 90 – йилларга келиб Япония капитал харажатлари АҚШ даражасига етди. Агар буни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда АҚШ даражасидан икки баробар юқоридир. Айтиш мумкинки, капитал харажатлар бўйича Япония дунёда лидерлик қилади. Амортизация ажратмалари ҳам юқори даражада бўлишга қарамасдан инвестициянинг асосий қисми машина, жихозлар ва технологияга сарф этилиб, рақобатдошликка қаратилади. Япония саноатчиларининг диққати доимо илмий-техник ривожига қаратилган. Бунда асосий ўринни илмий-тадқиқот тажриба-конструкторлик ишлари инвестицияси эгаллайди (ИТТКИ). Бунинг асосий мақсади илмий ғояларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишдан иборатдир.

Илгари	Япония
технологиясини	бошқа
мамлакатлар билан	истар –
истамай баҳам кўрган.	Бирок,
энди вазият ўзгара бошлади.	Япония
бўйича мутахассис	Рональд
Морзенинг фикрича,	“Улар
янги индустриал	мамлакатларнинг
иқтисодий	кучайишига ёрдам беради
ҳамда шу туфайли у ерларда сиёсий ва	стратегик таянчга эга бўлади”.

Кейинги 20 йил ичида илм, техника ва технология ривожини учун қилинган жами харажатлар 8 марта ортган. Бу Япониянинг бу соҳада дунёда биринчи ўринда туришини билдиради. Лекин бунда асосий юк

хусусий компаниялар елкасида бўлиб, давлат мамлакатда илмий-тадқиқот ишларини мужассамлаштириш ва ИТТКИни ривожлантириш, давлат дастурини амалга ошириш, хусусий компанияларни рағбатлантириш ишларини бажаради. Шунини қайд қилиш керакки, бу соҳада давлат билан хусусий сектор ўртасида аниқ меҳнат тақсимоли мавжуд.

ИТТКИ харажатларининг 80 фоизи хусусий секторга тўғри келади. Умумий бундай харажатларнинг 2/3 қисмини электроника, кимё саноати ва кemasозлик ташкил этади. 70-90 – йиллар ичида Японияда компьютер ва офис жихозлари ишлаб чиқариш харажатлари 40 баробарга кўпайтирилган. Кўпчилик компанияларда ИТТКИ харажатлари унча кўп бўлмаса ҳам самарадорлик юқоридир.

Япониянинг тараққиёт муваффақиятини кўпинча ғарб технологиялари импорти ҳисобига бўлган, деган тушунчалар мавжуд, ўзлари эса ҳеч янгилик яратмайди, дейишади. Амалда эса ундай эмас, чунки Япония компаниялари кўп соҳада янги технология бўйича етакчилик қиладилар ва импорт технологияни эса такомиллаштирадилар. Ўз кашфиётларини рўйхатдан ўтказиб, патентлаштириш ҳолати кўп учрайди. Масалан, “Hitachi” компанияси ИТТКИга тўхтовсиз ўз харажатларини кенгайт ириб боради, 1997 – йилнинг ўзида технология лицензияларини сотишдан олган фойдаси 50 млрд. иенни ташкил этган, қайсики компания умумий фойдасининг 48 фоизига тўғри келади. 1981 – йили “Hitachi” компанияси диққат марказини патентлар сифатига қаратиш йўналишини кўллаб, патентларни “олтин”, “кумуш” ва “бронзаларга” бўлган. Шу билан бирга ўзида интеллектуал мулки бўлишини ташкил этиб, бу бўлим стратегик муҳим кашфиётларни ажратиб “олтин” статуси бериш ва уларни аниқ технологияга айлантириш, лицензияларни сотиш ишларини бажара бошлаган.

Ҳозирги вақтда “Hitachi” компангияси 50 мингдан ортиқ Япония ва четда рўйхатга олинган патентларга эга. Ҳар йили камида 10 минг янги патентлар учун буюртма беради. Кашфиёт маҳсулотларини тенглаштириш учун (ўзими, четдами, айниқса АҚШда) қаттиқ рақобат кураши боради.

Ўрта, кичик корхоналар ҳам йирик компаниялар каби ИТТКИ харажатларига имкониятлари бўлмаса ҳам тадқиқот ишларини олиб борадилар, инженер-техник ходимлар билан янги технология яратиш соҳасида доимий учрашув, мулоқотлар ташкил этиб турадилар.

Амалий фанларда муваффақият жуда кучли бўлишига қарамай кейинги йилларда фундаментал тадқиқотларда заифлик сезила бошлади. Агар бу соҳада асосан чет мамлакат муваффақиятига ишонилган бўлса, энди қаттиқ патент тизими қўлланилиши билан бу муаммога айланмоқда.

Япония ҳукумати бунга эътибор бериб, сабабларини ўрганган холда умуман илмий-тадқиқот тизими, таълим тузумлари кабиларни такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллашга қаратилган дастурлар тузишга қаратилган катта хажмдаги ислохотлар амалга оширилишини кутиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, Япония кўп соҳалар бўйича АҚШ каби етакчилардан биридир. Булар машинасозлик, автоматика, электроника, автомобилсозлик кабилардан иборат. Айниқса янги технология ва электроника бўйича энг олдинги мамлакат бўлиб, кам материал, кам меҳнат сиғимли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича энг илғор мамлакатга айланган.

Малакали ишчи ва хизматчилар, аҳолининг умумий ўқимишлиги бўйича жуда илғорлаган мамлакат ҳисобланади. Дунё бўйича маошнинг энг юқори даражаси Япониядадир. Бу албатта энг ижобий муваффақиятдир. Буларнинг барчаси иқтисодий тараққиётнинг ифодасидан иборат.

Япониянинг нисбатан қисқа вақт ичида қолоқликдан чиқиб, катта ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлига ўтиб, дунёда етакчи мамлакатларга айланиши, иқтисодий ривож даражасининг жуда юқори бўлишлиги, буюк иқтисодий салоҳиятга эга бўлиб, дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллаши “мўжиза” номини олган.

Бу “мўжиза”да албатта миллий хусусиятларнинг ўрни кам бўлмаган. Миллий урф-одатдаги ўзига хослик томонлардан тартиблилик, шарқий тарбия кабилар, оилада, катта-кичик ўртасидаги муносабат, умумий бирлик, аёл ва эркак муносабатлари кабиларнинг иқтисодий фаолиятга таъсири бўлган. Бунда итоаткорлик хусусиятининг ижобий томонлари кўп бўлган. Оилавий бир-бирини қўллаш, ишонч кабилар мавжуд бўлиб, компания, фирмалар хатто оилавий-кланлик асосида ташкил топиши кабилардир. Биргаликда иш тутиш, ҳар бир ҳаракатнинг бир-бирига боғлиқлиги, ўз вақтида ижро этишлик хусусиятларининг иқтисодий тараққиётдаги ўрни албатта катта. Миллий ўзгаликка қўшни Хитой ва Кореянинг таъсири катта бўлган. Маълумки, асрий қўшнилик диний, урфий умумийлик,

иқтисодий алоқалар албатта ўз изини қолдирган. Шу билан бирга бу мамлакатларнинг Япония асоратида бўлишининг ҳам таъсири бўлган.

Иқтисодий ислоҳатлар жуда қийин ахволда амалга ошган. Чунки Япония иқтисодиёти тўла ҳарбий изда бўлиб, барча нарсалар чегараланган, қатъийлик шароитида бўлган. Марказлашган режалаштириш, барча нарсалар олдиндан қатъий белгиланган ҳолатда эди. Хатто ҳақ тўлаш олдиндан аниқ кўрсатилган, баҳолар ўзгармайдиган қатъий белгиланган тарзда эди. Ишлаб чиқарувчилар ҳам олдиндан бир-бирига мажбурий боғланган, мол берувчи ва мол олувчилар олдиндан аниқланган ҳамда иқтисодий алоқаларни қатъий бажариш тартиби ўрнатилган эди.

Япония иқтисодий тараққиётида ва рақобатбардошлиликни юзага келтиришда ишлаб чиқариш менежменти ва ўзги хос раҳбарлик услубининг яратилиши муҳим ўрин эгаллайди. 70 – йилларгача узок давом этган арзон иш кучи ва ёнилғи – хомашё паст баҳоли импортга асосланган рақобатбардошлик мавжуд эди. Долларга нисбатан иена пас курсда бўлиб, япон маҳсулотлари экспорти ҳам бошқа ривожланган мамлакатларга нисбатан паст эди. Ёнилғи – хомашё нархининг, айниқса нефтнинг нархини баланд бўлиб кетилиши, катта ўзгаришларга олиб келди. Япония саноати ўзида тезда ўзгаришлар ясаб, кам ресурс сифимли тармоқларга ўтишни таъминлай олди ва ресурс тежамли, меҳнат тежамли технологияларни ишлаб чиқиб, саноатда қўллай бошлади.

Япония тараққиётида, унинг иқтисодий “мўжиза”сида илмий-техник тараққиётнинг ўрни беқиёсдир. 90 – йилларга келиб Япония капитал харажатлари АҚШ даражасига етди. Агар буни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда АҚШ даражасидан икки баробар юқоридир. Айтиш мумкинки, капитал харажатлар бўйича Япония дунёда лидерлик қилади. Амортизация ажратмалари ҳам юқори даражада бўлишга қарамасдан инвестициянинг асосий қисми машина, жихозлар ва технологияга сарф этилиб, рақобатдошликка қаратилади. Япония саноатчиларининг диққати доимо илмий-техник ривожига қаратилган. Бунда асосий ўринни илмий-тадқиқот тажриба-конструкторлик ишлари инвестицияси эгаллайди (ИТТКИ). Бунинг асосий мақсади илмий ғояларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишдан иборатдир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Япония иқтисодиётининг жаҳондаги етакчилиги нималарда ўз ифодасини топади?
2. Япония иқтисодий “мўжизаси”нинг мазмуни нимада?
3. Япониянинг янги технология, автоматикада жаҳондаги етакчилигини айтиб беринг.
4. Япония тадбиркорлигида миллийликнинг мазмуни нимадан иборат?
5. Японча менежмент деганда нимани тушунасиз?
6. Япония милитаризмини Иккинчи Жаҳон урушидан кейин демократик капитализм билан алмашувининг бозор иқтисодиёти ривожига аҳамияти нималардан иборат?
7. Япония иқтисодий “мўжизаси”да илмий-техник тараққиётнинг ўрни қандай бўлган?
8. Японияга жаҳон молиявий - иқтисодий инқирозининг таъсир доираси қай даражада бўлди?
9. Япониянинг жаҳон молиявий - иқтисодий инқирозига қарши қўллаётган чоралари ҳақида нималарни биласиз?
10. Японияда иқтисодиётда рақобат ва монополияларни тутган ўрни ҳақида тушунтиринг.

10-БОБ. ЖАНУБИЙ-ШАРҚИЙ ОСИЁДАГИ ЯНГИ ИНДУСТРИАЛ МАМЛАКАТЛАРДА БАЗАР ТАЖРИБАСИ

10.1. Осиё “Аждаҳолари” ва “Йўлбарслари”

XX – асрнинг иккинчи ярмида Шарқий-Жанубий Осиёда тез ривожланган ва индустриал мамлакатлар пайдо бўлиб, ўз иқтисодий салоҳияти бўйича ривожланган мамлакатлар қаторига кўшилган ва яқинлашаётган мамлакатлар юзага келди. Булардаги йирик муваффақиятларни бозор муносабатларига ўтиш ва унинг механизмларидан кенг ва чуқур фойдаланиш туфайли юз бериб, давлат иқтисодий сиёсатларининг оқилона амалга оширилишининг натижаси, деб тушунтириш мумкин. Осиё “Аждаҳолари” қаторига Жанубий Корея, Сингапур,, Тайван ва Гонконг давлатлари киради. Жанубий Корея, Тайван ва Гонконг Шарқий Осиёда жойлашган бўлса, Сингапур Шарқий-Жанубий Осиёдадир. Буларда иқтисодий тараққиёт даражаси юқори бўлиб, ривожланган мамлакатлар ҳитсобранади ва ўз иқтисодий салоҳияти билан шу мазмунга тўла мувофиқ келади.

Осиё “Йўлбарсларига” Малайзия, Таиланд, Индонезия ва Филиппин давлатлари кириб, булар асосан Шарқий-Жанубий Осиёда жойлашган, иқтисодий даражаси бўйича ривожланган мамлакатлар қаторига кўшилишга яқинлашиб қолгандир.

Бу мамлакатлар Ииккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам қолоқ аграр мамлакатлар ҳисобланиб, бойлиги асосан шоли етиштириш ва бироз қазилма бойликларига эга, маҳсулот ишлаб чиқариш эса паст даражада ва қолоқ холдаги қишлоқ хўжалигига эга бўлиб, аграр мамлакатлардан иборат эди.

Лекин жуда қисқа вақт ичида қолоқликдан чиқиб, қашшоқликнинг олди олиниб, иқтисодий раванқ йўналишини қўллаш олдилар. Бунда давлат барча имкониятларни тўла ҳисобга олган холда иқтисодий очиклик, эркин тараққиёт сиёсатини қўллаган холда оқилона иш юритиб бозор муносабатларига ўтишни тезлаштирган тарзда тараққиёт сари интила бошладилар. Ривожланган мамлакатлар тажрибасини кенг ва максимал равишда фойдаланилиб, уларнинг ёрдамларини ишга солган холда, иқтисодиёт ҳаракатини эркинлаштирдилар.

Ҳозирга келиб бу мамлакатлар тез ривожланувчи ва хатто АҚШ, Япония ва Ғарбий Европа мамлакатларигача маҳсулотлар

етказиб берувчи ҳамда юқори сифатли ва халқаро стандартларга тўғри келувчи товар ишлаб чиқарадиган мамлакатлар қаторига қўшилгандир. Бунда илғор технологиянинг кенг қўлланиши, ишлаб чиқаришнинг экологиклиги даражасида бўлишлиги ривожланиш даражасига янада аниқлик киритади.

Биринчи тўртлик, яъни “”Аждаҳолар” шу билан бирга, айтганимиздек, ривожланган мамлакатлардан ҳисобланиб, жаҳонда энг йирик молия марказларидан ва жаҳон экспортчиларидандир. Осмон ўпар бинолар, замонавий аэропортлар, сунъий йўлдошлар кабилар буларнинг муваффақиятларидан далолат беради. “Йўлбарслар” ҳам қолишмасликка, олдинга интилишмоқда. Дунёда энг баланд, осмон ўпар бинолар Тайван ва Малайзиядадир.

Албатта ҳаққоний савол туғилади, қандай қилиб бу мамлакатлар шундай даражага эриша олишди, бунинг асосий хусусиятлари нимада? Албатта илоҳий кучда эмас, балки асосий куч, сабаблар ер усти воқеълигида, одамлар ҳаракатида. Ҳозиргача дунёда қоқ мамлакатлар оз эмас, очлик, қашшоқлик муаммолари кўпчиликини ўйлатади ва қоқ мамлакатлар ҳам шулар қаторига қўшилишни истади. Демак, бу ва бунга ўхшаган олдин ёки кейин ривожланиш йўлига ўтган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва улар эришган даражага етиш учун йўл ахтариш жуда муҳим, оламшумул вазифалардандир.

Албатта ҳар бир мамлакатда бозор муносабатларига ва бу асосда иқтисодий тараққиётга эришиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Аввало бу Шарқий Осиё мамлакатлари маданияти билан боғлиқдир. Миллий маданият, урф-одат албатта ўз таъсирини кўрсатади, менталитетнинг ўрни катта. Буларнинг ичида инсонларнинг бир-бирига ҳурмати, ўз давлатига муносабат, давлатга итоаткорлик, унинг кўрсаткичларини гап сўзсиз бажариш, миллий бирлик ва ғурур кабиларни санаб ўтиш мумкин. Бунда яна оилавий муносабатлар, катта ёшдагилар ҳурмати, ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар, ишончликка ўхшаган хусусий менталитетнинг ўрни бор. Бир-бирини қўллаш, жамоатчилик хусусиятлари, меҳнатсеварлик, бошлиқнинг, каттанинг обрў-эътиборлиги, оилавий ва қариндош-уруғчиликка боғлиқлик, оилавий ва уруғчилик асосидаги режаларнинг мавжудлиги кабилар ҳам бу соҳада кам аҳамият касб этмайди. Миллий бирликда ва мамлакатни маълум мақсадга қарата билишда бу миллий

хусусиятлардан фойдалана билиш албатта ғалабага эришувда қўл келади.

Бундан ташқари бу мамлакатларда аҳоли билим даражаси жуда юқоридир. Билим стандарти бўйича олинса, жаҳонда энг юқори ўринга эга бўлган мамлакатлар Сингапур, Жанубий Корея, Япония ва Гонконгдир. Маълумки, инсон ресурси ҳозирги давр тараққиётида хал қилувчи аҳамиятга эга. Бу энг муҳим ва қудратли “инсон капиталидир”.

Ҳаётдаги топшириқ бериш ва ижрочилик руҳи кучлилиги, оилавий қўллаш, ҳимояни сезиш каби хусусиятлар Шарқ халқларида, айниқса бу Шарқий янги индустриал мамлакатлар халқларида кучлидир.

Қўшни Япония тажрибаси, унинг японча, “”иктисодий мўжиза” таъсири ҳам ўз кучига эга бўлган ва маълум даражада туртки вазифасини ўтаган ҳамда тўғридан-тўғри ўрганиш нуктаси вазифасини бажарган. Кўп томондан бевосита Япония ёрдамидан фойдаланилган.

Индустриаллаштиришнинг бошланғич даврида қолоқ тўқимачилик саноати негиз бўлиб ҳисобланган. Бу ўтган аср 50 – йилларга тўғри келиб, деярли паст баҳодаги товарлар ўз ташқи кўриниши билан ўзига тортадиган бўлишлиги, кенг ассортименти билан жаҳон бозорида ўзига яраша жой топа билган. Шу йўл билан энг бошланғич миқдорда валютага эга бўлишликка муяссар бўлган. Экспортдан тушган сармоя аввало мавжуд қолоқ корхоналарнинг асбоб-ускуналарини янгилаш, имкон даражада янги техника киритиш мақсадларида фойдаланилган. Бунда албатта Япония тажрибаси қўл келган.

Индустриаллаштиришда давлатнинг роли жуда катта бўлган ва барча жараёнлар давлат иштироки, қовуштириш фаолияти туфайли амалга ошган. Инвестиция учун кенг шароит яратилиб, чет капиталининг киритилиши учун рағбатлантириш усуллари самарали равишда қўлланилиб борилган. Бунда албатта арзон иш кучининг сероблиги жуда қўл келиб, чет капитали фойдасини юқори даражада бўлишини таъминлаган.

Аста-секин импортнинг ўрнини босувчи тармоқларни яратишга эътибор кучайиб, янги-янги саноат тармоқлари юзага кела бошлайди. Бунда ҳукуматнинг оқилона иш тутиш, устувор тармоқларни танлай билиш, жаҳон бозори конъюктурасини тезда сеза билиб иш тутиш албатта ҳукумат ҳаракатига боғлиқдир. Албатта ўринли даражада

протекционизм сиёсатини қўллай билиш, бунда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорларга қарата билиш, ҳамда бундаги боғлиқликни таъминлаш жуда ўринлидир.

Умуман давлат саноат сиёсатининг мавжудлиги ва буни ўз вақтида тезлик билан амалга ошира олиш талаб этилган. Янги тармоқ ва корхоналарнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, молиялаштиришни таъминлаш ва бунда зарурият талабига кўра ўзгарувчанликнинг бўлиши муҳим рол ўйнаган.

Саноат ташкилий тузумини шакллантира бориш аҳамиятли бўлиб, бу жаҳон бозори талаби асосида олиб борилган ва бунда мавжуд имкониятлардан юқори самарали фойдаланиш талаб этилган. Ўтган аср 50 – йилларида тўқимачилик ва шишасозлик тармоқлари ривожлантирилган бўлса, 60 – йилларда цемент, минерал ўғитлар, нефтни қайта ишлаш, пўлат қуйиш, синтетика саноат тармоқлари ривожлантирилган. 70 – йилларга келиб, кемасозлик, инвестицион товарлар, узоқ муддат фойдаланиладиган жихоз, автомобил кабилар ишлаб чиқаришга аҳамият кучаяди. 80 – йилларга келиб эса электроника, телекоммуникация, ахборот техника тармоқлари пайдо бўла бошлади. 90 – йилларда асосий эътибор янги материаллар ва технология, аэрокосмик техникага қаратилади.

Кўриниб турибдики, индустрлаштириш оддийдан мураккабга томон амалга ошиб, правардида энг юқори техника ва технологияга асосланган ишлаб чиқариш яратилади. Шу билан бу кетма-кетлик ва махсус шароитлар яратилиши асосида ривожланиш давом этади ва натижада юқори чўққиларга чиқилади ҳамда мураккаблашиб боради.

Бож ҳақи юқори даражада бўлиб, иқтисодий сиёсатни қўллашда катта қурол бўлиб хизмат қилган. Бошида маҳаллий товарлар асосан паст нархли бўлиб, бозорга йўл очишни енгиллаштирган. Кредитлар имтиёзли бўлиб, фоизлар деярли паст бўлган.

Иқтисодиётнинг мунтазам ривожланишини таъминлаш учун зарур капиталнинг етишмовчилиги муаммосини хал қилиш учун эътибор доимий тусда бўлган. Шу билан бирга ҳукумат иқтисодий сиёсатида иқтисодиётдаги диктатура ўрнига демократик усулларни қўллаб боришга тўхтовсиз эътибор қаратилади.

Давлатнинг иқтисодий сиёсатида бевоситалик асос бўлмай, билвоситалик устунлик қилган. Бунда асосий урғу иқтисодий механизмлардан фойдаланишга қаратилган.

Бу мамлакатларда ҳозирги давр тараққиёт вазифаси экстенсивликдан интенсивликка ўтишдир. Бу айниқса ривожланган ҳисобланувчи “Аждаҳолар” деб аталмиш тўртлик мамлакатларига тааллуқлидир. Бундаги йўналишлар албатта янги технология, илмий сиғимли маҳсулот етиштириш, номоддий ишлаб чиқариш тармоқларининг устунлик билан ривожланишини таъминлашдир. Маълумки, бу ишлаб чиқаришда туб ўзгаришларни амалга ошириш ва умуман юқори даражага кўтаришни талаб этади.

Юқори малакали меҳнат асосида ички бозорнинг ўсиб боришини таъминлаш амалга оширилади. Айтайлик, Тайванда компьютер техникаси кўп негиз яратиш ва самолёт қисмларини тайёрлаш учун Жанубий Кореа Республикасида асос солиш кабилардир.

Индустриалаштиришнинг юқорилашуви, ишлаб чиқаришнинг юқори даражада бўлиши иқтисодий ўсишни тезлаштириш натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига олиб келади ва бу моддий ишлаб чиқаришга нисбатан тез суръатлар билан ўсиб боради. Бу мамлакатларда олдин ҳам хизмат кўрсатиш паст даражада бўлмаган. Энди эса бунинг замонавий тармоқларини юзага келтирган ҳолда юқори техника асосида янги хил хизматлар ҳисобига тезлик билан ўсиш юзага келади. Айниқса ахборот технологияси, туризм ва молиявий хизмат кўрсатиш тармоқлари кенг қулоч ёза бошлайди.

Бу Осиё мамлакатлари учун ИТИКИ (илмий-тадқиқот ва илмий-конструкторлик ишлари)нинг такомиллашувида катта рол ўйнайди. Айниқса 80 – йиллардан бошлаб бунга катта аҳамият берила бошлади. Қисқа муддат ичида илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, амалий муаммолар бўйича лабораторияларнинг кенг тармоғи яратилган эди. Бунда ИТИКИнинг миллий лойиҳалари амалга оширилиб, булар асосан ярим ўтказгичлар, АЭСларга жихозлар тайёрлаш (атомэлектростанциялари), компьютерлар, ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳалар эди. Илмий-техник сиёсатнинг асосий йўналиши микроиқтисод, соф кимё, ахборот, ишлаб чиқаришни автоматлаштиришлардан иборат эди. ИТИКИ ривожини учун қаратилган харажатлар йилдан-йилга кўпайиб, ЯИМдаги уларнинг ҳиссаси хатто АҚШдан ҳам юқори бўлади.

Бу мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларининг муҳим таркибий қисми ҳисоблангани радикал аграр ислоҳатлардир. Анъанавий ер муносабатларининг ўзгариши

ирригация ишларини кенг хажмда олиб бориш, бу билан унумдорликни кўтариш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш, агрокомплекснинг қисмларини яхшилаш ишларини олиб бориш имконини беради. Булар эса ўзидан-ўзи иқтисодий ўсиш омилларига айланиши, шунингдек ички жамғарилишларнинг қўшимча манбаига айланиши ва саноатнинг ҳам ўсиш манбаига айланишини белгилайди. Индустрлаштириш учун қишлоқ хўжалиги ҳисобидан сармояларнинг жамғарилишида 1949-1952 йиллардаги Жанубий Корея Республикасида ўтказилган ислохатлар, 1949-1953 йилларда Тайванда ўтказилган аграр ислохатлар билан рағбатлантирилган эди.

10.2. Жанубий Кореяда бозор иқтисодиёти ривожини

Янги индустриал мамлакатлар ичида энг бақуввати Жанубий Корея Республикасидир. ЯИМ бўйича дунёда ўнинчи ўринда туради. Аҳоли жон бошига ЯИМ 15 минг доллардан кўпроқ тўғри келади. Илм сиғимли маҳсулотлар етиштириш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, сунъий йўлдош учирган мамлакатлардан бири бўлиб ҳисобланади. 1999-2003 йиллар ичида таълим ва технология, илм сиғимли саноат марказларини ташкил этиш кабиларга 110 млрд. долл. сарф қилинган .

Ривожланиш стратегиясининг муҳим томони тузумий сиёсатдир. Бунда турли тармоқлар ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш мақсадига мувофиқлиги тузумий ўзгаришларнинг кетма-кет равишда амалга оширилиши, харажатлар ва натижаларни назорат қилиш амалга оширилган. 70 – йилларгача тузумий сиёсат макроиқтисодиётнинг шаклланишига қаратилган эди. Аграр ислохатлар ва саноат ҳиссасини ўстиришга алоҳида эътибор берилган. Иқтисодиётнинг тузумий ўзгариб бориши туфайли саноатда бир қанча силжишлар юз беради. Асосан бу индустриал негизда амалга оша бошлайди. Бундан олдин индустрия аҳамиятли бўлмай, хизмат кўрсатиш соҳаси, номоддий ишлаб чиқариш асос бўлган.

Шундай қилиб, иқтисодиётдаги тузумий ўзгаришнинг асосий босқичи ва унинг ўз ўсишини таъминлашга асосланиши индустрлаштиришдан иборат бўлади. Бунда фақат саноат тармоқларида машина техникасига ўтиш билан чегараланмай, қишлоқ хўжалигини қайта қуриш, уни сифат жиҳатидан янги

ривожланиш босқичига ўтиш ҳамда замонавий инфратузилмаларни пайдо қилишдан иборат бўлган.

Иқтисодий тартиблаштиришда асосан Япониядан ўрнак олинган ва бунда Жанубий Корея Республикаси айниқса ажралиб турган. Бунда иқтисодий сиёсатни асосан саноат ва савдо, молия, таълим, муҳофаа, фан ва техника вазирликлари олиб борган. Буларнинг биргаликдаги фаолиятларини таъминлашни иқтисодий режалаштириш Кенгаши бошқарган. Японияда эса бундай ташкилот Иқтисодий ривожланиш агентлиги деб аталар эди.

Бизнес ва давлатнинг ўзаро ҳаракати индикатив режалаштириш тамойили асосида олиб борилган. Масалан, Кореяда тўртинчи беш йиллик режани тузишда асосан Корея ривожланиш институти олимлари иштирок этган. Олтинчи тўрт йиллик режалар асосан саноат ва инфратузилмалар объектларининг лойихаларини тузиш билан чегараланса, кейинги йилларда анча мураккаблашган йирик макроиқтисодий моделлар тузила бошлаган.

Дастурларни тузиш ва амалга оширишнинг юзага келган тизими давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳаракат тизимини ташкил этиб, бунда шериклар ва қўлланиладиган усуллар аҳамиятлидир. Жанубий Корея

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1992 йил июн, 1995 йил феврал, шунингдек, 1999 йилда Корея Республикасига ташриф чоғида 1994 йилнинг июнида эса Корея Республикаси Президенти Ким Ён Саннинг Ўзбекистонга расмий ташрифлари чоғида мамлакатлар ўртасида ўзаро савдо - иқтисодий муносабатларини ривожланиши учун ҳуқуқий асос қўйилди ва ҳамкорликнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида “Савдо тўғрисида”, “Инвестицияларни ўзаро химоялаш ва кенгайтириш тўғрисида” каби бир қатор савдо-иқтисодий, инвестицион ва илмий-техникавий битимлар имзоланди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида ҳуқуқий-шартномавий асосга эга бўлган 22 тадан ортиқ ҳукуматлараро шартнома ва ҳужжатлар имзоланган.

Республикасида бизнесга таъсир кўрсатувчи ўз усуллари ишлаб чиқилган. Бунда давлат тартиблаштириш усулларининг стандартли йиғини асос ҳисобланади, қайсики солиқ ва кредит-пул, савдо ва валюта сиёсати, шунингдек жамғарилган ресурсларни жойлаштиришга ундаш мақсадида бизнесга таъсир ўтказиш чоралар тизимидан иборат. Саноатни рағбатлантиришнинг иқтисодий сиёсати импортнинг ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган индустриаллаштириш стратегиясига асосланган. Бунинг сабаби хусусий капиталга ёрдам қилиш, чет фирмалар рақобатидан химоялаш, тўлов балансидаги етишмовчиликнинг олдини олиш кабилардир. Аввало бу истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи тармоқлардан бошланган. Индустриаллаштириш чуқурлашиб бориши

билан импортнинг ўрнини босиш, кимё ва нефтни қайта ишлаш, қора металлар, машина ва жихозлар компонентлари кабиларда ҳам қўлланила бошлайди.

Импортнинг ўрнини босиш сиёсатини амалга оширишда қайта тақсимлаш жараёни ишлатилган. Бунда қишлоқ хўжалиги ва қазиб олиш саноати, савдо шароитларини саноат фойдасига ўзгартириш, чет капиталини бунга қаратиш усуллари қўлланилган. Икки хил назорат ишлатилган: савдо ва валюта усуллари. Импорт қилинадиган товарларга нисбатан миллий валюта курсининг сунъий кўтариш йўли билан нархи оширилган.

Давлатнинг иқтисодиётдаги аралашуви ҳам ўзига хосдир. Кореяда у фаолиятлидир. Бу тартиблаштиришда, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда ўз аксини топади. 80-90 йилларда ишлаб чиқариш қувватларига муносабат ўзига эътиборни тортади. 80 – йиллар охири ва 90 – йиллар бошида баъзи тармоқларда ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари пайдо бўлади ва буларни ишдан тўхтатиш маъқул топилади. Булар асосан электроника саноати, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва бошқалардан иборат эди. Бунинг учун махсус депрессив картеллар тузилади. Картеллар ҳукумат қўллаши туфайли маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартириш ва корхоналарда энг самарали бўлимларни сақлаб қолиш тўғрисида ўз хоҳишлари бўйича келишадилар. Шу билан бирга ортиқча қувватларни сотиш ёки йўналишини ўзгартириш тўғрисида ҳам ихтиёрийликка келишилинади. Депрессив картелларнинг фаолиятини тижорий банклар ҳукумат кафолатлиги асосида молиялаштиради. Ортиқча қувватларни йўқ қилишда янги иш жойларининг манбаи бўлиб кичик бизнес хизмат қилади.

Кичик бизнес бозор иқтисодиёти учун тизимлаштирувчи омил бўлиб ҳисобланади. Бу секторга 100 нафаргача банд бўлган майда ва ўрта корхоналар киради. Йирик корхоналарнинг ўзгариши ҳам ўз хусусиятига эга. Агар 1963 – йилда 100 кишигача банд бўлган корхоналар Жанубий Кореяда 1,9 фоизни ташкил этган бўлса, 1976 - йилга келиб улар, барча корхоналар ичида 12 фоизга етди. Йирик корхоналарнинг етиштирган маҳсулоти ҳажми эса шу йили 86 фоизгача кўпайган. Бундай ҳаракат кейинги йилларда ҳам давом этган.

Иқтисодиётда эркинликка йўл бериш ва давлат аралашувини қисқартириш йўналиши асосан 80-йилларда бошланади. Бунда акцияларни очиқ сотиш, давлат корхоналарини бошқаришнинг

хусусийлаштириш, ижара, олдиндан белгиланган инсесторларга акцияларни сотиш, корхоналарни майдалаш, давлат корхоналарига хусусий инвестицияларни киритиш, давлат мулкани аукцион тарзда сотиш, корхоналарни ўз бошқарувчиси ёки бошқа ходимлари томонидан сотиб олиши кенг кўлам ола бошлайди.

Аввало корхоналарни сотиш қимматга тушиб, бюджетга фойдали бўлмай келган. Иккинчи томондан хусусийлаштирилган корхоналар ичида монополлашувни рағбатлантирган.

Жанубий Кореада қисман хусусийлаштириш муваффақиятли бўлиб, бунда асоан акциялар кўпчиликка сотилган. Шу билан бирга олдиндан норентабеллиги аниқ бўлган корхоналар қурилиши тўхтатилган. Хусусийлаштиришда чет капиталининг қатнашувида мослашувчанлик усуллари ишлатиш кўл келган.

Ташқи савдода ривожланган мамлакатлар бозорига чиқиш аҳамиятлидир. Шу билан бирга бу мамлакатларнинг Жанубий Кореа бозорларига маҳсулот чиқаришни кўпайтириш икки томонлама фойдалидир. Чунки ривожланган мамлакатларнинг Жанубий Кореа каби мамлакатларга нисбатан протекционизм сиёсатини қўллаш умумий ривожланишга салбий таъсир этади.

10.3. Сингапурда бозор иқтисодиёти хусусиятлари

Сингапур янги индустриал мамлакатлар ичида энг кичик, аҳолиси 3 млн кишидан иборат ва ҳар томонлама тараққий этган ҳисобланади. Жанубий Осиёда жойлашган бўлиб, Шарқий-Жанубий Осиё мамлакатлари денгиз йўлида муҳим рол ўйнайди ва ҳалқаро аэропортга эга. Сингапурда давлат аралашуви кучлироқ ва ташқи очиклик бошқа мамлакатлардагидек эмас. Чунки иқтисодиётни тартиблаштириш анча қаттиқлик билан олиб борилади ва иқтисодиётни кучли бошқариш модели мавжуд. Бу нуқтаи назардан айниқса Гонконг моделидан анча фарқ қилади. Сингапур иқтисодиёти “бошқариладиган демократия” номини олган.

Иқтисодиётда импортнинг ўрнини босувчи сиёсат кучли ва бу қатъийлик билан таъминланади. Регионда негизли тармоқлар маҳсулотини қайта ишлаш бўйича яхши мослашиб, бу соҳада асосий ўринни эгаллайди. ЯИМда қишлоқ хўжалиги 0,2 фоиз саноат – 35 фоиз, молия ва бизнес коммуникация – 13 фоизни эгаллайди.

Иқтисодда электроника, ахборот ва биотехнология асос бўлиб ҳисобланади. Йирик молиявий марказга айланган. Бизнес бўйича энг

яхши шаҳар ҳисобланади. 1997 – йилда ЯИМ 89,6 млн. долларни ташкил этган, аҳоли жон бошига эса 29 минг доллардан тўғри келади. 1990-1997 йиллар ичида ЯИМнинг ўсиши йилига 8,5 фоизга тўғри келган.

Давлат сектори хажми бўйича катта эмас. У 1974-йилдаги 180 корхонадан 1983-йилда 450 корхонага ўсган. Буларда бандлик 5 фоизга тенг. Давлат корхоналари денгиз, ҳаво транспортлари, коммунал хўжалик, уй-жой қурилишида фаолият кўрсатади. Сингапурга хос нарсалардан бири шуки, давлат корхоналарининг ялпи омонатдаги ҳиссаси каттадир. Булар сон жихатидан оз бўлса ҳам кучли молияга эга бўлиш билан бирга бюджетга яқинлиги кучли.

Сингапурнинг ўзига хос томони бошқаларга нисбатан тартибнинг юқори даражадалигидир.

10.4. Тайван ва Гонконг бозор ривожини тажрибаси

Тайван ва Гонконг асли Хитой ерлари. Тайван Хитой Халқ Республикаси (ХХР) юзага келиши билан Чанкайши бошлиқ олдинги Хитой ҳукумати бу оролга жойлашиб, мустақил давлатга айланган. Гонконг эса Буюк Британия муштамлакаси сифатида ажралиб қолган ва ҳозир эса ХХР ерида, бироқ маълум вақтгача автономиялик сақланиб қолган, аста секин тўла қўшилиши кўзда тутилган.

Тайван ва Гонконг ҳақиқий ривожланган бозор иқтисодиётига эга. Буларнинг, айниқса Гонконгнинг жаҳон билан Хитойни иқтисодий боғлашда ўрни катта ва катта хажмдаги Хитой товарлари шулар орқали жаҳон бозорларига чиқади. Булар йирик молия марказига айланган. Ташқи иқтисодий алоқаларда буларнинг ўрни катта.

Гонгконг
Ташқи қарз (ялпи ички маҳсулотга нисбатан, %): 224,7%
Ялпи ташқи қарз миқдори: 678,29 млрд. \$
Ялпи ички маҳсулот (2009): 301,8 млрд. \$
Киши бошига тўғри келувчи ташқи қарз миқдори: 96 142 \$

Гонконг иқтисодиётининг очиқлик даражаси жуда юқори ва жаҳон учун ҳар томонлама очиқ Хитой худуди ҳисобланади. Чунки иқтисодий фаолият учун дунё мамлакатларига тўсиқлик йўқ ва иқтисодий ҳаракатлар чегараланмайди, кенг хажмда турли тарздаги молиявий, савдо, инвестицияларга тўла йўл очиқ ва эркинлик мавжуд.

Хитой Халқ Республикаси ташқи иқтисодий алоқалари учун амалий поғона бўлиб, катта хажмдаги иқтисодий ҳаракатлар Гонконг

орқали амалга оширилади ҳамда йирик воситачилик вазифаларини бажаради. ХХР экспорт ва импортларида ўрни катта. ЯИМ асосан хизмат кўрсатишдан иборат бўлиб, 81 фоизни ташкил этса, саноат ва қишлоқ хўжалиги 19 фоиздангина иборат. Орол бўлганлиги туфайли денгиз портлари ривожини учун имконият катта. Халқаро даражадаги аэропортларга эга. Тайван жуда тез ривожланиб, йирик иқтисодий муваффақиятларни қўлга киритди ва асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олган.

Гонконг аҳолиси 7 млн. кишидан иборат, умр кўриши ўртача 80 ёш (бу Швеция билан тенг), ЯИМ 174 млн. доллар, ЯИМ жон бошига 25,6 минг долларга тўғри келади. Тайван ҳам жуда тез ривожланиб, йирик иқтисодий муваффақиятларни эгаллади. ЯИМ 90 млрд. долл., аҳоли жон бошига 15,0 минг доллар тўғри келади. Жуда йирик экспортёр мамлакатлардан ҳисобланиб дунёда биринчи ўнликлар қаторидан ўрин эгаллайди. Валюта захираси бўйича дунёда Хитой ва Япониядан кейинги учинчи ўринда туради. Экспортнинг 90 фоизи саноат молларига тўғри келади, ЯИМ таркибини олсак, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари фақат 3,5 фоиз бўлса, саноат маҳсулотлари 40 фоизни ташкил этади.

Тайван саноати экспортга мўлжалланган бўлиб, асосан тўқимачилик, кийим-кечак, электроника, кимё буюмлари ишлаб чиқарилади. Иқтисодиётда давлат сектори анча таъсирли ҳисобланиб, саноатни 1/6 қисмини ташкил этади, товар айланишининг эса 50 фоизини ташкил этади.

Тайван бозор иқтисодиёти ривожланишда очиклик сиёсати ижобий ўринни эгаллаб, жараённи тезлаштирган. Айниқса, бунда АҚШнинг роли каттадир. Бу албатта АҚШнинг ХХРга қарши сиёсати билан боғланган бўлиб, Тайваннинг кучли бўлишида манфаатдор бўлган. Шунинг учун Тайван ривожланиши учун АҚШ ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, барча чора-тадбирларни аямаган ва тез вақт ичида ХХРга қарши ривожланган мамлакатга айланишга эришган. Тайван ўз тараққиёти йиллари аввало иқтисодий тузумий ўзгаришларни амалга ошириб, бунда мураккаб технологияли тармоқларга асосий аҳамият қаратилган. Бу эса биринчи навбатда иш кучининг юқори малакали бўлишини талаб этган. Янги тармоқлар ичида илм сиғимли ва катта капитал харажатлари талаб этадиганлари тезроқ ривожланган.

Экспортга қаратилган тармоқларга диққат-эътибор кучлилиги натижасида Тайван Осиёда биринчи бўлиб капитални нетто-

экспортёри даражасига эришган. Айниқса “инсон капитали” алоҳида ўрин эгаллайди. Бу эса Тайванда таълим сиёсатига катта таъсир кўрсатади. Таълим, фан, маданият ривожини учун давлат харажатларининг 15-20 фоизи сарфланади. Бу эса ЯИМнинг 3-5 фоизини ташкил этади. Аҳолини бошланғич ва ўрта таълимга тортилиши бўйича Тайван ривожланган мамлакатлардан қолишмайди. Олий таълим даражаси бўйича лидерлар қаторидадир.

Импорт ўрнини босиш йўналиши иқтисодий тараққиётда қолган янги индустриал мамлакатлари қатори синов босқичи бўлган. Бунинг сабаби хусусий секторга ёрдам бериш деб аталади. Чунки ташқи фирмалар рақобатига қарши тура олиш зарурати туғилар эди. Бундан ташқари тўлов балансларидаги етишмовчиликнинг олдини олиш талаб этилар эди. Чунки хомашёга нархнинг пасайиши, импорт қилинадиган тайёр буюмларга нархнинг кўтарилиши кабилар доимо шундай ҳолатларга олиб келади.

Аввало бундай вазият озик-овқат, пойабзал, тўқимачилик каби тармоқларда юз берса, сўнгра индустриаллаштириш кенгайиши билан ишлаб чиқаришга аталган товарлар билан боғлиқ бўлиб боради.

Валюта курсини ўзгартириб туриш ҳам кенг қўлланилиб борилади, хатто провардида бу миллий валютанинг девалвация қилинишигача олиб келади. Валюта курсининг тез-тез ўзгариб туриши ва уларнинг турли хиллиги чайқовчиликнинг авж олиши ва чет иқтисодий алоқалар иштирокчиларига муаммолар туғдиради. Тайванда ўз вақтида ҳатто турли товарлар учун турли хил валюта курслари бўлиб, пулларнинг алмаштирилишида турли курслар билан амалга оширилган. Айтайлик, давлат сектори импорт қиладиган товарларни олиш учун сарф этиладиган валюта махсус жорий паст даражали валюта курси бўйича амалга оширилар эди. Шунингдек жихозлар, муҳим хомашё материаллари ва ўрталик буюмлари ҳам шу тарзда юз берган. Бошқа товарлар учун эса анча юқори курс бўйича амалга оширилган. Бунда импортга қўшимча солиқ қўйиш қўлланилган. Кўриниб турибдики, импорт ўрнини босиш сиёсати валюта назорати асосида эмас, балки юқори самарали бўлган ташқи савдо ҳаракатларини тартиблаштириш, биринчи навбатда импортни лицензиялаш, квоталаш ва бож протекционизминини қўллаш орқали амалга оширилган.

Бу сиёсатда шунингдек, хомашёлар ва пул ресурсларини тақсимлаш тизимлари ҳам қўлланилган. Масалан, Тайван тўқимачилик ишлаб чиқариш Кенгаши тўқимачилик саноатини зарур

хомашё ва бошқа ресурслар билан таъминлаш йўли билан қўллаб турилган. Бу айниқса АҚШ ёрдамидаги каналлардан фойдаланишга тааллуқли эди.

Ривожланиш стратегиясини ўзгартириш экспорт мўлжалини кучайтириш билан тўғри келади. Бунда бошқа шунга ўхшаш мамлакатлар каби кўп меҳнат сиғимли тармоқлардан капитал хажмли ва илм сиғимли тармоқларга ўтиш ҳам туртки бўлган. Аниқроғи нефт маҳсулотлари нархлари кўтарилиши туфайли ишлов бериш саноати тармоқларини ривожлантириш ва бу билан боғлиқ бўлган жиҳозларга талаб ўсиши рўй беради. Илм сиғимли ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кўпайтириш ИТИКИ харажатларининг ўсиши туфайли бу билан боғлиқ ташкилот, муассасаларнинг ривожига олиб келади.

Тайванда аграр ислоҳатлар ҳам ўз хусусиятига эга. Бу асосан 1949-1953 йиллардаги ўзгаришлардан иборат. Индустиаллаштиришнинг бошланғич йилларида саноатга қишлоқ хўжалигидан ресурсларнинг ташланиши давлатнинг аграр маҳсулотларни экспорт қилиш асосий ҳисобланган. “Яширин гуруч солиғи”, фермерларнинг пул жамғармаларини кредит-молия тизими саноатга қаратиш орқали амалга оширилган. Шу билан бирга йирик хусусий ва давлат ер эгалигидан анча маҳсулдор бўлган майда оилавий ер эгалиги тизимига ўтила бошлади. Бунда йирик ер эгаларига тўлов миқдори 2,5 йиллик хосил қийматидан ошмаган. Шу билан бирга тўловнинг 70 фоизи гуруч билан ва 30 фоизи давлат саноат корхоналарининг акциялари билан қопланган.

Амалга оширилган аграр ислоҳатлар кўп масалаларни хал қилишга қаратилган. Буларнинг ичида давлат бюджетини тўлдириш, ер эгалигининг маҳсулдор шаклини тадбиқ қилиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишини майдалаш, қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш, моноэкинчиликнинг олдини олиш, аграр ишсизликнинг бир мунча юмшатиш кабилар мавжуд.

Ижтимоий иқтисодий ривожланиш жараёнидаги энг оғир муаммолардан бири дастурларни ресурслар билан таъминлашдан иборатдир. Албатта тузумий ўзгаришлар ва модернизацияни амалга ошириш даврида молиялаштириш фақат ички манбаалар билан чегараланмаган. Чет капитални иқтисодий тараққиётга жалб этиш зарур шарт бўлган. Ички жамғарманинг қанчалик катта бўлишига қарамай, айниқса 70-80 йиллари янги тармоқларга чет инвестицияси жалб этилиб, бу ҳозиргача давом этади. Янги инвестиция номини

олган молиялаштириш кенгая боради. Бу аралаш тадбиркорлик, молиялаштиришнинг турли хилларини қўллаш, технологияларни ўтказиш хизматлари, бошқарув ва маслаҳат хизматлари, қурилиш ва жихозларни ўрнатиш билан боғлиқ техник хизматларни ташкил этиш кабилардан иборат. Чет банклар кредитларидан фойдаланилади.

80 – йилларнинг иккинчи ярмига келиб Тайван дунёдаги энг бой мамлакатлардан бири ҳисоблана бошлади. Ҳозирги вақтда унинг олтин-пул захираси 100 млрд. доллардан кўп ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиётида давлатнинг ўрни ва сектори давр талабига қараб ўзгариб турган. Индустириаллаштиришнинг дастлабки йиллари Тайванда давлат сектори саноатда 57 фоизни ташкил этиб, 50 – йиллардан бошлаб хусусий секторга берила бошлайди. Айтайлик, цемент, кўмир қазил, қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари, ўрмон саноати корхоналари қа қишлоқ хўжалик корпорациялари шулар жумласидандир. Хусусий тадбиркорларда капитал етишмовчилиги ва хусусийлаштирилган корхоналар даромади пастлиги сабабли давлат буларга харидорлар топишда қийинчиликларга дуч келар эди. Давлат ихтиёрида темир йўл, кемасозлик, темир рва пўлат ишлаб чиқариш, коммунал соҳалар сақланиб қолади. Кейинги 20 йил ичида хусусий сектор жуда тезлик билан ўсиб, давлат сектори 20 фоизга тушиб қолди. Сўнгра янги пўлат қуйиш заводи, энг йирик денгиз порти қурилиши билан давлат мулки яна бироз ўсди.

Тайван оролидаги кичик бизнеснинг ривожланиши бошқа бунга ўхшаш мамлакатлар учун намуна бўлиши мумкин. Тайваннинг майда ва ўрта корхоналарга бўлган махсус шароитларига ҳунар корхоналари ва ишлов берувчи ҳамда маҳсулотни қайта ишлаш корхоналарини қўшиш мумкин. Бундаги ўз хусусий капитали 40 млн. ва қўшма актив 120 млн. тайван долларидан ошмаслиги ва тоғ қазилма саноатида 40 млн. тайван долларидан кам ўз капиталига эгаллик, шунингдек, экспорт-импорт, транспорт ҳамда бошқа тижорат фирмаларида йиллик айланиш 40 млн. тайван доллари ҳажмида бўлган хусусий корхоналар мавжуд. Майда бизнес ва буларни қўллаш учун тузилган давлат органлари ўртасидаги барча муносабатлар ихтиёрий равишда амалга ошади.

Майда бизнес ривожини рағбатлантиришга қаратилган Тайван давлат фаол сиёсати 60 – йилларнинг ўрасидан бошланади. Бу бундан кейинги йилларда экспортни кучайтириш билан боғлиқ ҳолда олиб борилган. 60-90 йиллар ичида кичик ва ўрта корхоналар сони хатто

98 фоизгача ўсган ва ЯИМ ҳажмининг 99 фоизгача етган. Тайван саноат маҳсулотлари экспортининг 60 фоизи кичик ва ўрта корхоналарга тўғри келиб, ўз тушумларининг 70 фоизгачасининг ҳисобида бўлган.

Экспортга мўлжалланган Тайван майда ва ўрта корхоналарининг юқори рентабеллигининг сири чаққонлик билан бозор сиёсатини қўллай билиши, ўзгарувчан бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши, халқаро савдо компаниялари ва чет импортчилар билан бирга иш тутишлари кабилардадир.

Майда ва ўрта корхоналарнинг ташкилий тузуми жуда оддий бўлиб, ходимлар сони фақат бошлиқ ва ҳисобчидан иборат бўлади. Махсус органлар, мураккаб бошқарув тузилмалари бўлмайди. Менежерликда қисқа муатахассисликка эмас, балки универсализмга асосланади. Майда ва ўрта корхоналардаги ижтимоий ҳимоялаш катта бизнесдан фарқланмайди ва иш берувчи билан ёлланувчилар ўртасидаги муносабатлар қонунийлик асосида олиб борилади.

Юзага келадиган кичик бизнесдаги қийинчиликларни хал қилиш билан махсус тузилган майда ва ўрта бизнес бошқармаси шуғулланади. Бунда тез-тез маслаҳатлар бериш, маслаҳатчиларни таклиф этиш, семинарлар ўтказиш, тажрибалар алмашиш кабилар ҳам қўлланилади. Айниқса, ёш иш бошловчи тадбиркорларга ёрдам қилиши диққатга сазовордир. Булар учун алоҳида ёшлар комиссияси тузилган. Кенг миқёсда буларга молиявий ёрдам уюштирилган. Бунга қаратилган махсус кичик бизнес банки таъсис этилган. Хаттоки майда ва ўрта бизнеснинг кредит – кафолат фонди ташкил этилган.

Бундаги хусусият яна шундан иборатки, кўпчилик майда бизнесда оилавийлик ҳукмронлик қилиб, бундай корхона бошида оила бошлиғи туради ва қариндошчилик муносабатлари кучга эга бўлади.

10.5. “Йўлбарслар”да бозор муносабатларининг иқтисодий ривожга таъсири

Иқтисодий тараққиётда юқорида кўриб ўтган “Аждаҳолар” деб аталувчи тўрт ривожланган янги индустриал мамлакатлардан кейинги Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари бўлиб, булар: Индонезия, Малайзия, Филиппин ва Таиланддир. Булар ҳам ўзларининг кейинги бир неча ўн йилликлар ичида иқтисодий ривожланиши ва бундаги доимийлик билан диққатга сазовордир. Бундаги иқтисодий ўсиш

жараёнларида ҳам умумийлик, шу билан бирга хусусийлик томонлар кўпдир. Бундаги умумийлик хусусияти саноат ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз ўсиши, иқтисодиётнинг илм сиғимли, экспортбоп маҳсулотлар яратишга қаратилиши, шу билан бирга бундай маҳсулотларга ташқи бозорларда етарли даражада талаб мавжудлигидир.

Бундан ташқари иқтисодиётнинг очиқлиги ва чет мамлакатлар қатнашувига эркинлик туғдирилиши ва улар билан кенг хажмда алоқада бўлиш имкониятлари мавжудлиги аҳамиятлидир. Халқаро иқтисодиёт билан таниш бўлишлик, конъюктурадан хабардорлик, ўз тижорати учун зарур чет шериклар билан алоқа ўрнатиш, биргаликда тадбиркорлик фаолиятида самарали иштирок этиш имкониятлари мавжудлиги, самарали аграр ислохотларнинг амалга оширилиши, миллий таълимнинг мунтазам равишда тараққий этиши ва иқтисодий ривожга кадрлар етиштириш тизимини уюштириш ва бошқа шу каби омиллар бу мамлакатларни ҳам доимо олдинга қараб тезлик билан ҳаракат қилиш шароитини туғдириб ривожланган мамлакатларга етиб олиш учун ҳаракат қилиш имконини туғдирмоқда.

11.5.1—жадвал

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларидаги иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари

Иқтисодий кўрсаткичлари	Индонезия	Филиппин	Таиланд	Малайзия
ЯИМ: 1995-1996 й., %	7,2	5,6	8,6	9,2
ЯИМ аҳоли жон бошига, 1993 й., АҚШ долл.	740	850	2110	3140
Аҳоли, млн.	187,2	64,8	58,1	19,0
Саводсизлик, %	23	10	7	22
Инфляция 1980-1993 й., %	8,5	13,6	4,3	2,2
Саноат ҳиссаси, % ЯИМда 1995 й.	15	30	40	42
Қишлоқ хўжалиги ЯИМда, 1995 й.	16	21	11	12
Хизмат кўрсатиш соҳалари, ЯИМда 1995 й.	40	42	48	40

Жадвал рақамларидан кўриниб турибдики, булар ичида энг йирик мамлакат Индонезия, унинг кетидан деярли бир хил Филиппин ва Таиланддир. Аҳолиси ками Малайзия, лекин иқтисодий тараққиёт даражаси Малайзияда энг юқори ва Индонезия ҳамда Филиппин бир-бирига яқин, нисбатан орқада ҳисобланади. Лекин умуман ривожланган Осиё мамлакатларига нисбатан ривожланиш даражасининг фарқи катта. Бу айниқса ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келишига тааллуқлидир. Лекин иқтисодий ўсиш даражаси бўйича кўрсаткичлар ёмон эмас ва эришилган даража ҳам диққатга сазовор ҳамда бу соҳада катта муваффақиятларга эришилган.

Бу мамлакатлар учун тузумий ўзгаришлар катталиги тавсифлидир. Айниқса қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги ҳиссасини камайиши, хизмат кўрсатиш тармоқларининг тезлик билан ўсиши кўзга ташланади. Энг муҳими юқори техникали ва илм сиғимли тармоқларнинг пайдо бўлиши ва ҳиссасининг ортиб бориши эътиборлидир. Буларда ҳам иш кучига эътибор ва бунинг учун таълим соҳаларининг ривожини, бу тармоқларга харажатларнинг ортиб бориши ижобий ҳолатдир. Энг муҳими индустриаллаштириш даражасининг тезлашуви ва бунга хос ишларнинг амалга ошувидир.

Бу мамлакатларда қарзли сармояларнинг кенг жалб этилиши ҳамда чет инвестициясидан катта фойдаланиш албатта баланс етишмовчилиги ва бу билан боғланган муаммоларнинг мавжудлигини юзага келтиради. Шунинг учун иқтисодий фаолиятда инқироз ҳолатларига дуч келиб, уни хал қилиб бориш аҳамиятлидир. Бу айниқса, энг йирик бўлган Индонезияда сезиларлидир. Хатто бу мамлакатда, шунингдек Филиппинда сиёсий инқирозга ҳам олиб келган. 70 – йиллар ўртасидаги Шарқий ва Жанубий-Шарқий мамлакатларида юз берган кенг хажмли молия инқирози жуда таъсирли бўлган.

Осиёда анча тараққий топган Малайзияда ҳам 1998 – йили ҳеч қутилмаган оғир инқироз ҳолати юз берган. Бу тўла хажмли иқтисодий инқирозга айланиб, сиёсий инқирозни юзага келтирган. Натижада давлат ва хусусий инвестициянинг пасайиши, ички ишлаб чиқариш ва талабнинг пасайиши, шунингдек ташқи бозорда электрон ва электротехник саноати маҳсулотларига талабнинг қисқаришига олиб келган, Малайзия экспортининг 80 ва 67 фоизини ташкил этган. Бу валюта сиёсатининг кучайиши ва долларга нисбатан миллий валютанинг белгиланган курси қўлланилишига олиб келган.

Бу инқироз Таиландга нисбатан кам таъсир кўрсатган ва бу соҳадаги кўрилган тадбирлар мамлакатда самаралироқ бўлган.

Давлат сектори ҳаракатини олсак, бу Филиппинда 70-80 йиллар ичида 10 баробар кўпайган. Бу асосан зарар билан ишловчи корхоналарни сотиб олиш ҳисобига бўлган. Ҳозир давлат секторидида кўмир қазил, кемасозлик, пўлат қуйил, тўқимачилик, қанд, қурилиш, меҳмонхона тармоқлари мавжуд.

Индонезияда ҳам давлат сектори кенг хажмлидир. Агар 50-йилларда фақат иккита корхона давлат ихтиёрида бўлса, 90-йилларга келиб 200 тага етган. Асосан нефтни қайта ишлаш, нефт-кимё, ўғитлар ишлаб чиқариш, пўлат, алюминий, цемент, асосий кимё товарлари, кемасозлик тармоқлари мавжуд.

Шарқий-Жанубий Осиё мамлакатларида давлатнинг асосий таъсири кўпроқ тузумий ўзгаришларда иштирок этиш, корхоналар йўналишини аниқлаш ва уларни ўзгаришда қатнашув, ортиқча қувватларни йўқ қилишга қартилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларининг муҳим таркибий қисми ҳисоблангани радикал аграр ислоҳатлардир. Анъанавий ер муносабатларининг ўзгариши ирригация ишларини кенг хажмда олиб бориш, бу билан унумдорликни кўтариш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш, агрокомплекснинг қисмларини яхшилаш ишларини олиб бориш имконини беради. Булар эса ўзидан-ўзи иқтисодий ўсиш омилларига айланиши, шунингдек ички жамғарилишларнинг қўшимча манбаига айланиши ва саноатнинг ҳам ўсиш манбаига айланишини белгилайди. Индустрлаштириш учун қишлоқ хўжалиги ҳисобидан сармояларнинг жамғарилишида 1949-1952 йиллардаги Жанубий Корея Республикасида ўтказилган ислоҳатлар, 1949-1953 йилларда Тайванда ўтказилган аграр ислоҳатлар билан рағбатлантирилган эди.

Ташқи савдода ривожланган мамлакатлар бозорига чиқиш аҳамиятлидир. Шу билан бирга бу мамлакатларнинг Жанубий Корея бозорларига маҳсулот чиқаришни кўпайтириш икки томонлама фойдалидир. Чунки ривожланган мамлакатларнинг Жанубий Корея каби мамлакатларга нисбатан протекционизм сиёсатини қўллаш умумий ривожланишга салбий таъсир этади.

Сингапур давлатининг эса ўзига хос томони бошқаларга нисбатан тартибнинг юқори даражадалигидир.

Шарқий-Жанубий Осиё мамлакатларида давлатнинг асосий таъсири кўпроқ тузумий ўзгаришларда иштирок этиш, корхоналар йўналишини аниқлаш ва уларни ўзгаришда қатнашув, ортиқча қувватларни йўқ қилишга қартилгандир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Янги индустриал мамлакатлар қандай мамлакатлар ва уларнинг асосий иқтисодий хусусиятлари нималардан иборат?

2. “Осиё Аждаҳолари”га қайси мамлакатлар киради ва асосий иқтисодий мавқелари нималар билан белгиланади?

3. “Осиё Йўлбарслари”га қайси мамлакатлар киради ва асосий хусусиятлари нималар билан белгиланади?

4. Янги индустриал иқтисодий “мўжизаларида” бозор муносабатларининг аҳамияти нималардан иборат?

5. Бу мамлакатлар бозор иқтисодиёти ривожда миллий маданият, урф-одат ва менталитетнинг ўрни нималар билан ифодаланади?

7. Тез иқтисодий ривожда давлатлар ўрнини айтиб беринг.

8. Мамлакатлар иқтисодий ривожда молиявий марказ ва экспортнинг аҳамиятини тушунтиринг.

9. Янги индустриал мамлакатларга жаҳон молиявий - иқтисодий инқирозининг салбий таъсири хақида нималарни биласиз?

10. Ушбу мамлакатларнинг жаҳон молиявий - иқтисодий инқирозига қарши йўналтирилган чора-тадбирлари нималардан иборат?

11-БОБ. ХИТОЙДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ИСЛОҲОТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

11.1. Хитой иқтисодиёти тўғрисида умумий маълумотлар

Хитой дунёда энг аҳолиси кўп катта мамлакатдир. Ҳозирга келиб аҳолиси сони 1,3 млрд.га етган. Кейинги 50 йил ичида 700 млн. одам қўшилиб, ўсиш 2,3 баробарга тўғри келган. ХХРнинг кейинги 20 йиллар ичидаги иқтисодий ўсиши ҳаммани хайратда қолдириб, жаҳон иқтисодиёт тарихида энг муҳим воқеалардан ҳисобланади.

ЯИМ ўсиши жуда юқори бўлиб, бу соҳада энг олдинги мамлакатга айланди. Кейинги ислоҳотлар натижасида динамик равишда ривожланаётган мамлакатларга айланди.

Лекин фақат аҳолининг 20 фоизи шаҳарларга тўғри келади ва 90 фоиз аҳоли Шарқий томонда истиқомат қилади. Ерининг 7 фоизигина деҳқончиликка мос ҳолос. Иқтисодий ривожланишда саноат ишлаб чиқариши асос бўлиб, кўп хил маҳсулотлар бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Кўмир, пўлат, цемент, ғалла, гўшт, пахта ишлаб чиқариш бўйича дунёда энг олдинги ўринни ҳамда нефт, электроэнергия хажми бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Йиллик ЯИМ бўйича 90 – йиллар ўртасидан бошлаб дунёда учинчи ўринда туради. 2005 йилга келиб АҚШга тенглашуви керак.

Хитойликлар ўз давлатини "Чжунго" деб аташади, хитой тилидан таржима қилганда "Марказий давлат" - деган маънони англатади. Қадимий Хитой аҳолиси ўз ватанини бутун оламни маркази деб ҳисоблашган. Хитойликлар ўзини "хан" деб аташади, қадимий Хан сулоласи авлоди деб билишади.

Хитой қуруқликнинг 7%ини егалловчи дунёнинг йирик давлатларидан биридир. Шарқдан қарбга узунлиги 5700 км, шимолдан жанубга 3650 км, қуруқлик чегарасининг узунлиги 21500 км, денгиз билан чегарасининг узунлиги 15000 км. Мамлакатнинг умумий майдони 9.596.960 км².

Хитой қуруқликда шимоли-шарқ ва шимоли-ғарбда Россия билан, шимолда Монғолия билан, шимоли-шарқда КХДР билан, шимоли-ғарбда Қозоғистон ва Қирғизистон билан, ғарбда Покистон, Тожикистон, Афғонистон билан, жануби-ғарб ва жанубда Хиндистон билан, жанубда Мянма, Ветнам, Бутан, Непал, Лаос билан чегарадош.

Хитой соҳиллари шарқда Сарик денгиз ва Шарқий Хитой денгизи, жанубда Жанубий Хитой денгизи сувлари билан ювилиб туради. Ороллар билан биргаликда соҳил бўйининг узунлиги 18000 км.дан ортик.

Хитой жанубида иккита алоҳида маъмурий раёнлари - 150 ылдан ортик Буюк Британия мустамлакаси бўлган Сянган (Гонконг), 1557 ылдан Португалиянинг собиқ мустамлакаси бўлган Аомин (Макао) жойлашган. Шартномага мувофиқ 50 ыл мобайнида улар Хитой таркибида "бир мамлакат - икки тизим" тамоили асосида мустақил иқтисодиётни юритишади.

Тайван ороли (майдони 36 000 км², аҳолиси 22 млн.киши) - Хитой провинсияси бўлиб материкдан кенглиги 150 км бўлган бўғоз билан ажралган. Амалда бу "янги саноатлашган мамлакат" ривожланган иқтисодга ега бўлиб, мустақил сиёсат олиб бормоқда.

Хитойни энг истикболли бозор деб ҳисоблайдилар ва у 300 млрд. долларни ташкил этади. Чет инвестицияси бўйича АҚШдан кейинги ўринда туради ва 90 – йиллар ўртасида у ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 19 фоизига тўғри келади ва бандликда 17 млн. кишидан иборат. Йиллик ташқи савдо айланмаси 90- йилларда 16-17 фоизга етиб, Хитойни бу соҳада энг етакчи мамлакатлар қаторига қўшди. Лекин аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Хали Хитой ривожланган мамлакатларга нисбатан анча орқада ва меҳнат унумдорлиги даражаси ҳам паст.

Хитой ҳукумати 2009 йилда мамлакатдаги иқтисодий ўсиш 8.7 фоиз бўлганини эълон қилди. Ушбу кўрсаткич билан Хитой Япониядан ўзиб кетди ва жаҳонда иқтисоди йирик давлатлар орасида АҚШдан сўнг иккинчи ўринни эгаллади. Хитой Миллий статистика бюросига кўра, 2009 йилнинг сўнгги чорагида мамлакатда ялпи ички маҳсулот кўлами 10.7 фоизга ўсган. Бу эса, ўз навбатида, глобал молиявий бўҳрон давомида Хитой ҳукумати томонидан кўрилган чора-тадбирларнинг самарали бўлганини намойиш қилган.
ХИТОЙ МЎЖИЗАСИ

Хитой иқтисодиёти ўсишида энг кўзга ташланадиган томони ЯИМ ўсишининг тезлигидир. У иқтисодий ислоҳат даврида 1978-1997 йиллар ичида 5,7 баробар ўсган бўлиб, бу йилига 9,6 фоизга тўғри келади. Аҳоли жон бошига олинса, ишлаб чиқариш 4,4 баробар, меҳнат унумдорлиги (ЯИМ ҳар ишловчига нисбатан) – 3,5 баробар ўсган. Ўсиш тезлигини олсак, йилига 5-7 фоизга тўғри келади. Натижада айтилган давр ичида Хитой иқтисодий салоҳияти 2,5-3,5 марта ўсган.

Таққосласак, 1978-йили Хитой ЯИМ Россияга нисбатан 23% кам бўлган бўлса, 1997-йилда 6,2 баробар кўп бўлган. ЯИМни жон бошига олинса 1978-йили Россияникига нисбатан 11%, 1990-йили 23%, 1997-йили 75%га етган.

Хитой тармоқлар тузумида қишлоқ хўжалиги етакчилик қилади. Кейин саноат ва хизмат кўрстайиш соҳалари тўри келади. Кейинги йилларда бунда ҳам ўзгаришлар юз бермоқда. Аграр секторда бандлик 1978 – йили 71 фоиз бўлса, 1995 – йили 59 фоиз бўлган. Саноат ва қурилишда эса 12 ва 23 фоиз, кўриниб турибдики энг кўп ўсиш хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келади. Лекин саноат ва қурилишда ҳам ўсиш кам бўлмаган. Натижада қишлоқ хўжалигидаги бандлик 12 фоизга пасайган.

Ҳозирги вақтда Хитой қишлоқ хўжалиги кўп тармоқли бўлиб, деҳқончилик билан бир қаторда саноат, савдо, транспорт, хизмат кўрсатишлар ҳам қўшилиб кетган. Деҳқончиликни олсак, бу ҳам монокультура ўрнига зироатчиликнинг кўп тармоқчилигига ўтган.

Илгари асосан ғаллачилик бўлса, кейинги вақтларда ғалла, техник экинлар ва бошқа хиллари мавжуд. Зироатчилик, чорвачилик,

ўрмончилик, балиқ хўжаликларини кўшиб катта қишлоқ хўжалиги таркибига айланиб кетган.

Бу катта қишлоқ хўжалигида ҳозирда ноаграр қисм 80 фоизга етиб қолди. Ноқишлоқ хўжалиги тармоқлари жуда тезлик билан ўсиб бормоқда ва йиллик ўсиш хатто 34 фоизга етди. Хитой қишлоқ иқтисодининг ривожиди булар муҳим бўлиб, асосан волост-поселок корхоналарига киради. Ҳозир бу корхоналар стратегик йўналиш ҳисобланади. Хатто буни халқ хўжалиги ва қишлоқ иқтисоди равнақи деб белгиланган.

Кейинги йилларда қишлоқ саноат истеъмол товарлари етказиб бериш билан чегараланмасдан энергия берувчи, саноат қисмлари етиштирувчи

кимё ўғитлари, кимёвий захар моддалар, ишлаб чиқариб, қишлоқ хўжалигини таъминламоқда. Бунинг ҳиссасига ипак ва трикотаж буюмлари етиштиришнинг 50 фоизи, ғиштнинг 95 фоизи, майда қишлоқ хўжалиги асбоблари ва

Аграр соҳадаги ислохотлар кутилганидан зиёда муваффақият келтирди. Агар 1978 йилга қадар ғалла ҳосилдорлиги йилига 2,1 фоизга ошиб келган бўлса, ундан кейин бу кўрсаткич қарийб беш фоизга етди. 1978-84 йиллар давомида қишлоқ хўжалигидаги ютуқларнинг тўсатдан уч қисми ислохотлар туфайли эришилган бўлса, унинг бир қисми ерга ишлов беришдаги янгиликлар ҳисобига қўлга киритилди. Хитойнинг янгича йўли етти йилда наинки - мамлакат аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўла таъминлаш, балки, чет элларга ҳам экспорт қилиш имконини яратди. Ҳозирги пайтда бу мамлакат ғалла, пахта, шоли, рапс, тамаки, гўшт, тухум, денгиз маҳсулотлари ва кўкатлари етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Масалан, 1992 йил 443 миллион тонна ғалла, 5 миллион тоннагача пахта етиштирилди. 2002 йилдан бошлаб ғалла тайёрлаш салмоғи 486 миллион тоннадан ортди.

черапицаларнинг 90 фоизи, чарм пойабзалининг 35 фоизи, цемент ва кўмирнинг 40 фоизи тўғри келади. Бу корхоналар катта экспорт салоҳиятига ҳам эга. Масалан, 40 фоиз ишлаб чиқарилган пойабзал ташқи савдода сотилади. Фақат АҚШнинг ўзига йилига 700 млн. жуфтдан ортиқ пофафзал экспорт этилади, бу эса АҚШ пойабзал импортининг ярмини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигидаги бундай ўзгаришлар бир қанча муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бу айниқса ғаллачиликка кўп таъсир этмоқда. Ноқишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши баҳо эркинлиги шароитида, дехқонларнинг даромадли тармоқларни танлаш эркинлиги туғилади. Бу эса фойда юқори тармоқларга ресурслар кўчишига олиб келиб, бевосита қишлоқ хўжалигининг ўзига салбий таъсир этмоқда. Капиталнинг қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоққа силжиши юз бермоқда. Кейинги бир неча йил ичида бундай силжиш 40 млрд юанга етмоқда.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб билан мавжуд қишлоқ хўжалик тузуми ўртасидаги зиддиятнинг ўсишига олиб келмоқда. Паст Навли ғаллага талаб камайиб юқори сифатли бўлган буғдой, гуручга талаб ўсиоқда. Бу ва бундай ҳолат қишлоқ хўжалик тузумий шаклининг ўзгаришини талаб этмоқда.

Саноатда бевосита давлат сектори устунлик қилади. Давлат секторида 15,7 минг йирик ва ўрта корхоналар мавжуд. Булар 44,5 фоиз мулкни ташкил этиб, барча саноат корхоналарининг 43 фоиз фойдасини берган. Давлатнинг саноат сектори давлатнинг 60 фоиз молиявий даромадини берган ва буларда шаҳар ишчи ва хизматчилари бандлигининг 2/3 қисми тўғри келади.

Саноатда бевосита истеъмол билан боғланган тармрқлар тезроқ ривожланмоқда. Айтайлик, ёнилғи-хомашё тармоқлари, ижтимоий-иқтисодий ва илмий техник тармоқлар ўзаро боғлиқлиги натижасидаги инфратузилмалар шулар жумласидандир.

90 – йилларга келиб тўқимачилик, пойабзал, маиший техникага қаратилган стратегик иқтисодий ўсиш ўзгармоқда. Индустриал ривожланиш, машинасозлик, электроника, автомобилсозлик, нефткимё, қурилишларга қаратилмоқда. Масалан, автомобилсозлик умуман оғир саноат ичида устунлик билан ўсиб, яқин 10-15 йил ичида жаҳон талабига мос автомобиллар ишлаб чиқариш даражасида, Хитойни умумий автомобиллаштириш вазифаси қўйилган.

Илғор ва юқори технологияга алоҳида эътибор берилиб, бунинг учун махсус давлат дастури амалга оширилмоқда. Шу билан бирга анъанавий тармоқларни ҳам эсдан чиқармаётир. Буни пўлат ишлаб чиқаришда кўриш мумкин ва тармоқ бўйича Хитой жаҳонда биринчи ўринга чиқди.

Хитой иқтисодий ривожда хизмат соҳасининг ўрни ҳам ўсиб бормоқда. Аввало бу савдо ривожда ўз аксини топмоқда. Кооператив ва хусусий савдо тармоқлари кенгаймоқда. Озиқ-овқат бозорлари Хитой аҳолиси ҳаётида ўзига яраша ўрин эгалламоқда Чакана товар айланиши кейинги 25 йил ичида 9 марта ўсди, шунинг ичида чакана савдода 26 мартадан ортиқроқ кўпайди. Ноишлаб чиқаришга қаратилган давлат харажатлари ҳам ўсиб бормоқда. Кейинги 15 йилда айниқса бу тезлашди. Давлатнинг ижтимоий мақсадларга қаратилган харажатлари ҳарбий харажатлардан устун келади.

Хитой иқтисодига анъанавий равишда молиявий соҳасининг халқаро стандартларга мос келмаслиги маълум. Лекин кейинги йилларда бу соҳада ҳам ўзгаришлар юз бермоқда. 90 – йилларда Хитой фонд бозори ўзининг Шанхай ва Шэнчжендаги асосий биржалари билан ўзини кўрсата бошлади. Траст инвестиция компаниялари, инвестицион фондлар, махсус давлат банкларининг тижорат банкларига айланиши кабилар юзага келмоқда. Янги хил кредит-пул ҳаракатлари киритилмоқда. Қимматбаҳо қоғозлар савдоси авж олмоқда. Кейинги йилларда бунинг ҳамжи 5-6 баробарга ўсган. Ташқи савдода йирик ижобий сальдога эга. Масалан, 1997 йилда бу 40 млрд. долларга тенг бўлган. Олтин валюта захираси ҳам катта. Бу Хитойда 140 млрд. доллар ва Сянганда 100 млрд. долларга тенг.

Хитой махсус социализм модели иқтисодий тараққиёт йўналишини белгилайди. Бунда Хитой социализмининг бошланғич босқичи эканлиги кўрсатилиб, давлат асослиги ва бевосита хусусийлаштириш инкор қилинади. Режалаштириш бозор механизмлари билан мос келиши тан олинади. Макро даража давлат қўлида ва микро даража бозор ихтиёридалиги эътиборга олинади. Меҳнатга тақсимлаш асос бўлиб, капитал бўйича тақсимот қўшимча ҳисобланади. Бу Хитой социализмининг асосий тамойили деб тан олинади. Тармоқлар устуворлиги қишлоқ хўжалиги, енгил саноат – оғир саноат тизимида белгиланади. Ташқи дунёга нисбатан очиқлик сиёсатида кетма-кетликни амалга ошириш кўзда тутилган. Умуман ҳозирги Хитойча социализм модели “социолистик режани товар иқтисодиётидан социолистик бозор иқтисодиётига” ўсиб ўтди.

Хитой иқтисодиёти циклик хусусиятга эга бўлиб, вақти-вақти билан салбий оқибатларга дуч келиб туради. Яъни, юксалиш-пасайиш билан ўрин алмаштириб туради. Бу инфляциянинг ўзини билдириб туриши, нарх-навонинг кўтарилиш шароитлари билан ўрин алмаштириб турилади. Бу асосан ўсишнинг қизиқ кетишига олиб кетиши сабаби орқали юз беради. Давлатнинг бунга таъсир этиши иқтисодий ўсишнинг пасайиши билан ўрин алмашади. Масалан, 1988 – йили иқтисодий ўсиш юқори даражадалигида шундай ҳолат юз беради, яъни ЯИМ ўсиши 11,3 фоиз бўлган ҳолда инфляция даражаси 18,5 фоизга етади. Ҳукуматнинг нархларни пасайтириб инфляция олдини олиш ҳаракатлари инфляцияни 2,1 фоизга туширади, бироқ иқтисодий ўсиш даражаси 3,8 фоизга пасаяди.

1992 – йилда ҳам иқтисодий ўсиш 14,2 фоиз бўлганда инфляция 21,7 фоиз бўлган. Ҳукумат аста-секинлик билан ҳаракат

қилиб, инфляция узокроқ давом этиб, ўсиш пасайиши бирдан бўлмай бу ҳам секинлик билан давом этди. Шундай ҳолат 1997-1998 йилларда ҳам юз бериб иқтисодий ўсишни 7 фоизгача сақлашга эришилган.

Бундай циклик ҳолатни макро ва микро даражада кўриш мумкин. Микро даражада бу давлат корхоналарининг ислоҳат даражасидан орқада қолиши ва бозор ўзгаришларининг олдинга кетиши билан боғлангандир. Ислоҳат даврида давлат ресурсларнинг тўғридан-тўғри тақсимланишини пул оқимини тартиблаштириш орқали амалга ошира бошлаган ва давлат корхоналарига кўп қўшимча ҳуқуқлар берилган. Амалда эса улар мустақил бўла олмаган. Уларнинг маҳсулотлари кўпинча бозорда харидорларга эга эмас. Ишлаб чиқаришни тўхтатиб бўлмайди. Чунки бу ишсизлик ва маҳаллий бюджетларга тушум бўлмаслиги билан боғлиқдир. Банк кредитлари сафарбар этилиб, оғир аҳволдан чиқишга ҳаракат қилинади. Бу инвестицияга ҳам таъсир этади. Макро даражада эса гуруҳий манфаатдорлик монетар ҳокимиятларнинг юмшоқ пул сиёсатини ўтказишга ундайди. Корхоналарнинг эҳтиёжларини қондириш шартлари бўлиб эмиссия ҳисобланади.

Пул массасининг кўпайиши албатта инфляция билан боғлиқдир. Пул сиёсатининг кучайишига корхоналар тўламаслик, қарзларнинг кўпайиши билан жавоб беради. Натижада даромаднинг анча қисми бюджетнинг тақсимот механизмида қатнашмай бошқарув тизимининг пастки қатламларида қолиб кетади. Бу корхоналарнинг инвестицияга бўлган талабини тўхтовсиз ортиб бориши ва аҳолининг истеъмол талабининг ўсиб боришига олиб келади. Даромаднинг тез ўсиб бориши унинг истеъмол харажатларини кўпайтириш билан бирга, жамғармани ҳам давом эттириш имконини бериб, банкларнинг кредитларни давом эттириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хитойдаги макроиқтисодий циклни шундай тушуниш мумкин: иқтисодий ўсишни сақлаш, қўшимча иш жойлари яратиш, тармоқлар ва регионал даражадаги гуруҳий манфаатлар сиқуви натижасида давлат пул сиёсатини бирлаштиради. Бу маҳаллий ҳокимиятлар ва корхоналар хўжалик фаолиятининг кучайишига олиб келади. Мамлакатда гипертрофик инвестиция юз беради ва юқори даражали ўсиш билан бирга инфляция кучаяди. Инфляция ижтимоий чегарадан ўтиши билан давлат пул сиёсатини кучайтиради ва капитал харажатлар устидан назоратни қатъийлаштиради бу эса иқтисодий ўсишни пасайтиради.

11.2. Бозор муносабатларига қаратилган ислоҳатлар

ХХР кейинги 20 йил ичидаги иқтисодий ўсишлари – бу соҳадаги ислоҳатлар натижасидир. Ислоҳатларнинг асосий йўналиши ва мазмуни бозор муносабатларига ўтиш, унинг механизми ва воситаларидан фойдаланишдир. Ислоҳат тизимли ўзгариш бўлиб, унинг энг тавсифли томони аста-секинлик, қадам-бақадамликдир. Бунда ҳеч “хушдан кетадиган терапия” усулига йўл қўйилмасликка ҳаракат қилинади. Ўзгаришлардаги барча томонларга, айтайлик, иқтисодиётнинг институционал тузилмаларини ўзгартириш, баҳо механизми, ташқи иқтисодий тартиблаштириш кабилар эволюция йўли билан муҳлатни чўзиш, оралик ҳосил қилиб бориш орқали бажарилади.

Ривожланган бозор иқтисодига ҳос хўжалик ташкилий шакллари намуна сифатида қўлланилиб, бирданига эмас, балки секинлик билан тадбиқ этилади ва аввало синовдан ўтказилади, тажриба қилиб кўрилади. Сўнгра хўжаликларда тадбиқ қилиб кўрилади. Аввало алоҳида ҳудудда, тармоқда синовдан ўтади. Шу билан бирга турли ўтиш шакллари қўлланилади. Башарти муваффақиятли бўлмаса орқага қайтилади. Агар қайси бир хўжалик янгилик макроиқтисодиётга таъсир этса ёки ижтимоий вазиятни бузса, албатта эски усулга ўтилади.

Бундай секинлик ва эҳтиёткорлик бозор усулларини қўллаш доимо юмшоқлик билан олиб борилади деган тушунчани бермайди. Аксинча вақти келганда Хитой раҳбарияти ислоҳатни амалга оширишда қаттиқ қўллик қилиб, вазиятни кучайтириб ҳам туради. Айниқса Хитойда “тартиблаштириш” амалиёти инфляцияга қарши стабиллаштириш сиёсати бу соҳада мисол бўлиши мумкин. Бу вақтда бюджет ва пул сиёсати қаттиқ қўлланилиб, истеъмол ва инвестиция талабларини чегаралаб, ташқи иқтисодий соҳада чекланиш сиёсатларини қўллашга олиб келади. Сиёсат соҳасида ҳеч қандай чекланишларга йўл қўйилмайди. Аксинча кучли давлат тизими учун ҳаракат қилиниб, бу иқтисодий ислоҳатларнинг кафилиги деб билинади. Анаъавий собиқ социалистик мамлакатларга ҳос сиёсий ва ғоявий назорат ҳозирги ХХР раҳбариятига қўл келиб, иқтисодий ислоҳатларда кўпчиликка маъқул келмайдиган назорат усуллари ишлатилади, қайсики демократик сиёсий тизим шароитида оммавий норозиликка олиб келиши мумкин.

Бунда ўтказилаётган тадбирларни ғоявий тайёргарлик асосида олиб борилиши аҳамиятлидир. Ғоявий тайёргарлик янгиликларни руҳий янгилик билан ўтишини таъминлайди. Шундай қилиб, бозор қадриятлари давлат ғоясига сингдирилиб, аҳолининг асосий қисми учун маъқул ва одатий тусга кириб бормоқда.

Ислоҳатларни ғоявий таъминлаш такомиллашиб боради.

Айтайлик, аста-секинлик социалистик мазмун эмас, балки ватанпарварлик олдинга сурилади. Аҳолига Хитой иқтисодиёти кучлилиги ғурури, халқаро иқтисодиётдаги ўрни кабилар сингдирилиб боради. Иқтисодий ривожланиш даврида миллий бирлик, ижтимоий-сиёсий мунтазамлик ғурури сингдирилади.

Хитой мамлакатимизнинг ишончли ҳамкорларидандир. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда қарийб 698 миллион АҚШ долларини, 2007 йилнинг январ-май ойларида эса 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 92 фоиз ошиб, 300,76 миллион АҚШ долларини ташкил этган.

Ўзбекистондан Хитойга энергия ресурслари, нефт ва нефт кимёси маҳсулотлари, пахта толаси, ипак, ўғит, мева-сабзавот каби маҳсулотлар экспорт қилинади. Хитойдан эса мамлакатимизга механик ва электрон ускуналар, оптик аппаратлар, доридармон, тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса буюмлар, рангли ва қора металллар, ёғоч ва ёғочдан тайёрланган маҳсулотлар импорт қилинади.

Хитой халқининг

кўпчилик асосий қисми қишлоқларда жойлашгани ва қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида асосий ўрин эгаллаши албатта иқтисодий ислоҳатга таъсир этиб, уни олдинга суради. Қишлоқлардаги ислоҳат асосан қишлоқ хўжалиги жамоалаштирилишини ўзгартиришдан бошланади. Қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгариши шунчалик тез амалга ошадики, бу ижобийлигини билдиради. Бунда оилавий ижараси асос қилиниб, ер учаскалари деҳқон ховлиларига тақсимланади. Деҳқонлар белгиланган миқдордаги хосилни қаттиқ баҳо асосида давлатга сотиши ва қолганини ўз ихтиёрлари бўйича ишлатиши мумкин бўлади. Аввало ер ижара мухлати 3-5 йил бўлса, сўнгра 15 йилга чўзилади. Агар 1980 – йилда оилавий пудрат тизими деҳқон хўжаликларининг 20 фоизини ташкил этган бўлса, 1983 – йили 94,2 ва 1984 – йили эса 96,5 фоизга етади.

Ислоҳатнинг биринчи 6 йили ичидаёқ йиғилган хосил 304,8 дан 407,3 млн. тоннага етди. 80 – йиллар ўртасига келиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорида мутаносиблик юзага келиб, озиқ-овқат етишмовчилиги ўз долзарблигини йўқотади. Агар 80 – йиллар бошида Хитой халқининг 1/4 қисми очликка дуч келиб, қашшоқлик чегарасидан яшаган бўлса, 80 – йилларнинг 2-ярмида аҳолининг озиқ-овқат ва кийим-кечак билан минимал таъминлаш қишлоқда 95 фоиз ва шаҳарда тўла амалга оширилган эди.

Аграр ислоҳатларнинг муваффақиятли бориши индустрлаштиришнинг янги механизмини ҳаракатга келтиради. Бу бевосита қишлоқ жойларда вилоят корхоналарининг ташкил этилиши эди. Катта бўлмаган саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш корхоналари ислоҳатдан олдин ҳам бор эди ҳамда булар давлат томонидан ўтказиладиган баъзи жойларда ўзини таъминлаш сиёсатининг таркибий қисмига кирар эди. Лекин ислоҳат йиллари бу корхоналарнинг вазифалари тубдан ўзгаради. Аввало бу ишсизларга тааллуқли бўлиб, Хитой қишлоқ жойларидаги ортиқча иш кучи муаммоси билан боғлиқ эди. Ислоҳат вақтида эса бу муаммо анча зўрайди. Чунки товар-пул муносабатларининг интенсив ўсиши ва жадаллик билан табақалашининг кучайиши қишлоқ жойлардаги ишсизликни авжига чиқариб юборди. 80 – йиллар ўртасига келиб буларнинг сони 250 млн.га етди.

Вилоят ва қишлоқ корхоналари сони 1984 – йилдаги 6 млн.дан 1990 – йилга келиб 24 млн.гача кўпайди. Бандликни олсак, 52 млн. кишидан 130 млн.га етди. 15 йил ичида бу корхоналар қишлоқдаги меҳнат ресурсларининг ярмини ўзига жалб этди. Ҳозир кунда Хитой ЯИМнинг 1/3 қисми шу корхоналарга тўғри келади, миллий саноатда эса буларнинг ҳиссаси 50 фоитзга етади. Шу билан бирга бу вақт ичида янгидан 50 мингга яқин кичик шаҳарлар пайдо бўлди. Бу корхоналарда кенг хажмдаги истеъмол ва инвестиция аҳамиятидаги товарлар ишлаб чиқарила бошланди. Айтайлик, трикотажнинг 1/2 қисми, чарм-пойабзалнинг 4/3 қисми, ғишт ва черепицанинг 95 фоизи кабилардан иборат.

Агар 1950-1972 йилларда йиллик миллий даромаднинг ўсиши 6 фоиз бўлиб, қишлоқ иқтисоди ҳиссаси 37,3 фоизни ташкил этган бўлса, 1978-1988 йилларда 63,6 фоизга етган ва миллий даромад ўсиши 9,2 фоиз бўлган. 1992-1994 йилларга келиб, ЯИМ ўсишининг асосий қисми қишлоқдаги кўшилган қиймат ҳисобига бўлиб, унинг ҳиссаси 1994 – йилда 75 фоизга тенг бўлган.

Иқтисодий ислоҳат даври мулкчилик турли шаклларга эга бўлади. Аввало давлат млуки марказий ёки маҳаллий даражада бўлиб, шу билан бирга жамоа мулки, индивидуал ҳамда хусусий 8 кишидан кўп бўлмаган ёлланма ишчилар билан бирга ва акционерлар, чет инвестицияли мулклар мавжуд бўлган. Лекин булар ягона шаклда бўлмай, бир-бирига ўтадиган, ўзгариб турадиган, аралаш шакллари ҳам бўлган. Умуман олганда давлат ва бошқа хил укладлар дейилса

тўғри келади. Лекин кейинги 10 йил ичида иқтисодий ўсиш асосан нодавлат ташкилотлари ҳисобига юз берган.

11.2.1-жадвал

Хитой саноатининг ўсиши (% ҳисобида)

Саноат	1979 й.	1980 й.	1990 й.	1995 й.
Давлат сектори	8,9	5,6	3,0	8,4
Нодавлат сектор	8,4	22,2	12,7	26,6
Жами	8,8	9,3	7,8	21,5

Жадвалдаги рақамлардан кўриниб турибдики, айниқса 1995 йилда давлат секторида ўсиш фақат 8,4 фоизга тенг бўлса, нодавлат секторидида ўсиш 26,6 фоиз бўлиб, бунинг ҳисобига ХХРда 21,5 фоизга етган. Бу нодавлат секторида устунликлар мавжудлигидан далолат берадиҳамда тузумий ўзгаришларга олиб келади. Агар мамлакат саноат ялпи маҳсулотидида давлат сектори ҳиссаси 1978-1996 йиллар ичида 77,6 фоиздан 28,5 фоизгача пасайган бўлса, нодавлат сектори эса 22,4 фоиздан 71,5 фоизгача кўтарилган.

Хитой ислоҳатида икки турли йўналишли ҳаракатни кўриш мумкин. Бири уни тезлатиш учун қаратилган бўлса, иккинчиси орқага қайтиш ёки ислоҳатни секинлаштиришга қаратилгандир. Бунда бирида давлат эркинликни қўлласа, иккинчисидида тартиблаштириш, чегаралаш чораларини қўллайди. Масалан, 1993 йилги циклни олсак, давлат чоралари ислоҳатни микродаражада кучайтириш ва давлат корхоналарига тааллуқли бозор муносабатлари механизмларини киритиш кўзланган эди. Шунингдек макро даражада банк ва солиқларга қаратилган тадбирлар белгиланган бўлиб, 1994-1995 йилги юқори даражадаги инфляция туфайли булар амалга ошмай қолади. Чунки ижтимоий бузилиш хавфи бор эди.

Банк тизимини олсак, бунда ҳам шундай. Айтайлик, Хитой халқ банки ҳақиқий мамлакат марказий банкига айланиб, унинг фаолиятига марказий ва маҳаллий ҳокимият аралашмаслиги керак бўлиб, у банклар ишини координациялаши керак эди. Лекин бу амалга ошмай, эскича қолади. Шунингдек бу банкда кўзда тутилган маъмурий ўзгаришлар ҳам амалга ошмайди.

Солиқ тизимида кетма-кетлик кўпроқдир. 1994-йилдан бошлаб барча хил мулкдагилардаги корхоналарга даромад солиғи 33% белгиланади. Илгари давлат корхоналарида 55% ва индивидуал корхоналарда 60% эди. Шу билан бирга давлат корхоналаридаги

солиқ тўлашда пудрат тизими йўқ қилиниб, энди улар бир хил ставка бўйича солиқ тўлайдилар. Бошқа хил солиқларда кескин ўзгаришлар юз беради. Бунинг ичида энг салмоғлиси қўшилган қиймат солиғи бўлиб, бу ишлаб чиқариш, савдо, импортларга тааллуқлидир. Унинг негизий бошланғич ставкаси 17%дан иборат. Акциз солиғи қисқариб, импорт товарларга тўланмайди.

Кейинги ислоҳат йўналиши бюджетлараро муносабатларга тааллуқлидир. Бунда ҳудудий молиявий пудрат тизими бекор қилинади ва у икки каналлик тизими билан алмаштирилади. Бунда турли даражадаги бюджет ўртасидаги даромадлар манбаи тўла ажратилади.

Давлат корхона ва банкларини ислоҳ қилиш бир қанча қийинчиликларга дуч келади. Бунда ишсизлик муаммоси кучаяди. Чунки янги жойлар ташкил этилиши орқада қолади. Шунинг учун ҳам давлат майда корхоналар давлат майда корхоналар сотилишини секинлаштириш, баъзи жойларда тўхтатиб туришни тавсия этади. Турар-жой ислоҳотида ҳам шундай ҳолатни кўришимиз мумкин ва текинга жой бериш ўрнига ипатека кредит тизимини киритиш тавсия этилади. Бунга ажратилган сармояни эса маҳаллий ҳокимиятдагилар ишдан бўшалган ходимларга нафақа тарзида тўлашни афзал кўришган.

Лекин хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бозор муносабатлари билан боғланган ислоҳатлар ижобий таъсир кўрсатиб, Хитой иқтисодиётида катта ўсишларга олиб келмоқда.

11.3. Иқтисодий ўсиш ва экстенсивлик

Хитойда хусусий секторни юзага келтириш ва умуман иқтисодий ўсишни таъминлаш тубдан фарқланади. Бунга ўхшаш мамлакатни йўқ деса ҳам бўлади. Албатта хусусий секторни пайдо бўлишини, бозор иқтисодиётининг шаклланиши мавжуд тизимни йўқ қилиш ва унинг ўрнига ва ҳисобига юзага келгани йўқ. Собик социалистик иқтисодий мамлакатлардаги иқтисодий ўзгаришга ҳеч ўхшатиб бўлмайди.

Тўғри, мавжуд сиёсий тизимни сақлаган ҳолда аста-секин ислоҳат усуллари Югославия, Венгрия каби мамлакатларда тажриба қилиб кўрилган. Иқтисодий ислоҳатга собиқ СССРда ҳам ҳаракат қилиб кўрилган. Лекин 90 – йиллар охирига келиб собиқ партия-давлат тизимлари фалокатга учраб, иқтисодий жараёнларни назорат

этиш имконини тўла қўлдан бериб, режалаштириш тизимлари емирилади. Булар эса бозор институтлари билан алмаша олмаган. Чунки булар тайёр эмас эди. Жараён жуда кескинлик билан давом этиб, емирилиш бирданига рўй берадию, ўрнига янгиси тайёр эмас эди. Шунинг учун ҳам буларда аста-секинлик, кетма-кетлик учун шароит ва бунинг учун сиёсий-иқтисодий мухит йўқ эди.

Энг муҳими шуки, Хитой иқтисодиёти умуман бошқача хусусиятларга, бошқа сифатли томонларга эга бўлиб, бу қолган ўтқинчи мамлакатларга ўхшамайди. Собий СССР асосидаги янги мамлакатлар – СМД ва Шарқий Европа мамлакатлари юқори даражали индустриал мамлакатлар бўлса, Хитой учун ҳозиргача ҳам индустриаллаштириш жараёни келажак вазифаси бўлиб, унинг бошланғич поғонасидадир ва 80 фоиз аҳоли қишлоқда истиқомат қилиб келади. Хитойда иқтисодий ривожланишни фаоллаштириш учун бутунлай бошқача резервлар бўлиб, эркинликка чиқариш йўли билан деҳқончилик хўжалик ғайратини ишга солиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини рағбатлантириш орқали эришилиш шароитлари мавжуд эди. Ёки бўлмаса тарихда бўлганидек, қишлоқ аҳолисини оммавий равишда кўчириб, индустрияни шаклланишида фойдаланиш мумкин. Лекин арзон ва ортиқча иш кучининг мавжудлиги бундан ҳам бошқача ва осон йўлни белгилаб беради. арзон ва жуда кўп иш кучи саноат ишлаб чиқаришни юзага келтириш имконини беради. Бу бошиданок экспортга аталган ва жаҳон бозоида нарх-наво рақобатбардошлигига эга саноатни яратиш имконига эга бўлган. Бу омиллар Хитойча ўзгариш тизимини белгилаб беради. Юқорида эга олган мамлакатларга нисбатан хусусий секторни давлат сектори асосида, хусусийлаштириш йўли билан эмас, балки у билан бир қаторда нодавлат укладни бирламчи индустрлаштириш даврида юзага келтириш мумкин.

Бундаги иқтисодий ўсиш интенсив йўл асосида бўлмай, экстенсив йўл билан ам алга ошади, янги хўжаликлар тузиш, қўшимча иш кучи жалб этиш ҳисобига бўлади. Чунки бундай ресурслар Хитойда жуда катта. Айтганимиздек, миллионлаб деҳқончиликда иш кучини ишлатиш имконига эга бўлмаганлар мавжуд. Шу билан бирга маҳаллий хомашё, ишлаб чиқариш материаллари ҳам нисбатан етарли даражададир.

Хусусий секторнинг оммавий равишда юзага келиши оддий хўжаликлар тузиш ҳисобига юз беради. Оддий меҳнат қуроллари, паст техник даражали меҳнат воситалари асосида ташкил топади. Бу эса ўз навбатида катта капитал харажатларни талаб этмайди. Хитой шароитида буларни хусусий жамғармалар ҳисобига яратиш мумкин бўлади. Хитой иқтисодиёти ва саноатининг тўхтовсиз ўсиб боришида майда, техник жихатдан примитив ишлаб чиқаришнинг жуда тез ўсиши муҳим омил ҳисобланади. Халқ ташаббусига кенг йўл очилиши сабабли шаҳар ва қишлоқларда миллионлаб майда корхоналар пайдо бўлади. 1981-1997 йиллар ичида саноат маҳсулоти хажми 9 баробар кўпаяди. Бу асосан шундай тарзда шаклланган корхоналар ҳисобига юз беради. Бунда айниқса қишлоқлардаги вилоят корхоналарининг ўрни катта, бошқача қилиб айтганда ўсиш қишлоқ саноати ҳисобига тўғри келади.

Бундай саноатда маълумки, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қийин. Лекин энг фойдали томони арзонга тушади ва товарлар паст баҳоли бўлгани туфайли юқори рақобатбардошли бўлади. Паст техника негизида саноатнинг жуда тез ўсишлиги, замонавий технологиялар йўқлиги, ходимлар малакасининг етишмаслиги йирик хажмда сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришга олиб келади. Бунда албатта истеъмолга нолайоқлик даражаси ҳам юқори бўлади. 1985 – йил тайёр маҳсулотлар омборидан танлаб сифатни аниқлаш ўтказишнинг натижасида муайян стандартларга 56,4 фоиз товарлар лойиқ деб топилган. Буни ўша вақтдаги Хитой бозорининг товарларга очлиги, тақчилликнинг

Хитой худуди учун табиий шароитда, тарихий ривожланишида аҳоли ва хўжалик географиясида катта фарқлар бор. 80 - йиллар бошида раёнлар тўртини қайта ишлаб чиқиш бошланди, уни асосида мамлакат худудини 3 та зонага бўлиш этар еди: Шарқий, Марказий, Ғарбий.

1. Кучли иқтисодий Шарқий зона янги, илмталаб тармоқлар ва саноат ишлаб чиқаришида чет ел капитал қўйилмаларини жлб етишда, экспорт товарлар ишлаб чиқаришида этакчи бўлиши керак. Унинг таркибига 8 та денгиз бўйи провинциялари ва марказга бўйсинувчи барча шаҳарлар - Шанхай, Пекин, Тяньзин киради. Унинг ривожланиши "маҳсус иқтисодий зона" шаклланиши билан боғлиқ. Унда чет ел ва Хитой капиталлари тўпланиб илмталаб тармоқлар - электроника ва электротехника ёки юқори фойда келтирувчи - тўқимачилик, тикувчилик, озиқ - овқат саноатларини кейинги ривожланишини белгилаб беради.

Кучли ижтимоий ва ишлаб чиқариш структураси ташкил етилмоқда. Ундан ташқари чет ел капиталлари учун 14 та портлар очилган, Хайнан ороли ва Ўансзи, Чжусян дарё дельта худудлари алоҳида ташқи иқтисодий мақом олинади.

2. Марказий зона ёқилги электроенергия, кимё маҳсулотлари, хом ашё ва ярим фабрикатларни катта хиссасини ўзида тўплайди. Қулай шароит яратилишига мос равишда фан ва техникани кейинги ривожини ўзида акс еттирувчи тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ташкил етади.

3. Ғарбий зона ўзини кичик саноати билан қишлоқ хўжалигини ўсишига етибор берилиши, минерал хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш, барча маҳаллий хом ашёни биринчи ишлови кам аҳолили ва кам ўзлаштирилган худудларда транспортни ташкил етиш билан нисбатан бўш ривожланган.

юқорилиги билан ҳам тушунтириш мумкин. Аммо аста-секин бу ҳолат тузала бошлайди. Чунки 1996 – йилдаги шундай текширишда 79 фоиз товарлар стандартга лойиқ топилган. Шу билан бирга 20 фоиз товар ностандарт бўлиб, ўз харидорларини тополмай, сотилмай қолган эди. Сифатсиз товарлар чиқариш ва уларга талабнинг суст бўлиши 1997 – йилда 71 млрд. долларли товарларнинг сотилмай қолишига олиб келган. Бундай товарларни асосан жамоа ва хусусий хўжаликлар етиштирган.

11.4. Инвестиция хусусиятлари

Ислоҳат даврида очиқлик сиёсати чет капиталга ҳам тааллуқли бўлиб, бу Хитой иқтисодий ўсишида катта ўрин эгаллайди. 80 – йиллардаёқ чет инвестициясининг доимийлиги таъминланган бўлса, 90 – йилларга келиб, унинг ҳажмини кескн ўсиши ва инвестиция тузумининг ўзгариши муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1979-1982 йилларда ҳаммаси бўлиб чет капитали 12,46 млрд. доллар бўлиб, бундан фақат 1,17 млрд. доллар тўғри инвестиция эди. 1993 – йилга келиб, умумий инвестиция 38,96 млрд. доллардан 27,52 млрд. доллари тўғри инвестиция, 1996 – йилда 55,27 млрд. доллардан 42,35 млрд. долари тўғри инвестиция эди. Кўриниб турибдики, кейинги йилларда чет кредитларига қараганда тўғри инвестиция асосийга айланган.

ХХРнинг чет қарзи 1988 – йилдаги 42,4 млрд. доллардан 1998 – йили 131,0 млрд. долларга етади. Лекин қарзни узиш коэффициенти 10%дан ошмайди. Халқаро амалиётда хавф чегараси 20-25%ни ташкил этади. Қарз тузуми ҳам анча яхши бўлиб, умумий ҳажмнинг 85%и ўрта ва узок муддатли кредитларга тўғри келади. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро молия ташкилотларига устунлик берилади. Бунинг ичига чет мамлакатлар кредитларини ҳам қўшиш мумкин. Бундай қарзларнинг фоизи ҳам паст, муҳлати ҳам катта. Бундай кредитлар асосан қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт кабиларни молиялаштириш учун қаратилади. Чет хусусий банкларининг тижорий кредитлари кейинги йилларда анча қисқарган. Масалан, 1987 – йилдаги 2,58 млрд. доллардан 1996 – йили 1,49 млрд. долларга пасайган. Халқаро молия ташкилотларида эса шу вақт ичида 0,77 млрд. доллардан 2,99 млрд. долларга кўпайган.

Хитой 90 – йиллар ўртасига келиб, АҚШдан кейинги тўғри чет инвестициясини олувчи мамлакатга айланди. Бу ривожланаётган

мамлакатлар ичида жуда катта хажмли инвестиция эди. Чет тадбиркорларни Хитойга тортадиган нарса маҳаллий жуда арзон иш кучидан ва табиий бойликлардан фойдаланишдир. Бунда чет диаспоранинг ҳам ўрни катта. Булар бошқа мамлакатларда капиталга эга бўлиб, бу йирик ва жуда мослашган савдо тармоқлари ҳамда жаҳон бозорида ката тажрибага эгадирлар. Четдаги хитойлар ва ўз вақтида турли сабабларга кўра Хитойдан ажралиб қолган Гонконг, Макао, Тайван кабиларга тўғри инвестициянинг 60 фоизи тўғри келади.

Бундай инвестициявий ҳамкорлик салоҳияти давлатнинг оқилона сиёсати натижасидир. Чунки буларга нисбатан рағбатлантириш усуллари қўллаш, ишонч хосил қила билишликнинг аҳамияти каттадир. Бундай имтиёзлар солиқ, бож, валюта сиёсатларига тааллуқлидир. Бу аввало ислоҳатнинг биринчи йилларида жуда сезиларли эди. Чунки, Хитой очик сиёсат бошланган вақтда ҳам анча хавфли ҳисобланиб, хўжалик тизимининг ўзгариши энди бошланган вақтлар эди. Бир томондан чет инвестициясининг кўпая бориши, иккинчи томондан бозор ислоҳатларининг чуқурлаша ва кенгая бориши натижасида хўжалик юритиш тартиблари чет ва миллий инвесторлар учун яқинлашиб боради.

Чет инвестициясининг эркинлашуви секинлик билан тадбиқ этилиб, махсус имтиёзлар аввало устивор соҳалардан бошланди. Булар машинасозлик, электроника, қишлоқ хўжалиги каби тармоқлардан иборат эди. Аксинча, молиявий хизматлар ва чакана савдода чет инвестицияси фақат иқтисодий анча ривож топган денгиз бўйи шаҳарларидан бирнечасигина руҳсат берилди.

Амалда қабул қилувчи мамлакат экспортнинг ўсиши, бандлик, технологияни қабул қилиш каби мақсадларга қаратилган инвестициялар турли хил чет инвесторлари билан ҳамкорлик қилиш тарзида амалга оширилади. Инвесторлар арзон ишчи кучидан фойдаланиш туфайли харажатлар тежамлигидан манфаатдор бўлганда лойиҳалар экспортини маъқул топадилар. Шунинг учун ҳам саноатнинг паст технологик кўп меҳнат талаб тармоқлари энг кўп валюта даромадлари келтиради. Бунда четт инвесторларининг ички бозорларни эгаллаши кўзда тутилади.

Солиқ тизими ҳам бир чанқа имтиёзларни ўз ичига олади. Барча чет инвесторлари иштирокидаги саноат корхоналари фаолияти 10 йилдан ортиқ бўлса, фойдали фаолиятнинг биринчи 2 йили ичида ярмига қисқартирилади. Корхона экспортёрлар солиқ имтиёзи

мухлати тугугандан кейин маҳсулот хажмининг 70 фоизгачаси экспорт қилиш шарти билан солиқнинг ярмини тўлайди. Чет инвесторлар иштирокидаги корхоналар юқори технологик статусга эгалари солиқ имтиёзи тамом бўлгандан икейин яна 3 йил ичида ярмини тўлаш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Хитой тажрибасида чет инвестициясининг бир қанча хил шакли тадбиқ этилади. Пай асосидаги аралаш корхоналар ва тўла чет мулкига асосланган корхоналардан ташқари ҳам бир неча хиллари қўлланилади. Айтайлик, Хитой корхоналари билан субподряд келишувлар, компенсация савдоси, контрактли биргаликдаги корхоналар кабилар шулар жумласидандир. Бундай усуллар анча сода ва қулай бўлиб, технологияга эга бўлишга олиб келмаса ҳам янги иш жойлари ва валюта даромадларига эга бўлиш имконини туғдиради.

Инвестиция тизимида биргаликдаги тадбиркорлик зоналарини ташкил этилиши катта ўрин эгаллайди. Бундаги Хитойча амалиёт турличадир. Бу 80 – йиллардан бошланган бўлиб, асосан денгиз бўйи худудларидан иборатдир. Хитойнинг Шарқий-Жанубий қирғоғидаги махсус иқтисодий зоналарда экспортга мўлжалланган саноат билан бирга қишлоқ хўжалиги, молиявий сектор, туризм ва бошқа соҳаларнинг ривожланиши ҳам амалга ошади.

Бундай зоналарга кўшимча равишда Хайпан оролида ҳам шундай зона пайдо бўлади. Кейинги йилларда яна 14 очик шаҳарлар белгиланиб, булар ҳам Шарқий қирғоқлардир. Буларда мавжуд индустриал комплексдаги иқтисодий ва техник ривожланиш технологик модернизациялашга асосланган. Бундай очик зоналар яна бир қанча Шарқий худудларда юзага келди. Булар бир қанча қишлоқ ҳамда туманлар бўлиб, асосан кўп меҳнат талаб қилувчи экспортга мўлжалланган саноат ривожланади.

90 – йилларда юқори технологияли деб аталган зоналар пайдо бўла бошлади. Булар илмий-ишлаб чиқариш саройлари бўлиб, буларга умуман янги технология материаллар яратиш, майда серияли экспериментал ишлаб чиқаришлар уюштириш пайдо бўлади. Ҳозирги вақтда ХХРда 52 та шундай зоналар ташкил этилган. 1992 – йилдан бошлаб эркин савдо зоналари ташкил этилиб, булар экспорт-импортга махсуслашгандир. Ҳозир буларнинг сони 13 тага етди. Буларнинг 12 таси Шарқий қирғоқ денгиз портларига жойлашган ва биттаси Яниси дарёси портида ўрнашган. 1992 – йилдан бошлаб

шундай зоналар чегара районларда ҳам пайдо бўлиб, ҳозирча асосан Россияга яқин ерларда жойлашган.

Бу зоналар ривожига асосан чет инвестицияларга ҳисобланган ва шулар эвазига тараққий этиб, Хитой иқтисодиётида борган сари катта ўрин эгаллаб бормоқда. Ҳозирги кунда Хитой инвестицияси бўйича биринчи ўринга чиққан.

11.5. Ички ва ташқи бозор

Иқтисодий ўсиш бозор ривожига асосланади ва ўз навбатида уни тўхтовсиз кенгайтириб боради. Хитой бозор муносабатлари ислоҳатида бу жараён ҳам ўзги хос хусусиятларга эга. Иқтисодий ўсиш даромадлар ўсишини тақозо этади, бу албатта турмуш даражасида ўз ифодасини топади.

Бу жараёнда савдонинг ривожланиши таркибий қисми ҳисобланади.

Юқори даражали иқтисодий ўсиш Хитойда ЯИМнинг тез кўпайиши билан давом этади. Таъкидлаганимиздек, ЯИМ ва унинг жон бошига тўғри келадиган ҳиссаси ислоҳат вақтида жуда тезлик билан борди. Бунинг асосий қисми ички бозорда сотилса, маълум қисми ташқи бозорларда сотилади. Ички ва ташқи бозорларнинг тўхтовсиз кенгайиши Хитой иқтисодий ўсишини рағбатлантирди. Айниқса, Хитой ички бозор ресурсларидан фойдаланиш жуда жадал равишда кенгайиб борди.

Иқтисодиётнинг тез суръатлар билан ўсиши ички бозорнинг кенгайиши учун икки омилни тезлаштиради: бозорни керак бўлган товарлар билан тўлдириш ва харидор учун даромад ўсишини тезлаштиришдир. Хитой ислоҳатларининг бозор муносабатлари асосида амалга ошуви бу омиллар учун жуда қулай шароитлар яратиб, бозорларни кенгайтириб борди. Янги-янги миллионлаб корхоналар пайдо бўлиши, бунга юз миллионлаб изсизларнинг жалб этиши тўғридан-тўғри харидорларнинг жуда тезлик билан кўпайишига олиб келди.

Аввало буозик-овқат товарлари бозорларида ўз аксини топди. Миллионлаб очлар, қашшоқлик чегарасидагилар учун товарлар бозорларни тўлдириб харидорролага айлантирилди. Бунда айниқса, қишлоқларнинг ўрни катта бўлди. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ишлаб чиқаришни кескин ўсишига, даромадларнинг кўпайишига

олиб келди. Шу билан бирга бу жараёнда вилоят корхоналарининг хажмда юзага келиши алохида ўрин эгаллайди.

Иқтисодий ўсиш борган сари турмуш даражасига таъсир этиб боради. Чунки миқдорга боғлиқ муаммоларни хал қилиш даражаси сифат ўзгаришларига олиб келади. Шунингдек Хитой иқтисодий ислохатлари даромадлар даражасини кўтаришга таъсир этувчи омиллар ҳаракатини тезлаштиради. Пул даромадлари ортиб боради. Бозордаги товарлар миқдор жихатдан кўпайиш билан бирга турларини ҳам ортириб боради ва уларнинг таклифини талабга мос келтиришга ундайди. Бу эса ўз навбатида ички бозорларнинг кенгайишини тезлаштиради. Жуда йирик хажмдаги ишлаб чиқарилаётган товарлар бозорларни ўзига мос равишда тўхтовсиз кенгайтириб боради.

Хитой иқтисодиёти ўсиши йирик ва тўхтовсиз кенгайиб борувчи ички бозор билан бирга ташқи бозорга ҳам асосланади. Бунда очиклик сиёсатининг оқилона қўлланиши маъқул келади. Хитой ислохати стратегиясининг таркибий қисми ташқи дунёга очиклик сиёсатининг қўлланишидир. Бу олдинданок мамлакатни ўзгартиришнинг шарти ҳисобланган бўлиб, давом этиб келган иқтисодий автаркиянинг акси ҳисобланади.

11.5.1-жадвал

Хитой ташқи савдоси, млрд. доллар

Йиллар	Экспорт	Импорт	Ташқи савдо айланиши	Баланс
1987	39,4	43,2	82,6	-3,8
1990	62,1	53,4	115,5	8,7
1993	91,8	104,0	195,8	-12,2
1995	148,0	132,1	280,9	16,7
1997	182,7	142,4	325,1	40,3

Жадвал рақамларидан кўриниб турибдики 10 йил ичида ташқи савдо хажми деярли 4 баробар ўсган ва бу соҳада Хитой 32-ўриндан 10-ўринга кўтарилган. 90 – йилларга келиб йиллик ўсиш деярли 20 фоизни ташкил этган.

Ташқи савдо тузумида ҳам катта ўзгаришлар юз берган. Олдин ҳукмрон ўринни хомашё маҳсулотлари эгаллаган бўлса, кейинги йилларда саноат маҳсулотлари хажми ортиб боран ва бу 90 – йиллар ўрасига келиб 85 фоизга етган. Айтганимиздек, албатта булар асосан паст технологик ва кўп меҳнат талаб қилувчи товарлардан иборат.

1995 – йилга келиб экспортда машинасозли, электроника товарлари ўз ҳиссаси бўйича биринчи ўринга чиққан. Албатта бунда асосан оммавий истеъмол буюмлари кўзда тутилади, яъни булар аввало радио товарлар, магнитофонлар, соатлар кабилардан иборатдир.

Ташқи савдо ҳолати ички макроиқтисодий циклга мос келади. Аҳволга қараб ташқи савдо, айниқса импорт вақти-вақти билан чегараланиб туради ва баланс нормаллашиб туради.

Хитой ташқи иқтисодий алоқалар, айниқса ташқи сиёсат маъқул даражада проекционизм мазмунида бўлиб, миллий бозор ҳимояланиб турган ва бу ХХР индустрлаштириш сиёсатидан келиб чиққан. Бу соҳадаги енгиллик 1993-1994 йилларга тўғри келиб, импорт тарифи 36-23%гача туширилган эди. Бу ҳам албатта юқори бўлиб, ривожланаётган мамлакатларга нисбатан 1,5 баробар баланд эди.

Экспорт соҳасидаги эркинликнинг киритилиши ҳам аста-секинлик билан ориб борилади. ХХРда корхоналарнинг чет бозорга чиқишида регистрация усули эмас, балки рухсат бериш тартиби қўлланилади. 90 – йилларнинг ўртасига келиб экспортни мустақил олиб бориш ҳуқуқига фақат 2,5 минг корхона эга эди. Айтиш керакки, бунга чет инвестицияли корхоналар кирмайди, чунки улар автоматик равишда бу ҳуқуқга эга бўладилар. Қолган миллий ишлаб чиқарувчилар бу соҳадаги ўз фаолиятларини махсус давлат ташқи савдо компаниялари орқали олиб боришлари керак. Бундай компанияларнинг ХХРда бир неча мингтаси мавжуд.

Ташқи савдо ҳажминингк ейинги йилларда ўсиши валюта тартиблашувига боғлиқдир. Бунда 1994 – йилда юаннинг валюта курси кўп хиллигини бекор қилиниши аҳамиятлидир. Курс бозор асосида белгиланиб, банкларда янгидан юзага келтирилган тизим асосида амалга ошади. Давлат корхоналари ва ташқи савдо корхоналари олдинги валюта ажратма амалиёти бекор қилинади ва барча экспорт тушуми давлат банки вакилларига сотилиши керак. Шу билан бирга валюта сотиб олиш эркинлаштирилади. Четга чиқадиган Хитойликлар давлат банкидан валютани сотиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бундай ҳолат правордида жорий ҳаракатлар учун юаннинг конвертациялашувига олиб келди. Кейинги йилларда валюта захиралари бўйича Хитой дунёда иккинчи ўринга чиқди ва 1998 - йилга келиб унинг ҳажми 145 млрд. долларга тенг бўлди. Бу ташқи савдода жуда аҳамиятлидир ва келажакда катта имкониятлар туғдиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хитойдаги макроиқтисодий циклни шундай тушуниш мумкин: иқтисодий ўсишни сақлаш, қўшимча иш жойлари яратиш, тармоқлар ва регионал даражадаги гуруҳий манфаатлар сиқуви натижасида давлат пул сиёсатини бирлаштиради. Бу маҳаллий ҳокимиятлар ва корхоналар хўжалик фаолиятининг кучайишига олиб келади. Мамлакатда гипертрофик инвестиция юз беради ва юқори даражали ўсиш билан бирга инфляция кучаяди. Инфляция ижтимоий чегарадан ўтиши билан давлат пул сиёсатини кучайтиради ва капитал харажатлар устидан назоратни қатъийлаштиради бу эса иқтисодий ўсишни пасайтиради.

Давлат корхона ва банкларини ислоҳ қилиш бир қанча қийинчиликларга дуч келади. Бунда ишсизлик муаммоси кучаяди. Чунки янги жойлар ташкил этилиши орқада қолади. Шунинг учун ҳам давлат майда корхоналар давлат майда корхоналар сотилишини секинлаштириш, баъзи жойларда тўхтатиб туришни тавсия этади. Турар-жой ислоҳотида ҳам шундай ҳолатни кўришимиз мумкин ва текинга жой бериш ўрнига ипатека кредит тизимини киритиш тавсия этилади. Бунга ажратилган сармояни эса маҳаллий ҳокимиятдагилар ишдан бўшалган ходимларга нафақа тарзида тўлашни афзал кўришган.

Иқтисодиётнинг тез суръатлар билан ўсиши ички бозорнинг кенгайиши учун икки омилни тезлаштиради: бозорни керак бўлган товарлар билан тўлдириш ва харидор учун даромад ўсишини тезлаштиришдир. Хитой ислоҳатларининг бозор муносабатлари асосида амалга ошуви бу омиллар учун жуда қулай шароитлар яратиб, бозорларни кенгайтириб борди. Янги-янги миллионлаб корхоналар пайдо бўлиши, бунга юз миллионлаб изсизларнинг жалб этиши тўғридан-тўғри харидорларнинг жуда тезлик билан кўпайишига олиб келди.

Такрорлаш учун саволлар

- 1.Хитой мамлакатини жаҳондаги мавқеини таърифлаб беринг.
- 2.ХХР иқтисодий ислоҳатларининг моҳияти нимада?
- 3.Хитой иқтисодий ривожига бозор муносабатларининг аҳамияти қандай?
- 4.Хитой иқтисодий “мўжизаси”да миллийликнинг ўрнини тушунтириб Беринг.
- 5.Хитой қайси хил маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллайди.

6. Қишлоқ хўжалигидаги бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ ўзгаришлар нималардан иборат?

7. Иқтисодий ислоҳатларда ХХР давлатининг роли нималарда ифодаланади?

8. Хитой иқтисодий “мўжизаси”да ички ва ташқи бозорлар ривожига сабаблари нимада?

9. Хитой иқтисодий ривожига миллийликнинг ўрни нималарда намоён бўлмоқда?

10. Хитой ҳукуматининг жаҳон молиявий - иқтисодий инқирозига қарши чора тадбирлари нималардан иборат?

12-БОБ. МАРКАЗИЙ ВА ШАРҚИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ТАЖРИБАСИ

12.1. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари иқтисодиёти

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига Албания, Болгария, Босния ва Герцоговина, Венгрия, Македония, Польша, Руминия, Словакия, Словения, Хорватия, Чехия ва Югославия мамлакатлари киради. 1997 – йилда бу мамлакатларда 118,7 млн. аҳоли бўлиб, жами ЯИМ 636 млрд. долларга тенг бўлган (жаҳоннинг аҳолиси 1,85 фоизи, 1995 – йилда ЯИМ 2,24 фоиз). Умумий тараққиёт даражаси бўйича индустриал, индустриал-аграр мамлакатлар ҳисобланиб, индустриал ривожланган мамлакатлар йўқ. Албания эса ривожланаётганлар қаторида. Аҳоли жон бошига нисбатан ЯИМ миқдори бўйича Ғарбий Европа мамлакатларидан икки-уч баробар паст ва деярли Лотин Америкаси ривожланаётган мамлакатлар қаторида туради.

Бу мамлакатлар Иккинчи Жаҳон урушидан кейин маъмурий-буйруқбозлик асосидаги иқтисодиёт тизимида эдилар. Югославия, Венгрия ва Польша аста-секин бошланғич даврдаги совет моделидан миллий моделларга ўтган. Маълум даражада бозор иқтисодиёти элементларини қўллаб, барибир асосий маъмурий марказлашган иқтисодиёт тизимида бўлишган. Бу майда хусусий хўжаликларни сақлаш, бозор иқтисодли мамлакатлар билан ташқи алоқаларни олиб бориш кабилар мавжуд бўлган. Хаттоки чет капиталининг киритилиши даражасида ҳам бўлган.

Кейинги ўн йиллик ичида бу мамлакатлар ўтувчи иқтисодли бўлиб ҳисобланади. Чунки бозор иқтисодига ўтиш амалга ошмоқда. Шу билан бирга ўтиш даврининг бошланғич йилларидек иқтисодий тараққиёт даражаси, маъмурийлик сақланиши билан бозор муносабатларига ўтиш, аҳоли менталитети, ривожланган мамлакатларга нисбатан иқтисодиётнинг очиклиги кабилар мавжудлиги ҳам хосдир. Айтайлик, Чехия ва Словения мамлакатлари бозорга ўтишда анча олдинга силжишиб, Болгария ва Руминия кабилардан илғорлашга улгурган.

Бозор иқтисодиётига ўтишда эволюцион йўл билан бирга радикал усулнинг қўлланаётганлари ҳам мавжуд. Эволюционлик Болгария, Венгрия, Руминия, Словакия, Словения, Хорватияларга хос

бўлса, радикал усул Польшага ва камром Чехияга хосдир. Польшадаги “Хушдан озиш” усули ҳаммага маълумдир. Чунки бозор муносабатларига ўтишда жуда кескин усул асос қилиб олинган эди.

Бозор иқтисоди асосларини яратишда Марказий Европа мамлакатлари ҳисобланган Венгрия, Польша, Словения ва Чехиялар анча тез ҳаракат қилганлар. Болқон мамлакатлари ҳисобланадиган Албания, Болгария, Руминияда, Собик Югославияга кирувчи республикаларда бозорга ўтиш жуда оғирлик билан амалга ошиб, буларда ўзгаришлар жуда секинлик билан давом этмоқда.

Бу мамлакатлар Иккинчи Жаҳон уруши натижасида Собик СССР таъсиридаги мамлакатлар бўлиб, социалистик иқтисодиёт қуриш йўлига ўтганлар. Шунинг учун ҳам СССР туридаги иқтисодиётни шакллантирилиб, бозор муносабатларидан четлашган, марказлаштирилган ҳолда қатъий режа остида бошқариладиган иқтисодиётга эга эдилар. Шунинг учун ҳам буларнинг олдида Собик СССР республикалари асосида ташкил топган янги мамлакатларга ўхшаш жуда мураккаб вазифалар турар эди. Ривожланаётган мамлакатлардан фарқли ҳолда туб иқтисодий ўзгаришларга хос вазифалар кўп эди. Чунки ишни бошидан бошлашдан олдин қилинадиган ишларнинг ўзи ҳам кўп эди. Бу эса иқтисодиёт ривожини давом эттириш эмас, балки уни ўзгартириш, мавжуд кўп нарсаларни йўқ қилиш билан боғлиқ вазифаларни бажармасдан янгисини бошлаб бўлмас эди. Бу эса мавжуд иқтисодий даражани пасайтириш, ортиқча харажатларни амалга оширишни талаб этар эди, яъни инқироз босқичини босиб ўтиш, тикланиш ишларини бажаргандан кейингина янгисини юзага келтиришга ўтиш керак эди. Албатта бу маълум вақт ва йўқотишларни талаб этар эди.

Бу вазифаларни мамлакатлар бир хилда ва бир тарзда амалга оширмайди, чунки турли мамлакатлар турли жараёнда бу босқични босиб ўтади. Бу соф иқтисодий ўзгаришларга албатта сиёсий ҳолат турлича таъсир кўрсатади. Айниқса мамлакатларнинг бўлиниши, автономлик учун ҳаракат қилиш иқтисодий жараёнга турли даражада таъсир этади. Айтайлик, Чехословакия икки мустақил Чехия ва Словакия давлатларига бўлинади. Маълумки, буларнинг иқтисодий тараққиёт даражаси бир хил бўлмай, Чехия анча ривожланган эди. Бу йўналиш анча тинч йўл билан давом этади.

Югославия ҳам бир неча давлатларга бўлиниб кетади. Лекин бу урушлар, талофат кўришлар билан амалга ошиб, иқтисодиётни анча

оқсашига ва орқага сурилишга олиб келди ва янги ривожланиш йўлига ўтишни жуда ҳам оғирлаштирди.

Умуман тизимли ўзгаришларнинг ўзи инқирозли ҳолатни юзага келтирса, урушлар асосида мустақилликка эришиш, чуқур инқирозларга олиб келган эди. Шунинг учун ҳам бу мамлакатларда юз берган сийсий ҳолат турли даражада иш олиб бориш, яъни аввало тикланиш, дастлабки даражага эришишни бирламчи вазифа қилиб қўяди.

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ичида энг йириги Польша бўлиб, унинг аҳолиси 1997 – йилда 39,0 млн.дан иборат эди. Ундан кейинги Руминия – 22,7 млн, Чехия – 10,3 млн, Венгрия – 10,2 млн, Югославия – 10,5 млн. аҳолига эга. Қолганларида 8,3 млн.дан 2,0 млн. гача аҳоли мавжуд.

Иқтисодий тикланишни олсак, бу ҳам турли даражада давом этмоқда. Айтайлик, ЯИМ Польшада 225 млрд. доллар бўлса, 1990 – йилга нисбатан 123,6 фоизни ташкил этган. Чехияда 98 млрд. доллар бўлиб, 108,9 фоиз бўлган, Словенияда 22 млрд. доллар ва 103 фоиз, Хорватияда 22 млрд. доллар ва 96,0 фоиз, Венгрияда 68 млрд. доллар ва 93,0 фоиз бўлган. Бу мамлакатлар шу йиллар ичида ЯИМ кўрсаткичи бўйича ёмон бўлмай, иқтисодий тиклашни амалга оширишган ва шунга яқинлашишган. Лекин қолган мамлакатлар бу вазифани шу йиллар ичида бажара олмаган. Айниқса, Албания – 60 фоиз, Македония ва Болгария – 70 фоиз, Руминия – 80,7 фоиз даражасида бўлган.

Мамлакат иқтисодий тараққиётида энг муҳим кўрсаткич ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келишидир. Бу кўрсаткич бўйича биз таҳлил қилаётган мамлакатлар ичида олдингилари Словения – 11 минг, Чехия – 9,50 минг доллар. Бундан кейин Словакия – 7,50 минг, Венгрия – 6,65 минг доллардан иборат. Энг паст кўрсаткич. Албания – 0,75 минг доллар, Югославия – 3,15 минг, Македония, 3,35 минг, Болгария – 3,65 минг доллардан иборат.

Бозор иқтисодиётининг шаклланишида давлат бюджетининг ҳажми, унинг ЯИМдаги ҳиссаси аҳамиятлидир. Чунки иқтисодий эркинлик хусусий секторнинг ўсиши, даромаднинг тақсимланишида унинг қисмини ортиб боришига олиб келиши керак. Тизимий ўзгариш давлат бюджетида ўз аксини топиши керак ва бозор иқтисодига ўтиш билан ЯИМда бюджет ҳиссаси пасайиб бориши табиийдир. Агар бу жараёнга эътибор берсак, биз кўраётган мамлакатлар турлича эканлигини гувоҳи бўламиз. Албания давлат

бюджет даромади ЯИМга нисбатан 1990 – йилда 47,1 фоизни ташкил этса, 1995 – йилда 17,8 фоиз, Румияники – 40,5 дан 33,5 фоизга, Болгария – 53,3 дан 36,0 фоизга тушган. Қолган мамлакатларда бу кўрсаткичлар тахминан 50 фоиздан 44,5 фоизгача пасайган. Польшада эса, аксинча, 42,9 фоиздан 46,8 фоизга ўсган, шунингдек Хорватияда 34,0 фоиздан 50,6 фоизгача кўтарилган.

Тизимий ўзгариш айниқса нарх-навода ўз аксини топади. Бу мамлакатларда ҳам бу нарса яққол кўзга ташланади ва инфляция жараёни жуда тезлашади. Масалан, Болгарияда 1990-1997 йиллар ичида нархлар 1203 марта, Хорватияда – 597, Руминияда – 336, Словенияда – 14 марта юқори бўлган. Лекин Чехияда – 298 фоиз, Словакияда – 306 фоизни ташкил этган. Бу рақамлардан кўриниб турибдики, баъзи мамлакатларда нархлар бир неча марта кўтарилса, бошқаларида бир неча юз маротаба ошган тва гиперинфляция даражасигача етганки, молиявий тузилиш ва унинг издан чиқиши юқори даражада бўлган.

Бозор иқтисодига асос солишда хусусий секторнинг шаклланиб бориши муҳимдир. Чунки ҳақиқий тардбиркорлик учун бу кучли ва энг таъсирли негиздир. 1996 – йилга келиб, бу мамлакатларда бу соҳа сезиларли ўрин эгаллади. Буни айниқса ЯИМдаги ҳиссасида кўриш мумкин. Масалан, Чехия хусусий секторининг ЯИМни ҳосил қилишдаги ҳиссаси 1996 – йилда 65 фоизга тенг бўлган, Венгрияда – 60 фоиз, Словакияда – 59фоиз, Польшада – 56 фоиз, Болгарияда – 40 фоиз, Руминияда – 35 фоиз, Словенияда – 33 фоизни ташкил этган.

Бу мамлакатлар Чехиядан ташқари асосан аграр сектор салмоғли мамлакатлардир. Шунинг учун ер муносабатларидаги ўзгаришлар аҳамиятлидир.

12.1.1-жадвал

Қишлоқ хўжалик экинзорларининг умумий майдонида турли хўжаликлар ҳиссаси

Мамлакатлар	Кооперативлар	Давлат	Хусусий			
		хўжаликлари	хўжаликлар			
Болгария	-	41	90	40	10	19
Венгрия	80	55	14	7	6	38
Польша	4	4	19	18	77	78
Руминия	61	36	14	14	25	51
Словакия	68	63	26	16	6	13
Словения	-	-	8	7	92	93

Жадвалдаги рақамлардан кўриш мумкинки, кўпчилик мамлакатлар қишлоқ хўжалигида хусусий қисм асосий бўлиб бормоқда. Бу айниқса Словения ва Польшада кўзга ташланади, буларда асосий экин ерлар хусусий хўжаликлар қўлидадир. Словакия, Венгрия, Болгарияда кооператив хўжаликлар сақланмоқда. Давлат хўжаликларига келсак, бунда ҳам Болгарияда бунинг ҳиссаси катта. Албатта бунда аграр сиёсат, хўжаликлар фаолияти, сармоялар мавжудлиги каби омилларнинг таъсири кучли бўлиши керак.

Ўтиш йиллари бу мамлакатларда ишсизлик юқори даражада сақланиб келган бўлса, иқтисодий силжиш натижасида камайиб борди. Масалан, 1995-1999 йилларга келиб Чехияда – 8, Польшада – 9,5, Венгрияда – 10, Югославияда – 15, Македонияда – 11, Боснияда – 12, Хорватияда – 9, Словенияда – 10 фоизни ташкил этди. НАТОнинг бамбардимон қилиши билан Югославияда ишсизлик кўпайиб, 20 фоиз атрофида бўлган.

Бозор ислоҳатларида самарали кредит-пул тартиблашуви муҳим ўрин эгаллайди. Чунки бу молиявий мунтазамлик, инвестицияни фаоллаштиришга имкон туғдиради. Бунда банк фаолиятидаги давлат монополияси ўрнига икки поғонали банк тизимининг шаклланиши юз беради. Биринчиси давлат банки бўлса, иккинчиси тижорат банклари ва бошқа эркин молиявийликнинг юзага келивудир. Бунда ҳуқуқий тадбир ва ҳужжатларнинг кучга кириши, ҳар бир ташкилотнинг вазифаларини ойдинлашуви банк-молия тизимининг самарали фаолиятини таъминлайди.

12.2.Ўтказилаётган иқтисодий ислоҳатларнинг асосий томонлари

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари қаторига киради. Чунки булар ҳам 80 – йиллардан бошлаб маъмурий-команда иқтисодиётидан ҳозирги замон бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлардир. Булар ўтиш муаммоларини тизимли ислоҳат йўли билан хал қилмоқдалар. Лекин тизимли ислоҳатнинг турли моделларини қўллаб, бу ички ва ташқи иқтисодий соҳаларда мос келмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш зарурият бўлиб, бу ҳар томонлама бозор муносабатларининг устунлиги билан тақозо этилиб, социалистик иқтисодиёт тарихий давр бўлиб қолаётган эди. Чунки меҳнат унумдорлиги, аҳоли турмуш сифати ва умуман ижтимоий-

иқтисодий тизим самарадорлиги бўйича социалистик иқтисод нолойиқлигини амалда кўрсатган эди.

Бундай ўтиш муаммолари тарихан биринчи марта юз бериб, ҳеч қандай тажриба ва ички, ташқи зиддиятлар туфайли кўп хатоларга йўл қўйилаётган эди. Бундан ташқари мамлакат бошланғич ҳолати турли ва шароитлар бир хил эмаслиги ҳам ўз таъсирини кўрсатган эди.

Тизимли ислоҳат дейилишининг сабаби бир хил ижтимоий тизимдан умуман бошқа бир-бирига қарама-қарши тизимга ўтишдан иборат бўлиб, бу ўз аҳамиятига кўра инқилобий ўзгариш эди ва қисқа муддат, яъни бир неча йиллар ичида тизимий ўзгаришлар юз беради.

Бозор иқтисодига ўтиш ва уни вужудга келтириш турлича бўлиши мумкин. Бу сиёсий тартибга жуда кучли равишда боғлиқдир. Шу билан бирга сиёсий кучлар турлилиги ҳам аҳамиятлидир. Тизимли ислоҳат моделини белгилашда сиёсий тартибни ўзгартириш ёки уни сақлаган ҳолда ислоҳатни амалга ошириш талаб этилади. Хитой ва Вьетнамда сиёсий тартиб сақланган ҳолда аста-секин бозор муносабатларига ўтиш амалга оширилмоқда. Бошқа социалистик иқтисодли мамлакатларда бу жараён сиёсий тузумнинг ўзгариши билан бошланади.

Шундай қилиб, тизимли ислоҳатнинг икки хил модели мавжуд бўлиши мумкин. Бири радикал, иккинчиси кетма-кет ислоҳатдир. Радикал усулда кескинлик, кенг ва тез равишда ўзгаришларни амалга ошириб, “хушдан кетиш терапияси” номини олган мазмунда иш кўриш асос ҳисобланади. Бу йўл билан бозор иқтисодига ўтиш ва уни қуриш жуда тез амалга ошуви керак.

Аста-секин асосдаги тизимли ислоҳатда нисбатан узоқ чўзиладиган ва кескин бўлмаган ўзгаришлар туфайли амалга ошириладиган йўлни танлашдан иборатдир. Шарқий Европа мамлакатларида мавжуд режали тақсимот хўжалиги механизмини бирданига йўқ қилишдан бошланди. Хали бозор институтларининг юзага келтиришдаги фаол ҳаракат бошланмасдан йўқ қилиш албатта катта йзқотиш ва қийинчиликларни юзага келишига олиб келади. Бу бир секторли иқтисод бўлиб, бозор муносабатларидан иборат эди. Чунки эски режалаштириш, марказий-маъмурий асосдаги тақсимот деярли ўз фаолиятини тўхтатган эди. Аста-секинликда эса икки секторли иқтисодият, яъни эскиси ҳам, янгиси ҳам то нозарур бўлгунча ишлаши керак эди. Янгиси бозор механизмлари вояга етмагунча, эскисида эса маъмурий тақсимотдан фойдаланиб туриши

керак эди. Режали механизм ўз ўрнини бозорча тақсимотга аста-секинлик билан киритиш йўлини тутса дуализм мавжуд бўлиб, радикаллик тарзида бозор қурилиши амалга ошуви мумкин.

Агарда сиёсий ҳокимият бирдан ўзгариб, эски тизим йўқ қилинадиган бўлса, эски иқтисодий механизмлар ҳаркатдан тўхтайдди. Янгиси эса унинг ўрнини эгаллашга улгурмайди. Чунки бозор механизмлари шаклланиб улгурмай тўла ҳаракатда бўла олмайди. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида хали собиқ СССРга ўхшаган шундай вазият юз беради.

Дуализм иқтисодини қўллаш албатта амалий жихатдан осон эмас. Чунки булар аввало бошқа-бошқа тизим ва эскиси руҳан заиф, чунки йўқ бўлишга маҳкум, янгиси эса тажрибасиз ва заиф. Энг муҳими бу соҳада тажриба бўлмай, аниқ шакл, келишув усулларини белгилаш ва уларни қўллаш осон эмас.

Лекин барибир бу жараён Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида собиқ СССР республикалари асосида юзага келган мамлакатларга нисбатан бошқачароқ ва энгилроқ кўчади. Бунинг сабаби ҳам бу мамлакатларда хусусийлик мавжудлиги ва унинг йўқ бўлиб кетмаганлиги ҳамда режали-маъмурий усулдаги хўжалик тизимининг нисбатан қисқа давр ичида мавжуд бўлишидир. Айтайлик, қишлоқ хўжалигида жамоатлаштиришнинг тўла бўлмаганлиги, ҳунармандчилик, косибчилик қисман хусусий тарзда мавжудлиги, режалаштиришнинг ҳам жуда тўла хажмли эмаслиги, хусусий савдонинг мавжудлиги кабилар. Бундан ташқари Ғарбий Европанинг ёнида бўлиб, унинг таъсири мавжудлиги ҳам бозор устунлигини кўрсатишига олиб келган. Мамлакатларнинг кичиклиги ҳам бу соҳада маълум даражада ўз ўрнига эга бўлиб, ўзаро келишмовчиликнинг йўқлиги (Югославиядан ташқари), Ғарб билан кам хажмда бўлса ҳам иқтисодий алоқалар олиб борилганлигини ҳам эътиборга олиш мумкин.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш билан боғланган ислоҳатларни асосан тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш – солиқ ва кредит сиёсатлари тўғри йўлга қўйиш.

2. Иқтисодиётни эркинлаштириш – ички баҳоларни ислоҳ этиш, ташқи савдони эркинлаштириш, ресурслар тақсимоти, иш ҳақи, меҳнат бозори, молияларни эркинлаштириш, банк тизимини ислоҳ этиш ва ҳ.к.

3. Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш – приватизация, нодавлат мулкларини ривожлантириш, монополияга барҳам бериш ва тузумий-шаклий ўзгаришларни амалга ошириш.

4. Давлат ролини ўзгартириш – қонунлар, институтлар, давлат молияси ва солиқлаштиришларни ислоҳ этиш.

Қисқа муддатли давр ичида бу вазифалар зиддиятни юзага келтириши мумкин. Айтайлик, инфляциянинг ўзи инвестицияни сусайтиради, чунки у рағбатлантирмайди. Бу эса тузумий ўзгаришлар шароитини ёмонлаштиради. Инфляцияга қарши сиёсат ҳам иқтисодиётга катта салбий таъсир этиши мумкин. Чунки қатъий, чеклантирувчи сиёсат, айнан муомаладаги пул миқдорини камайтириш, кредит фоизларини кўтариш кабилар иқтисодиётни жонлантирмайди, балки ҳаракатини сусайтиради.

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида бозорни шакллантириш билан боғлиқ жараёнлар биринчи навбатда эркинлаштириш билан боғланган эди. Иқтисодиётда давлат монополиясига барҳам бериш 80 – йиллардаёқ бошланиб, 90 – йилларда якунланган эди. Венгрия, Польша, собиқ Югославияда 90 – йиллар бошидаёқ товарлар, хизматларнинг кўпчилигига баҳолар чегараланиши бекор қилинган эди. Барча бу мамлакатларда янги хусусий тадбиркорлик корхоналари учун тўла йўл очилиб, чегаралар олиб ташланади. Директив режалаштириш йўқ қилиниб, иқтисодий вакилларнинг чет мамлакатлар бозорларига чиқишлари учун рухсат берилади. Бу ташқи савдони ривожлантириш учун чет шериклар билан хўжалик алоқалари ўрнатиш имконини беради.

Фонд биржаси, тижорат банклари, номонополистик тартиблаштириш, банкротлик қонунлари каби бозорга хос янги институтлар пайдо бўла бошлайди. Эркинлаштиришнинг кенгайиб бориши билан ЯИМда давлат ҳиссаси пасайиб боради. Лекин бунда эҳтиёткорлик сабабли ўсиш тўхтабди. Чунки давлат ижтимоий вазифаларни сақлаш мақсадида даромадни тақсимлашда ўз иштирокини сақлашга ҳаракат қилади.

Бозор муносабатларига ўтиш ва баҳолар назоратини йўқ қилиб, унинг эркин ҳаракатига йўл очиш инфляциянинг кучайишига олиб келиб, хатто Польша, Болгария ва Хорватияда гиперинфляциягача етиб боради. Лекин Марказий-Шарқий Европа мамлакатларини жуда тез ва бир-икки йил ичида бундан қутилиб нисбатан тоқат қилса бўладиган даражага тушуришга улгурилади. Лекин Болгария ва Руминияда кучли инфляция анча узок чўзилади.

Иқтисодий барқарорликни таъминлаш бундай шароитда энг муҳим вазифа эди. Бунга қаратилган чоралар бюджетни қатъий чегаралаш, хатто маълум вақтгача аҳоли даромадини қотириб қўйиш ва бунда валюта курсидан фаол фойдаланиш йўли билан нарх-навога таъсир ўтказиш кабилар қўлланилади. Ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш эса жаҳон нархи даражасига чиқиш, ички бозорда рақобат даражасини таъминлаш ва маҳаллий монопол корхоналарнинг нарх-навога бўлган иштаҳасини сўндиришга ёрдам қилиш керак эди.

Инфляцияга қарши дастурларни қўллаб уни назорат қилинадиган даражада сақлаб туриш мумкин эди. Лекин амалда уни 20-40 фоизга етказган холда ундан пастга тушуришга эриша олмадилар. Режали – марказий тизимдан қолган тузумий номуносивлик мавжудлиги ва ҳақиқий рақобат мухити яратилмаганлиги бунга асосий сабаб бўлган.

Молиявий барқарорлик Марказий Европа мамлакатларида анча муваффақиятли бўлган. Чунки пул-кредит соҳасида оқилона чегараловнинг қўлланилиши самарали бозор инфратузилмаларининг яратилиши ва ишлаб чиқаришни, айниқса майда бизнесни юзага келтириш билан боғлиқлиги қўл келган. Марказий-Шарқий Европа мамлакатларининг кредит-пул сиёсати ҳукумат ва тижорат банкларига кредит бериш, муомаладаги пул миқдорини қисқартириш, пул айланишини тезлаштириш кабиларга қаратилиб, инфляциянинг олдини олиш имкони туғилади.

12.3. Давлат мулкни хусусийлаштириш

Бозор иқтисодига ўтишдаги энг муҳим жараён давлат мулкни хусусийлаштиришдир. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида социалистик иқтисоднинг асоси давлат мулки бўлиб, асосий ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулкка айлантирилган ва хусусий мулкчилик қисман сақланган бўлиб, у ҳам бўлса асосан оз миқдордаги майда хўжаликларга оид бўлган холос. Бозор муносабатлари эса хусусий мулкчиликни талаб этиб, бусиз ҳеч самара бериши мумкин эмас эди.

Давлат мулкни хусусийлаштиришнинг бир неча моделлари мавжуд. Булар номиналлаштириш, сотиш ва бепул тақсимлашлардан иборат. Номиналлаштиришда мулкни эски эгаларига қайтариш кўзда тутилади. Бу реституция дейилиб, барча Марказий ва Шарқий Европа

мамлакатларида қўлланилган. Бунда мулк миллийлаштиришдан олдин кимга қарашли бўлса ўзига ёки меросхўрларига қайтарилган. Бу албатта катта қисмни эташқил этмаган.

Давлат корхоналарини сотиш Болгария, Венгрия, Польша, Югославияда кенг қўлланилиб, Чехия ва Словакияда қисман қўлланилган. Бунда кўпроқ давлат корхоналарини акционер жамиятларга айлантириш, корхона ходимларига мулкка эгалик ҳуқуқини бериш, корхонани аукцион орқали сотиш, акциялаштириш ва акцияларни эркин савдога ташлаш кабилар қўлланилган. Шу билан бирга банкротлик қўлланилиб, акциялаштириш ёки сотиш усуларидан фойдаланилган.

Текинга тақсимлаш ҳам бу мамлакатларда кенг қўлланилиб, буни оммавий хусусийлаштириш ҳам деб аталади. Бу аҳолининг асосий қисми капиталга эга бўлмаганлиги ва чет капитал оқими камлигига асослангандир. Бунинг дастлабки шакллари ваучер (сертификатлар, купон каби)ларни аҳолига тарқатиш бўлиб, сўнгра венчурларни корхоналар акцияларига алмаштириш юз беради. Бу билан аҳоли миллий бойликка акция орқали эга бўлиши кўзда тутилади. Правордида қонун билан белгиланган мухлатдан сўнг венчурлар муомаладан чиқарилиб, акцияларни сотиб олиш фақат пул билан бўлади.

Хусусийлаштиришни тезда ва бирданига амалга ошириш мумкинлиги ўрганилиб, уни қайта кўриб чиқиш фикри туғилади. Чунки бирданига хусусийлаштириш давлат мулкани назоратсиз тақсимланишига айланиб кетади.

Хусусийлаштириш “кичик” ва “каттага” бўлиниб, усуллари шунга қараб ишлатилади. “Кичик” хусусийлаштириш майда ва ўрта корхоналарга тааллуқли бўлиб, ижарага бериш, сотиш, реституция (олдинги эгасига қайтариш) усулида жуда тез амалга ошиб бориб, 90 – йиллар бошидаёқ кенг қўланилади. Магазин, ресторан, кичик ва ўрта корхоналар пулга хусусий мулкдорларга сотилади. “Кичик” хусусийлаштириш истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Масалан, Чехия ва Словакияда маълум вақтгача сотиб олинган корхона фаолиятини ўзгартириш таъқиқланган. Бунда фойда даражасига қараб ижтимоий зарурлигига эътибор бермасликка йўл қўйилмаган.

“Катта” хусусийлаштириш катта қийинчиликларга дуч келиб, радикал усул ҳам кетма-кет, аста-секинлик усуллари ҳам яхши самара бермай, жуда секинлик билан силжир эди. Масалан, Польшада

хусусийлика қаттиқ киришган холда 1990-1996 йиллар ичида хусусийлар қўлига фақат 250 йирик давлат корхоналари ўтган холос. “Катта” хусусийлаштириш пуллик ва пулсиз асосда амалга оширилган.

Ваучер асосидаги хусусийлаштириш Чехия, Словакия, Болгария, Польша, Руминия давлатларида қўлланилган. Бу мамлакатлар фуқаролари ваучер, сертификат, бонлар олишган ва бу асосда хусусийлаштириладиган давлат мулкнинг маълум қисмига эгаллик қилиш ҳуқуқини қўлга киритишган. Бу купонлар шахсий номланган бўлиб, уларни қалбакилаштириш анча оғир бўлган. Бу ваучерлар асосида фуқаролар хусусийлаштириш натижасида анча салмоғли мулкка эга бўлиш ҳуқуқини қўлга киритганлар. Айтайлик, Чехияда – минг долларга яқин, Руминияда – тахминан 500 долларга яқин қадрга эга бўлган. Амалда фақат Чехияда бу кучга эга бўлиб, қолганларида давлат мулкни тақсимлашда ҳақиқий кучга эга бўлмаган ва ваучерлар таъсирли бўлмаган.

Хусусийлаштиришда Венгрияда ҳам ўзига хослик кўп бўлган. Биринчидан, венгерлар текинга мулкни топширишдан воз кечишган ва меҳнат жамоалари албатта корхона қийматини тўла қоплашлари зарур бўлган. Хусусийлаштириш фақат олди-сотди асосида амалга ошуви мумкин бўлган. Бундан фақат ижтимоий суғурта, черков, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органлари истисно бўлган.

Йирик корхоналар сотилишида 15-20 фоиз активлар аукционларда хусусий инвесторларга, айниқса чет инвесторларга сотилади. Шундай қилиб, Венгриянинг давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган даромаднинг 1991 – йилдаги 80 фоиз ва 1992 – йилдаги 60 фоиз чет инвесторларга тўғри келган. Иккинчидан, Венгрияда хусусийлаштириш шакллари танлашда қатъий чизмалардан воз кечилган. Бу давлат мулк агентлиги ва давлат корхоналари ташаббуси билан амалга ошувига йўл қўйилган. Учинчидан, Венгрия ҳукумати барча давлат корхоналарини хусусийлаштиришни мақсад қилиб қўймаган. Айниқса харбий ишлаб чиқариш, қурол сотиш, ўрмон хўжалиги каби корхоналар давлат мулкида қолиши кўзда тутилган. Тўртинчидан, хусусийлаштириш давлат қарзини қоплашни кўзлаган. Тахминан 75-85 фоиз хусусийлаштиришдан келадиган даромад давлат қарзини камайтиришга аталган.

Венгрияда қишлоқ хўжалигидаги хусусийлаштиришда унинг юқори даражали тараққиёти аҳамиятли бўлган. Бу бошқа Шарқий

Европа мамлакатлари ичида Венгрияни алоҳида ўринга қўяди. Аграр ислоҳатлар икки асосий йўналишда амалга ошиб, биринчиси ерларни хусусийлаштириш ва йирик хўжаликларнинг ўзгариши бўлса, иккинчиси давлат хўжалиklarини акционер жамиятларга айлантирилган. Натижада барча қишлоқ хўжалик ерларининг 86 фоизи хусусий эгалikka топширилган. Венгрияда реституциядан воз кечиб, собиқ хусусий ер эгаларига кўрилган зарар мулк фақат қисман қопланган.

Польшада хусусийлаштириш иқтисодийнинг хусусий қисмини тез ривожлантириш имконини туғдирди. Олдин бундай хўжаликлар қишлоқ мавжуд бўлиб, 90 – йиллар бошидаёқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қийматининг 80 фоизини ташкил этар ва 85 фоиздан ортиқ хўжаликни ўз ичига олар эди. Хусусийлаштириш натижасида хусусий сектор умуман жуда тезлик билан кенгайиб борди. Моддий ишлаб чиқаришда у ягона тез ривожланаётган соҳага айланиб, давлат иқтисодий тушкунлигидан ушлаб турувчи ҳисобланади. Энг муҳими хусусий секторнинг майда ишлаб чиқаришда, савдода ва хизмат кўрсатишларда тезлик билан ўсиши кейинги хусусийлаштириш учун негиз бўлади ва кенг ҳажмда хусусийлаштиришни амалга оширишнинг ички манбааларига айланади.

Лекин Польшада хусусийлаштириш кутилганидек тезлик билан амалга ошмайди. Биринчи босқичи муваффақиятли бўлса, кейингилари секинлик билан давом этади.

Бу тўлов талаби, молиявий ва ижтимоий муаммолар, институционал тайёргарлик паст даражада бўлиши кабиларга дуч келиб, хусусийлаштириш давлатни бойитишга олиб келмайди. Ҳатто давлат солиқ ҳажмини қисқартира бошлайди. Хусусий сектор давлат корхоналарини сиқиб чиқариши мумкинлиги амалга ошмай, ҳатто банкротлик хусусий секторнинг фаолашуви тезлашиб боради ва 1992 – йилдан бошлаб бозорга ўтишдаги энг оғир босқич босиб ўтилиб, ишлаб чиқариш тушкунлиги тўхтатила бошлайди.

Барча Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида аграр ислоҳат натижасида ерлар давлат ва кооператив мулкидан хусусийга айлантирилади. Қонуний равишда ерга хусусий мулк тикланиб, у тақдирланади. Лекин ихтиёрий равишда ер ҳамда техникадан кооператив асосда фойдаланиш ҳуқуқи ҳам сақланади. Ерни сотиш, сотиб олиш Польша, Югославия, Чехия, Венгрия мамлакатларида кенг қўланилади. Ер бозори бу мамлакатларда кенг ривожланмоқда.

Аmmo бу умуман мамлакатларда мулк шакллариининг ўзгариши кутган даражада тез амалга ошаётгани йўқ. Бунинг асосий сабаблари аҳолида тегишли миқдорда пул ресурслариининг бўлмаслиги, хусусийлаштириладиган корхоналарнинг паст даромадлилиги кабилар бўлиши керак. Шу билан бирга бу жараён секинлик билан давом этиб, кам самара бермоқда.

12.4. Иқтисодиётдаги тузумий ўзгаришлар

Марказий-Шарқий Европа мамлакатларининг иқтисодий тузумий ўзгариши икки томонлама заруриятга айланади. Биринчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш билан белгиланса, иккинчидан Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашидан чиқиш билан белгиланади. Бу мамлакатлар илгари собиқ СССР бошлиқ иқтисодий бирлашмада бўлиб, ишлаб чиқариш шарқий мамлакатларда, собиқ социалистик иқтисодий мамлакатлар билан бирлашган холда ва уларнинг талаби асосида шаклланар эди. Бундан ташқари ишлаб чиқаришнинг техник-технологик даражаси нисбатан паст даражада эди. Бозор муносабатларига ўтиш эса бунга кўшимча равишда тузумий ўзгаришларни талаб этади.

Тузумий ўзгариш ва бозор хўжалигига ўтиш аввало янги технологияга асосланиш, прогрессив тармоқларни яратиш, рақобатбардошликни таъминлаш, замонавий илмий-техник тараққиётга мослашувлар билан ифодаланади. Бозорга ўтишдан олдин бу мамлакатлар учун оғир саноат ва машинасозлик асос бўлиб ҳисобланиб, саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги ҳиссаси юқори бўлган. Масалан, Руминияда – 61, Болгарияда – 58, Чехословвакияда – 57, Польшда – 52, Венгрияда – 36 фоизга тўғри келган. 90 – йиллар охирига келиб эса, 25 дан 33,2 фоизга, қишлоқ хўжалик 6,6 дан 12 фоизгача, қурилиш 7 дан 11 фоизгача тўғри келади.

Саноатнинг ЯИМдаги қисқариши биринчи навбатда оғир саноат тармоқларига тўғри келади. Бунинг сабаби аввало норентабел корхоналар ҳисобига бўлса, сўнгра талабнинг камайишидир. Чунки маҳсулот ишлаб чиқариш собиқ СССР ва бошқа Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши мамлакатларига қаратилган бўлса, энди бу туб ўзгаради. Шу билан бирга хомашё манбаалари ҳам ўзгариб, давлат дотациялари тўхтади.

Айниқса юқори технологияли электроника каби тармоқлар катта зарбага дуч келади. Бундаги асосий сабаб Ғарбий

маҳсулотларнинг анча арзонлиги ва рақобатбардош бўлади. Саноатда энг рақобатбардошли тармоқлар тўқимачилик, озиқ-овқат, ёғочга ишлов бериш, босмахона кабилар ҳисобланиб, булар талабли истеъмолга эга бўладилар. Бундан ташқари бу тармоқлар катта инвестиция талаб этмайди ва арзон ишчи кучи мавжудлиги билан Ғарб маҳсулотларига рақобатбардош бўла олади. Лекин барибир бу тармоқлар ҳам кенгая олмаган ва бошқаларга нисбатан камроқ қисқарган, холос.

Шу билан бирга бир неча тузумий ўзгаришлар юз бериши сезилиб, тузумий тармоқларнинг бир-бирига яқинлашуви, тенглашуви каби ходисалар амалга ошади. Қўлланилаётган техника аста-секин мунтазам энергия тежамли бўлиб боради. Янги хил ишлаб чиқаришлар юзага келади ва бунинг ҳисобига ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз табақалашини юз беради. Саноатнинг диверсификациялашуви кучайиб, ишлаб чиқаришлар ўртасида ўзаро айрибошлаш ривожланади.

Аввало машинасозликда тузумий ўзгаришлар амалга оширилиб, умуман инвестиция ўсади ва айниқса ИТКТИ (илмий-тадқиқот ва конструкторлик-тажриба ишлари)га капитал харажатлар кўпроқ сарф этилади. Техника ва технологиянинг ўсиши сабабли анъанавий саноат тармоқлари асослари ва тузумлари ўзгаради. Янги илм сиғимли тармоқлар пайдо бўлади. Масалан, автоматика ишлаб чиқариш, радиоэлектроника, ЭҲМ, робот техника космик ва лазер техникаси кабилар шулар жумласидандир.

Металлургияда сифат ўзгариши юз бериб, сифатли пўлат чиқариш, ижара буюмларининг тежамлиларини ишлаб чиқариш ўсади. Бу соҳада айниқса Чехия ва Полша кўп самарали ишларни амалга оширади. Саноатнинг баъзи тармоқларида туб ўзгаришлар юз беради. Масалан, Полшада 1995 – йилдан бошлаб кўмир қазини саноатида кескин ўзгаришлар бериб, қоқоқликдан чиқарилади. Чунки у анча йиллардан бери тушкунликда давом этар эди.

Қишлоқ хўжалигини олсак, аграр сиёсатнинг бу мамлакатлардаги энг муҳим вазифалари маҳсулот етиштиришнинг мунтазам ўсиб боришини амалга оширган ҳолда аҳолини улар билан тўла таъминлашдан иборатдир. Қишлоқ хўжалигида бандлик 25 фоизни ташкил этиб, у ЯИМнинг 8 фоизини таъминлайди. Бу мамлакатлар агросаноат комплексида асосий ишлаб чиқариш фондлари ва меҳнат ресурсларининг 20-30 фоизгачаси банддир.

Ижтимоий ялпи маҳсулотнинг 25-40 фоизгачаси шу тармоққа тўғри келади.

Ҳозирги вақтда бу мамлакатлар қишлоқ хўжалигида аграр ишлаб чиқаришнинг тузумида фаол равишда ўзгаришлар давом этмоқда. Нарх-навони тўла ва қисман эркинлаштириш, товар ишлаб чиқарувчиларнинг тўла эркинлигини таъминлаш асосида бозор муносабатлари мунтазам равишда ривожланмоқда. Ерга бўлган эгалик, хўжаликлар тузуми ўзгариб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларига ўтиш бу мамлакатларда деярли ўз асоси бўйича бир хилда давом этмоқда. Аммо тезлиги, нодавлатлаштириш хажми, хусусийлаштириш шакллари танлашда фарқлар мавжуд ва баъзи ҳолларда бу фарқлар анча каттадир.

Айтайлик, Венгрияда ерга эгаликни хусусийлаштириш билан бирга деҳқон-фермер хўжаликларининг шаклланиши қўлланилмоқда. Аммо айна вақтда уларни қўллаш ва кооператив маҳсулотларини харид қилиш, норентабел ишлаётган хўжаликларни ўзгартириш, фаолиятини тўхтатиш кабиларга эътибор сусаймоқда.

Польшада оилавий ва индивидуал шаклли хўжалик қишлоқда асос бўлиб келган ва маҳсулот ҳосил қилишнинг 75-80 фоизи шунга тўғри келган. Аграр сиёсатда норентабел хўжаликлар фаолиятини тўхтатиш, ер бозорини жонлантириш, қишлоқ хўжалик инфратузилма ва сервисга эътибор бериш, айниқса маҳсулотни қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш кабиларга доимо эътибор қаратилади.

Чехия ва Словакияда эса вақтинча фойдаланилмаётган ерларни ишга солиш, фермер хўжаликларини солиқдан озод қилиш туфайли қўллаш кабилардан фойдаланилади. Умуман йирик хўжаликлар асос бўлиб қолмоқда. Қишлоқ жўйларда хўжалик турларини кўпайтириш тақдирланади.

Бу мамлакатларда ислохотларнинг бошиданок иқтисодий ўсишга хос соҳа хизмат кўрсатишдир. Бу асосан молия ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларига хосдир.

Бу мамлакатларда аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ЯИМдаги ҳиссаси ривожланган мамлакатлар даражасида бўлиб, 1993 – йилдаёқ Польшада – 21, Венгрияда – 22,5, Чехияда – 14,6 фоизга тенг бўлган. Ижтимоий таъминотга бўлган ажратма бу мамлакатларда дунё бўйича энг юқори даражадагилардир.

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида ижтимоий харажатлар даражаси диққатга сазоворлиги жуда аҳамиятлидир.

12.5. Ташқи иқтисодий алоқалар

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари анъанавий равишда ташқи бозор билан боғланиб келган. Экспорт квотаси ЯИМга нисбатан 20-40 фоизгача бўлган. Лекин ислоҳат даврида ташкилий ва тизимли ўзгаришлар ташқи иқтисодий алоқаларда эркинлик асос бўлиши билан жаҳонга чиқиш шароитлари юзага келди. Лекин ривожланган мамлакатларга нисбатан техник маҳсулотлар рақобатбардошлиги, меҳнат унумдорлиги даражаларида орқада қолиш муаммосини хал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар туфайли Ғарбий Европа мамлакатлари билан ташқи алоқалар кучайтирила бошланди ва бунда асосий йўналиш Европа Иттифоқига қаратилди. 1997 – йилга келиб Венгрия, Польша, Словакия, Чехия мамлакатларининг Европа Иттифоқига ҳақиқий аъзолиги тўғрисида келишувлар бошланди. Шунингдек қўшилишга тайёргарлик ишлари Болгария, Руминия ва Словенияда ҳам бошланди. Аввало бу мамлакатлар ЕИга қўшилиш мақсадида 1993 – йилдаёқ Марказий Европа эркин савдо ассоциациясини тузган эди. Ҳатто бу бирлашма аъзолари ўртасида 90 фоиз саноат-товарлар ҳолатлари бўйича бож тўловлар бекор қилинган эди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича ҳам протекционизм сиёсати қўлланилди.

Ғарбий Европача мўлжал экспорт товралар тузумининг ёмонлашувига дуч келади. Шунга кўра ҳозирча ташқи савдода қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосий ўринни эгаллайди. Шу билан бирга истеъмол буюмлари, қора метал, химикатлар ҳам аста-секин ўз ўрнини топа бошлайди. Фақат Чехия ва Польша машина экспорти имконига эга бўлиб, умумийнинг 25% даражасигача олиб боришга эришилган.

Иқтисодий ислоҳатларнинг дастлабки йилларидаёқ Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида давлат махсус ташқи алоқалар фирмалари билан бирга мулк шаклларида мустасно барча корхоналарга ташқи савдо билан шуғулланиш имкони берилган эди. Бу ташқи иқтисодий алоқалар билан шуғулланувчи ташкилотларнинг кўпайишига олиб келади. Очiq иқтисодий алоқалар ўрнатишда давлатлар томонидан валюта монополиясининг бекор қилиниши қўл

келган. Натижада импортёрлар чет валюталарини маълум банклардан сотиб олиш имконига эга бўлади. Шу билан бирга экспортёрлар ҳам ўз валюталарини шу банкларга сотиши зарур эди. Даставвал юридик шахсларга хусусий валюта воситаларига эгалик қилиш ҳуқуқи берилмаган эди. Полша ва Венгрияда валюта ҳолати анча яхши бўлишига қарамасдан бундай ҳолда бекор этилмаган. Чехия ва Словакияда валюта позицияларини яхшилаган ҳолда ўз корхоналарига миллий тижорий банкларда ўз ҳисобини очишга руҳсат берилган.

Шуларга қарамай Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида капитал экспорти бўйича анча тўсиқлар мавжуд эди. Айниқса, чет мамлакатларда кўчмас мулк сотиб олиш ва тўғридан-тўғри портфел инвестицияси бўйича қилинадиган тўловлар қаттиқ назорат остида эди.

Ташқи иқтисодий алоқаларда инвестициянинг ўрни ўсиб бормоқда. Бу мамлакатларга четдан келадиган инвестициянинг умумий миқдори 1989-1997 йилларда 40 млрд. долларни ташкил этган. Чет инвестицияси учун энг қулайлари Венгрия, Чехия ва Польша ҳисобланади. Бунинг сабаби тараққиёт даражаси, бозор ислоҳатларининг тезлик билан амалга оширилиши, кенг хажмдаги хусусийлаштириш, турли имтиёзлар мавжудлигидан иборатдир.

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари учун чет инвесторларга мулкни сотиш учун бюджетга тушумлардан ташқари корхоналарни техник қайта қуриш, янги ишлаб чиқариш ва технологияни қўллаш, тажрибали менежерларни жалб этиш имкониятлари туғилади. Чет инвестициялари асосан автомобилсозлик, электротехника, кимё, қоғоз ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноатлари қаратилган. Корхоналарни қайта тиклаш, маҳсулотлар рақобатбарбошлигини кўтариш чет бозорларга кириш, экспортни кенгайтириш имконини оширади.

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидаги чет инвестициясини кенгайтиришга ишонч қуйидагиларга асослангандир: мутахассислик ва арзон иш кучи мавжудлиги; қулай географик жойлашув; ўрта табақа шакллануви сабабли ички талабнинг ўсиб бориши. Яъни ички бозорнинг кенгайиш имконлари ва эркин қонунчилик мавжудлигидан иборат. Амалда бунга қарши омиллардан қонунчиликнинг камчиликлари, сиёсий ва иқтисодий вазиятдаги баъзи ноқулайликлар, касаба ташкилотлари фаоллиги кабилар

таъсири остида 90 – йилларда чет инвестицияси кўзлаган даражада бўлмаган.

Бозорга ўтишнинг бошланғич йилларида асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт этилган бўлса, кейин импортер миллий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ўсиб бориши билан бу қисқаради, чунки ўзини-ўзи таъминлаш даражаси ўсади. Бундай ҳолат саноат маҳсулотлари экспортининг кучайишини тақозо этади. Шунга кўра машинасозлик маҳсулотлари экспортини кучайтиришга ҳаракат қилинади. Бунинг учун ишлаб чиқаришни техник ва технологик даражасини кўтариш, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш учун катта ҳаракатлар қилинади. Бу мамлакатларда машинасозлик умумий экспортда 30-60%гача боради, шунини ичида ривожланган мамлакатлар ҳиссаси 6-7%ни ташкил этади.

Импортда ташқи савдо айланишида машина ва жихозларга катта ўрин ажратилиб, импортнинг 30-70 фоизини ташкил этган. Шу билан бирга импортдаги энг муҳимлар нефт, тошкўмир, темир руда, чўян, рангли металллар ҳисобланади. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг иқтисодий тараққиётида ЕИга қўшилиш муҳим ўрин эгаллайди. Биринчи навбатда Венгрия, Польша, Словения ва Чехия қўшилса сўнгра Болгария, Руминия ва Словакиялар қўшилди. Бунинг учун катта тайёргарлик кўрилиб, қўшилиш шартларини бажариш талаб этилди. Бу вазифалар ичида энг муҳимлари Ғарбий Европа стандарти даражасида бўлиш, халқаро меҳнат тақсимотида арзигулик ўринини эгаллашдир. Халқаро махсулашувига хос янги тармоқларнинг шаклланиши ва тўла демократия ўрнатилиши кабилардан иборат бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, кейинги ўн йиллик ичида бу мамлакатлар ўтувчи иқтисодли бўлиб, мамлакатда бозор иқтисодига ўтиш амалга ошмоқда. Шу билан бирга ўтиш даврининг бошланғич йилларидек иқтисодий тараққиёт даражаси, маъмурийлик сақланиши билан бозор муносабатларига ўтиш, аҳоли менталитети, ривожланган мамлакатларга нисбатан иқтисодиётнинг очиқлиги кабилар мавжудлиги ҳам хосдир. Айтайлик, Чехия ва Словения мамлакатлари бозорга ўтишда анча олдинга силжишиб, Болгария ва Руминия кабилардан илғорлашга улгурган.

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари қаторига киради. Чунки булар ҳам 80 – йиллардан бошлаб маъмурий-команда иқтисодиётидан ҳозирги замон бозор

иқтисодиётига ўтаётган давлатлардир. Булар ўтиш муаммоларини тизимли ислоҳат йўли билан хал қилмоқдалар. Лекин тизимли ислоҳатнинг турли моделларини қўллаб, бу ички ва ташқи иқтисодий соҳаларда мос келмоқда.

Барча Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида аграр ислоҳат натижасида ерлар давлат ва кооператив мулкидан хусусийга айлантирилади. Қонуний равишда ерга хусусий мулк тикланиб, у тақдирланади. Лекин ихтиёрий равишда ер ҳамда техникадан кооператив асосда фойдаланиш ҳуқуқи ҳам сақланади. Ерни сотиш, сотиб олиш Польша, Югославия, Чехия, Венгрия мамлакатларида кенг қўланилади. Ер бозори бу мамлакатларда кенг ривожланмоқда.

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари учун чет инвесторларга мулкни сотиш учун бюджетга тушумлардан ташқари корхоналарни техник қайта қуриш, янги ишлаб чиқариш ва технологияни қўллаш, тажрибали менежерларни жалб этиш имкониятлари туғилди. Чет инвестициялари асосан автомобилсозлик, электротехника, кимё, қоғоз ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноатлари қаратилган. Корхоналарни қайта тиклаш, маҳсулотлар рақобатбарбошлигини кўтариш чет бозорларга кириш, экспортни кенгайтириш имконини оширди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг қандай умумий томонлари мавжуд?
2. Нима учун бу мамлакатлар ўтувчи мамлакатлар ҳисобланади?
3. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг бозор муносабатларига ўтишда қандай умумийлик ва фарқли томонлари мавжуд?
4. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг иқтисодий тараққиёти қайси даражада?
5. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг Европа Иттифоқига қўшилиш истиқболи қандай ва бу нима беради?
6. ЕИ нинг вужудга келишига нималар сабаб бўлган?
7. ЕИ га аъзо мамлакатлар ичида иқтисодий қудратга эга мамлакатларни биласизми?
8. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида рақобатбардош компанияларни санаб беринг?
9. Ушбу мамлакатларда жаҳон молиявий - иқтисодий инқирознинг салбий оқибатлари нималарда номоён бўлди?

10. Ушбу мамлакатларнинг жаҳон бозорида тутган мавқеи хақида нималарни биласиз?

13-БОБ. ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ХУСУСИЯТЛАРИ

13.1. Ғарбий Европа мамлакатларининг ривожланган иқтисодиёти

Одатда Ғарбий Европа қитъанинг жуда катта қисмини ташкил этаиб, 20 дан ортиқ мамлакатларни ўз ичига олади. Чунки, Шимолий ва Жанубий Европа мамлакатларини ҳам бунга қўшишади. Бунинг ичида йирик, ўрта ва кичик давлатлар мавжуд. Буларнинг барчаси ривожланган ҳисобланади ва ўзидан-ўзи уларнинг ўзаро боғлиқлик, фаолий яқинлашувига олиб келади. Аввало интеграциялашув жараёни туфайли Ғарбий Европа ягона хўжалик комплексига айланмоқда. Ҳозир бу жаҳондаги энг йирик уч “марказий куч”нинг биттасига айланган, яъни бир томонда АҚШ ва иккинчи томонда Япония бўлса, учинчи тонда Европа Иттифоқидир.

Ўзбекистон Республикаси ва ЕИ ўртасидаги ҳамкорлик 1992 йилнинг 15 апрелида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ЕИ Қўмитаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандумнинг имзоланиши билан бошланди. 1994 йилнинг 24 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида ЕИ қўмитасининг Ўзбекистондаги техник алоқалар ҳамкорлиги бўйича бюросини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу ташкилотларнинг мақсади иқтисодий ислохотлар жараёни ва бозор муносабатларига ўтишда техник ёрдам кўрсатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ЕИ қўмитасининг ҳаракатларининг ҳамкорлигини кучайтиришдан иборат.

Ғарбий Европа ишлаб чиқариш омиллари билан турли даражада таъминланган бўлиб, табиий бойликларга камбағалдир. Агар минерал хомашёларнинг аниқланган қисми бўйича Россияда 30-40 трлн. доллар, АҚШда 8-8,5 трлн, Хитойда 6-6,5 трлн. долларгина ҳисобланади. “Уч куч марказлари”дан фақат Японияда энг камдир, яъни 0,1 трлн. доллар, холос. Бундай табиий тақсимланув Ғарбий Европанинг чет дунёга бу соҳадаги қарамлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Ғарбий Европа мамлакатлари ишлатаётган 2/5 қисм энергияни ва 3/4 қисм бошқа хомашёларни импорт қилади.

Иш кучини олсак, бу билан ортиқча таъминланган. Баъзи Ғарбий Европа мамлакатларида бу ортиқчалик 10-12 фоизгача боради. Меҳнат унумдорлиги бўйича АҚШ ва Япониядан орқада. Кейинги 10-15 йиллар ичида бу соҳада силжиш бўлса ҳам анча фарқ мавжуд. 90 – йиллар охирига келиб ЯИМнинг жон бошига тақсимланиши бўйича АҚШнинг 70,2 фоизи Япониянинг 82,6 фозига

тўхри келган. Албатта бундай ҳолатда қолоқроқ ҳисобланган Греция, Португалия, Испания ва Ирландиянинг ҳиссаси катта.

Меҳнат унумдорлиги даражасида ИТТКИнинг ўрни катта. Чунки бу инновацияга кучли таъсир этади. Технология соҳасида силжиш сезиларли бўлишига қарамай, барибир тенглик йўқ. Анъанавий асосли тармоқлар ҳисобланган металлургия, машинасозлик, металга ишлов бериш кабилар бўйича АҚШ ва Япониядан қолишмайди, кимё саноати бўйича хатто илғорлик ҳам қилади. Лекин янги тармоқлар бўлмиш микроэлектроника, робот техника, биотехнология, янги материаллар ва оптик технология бўйича нисбий қолоқлик давом этмоқда.

Ғарбий Европа бу соҳада тезкор чоралар қўллашга киришган ва Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг ИТТКИ бўйича дастурлар асосида минтақа мамлакатларининг жипс ҳамкорлиги ривожланиши яхши натижалар бериши мумкин. Шунинг учун уч “куч марказлари” ўртасида бу соҳада яқинлашув юз бериши ва ИТТКИ, инновацион жараёни ҳамда технология бўйича катта силжишлар юз беришини кутса бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий модел бўйича Ғарбий Европа мамлакатлари ўзига хос хусусиятларга эга. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

1. Хўжалик механизмида юқори қатлам ҳисобланган давлатнинг тартибга солиш даражаси бўйича ЕИ хатто АҚШ ва Япониядан устун туради. Биринчидан, бу АҚШ ва Япония ТМҚларининг ўз соҳаларида Ғарбий Европаникига қараганда устунлигини босиш билан боғланган. Иккинчидан, давлатнинг иқтисодий ролини кучлилиги ижтимоий функциялари юқорилиги билан белгиланади.

2. Ғарбий Европада ҳозирги даврда ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг ижтимоий йўналиши дунёда энг юқори ҳисобланади. Давлат энг кўп ижтимоий вазифаларни юқори интенсив тарзда бажаради. Шунинг учун ҳам Ғарбий Европа капитализми “ижтимоий бозор хўжалиги” белгисига жуда тўғри келади.

3. АҚШ ва Япониянинг ижтимоий-иқтисодий тизими ичида индивидуализм тамойили ва ижтимоий ҳаётнинг асосий қоидасига айланган бўлса ва ҳамкорликдан устунлик қилса, Ғарбий Европада индивидуализм етакчилигида ҳамкорлик билан нисбий баланс юзага келган.

4. Ғарбий Европа мамлакатларида жаҳон хўжалигига очиқлик ва хўжалик ҳаётининг байналминаллиги юқори даражадалиги мавжуддир.

Ғарбий Европа иқтисодиётининг дунёга очиқлиги аввало ташқи савдода билинади. Масалан, экспорт ва импорт квотаси (экспорт ва импортнинг ЯИМга нисбати) ЕИ мамлакатларида 30 фоиз атрофида бўлса, АҚШда – 9-11 ва Японияда – 11-13 фоизга тўғри келади. Бунда ресурс асосларининг камлиги ва ички бозорларнинг торлигини сабаб қилиб кўрстайш мумкин.

Бунда энг кўзга ташланадиган ҳолат шуки, ташқи савдонинг асосий қисми шу минтақага тўғри келади. Ғарбий Европа, айниқса ЕИга аъзо мамлакатлари ташқи савдода бир-бирига шерик ҳисобланади. Шунинг учун ташқи савдонинг 70 фоизи, яъни Ғарбий Европа мамлакатлараро савдога тўғри келади. АҚШда эса бу фақат 40 фоизини ташкил этади.

Тўппа-тўғри инвестицияда аҳвол бошқача ва тўғри чет капитал харажатларнинг 60 фоизи минтақадан ташқари мамлакатларга тўғри келади. Чунки инвестициялаш шартлари бўйича Ғарбий Европа мамлакатлари бир-бирига жуда ўхшаш ва бир-бирига инвестиция қилиш яхши фойда келтирмайди. Шу мақсадда инвестиция учун яхши шароитли мамлакатлар таналанади. Инвестиция асосан АҚШ, янги индустриал мамлакатларга тўғри келади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европа мамлакатларининг иқтисодий кескин заифлашуви, урушдан Американинг иқтисодий кучли бўлиб чиқишига қарамай, АҚШ Ғарбий Европани қўллашга ҳаракат қилиб келган. Бунда машҳур “Маршалл режаси” иқтисодий тикланишда Ғарбий Европага ҳамкорлик қилган. 80 – йилларга келиб Ғарбий Европа АҚШга тенг шерик даражасига етди. Ҳозирга келиб, Ғарбий Европа ЯИМ миқдори АҚШ даражасида бўлиб, ташқи савдо хажми бўйича уч баробар кўплик қилади. Инвестиция бўйича эса АҚШдаги 2/3 қисми Ғарбий Европа мамлакатларига тўғри келади.

Японияга нисбатан бўлса Ғарбий Европа мамлакатлари АҚШ билан шерик бўлиб ҳаракат қиладилар, унинг экспансиясига биргаликда қаршилик кўрсатишга уринадилар. Япония билан бўлган савдода Ғарбий Европа заифлик қилиб, Япония устунлик қилади. Япония капиталининг устунлиги ЕИга нисбатан икки томонламайўналишга эга. Биринчиси, Япония учун кучли ҳисобланган банк соҳаси, маиший электроника, автомобилсозлик кабиларга қаратилган. Иккинчиси, кимё, формацевтика,

машинасозлик каби Европа учун азалий ҳисобланадиган тармоқларга қаратилган.

Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодиётининг келажаги икки йўналишда бўлиши кутилмоқда. Биринчиси, минтақа ичида интеграция ривожига жараёнининг чуқурлашуви ва кенгайишидир. Бу Ғарбий Европанинг жаҳон хўжалигида мустахкамланиш даражасини анча кўтарди. Бунда энг муҳим воқеалардан бири ЕИ мамлакатларининг ягона валютага-еврога ўтишидир. Иккинчидан, интеграция Ғарбий Европада хўжалик ҳаётининг минтақалашуви жараёнини тезлаштиради. Бунинг амалга ошувида субминтақавий хўжалик комплекслари юзага келади. Келажакда бандлик муаммоси кучайиши мумкин. Чунки ишга яроқлилар сонна ўсади ва четдан келувчилар кўпайиши мумкин. Шунинг учун турмуш даражаси кўтарилишининг тезлашувига йўл қўймаслик муаммоси юзага келиши мумкин.

90 – йиллар бошларида Ғарбий Европада иқтисодий ўсиш биров пасайиб, 1993 – йилдан яна ўсишнинг янги даври бошланади. Бу албатта Шимолий Америкага ва айниқса ЯИМ – янги индустриал мамлакатларга нисбатан анча тез бўлмаса ҳам ижобий томонлари кўпдир. Чунки бунинг асосида замонавий технология, интеграциялашувнинг тезлиги, экспорт салоҳиятининг ўсиши кабилар ётади. Шу билан бирга ижтимоий бозор хўжалигида ўзгаришлар юз бера бошлайди.

АҚШга таққослаган ҳолда “янги Европа иқтисодиёти” устида гап юритиш мумкин. Европада ижтимоий бозор хўжалигида эркинликка ўтиш унча тез эмаслигини қайд қилиш билан бирга бир қанча янги миллий хўжаликларда ягона Европада сезиларли силжишлар мавжудлигини сезамиз ҳамда анча тармоқларда эркин бозор шаклланишини кўриш мумкин.

Бизнеснинг банк ва молия фаолиятларида, авиатранспорт, энергетика, мас-медиа кабиларда кейинги йилларда давлат аралашуви ва уни тартиблаштириш чоралари анча сусайиб, тўла эркинликка ўтилган. Рақобат хатто давлат корхоналарининг соғломлашувига олиб келиб, тадбиркорлик соҳасига янги туртки бўлмоқда. Бундай ҳолат телекоммуникацияда, уяли алоқа компаниялари фаолиятида ҳам кузатилмоқда. Европа компаниялари энди шундай алоқа стандартларини қўллашлари бу туенер юзига тарқалиши мумкин. Бунда айниқса Финляндия, Швеция, Буюк Британия компаниялари

олдинда туради. Телекоммуникация тармоғида бўлса Германия ва Франция компаниялари намуна бўлмоқда.

Ғарбий Европа аста-секин ўзининг эски анаъавий Осиё, Лотин Америкаси ва Россия билан бўлган ташқи савдо фаолияти устуворлигини ўзгартирмоқда. Бунда асосий диққатни АҚШ ва Канадага қаратмоқда. Бунинг учун Ғарбий Европа компаниялари фақат ўз уйида эмас, балки Шимолий Америка бозорларида ҳам рақобатбардош бўлишлари керак. Агар товар сифати ва илм сиғимлиги даражаси бунга мос келса ҳам бошқариш усуллари Шимолий Америкадек самарали эмас. Бунинг сабаби аввало Европа ижтимоий йўналтирган модел билан АҚШ эркин капитализм модели ўртасида тафовутдадир.

Давлат тартиблаштирилиши ўзгартирилган Европа компаниялари ва тармоқлари рақобатда муваффақиятга эриша олмаётган бўлса, бу усулни сақлаб қолаётган ЕИ ишлаб чиқарувчилари устида бундай деб бўлмайди. Лекин Европада бир қанча иқтисодий тармоқлар ЕИ мамлакатлари учун глобал рақобатбардошликни таъминлайдиган жуда кучли асослар мавжуд. Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- авиасозлик (Франция, Германия, Буюк Британия);
- банк фаолияти (Буюк Британия, Нидерландия, Германия, Испания);
- биотехнология (Германия);
- автомобилсозлик (Германия, Франция);
- рақамли телевидения (Франция);
- молиявий хизматлар (Буюк Британия, Люксембург);
- суғурталаш (Нидерландия);
- мобил алоқа (Финляндия, Швеция, Буюк Британия);
- наشريёт ишлари (Германия);

1990 йилнинг майида Европарламент ва ЕИ аъзо давлатлари билан шерикчилик ва ҳамкорлик ҳақида битимнинг ратификацияси бўйича барча тадбирлар ниҳоясига етди. 1999 йилнинг 1 июлида “Шерикчилик ва ҳамкорлик ҳақидаги битим” кучга кирди ва “ЕИ-Ўзбекистон” қўшма кўмитаси ўрнига Ўзбекистон-ЕИ ҳамкорлик кўмитаси тузилди. 1999 йилнинг 14 декабрида 1993 йилнинг июнидаги шартнома муддатини узайтирган ва ўзбек ишлаб чиқарувчиларининг тўқимачилик маҳсулотларини ЕИ бозорида сотиш шароитларини яхшиловчи “Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида тўқимачилик маҳсулотлари савдоси ҳақида битим” тасдиқланди. Ушбу битим 2000 йилнинг 1 январидан “де-факто” номи билан кучга кирди ва 2004 йилнинг 31 декабригача амалда бўлди. ЕИ Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ва ЕИ мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлашнинг ўсиши кўрсаткичлари савдо-иқтисодий муносабатларнинг муваффақиятли ривожланаётганлигидан гувоҳлик беради. 2002 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасининг ЕИ мамлакатлари билан икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 1 млрд. 065,8 млн. АҚШ долларинини ташкил этган, ундан 520,6 млн. АҚШ доллари экспорт, импорт эса 545,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

- дастурий таъминот (Германия, Белгия, Ирландия);
- тўқимачилик (Италия);
- сув таъминоти (Франция).

Юқорида қайд қилинган глобал рақобатдошлик тармоқлари мавжудлигига қарамасдан ЕИдаги кучли фуқаролар ижтимоий ҳимояси меҳнат бозорини сусайтиради ва ўз навбатида тадбиркорлик ривожини керакли даражада рағбатлантира олмайди. Европаликлар ҳаётни суғурталашнинг давлат кафолатлиги тарафдоридирлар. Шунингдек, меҳнат муносабатларини қаттиқ тартиблаштириш, нафақа таъминоти, ишсизлик нафақаларида ҳам давлат кафолатлари бўлишини талаб этадилар. Ижтимоий кафилликнинг кучайишини сайловчилар томонидан қўлланилиши натижасида ЕИнинг 15 мамлакатидан 13 таси сўл оқимли партиялар ҳукумат устида туради. Бу мамлакатларда ижтимоий ҳимоя жуда юқори даражададир ва тадбиркорлик ҳам авжида эмас. Буларнинг асосида ижтимоий бозор хўжалиги модели ётади. АҚШ билан рақобатбардош бўлиш учун Европа ўзини янгилаш арафасида турибди. Бу айниқса бозор ижтимоийлигига тааллуқлидир.

13.2. Европа Иттифиқиғача бўлган бозор иқтисодиёти ривожидаврлари

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги 1945-1957 йиллар ичида Европада хўжаликни тиклаш даври бошланган. Иқтисодиётга уруш жуда катта талофатлар келтирган ва Европанинг ташқи савдо капитал экспорти ва импортига катта зарар келтирилган эди. Натижада АҚШга қарам бўлиб, доллар ҳукмронлиги таъминланган эди. “Маршалл режаси” деб аталмиш тадбир остида катта хажмли ёрдам амалга оширилди. Бу режа бўйича 12,3 млрд. доллар АҚШ томонидан ажратилиб, ўз даврида жуда катта хажмдаги маблағ эди. Асосан бу ёрдамни Буюк Британия, Германия, Франция мамлакатлари олади. Л. Эрхард ислоҳати амалга оширилади.

Амалиёт шуни кўрсата бошлайдики, ўз кучларини бирлаштиришигина янги рақобат шароитида яшаш, чидаш имконини бера олади. “Маршалл режаси” асосида олиндиган ёрдамдан фойдаланиш ва уни тақсимлаш учун 1949 йилга келиб Франция ташаббуси билан Европа Кенгаши тузилади. 1950 – йили Франция ташқи ишлар вазири Роберт Шуман Германияга мурожаат этиб,

тинчлик тамойили асосида муносабат куришни таклиф этади. Сўнгра бу кегайиб, ривожланади ва “Шуман режаси”га айланади.

Бунинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

-зиддиятлар ва ихтилофлар билан бўлиниш ўрнига тинчлик севар Европани куриш;

-ягона Европани куришдаги кетма-кетлик, бож иттифоқи тузиш босқичидан Европада иқтисодий валюта Иттифоқлари тузишга ўтиш;

-иқтисодий интеграция асосида ягона Европа куришни бошлаш;

-интеграция ва умумий институтлар тизимининг ҳуқуқий негизини шакллантириш.

Хўжаликни тиклашда муваффақиятлар қўлга киритилиб,

ривожланишга асос солина бошлайди.

Бундан кейинги давр 1957-1974 йилларни

ўз ичига олиб, экстенсив ривожланиш

билан тавсифланади. Саноат, қишлоқ

хўжалиги, ташқи савдоларда ўсиш

бошланиб, ўсиш кўрсаткичлари АҚШга

нисбатан юқори бўлади. Давлат назорати

амалда бўлиб, давлат буюртмалари

сезиларли хажмда бўлади. Европадаги

экстенсив ўсиш жамғариш нормасининг

юқорилиги, асосий капиталга қаратилган

инвестициянинг кўпая бориши, капитал

таъминланиш ва меҳнат унумдорлигининг

ўсиб боришини билдиради. Ишлаб чиқаришга арзон импорт

хомшаёни жалб қилиш, нисбатан арзон иш кучининг мавжудлиги

кўшимча иш жойлари ташкил этилиб, ишлаб чиқариш хажми

кенгайиб бориш имконини беради. Бир қанча иқтисодий

кўрсаткичлар бўйича, яъни ЯИМнинг жон бошига тўғри келиши, иш

ҳақи даражаси, меҳнат унумдорлиги бўйича АҚШ даражасига

яқинлашади. Лекин технология ривожини бўйича орқада қолади.

Бунинг сабаби ИТТКИни молиялаштириш имконининг пастлиги

бўлиб, АҚШ даражасида бу соҳага сармоя ажратишнинг Европада

ҳали имкони йўқ эди. Европа фундаментал илмий-тадқиқот

ишларини уюштириш бўйича АҚШдан орқада бўлиб, ўзининг

технологик ривожини ярата олмаган эди. Лекин иқтисодий

интеграция бўйича анча илғорлашга улгурган эди.

2002 йил давомида товар айирбошлаш хажми бўйича ЕИ мамлакатлари ичида республикамизнинг энг йирик савдо шериклари: Буюк Британия (302,0 млн. АҚШ доллари), ГФР (250,8 млн. АҚШ доллари), Италия (123,8 млн. АҚШ доллари), Бельгия (95,5 млн. АҚШ доллари), Франция (91,5 млн. АҚШ доллари), Нидерландия (68,5 млн. АҚШ доллари) давлати бўлди.

Кейинги давр 1974-1985 йилларни ўз ичига олиб, иқтисодий инқироз ва инвестициянинг бироз сустлашуви билан тавсифланади. 70 – йилар ўртасидаги инқироз тўлақонли бўлиб, 80 – йилга келиб саноат ишлаб чиқаришда тушкунликка уланиб кетади. Экстенсив ўсиш ўзининг чекланганлигини билдира бошлайди. Энди иқтисодиёт тузумий ўзгаришларни талаб этиши сезила бошлайди. Ўтган инқирозлар ташқи алоқалардаги салбий томонларнинг мавжудлиги ўз таъсирини кучайтиргани муҳим сабаблардан эканлигини билдиради. Энди Европа учун интеграцияни давом эттириш асосий бўлмасдан иқтисодиётни сақлаш муаммоси олдинга сурилади.

70 – йиллар ўрталаридан бошлаб иқтисодий тузумий ўзгаришларни амалга оширишга кириша бошланади. Асосий саноат фондлари янгиланиб, амортизация нормалари кўтарилади. Европа ТМКлари ўз ишлаб чиқариш базаларини иш кучи арзон бўлган чет мамлакатларга кўчира бошлашади. Бу анъанавий саноат тармоқларига тааллуқли бўлиб, ўз ватанларида илм сиғимли мураккаб ишлаб чиқаришни кенгайтира бошлайдилар. Янги материаллар, биотехнология каби тармоқлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси устивор тармоқлар ҳисобланади. Аҳоли бандлигида ҳам ўзгаришлар юз беради.

Иқтисодий интеграцияда жонланиш юз бериб, бир қанча умумий ташкилотлар пайдо бўлади.

1984 – йилдан умумий қишлоқ хўжалик ислоҳати амалга оша бошлайди. Илмий техник ривож дастури киритилади. Бундан кейинги давр 1985-1992 йилларни ўз ичига олиб, бунда интеграцияни кучайтириш ва узоқ давом этаётган иқтисодий кўтарилиш юз беради. Бу даврда иқтисодий бирлашув соҳасида ЕИ томон катта қадамлар қўйилади.

Иқтисодий ривож соҳасидаги силжишлар жаҳон иқтисодиётидаги Ғарбий Европанинг мустаҳкамланишига олиб келади. ИТТКИга суянган ҳолда технологик қолоқликни олдини олиш бўйича бир неча йирик ишлар амалга оширилади. 1985 – йилдан узоқ давом этган иқтисодий ривожланиш интенсив равишда бўлиб, то 1990 йилларгача давом этади. Бу давр Ғарбий Европа иқтисодиёти учун қуйидагиларга хос бўлади:

- инфляциянинг сусайиши;
- валюта курсларининг мунтазамлиги;
- ЯИМ ўсиши;
- ташқи савдо айланишининг кенгайиши.

Ишлаб чиқаришда сифат ўзгаришлар юз беради. Ривожланиш асосида ИТР ётади. Илм сиғимли ишлаб чиқариш, маҳсулот сифатини кўтариш, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ҳисобига моддий сиғимли ишлаб чиқаришни қисқартириш юз беради. Фан ва техника тараққиёти бўйича махсус биргаликдаги дастур асосида иш олиб борилади. Хизмат кўрсатиш соҳаси жуда тез ривожланади. Бунда айниқса дастурлаштириш, логистика, консалтинг, инженеринг катта ўрин эгаллайди. Илғор технология асосида ишлаб чиқариш тармоқлар тузумида ўзгаришлар амалга ошади. Шахсан электроника ишлаб чиқариш хажми ошади, шунингдек машинасозлик ва кимё саноати ўсади.

13.3.Европа Иттифоқи тузилиши сабаблари ва таркиби

Европа Иттифоқининг юзага келиши иқтисодий тараққиётда катта аҳамият касб этади. Бу бир қанча муҳим глобал масалаларни хал қилиш билан Европа мамлакатларининг ривожланишини тезлаштиради. Чунки бир қанча йиғилиб қолган муаммолар ечилади ва тараққиёт учун зарур имкониятлар йириклашади ва мамлакатлар биргаликда фаолият кўрсатиш Европа салоҳиятини янги юқори даражага кўтаради.

Иттифоқнинг юзага келиши мавжуд замонавий ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви билан миллий давлат чегаралари ўртасидаги зиддиятлар натижаси эди. Бу айниқса Иккинчи Жаҳон урушидан кейин яққол кўзга ташланар ва келажак ривожланишининг зарур шартига айланган эди. Бунда биринчи ва иккинчи жаҳон урушларини бошлаган Германиянинг аҳамияти катта бўлиб, унинг тақдири, қайси йўналишда тикланиши, ривожланиш йўналиши Ғарбий Европа учун, айниқса бевосита қўшни давлатлар учун деярли тақдирий масала эди.

Бундан ташқари Европада икки қарама-қарши тизимларнинг пайдо бўлганлиги, келажакда яна вайронагарчилик урушларнинг олдини олишлик сабаблар биргаликда иш тутишга йўллар эди. Германиянинг тикланиши ва бунда АҚШнинг фаол иштирок этиши, Европада ўзининг таъсирини сақлаб қолиш учун ҳаракат қилиши ҳам бирлашув учун курашни кучайтиради.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейин Германия устидан ғалаба қозонилганда бундаги икки етакчи куч ҳисобланган СССР ва АҚШ ўртасида келишув бўлмай, совуқ уруш ҳолати юз беради, Европада

сиёсий муаммо кучайиб боради ва бунда Германияни яна бўлажак уруш марказига айланиш хавфи ҳам бор эди. Чунки икки томон ҳарбий ҳаракатни сусайтириш ўрнига уни жонлантиришга урунишар ва хаттоки бунда қадимги герман вермахтидан фойдаланиш ҳафви ҳам йўқ эмас эди. Демак, ЕИнинг иқтисодий сабаблари билан сиёсий сабаблари ҳам мавжуд эди.

Собиқ СССР раҳбарияти ўша вақтларда ахволни юмшатиш эмас, балки уни кескинлаштириш чораларини қўллаб, худди Ғарбий Германияда юз бераётган жараёнларга жавобан ҳаракат қилаётгандек бўлар эди. 1948 – йилги Прага талофати, 1949 – йилдаги Берлин блокадаси кабиларни унга мисол қилиб келтириш мумкин.

Европа етакчи сиёсий ва иқтисодий арбоблари учун бундай ҳолат кескин чора кўриш, салбий йўналишнинг олдини олиш ва бирлашувсиз келажакни тўғри белгилаш мумкин эмаслиги аниқ эди. Чунки Европа ўз манфаатларини таъминлаши ва бу СССР ва на АҚШ манфаатларидан фарқ этиши тушунилаётган эди.

АҚШ ва СССРнинг ядро ҳукмронлигидаги улуғ давлатларга айланиши, жаҳонга реал ҳукмронлик қилиши ва вазиятни тўла қўлга олишлари ҳам Европани безовлантирар ва уни батамом иккинчи даражали мамлакатларга айланиб қолиши хавфи аниқ кўзга ташланар эди. Бу икки буюк давлатларнинг глобал равишда бир-бирига қарама-қарши туриши, дунёни қайта тақсимлаш учун йирик курашни бошлаб юборилганлиги ва бунга Европани тўла аралашиши аниқ нарса эканлиги, на Европага бунда жой ажратиши на унинг жаҳон стратегик манфаатларига эътибор бериши имкониятларининг тугалла йўқ қилинаётганлиги аниқ эди.

Европа бирлашуви аввало Франция ва Германия манфаатларига тааллуқли бўлган. Чунки Франция тарихан бир неча марта Пруссия ва Германия томонидан тажовузга учраб келган. 1945 – йилдан кейинги АҚШ ва Англиянинг Ғарбий Германия иқтисодиётини тикланиши ва армиясининг жонланиши Франциянинг хавотирланишига сабаб бўлар эди. Чунки Германиянинг нотинч ҳаракатлари ҳамisha иқтисодий тикланишдан кейин бошланар эди.

Бевосита Франция учун 1949 – йилда ГФР статуси белгиланиши билан ахвол анча оғирлашади ва у ҳам АҚШга ёнбосиши талаб этилар эди. Чунки АҚШнинг Германияни тикланиши тўғрисидаги талаблари Франциянинг зонасига тааллуқли бўлиб, айниқса бу Рур ва Саарга бевосита боғлиқ эди. Бироқ бу ўзгаришлар

Ғарбий Германия тикланиши, унинг томонидан келажакда хавф туғилмаслиги кафолатлиги эмас эди.

“Маршалл режасини” Ғарбий Европанинг тикланишига олиб келган тадбир деб бўлмайди. Лекин унинг урушдан кейинги дастлабки вазифаларини бажаришда катта ёрдам берган, у ҳаётий зарурий хўжалик иншоотларини тиклаш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлган. Лекин уруш йиллари Германия томонидан бирлаштирилган Европа мамлакатлари иқтисоди яна бўлиниб, майдаланиб кетган. Бўлиниш эски анъанавий тарздаги майда бир-бирига боғланмаган ва ажралган холда бўлиб, жаҳон меҳнат тақсимооти тамойиллари бўйича жуда бўш боғланган иқтисодиёт асосида юз берган. Албатта бундай иқтисодиёт самарали даражада бўлмаган. Узоқ вақт тушкунлик ҳолатида бўлиши мумкинлиги, ишлаб чиқариш қувватларининг жуда паст техник ҳолатдалиги, эски тузумийлиги ва технологик инновацияни қабул этмаслиги реал ҳолатни белгилаб берар эди. Буларни АҚШ корпорациялари ўзларига қўшиб юбориши хавфи ҳам мавжуд эди. Умумий ҳолат барча соҳада етишмовчилик билан тавсифланар эди.

Талаб пасайиб борар, нарх-наво пасайиши тезлашар ва хали суут ҳолдаги саноатга салбий таъсир этар эди. Бироз қисқарган ишсизлик яна ўса боради. Чайқовчилик, яширин иқтисод ўсиши хавфи кучли бўлган. Буларнинг ҳаммаси бозор-рақобат муносабатларини тўла бўғиб қўйиш хавфи мавжуд бўлиб, аҳоли асосан ваҳимага туша бошлаган вақтни эслатар эди.

Бундай ҳолатдан чиқиш, Европанинг ривожини учун янги йўлланма талаб этилиб, аввало бу иқтисодий жамловдан иборатлиги Европа бирлашмасини ҳаракатга келтирувчи восита бўлиши талаб этилар эди. Бирлашувга интилиш Франциядан бошланиб, Германия билан яқинлашув ва улар ўртасида ишонч ҳосил қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал қилишда аввало тармоқлар асосида, сўнгра соҳалар асосида биргаликда ҳаракат қилишдан бошланади. Бунда албатта умумий манфаатлар асос бўлиши талаб этилар эди. Бунинг учун сиёсий бирлик, хавфсизлик чоралари, ишонч туғдирувчи ҳаракатлар бирлашув таркибини ташкил этарди. Сўнгра буларга бошқа мамлакатларнинг қўшила бориши, айниқса бозор бўйича бирлашувнинг аҳамияти ва бундаги кетма-кет эришилган муваффақиятлар муҳимдир.

Бирлашув фаолиятини шароит туғилиши билан кенгайтириш жуда муҳим аҳамият касб этарди. Шунинг учун ҳам кетма-кетлик,

аста-секинлик усули оқилона амалга оширилиб, ЕИ таркиби кенгайиб борди.

13.4. Интеграциялашув жараёни босқичлари

ЕИнинг энг бошланғич даврида Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси ётади (ЕКПБ). Европа бирлашмасига асос солган, бунинг дастур ва режаларини тузган, унинг асосий тамойилларини белгилашда фаоллик қилиб, умуман буларни бирламчи шаклларини амалга оширишда катта ишларни бажарган француз Шуман ва Моннэлардир. Катта иқтисодий-сиёсий билим ва тажрибага эга бўлган Моннэ ва бу ишларда ташаббускорлик ҳамда бошлиқ бўлган Шуманлар ахвол ва вазифаларни яхши билан холда иш тутишган.

Улар юз берган ҳолат ва Европанинг иккига бўлиниб қолганлиги сабабли “Совуқ уруш” бўлиб, бунда Германия алоҳида рол ўйнашини чуқур тушунган тарзда тўғри йўл тутганлар. Бунда Ғарбий Германия сиёсати америкача сиёсат манфаатидан келиб чиқиб, Ғарбий Европа ҳам шундай ҳолатда бўлиб, АҚШга бўйсунар эди.

Албатта асосий муаммо Германияга бориб тақалса, иккинчи томондан мамлакатлар мустақиллигига зарар етказмаслик зарур эди. Чунки улар энди зулмдан қутилиб, ўз миллий давлатлигини қўлга киритган бўлиб, сиёсий мустақиллик, суверенликни чегараловчи ҳар қандай ҳаракат миллий ғурурга таъсир этиши турган гап эди. Бунгача ҳам Европа мамлакатларини бирлаштиришга урунишлар бўлган, айтайлик, 1948 йили Буюк Британия бошлиқ Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти тузилган эди. Лекин у фақат тавсия даражасидаги фаолият билан чегараланган. 1949 йилда эса Европа Кенгаши тузилгандек бўлиб, у ҳам маслаҳат вазифаси билан шуғалланган, холос.

Франция ва Германия бирлашмасида сиёсий интеграцияни узок келажакка мўлжалланган ҳолда иқтисодий интеграцияга эътибор қаратиш, энг йирик ва аниқ иқтисодий муаммоларни белгилаган ҳолда ҳаракат қилиш ва буларни бажаришда миллатдан юқори механизмларни ишлатиш, ягона божхона тартибларини ишлаб чиқиш, бу муаммоларни умумдавлатлар негизида ҳал қилиш иқтисодий соҳа билан бирга Европа халқлари учун сиёсий-руҳий аҳамият касб этиши кабилар муҳим бўлиши кўзда тутилади. Бу соҳада меморандум ва аниқ таклифларга оид ҳужжатлар тузилиб, Франция ҳукумати муҳокамасига киритилади. Бундан олдин Моннэ

Германия канцлери Аденауэр билан учрашиб, унинг розилигини олади. Канцлер бу хажжатни қўлламасдан иложи ҳам йўқ эди. Чунки ғолиб мамлакат энг тенг муносабатлар учун, тенг иқтисодий ҳамкорликка қўл чўзган эди.

1951 – йилда Европа кўмир ва пўлат бирлашмасини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага олти давлат қўл қўяди ва у 1952 – йилда шу давлатлар томонидан радификация қилинади. Шартнома мухлати 50 йил бўлиб, Бирлашма штаб квартираси Люксембургда жойлашади. Германия ва Франция томонидан тузилган бу шартномага Бельгия, Нидерландия, Люксембург ва Италия ҳам қўшилади.

Бу бирлашма ҳақиқатдан ҳам давлатларга боғлиқ бўлмай мустақил иш юритиш асослари яратилган бўлиб, буни бошқарувчи органлари фақат Парламент ассамблеясига итоат этиши ва молиявий асоси мамлакат ҳукуматлари ажратмаси эмас, балки иқтисодий фаолиятга боғлиқ бўлган солиқ ҳисобидан таркиб топади. Шу билан бирга давлатлар тенглиги тамойили асос қилиб олинади.

Бу бирлашманинг кейинги ривожланиш босқичи атом энергетикасини бирлаштириш бўлиб, бунда Бельгиянинг ташаббуси кучли бўлади. Европа бирлашмасининг фаоллашувига Сувайш канали ва Венгрия воқеалари ҳам туртки бўлади. 1957 – йилда Римда бўлиб ўтган олти мамлакат вакиллари учрашувида Европа иқтисодий бирлашмаси тўғрисидаги шартномага қўл қўйилади. ЕКПБ ва Евроатом бу иқтисодий бирлашманинг “биринчи қавати” хизматини адо этади. Европа Иқтисодий бирлашма (ЕИБ)нинг юқори бошқарув органи этиб Бирлашма комиссияси белгиланади. Парламент ассамблеяси Европа парламентиغا айлантиради. Бу бирлашманинг штаб ва кварталлари Брюссел ва Люксембургда жойлашади.

Рим шартномасида бирлашманинг фаолияти қишлоқ хўжалиги, савдо соҳасидаги умумий сиёсат, божхона қоидаларини тартиблаштириш, ижтимоий масалалар, илмий-техник тадқиқот ва таълим, атроф-муҳит, “учинчи дунё”, мамлакатлар билан ҳамкорлик сиёсатлари ҳисобига кенгайиб боради, деб қайд қилинади. Шу билан Европа иқтисодий яқинлашув, кучли интеграциялашган бозорни шакллантириш йўлига ўтган эди. ЕИБ бошқа мамлакатлар учун очик эканлиги айтилади.

1972 – йилга келиб, ЕИБга Дания, Ирландия ва Буюк Британия давлатлари ҳам қўшилди. Кейинроқ, Греция, Испания ва Португалия ҳам қўшилади. 1975 – йилда Рим сессиясида Европа кенгаши Европа

парлементига тўғри сайловлар ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бу парламент маркази этиб Страсбург белгиланади. Шу йили келишилган ҳолда ЕИБни ривожлантириш тўғрисидаги бирлашма аъзолари муҳокамасига таклифлар киритилади. Бунда иқтисодий ва валюта ҳамда минтақавий сиёсатлар, умумий саноат сиёсати каби соҳалар бўйича таклифлар киритилади. Аввало 1979 – йилда Европа валюта тизимини киритиш тўғрисида келишув юз беради.

1984 – йилги Европа парламенти Европа Иттифоқи тўғрисида лойиҳани қабул қилади. 1991 – йилдаги Маастрих сессияси Европа Иттифоқини эълон қилади. Бу ўзгариш кетма-кетлик асосида амалга ошиб, 1999 – йилгача давом этиши керак эди. Биринчи босқичда капитал ҳаракатини назорат этишнинг бекор қилиниши кўзда тутилади. Иккинчи босқич 1994-1997 йилларни ўз ичига олиб, бунда иқтисодий кўрсаткичларни яқинлаштириш ва нисбатан орқада бўлган Испания, Португалия, Греция ва Ирландия мамлакатлари иқтисодий даражасини илғорлар даражасига кўтариш кўзда тутилади. Янги Европа валюта институти (ЕВИ) тузилади.

Учинчи босқичда Марказин Европа банки таъсис этилади ва ягона пул – евро қабул қилинади ҳамда муомалага киритилади.

ЕИда давлатлараро бирлаштирувчи мазмундаги ечимлар устунлик қилади. Лекин давлатлардан устун механизм мазмунидаги қаттиқ ечимлар устунлик қилади, деб бўлмайди. Интеграция ривожини ва кенгашида бундай давлатлардан юқори элементлар кўпая боришига қарамасдан барибир миллий давлатлик устунлик қилиб, буни Европа давлатлари конфедерацияси даражасида тушуниш мумкин. Чунки сиёсий ва иқтисодий масалаларнинг ҳал қилиниши миллий давлатлар қўлидадир. Фақат ташқи савдо бундан мустасно бўлиб, у тўлиғича ЕИ комиссияси ихтиёридадир.

ЕИ қўйидаги органлар билан бошқарилади:

1. ЕИ кенгаши
2. ЕИ комиссияси – бу ижро орган
3. Европа парламенти
4. Европа суди
5. Европа ижтимоий фонди
6. Европа минтақавий ривожланиш фонди
7. Европа инвестиция банки

ЕИ кенгайиб, 1995 – йили Австрия, Швеция ва Финляндия қўшилади. Кейинги йилларда қўшилиш талаби ўзгармоқда. Чунки Кипр (греклар) ва Словениядан ташқари мамлакатлар ўтувчи ва собиқ

социалистик йўналишдагилар бўлиб, уларда бозор механизмлари энди ҳаракатга келиб, ҳар томонлама Ғарбий Европа мамлакатларидан фарқланади. Шу билан бирга иқтисодий тараққиёт жихатидан турли даражададирлар.

ЕИга қўшиладиган номзодлар икки даражада бўлиб, буларнинг ўртасида ҳам тараққий ҳолат турличадир. Биринчи навбатдаги Словения, Кипр, Чехия, Венгрия, Польша, Эстония бўлса, навбатдаги Словакия, Болгария, Руминия, Литва, Латвияларга нисбатан тараққиёт даражаси юқорироқдир. Шунинг учун ҳам уларнинг тўла қўшилиш жараёни ва вақти анча узоқ бўлади.

ЕИнинг кенгайиши иқтисодий эркинлик ҳажмини ер юзида ошириш билан сиёсий муаммоларнинг енгиллашуви, ҳал қилинишини тезлаштиради.

13.5. Евро пулининг киритилиши ва унинг ижобий томонлари

ЕИнинг энг катта ютуқларидан бири бир хил пулнинг юзага келиши ва унинг барча аъзо мамлакатлар ҳудудида ягона пул бирлиги сифатида ҳаракатда бўлиши эди. Албатта бунинг аҳамияти жуда катта бўлиб, бунинг учун узоқ йўл босиб ўтилган ва кўп вақтлардан бери давом этиб келган ҳамда катта тайёргарлик кўришни талаб этган жараён эди. Валюта тизими Европа ҳамкорлиги учун энг муҳим соҳалардан бири бўлиб, бирлашув соҳасидаги ҳаракатлар албатта ягона Европа пулининг шаклланишига олиб келиши керак эди.

Аввало Европа умумий валюта бирлиги бўлган экю киритилиб, сўнгра еврога ўтилади. экюни юзага келиши учун бир қанча иқтисодий бирлик ташкилотлари тузилиб, умумий Ғарбий Европа бозори шаклланишида муҳим ишлар амалга ошиб, валюта тизими учун зарурий тайёргарликлар кўрилиши бунга шароит яратган эди. 1974 – йили Европа кенгаши тузилиб, бу давлат бошлиқлари даражасида бўлган. 1975 – йили минтақавий ривожланиш фонди тузилади. 1977 – йилдан бошлаб Ғарбий Европа саноат товарлари умумий бозори шаклланади. 1979 – йили Европа валюта тизими ҳаракатга киради. Бу иштирокчи мамлакатлар пул бирликларининг мунтазам валюта курсини таъминловчи механизм ҳисобланар эди. Шу йили экю пайдо бўлиб, у умумий пул бирлигидан иборат эди.

Евро пулининг муомалага киритилиши учун энг бошланғич йирик тадбир ВТЭ (валюта тизими эволюцияси)нинг ишлаб чиқилиши бўлган. Чунки евро учун шароитлар эволюцион усул билан

яратилиши талаб этилар эди. ВТЭга ўтиш учун ягона Европа пули бўлган евро ни муомалага киритиш ва Европа Марказий Банкни тузишдан иборат эди. Бунинг учун аввало 1989-1990 йилларда ВТЭнинг қурилиш ва ривожланиши стратегияси ишлаб чиқилган.

ВТЭга қўшиладиган ҳар бир мамлакат қуйидаги шартларни бажариши зарур бўлган:

-ВТЭга кирувчи мамлакатлардаги инфляция даражаси бошқа мамлакатлардаги кўрсаткичга нисбатан 1,5 фоиздан юқори бўлмаслиги;

-фоиз бирлиги 2 фоиздан юқори бўлмаслиги;

-давлат бюджети етишмовчилиги ЯИМнинг 3 фоиздан ошмаслиги;

-йўл қўйиладиган давлат қарзи ЯИМнинг 60 фоиздан юқори бўлмаслиги;

-икки йил давомида мамлакат миллий валютаси девалвация қилинмаслиги ва алмашув курси валюта тебраниши йўл қўйиладиган даражада бўлиши.

ВТЭ қурилишида уч босқич белгиланади: 1) 1990 – йил 1 июл, 1993 – йил 31 декабр – Европа ягона бозори шаклланишини тамомлаш ва валюта конвергенцияси чегараларини ишлаб чиқиш; 2) 1994 – йил 1 январ, 1998 йил 31 декабр – валюта иттифоқининг институционал, маъмурий ва юридик негизини яратиш; 3) 1999 – йил 1 январ, 2002 йил 30 июл – ягона Европа валютаси евро ни босқичма-босқич ҳаракатга киритиш.

Евро ни киритиш ҳам уч фазадан иборат бўлади: 1998 – йили зарур тайёргарлик ишларини бажариш; 1999-2001 йиллар муомалага евро ни ўзисиз киритиш ва жаҳон молия бозорида евро асосидаги ҳаракатларни амалга ошириш; 2002 – йили евро ни чоп этиш ва миллий валюталар қаторида муомалга киритиб, 2002 – йил 1-июлгача барча миллий валюталарни еврога алмаштириш.

Европада ягона валюта тизимининг амалга ошуви ва евро нинг пул бирлиги сифатида катта иқтисодий ҳудудда муомалага киритиш йирик устунликларни туғдиради. Евро йирик кучли пулга айланиш ва долларнинг реал рақобати бўлиши кутилади. У шу билан бирга валюта хатарлигини қисқартиради ва валюталар алмашуви билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтиради. Биринчи босқичда евро 11 та мамлакатда муомалага киритилади, сўнгра буларнинг сони ортиб боради. Иқтисодчилар ЕИга қўшилган 11 мамлакатда пул алмаштиришни синовдан ўтказиб, бошланғичдаги 1000 доллар

провардида 500 доллар бўлиб қайтганини таъкидлайдилар. Евро киритилиши билан бу харажатлар минимумлашади.

Бундан ташқари евро шу мамлакатларни қудратли бозорга бирлаштиради ва ўз иқтисодий салоҳияти бўйича АҚШ билан ҳар томонлама рақобатбардошга айлантиради. Рақобатбардошликда компаниялар, фуқаролар имкониятини кўтаради. Европада йирик хажмда қўшилиш, бирлашиш жараёни давом этмоқда. Булар евро воситаси билан жуда арзонга тушади, чунки бу жараёнларни молиялаштириш соддалаштирилиб енгиллаштирилади. Энди Ғарбий Европаликлар учун бошқа мамлакатларга борса валюта конверсиялаш ва у ерларда товар сотиб олишнинг зарурияти бўлмайди.

Бундаги энг қизиқ томони евронинг долларга нисбатан юзага келадиган курс даражаси қандай ҳолатда бўлишидир. Бошида евро долларнинг ҳокимиятига қандай таъсир кўрсатади, кучли валюта айлана оладими деб ўйланган. Лекин 1999 – йилнинг ярмида аксинча унинг доллар паритетигача пасайиши юз беради. Бу евро аввало ўз ишончини тўла оқлай олмаган бўлса, шу билан бирга евронинг пасайиши Европа учун фойдали бўлади. Евронинг силлиқ пасайиши АҚШга экспортни тақдирлайди ва Европа экспорти фойдасига хизмат қилади.

Евро интеграция ривожини ва ягона бозорнинг юзага келиши билан бирга Европада илгари ҳеч бўлмаган даражада давлат тартиблаштирувининг кескин қисқариши ва иқтисодиётнинг тузумий ўзгаришига олиб келади. Бу албатта Европанинг АҚШ каби иқтисодий салоҳият даражасига етказиши билан унинг капитализм ривожини моделига ўхшатади. Бир қутбли глобал тизим ҳам ўзгариб, икки қутблиликка айланиши мумкин.

ВТЭ евронинг киритилиши билан бирга банк тизимида ҳам катта ўзгаришларга олиб келади. Европада баҳолар мунтазамлигини таъминлаш, умумий кредит-пул сиёсатини қўллаш мақсадида Европа Марказий банки ва миллий марказий банкларнинг мустақиллиги тўғрисида келишилади. Шу билан Ғарбий Европада валюта-пул тизими реаллашади. Япониянинг бир қанча иқтисодий сусайиши билан ЕИ ва АҚШ, демак доллар ва евро ўртасидаги муносабатлар келажаги актуаллашади.

Ҳозирги вақтга келиб евро долларга нисбатан қудратлироқ бўлмоқда ва ўз курсини кўтариб, обрўси ва таъсирини кучайтирмоқда. Евро ҳам бир қанча муаммоларга эга. Чукни унинг қадрини сақлаб қолиш осон эмас, у ўзига хос хусусиятларга эга. Евро

мамлакатлараро валюта бўлгани учун марказий бюджетга эга эмас ва ЕИда турли солиқ тизимлари мавжуд, бюджет харажатлари турли хилда. Иш кучи сафарбарлиги мамлакатлар ўртасида фаол даражада эмас, нафақалар тизими ҳам турлича ва ҳк. Лекин айтиш мумкинки, бу ва бунга ўхшаш муаммо ва масалалар ўз ечимини топиши керак ва албатта ўз ҳосилини беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ғарбий Европа ишлаб чиқариш омиллари билан турли даражада таъминланган бўлиб, табиий бойликларга камбағалдир. Агар минерал хомашёларнинг аниқланган қисми бўйича Россияда 30-40 трлн. доллар, АҚШда 8-8,5 трлн, Хитойда 6-6,5 трлн. долларгина ҳисобланади. “Уч куч марказлари”дан фақат Японияда энг камдир, яъни 0,1 трлн. доллар, холос. Бундай табиий тақсимланув Ғарбий Европанинг чет дунёга бу соҳадаги қарамлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Ғарбий Европа мамлакатлари ишлатаётган 2/5 қисм энергияни ва 3/4 қисм бошқа хомашёларни импорт қилади.

Иқтисодий ривож соҳасидаги силжишлар жаҳон иқтисодиётидаги Ғарбий Европанинг мустақамланишига олиб келади. ИТТКИга суянган ҳолда технологик қолоқликни олдини олиш бўйича бир неча йирик ишлар амалга оширилди. 1985 – йилдан узоқ давом этган иқтисодий ривожланиш интенсив равишда бўлиб, то 1990 йилларгача давом этди.

Европа бирлашуви аввало Франция ва Германия манфаатларига тааллуқли бўлган. Чунки Франция тарихан бир неча марта Пруссия ва Германия томонидан тажовузга учраб келган. 1945 – йилдан кейинги АҚШ ва Англиянинг Ғарбий Германия иқтисодиётини тикланиши ва армиясининг жонланиши Франциянинг хавотирланишига сабаб бўлар эди. Чунки Германиянинг нотинч ҳаракатлари ҳамиша иқтисодий тикланишдан кейин бошланар эди.

Евро пулининг муомалага киритилиши учун энг бошланғич йирик тадбир ВТЭ (валюта тизими эволюцияси)нинг ишлаб чиқилиши бўлган. Чунки евро учун шароитлар эволюцион усул билан яратилиши талаб этилар эди. ВТЭга ўтиш учун ягона Европа пули бўлган евро ни муомалага киритиш ва Европа Марказий Банкни тузишдан иборат эди. Бунинг учун аввало 1989-1990 йилларда ВТЭнинг қурилиш ва ривожланиши стратегияси ишлаб чиқди.

Такрорлаш учун саволлар

1. ЕИнинг асосий хусусияти нимадан иборат?
2. Мамлакатлар иқтисодий интеграциясини қандай тушуниш керак?
3. Мамлакатлар иқтисодий глобаллашувининг мазмуни нимадан иборат?
4. ЕИ шаклланишининг тарихи ва зарурияти нималарни ўз ичига олади?
5. ЕИга ташуббускор ва биринчи қўшилган мамлакатлар қайсилар?
6. ЕИнинг кенгайиши ва унга қўшилаётган мамлакатлар қайсилар?
7. Евро ва унинг таъсир доирасини айтиб беринг.
8. ЕИ нинг вужудга келиш сабаблари нималардан иборат?
9. ЕИ га кирувчи мамлакатларни санаб беринг.
10. ЕИ нинг жаҳон хўжалигига қўшган хиссаси изоҳланг.

14-БОБ. ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА БИРЛАШМАЛАРНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

14.1. Халқаро иқтисодий интеграция

Бозор иқтисодиёти тараққиёти халқаролик хусусиятини кукчайтириб, интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларини тезлаштирмоқда. Глобаллашув тушунчаси бутун жаҳон хўжалигига тааллуқли бўлиб, бу бир-бирига боғлиқлик ва қарамлик холда жисмоний бутунликнинг босқичма-босқич шаклланиши ва тузилма силжишларнинг жамғарилиб бориши жараёнидан иборат дейиш мумкин. Бунда айрим бўғимлар молиявий-иқтисодий, ишлаб чиқариш-техник, ахборот ва алоқалар воситасида олдинги босқичга нисбатан ҳар томонлама, кўп миқдорли ва чуқур холда боғланиб бориш юз беради. Бу ишлаб чиқаришнинг анча юқори даражадаги байналминаллашуви бўлиб, халқаро иқтисодий муносабатлар миллий иқтисодиётлар таъсир этган тарзда дунё иқтисодий бирлигини мустаҳкамлаб боради.

Ҳозирги вақтда товарлар, хизматлар силжиши учун кунлар ва ҳафталар талаб этилса, ахборот учун жуда кам вақт керак. У тезда тарқалади ва етиб боради. Агар дунёнинг бир еридаги бозорда қандайдир ўзгариш бўлса, унинг хабари тезда тарқалади. Бу айниқса биржа фондлари, валюта ва товар бозорлари, илмий кашфиётлар ҳамда уларни қўллаш кабиларга тааллуқлидир.

Жаҳон иқтисодиёти эволюцияси ривожланиш ҳосиласи бўлиб, у жаҳон меҳнат тақсимооти, улуғ график кашфиётлар, индустриал ва технологик инқилобий ўзгаришлар билан боғлиқ равишда юз берган. Булар глобаллашувга олиб келиб, 80-90 йилларда реал оламшумул ҳолатга айланди. Глобаллашув жараёнининг хажмлилиги, таъсирлилигини сезиш оддий ҳолатга айланмоқда.

Иқтисодий фаолиятдаги глобаллашув қуйидаги йўналишлардан иборат дейиш мумкин:

1) ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати:

-ТМКларнинг тўғри инвестициялари;

-борган сари байналминаллашиб боровчи иш кучи (меҳнат);

2) халқаро молиявий ҳаракатлар:

-валюталар ҳаракати;

-қарз ва кредитлар;

-қимматбаҳо қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқа қарз мажбуриятлари);


-молиявий боғлиқ инструментлар (фьючерслар, опционлар кабилар).

Жаҳон иқтисодиёти глобллашувининг манбаи кўпдир. У фақат анъанавий товар ва хизматлар ташқи савдоси эмас, балки валюталар оқими, капиталлар ҳаракати, ахборот ва ғоялар оқими, одамлар ҳаракатидан иборатдир. Халқаро молиявий келишувларни олсак, айтايлик, фақат 1998 – йили Нью-Йорк валюта бозорида ҳар куни 1,3 трлн. долларни ташкил этган. Бошқа халқаро қиммат баҳо қоғозлар савдосини олсак, бу рақам анча кўпаяди. Технологик ривожланиш транспорт ва коммуникация харажатларини кескин ўзгартирмоқда. Ахборотларни сақлаш, уларни ўзлаштириш ва фойдаланишни жуда тез арзонлаштирмоқда. Интернет электрон почтасининг тарқалиши ахборот хизматини арзонлашувига олиб келиб, электроникадага муваффақиятларга боғлангандир. Арзон ва юқори самарали компьютерлар юзага келмоқда.

Савдо ва бошқа соҳалардаги либераллашув протекционизм сиёсатини чегараламоқда.

Натижада бож тарифлари сезиларли қисқармоқда, чегаралар камаймоқда. Шунингдек капитал ҳаракати ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳаракатини кенгайтирмоқда ҳамда тезлаштирмоқда.

Ахборот технологиясининг ривожланиши компанияларнинг маҳаллий бозорлар билан чегараланиши ўрнига миллий ва халқаро, глобал даражаларига чиқишини таъминлаб, ишлаб чиқариш ва



товарлар сотиш имконини кенгайтормоқда. Глобал корпорациялар сони кўпаймоқда.

Жаҳон иқтисодий глобаллашувида АҚШнинг ўзига хос роли мавжуд. Бу буюк иқтисодий куч, инновацияни қўллашдаги, шунингдек бошқарув, технологик ва молиявий соҳаларда фойдаланишдаги мавқеи уни жаҳон иқтисодиёти етакчисига айлантормоқда. Бунда аввало АҚШ ТМКларининг ўрни каттадир. Айниқса, булар глобаллашувдан манфаатдордир. Жаҳон иқтисодий глобаллашув унинг агентларига боғлиқдир. Уларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

Биринчиси, молиявий иқтисодий гуруҳ:

- халқаро молия ташкилотлари(халқаро молиявий фонд, халқаро ривожланиш ва реконструкция банки, Европа ривожланиш ва реконструкция банки ҳамда уларнинг минтақавий филиаллари);

- халқаро иқтисодий, савдо, озиқ-овқат ташкилотлар (халқаро савдо ташкилоти, халқаро меҳнат ташкилоти, қисман Юнеско);

- халқаро молия гуруҳлари ва фондлари (Париж клуби, Лондон клуби, Бейденберг клуби).

Иқтисодий глобаллашув иккинчи гуруҳ агентлар:

- ТМК;

- трансмиллий банклар.

Иқтисодий глобаллашув учинчи гуруҳ агентлар:

- регионал ташкилот ва иттифоқлар (ЕИ, НАФТА, АСЕАН ва б.)

Тўринчи гуруҳга жаҳон сиёсати ва иқтисодиётга таъсир этувчи етакчи давлатлар бирлашмасини киритиш мумкин (“катта саккизлик”).

Халқаро иқтисодий интеграциялашув кўшни мамлакатлар иқтисодиётининг бирлашуви ва бунда улар компаниялари ўротасидаги иқтисодий алоқалар мунтазамлиги асосида ягона хўжалик комплексининг шаклланишидир. Умуман олганда ҳозирги даврда икки томонлама интеграция мавжуддир. Биринчиси, трансмиллийлашув ва глобаллашув жараёнлари билан юзага келадиган жаҳон иқтисодиёти интеграцияси бўлса, иккинчиси, муайян институционал шаклларда ривожланаётган анъанавий, минтақавий интеграциядир.

Иқтисодий интеграция иқтисодий жараёнларнинг байналминаллашуви, халқаро меҳнат тақсимоли жараёнининг

чуқурлашуви натижасида юзага келадиган ҳолатдир. Транс миллий капитал ва замонавий илмий-техник инқилоб хўжалик ҳаётининг омилларини халқаро бир-бирига ўралашиб кетишига ва унинг кучайишига катта таъсир кўрсатади. Бунда ривожланган мамлакатлар хусусий капитали ва улар ТМКларининг ўрни катта.

Интеграциялашув икки босқичли – глобал ва минтақавий даражада ривожланиб, биринчидан хўжалик ҳаётининг байналминаллашувини кучайиши бўлса, иккинчи томондан мамлакатларнинг минтақавий асосда иқтисодий яқинлашувидан иборат. Туб мазмуни билан интеграция бирлашув эмас, балки бирлашув жараёнидир.

Ўзбекистон ҳам бир неча интеграцияларда қатнашади. Булар МДМ, Марказий Осиё ташкилоти, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизис

тон эркин савдо келишуви, Грузия ва Украина, Ўзбекистон, Озарбайжон, Молдовия келишув ташкилоти, Шанхай келишуви мамлакатлари кабилар шулар жумласидандир.



Халқаро

иқтисодий интеграция оддийдан муракаб шаклларга ўтади. Бунда энг

муҳими моддий асос хўжалик ҳаётининг байналминаллашувидир. Бунинг учун энг оддий мисол ЕИдир. Бу аввало товар муомаласи соҳасидан бошланиб, то мураккаб иқтисодий интеграциягача ривожланган. Ҳозирги вақтда халқаро капитал ҳаракати интенсив равишда бўлиб, хажми жуда кенгайган ва ўзига хос хусусиятга эга бўлмоқда.

Халқаро иқтисодий интеграция оддийдан-мураккаб шаклларга ўтишда қуйидаги босқичлик хусусиятларини кўрсатади:

- эркин савдо худуди;
- бож иттифоқи;
- ягона ёки умумий бозор;
- иқтисодий иттифоқ;
- иқтисодий ва валюта иттифоқи.

Таъкидлаш зарурки, ҳозиргача фақат ЕИ шу босқичларнинг ҳаммасини босиб ўтиб, уларни кетма-кет шакллантиришга муваффақ бўлди.

Энг оддий ва бошланғич халваро интеграция шакли *эркин савдо худудларининг* ташкил этилишидир. Бунда ўзаро савдо эркинлиги таъминланиб, қатнашувчи давлатлар ўртасида бу соҳадаги чекланувлар бекор қилинади. Аввало бож тўловлари тўхтатилади. Бунда олдин пасайтирилиб, кейин бекор этиш мумкин. Бу соҳадаги интеграция Бутун жаҳон савдо ташкилотининг ташқи иқтисодиёт амалиёти ва концепциясига тўғри келади-ки, ташқи савдони эркинлаштириш ва иштирокчи мамлакатларнинг савдо сиёсатини мунтазамлашга қаратилган. Кўпинчи бошқа хил бу фаолиятдаги чекланишлар ҳам олиб ташланади. Бу аввало қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тааллуқлидир.

Эркин савдо худуди келишувида ишлаб чиқарувчи мамлакатлар аҳволини оғирлаштириши ва рақобатни кучайтирган холда банкротликка олиб келиши мумкин. Чунки импортнинг тўла эркинлашуви иштирокчи рақиблар учун маҳсулот сифатини ва техник даражасини кўтаришга далда бўлади ва чет товари рақобатига бардош бериш зарурияти туғилади.

Яқин ҳамкорлик ўрнатишда *бож иттифоқининг* аҳамияти катта бўлиб, ягона ташқи савдо сиёсатини қўллаш кўзда тутилади. Бунда хатто валюта конвертацияси ва ягона ҳисоблашув пул тизими амалга оширилади.

Бож иттифоқи эркин савдо худуди келишувига нисбатан анча такомиллашган бўлиб, ташқи иқтисодий сиёсатни боғлашда устун

келади ва бу айниқса бож-тариф қоидалари, процедураларига тааллуқли бўлиб, ишлаб чиқариш ва экспортни тартиблаштириш ҳамда импорт талабини тўлароқ қондириш имконини туғдиради.

Иштирокчи давлатларнинг интеграция жараёнини кейинги ривожини умумий бозорнинг шаклланишида ўз ифодасини топади. Бунда тўрт эркинлик – товарлар, хизматлар, капитал ва одамларнинг давлат чегараларидан эркин ўтиш имконияти туғилади. Умумий бозорнинг юзага келиши саноат стандартлари ва ҳуқуқий нормаларнинг мослашувига ҳам олиб келади. Бунда айниқса рақобатни тартиблаштириш ва нормаларини тузишнинг олдини олувчи тадбирлар тизимига катта эътибор берилади.

Кўриб чиқилган халқаро иқтисодий интеграциянинг уч шакли асосан муомала соҳасига тааллуқлидир ва бунда ташқи савдони ва ўзаро молиявий ҳисоблар учун тенг шароитлар пайдо этилади. Халқаро иқтисодий интеграциядаги анча мураккаброқ шакли иқтисодий ва молиявий иттифоқдир. Бу юқори ривожланган, узоқни кўзлаган ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалар тўғрисидаги келишувдир. Бунда эркин ташқи савдо, бож иттифоқи ва умумий бозор келишувларига умумий иқтисодий ва валюта сиёсатлари қўшилади. Миллий давлат усти институтлари тузилади, яъни давлат бошлиқлари, вазирлар кенгашидан иборат интеграция ҳамкорликни бошқарувчи давлатлараро органлар барпо этилади. Провардида ягона валюта сиёсати қўлланилиб, уни муомалага тадбиқ этилади.

Ҳозирги даврда бир қанча халқаро иқтисодий гуруҳлар юзага келган. Лекин уларнинг барчасини самарали фаолият кўрсатмоқда, деб бўлмайди. Шу билан бирга мустақамланиб бораётган халқаро иқтисодий интеграциялашган бирлашмалар ҳам мавжуд. Булардан баъзиларини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

14.2. Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси (НАФТА)

Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси АҚШ, Канада, ва Мексика ўртасидаги келишув бўлиб, у 1994 йили юзага келган. Олдиндан АҚШ ва Канада ўртасида иқтисодий алоқалар жуда кучли бўлган ва бу мамлакатлар илгаридан бири-бири билан чатишиб, ўзаро капитал ва иш кучининг мамлакатлараро ҳаракати мавжуд эди. Буларда ТМК таъсири кучли бўлиб, интеграциялашувда расмий давлатлараро келишувларга эҳтиёж бўлмаган. Маълум даражада шундай жараён Мексикага ҳам тааллуқли эди. Бундан ташқари 90 –

йилларга келиб, жаҳонда юз бераётган сийсий ва иқтисодий ўзгаришлар интеграциянинг кучайишини талаб этар эди. Айниқса, ЕИ, Япония, Хитой, Жанубий-Шарқий Осиё давлатларининг иқтисодий салоҳиятининг ўсиши, ҳамкорлик ҳаракатининг кенгайиши кабилар Шимолий Америка давлатлари интеграциясини чуқурлаштиришни заруриятга айлантирган эди. Бунда АҚШ ташаббускор бўлиб, жаҳон бозорларида рақобатбардошликни ошириш чораларини қўллашга ундар эди.

АҚШ, Канада ва Мексика етакчи компаниялари молиявий, илмий-техник ва тадбиркорлик салоҳиятларини бирлаштиришни кўзлаган холда рақобатбардошликни кучайтириш мақсад қилинган эди. Албатта АҚШ ва Канаданинг ривожланган иқтисодиёти ва Мексиканинг ишлаб чиқариш харажатларининг пастлиги биргаликда самара бериши мумкин. Айтайлик, бир соатлик иш вақти 1993 – йили Канадада – 5,75 доллар, АҚШда – 4,5 доллар бўлган бўлса, Мексикада – 50 центга тенг келган. Биринчи навбатда Мексика билан товар айрибошлашни эркинлаштириш кўзда тутилган. Чунки бу муаммо АҚШ ва Канада ўртасида ҳал қилинган эди.

Келишувда ташқи иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш, бож тўсиқларини бартараф этиш ва товар, хизмат, капитал ва иш кучи ҳаракатларининг эркинлигини таъминлаш кабилар кўзда тутилган. Аввало уч мамлакат ўртасидаги тайёр буюмлар савдосини чегаралаш йўқ қилинади. 1994 йилдаёқ саноат ва озиқ-овқат товарлари пошлинаси 65%га камайтирилади. Энергоресурслар, кишлок хўжалик маҳсулотлари, тўқимачилик товарлари, автомобиллар бозорларида аста-секинлик билан эркинлаштириш кўзда тутилган.

1994 – йилдан бошлаб 15 йил ичида барча савдо ва инвестиция тўсиқларини олиб ташлаб, уч миллий бозорларни бирлаштирилади ва 400 млн.дан ортиқ аҳоли учун эркин савдо майдонини ташкил этилади. Бунда 10 трлн. доллардан ортиқ жами маҳсулот бир халқаро бозорда силжиши кўзда тутилади. Бу жаҳон ЯИМнинг 18 фоизини ташкил этиши керак. Шундай интеграция бу уч мамлакат ўртасида атроф мухитни сақлаш ва меҳнат соҳасида ҳам кўзда тутилади. Келишувдаги тадбирларни бажармаслик жазоланишга олиб келади.

Бу мамлакатлар ўртасида иқтисодий салоҳият бўйича фарқ катта. Айтайлик, Канада ЯИМ АҚШнинг 10 фоиз, Мексиканики эса 5 фоизни ташкил этади. Аҳоли жон бошига нисбатан олинса, Канада АҚШга нисбатан 90 фоиз ва Мексикада 15 фоизга тенг. НАФТА бу уч давлатлар ичида қолоқ ҳисобланган Мексикага ёрдам бермайди.

Айтиш керакки, Мексиканинг бу келишувга қўшилиши ривожланиш даврини 50 йилдан 10-15 йилгача қисқартиради, деб баҳоланади. Бунда чет капитали миқдори, айниқса АҚШ капиталининг ёрдами юқори бўлиши мумкин.

90 – йиллар ўртасидаёқ чет инвестиция миқдори бўйича Мексика Лотин Америкаси мамлакатлари ичида биринчи ўринга чиқади ва йиллик миқдори 8 млрд. долларга етади. 90 – йиллар охирига келиб меҳнат ҳақи реал 29 фоизга ўсади. Шунингдек, НАФТА Мексикага бир қанча мажбуриятларни юклайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича Мексика АҚШ ва Канада билан алоҳида икки томонлама келишув тузади. АҚШ ва Канада компьютерларига бўлган 20 фоиз солиқни бекор қилади. Бу арзон бўлган Япония ва Жанубий Корея техникасини Мексика бозоридан сиқиб чиқаришга олиб келиши керак. 10 йил ичида автомобилларга бўлган кўпчилик чекланишни олиб ташлашлари керак. 1994 – йилдан чет инвестицияларни кенгайтирувчи қонун қабул қилинади. Чет капиталининг Мексика банклари ва суғурта компанияларида қатнашувига йўл очилади.

НАФТА АҚШга катта имконият туғдирмоқда, Америка экспортининг ва шу билан иш жойларини кенгайтириши, меҳнат хажми, материал сифими, экологик қимматга тушадиган ишлаб чиқаришни Мексикага кўчириш кабилар АҚШ учун ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва бир қанча саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини кўтариш имконини беради.

НАФТА орқали Америка ТМКлари Лотин Америкаси бозорларидаги ўз мавқеларини кучайтиришга умид қилмоқдалар. Шу билан бирга бу мамлакатларда ўз компаниялари учун иш жойларини кўпайтириш, рақобатбардошликни ошириш ва фойдани кучайтиришга ҳаракат қиладилар.

Канада ҳам бу келишувдан кўп томонлама ўз манфаатини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, фойдани кўпайтириш, юқори техникали тармоқларни (компьютерлар, телекоммуникация, электроника) кабиларни кенгайтиришни амалга ошириш учун ҳаракат қилмоқда.

Қисқа вақт ичида бу келишув ўз самарасини кўрсатди. Айтайлик, уч йил ичидаёқ, яъни 1994-1997 йиллар ичида АҚШнинг Мексика ва Канада билан товар айланиш хажми 44 фоизга ўсган.

Шунга ўхшаш келишув Жанубий Америкада ҳам бўлиб, у *Меркасур* деб аталади. Унга: Аргентина, Бразилия, Парагвай ва

Уругвай давлатлари бирлаштирилади. Бу бирлашма қитъанинг 45% аҳолиси, 50% ЯИМ, 40% тўғри чет инвестицияси, 60% товар айланиши ва 33% ташқи савдо ҳажмини бирлаштиради.

14.3. Осиё Тинч океани бўйи давлатлари ҳамкорлиги (АТЭС) АСЕАН

Осиё-Тинч океан минтақасида бир неча интеграцияли бирлашмалар бўлиб, буларнинг ичида энг аҳамиятлиси АСЕАН ва АТЭСдир.

АСЕАН 1967 – йилда ташкил топиб, унга аввало Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин давлатлари кирган. Кейинчалик Мьянма, Бруней, Лаос, Вьетнам ва Камбоджа қўшилади. Бу мамлакатлар саноат ва қишлоқ хўжалиги, илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиб, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни мақсад қилиб қўйганлар.

АСЕАНнинг юқори органи давлат бошлиқари конференцияси ҳисобланади. Марказий раҳбар органи Ташқи ишлар вазирлари учрашуви ҳисобланади. Соҳалар бўйича вазирлар учрашуви раҳбарлик қилади. Масалан, иқтисодий масалалар давлатлар иқтисодий вазирлари учрашувида хал қилинади. Бошқа тармоқлар бўйича комитетлар қарор қабул қилади. Махсус муассасалар ҳам мавжуд бўлиб, нефт бўйича Кенгаш, Кема эгалари ассоциацияси, Банк кенгаши, Молия корпорацияси кабилардир. АСЕАНнинг ташқи алоқалари махсус комитетлар томонидан олиб борилиб, улар 11 мамлакат пойтахтларида мавжуд.

Умуман иқтисод бўйича эркин савдо ҳудудини юзага келтириш кўзланиб, бу жуда узоқ муҳлатни ўз ичига олади. Ҳамкорликни хавфсизлик, молия, телекоммуникация, туризм, атроф-муҳитни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, соғлиқни сақлашларга қаратиш кўзда тутилади. Ҳамкорлик асосан Австралия, Канада, ЕИ, Япония, Жанубий Корея ва АҚШга қаратилган.

1997 – 1998 йил инқирози АСЕАН мамлакатларида из қолдирган. Бунда тузумий муаммолар мавжудлиги ўсишга таъсир этиши турган гап. Лекин асосий хусусият циклли жараёнда деб билинган. Бу инқироздан чиқиш учун тадбирлар қўлланилган. Буларнинг ичида энг муҳими Япониянинг молиявий ёрдами бўлиб, бундан аввало Малайзия, Таиланд (1,85 млрд. доллар) фойдалана олган. Умумий жамоа валютасини қўллаш, капитал силжиши

назоратини ўргатиш, миллий иқтисодиётни далват тартиблашувини кучайтириш каби таклифлар ўртага қўйилган. Бироқ булар асосан амалга ошмаган.

Осиё янги индустриал мамлакатларининг кўпчилиги АСЕАНга киради. Маълумки, буларнинг ярми ривожланган мамлакатлар ҳисобланиб, иккинчи ярми шунга яқиндир.

АТЭС 1989 – йилда ташкил топган бўлиб, мамлакатлараро йиғилиш ҳисобланади. Бунга аввало 18 та мамлакат қўшилган: Австралия, Бруней, Гонконг, Канада, Хитой, Кирибати, Малайзия, Маршаин ороллари, Мексика, Янги Зеландия, Папуа-Янги Гвинея, Жанубий Корея, Сингапур, АҚШ, Таиланд, Тайван, Филиппин, Чили бўлиб, сўнгра яна уч мамлакат қўшилган, булар: Вьетнам, Перу ва Россия. Кўриниб турибдики, буж уда йирик ташкилот бўлиб, Осиё, Америка қитъалари ҳамда Полинезия мамлакатларини бирлаштиради. АТЭС маслаҳат қавмида бўлса ҳам, амалда унинг ишчи органлари савдо, инвестиция, молия фаолиятларининг минтақа қоидаларини ишлаб чиқади. Вазирлар ва экспертлар учрашуви бўлиб туради. Савдо ва инвестиция комитетлари, Иқтисодий комитет ва ишчи гуруҳлар, Таълим фонди кабилар шулар жумласидандир.

Интеграциялашувдан келадиган даромадларнинг тақсимланишидаги нотекислик мавжудлиги аниқланиб, ҳисоб бўйича савдо эркинлиги ўртача 2%дан реал даромаднинг ўсишига олиб келиши керак. Лекин бу асосан рақобатбардош мамлакатларга тегади. 2020 – йилгача ривожланган (ривожланган мамлакатларда 2010 – йилгача) эркин савдо ҳудудини яратиш ва инвестицияни эркинлаштиришга ўтиш белгиланган. Бож чегараланувларини пасайтириш ЖСТ (жаҳон савдо ташкилоти) келишуви асосида амалга оширилиши кўзда тутилган. Лекин кўп мамлакатларда аниқлик кам, келишилмаган масалалар ҳали кўп.

Кейинги йилларда Осиё-Тинч океан минтақаси (ОТМ)нинг жаҳон иқтисодиётидаги ҳиссаси ортиб бормоқда. Унга жаҳон ЯИМнинг 60 фоизи тўғри келади. Ички минтақавий савдо ва инвестиция оқими устунлик билан ўсмоқда. Агар 70 – йилларда ОТМнинг географик мамлакатлари ташқи савдода Европага мўлжал қилса, 80-90 йилларга келиб ОТМ асос ҳисобланади ва минтақавий ўзаро иқтисодий алоқалар аҳамиятли бўлиб қолади. ОТМ мамлакатларининг жаҳон савдосидаги ҳиссаси 40 фоизгача кўтарилди. Бу мамлакатлар ривожланиш йўлига ўтиб, ислоҳатларни амалга оширмоқдалар. Давлатларни тартиблаштириш роллари

ўзгармоқда, банк соҳасида, ташқи савдо эркинлиги, чет инвестиция оқими кабиларда ҳам кўп ўзгаришлар юз бермоқда. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

14.4. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги

Собиқ Иттифоқ ўрнига мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши мавжуд иқтисодий алоқаларнинг узитлишига олиб келиб, бу жуда салбий ҳолатларни юзага келтирди. Фақат шунинг сабаби билан 1/3 дан ½ гача пасайиши юз берган.

МДХ аввало уч янги мустақил мамлакатлар – Россия, Украина ва Белоруссия ўртасида тузилиб, 1991 – йил охирида Болтиқ бўйи республикаларидан бошқа барча собиқ СССР республикалари қўшилади.

МДХ рисола бўйича ташкилий таркиб топиб, бир неча кенгашлар тузилади. Шу билан ижрочи секретариат мавжуд. МДХнинг юқори органлари фаолияти бир овозлик тамойилига асосланган. Шу билан бирга қабул қилинган ечимлар ижросини назорат қилувчи механизм тузилмаган. Жуда кўп миқдорда тармоқлар даражасидаги органлар мавжуд. Булар ҳамкорликнинг аниқ соҳалари билан шуғулланадилар.

МДХ тузилгандан кейин 90 – йиллар ичида мингга яқин биргаликдаги ечимлар қабул қилинган. Аммо асосан улар қоғозда қолиб кетмоқда. Бунинг сабаблари кўп. Энг муҳими аъзо мамлакатларнинг ўз мустақилигини бирон қисмидан воз кечмаётганлигидадир. Маълумки, бусиз реал интеграция бўлиши мумкин эмас.

МДХнинг самарасизлиги тўғрисида фикрлар кўп, хаттоки бу ғоя умуман кераксизлиги тўғрисида ҳам танқидий мулоҳазалар бўлган. Лекин бу ташкилот мавжуд ва унинг ўзига яраша ижобий томонлари ҳам кўп. Бунга муносабат олдинги салбий ҳолатларнинг таъсири, мустақиликнинг янгилиги, тажриба камлиги, қисман ишончсизлик мавжудлиги, ғарбга интилиш кабилар албатта ўз кучини кўрсатади.

Интеграциялашув керак, керак айниқсаяқин мамлакатлар ўртасида ва эски биргалик аънаналари МДХни такомиллашуви, мавжуд шароитларга мос ҳолда иш юритиш ва муаммоларни ҳал қилиб бориш ва ўзаро манфаатдорликни эътиборга олган тарзда иш тутиш йўлларини ахтариш талаб этилади.

Мустақилликнинг мустаҳкамланиб бориши, миллий иқтисодиётларнинг тикланиши ва ривожлана бориши сари бундай интеграцияга муҳтожлик ортиб боради. Лекин МДХдан бошқа мамлакатларга экспорт қилиш қийинчиликларга дуч келиб боради. Бунда маҳсулотлар сифати, харажатлар даражасининг юқорилиги, халқаро савдодаги рақобатбардошликнинг кучлилиги бунинг асосий сабабидир. Ривожланишни таъминлаш билан бирга эски узилиб қолган иқтисодий алоқаларни тиклаш, МДХ мамлакатлари ўртасидаги савдони жонлантириш имкониятларидан фойдаланиш мумкин.

Минтақавийлик, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тиклаш ҳаракатлари ҳам мавжуд. Шу билан бирга бўлиб тураётган иқтисодий, молиявий инқирозлар ҳам ўз таъсирини ўтказиб турибди. Аммо минтақалар бўйича МДХ ичида бўлаётган келишувлар ҳам ёмон натижалар бермаяпти. Бу келишувлар турли даражада ва турли соҳалар бўйича амалга оширилмоқда. Бунда энг интенсиви Россия ва Белоруссия ўртасидаги келишувдир. Хатто бу иттифоқ тузиш йўналиши мазмунини олмоқда. Чунки Белоруссия ривожланган машинасозлик, айниқса оғир машинасозлик тармоқларига эгаки, бунинг истеъмомчиси асосан Россиядир. Шунингдек, хомашё ва ёнилғи Белоруссияда жуда кам бўлиб, бу Россияга боғлиқдир. Ташқи иқтисодий алоқаларда бу икки мамлакатнинг бир-бирига боғлиқлиги кучлидир. Шу билан бирга буни тўла амалга ошириш учун салбий таъсир этувчи муаммо ва сабаблар ҳам кўп.

1995 – йилдан бошлаб Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Тожикистон ўртасида бож иттифоқи шакллана бошлади. Кейинроқ бунга Қирғизистон ҳам қўшилди. Иттифоқ ягона бож худудини ташкил этиш ва учинчи мамлакатлар билан савдо тартибларини умумлаштирган ҳолда оддийлаштиришни кўзда тутди. Лекин бу ҳам осон бўлмай, яхши натижалар бериш даражасига кўтарила олгани йўқ.

Бож иттифоқи 1996 – йилда “Тўртлар иттифоқи” (Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон) билан тўлдирилди. Бу миллий, гуманитар соҳалар бўйича ҳамкорликни ҳам ўз ичига олади. Иқтисодий билан ижтимоий ҳамкорлик масалалари интеграцияси ҳам кўзда тутилган. Лекин бунинг ҳам натижаси жуда паст.

Минтақавий манфаатдорлик асосида Марказий Осиё мамлакатлари – Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон

ўртасида ҳамкорлик иттифоқи тузилган бўлиб, асосий кўзланган масалалар иқтисодий ва мудофаа соҳаларига тааллуқлидир. Анъанавий иқтисодий алоқалар асос бўлган. Айтайлик, Қирғизистон ва Тожикистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон вази, кўмири билан таъминланиб келган. Ғалла Қозоғистон томонидан таъминланиб турган. Қишлоқ хўжалик техникаси Ўзбекистондан таъминланган ва ҳ.к. Умумий транспорт хизматлари мавжуд бўлиб келган.

Украина, Грузия, Озарбайжон, Молдовиялар ўртасида яқинлашувга мойиллик бўлиб, бунинг асосида транспорт йўлаги хосил қилиш ётади. Бунда нефт ва газ маҳсулотлари экспортини уюштириш асосий мақсад ҳисобланади.

МДХ ичида бундай келишувларнинг бўлиши албатта объективликка эга ва умумий интеграция билан боғлиқ бўлиши мумкин, хаттоки уни рағбатлантириш ҳам турган гап.

МДХ мамлакатлари ўртасидаги интеграциялашувнинг ривожланиши кўп жихатдан ўтказилаётган ислоҳатлар натижаси, иқтисодий салоҳият, мамлакатлар бошқарувидаги сиёсат кабиларга боғлиқдир. Аммо буларнинг ичида энг таъсирлиси Россия иқтисодий тараққиёти, тизимий ислоҳатлар натижасидан иборатдир.

Иқтисодий алоқаларнинг кескин қисқариши, товар айланишини камайиши эски меҳнат тақсимотларининг самарасизлигидан бўлса, бунга сиёсий ёндошув кўшимча бўлиб ҳисобланади. Лекин ўзгаришлар муваффақияти яна бу мамлакатлар ўртасидаги интеграцияга эҳтиёж туғдира бошляпти. Ислоҳатлар яқинлашуви, мустақиллик мустаҳкамланиши яна интеграциялашувнинг заруриятини туғдириб боради. Чунки бу давр талаби, МДХ эса асосан энг яқин бир-бирига қўшни мамлакатлар бўлиб, ўзаро интеграциясиз тўлақонли ривожлантиришни амалга ошириш мумкин бўлмайди.

14.5. Умумжаҳон иқтисодий ташкилотлар

Иқтисодий глобаллашув ва интеграциянинг кучайиб бориши жаҳон иқтисодиёти ва жаҳон иқтисодий муносабатлари билан боғлиқ бўлган ҳамда жаҳон давлатлари, жамоатчилиги хал қилиши керак бўлган муаммолар кўпайиб бормоқда. Бундай ҳолат халқаро иқтисодий ташкилотларни юзага келтириб, фаолиятини кучайтирмоқда. Чунки бундай муаммоларни тезлик билан олдини олиш чораларини қўллаш талаб этилиб, аввало бунинг институционал тузумлари, доимий ҳаракатда бўлиш талаб этиладиган

механизмларни яратиш айти муддаодир. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг мақсади эса худди шулардан келиб чиқади.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар икки хил бўлиб, биринчиси давлатлараро бўлса, иккинчиси нодавлат халқаро ташкилотлардир. Биринчисида бевосита давлатлар ёки ҳукуматлар иштирок этса, иккинчисида компаниялар, фирмалар, илмий жамиятлар кабилар қатнашади. Давлатлараро ташкилотлар ҳақиқий халқаро ҳуқуқий шакллар ҳисобланади, нодавлат халқаро ташкилотлар эса бундай статусга эга эмас. Бу эса давлатлар сиёсатига маълум даражада таъсир этади.

Ҳозирги вақтда нодавлат халқаро ташкилотлар сони 7000 дан ошиб кетди. Халқаро иқтисодий ташкилотларни 5 турга бўлиш мумкин:

- халқаро универсал ташкилотлар;
- минтақа ва минтақалараро халқаро ташкилотлар;
- жаҳон бозорининг айрим сегментларида ҳаракат қилувчи иқтисодий ташкилотлар;
- ярим шаклан бирлашма туридаги халқаро иқтисодий ташкилотлар;
- турли савдо-иқтисодий, валюта-молиявий, тармоқли ва махсус иқтисодий, илмий-техник ташкилотлар.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар етакчиси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизимидир. Бу биринчи турга кириб, унинг бевосита иқтисоди билан шуғулланувчи бўлаги Ассамблеянинг Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашидир (ГА/ИИК). Бундан ташқари Халқаро савдо маркази (ХСМ), Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Халқаро реконструкция ва ривожланиш банки (ХРРБ), Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА), Халқаро молиявий корпорация (ХМК), Халқаро валюта фонди (ХВФ), Кўптармоқли инвестицияни кафолатловчи агентлик (КИКА), Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ) кабилар БМТ тизимидаги иқтисодий ривожланиш соҳасида фаолият кўрсатувчи умумжаҳон ташкилотлар ҳисобланади.

БМТдаги етакчи иқтисодий ташкилот ИИК 54 аъзога эга ва йилда 2 марта сессияга еғилади. Бу БМТ иқтисодий ва ижтимоий фаолиятини умумлаштирувчи органдир. Бу орган раҳбарлигида бир неча минтақавий комиссиялар фаол кўрсатилади. Булардан энг йириклари Европа иқтисодий комиссия (ЕИК) 55 давлат – аъзога эга, Осиё ва Тинч Океан БМТ иқтисодий ва ижтимоий комиссияси – 49 давлат аъзо. Худди шундай Ғарбий Осиё комиссиясига – 53 давлат

аъзо. Лотин Америка ва Кариб бассейни комиссиясига – 41 давлат аъзо. Бу комиссиялар қошида комитетлар мавжуд. Ҳар бир комиссиянинг ижрочи органи бўлиб секреториат ҳисобланади.

Минтақалараро, давлатлараро ташкилотлар мавжуд бўлиб, шулардан бири - Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотидир (ИХРТ). Ташкилот 1961 – йили тузилиб, Парижда жойлашган. У икки хил қарор қабул қилади: бири аъзолар учун мажбурий бўлса, иккинчиси ихтиёрий мазмунда бўлади, лекин аксарият ҳоллардагина бажарилади. Бунинг аъзолари асосан ривожланган мамлакатлардир.

Бу ташкилотнинг асосий вазифаси иқтисодий таҳлил ва шу асосда 1,5 йиллик прогноз тузишдан иборат. Шу билан бирга хўжаликни макро ва тармоқлар ҳажмида тартиблаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда ташқи савдони бошқариш, молиявий ёрдам соҳасида сиёсатни умумлаштириш ишлари бажарилади.

Кейинги вақтларда бу ташкилотда тўғри инвестицияларни тартиблаштириш бўйича кўп томонлама келишувга катта эътибор қаратилмоқда. Бундаги асосий мақсад эркин инвестиция бозорини таъминлашдир.

Бу ташкилотнинг 150 дан ортиқ махсус комитетлари мавжуд. Масалан, Ривожланишга кўмаклашув комитетига 21 давлат аъзо бўлиб, бунга Европа комиссияси ҳам киради. Унинг асосий вазифаси ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатишни умумлаштириш ва бошқаришдир. Бу комитет ёрдам самарасини кўтариш, ёрдам олаётган мамлакатларда ҳаётий иқтисодий тизимни яратиш ва уни жаҳон иқтисодиётига қўшилишига кўмаклашишни қўллаиди.

Бу халқаро иқтисодий ташкилотнинг автоном ва ярим автоном органлари ҳам мавжуд.

Кўп томонлама халқаро савдо-иқтисодий ташкилотлар фаолияти аҳамиятлидир. Бундай ташкилотлардан бири Умумжаҳон савдо ташкилотидир (УСТ). Бу 1947 – йилда тузилган тариф ва савдо бўйича генерал келишувининг вазифасидир. Бунга аъзо давлатлар ўратсидаги ўзаро ташқи савдо муносабатлари тамойиллари, ҳуқуқий норма ва қоидалари бўйича кўп томонлама келишув бўлиб, 23 давлат аъзолари қўл қўйган эди. У 40 йилдан ортиқ фаолият кўрсатиб, савдо масалалари бўйича марказий орган бўлган. Бу ташкилот ўз хусусияти бўйича такомиллашиб борадиган келишувнинг ҳуқуқий нормаларини ривожлантириб боровчи, ташқи иқтисодий алоқалар шароити ўзгариши бўйича ташкилий шакллари мослашиб бориш

қобилиятига эга эди. Бунинг асосий мақсади халқаро савдо муносабатларини эркинлаштириш ва ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашувдан иборат бўлган. Бунда божхона тўсиқларига барҳам бериш, халқаро савдода камситишга йўл қўймаслик, турмуш даражасини кўтариш, хомашёлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва савдо айрибошлашни ўсишини таъминлаш кабиларга эришиш асосий йўлланма ҳисобланган.

Бу ташкилот асосида 1995 – йилдан бошлаб УСТ фаолият кўрсата бошлайди. Унга 128 мамлакат аъзо бўлиб, яна 30 мамлакат кузатувчи сифатида аъзолик учун келишувлар ўтказмоқда. УСТнинг эса асосий вазифаси савдони янада эркинлаштириш ва савдо қоидаларининг янада такомиллашувини таъминлашдан иборат. Бунда ташқи савдо билан боғланган инвестиция бўлиб, унинг учун кўп томонлама қоида ишлаб чиқиш муҳим ўрин эгаллайди.

БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (ЮНКТАД) Генерал Ассамблея органи сифатида 1964 йилда тузилган. Унга 186 давлат аъзо. У Женевада жойлашган. Унинг асосий вазифалари халқаро савдони рағбатлантириш, айниқса ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги савдога эътибор бериш, халқаро иқтисодий муносабатлар ривожига тааллуқли масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш кабилардан иборат. Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ) тузилиши билан бунинг кераги борми ёки йўқми деган масала қўйилиб, уларнинг фаолият соҳалари аниқланган эди. Келишув бўйича ЮНКТАД ўз фаолиятини жаҳон иқтисодиёти ривожланишига қаратилган ҳамда умумий савдо-саноатий тамойилларни ишлаб чиқаришга қаратса, УСТ ўз диққатини соф савдо масалаларига қаратиши лозим топилди.

Халқаро божхоналар ташкилоти (ХБТ) 1952 – йилда ташкил топиб, божхона ҳамкорлиги кенгаши сифатида иш тутди. Унга 139 давлат аъзо бўлиб, унинг асосий вазифаси ягона божхона қоидаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилишдан иборатдир. Бу билан товарлар ва шахсларнинг божхона чегараларидан эркин ўтиши, божхоналарнинг эса назорат ва фискал вазифалари билан аниқ таъминланган бўлишлиги талаб этилади.

Халқаро савдо палатаси (ХСП) нодавлат халқаро иқтисодий ташкилотларидан бўлиб, 1919 – йилда ташкил топган ва Парижда жойлашган. Бу нодавлат Халқаро ташкилотлари ичида энг обрўлиларидан бўлиб, 6 минг хусусий компаниялар ва 1,5 минг миллий тадбиркорлар иттифоқини бирлаштиради. Булар 110

ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга тааллуқли. Тадбиркорликни қўллашда ва шаклланишида ҳиссаси катта бўлиб, улар учун савдо, инвестиция, очиқ бозорлар, капиталнинг эркин ҳаракатини таъминлашга тааллуқли вазифаларни бажаради.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро валюта-молиявий ва кредит ташкилотларининг ўрни ўсиб бормоқда. Булар, биринчидан, валюта-хисобот муносабатларининг бажарилишида зарурий тартиблаштириш ва маълум доимийликни таъминлаш, иккинчидан, мамлакатлар ўртасида валюта хисобот муносабатларини ўрнатишда форум вазифасини бажариши, учинчидан, жаҳон хўжалигининг муҳим муаммоларини ўрганиш, таҳлил этиш ва ривожланиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқишлардан иборатдир.

Бундай ташкилотларнинг энг етакчиларидан бири Халқаро валюта фонди (ХВФ)дир. У 1944 – йилда тузилиб, Вашингтонда жойлашган, 182 та мамлакат аъзо. 1997 – йилда ХВФнинг ресурси 28,8 млрд. долларни ташкил этган. Бу аъзо мамлакатлар бадали ҳисобига шаклланади. ХВФ томонидан кредит Фонд томонидан қарздор мамлакатлар миллий валюасига эркин алмашинувчи валюта (ЭАВ)ни сотиш ҳисобига бўлди. кредитли қоплашда эса унинг аксича, яъни миллий валютани ЭВА ҳисобига сотиб олиш амлага ошади. Кредит суммаси ЭАВнинг устав фонди кватаси билан белгиланади. Масалан, АҚШ квотаси – 18,2 %га, Россияники – 2,99%га тенг.

ХВФ ўз фаолиятида махсус иқтисодий сиёсатнинг амалга ошувини шарт деб белгилайди. Айтайлик, бюджет камомадини пасайтириш, кредит фоизини инфляция даражасидан юқорига кўтариш кабилар шарт сифатида қўлланилиши мумкин. ХВФ кредити хусусий капитал учун ўзига хос кўрсаткич вазифасини бажариши мумкин. Чунки кредит олинаётганда валюта захираларининг жамғарилишини мажбурият қилиб олинади. Бу эса хусусий кредитларнинг қарзини тўлай олишини таъминлайди.

Халқаро реконструкция ва ривожланиш банки (ХРРБ) ёки умумжаҳон банки ҳам Вашингтонда жойлашган бўлиб, унга 180 мамлакат аъзо бўлиб кирган. Устав капитали 142 млрд. долларни ташкил этади. Аъзо мамлакатлар ўзларининг устав капиталидан квоталарнинг 20 фоизини тўлайди, шундан 2 фоизи алмаштириладиган валюта ва 18 фоиз миллий валюта билан тўланади. Ҳар бир аъзо мамлакатнинг вазири бу банк Бошқарувчилар кенгашининг аъзоси ҳисобланади.

Халқаро ривожланиш ассоциациясига (ХРА) 160 давлат аъзо ва у ҳам Вашингтонда жойлашган. Мақсадлари бўйича УЖБга ўхшаб кетади. Фақат молиявий манбаалар ва кредитшартлари билан фарқланади.

Халқаро молия корпорацияси ҳам Вашингтонда жойлашган. Шу билан бирга бир неча мамлакатларда ўз бюрolari мавжуд. Бунга 174 давлат аъзо. Бу фақат бевосита корхоналарни молиялаштиради. Асосан ривожланаётган мамлакатларда фаолият кўрсатади. Давлатлар кафолатсиз иштутади. У дунёда хусусий капитал қўйиш лойиҳаларини тўғридан-тўғри молиялаштирувчи ташкилот ҳисобланади.

Инвестицияларни кафолатловчи кўп томонли агентлик (ИКА)КА ҳозир 134 давлат аъзо. Вашингтонда жойлашган. Бунинг мақсади чет инвестицияларни, айниқса ривожланаётган мамлакатларда, рағбатлантириш ва бир мамлакатда бошқа мамлакат инвестициясини, суғуртани ишга тушган холда кафолатлашдан иборат.

ИККА сиёсий ва маслаҳат хизматлари Департаменти орқали маслаҳат ва реклама хизматларини тавсия этади. Инфраструктурани ривожлантириш бўйича чет инвестициясини жалб этиш бўйича ўз хизматларини таклиф этади.

Шунингдек, Халқаро ҳисоблар банки (ХХБ), Европа реконструкциялаш ва ривожлантириш банки (ЕРРБ) кабилар мавжуд бўлиб, булар ҳам шу соҳадаги хизматларни уюштириш, айниқса хусусий банкларга ёрдам бериш, миллий банклар фаолиятини умумлаштириш ишларида аҳамиятлидир.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти тараққиёти халқаролик хусусиятини кукчайтириб, интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларини тезлаштирмоқда. Глобаллашув тушунчаси бутун жаҳон хўжалигига тааллуқли бўлиб, бу бир-бирига боғлиқлик ва қарамлик холда жисмоний бутунликнинг босқичма-босқич шаклланиши ва тузилма силжишларнинг жамғарилиб бориши жараёнидан иборат дейиш мумкин. Бунда айрим бўғимлар молиявий-иқтисодий, ишлаб чиқариш-техник, ахборот ва алоқалар воситасида олдинги босқичга нисбатан ҳар томонлама, кўп миқдорли ва чуқур холда боғланиб бориш юз беради. Бу ишлаб чиқаришнинг анча юқори даражадаги байналминаллашуви бўлиб, халқаро иқтисодий

муносабатлар миллий иқтисодиётлар таъсир этган тарзда дунё иқтисодий бирлигини мустаҳкамлаб боради.

Ҳозирги даврда бир қанча халқаро иқтисодий гуруҳлар юзага келган. Лекин уларнинг барчасини самарали фаолият кўрсатмоқда, деб бўлмайди. Шу билан бирга мустаҳкамланиб бораётган халқаро иқтисодий интеграциялашган бирлашмалар ҳам мавжуд.

Кейинги йилларда Осиё-Тинч океан минтақаси (ОТМ)нинг жаҳон иқтисодиётидаги ҳиссаси ортиб бормоқда. Унга жаҳон ЯИМнинг 60 фоизи тўғри келади. Ички минтақавий савдо ва инвестиция оқими устунлик билан ўсмоқда. Агар 70 – йилларда ОТМнинг географик мамлакатлари ташқи савдода Европага мўлжал қилса, 80-90 йилларга келиб ОТМ асос ҳисобланади ва минтақавий ўзаро иқтисодий алоқалар аҳамиятли бўлиб қолади. ОТМ мамлакатларининг жаҳон савдосидаги ҳиссаси 40 фоизгача кўтарилди. Бу мамлакатлар ривожланиш йўлига ўтиб, ислохатларни амалга оширмоқдалар. Давлатларни тартиблаштириш роллари ўзгармоқда, банк соҳасида, ташқи савдо эркинлиги, чет инвестиция оқими кабиларда ҳам кўп ўзгаришлар юз бермоқда. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мустақилликнинг мустаҳкамланиб бориши, миллий иқтисодиётларнинг тикланиши ва ривожлана бориши сари бундай интеграцияга муҳтожлик ортиб боради. Лекин МДХдан бошқа мамлакатларга экспорт қилиш қийинчиликларга дуч келиб боради. Бунда маҳсулотлар сифати, харажатлар даражасининг юқорилиги, халқаро савдодаги рақобатбардошликнинг кучлилиги бунинг асосий сабабидир. Ривожланишни таъминлаш билан бирга эски узилиб қолган иқтисодий алоқаларни тиклаш, МДХ мамлакатлари ўртасидаги савдони жонлантириш имкониятларидан фойдаланиш мумкин.

Иқтисодий глобаллашув ва интеграциянинг кучайиб бориши жаҳон иқтисодиёти ва жаҳон иқтисодий муносабатлари билан боғлиқ бўлган ҳамда жаҳон давлатлари, жамоатчилиги хал қилиши керак бўлган муаммолар кўпайиб бормоқда. Бундай ҳолат халқаро иқтисодий ташкилотларни юзага келтириб, фаолиятини кучайтирмоқда. Чунки бундай муаммоларни тезлик билан олдини олиш чораларини қўллаш талаб этилиб, аввало бунинг институционал тузумлари, доимий ҳаракатда бўлиш талаб этиладиган механизмларни яратиш айти мумкин. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг мақсади эса худди шулардан келиб чиқади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Бозор иқтисодиёти ривожининг халқаролик жараёнини кенгайтириш ва тезлаштириш моҳияти нимада?
2. Халқаро иқтисодий интеграция қандай босқичларни ўз ичига олади?
3. Интеграциялашув нима учун халқаро иқтисодий гуруҳлар шаклланишига олиб келади?
4. Қандай йирик халқаро иқтисодий гуруҳларни биласиз, уларга тавсиф беринг.
5. БМТ қандай ташкилот ва унинг халқаро иқтисодий глобаллашув ҳамда интеграциялашувга таъсири нималардан иборат?
6. Қандай халқаро иқтисодий ташкилотларни биласиз ва уларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
7. Молия, валюта, кредитлар бўйича қандай халқаро ташкилотлари мавжуд, уларни тавсифлаб беринг.
8. Халқаро глобаллашу ҳақида фикрингизни изоҳланг.
9. Халқаро глобаллашувнинг аҳамияти нималардан иборат?
10. МДҲ мамлакатлари иқтисодиёти ҳақида нималарни биласиз?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. “Ривожланган мамлакатларда бозор тажрибаси” фанининг предмети нима?

а) жахон бозори тажрибаси тахлили ва унинг урганишдан иборат булиб, бунда асосий диққат ривож топган мамлакатларга каратилади.

б) бозор иктисодиётига утиш ва унинг ривожланишига оид умумий масалаларнинг тахлили

в) энг йирик ва юкори даражада ривожланган хамда иктисодиётининг шаклланиши, ривожланиши хусусиятлари, белгиларини тахлил этиш.

г) юкоридаги жавобларнинг барчаси тугри.*

2. Бозор иктисодиётини шаклланишининг асосий шартлари кайси жавобда курсатилган?

а) куп мулкчилик, тадбиркорлик

б) кичик ва урта бизнес, миллий бозор моделлари

в) талаб, таклиф ва ракобат

г) А ва Б *

3. Бозор механизмининг амал килинишида кайси конунлар мухум урин тутади?

а) талаб, таклиф, нарх ва ракобат *

б) ракобат, монополия ва нафлилик

в) талаб, таклиф ва ракобат

г) рента, инвестиция, ва нарх сиёсати

4. Ривожланган мамлакатлар ичида буюк етиликларни ажратиб курсатинг?

а) АКШ, Австралия, Канада, Корея, Испания, Англия, Россия

б) АКШ, Канада, Германия, Япония, Франция, Англия, Италия *

в) АКШ, Канада, Япония, Франция, Англия, Германия, Россия

г) АКШ, Хитой, Япония, Россия, Германия, Испания, Канада

5. Ялпи ички махсулот (ЯИМ)нинг тугри таърифини белгиланг.

а) ижтимоий-иктисодий ривожланиш

б) бозор муносабатлари ривожи натижаси

- в) ишлаб чиқариш ҳажми унинг аҳоли жон бошига тугри келиши
- *
- г) ишлаб чиқариш ҳолатининг юкори даражада булиши

6. Бозор инфратузулмаси бу-....

а) бозор алоқаларини урнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишига хизмат курсатувчи муассасалар тизимидир.*

б) пул шаклидаги капиталнинг фоиз тулаш шарти қарзга бериш бўйича олди-сотди муносабатидир.

в) хужалик субъектлари уртасида молиявий воситаларнинг эркин ҳаракат қилишини таъминлайди.

г) ҳамма жавоблар тугри

7. Бозор инфратузулмаси таркибига қирувчи муассасаларни қуйидаги асосий йуналишларни курсатинг.

а) товар ва хизматлар муомиласига хизмат қилувчи муассасалар, молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи муассасалар

б) ижтимоий соҳага хизмат қилувчи муассасалар, ахборот хизмати идоралари

в) А ва Б *

г) тугри жавоб курсатилмаган

8. Давлат иқтисодиёти нечта қисмга бўлинади ва улар қандай фаолиятдан иборат?

а) ҳеч қандай қисмга бўлинмайди, давлат иқтисодиёти ягона фаолиятдан иборатдир

б) 2 қисмга бўлинади, 1- тижорат бизнес мазмунидаги фаолият. 2- ҳақиқий давлат мазмунидаги фаолият. *

в) 3 қисмга бўлинади, 1-маъмурий ҳуқуқий фаолият. 2- макроиқтисодий беқарорлик ва иқтисодиётнинг цикллиги фаолияти. 3-давлатнинг миллий иқтисодиётини тартибга солиш фаолияти.

г) Б ва В

9. Мулкчилик муносабатлари- бу....

а) мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ва ижтимоий ҳаётда қулланилиши.

б) мулк тақдирининг мустақил ҳал қилинишидир.

в) мулкка эгалик килиш, фойдаланиш, тассаруф этиш, узлаштириш жараёнлари . *

г) мулкнинг бир кисми давлат кулида булиб, у иктисодиётда фаол роль уйнайди

10. Хусусийлаштириш хакидаги кайси фикр нотугри курсатилган?

а) давлат мулкига эгалик хукукининг давлатдан хусусий шахсларга утишидир.

б) фуқороларнинг ва давлатга таалукли булмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат акциядорлик жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олинишидир.

в) давлат монополиясини битириш, унинг урнига мулк эркинлигини таъминлаш, давлат мулкни купчилик уртасида таркатган холда мулкдорларни купайтириш жараёнидир.

г) эгалик килиш, фойдаланиш ва давлат ихтиёрида булаган мулк объектларидир. *

11. Тадбиркорликнинг айни вақтдаги 4 омилини белгиланг. 1-иктисодий, 2-сиёсий, 3-рухий, 4-юридик, 5-ижтимоий, 6-маданий

а) 1, 2, 3, 4 *

б) 1, 3, 4, 5

в) 1, 3, 4, 6

г) тугри жавоб берилмаган

12. Тадбиркорлик бозорда кандай муносабатлар таъсири асосида харакат килади?

а) талаб ва таклиф таъсири асосида *

б) ёлланма бошқарувчилик шароити таъсирида

в) чеидан келтирилган сармоя таъсирида

г) ҳамма жавоблар тугри курсатилган

13. Хусусий тадбиркорлик кандай тармоқларда ривожланади?

а) оз хажмли капитал талаб этадиган, тез фойда келтирадиган тармоқларда *

б) куп хажмли капитал товарларни ишлаб чиқариш тармоқларида

в) хусусий тадбиркорлик ҳамма тармоқларда ривожланади

г) инновациялар туфайли янги товар ва хизматлар барпо этиш тармоқларида

14. Бизнес-режанинг тузилиш қисмларини тугри курсатинг.

а) корхананинг умумий маълумоти, молиявий режаси, бошқарув персанали

б) умумий маълумот, маркетинг режаси, ишлаб чиқариш режаси, ташкилий режа ва молиявий режа. *

в) умумий маълумот, лойиханинг қискача маълумоти, маркетинг режаси, ташкилий режа, молиявий режа

г) Б ва В

15. Тадбиркорликнинг муҳим хусусияти, узини узи бошқариш ва маҳаллий ҳокимият доирасида ҳам бошқарилишидир. Бу усул қандай иқтисодий термин билан аталади?

а) либерализм

б) капитализм

в) федерализм *

г) социализм

16. Ўзбекистон Республикасида “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва урта бизнесни рағбатлантириш чора тадбирларига” қаратилаган формони қачон қабул қилинган?

а) 1999 йил 9 май

б) 1997 йил 9 апрел

в) 1998 йил 9 апрел *

г) 1999 йил 19 апрели

17. Республика Координациялашган Кенгаши, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Дехкон ва фермер хужалиқлари ассоциацияларининг вазифаси нимадан иборат?

а) кичик ва урта бизнеснинг республика инфра тузулмасини ташкил этиш.

б) асосан кичик ва урта тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш

в) А ва Б*

г) фақат А

18. Кичик ва урта бизнеснинг муҳим хусусияти нима?

а) асосий истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш ва аҳолини улар билан таъминлаш ҳамда бойиш манбаига эга бўлишдир *

б) қисқа вақт ичида бозор иқтисодиётида катта салоҳиятга бўлиш

в) давлат монополиясини битириш, унинг урнига мулк эркинлигини таъминлаш, давлат мулкни қупчилик уртасида тарқатган ҳолда мулкдорларни қупайтириш

г) ҳамма жавоблар тугри

19. Ўзбекистоннинг миллий бозор моделларини курсатинг.

а) ижтимоий муҳофаза, умумий ҳамкорлик, иқтисодий сармоя

б) умумийлик, усусийлик, халқаро тажриба-ҳамкорлик *

в) умумийлик, хусусийлик, миллий хусусиятлар

г) А ва Б

20. Бозор иқтисодиётининг умумий қонунлари, жараёнлари, воқеаликлари миллий бозор моделининг қайси моделига тугри келади?

а) умумий *

б) хусусий

в) бозорга хос умумий бошқа қоидаларга

г) умумий ҳамқорли

21. Бозор иқтисодиётига утишдаги Ўзбекистонда мавжуд шароитлар, таббӣй, миллий, иқтисодий, географик ва маданий хусусиятлар қайси миллий бозор моделига тугри келади?

а) хусусий *

б) умумий

в) халқаро тажриба

г) бозор тараккиёти усуллари

22. Жаҳон бозор ҳуқуқий асослари, бозор тараккиёти усуллари, умумий ҳамқорлик, иқтисодий ёрдам хусусиятлари қайси миллий бозор моделларига тугри келади?

а) халқаро тажриба *

б) хусусийлик

в) умимийлик

г) ҳеч қайси моделларга тугри келмайди

23. Һдустрлаштириш – бу.....

- а) замонавий иктисодиётни бозор асосида барпо этиш тараккий этган ишлаб чиқаришни индустрия асосида қуриш
- б) миллий иктисодиёт, бозор иктисодиётининг моддий асосидир
- в) миллий иктисодиётнинг шаклланиши ва унинг барқарорлигини таъминлаш
- г) А ва Б *

23. Қандай муносабатлар бозор иктисодиётига утиш асосида амалга оширилиши шарт?

- а) барқарорлик, индустриалаштириш *
- б) бозор инфраструктурасини яратиш муносабатлари
- в) халқаро иктисодий муносабатларни шакллантириш
- г) тугри жаваб қурсатилмаган

24. Мамлакат майдони 9.7 млн км² ни ташкил этиб, майдони жихатдан дунёда туртинчи уринда туради?

- а) АКШ *
- б) Англия
- в) Япония
- г) Россия

25. Гарб иктисодчилари нима сабабдан, халқаро иктисодий-сиёсий тизим мавжудлигида Американи “халқ капитализми” деб аташган?

- а) акционер капиталининг ривожланиши ва компанияларнинг асосан акционерлик асосида булишидир. *
- б) АКШ бозор иктисодиётида демократик халқчилик хусусиятига эга булиб, бу акционерлик жамиятларининг кенг ривожидир.
- в) меҳнат унумдорлиги, иш жойи қиммати даражаси буйича дунёда энг етакчи уринлардан бирини эгаллагани учун.
- г) иктисодий ривожланишда бозор муносабатларининг урни катта булиб, бу соҳада АКШ жуда катта ва бош тажрибага эгадир.

26. АКШнинг “иккинчи иктисодиёти” деб нима аталган?

- а) халқаро савдо ва четга капитал чиқариш ҳажми
- б) ТМК фаолиятининг катта ҳажмлилиги
- в) ижтимоий техник салоҳиятининг юксаклиги
- г) ҳамма жавоблар тугри *

27. АКШ Президенти Франклин Рузвелт ислохати нима деб номланган ва унинг ососий тамойилини курсатинг.

а) “янги курс”, “бизнес ҳукуматдан юкори булиши мумкин эмас”

*

б) “капитал”, “бойликнинг манбаи - савдо”

в) “сиёсий иктисод”, “давлат иктисодиётга фаол аралишиши, савдони уз панохига олиши зарур”

г) А ва Б

28. Германияда “ижтимоий бозор хужалиги” концепциясининг асоси нима булиб ҳисобланади?

а) давлат бевосита хужалик жараёнларини тартибга солиш билан шугулланмайди

б) хусусий субъектларнинг эркин ракобат шароитларини белгилайди ва шароит чегарасини урнатади

в) давлат ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш ва бозор иктисодига маълум даражада ҳақоният киритиш

г) ҳамма жавоблар тугри *

29. Герман ҳукумати “ҳар киши учун товар” деган дастурида нимани асос қилиб белгилаб олди?

а) баҳо эркинлигини киритиш

б) арзон истеъмол товарларини ишлаб чиқариш *

в) мустақам валюта тизимини яратиш

г) А ва Б

30. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Германия бозор иктисодиётининг ривожланишида Л.Эрхарднинг қайси дастурининг аҳамияти катта булган?

а) “иктисодий раванк” *

б) “иктисодий антимонопол ва антикартел нормативлари”

в) “хужалик тамойиллари ва ижтимоий тартиб”

г) “қучли ижтимоий-иктисодий сиёсат”

31. Шрёдер ислохатининг мазмуни нимадан иборат?

а) Германия иктисодиётини давлатнинг урнини катта булиши, ракобат шароитларини торайтириб, унинг тулақонли тусқинлик қилиш ва давлатнинг аралашуви юкори даражада булиши.

б) давлатнинг иктисодиётга аралашувини имкони борича камайтириб, кичик ва урта бизнесни максимал куллаш сиёсатини олдинга сурди.

в) бозор муносабатларига тула йул очиш ва унинг механизмлари харакатига тула эркинлик бериш билан боглик.

г) Б ва В *

32. Франция хукуматининг иктисодий дастурларини тузишда ва амалга оширишда бошчилик килган ва фаол иштирок этган шахслар номини курсатинг.

а) Жюппе ва Жоспен *

б) Кольберт ва Франс

в) Ротшильд ва Шнейдер

г) хамма жавоблар тугри

33. Миллий автомобилсозлик саноатида етакчи хисобланган ва хусусий “Пежо-Ситроен”, “Рено” автомобилларини кайси давлат ишлаб чикаради?

а) Германия

б) Англия

в) Франция *

г) Япония

34. Францияда “демократик капитализм” тамойилининг асоси нимада ?

а) акция эгаларини купайтириш

б) хусусий акционерлик жамиятларини куллаб кувватлаш

в) мулкдорлик даражасини кутариш

г) хамма жавоблар тугри *

35. Франция бозор иктисодиёти чукур ижтимоийлаштирилган булиб, бунинг марказида давлат тургани учун уни нима деб аташади?

а) “фаровонли давлат” *

б) “рентабелли давлат”

в) “тежамкор давлат”

г) “каттик кул давлат”

36. Денгиз оркали жахоннинг барча китъа ва худудларига чикиш имконияти кайси давлат имкониятига эга?

- а) Япония
- б) Туркия
- в) Буюк Британия *
- г) АКШ

37. Англия пул бирлигини тугри курсатинг?

- а) фунт стерлинг *
- б) доллар
- в) лира
- г) франк

38. Англиянинг йирик иктисодий шерикларини белгиланг.

- а) АКШ, Германия, Франция, Нидерландия *
- б) АКШ, Франция, Испания, Австрия, Германия
- в) АКШ, Италия, Зеландия, Нидерландия
- г) хамма жавоблар тугри

39. Хакикий капитализм либерализми кайси давлат учун жуда хосдир?

- а) Нидерландия
- б) Германия
- в) Буюк Британия *
- г) Франция

40. Буюк Британия кандай иктисодиётга эга?

а) Буюк Британия иктисодиёти англо-саксония модели буйича ривожланиб, у катта имкониятларга эга.

б) Буюк Британия либерал иктисодиётга эга булиб, тадбиркорлик ва хусусий ташаббускорликка катта имкониятлар мавжуд.

в) Британия иктисодиёти юкори курсатгичларга эга булиб, юкори турмуш тарзини таъминлаш салохиятига эга

- г) хамма жавоблар тугри *

41. Буюк Британияда Лондондан ташкари кайси шаҳарлари хам молиявий марказ хисобланади?

- а) Манчестер, Кардифф, Ливерпул, Эдинбург *
- б) Манчестер, Ливирпул
- в) факат Эдинбург
- г) Франкфурт, Карфирд, Ливерпул, Эдинбург

42. Буюк Британия бош вазири булган Маргарит Тетчер ислохати кандай булган?

а) бозор механизмларини куллаш, ҳукумат харажатларини камайтириш

б) приватизация сиёсати, нотартиблаштириш сиёсатини кенгайтириш, солиқ ислохатларни амалга ошириш

в) давлатнинг тугридан тугри назоратини бекор қилиш

г) ҳамма жавоблар тугри *

43. Ривожланиши жихатдан АКШдан кейинги иккинчи уринни эгаллаши ва муъжиза номини олган давлатни курсатинг.

а) Англия

б) Германия

в) Япония *

г) Италия

44. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Япония кандай иқтисодий йулни танлади.

а) Харбий иқтисодий демократик капитализм билан урин алмаштирди ва милитаризация барпо этилди. *

б) давлат тартиблашувини минималлаштириш

в) бозор механизмлари носамарали соҳаларда селектив куллашни амалга ошириш, иқтисодда хусусий сектор ролини фаоллаштириш

г) Б ва В

45. Ишчиларнинг умр буйича ишга ёлланиши, махсус иш ҳаққи тизими, касабалар тармок буйича эмас, балки фирма буйича тузулиши қайси давлат меҳнат тизимига хос?

а) ҳеч қайси

б) Япония *

в) Хитой

г) Сингапур

46. Осиё “Аждахолари” каторига қайси давлатлар қиради?

а) Жанубий Корея, Сингапур, Тайванд, Гонгконг *

б) Корея, Сингапур, Хитой, Япония

в) Малайзия, Хитой, Корея, Япония

г) Таиланд, Хитой, Индонезия, Корея

47. Осиё “Йулбарслари” каторига кайси давлатлар киради?

- а) Малайзия, Таиланд, Индонезия, Филиппин *
- б) Таиланд, Гонгконг, Хитой, Корея
- в) Малайзия, Хитой, Корея, Япония
- г) Сингапур, Таиланд, Малайзия, Тайванд

48. Жанубий Кореяда 1999-2003 йиллар ичида таълим ва технология , илм сигимли саноат марказларини ташкил этишга канча маблаг сарф килган?

- а) 110 млн.долл *
- б) 100 млн.долл
- в) 112 млн.долл
- г) 120 млн. долл

49. Кайси давлат Жанубий Осиёда жойлашган булиб, Шаркий – Жанубий Осиё мамлакатларида денгиз йулида мухум рол уйнайди ва халкаро аэрапортга эга?

- а) Гонгконг
- б) Сингапур *
- в) Малайзия
- г) Жанубий Корея

50. Сингапур иктисодиёти нима учун “ бошқариладиган иктисодиёт ” номини олган?

- а) давлат аралашуви кучлирок ва ташки очиклик бошка мамлакатларигидака эмас
- б) иктисодиётни кучли бошқариш модели мавжуд
- в) импортни урнини босувчи сиёсат кучли ва бу катъийлик билан таъминланади
- г) хамма жавоблар тугри

51. Германияда “ижтимоий бозор хужалиги” концепциясининг асоси нима булиб хисобланади?

- а) давлат бевосита хужалик жараёнларини тартибга солиш билан шугуланмайди
- б) хусусий субъектларнинг эркин ракобат шароитларини белгилайди ва шароит чегарасини урнатади

в) давлат ижтимоий химоя тизимини ривожлантириш ва бозор иктисодига маълум даражада ҳақоният киритиш
г) ҳамма жавоблар тугри *

52. Герман ҳукумати “ҳар киши учун товар” деган дастурида нимани асос қилиб белгилаб олди?

- а) баҳо эркинлигини киритиш
- б) арзон истеъмол товарларини ишлаб чиқариш *
- в) мустаҳкам валюта тизимини яратиш
- г) А ва Б

53. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Германия бозор иктисодиётининг ривожланишида Л.Эрхарднинг қайси дастурининг ахамияти катта бўлган?

- а) “иктисодий раванк” *
- б) “иктисодий антимонопол ва антикартел нормативлари”
- в) “ҳужалик тамойиллари ва ижтимоий тартиб”
- г) “қучли ижтимоий-иктисодий сиёсат”

54. Шрёдер ислохатининг мазмуни нимадан иборат?

а) Германия иктисодиётида давлатнинг урнини катта бўлиши, рақобат шароитларини торайтириб, унинг тулақонли тускинлик қилиш ва давлатнинг аралашуви юқори даражада бўлиши.

б) давлатнинг иктисодиётга аралашувини имкони борича қамайтириб, қичик ва урта бизнесни максимал қуллаш сиёсатини олдинга сурди.

в) бозор муносабатларига тула йул очиш ва унинг механизмлари ҳаракатига тула эркинлик бериш билан боғлиқ.

- г) Б ва В *

55. Франция ҳукуматининг иктисодий дастурларини тузишда ва амалга оширишда бошчилик қилган ва фаол иштирок этган шахслар номини қурсатинг.

- а) Жюппе ва Жоспен *
- б) Кольберт ва Франс
- в) Ротшильд ва Шнейдер
- г) ҳамма жавоблар тугри

56. Миллий автомобилсозлик саноатида етакчи хисобланган ва хусусий “Пежо-Ситроен”, “Рено” автомобилларини кайси давлат ишлаб чиқаради?

- а) Германия
- б) Англия
- в) Франция *
- г) Япония

57. Францияда “демократик капитализм” тамойилининг асоси нимада ?

- а) акция эгаларини қупайтириш
- б) хусусий акционерлик жамиятларини қуллаб қувватлаш
- в) мулкдорлик даражасини қутариш
- г) ҳамма жавоблар тугри *

ГЛОССАРИЙ

Турмуш сифати - касал бўлишлик, шахсий хавфсизлик, табиий мухит, ишсизлик, турли хил товарлар ва хизматларни истеъмол этиш даражалари билан белгиланиб, энг муҳими умр узоклигидир

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) - ишлаб чиқариш хажми унинг аҳоли жон бошига тўғри келиши ҳамда ЯИМнинг тармоқлар бўйича тузуми, турмуш даражаси ва сифати билан ўлчанади.

Юқори даражали кўрсаткичга эга 24 мамлакат- ажратилган бўлиб, уларнинг аҳоли сони 13,5 %га тенг бўлган холда умумий ялпи маҳсулотда 80%га тенг бўлган.

Паст даражали мамлакатлар - сони 45 та бўлиб, аҳолининг миқдори 55 %га тенг бўлган холда умумий ЯИМнинг 5%инигина ташкил этган. Жон бошига олганда ЯИМ 324 доллар бўлиб, юқори даражали мамлакатларга нисбатан 71 марта пастдир. Истеъмол хажмини таққосласак, бу кўрсаткич бўйича тафовут 60 баробарга тўғри келади.

Ўрта даражадагиларга нисбатан - ҳам аҳоли жон бошига ЯИМ 11 баробар ва истеъмол хажми бўйича эса 10 баробар юқоридир.

Бозор - цивилизацияли тараққиёт маҳсули бўлиб, у инсон иқтисодий фаолиятининг юқори чўққисидир

Бозор иқтисодиёти эркин ҳаракатдаги, ўзини-ўзи бошқарувчи ва тартибга солувчи ички қудратга эга. Бу қудрат – куч бозор муносабатлари, бозор механизмларидир.

Талаб бозордаги энг муҳим ходиса бўлиб, у инсон шахсий манфаатидан келиб чиқади ва шунга хос иқтисодийликни ўзида акс этади. Талаб инсонга бевоситалик, унинг манфаатини бозорда ифодалаш туфайли бозор иқтисодиётининг туб мазмунига асосий таъсир кўрсатади ва унинг ҳаракат йўналишини белгилаб беради

Таклиф механизми ишлаб чиқариш томони, унинг бозорда ифодаланишидир. Бунинг аҳамияти нуқтаи назаридан талабдан кейинги муҳим механизмлардир. Айирбошлаш, сотиш учун ишлаб чиқарилган товарлар таклифни шакллантиради.

Рақобат кураши кенг мазмунли, кўп қиррали бўлиб, бозор иқтисодиётининг барча даврлари, соҳалари, тармоқларида юз беради

Бозорни либераллаштириш – бу баҳолар эркинлигига ўтиш билан бирга, рақибларни бозорда кўпайтириш чораларини қўллаш, кичик бизнесни кучайтириш, чет товарларни кўпроқ келтириш шароитларини кенгайтириш кабилар бозорни ўзидан-ўзи приватизациясиз нодавлатлаштириб, кенгайтиради ва талабни қондириш даражасини кўтаради.

Акционерли давлат – шахсий корхоналарини яратиш, уларнинг фаолият соҳасини кенгайтириш. Бунда давлатнинг акцияли капиталдаги ҳиссасини пасайтириб боришга қаратилган солиқ, кредит каби механизмлар мавжуд.

Давлат иқтисодиётига хос нобозор муҳитни кетма-кет йўқ қилувчи нодавлатлаштириш усуллари. Булар бюджет ҳисобига корхоналарнинг ишини яхшилаш, давлат буюртмасини қисқартириш, кредит қарзлардан воз кечмаслик, хусусий инвестиция шароитларини давлат корхоналарига тадбиқ этишлардан иборатдир. Бу бозор муносабатларига йўл очади.

Хусусийлаштиришни амалга ошириш. Агар хусусийлаштириш кенг қўлланилса айрим шахслар, сотиладиган корхоналар, банк, янги акционер жамиятлар, чет фирмаларнинг жамoa аъзолари мулкдорлар қаторига қўшилиб борадилар.

Тадбиркорлик доимо маълум мазмунда ташкил топиб, аниқ шаклларда ифодаланади. У хўжалик юритиш усули сифатида бир қанча умумий белгиларга эга. Буларга асосан хўжалик субъектларининг мустақиллиги ва суверенлиги, иқтисодий манфаатдорлик, доимий хўжалик хатарлилиги ва жавобгарликларни киритиш мумкин

“Шредер дастури”- Германиядаги иқтисодий ислохотлар , бундаги асосий йўналишлар шу дастурда ўз ўрнини олган. Шредер дастуридаги асосий урғу туб мазмуни билан бозор иқтисодиёти томон бўлган ҳаракат бозор муносабатларига тўла йўл очиш ва унинг механизмлари ҳаракатига тўла эркинлик бериш билан боғлиқдир.

Жюппе ва Жоспен ислоҳатлари - Жюппе ислоҳатларининг асосий йўналиши ижтимоий кафолатликни пасайтиришга қаратилган ва бу билан боғланган давлат харажатларини камайтириш, бюджет хажмини қисқартиришга қаратилган. Албатта бу юзаки қараганда халқ манфаатига қарши мазмунга эга ижтимоий ҳимояни сусайтирадиган йўналишга ўхшайди. Лекин ижтимоий ҳимоя даражасини сақлаб бозорнинг ижтимоийлик йўналиши таъминланган ҳолда бу ислоҳатларда кўзда тутилган вазифани бажариш талаб этилар эди.

Бунинг учун ислоҳатда солиқ тизимини ўзгартириш, кенг хажмли хусусийлаштириш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириш кабиларни амалга ошириш кўзланган. Шу билан бирга бевосита ишсизликни камайтириш чораларини қўллаш режалаштирилган.

“Тетчеризм”- Бу Буюк Британия Премер министри бўлган Маргарит Тетчер номига айтилган иборадир. Бунинг асосий мазмуни бозор иқтисодиётини янада кенгроқ ва чуқурроқ либераллаштирувчи тадбирларни амалга оширишдан иборат бўлган. “Тетчеризм” ислоҳоти бозор механизмларини қўллаш, ҳукумат харажатларини камайтириш ва мониторинг сиёсатларидан иборатдир.

Бозор иқтисодининг англо-саксония модели - кўпроқ АҚШ бозор моделига яқинроқдир. Бу моделдаги энг асосий тафовут немисча ва французча ижтимоий бозор хўжалигидан фарқли ўлароқ давлатнинг кам фаолли роли ва хусусий тадбиркорликка тўла эркинлик беришдан иборатдир.

Япон “мўжиза”си- Япониянинг нисбатан қисқа вақт ичида қолоқликдан чиқиб, катта ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлига ўтиб, дунёда етакчи мамлакатларга айланиши, иқтисодий ривож даражасининг жуда юқори бўлишлиги, буюк иқтисодий салоҳиятга эга бўлиб, дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллаши “мўжиза” номини олган.

Ғарбий Европа мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий модели бўйича ўзига хос хусусиятларга эга. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

1. Хўжалик механизмида юқори қатлам ҳисобланган давлатнинг тартибга солиш даражаси бўйича ЕИ хатто АҚШ ва Япониядан устун

туради. Биринчидан, бу АҚШ ва Япония ТМҚларининг ўз соҳаларида Ғарбий Европаникига қараганда устунлигини босиш билан боғланган. Иккинчидан, давлатнинг иқтисодий ролини кучлилиги ижтимоий функциялари юқорилиги билан белгиланади.

2.Ғарбий Европада ҳозирги даврда ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг ижтимоий йўналиши дунёда энг юқори ҳисобланади. Давлат энг кўп ижтимоий вазифаларни юқори интенсив тарзда бажаради. Шунинг учун ҳам Ғарбий Европа капитализми “ижтимоий бозор хўжалиги” белгисига жуда тўғри келади.

3.АҚШ ва Япониянинг ижтимоий-иқтисодий тизими ичида индивидуализм тамойили ва ижтимоий ҳаётнинг асосий қондасига айланган бўлса ва ҳамкорликдан устунлик қилса, Ғарбий Европада индивидуализм етакчилигида ҳамкорлик билан нисбий баланс юзага келган.

4.Ғарбий Европа мамлакатларида жаҳон хўжалигига очиқлик ва хўжалик ҳаётининг байналминаллиги юқори даражадалиги мавжуд.

“Маршалл режаси”- Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги 1945-1957 йиллар ичида Европада хўжаликни тиклаш даври бошланган бўлиб, Натижада АҚШга қарам бўлиб, доллар ҳукмронлиги таъминланган эди. “Маршалл режаси” деб аталмиш тадбир остида катта хажмли ёрдам амалга оширилди. Бу режа бўйича 12,3 млрд. доллар АҚШ томонидан ажратилиб, ўз даврида жуда катта хажмдаги маблағ эди. Асосан бу ёрдамни Буюк Британия, Германия, Франция мамлакатлари олади. Л. Эрхард ислоҳати амалга оширилади.

АСЕАН 1967 – йилда ташкил топиб, унга аввало Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин давлатлари кирган. Кейинчалик Мьянма, Бруней, Лаос, Вьетнам ва Камбоджа қўшилади. Бу мамлакатлар саноат ва қишлоқ хўжалиги, илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиб, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни мақсад қилиб қўйганлар.

АТЭС 1989 – йилда ташкил топган бўлиб, мамлакатлараро йиғилиш ҳисобланади. Бунга аввало 18 та мамлакат қўшилган: Австралия, Бруней, Гонконг, Канада, Хитой, Кирибати, Малайзия, Маршаин ороллари, Мексика, Янги Зеландия, Папуа-Янги Гвинея, Жанубий Корея, Сингапур, АҚШ, Таиланд, Тайван, Филиппин, Чили бўлиб, сўнгра яна уч мамлакат қўшилган, булар: Вьетнам, Перу ва

Россия. Кўришиб турибдики, буж уда йирик ташкилот бўлиб, Осиё, Америка қитъалари ҳамда Полинезия мамлакатларини бирлаштиради. АТЭС маслаҳат қавмида бўлса ҳам, амалда унинг ишчи органлари савдо, инвестиция, молия фаолиятларининг минтақа қоидаларини ишлаб чиқади.

Халқаро божхоналар ташкилоти (ХБТ) 1952 – йилда ташкил топиб, божхона ҳамкорлиги кенгаши сифатида иш тутади. Унга 139 давлат аъзо бўлиб, унинг асосий вазифаси ягона божхона қоидаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилишдан иборатдир. Бу билан товарлар ва шахсларнинг божхона чегараларидан эркин ўтиши, божхоналарнинг эса назорат ва фискал вазифалари билан аниқ таъминланган бўлишлиги талаб этилади.

Халқаро валюта фонди (ХВФ)- 1944 – йилда тузилиб, Вашингтонда жойлашган, 182 та мамлакат аъзо. 1997 – йилда ХВФнинг ресурси 28,8 млрд. долларни ташкил этган. Бу аъзо мамлакатлар бадали ҳисобига шаклланади. ХВФ томонидан кредит Фонд томонидан қарздор мамлакатлар миллий валютасига эркин алмашинувчи валюта (ЭАВ)ни сотиш ҳисобига бўлди. кредитли қоплашда эса унинг аксича, яъни миллий валютани ЭВА ҳисобига сотиб олиш амлага ошади.

Халқаро реконструкция ва ривожланиш банки (ХРРБ) ёки умумжаҳон банки ҳам Вашингтонда жойлашган бўлиб, унга 180 мамлакат аъзо бўлиб кирган. Устав капитали 142 млрд. долларни ташкил этади. Аъзо мамлакатлар ўзларининг устав капиталидан квоталарнинг 20 фоизини тўлайди, шундан 2 фоизи алмаштириладиган валюта ва 18 фоиз миллий валюта билан тўланади. Ҳар бир аъзо мамлакатнинг вазири бу банк Бошқарувчилар кенгашининг аъзоси ҳисобланади.

Халқаро ривожланиш ассоциациясига (ХРА) 160 давлат аъзо ва у ҳам Вашингтонда жойлашган. Мақсадлари бўйича УЖБга ўхшаб кетади. Фақат молиявий манбаалар ва кредитшартлари билан фарқланади.

НАФТА – Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси қитъа даражасидаги йирик иқтисодий гуруҳ бўлиб, АҚШ, Канада ва

Мексика етакчи компаниялари молиявий, илмий-техник ва тадбиркорлик салоҳиятларининг бирлаштиришни кўзлаган ҳолда рақобатбардошликни кучайтиришни мақсад қилинган. Аста-секинлик барча савдо ва инвестиция тўсиқларини олиб ташлаш ва ягона савдо майдонини шакллантириш кўзда тутилган.

МДХ – Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги собиқ СССР ҳудудида янги пайдо бўлган ўзига хос хусусиятларга эга бирлашмадир. Асосий мақсад бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ҳал қилишдан иборат.

Кооперация алоқалари- турли соҳа ишлаб чиқариш тармоқларида маълум маҳсулотни тайёрлаш бўйича узок муддатли алоқаларни ўрнатиш.

Солиқ юкини енгиллаштиришга фоиз ставкаларини камайтириш ва имтиёзлар яратиш.

Янги молиявий “кўпиклар”- реал қийматга эга бўлмаган пул ҳажмининг кўпайиши.

“Катта йигирмалик”-20 та йирик мамлакатлар гуруҳи бўлиб, унга жаҳондаги энг бой мамлакатлар ва йирик ривожланаётган давлатлар киради ва улар жаҳон ЯИМ 90 фоиз улушини ташкил этади.

ИНФОРМАЦИОН УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.

1. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни. -Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. № 3 - Т.: Адолат, 2004. – 7-9 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида” 26.04.96 й. N 221-І.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

3. “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” : Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги ПФ-4191-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – 9 сон – 2010- 9 март.

4. “Баркамол авлод йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида: ЎзР Президентининг Фармойиши. 2009 йил 9 декабрь //Халқ сўзи. -2009. - № 238. – мо декабрь. – 1 б.

5. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 26.01.2009 й. N ПҚ-1046

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони// Халқ сўзи, 2005 , 15 июн.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида” Фармони// Халқ сўзи, 2005,15 июн.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий - меъёрий ҳужжатлари

8. О мерах по дальнейшему развитию и модернизации предприятий текстильной промышленности и расширению производства отечественных непродовольственных потребительских товаров на 2009-2011 годы: Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 августа 2009 года № 236 //Собрание законодательства Республики Узбекистан – 2009. - № 34. – 372.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби” тўғрисида Қарори//Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 54 – сон, 1999 декабр. – Т.:Ўзбекистон. Адлия вазирлиги., 2000.-15-20 б. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ. 1999 йил 5 февраль. – Т.:Ўзбекистон, 1999.- 92 б.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

10. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқамиз қаровонлигини оширишга хизмат қилади. / Каримов И.А. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

11. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир /И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 68-73 бет.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада

юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 93-97 бет.

13. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.

14. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/-Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.

15. И.А.Каримов. “2008 йилда республикани ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза” “Халқ сўзи”, 2009 й.14 феврал, № 33-34 (4696-4697)

16. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз –жамиyatни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 136 б.

17. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Халқ сўзи, 2006 йил 25 феврал.

18. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил 11 феврал.

V. Дарсликлар

19. Булатова А.С. Страны и регионы мира: экономико-политический справочник.. – М.: Проспект, 2010. – 704 стр.

20. Волгина Н.А. Международная экономика: Учебник – М.: Эксмо, 2010. – 480 стр.

21. Никитин А.К., Кабулова О.З. Модель взаимодействия России и Германии по преодолению глобального финансового кризиса.Учебник. – М.: Книжный дом ЛИБРОКОМ, 2010. – 104 стр.

22. Киндлбергер Ч., Алибер Р. Мировые финансовые кризисы. Мании, паники и крахи. . Учебник. – СПб.: Питер, 2010. – 544 стр.

23. Зуев В.Н.Глобальное экономическое регулирование: Учебник. – М.: Магистр, 2009. – 574 стр.

24. Сутырин С.Ф. ВТО: механизм взаимодействия национальных экономик. Угрозы и возможности в условиях выхода на международный рынок. Учебник. – М.: Эксмо, 2008. – 400 стр.

25. Рэнди Эппинг Путеводитель по мировой экономике. Учебник. – М.:, 2009. – 240 стр.

VI. Ўқув қўлланмалар

26. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 341 бет.

27. И.Малюк, А.М.Немчин. Производственный менеджмент.: Учебное пособие. - СПб. Питер, 2008.- 288 стр.

28. Чаусова Н.Ю., Калугина О.А. Менеджмент: Учебное пособие.– М.: КНОРУС, 2010. – 496 стр.

29. Ходиев Б.Ю. ва бошқ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 267 б.

30. Ахмин М.М., Гасюк Д.П. Основы управления качеством продукции. Учебное пособие. СПб.: Издательство «Союз», 2008. – 256 стр.

31. Гладков И.С. Мировая экономика и Международные экономические отношения: Учебное пособие. – М.: БИНОМ. 2009. – 341 стр.

32. Никитин В.А. Управление качеством на базе стандарта ИСО 9000-2000. – СПб.: Питер, 2008. – 315 стр.

33. Бергер Я.М. Экономическая стратегия Китая. – М.: ИД ФОРУМ, 2009. – 560 стр.

VII. Статистика тўпламлари маълумотлари

34. Инвестиции республики Узбекистан 2009. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2009. – 148 стр.

35. Промышленность республики Узбекистан 2009. Статистический сборник. - Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2007. – 156 стр.

36. Сельское хозяйство Узбекистана 2009. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2009. – 160 стр.

VIII. Интернет сайтлари

37. “Norma” 2009.
38. “Pravo” 2009.
39. www.edu.ru
40. www.labourmarket.ru
41. www.gov.uz
42. www1.parliament.gov.uz
43. www.tsue.uz
44. www.nalog.ru.
45. www.mf.uz

IX. Виртуал кутубхона электрон дарсликлари ва ўқув қўлланмалари

46. Назарова Г.Г., Мухамеджанова Г.А., Бабаджанов Б.Р. Экономика зарубежных стран. 1.5 Мб. (маъруза матни)
47. Назарова Г.Г., Мухамеджанова Г.А. Хайдаров Н.Х., Умарова З. Мировая экономика. 4 Мб. (маъруза матни)
48. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Международные экономические отношения. 12 Мб. (маъруза матни)
49. Назарова Г.Г., Хакимов Н.З., Бабаджанов Б.Р. Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ. 4МБ. (маъруза матни)

МУНДАРИЖА

Кириш		3
1-боб.	“Ривожланган мамлакатлар бозор тажрибаси” ва уни ўрганишнинг аҳамияти	5
1.1.	Ривожланган мамлакатларнинг бозор тажрибасини ўрганиш зарурияти.....	5
1.2.	Ривожланган мамлакатлар бозор тажрибасининг магистрлар фаолиятидаги аҳамияти.....	10
1.3.	Ривожланган мамлакатлар тушунчаси.....	13
1.4.	Ривожланган мамлакатлар белгилари.....	16
1.5.	“Ривожланган мамлакатлар бозор тажрибаси” фани предмети ва усуллари.....	25
Такрорлаш учун саволлар.....		28
2-боб.	Бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий шартлари	29
2.1.	Бозор иқтисодиётининг асосий моҳияти.....	29
2.2.	Бозор иқтисодиётининг етакчи механизмлари.....	33
2.3.	Бозор инфратузилмаси.....	42
2.4.	Давлат фаолияти ва бозор иқтисодиёти мувозанати.	44
2.5.	Мулк шакллариининг бозорга таъсири.....	47
2.6.	Давлат мулкани хусусийлаштириш.....	57
Такрорлаш учун саволлар.....		64
3-боб.	Бозор иқтисодида тадбиркорликнинг ўрни	65
3.1.	Тадбиркорлик моҳияти.....	65
3.2.	Тадбиркорлик шароитлари.....	75
3.3.	Тадбиркор тушунчаси.....	81
3.4.	Тадбиркор ва менежмент.....	88
3.5.	Майда тадбиркорнинг иқтисодиётдаги ўрни.....	97
3.6.	Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шароитлари.....	106
Такрорлаш учун саволлар.....		109
4-боб.	Бозор иқтисодиётининг миллий моделлари.	111
4.1.	Миллий модел моҳияти.....	111
4.2.	Иқтисодиётнинг барқарорлашуви зарурияти.....	117
4.3.	Индустриллаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш....	120
Такрорлаш учун саволлар.....		124
5-боб.	АҚШнинг бозор иқтисодиёти тажрибаси.	125
5.1.	АҚШнинг жаҳон бозор иқтисодиётидаги етакчи	125

	ўрни ва буни белгилловчи асосий кўрсаткичлар.....	
5.2.	Миллий хўжаликда номоддий ишлаб чиқариш устуворлиги.....	131
5.3.	XX – аср биринчи яримида бозор иқтисоди ривожини.....	133
5.4.	Федерал иқтисодиётни бошқарув хусусиятлари.....	145
5.5.	Демократик халқчанлик иқтисодиётининг хусусиятлари.....	149
Такрорлаш учун саволлар.....		153
6-боб.	Германияда бозор иқтисодиёти тажрибаси.	154
6.1.	Германия иқтисодиёти салоҳияти.....	154
6.2.	Ижтимоий бозор хўжалиги модели.....	160
6.3.	Л. Эрхарднинг “Иқтисодий раванг” дастури.....	162
6.4.	Ғарбий ва Шарқий Германиянинг қўшилиши билан боғлиқ иқтисодий муаммоларнинг хал қилиниши...	167
6.5.	Ҳозирги давр Германия иқтисодиёти ўсишининг муаммолари ва Шрёдер дастури.....	169
Такрорлаш учун саволлар.....		179
7-боб.	Францияда ижтимоийлаштирилган бозор иқтисодиёти.	180
7.1.	Франциянинг иқтисодий хусусиятлари.....	180
7.2.	Иқтисодиётда давлат ўрни.....	186
7.3.	Ижтимоийлаштирилган бозор иқтисодиёти.....	191
7.4.	Жюппе ва Жоспен ислохатлари.....	194
Такрорлаш учун саволлар.....		196
8-боб.	Буюк Британия либерал бозор иқтисодиёти ривожини.	198
8.1.	Буюк Британия тўғрисида умумий маълумот.....	198
8.2.	Буюк Британия тўнғич индустриал мамлакат.....	200
8.3.	Қишлоқ хўжалиги ривожини.....	202
8.4.	Либерал бозор иқтисоди ривожини.....	203
8.5.	Иқтисодий тузилма рационалиги.....	206
8.6.	Турмуш сифати юқорилиги.....	215
8.7.	Бозор иқтисодининг англо-саксония модели.....	217
Такрорлаш учун саволлар.....		220
9-боб.	Япония бозор иқтисодиёти тажрибаси.	221
9.1.	Япониянинг жаҳон иқтисодиётидаги мавқеи.....	221
9.2.	Иқтисодий “мўжизада” миллий хусусийлик аҳамияти.....	226

9.3.	Демократик капитализм модели.....	228
9.4.	Японча ишлаб чиқаришнинг бошқарилиши хусусиятлари.....	233
9.5.	Илмий-техник прогресс ва иқтисодий тараққиёт.....	237
Такрорлаш учун саволлар.....		241
10-боб.	Жанубий-Шарқий Осиёдаги янги индустриал мамлакатларда бозор тажрибаси.	242
10.1.	Осиё “Аждаҳолари” ва “Йўлбарслари”..	242
10.2.	Жанубий Кореяда бозор иқтисодиёти ривожини.....	247
10.3.	Сингапурда бозор иқтисодиёти хусусиятлари.....	250
10.4.	Тайван ва Гонконг бозор ривожини тажрибаси.....	251
10.5.	“Йўлбарслар”да бозор муносабатларининг иқтисодий ривожга таъсири.....	256
Такрорлаш учун саволлар.....		260
11-боб.	Хитойда бозор муносабатлари ислохотлари тажрибаси.	261
11.1.	Хитой иқтисодиёти тўғрисида умумий маълумотлар.....	261
11.2.	Бозор муносабатларига қаратилган ислохотлар.	267
11.3.	Иқтисодий ўсиш ва экстенсивлик.....	271
11.4.	Инвестиция хусусиятлари.....	274
11.5.	Ички ва ташқи бозор.....	277
Такрорлаш учун саволлар.....		280
12-боб.	Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибаси.	282
12.1.	Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари иқтисодиёти.....	282
12.2.	Ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий томонлари.....	286
12.3.	Давлат мулкни хусусийлаштириш.....	290
12.4.	Иқтисодиётдаги тузумий ўзгаришлар.....	294
12.5.	Ташқи иқтисодий алоқалар.....	297
Такрорлаш учун саволлар.....		300
13-боб.	Европа Иттифоқи бозор иқтисодиёти хусусиятлари.	302
13.1.	Ғарбий Европа мамлакатларининг ривожланган иқтисодиёти.....	302

13.2.	Европа Иттифиқигача бўлган бозор иқтисодиёти ривожидаврлари.....	307
13.3.	Европа Иттифоқи тузилиши сабаблари ва таркиби...	310
13.4.	Интеграциялашув жараёни босқичлари.....	313
13.5.	Евро пулининг киритилиши ва унинг ижобий томонлари.....	316
Такрорлаш учун саволлар.....		320
14-боб.	Халқаро ташкилотлар ва бирлашмаларнинг бозор иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни.	321
14.1.	Халқаро иқтисодий интеграция.....	321
14.2.	Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси (НАФТА).....	326
14.3.	Осиё Тинч океани бўйи давлатлари ҳамкорлиги (АТЭС) АСЕАН.....	329
14.4.	Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги.....	331
14.5.	Умумжаҳон иқтисодий ташкилотлар.....	333
Такрорлаш учун саволлар.....		340
	Тест саволлари.....	341
	Глоссарий.....	354
	Информацион услубий таъминот.....	360

СОДЕРЖАНИЕ

Введение.....		3
1-глава	Значение изучение предмета «Рыночная практика развитых стран»	5
1.1.	Необходимость изучение рыночной практики развитых стран	5
1.2.	Значение в деятельности магистров изучения предмета рыночной практики развитых стран	10
1.3.	Понятие «развитых стран»	13
1.4.	Признаки развитых стран.....	16

1.5.	Предмет и методы науки «Опыт рынка развитых стран».....	25
Вопросы для повторения.....		28
2- глава.	Основные условия формирования рыночной экономики	29
2.1.	Сущность рыночной экономики.....	29
2.2.	Ведущие механизмы рыночной экономики.....	33
2.3.	Рыночная инфраструктура	42
2.4.	Деятельность государства в стабилизации экономики	44
2.5.	Влияние форм собственности предприятия на рынок	47
2.6.	Приватизация государственного имущества	57
Вопросы для повторения.....		64
3- глава.	Места предпринимательства рыночной экономике	65
3.1.	Сущность предпринимательства.....	65
3.2.	Условия развития предпринимательства.....	75
3.3.	Понятие предпринимателя.....	81
3.4.	Предприниматель и менеджмент.....	88
3.5.	Место в экономике в свободном предпринимателя ...	97
3.6.	Условия развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане	106
Вопросы для повторения.....		109
4- глава.	Национальные модели рыночной экономики	111
4.1.	Сущность национальной модели.....	111
4.2.	Необходимость стабилизации экономики.....	117
4.3.	Индустриализация и переход к рыночной экономике..	120
Вопросы для повторения.....		124
5- глава.	Опыт рынка США.	125
5.1.	Основные показатели и ведущее место США в мировой экономике.....	125
5.2.	Приоритеты нематериального воспроизводства национальном хозяйстве	131
5.3.	Основные периоды развития рыночной экономики в первой половине XX –века	133

5.4.	Особенности Федерального управления экономикой	145
5.5.	Особенности Демократического развития экономики	149
Вопросы для повторения.....		153
6- глава.	Опыт развития рынка в Германии.	154
6.1.	Потенциал экономики Германии	154
6.2.	Модел хозяйства социального рынка	160
6.3.	Программа Л. Эрхарда “Экономического развития” ...	162
6.4.	Разрешение экономических проблем в связи с объединением Западной и Восточной Германии	167
6.5.	Соаремненные проблемы развития экономике Германии и программа Шредора	169
Вопросы для повторения.....		179
7- глава.	Социально - ориентированная рыночная экономика во Франции.	180
7.1.	Особенности экономики Франции	180
7.2.	Место в государства экономике	186
7.3.	Социально ориентированная рыночная экономика....	191
7.4.	Реформы Жюппе и Жоспен.....	194
Вопросы для повторения.....		196
8- глава.	Развитие либеральной Великобритании.	198
8.1.	Общая информация о Великобритании	198
8.2.	Великобритания ведущая индустриальная страна	200
8.3.	Развитие сельского хозяйства.....	202
8.4.	Развитие либеральное экономики	203
8.5.	Рациональное структура экономики	206
8.6.	Высокий уровень качества жизни	215
8.7.	Англо-саксонская модель развития экономики	217
Вопросы для повторения.....		220
9- глава.	Опыт рыночной экономики Японии.	221
9.1.	Места Японии в мировой экономике	221
9.2.	Значение национальная особенность в «экономического чуда».....	226
9.3.	Модель Демократического капитализма	228
9.4.	Особенности управления производством в Японии....	233

9.5.	Экономическое развитие и научно – технические прогресс.....	237
Вопросы для повторения.....		241
10- глава.	Опыт рынка НИС Юго- Восточной Азии.	242
10.1.	«Драконии» и «тигры» Азии	242
10.2.	Развитие рыночной экономики Южной Кореи	247
10.3.	Особенности рыночной экономики Сингапура	250
10.4.	Опыт развития рынка Тайвана и Гонконга.....	251
10.5.	Влияние Азиатских «Тигров» на экономического развитие рыночных отношений	256
Вопросы для повторения.....		260
11- глава.	Опыт реформ рыночных отношений в Китае .	261
11.1.	Общая информации об экономики Китая.....	261
11.2.	Реформы рыночных отношений	267
11.3.	Экономический рост и экстенсивность	271
11.4.	Особенности инвестиции	274
11.5.	Внутренний и внешний рынок	277
Вопросы для повторения.....		280
12- глава.	Опыт рынка Центральной и Восточной Европы.	282
12.1.	Экономика стран Центральной и Восточной Европы .	282
12.2.	Основные стороны проводимых экономических реформ	286
12.3.	Приватизация государственного имущества.....	290
12.4.	Структурные изменения в экономике	294
12.5.	Внешнеэкономические отношения.....	297
Вопросы для повторения.....		300
13- глава.	Особенности и рыночная экономике Европейского Союза.	302
13.1.	Развитая экономика стран Западной Европы.....	302
13.2.	Периоды развития рыночная экономике до Европейского Союза	307
13.3.	Причины образования и структура Евросоюза	310
13.4.	Этапы развития Интеграционных	313
13.5.	Внедрение «евро» и его положительные стороны	316
Вопросы для повторения.....		320

14- глава.	Место в развитии рыночной экономики Международных Организаций.	321
14.1.	Международная экономическая интеграция.....	321
14.2.	Ассоциация Свободной торговли экономической Северной Америки (НАФТА).....	326
14.3.	Сотрудничество Азиатско – Тихоокеанских стран (АТЭС) АСЕАН.....	329
14.4.	Содружества независимых государств	331
14.5.	Общие мировые экономические организации	333
	Вопросы для повторения.....	340
	Вопросы тест	341
	Глоссарий.....	354
	Информационно – методическое обеспечение.....	360

CONTENTS

Introduction.....		3
Chapter-1.	“Market experience of the developed countries” and its impotency	5
1.1.	Necessity of learning market experience of the developed countries.....	5
1.2.	Impotency of the market experience of the developed countries in the masters’ activity.....	10
1.3.	Conception of developed countries.....	13
1.4.	Signs of developed countries.....	16
1.5.	The object and ways of the course “Market experience of the developed countries”	25
	Questions for repeating.....	28
Chapter-2.	The main terms of formation market economics	29
2.1.	Essence of market economics.....	29
2.2.	The main mechanizes.....	33
2.3.	Market infrastructure.....	42
2.4.	State activity and the balance of market economics.....	44
2.5.	The influence of the forms of property to the market.....	47
2.6.	To privatization of state property.....	57
	Questions for repeating.....	64
Chapter-3.	The role of discretion in the market economics	65
3.1.	Essence of discretion.....	65
3.2.	Condition of discretion.....	75
3.3.	Conception of discretion	81
3.4.	Discrete and business management.....	88
3.5.	The role of small scale business in the economics.....	97
3.6.	Condition of small and middle scale business in Uzbekistan.....	106
	Questions for repeating.....	109
Chapter-4.	National models of the market economic	111
4.1.	Essence of national model.....	111
4.2.	Impotency of maintaining economics.....	117
4.3.	Inducting and passing to the market economics.....	120

	Questions for repeating.....	124
Chapter-5.	Experience of market economics in the USA	125
5.1.	The role of the USA in the the world market economics and its main indicators.....	125
5.2.	The most important priority of unfinancial producing in the national economy.....	131
5.3.	The development of the market economy in the first part of the 20-centure.....	133
5.4.	Managing features of the federal economy.....	145
5.5.	Democratic humanity is the features of economics.....	149
	Questions for repeating.....	153
Chapter-6.	Experience of the market economics in Germany	154
6.1.	Capacity of economics in Germany.....	154
6.2.	Model of social market economy.....	160
6.3.	L.Erhard's "Economic flourish".....	162
6.4.	Revolving of the economic problems dependent on jointing Western and Eastern Germany.....	167
6.5.	The problems of increasing economics in the present Germany and Shredder's theory.....	169
	Questions for repeating.....	179
Chapter-7.	Social market economics in France	180
7.1.	France's economic features.....	180
7.2.	The role of state in the economics.....	186
7.3.	Social market economics.....	191
7.4.	Jyuppe and Jospen's reforms.....	194
	Questions for repeating.....	196
Chapter-8.	The development of liberal market economics in Great Britain	198
8.1.	General information about Great Britain.....	198
8.2.	Great Britain is an older industrial country.....	200
8.3.	The development of agriculture.....	202
8.4.	The development of liberal market economics.....	203
8.5.	Of economic structure.....	206
8.6.	The height of quality life.....	215
8.7.	The model of Anglo-Saxons in the market economics.....	217
	Questions for repeating.....	220

Chapter-9.	Experience of market economics in Japan	221
9.1.	The position of Japan in the world economics.....	221
9.2.	Impotency of national privatization in the miracle economics.....	226
9.3.	The model of democratic capitalism.....	228
9.4.	The peculiarities of Japan producing of manage.....	233
9.5.	Scientific technical progress and economic development.	237
	Questions for repeating.....	241
Chapter-10.	Experience of market in the new industrial countries of South-Eastern Asia	242
10.1.	Asia Dragons and Tigers.....	242
10.2.	The development of the market economics in South Korea.....	247
10.3.	The development of the market economics in Singapore	250
10.4.	Experience of developing market in Taiwan and Garcon.....	251
10.5.	The influence of market attitude to economic development in Tigers.....	256
	Questions for repeating.....	260
Chapter-11.	Experience of reforms of the market attitude in China	261
11.1.	General information about China's economics.....	261
11.2.	Reforms dependent on the market attitude.....	267
11.3.	Economic and extensive.....	271
11.4.	The peculiarities of investigation.....	274
11.5.	Interior and foreign market.....	277
	Questions for repeating.....	280
Chapter-12.	Experience of passing to the market economics in the Central and Eastern Europe Countries	282
12.1.	Economy in the Central and Eastern Countries.....	282
12.2.	The main aspects of the passing economic reforms.....	286
12.3.	To privatization of state property.....	290
12.4.	Structural changes in the economics.....	294
12.5.	Foreign economic affairs.....	297
	Questions for repeating.....	300
Chapter-13.	The peculiarities of market economics in Europe Union	302

13.1.	The developed economics of the Western Europe Countries.....	302
13.2.	The developed periods of the market economics until EEurope Union.....	307
13.3.	The reasons and structure of organizing of Europe Union.....	310
13.4.	The phases of integration process.....	313
13.5.	Inserting of Euro and its good sides.....	316
	Questions for repeating.....	320
Chapter-14.	The role of international organizations and associations developing of the market economics	321
14.1.	International economic integration.....	321
14.2.	Northern America free-trade association.....	326
14.3.	The concordance of the countries over Asian Pacific Ocean.....	329
14.4.	Independent States Organization.....	331
14.5.	Public world economic association.....	333
	Questions for repeating.....	340
	Test questions.....	341
	Glossary.....	354
	List of basic literature.....	360

Умарходжаева Муяссар Ғаниевна

**Ривожланган мамлакатлар бозор тажрибасит
(Дарслик)**

Муҳаррир **Mirboboeva S.A.**

Босишга рухсат этилди 2011й. _____. Бичими **60x80 1/16.**
Шартли босма табағи **22,8.** Адади **100.** ____ - сонли буюртма.

100063, Тошкент ш. Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй, ТДИУ
босмахонаси.